

*Тадеум Доленга Майтоваич*

# МУТТАХАМНИНГ ПАРВОЗИ

*Роман*

*Русчадан ҲАСАН ТУРАБЕКОВ таржимаси*

ТОШКЕНТ  
«УЗБЕКИСТОН»  
1991

1-б о б

Ресторан хўжайини пианиночига қараб қўл силтаган эди, танго садолари дарҳол тинди. Танца тушаётган эркак билан аёл бўм-бўш залнинг ўртасида тўхтаб қолишиди.

— Хўш, қалай?— дея сўради озғингина малла соч жувон. Сўнгра шеригининг қучоғидан чиқди-да, столлардан бирининг четига омонатгина ўтирган семиз хўжайнинг олдига келди.

Хўжайин унинг саволига жавобан елка қисиб қўя қолди.

— Ярамайдими?— беларвогина сўради жувон.

— Қаёқда дейсиз! Узини тутишни мутлақо билмайди. Келишган бўлганида ҳам гўрга эди.

Ҳалиги эркак ҳам уларнинг ёнига келди.

Малла соч жувон унга диққат билан кўз юргутириб чиқди. Эгнидаги костюмининг анча оҳори тўкилган эркакнинг оғзи кичкина, ияги гўштдор бўлиб, тўкила бошлилаган маллатоб соchlарининг ўртасидан фарқи очиб тараалган эди.

— Илгари ҳам бирор ерда танца тушганмисиз?

— Йўқ. Ҳа, айтгандай, тушганман. Фақат ўз ошиларим орасида, албатта. Улар танцага анча яхши тушсан, дейишарди.

— Қаерда танца тушган эдингиз?— лоқайдгина суриштирган бўлди хўжайин.

Танца бошқарувчиликка номзод бўлиб келган ҳалиги киши залга маъюс кўз юргутириди.

— Узимиз томонда, Лисковда тушган эдим.

Бақалоқ кулиб юборди.

— Варшава сизга Лисков эмас, азизим. Биласизми, бу ерда дабдаба ва шукуҳ керак бўлади. Очифини айта қолай: бизга тўғри келмас экансиз, Яхшиси, ўзингизга бошқа иш қидириб топинг.

Доленга-Мостович Тадеуш.  
Д 69 Муттаҳамнинг парвози: [Роман] // [Русчадан  
Х. Тўрабеков тарж.].— Т.: Узбекистон, 1990.— 335 б.  
ISBN 5-640-00661-7

Оддий муттаҳам, ялқов ва қалтабин Никодим Дизма Варшавага инн қидириб келади ва тасодиф туфайли йирик давлат арбоби бўлиб қолади.

Унинг бунлай катта мартабага әришишни бизга ғоят гаройиб туюлади. Аммо буржуя жамиятни иллатларипи назарда тутганда бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ.

Доленга-Мостович Тадеуш.  
Карьера Никодима Дизмы: Роман.

И (Пол)

№ 984—91  
Навоий номли УзССР  
Давлат кутубхонаси

Д 4703010100—323  
М 351 (04) 89 Без объявл. 91

© Fafur Fулом вомидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973  
© Қайта нашри, «УЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1991

Шундай дея у орқасига ўгирилиб, буфет томон йўл олди. Малла соч жувон гардеробга қараб югурдй. Пианиночи роялнинг қопқоғини ёпиб қўйди.

Омади чопмаган раққос шошилмай плашини қўлига ташлади-да, шляпасини бостириб кийиб, эшик томон йўл олди. Шу пайт унинг димогига ошхонанинг иштаҳани қитиқловчи ҳиди урилди: ёнидан бутерброд тўла патнис кўтарганича дастёр бола югуриб ўтди.

Кўча қуёш нурларига ғарқ бўлганди. Пешин маҳали яқинлашмоқда эди. Уткинчилар деярли кўринмасди. Дизма оҳиста қадам ташлаганича Лазенкига жўнади. Пенкная муюлишига етгач, у тўхтаб, жилетининг чўнтағидан никель тангани олди.

«Охириси»,— дея хаёлидан ўтказди у.

Сўнг папирос сотиладиган киоска ёнига келди.

— Иккита «Гран-при».

Дизма қайтимини санаб олди-да, беихтиёр йўлида давом этди ва трамвай бекати олдига бориб тўхтади. Ҳасса тутган аллақандай чол унга хира кўзларини тикиб турарди. Кўлида бир талай тугун ушлаган башанг бир хоним трамвайнин кутар экан, йўлдан кўзини узмасди. Ҳонимдан сал нарида қўлтиғига китоб қистирган бир бола чидамсизлик билан питирлаб турарди. Унинг қўлтиғидаги нарса аслида китоб бўлмай, кул ранг полотнодан тикилган папка эди. Бола Дизмага орқа ўғирганида папканинг оғзида ҳатлар ва корреспонденция топширилгач, эгасидан қўл қўйдирилиб олинадиган бир даста квитанциялар кўринди.

Дизма болага қаради-ю, бир вақтлар нотариус Виндернинг хузурида ҳат ташувчи бўлиб хизмат қилганида ўзи ҳам шундай папка кўтариб юрганини эслади. У пайтлар ҳали уруш бошланмаган эди. Ӯшандан кейин бир оз вақт ўтгач, Дизма Лисковда почта чиновниги бўлиб ишга ўтганди. Фақат нотариуснинг конвертлари ҳаво ранг бўлиб, боланинг папкасидаги конвертлар эса оқ эди.

Бекатга тўққизинчи трамвай келиб тўхтади. Бола трамвайнинг тўхташини кутиб ўтирумай, орқа эшиқдан сакраб чиқсан эди, папкаси тутқичга илиниб қолиб, ҳатлар сочилиб кетди.

«Шумтақанинг омади бор экан — бугун ер қуп-куруқ»,— дея хаёлидан ўтказди раққос, бола ҳатларни қандай териб олаётганини кузатар экан.

Трамвай жойидан қўзғалган эди, битта ҳат зинадан ерга учиб тушди. Дизма оқ конвертни олиб, узоқлашиб бораётган трамвай ортидан қўл силтади. Бироқ ҳатларни папкага жойлаш билан овора бўлиб қолган бола ҳеч нимани сезмади. Силлиқ қофоздан ишланган конвертга қўл билан чиройли қилиб:

*Пан раис*  
АРТУР РАКОВЕЦКИЙГА

Маҳаллий  
Уяздовский хиёбони, 7.

деб ёзиб қўйилган эди.

Оғзи ёпилмаган конвертга икки букланган бежиримгина карточка жойлаб қўйилган экан. Карточканинг бир томонига француз тилида алланиматар ёзилган бўлиб, иккинчи томонида, чамаси, худди ўша гапнинг ўзи поляк тилида баён этилганди:

«Министрлар Советининг раиси зўр мамнуният билан Сиз пан раис зоти олийларини Австрия республикасининг канцлери жаноби олийлари шарафига бериладиган банкетга ташриф буюришларини илтимос қиласидар. Банкет шу йилнинг 15 июль куни, кеч соат саккизда, Европа меҳмонхонасининг биринчи қаватидаги салонларда берилади».

Карточка пастига майда ҳарфлар билан: «Фрак, орденлар», деб ёзиб қўйилган эди.

Дизма адресни яна бир марта ўқиб чиқди: Уяздовский хиёбони, 7. Олиб бориб берса қандай бўларки? Зора бир злотий беришса... Қел, ундан нима кетди. Еттиничи уй! Бу бир неча қадам нарида-ку, ахир.

Уйда турувчиларнинг рўйхатида «А. Раковецкий» фамилиясининг қаршисига: «кв. № 3, бельэтаж» деб ёзиб қўйилган эди.

Дизма зинадан юқори кўтарилиди-да, бир неча марта кўнғироқ тумасини босди. Бир оздан сўнг дарбон пайдо бўлиб, пан раиснинг чет элгá кетганини айтди.

— Омад чопмаса шунаقا бўлади ўзи!

Дизма елкасини қисди-да, қўлида ҳат билан уйи томон жўнади.

Орадан қирқ минутча ўтгач, у Луцкая кўчасига етиб

бординда, ҳар қадамда ғичирлайдиган тахта зинадан бешинчи қаватга чиқиб, эшикни очди.

Ичкаридан Дизманинг димогига гуп этиб қашшоқ хонадоннинг иси урилди: бу ерда пиёздогнинг totли ҳиди билан ҳўл йўргакнинг аччиқ ҳиди аралашиб кетганди. Бурчакдан аёл кишининг товуши эшитилди:

— Эшикни ёпсангиз-чи. Болани шамоллатиб қўясиз!

Дизма алланима деб тўнғиллади-да, шляпасини ечиб, пальтосини девордаги михга илди ва дераза ёнига бориб ўтириди.

— Хўш, қалай? — сўради аёл. — Иш топдингизми?

— Ҳозирча йўқ.

— Эҳ, пан Дизма! Бу ерларда бекорга овора бўлиб юрибсиз. Сизга неча марта айтдим ахир! Қишлоқда ризқи рўзни топиш осонроқ бўлади. Эркакларнинг ҳамаси шунақа ўзи.

Дизма индамади. Мана уч ой бўлибдикি, Панская кўчасидаги «Фил» майхонаси ёпилганидан бери у ишсиз юрарди. Майхонада у ҳарқалай мандолина чалиб, кунинга беш злотий ишларди. Бундан ташқари, у ерда кечки овқати ҳам текинга тушарди. Рост, меҳнат биржаси уни темир йўл узел қурилишига ишга юборди. Бироқ Дизма у ерда инженер билан ҳам, мастер ва ишчилар билан ҳам чиқиша олмади. Икки ҳафтадан сўнг уни ишдан бўшатиб юборишиди. Лисковда эса...

Аёл ҳам, чамаси, шу ҳақда ўйларди.

— Пан Дизма, шундан кўра ўз юртингизга, қариндош-уруғларингизнинг олдига жўнаганингиз маъқул эмасми? У ерда сизга доим иш топилади.

— Менинг ҳеч қанақа қариндош-уруғим йўқ, деб айтганман-ку, сизга, пани Валентова.

— Үлиб кетишганми?

— Ҳа, үлиб кетишган.

Валентова картошкасини артиб бўлиб, қозончасини оловга қўйди.

— Варшаванинг одамлари ярамайди, кейин иш топиш ҳам жуда қийин, — дея гап бошлиди у яна. — Мисол ҳам жуда қийин, — дея гап бошлиди у яна. — Мисол эримни олинг: ҳафтада атиги уч кун ишлайди, топгани озиқ-овқатга аранг етади. Уларнинг директори — отинг ўчтур анови Пурмантер, молимиз ўтмаяпти, шу боисдан фабрикани бутунлай ёниб қўйишса керак, деётганмиш. Агар Манька бўлмаганида квартира ҳақини ҳам тўлай олмасдик. Қиз боёқиши қийналиб кетди, ле-

кин начора? Агар бир ҳафта ичиди иккита жазман топмаса...

— Эҳтиёт бўлсин, — аёлнинг гапини бўлди Дизма, — билетсиз ушлаб олишса... Чатоқ қилишади!..

Валентова боласини йўргаклаб бўлиб, ҳўл латтани плита устига осиб қўйди.

— Оғзингиздан ел учирсин! — деди зарда билан у. — Ундан кўра ўзингизга қаранг. Уч ҳафтадан бери пул тўламай, бекорга жойни эгаллаб ётибсиз. Сиздақа ижаригирдан ўлгурдиму!

— Кўрқманг, тўлайман, — дея тўнғиллади Дизма.

— Туянинг думи ерга теккандами. Ҳи беш злотий — деярли сув текин... Лекин шуниям тополмаяпсиз. Қаерга борманг, дарров кавушингизни...

— Буни сизга ким айтди, пани Валентова?

— Буни нимаси сир экан? Узингиз Манькага айтиб берибсиз-ку.

Орага жимлик чўкли.

Дизма дераза томон ўгирилиб, қўшни флигелнинг сувоги кўчган деворига тикилганича хаёлга ботди. Чиндан ҳам унинг омади юришмаётганди. У бирор ерда муқим ишлай олмасди. Дизмани гимназиянинг тўртичини синфиданоқ қулоқсиз ва ялқовлиги учун ҳайдаб юборишиганди. Нотариус Виндер уни бошқалардан кўпроқ тутиб турганди. Эҳтимол, кичкина Никодим немисчани оз-моз билиши — ҳарқалай, қаёққа юборишаётганини тушуниши учун шундай бўлгандир. Кейин почта идораси, арзимас маош ва бошлиқнинг доимий дўқ-пўписаси... Уруш. Телеграф батальонининг обозида уч йил хизмат қилган Дизманинг эришган ягона мансаби ефрейторлик унвони бўлди, холос. Сўнг яна Лисковдаги почтада хизмат қилди. Почтадан штатлар қисқариш баҳонаси билан кавушини тўғрилаб қўйишгач, черков ксендзи уни кутубхонага ишга киритиб қўйди. Бироқ у ерда ҳам Дизма бор-йўғи бир қишигина ишлади: апрель ойидаёқ унинг китоб жавонларини тартиб билан сақлай билмаслиги аён бўлиб қолди.

Ҳарқалай кутубхонада хизмат қилиш анча қизик эди...

Дизманинг хаёlinи нарироқда жойлашган фабрикаларнинг тудоги бўлиб юборди. У Валентованинг тушки овқатга дастурхон ёзаётганини кўриб, аста ўрнидан турди-да, ташқарига чиқиб кетди.

Дизма оёғи сирқирағ оғриётганига қарамай қуёш тафтида қизиб кетган күчаларда анчагача санқиб юрди. Ўйда ўтириб, Валентнинг тўнғиллаши ва Манъканинг пичингларини эшитишта — энг муҳими эса — уларниң қандай овқатланишларини томоша қилишга унинг ортиқ тоқати қолмаганди. У икки кундан бери туз totмаган эди. Чўнтағидаги сўнгги пулларига эса фақат папирос олиб чекарди.

Колбаса дўкони ёнидан ўтар экан, Дизма нафасини ичига ютди — дудланган гўштнинг ҳиди унинг асабига ёмон таъсир қила бошлаганди. У озиқ-овқат маҳсулотлари чиройли қилиб териб қўйилган витриналарга қарамасликка уринарди, бироқ очлик, барibir, борган сайнин кўпроқ азоб берарди.

Дизма иш топишига умид йўқлигини жуда яхши тушнарди.

Бундан у чўчирмиди? Йўқ, сира ҳам чўчимасди. Дизма, баҳтига тасаввур қилиш қобилиятидан маҳрум эди. Уз режаларини у икки-уч кунгагина мўлжаллаб тузарди. Агар ўтган ҳафта Дизма соатини сотиб кун кўрган бўлса, келаси ҳафтада у фраги билан локланган ботинкасини бозорда пуллаб ҳаёт кечириши мумкин эди.

Рост, бу костюмга пул йигиши учун унинг кўпгина нарсалардан воз кечишига тўғри келган эди; Дизма бу костюмга катта умид боғлаганди: ахир ресторонга танца бошқарувчиси бўлиб ўрнашиб олганида енгилгина пул топиши мумкин эди-да. Бироқ бир неча уриниши бекор кетганидан сўнг Дизма ҳеч ким уни танца бошқарувчилигига ишга олмаслигини тущуниб қолди ва сира иккиланиб ўтиrmай кишилик костюмини сотиб юборишга қарор қилди.

Соат олтиларга яқин у қатъий бир қарорга келди-да, уйга қараб йўл олди.

Ўйда фақат қилпиллама, қора соч Манъкагина ўтирган экан. Чамаси у кечки овга жўнамоқчи бўлиб турган экан шекилли, ойна олдида пардоз қиласётганди. Қиз унинг чамадонига ўрнашиб олгани боисидан Дизма халал бермаслик учун бурчакка бориб ўтириди.

Манъка биринчи бўлиб гап очди:

— Энди тескари қараб туринг: мен кўйлагимни алмаштириб оламан.

— Ҳалиям қараётганим йўқ,— дея тўнғиллади Дизма.

— Жуда яхши. Бўлмасам кўзингиз тўйиб, кейин қарагингиз келмай қолади.

Дизма сўкиниб қўйди. Қиз секин кулди-да, кўйлаги чеди. Никодим чиндан ҳам унга мутлақо бефарқ қарарди. Бироқ қиз доим унинг ғашига тегиб юради. Қани энди иложи бўлса-ю, Дизма унинг оғзини ёпиб, квартирадан чиқариб ташласа! Манъка унга негадир ўчакишгандай ҳаёсизлик билан шилқимлик қиласди. Бироқ бу ҳол унинг эркаклик иззат-нафсига, инсонлик қадр-қимматига уччалик тегмасди ҳам, чунки бундай иззат-нафснинг пайдо бўлиши учун шароитнинг ўзи йўқ эди. Қадр-қиммат ҳақида эса Дизма мутлақо ўйламасди. Боз устига Никодим, ижтимоий нуқтаи назардан қараганда, ўзи яъни «ишиз зиёли» бўлмиш бир одам билан манови қиз ўртасида унча катта фарқ сезмасди. Ҳамма гап шундаки, қиз пичинглари билан унинг ҳаётини заҳарлаётган эди.

Бу орада Манъка бошқа кўйлагини кийиб, елкасига рўмолини ташлади-да; Дизманинг олдига келиб, йирик-ирик тишларини кўрсатиб илжайди.

— Қалай, жонон зўр бўлибдими?

— Йўқол, алвости!— дея қичқирди Никодим ғазаб билан.

Қиз икки бармоғи билан унинг иягидан тутган эди, Дизма унинг кўлига қараб бир урди.

— Вой, газанда-ей!— пишиллади бир оз орқага чекиниб қиз.— Муттаҳам, ялқов! Кўлини кўтаради-я?! Манови жулдуурвоқини қаранг-а!

Манъка шу йўсида уни анчагача қарғади, бироқ Дизма унга қулоқ солмасди. У чамадонини очиб, фракни қанчага сотиши мумкинлигини чамаламоқчи эди... Ҳарқалай эллик злотий беришса керак. Ўзи уни Керцелякда<sup>1</sup> етмиш злотийга олган эди. Локланган ботинкасиндан ҳам саккиз-ўн злотий зарар кўрса керак.

Беланчакда ётган чақалоқ йиғлай бошлаган эди, қўшниларнига чиқиб кетган Валентова югуриб келди. Манъка шундан кейингина чакаги тиниб, эшикни тарақлатиб ёпганича ташқарига чиқиб кетди.

Дизма чамадондан фракни олди.

— Ўхў,— дея илжайди Валентова.— Балга бормоқчимисиз ёки тўйгами?

<sup>1</sup> Керцеляк — Варшавадаги бозорнинг номи.

Дизма жавоб қилмади. У фрак, шими ва нимчасини ҳафсала билан таҳлаб, газетага ўради-да, Валентовадан каноп сўради.

Шу пайт Валент келиб қолди. Хотини унга олиб қўйган картошкани исита бошлаган эди, хонани яна пиёздог хиди тутиб кетди.

— Пан Дизма,— сўради Валент,— Керцелякка бормоқчимисиз?

— Ха, Керцелякка.

— Аммо бугун шанба-ку. Жуҳудлар йўқ, ўзимиз-никилар эса жуда кам харид қилишади. Мабодо олишса ҳам, жуда арzon-гаровга олишади.

Қозондаги ёғ чирсиллаб турарди. Никодим тупугини ютди.

— Қанчага олишса ҳам майли, айтганларига сотаман.

Бирдан у чўнтакларини қараб кўрмаганини эслади-ю, дарҳол тугунини ечди. Чиндан ҳам шимининг чўнтағида шиша тамакидон билан фракида. дастрўмоли қолган экан.

Никодим уларни олиб, пиджагининг чўнтағига солган эди, қўли аллақандай номаълум нарсага тегиб кетди. Картон шекилли...

Хай! Трамвай бекатида тәпиб олган таклифнома-ку.

Никодим яна карточкини қонвертдан олиб, ўқиб чиқди. Кутимаганда уни таклифноманинг тагидаги илова ҳайратга солди.

«Фрак, орденлар».

Ўзининг фракига қаради. Банкет. Овқат, мазза қилиб тўйиб олиши мумкин. Яна ҳаммаси текин.

«Ақлдан оздим шекилли»— дея ўйлади у. Сўнг яна ўқий бошлади: «Шу йилнинг 15 июль куни, кеч соат саккизда».

Ҳалиги фикр миясини чулғаб олиб, сира нари кетмасди.

— Пан Валент, бугун ўн бешинчими?

— Ха, ўн бешинчи.

— Ҳозир соат неча бўлди?

— Ҳали ўн ҳам бўлади, ҳозирча етти бўлиб турибди. Дизма бир минутча хаёлга чўмиб, серрайиб қолди.

«Хўш, мени пишириб ейишармиди?— дея ҳаёлидан ўтказди у.— Нари борса қувиб чиқаришади-да. Лекин у ерда одам кўп бўлади...» Шундан сўнг соқолини олишга тутинди.

Дизма уезд кутубхонасида ишлаб юрган кезлари пешинга яқин залда деярли ҳеч ким бўлмасди. Шунда у зерикканидан китоб ўқий бошларди. Баъзан турли граф ва министрларнинг уйларидағи баллар ва зиёфатлар тасвирланган китоблар ҳам учраб қоларди. Уларда ёзилишига кўра, бундай катта йиғинларда бир-бирига нотаниш бўлган кўпилаб одамлар келишарди. Демак, унинг ҳам омади юришиши мумкин эди. Муҳими — кўзга ташланмаслик керак.

Уй эгалари стол ёнида картошка еб, чой ичиб ўтиришарди.

«Овқат, жуда кўп овқат,— дея ўйларди Дизма.— Гўшт, ион, балиқ...»

У юзини ювиб, қаттиқ соchlарини таради-да, крахмалланган кўйлаганин кийди.

— У тўйга кетяпти деб айтмадимми сенга?— деди Валентова. Валент Дизмага қўз қирини ташлади ва хотинига қараб:

— Ишинг бўлмасин!— дея тўнғиллаб қўйди.

Дизма тор ёқасининг тугмасини бир амаллаб қадади-да, галстугини тақиб, эгнига фрак кийди.

— Овқат, жуда кўп овқат,— шивирлади у.

— Нима дедингиз?

— Ҳеч нима. Хайр, яхши қолинглар.

У йўл-йўлакай габардин плашининг тугмасини тақиб, зинадан пастга тушди. Сўнг нарироқдаги фонарь тагига бориб, исм ёзилмаганига ишонч ҳосил қилиш учун таклифномани яна бир бор ўқиб чиқди-да, билетни чўнтағига солди ва конвертни йиртиб, ариққа ташлади.

Дизма ҳали Варшава кўчаларини яхши билмас эди. Шу боисдан у қайси йўлдан боришини ўйлаб, бир зум иккиланиб турди ва ийҳоят, ўзига, таниш кўчалардан юришга қарор қилди. У Желязная кўчасига бурилди-да, Хлоднаядаги муюлишдан костел томон йўл олди. У ерда Электоральная кўчаси билан Банка майдони яққол кўриниб турарди.

Ишчилар кварталида кечки ҳаёт ўз мароми билан оқмоқда эди. Қовоқхоналардан гармониканинг бўғиқ садолари эшитилар, ифлос тротуарларда пиджакларини ёқавайрон қилиб ўсмиirlар ва ёш ишчилар тўда-тўда бўлиб юришарди. Кизлар уч-тўрттадан бўлишиб, бир бирларини қўлтиқларидан ушлашганича саир қилишар ва нуқул ҳиринглашиб, алланималарни пичирлашарди.

Кексароқ аёллар қўлларида болалари билан дарвозалар олдида туришар ёки уйларидан олиб чиқсан табуретка-ларда ўтиришарди.

«Шанба куни ҳордиқ чиқаришяпти»,— хаёлидан ўтказди Дизма.

Электоральнаяда ҳам одам кўп эди: шанбани байрам қилиб юрган яхудийлар тротуар у ёқда турсин, катта кўчага ҳам тушиб кетишганди.

Дизма Театр майдонига етиб борганида ратуша ми-норасидаги соат саккиздан беш минут ўтганини кўрса-тиб турарди. У қадамини тезләтди да, бирпасда Европа меҳмонхонасига етиб борди.

Ялтироқ лимузинлар кети узилмай келиб турарди, улардан башанг кийинган эркаклар тушишарди. Но-нимлар кун иссиқлигига қарамай, ёқаларига мўйна ту-тиб олишганди.

Дизма бир зум довдираб қолди.

Ишқилиб ўзини сездириб қўймасмикин?

Бироқ очлик устун келди. Нима бўлгандаям қоринни тўйдириш керак! Кейин олдиларига солиб қувишича ҳам майли — бунақа ташвиш кимнинг бошига тушмабди дейсиз?

Дизма тишини тишига қўйиб, ичкари кирди. У кўзи-ни очиб-юмгунча лакейлар пальтоси билан шляпасини ечиб олишди, аллақандай бир жаноб эса одоб билан уни залгача кузатиб қўйди ва ҳатто эшикни очиб ҳам берди.

Оппоқ кенг зал, тим қора фраклар, хонимларнинг ранг-баранг кийимлари Дизманинг кўз ўнгига пир-пир айлана бошлади. Атир-упанинг хиди ва гангир-гунгир товушлар Дизмани эсанкиратиб қўйган эди.

У эшик олдида тўхтаган эди, бирдан олдида бир жа-нобнинг таъзим қилганича қўл узатиб турганини кўриб қолди. Дизма унга беихтиёр қўлини чўзди.

— Узимни таништиришга ижозат этгайсиз,— деди ҳалиги жаноб,— Антоневский, бош министрининг шахсий секретари бўламан. Пан бош министр номидан сизга, келганингиз учун миннатдорчилик изҳор этишга рухсат этгайсиз. Марҳамат, мана закускалар...

Шундай деди-ю, гапини охиригача ҳам етказмай, эшикдан кириб кўлган икки озғин чол томон йўрғалаб кетди. Дизма пешанасидаги терни артди.

— Худога шукур! Энди фақат қўрқмаслик керак!..

У энди ўзини босиб, залга анча ўрганиб қолған эди. Баъзи одамлар қўлларида тарелка тутишганича узун стол ёнида тамадди қилишарди, баъзилар эса кичик-кичик столчалар ёнида ўтиришарди. Дизма очликни енгуб, меҳмонлар ўзларини қандай тутшаётганини бир оз кузатишга қарор қилди. Сўнг ўзи умри бино бўлиб кўрмаган ажойиб таомлар териб қўйилган стөлга кўз югуртириди. Шу тобда у мазкур таомлардан биронтасини шартта олиб, бирор бурчакда паққос туширгиси келди. Бироқ у ўзини босиб, кузатища давом этди.

Ниҳоят, Дизма юрак ютиб, тарелка қидира бошлади. Тарелка топгач, унга вилка билан бир талай салат ва паштет бўлагини солиб олди. У оғзи сўлакка тўлиб, кўзини тарелкадан узолмай қолган эди. Дизма бирор панароқ жой топиш учун орқасига ўгирилган эди, кутилмаганда кимдир тирсагини қаттиқ туртиб юборди. Кўлидаги тарелка ерга тушиб, чил-чил бўлди.

Никодимнинг ғазаби қайнаб кетди. Унинг олдидан ҳеч нимага эътибор бермай аллақандай бақалоқ одам ўтиб бормоқда эди. У ҳатто эпсизлиги учун ўгирилиб кечирим сўрашни ҳам лозим топмади. Агар Дизма ўзини тута олганида, эҳтимол, бундай ҳаддидан ошмаган бўларди. Бироқ шу дамда у фақат бир нарсани: ана шу бақалоқни деб оғзидаги нондан ажраб қолаётганини хис этарди.

У икки ҳатлаб айбдорга етиб олди да, унинг тирса-гидан тутди:

— Кўзингизга қараб юрсангиз бўлмайдими, жин урсин сизни! Қўлимдаги тарелкани уриб туширдингиз!— деди у жаҳл билан ҳалиги одамга қараб.

Ҳайрат ва ҳатто кўркувдан бақалоқнинг кўзи ола-кула бўлиб кетди. У полга қаради да, хижолат чекиб, кечирим сўрай бошлади.

Атрофдаги одамлар жимиб қолишиди. Югуриб келган кельнер тарелка синиқларини териб олиб, Дизмага ян-гисини узатди. Дизма қандай тентаклик қилганини ҳали тушуниб ҳам етмай, тарелкага яна салат сола бошлади. Кейин бир четга ўтиб, бир оз ўзига келди да, бирдан уни ҳозирнинг ўзидаёқ олдиларига солиб қувишилари мумкинлигини тушуниб қолди. Шундан сўнг у кўпроқ еб олиш учун овқатни чайнамай юта бошлади.

Бу орада зал меҳмонларга тўлиб борарди. Дизма ўзига ҳеч ким эътибор бермаётганини кўриб, бирмунча

енгил тортди. Шундан сўнг у анча руҳланиб, тарелкасини яна тўлдириб олди. Кейин олдида конъяқ тўла қадаҳлар терилган патнисни кўриб қолди-да, кетма-кет икки қадаҳни бўшатди ва ўзини анча дадил ҳис эта бошлади. Орадан бир оз вақт ўтга, Никодим учинчи қадаҳни қўлига олган эди, аллаким у билан қадаҳ уриштираётганини кўриб ажабланди. Шу пайт кимнингдир:

— Сиз билан ичсам майлими?— дея сўрагани эши-тилди.

Дизманинг ёнида полковник муандирини кийган, баланд бўйли, қора соч бир одам маънодор жилмайиб турарди.

Улар қадаҳларини бўшатишгач, полковник Дизмага қўл узатди.

— Вареда.

— Дизма,— худди акс садодек жавоб қилди Никодим ва унинг қўлини қисди.

— Табриклиман сизни,— деди Дизма томон эгилиб полковник.— Анови Терковскийни жуда қойиллатдингизда. Ҳаммасини кўриб турувдим.

Дизма қип-қизариб кетди.

«Ҳозир у мени қувиб солади,— дея хаёлидан ўтказди у.— Лекин тилёғламалик қилишига ўласанмی!»

— Уша аҳмоқни ўйлаганингизда ҳозир ҳам қонингиз қайнаб кетяпти,— деди полковник ва ҳахолаб кулиб юборди.— Табриклиман сизни, пан... Дизма. Анчадан бери ҳеч ким Терковскийнинг бундай адабини бермаган эди. Сизнинг соғлигингиз учун!

— Аҳамияти йўқ! Фақат... салат билан тарелкага ачинаман!

Вареда яна қаҳ-қаҳ отди.

— Ҳазиллашыпсиз чоғи! Бу дейман жуда асқиячи экансизу, пан Дизма! Сизнинг соғлигингиз учун! Биласизми,— деди у қадаҳни патнисга қўяр экан,— ахир бу жуда ажойиб ҳазил бўлди: Терковскийнинг аҳамияти йўқ, салатга ачинаман, дедингиз-а!

Полковник завқланиб, тинимсиз қаҳқаҳа отарди. Гарчи полковникнинг нимадан бунчалик завқланаштаганини тушунмаса-да, оғзидағи бутербродини ютишга улгурмаган Дизма ҳам унга қўшилишиб кула бошлади.

Вареда Дизмага папирос узатди. Шундан сўнг иккви дераза ёнига ўтиши. Вареда билан Дизма эндигина

папирос тутатишган ҳам эдики, ўрта бўйли малла сочларига оқ оралаган, шиша каби хира ялтираб турган кўзлари совуқ бир одам тез-тез юриб, уларнинг олдига келди.

— Вацек!— дея қичқирди у.— Папиросингдан чўз. Үзимникини унутиб колдирибман.

Полковник яна чўнтағидан кумуш портсигарини чиқарди.

— Марҳамат. Таништиришга ижозат бер: пан Дизма! Пан министр Яшунский!

Дизманинг юраги орқасига тортиб кетди: у умри бино бўлиб, ҳали министрни кўрмаган эди. Лисковдаги почта идорасида министр тўғрисида гаплашишган кезлари бу сўз у ердаги кишилар тасавурида қандайдир хаёлий, мавхум, жуда йироқ ва етиб бўлмайдиган бир тушунча сифатида намоён бўларди... Никодим зўр эҳтиром билан министрнинг қўлини қисди.

— Тасаввур қилгин-а,— деди полковник,— пан Дизма ҳозир анови аҳмоқ Терковскийни роса боплади-да.

— Аҳ! Ӯша одам сизмисиз? Буни қаранг-а!— жонланиб кетди министр.— Эшитдим, эшитдим. Ҳўш-ҳўш!

— Бунисиям майли-я,— дея давом этди полковник,— мен пан Дизмани табрилаган эдим, у бўлса: «Терковскийнинг аҳамияти йўқ, салатга ачинаман!» деб жавоб қилди. Тасаввур қилгин-а: салатга!

Иккови қаҳқаҳа отиб кулишди. Дизма ҳам бенхтиёр уларга қўшилиб кула бошлади. Шунда министр бирдан жимиб қолди-да, маънодор қилиб деди:

— Ҳубилармон ӯдамларнинг аҳволи шунаقا бўлади. Ҳеч кимни писанд қилмай қўйган эди, ҳайвон. Энди бўлса...

— Салатга ҳам арзимас экан!— дея гапни олиб кетди полковник Вареда.

Ҳаммаси яна ҳахолаб кулиб юборди, министр эса Дизманинг қўлтиғидан тутиб, қувноқлик билан деди:

— Ҳарқалай, сизни чин юракдан табриклиман, пан Дизма. Чин юракдан. Агар мамлакатимизда аҳмоқларнинг додини берадиган сиз каби кишилар кўпроқ бўлганида, аҳволимиз бутунлай бошқача бўларди. Ҳа, бизга кучли одамлар керак.

Уларнинг ёнига яна бир неча эркак келиб, сухбат қизиб кетди.

Дизма ўзини босиб олганди. Тўқлик ва уч-тўрт қадаҳ конъяк таъсирида унинг асаблари анча жойига тушгани эди. Аввалига у, мени биронта одамга ўхшатишяпти, деб ўйлади. Ким билсан, эҳтимол, Варшавада у билан фамилияси бир хил бўлган бирор қариндоши бордир? Бироқ кейин у, булар аллақандай Терковскийни койиб берганим учун мени ўзимизнинг одам ҳисоблашяпти, деган қарорга келди. Ким экан ўша Терковский? У ҳам бирор мансабдор бўлса керак-да, албатта!

Шуларни ўйлар экан, Дизма тезроқ жуфтакни ростлашга қарор қилди. Никодимни, айниқса, нарироқда уни дикъат билан кузатиб турган кекса бир жаноб ташвишга солиб қўйган эди. Уша жаноб Дизманинг юзига қараш учун ҳатто бир-икки марта унинг атрофидан айланиб ҳам ўтди.

«Оббо лаънати! Бу алжиган чолга нима керак ўзи?»

Тезда бу саволга жавоб ҳам топилди. Кекса жаноб ёнидан ўтиб кетаётган кельнерни тўхтатди-да, Дизма томон бош иргаб, унга алланима деди. Кельнер унга таъзим қилиб, Дизманинг ёнига келди.

— Сиздан бир минутга эътибор беришингизни илтимос қилишяпти.

Ўзга чора қўлмаганди. Жуфтакни ростлаш ҳақида ўйламаса ҳам бўларди, Никодим чолга хўмрайиб қарди-да, олдинга қараб юрди. Бироқ чол оғзининг таноби қочиб, жилмайганича бидирлай кетди:

— Мени афв этасиз, агар янгишмасам, сиз билан бултур Krakovda, саноатчилар съездидаги танишиш шарифига мұяссар бўлган эдим. Ёдингиздами? Апрель ойи эди... Леон Куницкий...

Чол кичкина қалтироқ қўлини хирадик билан Дизмага узатди.

— Леон Куницкий!

— Никодим Дизма! Сиз янгишмасиз: Krakovda ҳеч қачон бўлган эмасман. Мени биронта одамга ўхшатиш сиз шекилли.

Чол кечирим сўраб шундай бидирлай бошладики, Дизма унинг гапини аранг тушуниб олди.

— Ҳа, ҳа, албатта, чолларнинг кўзи ўтмас бўлади... Паришонхотирлигим учун кечириасиз, лекин барибир ғоят курсандман. Бу ерда танишларим деярли йўқ десам бўлади. Икки оғиз гаплашишга бирорта одам топилмаса-я! Бир ишни ҳал қилишим керак эди, шу боисдан

ҳам бир ошнамдан таклифнома төниб беришни илтимос қилдим, лекин ёлғизлик қурсин... Сизни кўриб жуда курсанд бўлиб кетдим,— деда жаги жағига тегмай бидирлади чол,— ҳа жуда курсанд бўлиб кетдим. Боз устига қишлоқ ҳўжалиги министри билан яқин алоқада эканлиз. Шундан кейин: танишим-ку... яхшилик қилиб, пан министр Яшунскийга мени танитиб қўяр, деб ўйладим. Аммо янгишибман, мени кечириасиз!

— Ҳечқиси йўқ.

— О, йўқ, пан министр билан сұхбатингизни бўлиб қўйдим. Биласизми, мен провинцияда яшайдиган оддий бир одамман. Биз қишлоқилар шунаقا содда, бетакаллум бўламиз.

«Оббо, бунча вайсамаса»,— деда ҳаёлидан ўтказди Дизма.

— Бир қошиқ қонимдан кечасизу,— Никодимни ўз ҳолига қўймай давом этди Куницкий,— кекса бир одамга бйтта яхшилик қилмайсизми?

— Қанақа яхшилик?— ажабланди Дизма.

— Майли, майли, хирадик қилмайману, лекин сиз, пан Дизма, айтайлик, мени пан министрга таништириб қўйганингизда, у қиши мени ўз дўстининг яқин одами, деб ҳисобларди.

— Дўстининг дейсизми?— очиқдан-очиқ ажабланди Дизма.

— Хе-хе-xel.. Йўқ деманг, муҳтарам дўстим: сизнинг пан министр билан сұхбатингизни ўз қулогим билан эшилдим. Ўзим кексайиб, кўзим хирадашиб қолган бўлса-да, қулогим жуда яхши эшилади. Мени таништириб қўйсангиз бас, у ёғини... Масалан, пан министрга: «Азизим пан министр, рухсат беринг, сизга яхши танишим Леон Куницкийни таништириб қўяй...»— десангиз борми, жуда ажойиб иш бўларди-да!..

— Нималар деяпсиз, пан Куницкий...— эътиroz билдириди Дизма.

— Хирадик қилмайман, хирадик қилмайман... хе-хе-xel.. Лекин сиздан ғоят миннатдор бўлардим. Сиз учун бу жуда осон-ку, шундай эмасми?

Қўшни зал эшиги очилган эди, меҳмонларнинг бари ўша ёқка юра бошлашди. Дизманинг ёнидан ўтар экан, министр Яшунский жилмайиб қўйди ва ҳамроҳларига қараб деди:

— Бугунги кечанинг қаҳрамони.

Шу пайт Куницкий Дизмани хиёл итариб олдинга ўтказди-да, ўзи таъзим қылганича қотиб қолди. Никодим беихтиёр:

— Сизга дўстим пан Куницкийни таништиришга ижозат этгайсиз,— деб юборди.

Яшунскийнинг ажабланғанлиги юзидан шундоқ сезилиб турарди. Министр оғиз очишга ҳам улгурмай Куницкий унинг қўлидан тутиб, бидирлай кетди: у шундай ажойиб давлат арбоби билан танишишдан жуда баҳтиёр эмиш. Ватан, айниқса, қишлоқ хўжалиги ва жумладан, ўрмончилик олдида пан министрнинг хизматлари фоят катта экан; Куницкий ўла-ўлгунча шу баҳтиёр дамни унутмасмиш, чунки зироатчи ва ёғоч тилиш корхоналарининг эгаси сифатида бў хизматларнинг қадрини билармиш, бироқ афсуски, пан министрнинг қўл остидаги ҳамма одамлар ҳам унинг буюк раҳбар ғояларини тўғри тушунишавермас эмиш, лекин шунга қарамай бунг‘а эришса бўлар экан; шу боисдан ҳам у, яъни Куницкий уни пан министрга танитиб қўйгани учун муҳтарам пан Дизмадан фоят миннатдор эмиш.

Чол шу қадар тинимсиз бидирлар эдики, фоят ажабланган министр фақат:

— Жуда хурсандман,— дейишга улгурди.

Бироқ шилқим чол Гродно вилоятидаги давлат ўрмонлари ва аллақандай ёғоч заводлари хақида оғиз очган эди, министр дарҳол унинг гапини бўлди:

— Хеч бўлмаса банкетда мени шу ишлардан тинч қўйинг. Бўлмасам министрликда қиласидиган ишим қолмайди.

У Дизма билан қўл бериб хайрлашди-да, Куницкийга бош ирғаб, залга кўриб кетди.

— Жуда метин экану бу министрингиз,— деда гап қотди Куницкий.— Уни шундай одам деб сира ўйламаган эдим. Узи доим шунақами?

— Доим шунақа,— ҳар эҳтимолга қарши жавоб қиласиди Дизма.

Расмий тантаналар тугаб, меҳмонларни ресторонга таклиф қилишди.

Чол Дизмага ёпишиб олди. Зиёфатда ҳам у Никодимнинг ёнида тинмай гапириб ўтириди. Дизманинг боши айланиб кетди. Тўғри, бунга коњъяк билан икки-уч қадаҳ вино ичгани сабаб бўлса керак. Фоят чарчаганидан унинг ўйқуси кела бошлади. Гарчи қорни тўқ бўлсанда, ўқтин-ўқтин ява овқат ейишга ва ичкилик ичишга тўғри келар, бундан эса у қаттиқ азобланар эди. Дизма Луцкаядаги уйига қайтиб, дераза олдидаги буқлама койкасида қандай ҳузур қилиб ухлаши тўғрисида ўйлай бошлади. Эртага якшанба — ҳарқалай соат ўнларгача уйғотишмаса керак.

Бироқ Куницкий унинг қўлтиғидан тутди.

— Менга қаранг, азизим, соат энди ўн бир бўлиби. Келинг, бир қадаҳ-бир қадаҳ ажойиб венгер виносидан ичайлик. Мен шу ерда, Европа меҳмонхонасининг иккичи қаватидан номер олганман. Илтимос қиласман. Хўш, азизим пай Дизма, йўқ демайсиз-а! Қитдек-қитдек вино ичиб, тинчгина хонада ўтирамиз... А? Хўп денг, кўп эмас, ярим соат, чорак соат...

Шундай дея чол Дизмани деярли сургаб ўз хонасига бошлади. Улар вестибулга чиқишиб, тезда кенггина номерга киришди. Куницкий телефон қилиб, венгер виносидан кўлтиришни буюрди.

Бу орада пастдаги ойнабанд айланма эшик ҳар айланишида цилиндр кийган эркаклар ва башанг хонимларни пуркаб чиқармоқда эди. Тротуар четида турган швейцар:

— Пан Яшунскийнинг машиналари!— деда қичқирди. Ялтироқ лимузин эшик олдига келиб тўхтади.

— Менга қара, Вацек, Терковскийни боллаган анови ошиангнинг фамилияси нима эди?— сўради министр полковник Вареда билан хайрлашар экан.

— Кулинг ўргилсин йигит!— деди қатъий оҳангда оёғида аранг турган полковник.— Фамилияси Дизма. Жуда қойиллатди-да ўзиям.

— Куницкий билан дўстлигидан помешчик ёки сабоатчи бўлса керак. Уша Куницкий шпал етказиб бериш муносабати билан бир судлашган эди.

— Айтиман-ку сенга: шоввоз йигит! Унча-мунча одамга гап бермайди.

— Ҳа, рост айтасан, кучли характер. Френология<sup>1</sup> ишонаман. Пешанаси ва пастки жаги туртиб чиқсан. Френологияда гап кўп. Хўп, саломат бўл.

Мотор гуриллаб, эшиклар шарақлаб ёпилди. Полковник тротуарда ёлғиз қолди.

<sup>1</sup> Френология — одамнинг ақлий ва маънавий ҳусусиятлари унинг бош сүяқ формасига боғлиқ, деб тарғиб қилувчи реакцион назария. (Тарж.)

— Нима бало, жин ургуринг қайфи ошиб қолганми,— дерди ўзига-ўзи Вареда.— Характернинг хронологияга нима алоқаси бор?

## 2- боб

Яшил абажурли стол лампаси баҳмал дастурхондаги сигара солинган кути, моғор боғсан шиша ва қаҳрабо рангли суюқлик тўла иккита қадаҳ кўйилган кичик бир доирани ёритиб турарди. Фира-шира қоронғиликда хонадаги анжомларнинг тархи кўзга аранг чалинарди.

Дизма ўзини юмшоқ креслога ташлаб, кўзини хиёл юмди. Боя еган овқатлари энди уни лоҳас қилмоқда эди. Агар столнинг нариги ёғида нимжон сұхбатдошининг оппоқ ёқаси ва бир дона ҳам қора толаси қолмаган соchlарни липиллаб турмаганида, Никодим чолнинг худди маржонларни ипга тераётгандек бир маромда сўзлашидан ухлаб қолиши турган гап эди.

Куницкий ним қоронғида кичкина ва ўтқир кўзларини Дизманинг кўзидан узмай тинимсиз гапирмоқда эди.

— Ана шунаقا, провинциядаги майдада чиновниклар дастидан ўлар бўлсак ўлиб бўлдик. Қачон қарасанг тирғилишгани тирғилишган. Нуқул циркуляр ва уставларни пеш қилишади. Ҳаммаси мени хонавайрон қилиб, ишчиларимни бир бурда нондан маҳрум қилиш пайида. Пан Дизма, ўлай агар, мени фақат сиз кутқаришингиз мумкин.

— Мен-а?— ажабланди Дизма.

— Ҳа, сиз,— ишонч билан такрорлади Куницкий.— Ишонасизми, шу иш билан Варшавага тўртинчи бор келишим. Шунинг учун: агар бу гап ҳам ўша бефаросат, ўша лўттивоз Ольшевскийни енга олмасам, агар министрликда давлат ўрмонларидан дурустроқ шарт билан ёғоч олишга эришолмасам, ҳамма ишга чек қўяман, деган қарорга келдим! Ҳаммасининг баҳридан ўтаман! Яхудийларга тахта тиладиган, мебель, қофоз ва цеплюлоза ишлаб чиқарадиган барча фабрикаларимни сотиб юбораман. Майли, айтганларига ола қолишсин. Кейин ахволим нима кечади билмайман. Эҳтимол, ўзимни ўзим отиб ташласам керак! Сизнинг соғлиғингиз учун, пан Дизма,— дея гапини тугатди Куницкий ва қадаҳдаги винони бир симиришда ичиб юборди.

— Лекин сизга қандай ёрдам беришим мумкин?

— Хе-хе-хе! Ҳазиллашяпсиз, азизим. Хиёл ээгулик қилсангиз бас, хиёлгина... О, кецирасиз, бунинг учун қимматбаҳо вақтингиз сарфланишини жуда яхши тушунаман, кейин... турли харажатлар дегандек... Аммо, сизнинг алоқаларингиз билан... э-хе!

У стулини Никодимга яқинроқ суріб ўтириди-да, бутунлай бошқача оҳангда давом этди:

— Очигини айтай — агар олдимда бехосдан бир сеҳргар пайдо бўлиб: «Куницкий! Ҳамма ишингни тўғрилайман, анови аҳмоқ Ольшевскийни кетига тепиб ҳайдайман-да, ўрнига гапга кўнадиган одамни тайинлайман, кейин сенга истаганингча ёғоч ундираман... Бунинг эвазига сен нима берасан?»— деса, мен сира ҳам ўйлаб ўтирамай: «О сеҳргар! Ўттиз минг, боринг ўттиз беш мингни нақд санаб бераман! Худо ҳаққи! Үн мингни шу ердаёқ, қолганини иш битгандан кейин»,— деган бўлардим.

Куницкий Дизманинг жавобини кута бошлади. Бироқ Никодим индамай ўтиради. У Куницкий ўзига пора тақлиф қилаётганини тушуниб қолди. Ҳолбуки, у яъни Никодим Дизма ҳатто оёғи қолиб, боши билан юрган тақдирда ҳам чолнинг илтимосини бажо келтиролмаган бўларди. Дизма орзу қилиш у ёқда турсин, ҳатто тасаввур ҳам қилолмайдиган бундай катта пул ушбу битимнинг хом хаёллигидан далолат бериб турарди. Агар Куницкий унга тўрт юз-беш юз злотий тақлиф қилганида эди, бутун иш ўзининг табиийлигини ўқотиб, Дизмага чолни чув тушириб кетиш учун қулай имконият бўлиб кўринган бўларди. Никодим ҳатто бориб ҳаммасини полицияга айтаман, деб чолни қўрқитсаммикин, деган хаёлга ҳам борди. Зора қутулиб кетиш учун эллик-олтмиш злотий берса. Лисковда майдада ишларни кўрувчи суднинг котиби Юрчак шу йўсунда юз злотий ишлаб олган эди. Аммо котибининг йўриғи бошқа: у ўз идорасида ўтиради, мансабдор одам...

Дизманинг бундай сукут сақлаши Куницкийни довдиратиб қўйди: у нима деб ўйлашини ҳам билмай қолган эди. Ишқилиб, ҳаддидан ошириб юбормадимикан? Дизма буни ҳақорат деб тушунса-я?.. Ахир бу ҳалокат деган гап. Куницкий шу ишни деб анчагина одамларни ўртага солиб кўрган, кўп вақтини сарфлаб, нулни ҳам аямаган эди. Энди бўлса, дард устига чипқон деганла-

ридек... Чол шу заҳоти ҳатөсини тузатиб, сұхбатдоши-  
нинг күнглини олишга қарор қилди.

— Ҳа, албатта, ҳозирги замонда сеҳргарлар қайда  
дайсиз, хе-хе-хе... Кейин сенга хайриҳо бўлган энг яқин  
дўстингдан ҳам ўз кўзи билан кўрмаган ишларни тўғри-  
лаб бериш ҳақида илтимос қилиш мумкин эмас. Шундай  
эмасми ахир?

— Албатта.

— Менга қаранг! Миямга бир фикр келиб қолди!  
Пан Дизма, азизим, мендан илтифотингизни аямай, бир  
неча ҳафтага Коборовога борсангиз. Қишлоқда дам  
олиб, бир оз кўнгил очасиз... Ажойиб ҳаво, от миниб  
сайр қиласиз, кўлда моторли қайғим бор... Айни пайтда  
менинг хўжалигим билан танишасиз, тахта тилиш заво-  
дини кўрасиз... Хўш, отахон, келишдикми?

Бу янги таклифдан Дизманинг оғзи очилиб қолди.  
Куницкий эса қисташдан тўхтамасди, нуқул қишлоқда,  
қарағайзорда дам олишнинг афзалликлари ҳақида оғиз  
кўпиртиради. Боз устига унинг хонимлари ҳам пойтахт-  
дан келган меҳмон учун ундан ғоят миннатдор бўли-  
шармиш.

— Лекин, пан Куницкий,— дея унинг гапини бўлди  
Дизма,— мен дам олиш тўғрисида ўйламасам ҳам бў-  
лади! Бусиз ҳам жуда кўп дам оляпман.

— О, дам олиш ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди!

— Мен ишсизман,— алам билан илжайди Дизма.

У чолнинг энди ҳафсаласи пир бўлса керак, деб ўй-  
лаган эди. Бироқ Куницкий ажабланиш ўрнига хахолаб  
кулиб юборди.

— Хе-хе-хе! Жуда ҳазилкаш экансизу! Ишсиз эмиш-а!  
Ҳа, албатта, савдо ва саноат соҳасида ҳозир яхши жой  
топиш қийин. Давлат хизматнинг эса иззати кўпу, пули  
кам. Ҳатто баланд мартабали чиновникларнинг ҳам  
маошини яхши деб бўлмайди.

— Бундан менинг ҳам қисман хабарим бор,— дея  
унинг гапини тасдиқлади Дизма,— ўзим ҳам уч йил дав-  
лат хизматида бўлганман.

Тўсатдан Куницкийнинг миясига бир фикр келиб қол-  
ди.

«Жуда уста экансану, биродар,— дея ҳаёлидан ўт-  
казди у.— Агар текинга олишни истамасанг янайам  
яхши».

— Азизим, пан Дизма! Сиз билан танишган заҳотим,  
негадир бу одамни менга худо етказди, деб ўйлаган

эдим. Зора шу фикрим рост чиқса! Пан Дизма, қадрдо-  
ним пан Никодим, икковимизнинг ҳам ишимиз ўнгидан  
келяпти! Сиз дурустроқ иш қидираётган экансиз, мен  
эса шундай ёшга етдимки, кундан-кун мадорим қуриб  
боряпти. Ҳурматли дўстим! Беодоблигим учун жаҳлин-  
гиз чиқмасин... Лекин айтайлик... менинг ер-мулким ва  
фабрикаларимни бошқариши ўз зимманизга олишни  
таклиф қиласам, нима дайсиз! Сиз буни осон иш деб ўй-  
ламанг. Хўжалигим жуда катта, охирини кўз илғамайди!

— Билмадим, эплай олармикиман. Ахир бу соҳада  
ҳеч нимани тушуммайман,— дея очиқдан-очиқ иқор  
бўлди Дизма.

— О, сиз тезда ўрганиб кетасиз,— эътиroz билдири  
Куницкий.— Айтмоқчи, фабрикаларни ўзим бир амал-  
лаб эплайман. Лекин доим у ёқ-бу ёққа бориб, турли  
идораларда иш битириш, қандайдир Ольшевскийнинг  
илтифотига сазовор бўлиш учун ўлиб-тирилиш, министр-  
ликлардаги одамлар билан келишиш учун қартайб қол-  
дим. Бунақа ишлар учун катталар билан алоқаси яхши  
бўлган, уни кўрганда турли Ольшевскийлар писиб қо-  
ладиган ғайратлироқ одам керак. Кейин у мендан ёшроқ  
бўлиши лозим. Сиз ҳали қирққа ҳам кирмаган бўлсан-  
гиз керак?

— Ўттиз олтига тўлдим.

— Айни ишлайдиган пайтингиз экан! Азизим, йўқ,  
деманг: қулай хоналарда турасиз — истасангиз бизнинг  
уйимизда, истасангиз алоҳида флигелда яшайверасиз.  
Отлар, машина сизнинг ихтиёрингизда бўлади. Ошпаз-  
ларимиз ҳам жуда яхши. Кейин шаҳарга жуда яқин.  
Варшавадаги дўстларингизни кўргингиз келиб қолса —  
марҳамат, физиллаб тушиб чиқаверасиз. Шартига кел-  
сак — тортинманг, ўзингиз таклиф қилаверинг.

— Ҳм,— дея мингирилади Дизма,— нима дейишимни  
ҳам билмай қолдим.

— Масалан, бундай дейлик: ўзингиз эришган фойда-  
нинг ўттиз процентидан иборат тантъема<sup>1</sup>. Келишдикми?

— Келишдик,— дея бош иргади Дизма, нимага рози  
бўлаётганини ўзи ҳам яхши тушуммай.

— Маошингиз эса, айтайлик, ойига икки минг злон-  
тий бўлади.

<sup>1</sup> Тантъема — капиталистик мамлакатларда савдо ташқи-  
лотларининг ҳар бир идора аъзосига шу ташкилот кўрган соғ фой-  
дадан ажратиб бериладиган қўшимча ҳақ, мукофот. (Тарж.)

— Қанча? — ажабланиб сўради Дизма.

— Ҳай майли, икки минг беш юз бўла қолсин. Бундан ташқари, йўл харажатлари алоҳида тўланади. Келишдик-а? Қўлингизни ташланг!

Дизма беихтиёр чолнинг қўлини қисиб қўйди.

Юзига қон югуриб, оғзининг таноби қочган Куницкий эса бу орада катта авторучкасини чиқариб бир зум ҳам галиришдан тўхтамай, бир парча қофозни майда ҳарфлар билан тўлдирди-да, Дизмага узатди. Пан Никодим қофозга ўзи бир вақтлар ихтиро этган жимжимадор имзосини қўяр экан, Куницкий семиз кармонидан шилдироқ пулларни санаб чиқара бошлади.

— Мана, марҳамат, беш минг аванс. Энди эса...

Шундай дея у Никодимнинг Коборовога бориш шартларини муҳокама қила кетди.

Коридорда Дизманинг қадам товушлари тингандан сўнг бир неча минут ўтгач, Куницкий хонанинг ўртасига келиб тўхтади-да, қўлларини бир-бирига ишқаганича шивирлади:

— Хўш, қария Куницкий, эндиям бирор сени ишнинг кўзини билмайди, деб кўрсинг-чи!

Чиндан ҳам Леон Куницкий ўзининг уддабуронлиги билан ном чиқарган эди: у камдан-кам янгишар ва кўнглига туғиб қўйган ишини пайсалга солиб ўтирмаи, дарҳол амалга оширади.

Тонг ота бошлади. Бўзара бошлаган осмоннинг у ербу ерида сўниб бораётган юлдузлар хирагина милтираб турарди. Йўлнинг икки четида саф тортган фонарлар заифгина ёғду сочарди.

Никодим шаҳар бўйлаб борар экан, қадам товуши бўм-бўш кўчада бўғиқ акс садо берарди.

Таассуротлар унинг миясида худди калейдоскопдаги шиша парчалари каби айқаш-үйқаш бўлиб кетган эди. У содир бўлган воқеаларнинг ўзи учун ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини тушунарди, бироқ бу воқеаларнинг моҳиятини англаб ётишга ожизлик қиласади. Никодим кутимаганда бошига баҳт қуши қўнганини ҳис этарди, аммо унинг қаердан учиб келгани, бунинг маъниси нима эканлигини тушунолмай боши қотарди.

Дизма бу ҳақида ўйлагани сайин ўша воқеалар унга ҳақиқатга тўғри келмайдиган ғаройиб бир нарсадек туюларди.

У ўқтин-ўқтин чўчиб тўхтарди-да, қўлини аста чўнта-тиқиб, ҳалиги бир даста пулни пайпаслар ва жилмайиб қўяр эди. Бирдан у ўзининг жуда ҳам бойиб кетганини англаб қолди. У йўл четидаги бир дарвозахонага кирди-да, пулини санай бошлади. Е парвардигор! Нақд беш минг злотий-а!

— Мана буни ўлжа деса бўлади! — деб юборди у.

Кўп йиллик сарсонгарчиликда ортирган одати, табиий, унинг дилида: ювиш керак, деган фикрни уйғотди. Шундан сўнг ва овқат егиси, на ичқилик ичгиси келаётган бўлса-да, Дизма Грибовская қўчасига бурилди: бу маҳалда Йцекнинг пивохонаси очиқ бўлишини у яхши биларди. У эҳтиёткорлик юзасидан юз злотийликни олиб, бошиқ чўнтағига солди. Йцекнинг пивохонасида катта пулни кўрсатиш хавфли эди.

Ҳали вақт жуда эрта бўлишига қарамай пивохона гавжум экан. Извошлилар, такси шоферлари, ёпилган ресторонларнинг кельнерлари, ўз «қайлиқларининг» тунгги иш ҳақига ичаётган текинхўрлар, муваффақиятли «юришлардан» қайтган дайдилар унча катта бўймаган икки ҳонани тўлдириб юборишганди. Ҳамма ёқдан ғовур-ғувур гаплар, идиш-товоқларнинг ҷақир-чуқури эшитилиб турарди.

Никодим икки қадаҳ ароқ ичди-да, устидан чўқча гўштидан пиширилган совуқ котлет билан тузланган бодринг еди. Шу пайт у бугун якшанба бўлиб, Валентининг ишга бормаслигини эслаб қолди.

«Майли, жулдурвоқилар зиёли одамнинг қанақа бўлишини кўриб қўйишин», — дея хаёлидан ўтказди Дизма.

У бир шиша ароқ билан бир кило колбаса олди-да, қайтимини ҳафсала билан санаб, чўнтағига солгач, ташқарига чиқди. Луцкая қўчасига етай деб қолганида, у бирдан Манъкани кўриб қолди. Қиз деворга сунянганича бир нуқтага тикилиб турарди. Никодим негадир бу учрашувдан хурсанд бўлиб кетди.

— Салом, панна Маня! — дея қичқирди у қувноқлик билан.

— Салом, — жавоб берди қиз унга ажабланиб қарар экан. — Ҳа, нега тунда саңқиб юрибсиз?

— Ўзингиз нега ухлагани бормаяпсиз?

— Ҳозир бораман, — фамгинлик билан жавоб қилди Манъка.

Дизма диққат билан унга қараб қўйди. Шу тобда қиз унга одатдагидан кўхлироқ кўриниб кетди. Тўғри, озгинроқ, лекин анча хушқомат. «Еши нечадайкин?— деда ўйлади у.— Нари борса ўн еттида бўлса керак».

— Ҳа, бунча маъюссиз?

Киз елкасини қисиб қўйди.

— Агар уч кундан бери жечалари итдек кўча изғиб, бир тийин ҳам ишилаёлмасангиз, сиз ҳам хурсандчиликдан сакрамаган бўлардингиз.

Дизма ўнғайсиз аҳволга тушиб қолди. У қўлини чўнтағига тиқиб бир нечта ўн злотийлик чиқарди.

— Мен сизга қарз бериб тураман, панна Маня. Ийгирма злотий етадими?

Киз пулга ажабланиб тикилиб қолди. У кеча Дизманнинг сариқ чақаси ҳам қолмаганидан хабардор эди. Шунча пулни энди қаёқдан олдийкин? Үғирлаган бўлса керак-да. Эҳтимол, кечқурун шунинг учун ҳам фрак кийгандир. «Айтмоқчи,— деда хаёлидан ўтқазди қиз,— бу билан менинг нима ишим бор?».

Никодим унга йигирма злотий узатди.

— Мана, олинг!

Манька бош чайқади.

— Олмайман. Кейин қайтаришга пулим ўйқ.

— Олаверинг, қайтармасангиз ҳам майли.

— Истамайман,— деди қовоғини солиб қиз.— Сиздақа банкирдан ўлгурдиму!

Кейин четга қараб, оҳиста деди:

— Агар... Текинга олмайман... Агар мен билан борсангиз — бошқа гап.

— Э-э,— деда минғирлади Дизма ва қизарив кетди.

Манька унинг кўзларига қаради.

— Нима, ёқмайманми?

— Нега энди...

— Сатқақ эркак кетинг-е!— деди бехосдан зарда билан қиз.— Ҳе, латта!

Манька тескари ўгирилиб, аста уйи томон йўл олди.

— Панна Маня!— қичқирди унинг ортидан Никодим

— Шошманг. Бўпти, борамиз.

Киз унинг етиб келишини кутиб турди-да, сўнг деди

— Номер учун яна беш злотий тўлайсиз.

— Яхши.

Улар индамай тор кўчалардан юриб кетишли.

Эгнига духоба нимча кийган, уйқусираётган барзанги эшикни очиб, уларни тор ва ифлос номерга бошлаб кирди-да, кўлини чўзди. Дизма унга беш злотий узатди.

Эскилигидан титилиб кетган кул ранг дарпарда ортидан қуёш нурлари тушиб турарди. Номер димиқиб кетди. Димоқقا заҳ ва иркит бир нарсанинг ҳиди уриларди.

— Деразани очиб юборсакмикин?— деб таклиф қилди Манька.

— Кеч бўлиб қолди. Уйга бориш керак. Соат ҳам ўн бўлгандир,— деб жавоб берди Дизма.

Манька кичкина кўзгу олдида тиши синган тарок билан қалин қора соchlарини тарамоқда эди.

— Иш топдингизми?— сўради у лоқайдлик билан.

Шу пайт Дизманинг бирдан Манькага ўзини кўрсатгиси келиб қолди. У чўнтағидан ҳамма пулини чиқарди-да, стол устига ёйиб қўйди. Сўнг жилмайиб:

— Бу ёққа бир қара-чи,— деди.

Манька ўгирилиб қаради-ю, кўзлари қинидан чиқиб кетай деди. У пулга еб қўйгудек бўлиб тикилиб турарди.

— Шунча пул-а... Шунча пул-а... Тағин ҳаммаси беш юзталик... Ё парвардигор!

Никодим қизга пулларнинг қандай таъсир этганини кўриб ҳузур қилмоқда эди. Манька унинг қўлидан ушлади.

— Менга қара! Сен «ов»да бўлдингми?— унинг товушидан қойил қолгани шундоқ сезилиб турарди.

Дизма кулиб юборди ва ҳазиллашгиси келиб:

— Ҳа,— деда жавоб қилди.

Манька бармоқларининг учини оҳиста пулга теккизди.

— Қани айт-чи... айт-чи...— деда шивирлади у,— сен одам ўлдирдингми?

Дизма бош иргади.

Манька индамади. Бироқ унинг кўзларидан чўчиб кетгани ва қойил қолгани шундоқ сезилиб турарди. У доим жимгина юрадиган лапашанг бўлиб кўринган Дизмани шунақа одам деб хаёлига ҳам келтирмаган эди...

— Пичноқ биланми?

— Ҳа, пичноқ билан.

— Қийин бўлдими?

— Бе... миқ этишга ҳам улгурмади.  
 Киз бош чайқади.  
 — Роса пулдор экан-да!.. Балки, жуҳуддир?  
 — Ҳа, жуҳуд эди.  
 — Сирайм ўйламаган эдим...  
 — Нимани ўйламаган эдинг?— сўради Дизма ва  
 пулларни иғишириб ола бошлиди.  
 — Сенинг шунақалигинги-да...  
 — Қанақа эканман?  
 — Шунақа-да...  
 Киз бирдан Дизманинг пинжига тиқилди.  
 — Сени ушлаб олишмайдими?  
 — Қўрқма, вақтида жуфтакни ростлаб қоламан.  
 — Сени ҳеч ким кўрмадими? Балки, бирор из-пиз  
 қолдиргандирсан? Фиръавнлар ҳатто бармоқ изидан ҳам  
 топиб олишлари мумкин.  
 — Мени ушлаша олмайди.  
 — Ўзиям роса даҳшатли бўлгандир-а?  
 Дизма кулиб юборди.  
 — Эслаб ўтиришга арзимайди. Юр, уйга кетдик. Ма,  
 мановига кўйлак сотиб ол.  
 Шундай дея у Маньканинг олдига юз злотий қўйди.  
 Киз унинг бўйнидан қучоқлаб, лабларидан ўпа бошлиди.  
 Улар индашмай уйга кетишиди. Дизма, қизнинг мен-  
 га нисбатан муносабати бир зумда ўзгариб қолди-я, деб  
 мамнунилик билан кўнглидан кечирди. У Маньканинг  
 ўша бир даста пулни кўриб эмас, балки, тунги ҳужум  
 ҳақидаги ҳикояни эшишиб шунчалик қойил қолаётгани-  
 ни дарҳол тушунган эди. Гарчи бундай ўзгариш жуда  
 хуш ёқса-да, Никодим ўзича хижолатда эди — у қиз-  
 нинг бундай ҳурматига лойиқ эмаслигини яхши тушу-  
 нарди. Бироқ энди у бу гапларнинг ҳаммасини ўйлаб  
 чиқарганини сира ҳам тан олмаган бўларди, албатта.  
 — Эҳтиёт бўл, Манька,— деди Дизма улар зинапоя-  
 дан юқори кўтарилишар экан,— бу ҳақда уйдагиларга  
 оғиз оча кўрма! Тушунарлими?  
 — Бўлмасам-чи!  
 — Энди мен... ўзинг тушунасан, бирмунча вақтга би-  
 рор ёқса жўнашим керак. Хуллас, қўлга тушмаслик  
 учун.  
 — Ҳа, тушунаман. Қайтиб келасанми?  
 — Қайтиб келаман.  
 Дизманинг шундай бемаҳалда Манька билан бирга

қайтганига Бартиклар сира ҳам ажабланишмади. Лекин  
 ароқ билан колбасанинг ҳурматини ўрнига қўйишиди.  
 Валентова шу заҳоти стол устига кўк клеёнка ёзи, ҳам-  
 маси овқатланган ўтириди. Горчицадан бўшаган банка-  
 чага ароқ қўйиб қўлма-қўл узата бошлиди. Шишанинг  
 ўзиям анча каттагина эди... Кўп ўтмай Никодим беш  
 злотий чиқариб, Манькани яна ароққа юборди. Шундан  
 сўнг Дизма ижара ҳақини тўлади-да, қиз қайтиб кел-  
 гач, ўтирганларга мурожаат қилиб деди:

— Хўш, энди мени табрикласанги бўлади. Яхши иш  
 топдим.

— Қаерда?— дея сўради қизиқиб Валент.

— Варшавада эмас, провинцияда.

— Провинцияда пул топиш осон, деб айтмовдимми  
 сизга,— деди бош чайқаб Валентова.— У ерда ҳамма  
 нарса мўл бўлади. Эркакларнинг ҳаммаси шунақа ўзи.

Яна Дизманинг саломатлиги учун ичишиди. Кейинги  
 шиша ҳам бўшагач, Никодим ечиниб, буклама караво-  
 тини ёзида-да, чўнтағига пул солинган нимчани ёстиқ  
 тагига қўйиб, бир зумда ухлаб қолди.

Валент бир оз жим ўтириди. Сўнг кайфи ошди шекил-  
 ли, ашула айта бошлаган эди, Манька дарҳол ўшқириб  
 берди:

— Жим, жин урсин сизни. Кўрмаяпсизми, ухлаяпти  
 ахир. Бирпас дам олгани ҳам қўйишмайди бу уйда.

Хонага сукунат чўқди. Валент шапкасини бостириб  
 кийди-да, кўчага чиқиб кетди. Хотини эса ижарачилари-  
 нинг иш топиб, уларни ароқ билан сийлаганини айтиб  
 мақтаниш учун қўшнисиникига югорди.

Манька шкафдан роҳатибадан рўмолчасини олиб,  
 Никодимнинг юзига ёпиб қўйди: хонада пашшалар ғуж-  
 фон ўйнамоқда эди.

### 3- б о б

Никодим пешинга қадар сафарга ҳозирлик кўрди.  
 Дизма ўзини бир оз тузатиб олиш мақсадида бир неча  
 кўйлак, галстуклар, соқол олиш учун янги прибор, сап-  
 сариқ ботинка ва ўзига анча ярашган бир жуфт костюм  
 харид қилди. Булардан ташқари у бир талай майд-чуй-  
 да нарсалар билан чиройли чарм чамадонлар ҳам сотиб  
 олди.

Бир вақтлар нотариус Виндернинг ўғли — Львовда ўқыйдиган студент бутун Лисковниң ўзининг орасталиги билан қойил қолдирган эди. Никодим ҳар гал унинг хонасига кирганида студентнинг кийим-кечаги ва пардоз анжомларини кўриб оғзи очилиб қоларди. Энди у ёш Виндердан ибрат олишга ҳаракат қиласарди.

Бу харажатлар Дизманинг ҳамёнини анчагина ўпирб кетган бўлса-да, у ўз ишидан мамнун эди.

Соат олтига бориб йўлга чиқиш учун ҳамма нарса шай бўлди. Поезд етти яримда жўнарди. Аввалига уни вокзалгача кузатиб чиқмоқчи бўлган Манъка Никодимдаги бу ўзгаришларни кўриб, шу қадар эсанкираб қолдики, унга ҳамроҳ бўлишга журъят этолмади.

У Фақат Дизманинг ортидан зинапояга югуриб чиқди-да, унинг юз-кўзидан ўпирб, чамадонларини пастга олиб тушишга ёрдамлашди. Извош жойидан қўзғалди. Шу пайт қиз:

— Қайтиб келасанми? — деб сўради қолди.

— Қайтиб келаман,— жавоб қилди Дизма ва бошидан шляпасини олиб силкитиб қўйди.

Иккинчи класс вагони учинчи классникига қарагандан анча қулай бўлар экан. Бу ерда қаттиқ курсилар ўрнига дружинали диванлар қўйилган бўлиб, пассажирлар анча хушмуомала, проводниклар ҳам жуда мулоим кўришишарди.

Дизма бу ажойиб саёҳатнинг гаштини суруб борарди. У умрида биринчи марта ўзини тўралардек ҳис эта бошлади. Ҳозир унга ўзининг Лисковдаги почта идорасининг бошлиғидан сира кам жойи йўқдек, ҳатто отабола Виндерлар билан ҳам бемалол беллаша оладигандек туюларди.

Дизма билан бирга йўлга чиқсан бир нечта пассажир тез орада тушиб кетди, вагонда у ёлғиз ўзи қолди. Бирроқ сира уйқуси келмади. Ҳозирги вазиятни ҳар томонлама ўйлаб кўрмоқ лозим эди.

Турган гап, бу кекса догоюли Куницкий уни-министр Яшунский билан яқин алоқада бўлган нуфузли одам деб ўйлади. Акс ҳолда, унга бошқарувчиликни сира ҳам тақлиф қилмаган бўларди. Ростини айтиб, чолнинг кўзини очиши эса шундай катта маошдан воз кечиш билан баробар эди, албатта. Демак, Куницкийни иложи бори-ча узоқроқ лақиллатиш керак. Туар жой билан овқат унинг тишин ҳам сарф қиласарди. Шу боисдан ҳам

у ойига эллик-олтмиш, борингки, юз злотийдан ортиқ чиқимдор бўлмайди. Қарабисизки — икки минг тўрт юз злотий соф фойда бўлиб турибди-да..

«Хеч бўлмаса уч ой тура олсан эди. Балки, бир иложини қилиб, ярим йилга чўзарман?»

Дизма шуларни ўйлар экан, жилмайиб қўйди. Кеиничалик одамларга фойдасига пул қарз бериб, қўлини совуқ сувга урмай, мазза қилиб ўашни мумкин. Фақат чолни узоқроқ лақиллатиш ва қўлга тушиб қолмаслик учун жуда эҳтиёт бўлиб юриш керак. Қамроқ гапириш, ўзи ҳақида мутлақо оғиз очмаслик лозим. Чол ҳам ахир анойи эмас, бирор нарсани сезиб қолса, дарҳол кавушини тўғрилаб қўяди.

Проводник кириб, навбатдаги станция Коборово эканлигини айтганида тонг ота бошлаган эди.

Ишқилиб, Куницкий шу поездда келишимни унугиб қўймаганимкини, дея безовта бўла бошлади Дизма. Лекин бекорга ташвишга тушган экан. Никодим поезддан тушиши билан унинг олдига ливрея кийган хизматкор келди.

— Кечирасиз, пан Куницкийни келаётган жаноб сиз эмасмисиз?

— Ҳа, менман.

— Машина станция биноси олдида кутиб турибди, пан бошқарувчи,— деди хизматкор ва чамадонларни кўтариб олди.

Никодим ажойиб автомобилга ўтирас экан: «Коборово мулкининг бошқарувчиси... Ташрифнома буортириб қўйишим керак экан»,— дея ҳаёлидан ўтказди.

Аввалига машина темир йўл ёқалаб кетган теп-текис шосседан олиб борди-да, сўнг ярим вайронна сув тегирмони олдидаги хушманзара жойда ўнгга бурилиб, кўпприкдан ўтди ва тор изли темир йўлнини икки четига вич қилиб қурилган фабрика иморатларининг бўнидан гизиллаб кетди.

Бир оздан сўнг заранг дарахтларидан иборат хиёбон бошланади. Куницкий уйи хиёбоннинг охирида жойлашган экан. Томи учига найза ўрнатилган гумбазлар билан безатилган бу иморат классицизмга даъво қилувчи галати бир услубда қурилган бўлса-да, анча чиройли эди. Автомобиль майсазорни айланиб ўтиб, катта эшик олдида тўхтади. Ичкаридан оқсоқ аёл чиқиб, хизматкор билан бирга чамадонларни олиб кириб кетди. Дизма

пальтосини очиб улгурмасданоқ, вестибюлга ҳарир шлафрок кийган ва сочлари тўэриб қетган Куницкий югуриб чиқди. Никодим аввалига уни танимай, ҳатто аёл киши деб ҳам ўйлади.

Оғзининг таноби қочган, тиниб-тинчимас Куницкий қучорини очиб, меҳмонга пешвоз чиқди-да, шу заҳоти уни сухандонлик пулемётидан ўққа тута кетди. Гарчи одатдагига қараганда тезроқ гапираётган бўлишига қарамай, унинг нутқи ўша-ўша бир маромда бидирлашдан иборат эди. У фақат: «Мұхтарам пан қаерд турини истайдилар — уйдами ёки павильондами?» — дей савол бергандан кейингина чакаги тиниб, Дизманнинг жавобини кута бошлади.

Мұхтарам пан, менга барибир, деб жавоб бергач, уни уйнинг биринчи қаватидан иккита ажойиб хонани ажратиб беришди. Шу заҳоти Никодимга вестибюлга қараган одатдаги эшикдан ташқари у паркка айвон орқали чиқиши ҳам мұмкінлиги, ваннахона шундок ёнгинасида жойлашгани, истаса ҳозироқ чўмилиб олиши мумкінлиги — бунинг учун у ерда ҳамма нарса ҳозирлаб қўйилгани тушунтирилди. Сўнгра пан Дизманнинг билан иштеп шудига қараша келди. Сўнгра пан Дизманнинг барни ташкентдан келиб кетиб, кимнинг маконим сизга ёқяптими? Барчаси-нинг проектини ўзим тузиб, архитекторга ўзим кўрсатма бериб турганман. Сўнгги икир-чикиригача ўзим теснифидан турганман.

Ниҳоят, ёлғиз ўзи қолган Никодим тезда чамадонларини очиб, нарсаларини шкафга тахлаб қўйди-да, ваннахонага равона бўлди. Дизма умри бино бўлиб ваннахонада чўмилмаган эди. Лекин у тирбанд ҳаммомга қараганда ванининг ўлса ўлиги ортиқлигини дарҳол пайқади. Сўнгги пайтларда у камхаржлиги бойисдан ҳаммомга ҳам боролмай қолганди. Ванинадаги сувнинг бир зумда қорамтириб тусга киргани бундан далолат бериб турарди. Дизма анча овора бўлиб ванининг тубидаги тиқин занжирини топди-да, уни тортиб сирини ошкор қиласиган ифлос сувни тушириб юборди. Сўнг ванинани ювиб ташлаб, сочларини таради ва ётоқхонага қайтди. У чўмилаетганида хизматкорлар костюми билан ботинкасини тозалаб қўйишибди.

«Жин урсин! Бу ерда қўлингни совуқ сувга ҳам урдиришмайдиганга ўхшайди-ку!» — дей хаёлидан ўтказди қойил қолган Дизма.

У галстугини тақиб ҳам улгурмаган эди, эшик тақиллаб, одатдаги кийимларини кийиб олган, бироқ

ўша-ўша эзмалигини қўймаган хира Куницкий пайдо бўлди.

У Дизманни бошлаб борган емакхона кўпроқ залга ўхшаб кетарди. Қорамтири тахта панеллар билан безатилган бу хона кишида ғамгин бир таассурот қолдиради. Деворлар ёнига баланд буфетлар қўйилган бўлиб, уларнинг ойна қопланган эшикчалари ичидан кумуш ва биллур идишлар ярқираб кўринарди. Тўрт кишига мўлжаллаб дастурхон ясатилган ўртамиёна оқ стол устидаги анжомларни Лисковдаги почта идорасининг бутуни ходимларига бемалол етиб ортадиган ажойиб идиштеноқлар кўргазмаси деса бўлади.

— Хонимларим пардоз қилишяпти, ҳозир келиб қолишиди. Мұхтарам пан Никодим, балки улар келишгунинга қадар биринчи қаватдаги хоналарни кўриб чиқарсиз. Иккинчи қаватга чиқиш эса хе-хе-хе, биз эркакларга ман этилган: ўзингизда қолар гап йўқ — хонимлар! Хўш, қалай, менинг маконим сизга ёқяптими? Барчаси-нинг проектини ўзим тузиб, архитекторга ўзим кўрсатма бериб турганман. Сўнгги икир-чикиригача ўзим теснифидан турганман.

Куницкий дам Дизманнинг қўлтиридан олар, дам унинг атрофида гирдикапалак бўлиб, кўзларига тикиларди.

Чол Кобороводаги барча нарсалар каби бу иморат билан ҳам фахрланарди. Унинг гапига қараганда, бир неча йил илгари бу ерлар ташландик жой бўлиб, ҳозирги иморатнинг ўрнида ярим вайрона қўргон бўлган экан, ерларга дёярли экин экилмасакан. Бугун эса унинг муттасил меҳнат қилиши натижасида ҳамма иш тартибга солинибди. Қараб кишининг кўзи тўймайдиган хўжалик барпо этилибди.

Улар момиқ гиламлардан юриб, Дизманнинг етти ухлаб тушига кирмаган ҳашаматли, безатилган хоналардан ўтиб боришарди.

Олтин суви югуртирилган биринж, оғир ромларга солинган картиналар, ялтироқ мебель, улкан ойналар, мармар ва малахит каминлар, ажойиб матолар, зарҳал нақш урилган чарм — буларнинг бари бойликдан далолат бериб турарди. «Бирдан қаттиқ ер қўмирлаб қолгудек бўлса, бу уй бутун анжомлари билан олтин соққачаларга айланиб сочилиб кетса керак», — дей хаёлидан ўтказди Дизма.

— Хўш, қалай?— улар яна ёмакхонага қайтишга, сўради Куницкий. Никодим жавоб бериш учун энди оғиз жуфтлаган ҳам эдикি, хонага хонимлар кириб келишиди.

— Марҳамат, танишинглар — пан Дизма! — деди Куницкий меҳмонни уларнинг олдига бошлаб борар экан.

Ёши каттароқmallа соч хоним жилмайганича Никодимга қўл узатди.

— Фоят хурсандман. Сиз ҳақингизда кўп эшитган эдим.

Ёши кичкинароқ қўнғир сочли хоним нимаси биландир ўғил болага ўхшаб кетарди. У меҳмоннинг қўлини маҳкам қисиб, унга ўшнадай бир такаллуфсизлик билан тикилдики, Никодим ҳатто хижолат чека бошлади.

Унинг баҳтига Куницкий лаби лабига тегмай бидирламоқда эди. Шу боисдан ҳам Дизма индамай аёлларни кўздан кечирди. Каттасининг ёши, нари борса, йигирма олтиларда эди, қўнғир сочлиси эса йигирма иккилардан ошмаганди. Никодим ҳайрон бўлиб қолди, чунки Куницкий унга хотини билан қизи ҳақида гапирганди. Буларнинг иккови эса унинг қизи тенги келарди. Ола-сингилармикин? Ундай деса, бир-бирига мутлақо ўхшамайди. Малла соч хоним нозиккина кўринисада, унча озғин эмасди. Унинг кичкинагина оғзи ва ғунча лаблари, майин юзи ҳамда катта-катта оху кўзлари табиатининг хаёлпастликка мойиллигидан далолат берарди. Жувоннинг опиоқ шойидан тикилган зебо кўйлаги ёқасидан момиқдек елкаси билан бўйни кўриниб турарди.

Қўнғир сочл қиз эса бутунлай бошқача эди. Анови барқо жувон олдида қийғоч қошлари туташиб кетган, кўй қўз, сочини эркакчасига калта қилиб қирқтирган, томоғининг тагигача бекитиб турадиган инглизча блузка кийиб, яшил галстук тақиб олган ва офтобда қорайган бу қиз худди ўғил болаларга ўхшаб кетарди. Унинг кўзларида қандайдир шижаот жилваланиб турарди. Дизманни айниқса унинг қулоғи ажаблантириди. Қўнғир соч қиз унга ён томонидан кўриниб турарди, шу боисдан ҳам Дизма ўқтин-ўқтин унинг қулоғига назар ташлашдан ўзини аранг тийиб ўтиради. Илгарилари у одамларнинг қулоғига сира эътибор бермасди. Ҳар бир одамнинг қулоғи ўзига хос эканлигини — баъзан у гаройиб гулдек түгзал бўлини мумкинлигини Никодим фақат энди тушунди. Куницкийнинг қулоқлари кичкина бўлиб, пушти

ранг тусда эди, малла соч хонимнинг қулоқларини эса сочлари яшириб турарди.

У ана ўшнадай хаёлларга берилиб ўтирад экан, ўзини ҳамма қатори тутишга ва нотариус Виндернинг таъбири билан айтганда, ўзини киборлардек тутолмаслигини яширишга уринарди.

Куницкий эса Коборовонинг афзал томони ва камчиликлари ҳақида тинмай бидирлар, ўзи киритган янгиликларини санаб, отхонасини мақтар ва қадрли пан Дизмага ҳўжаликнинг қайси қисмини олдину, қайси қисмини кейин кўрсатмоқчи эканлиги ҳақида гап сотарди.

— Ҳозирча сизга фақат биринчи қаватини кўрсатишга улгурдим.

Шундай дея, Куницкий чашкадан кофе хўплади. Малла соч хоним унинг жимиб қолганидан фойдаланиб гапга аралаши:

— Қалай, уйимиз сизга ёқяптими?

— Жуда серҳашам экан,— дея очигини айтди Дизма.

Малла соч хоним қип-қизариб кетди. Унинг кўзларидан қаттиқ изза тортгани яққол сезилиб турарди.

— Эримнинг диди ўзи шунақа.

— Хе-хе-хе,— хиринглади Куницкий,— мен бу ҳақда пан Никодимга айтган эдим. Биласизми, тўйдан сўнг биз Коборовога кўчиб келгач, Нина биринчи галда — хе-хе-хе — худди ана шу масалада тўполон кўтарди. Аёлларнинг ўзи шунақа — яхшиликни билишмайди! Мен уйимиз шинам бўлсин деб жонимни жабборга топширсаму, у тўполон кўтариб ўтиrsa! Бир тасаввур қилинг-а...

— Илтимос, бас қил шу гапларни,— дея эрининг сўзини бўлди хотини.

— Сизни тушунмай қолдим, дада,— гапга аралаши қизи,— пан Дизманнинг жонига тегишининг нима ҳожати бор. Боз устига бу гаплар Нинага ҳам ёқмаяпти!

— Вой-бўй, ахир ҳеч нима деганим йўқ-ку, оппоқ қизим. Ҳа, айтгандай, ҳозир сизларни ёлғиз қолдирамиз. Мен пан Никодимга Коборовони кўрсатиш имкони керак. Биласизми, пан Никодим...

— Балки, пан Дизма ҷарчагандирлар,— гап қотди Куницкая.

— Худо сақласин!— дея эътироз билдири Никодим.

— Ана кўрдингми, ана кўрдингми,— хурсанд бўлиб шушулай кетди Куницкий.— Биз уддабурон одамлар дарҳол ишнинг моҳиятини тушуниб олишини яхши кўрамиз.

— Дада, сиз пан Дизма учун жавоб берманг,— дея отасининг гапини бўлди қизи.— Барча одамлар учун ишнинг моҳияти шпаллар билан қириндидан иборат эканлигига шубҳаланаман. Шундай эмасми, пан Дизма?

— Шундай, албатта,— эҳтиёткорлик билан жавоб қилди Никодим,— бундан ҳам муҳимроқ ишлар бор.

Куницкий кафтини ишқаб, аста кулди:

— Ҳа, ҳа, муҳимроқ ишлар ҳам бор! Масалан, ёғоч етказиб беришни кўпайтириш масаласи!— Куницкий ўзидан жуда хурсанд эди.

Малла соч хоним ўрнидан туриб бош иргади.

— Ҳўп, сизларга халал бермайлик бўлмасам,— дея у совуққина қилиб.

Кўқғир сочли қиз ҳам ўрнидан турди. Никодим оиласдаги низонинг сабабини тушуниб етмасданоқ, хонимлар емакхонадан чиқиб кетишиди.

Дизма ионушта шу қадар тез тамом бўлади деб ўйла-маганди. У очофат бўлиб кўринишдан чўчиб, кам овқат еганидан қорни тўймай қолганди.

Хизматкор кириб, отлар тайёр турганини айтди.

— Ана шунаقا,— дея Куницкий телпагини кияр экан.— Бу гаплардан ажабланманг. Хотиним билан иккевимиз бир-биrimizни тушунмаймиз. Мен сизга айт-сан, хотиним тушмагур анча хаёлпараст, ҳеч осмондан ерга тушгиси келмайди: ёш-да, ҳали. Ҳай майли, ақли ҳам кириб қолар... Қизим бўлса... Ҳм... Кася ҳам хоти-нимнинг тарафини олади, чунки ўзининг ҳам ҳали она сути оғзидан кетмаган. Ундан десам, хотинлар ўзи доим бир-бирининг ёнини олади.

Ҳовлида уларни икки тўриқ от қўшилган чиройли извош кутиб турган экан. Куницкий билан Дизма юм-шоқ ўриндиқларга ўтиришгач, хўжайин қамчи босган эди, отлар елиб кетишиди.

— Қалай, отларим зўрми?— Куницкий кўзларини қисди.— Мен уларни Люблинда, қишлоқ хўжалик кўр-газмасида сотиб олган эдим. Иккови олтин медаль ол-ган. А? Зўр-а?

Чиндан ҳам отлар бир текисда елиб боришаарди. Диз-ма уларнинг ажойиб эканлигини тан олди.

— Сизга аввало темир ўйл министрлигини кўрсата-ман,— дея Куницкий.— Ён томондаги икки тармоғи билан ҳаммаси бўлиб йигирма икки километрни ташкил қиласди. Ҳозир биринчисига борамиз.

Извош хиёбондан чапга бурилди-да, бошоқ чиқар-ган бўлиқ буғдойзор оралаб кетган тупроқ йўлдан кет-ди. Гарчи шабада эсмаётган бўлса-да, ҳаво анча сал-қин эди.

— Ҳосил жуда яхши бўлибди-да!— деди Дизма.

— Ҳа, ҳа,— бошини маъюс чайқаб жавоб қилди Ку-ницкий.— Афсус, жуда яхши бўлди.

Никодим кулиб юборди.

— Худди бундан хафа бўлаётгандек гапирасиз-а.

— Нима деб ўйловдингиз?— ажабланди Куницкий.  
— Бундай ҳосил зироатчи учун офатнинг ўзгинаси-ку ахир.

Дизма ҳеч нимани тушунмай қолганини айтмоқчи бўлди-ю, лекин тилини тийди: яхшиси, эҳтиёткорлик юзасидан индамагани маъқул.

— Ҳа, офатнинг ўзгинаси,— дея такрорлadi Куни-цкий.— Ўйлаб кўрсанг эсинг тескари бўлиб кетади. Икки ойдан сўнг ғаллани сув текинга сота бошлаймиз. Бунинг отини мўл-кўлчилик офати дейдилар, азизим.

«Буни қаранг-а!— дея хаёлидан ўтказди Дизма,— Шундай эканлигини ким ўйлабди дейсиз. Яхшиси, кам-роқ гапирганим маъқул. Савол беришдану худо сақла-син».

— Тушунарли,— дея жавоб қилди у.— Фақат, ме-нимча, буларнинг бари сиз ўйлаганчалик қўрқинчли бўлмаса қерак.

Дизма жимиб қолди. Лекин шу заҳоти у яна бирор нарса дейиш лозимлигини, акс ҳолда бундай ишларга ақли етмаслиги сезилиб қолиши мумкинлигини фаҳмла-ди-да:

— Ғалланинг нархи ошади,— дея қўшимча қилди.

— Бе, қаёқда ошарди дейсиз! Ҳа, агар борди-ю ҳу-кумат ғалланни сотиб олса...

— Сотиб олмайди, деб сизга ким айтди?

— Нималар деяпсиз?— Куницкий ўриндиғида бир сапчиб тушди.

Дизма аввалига қовун тушириб қўйдим шекилли, дея қўрқиб кетди, аммо сухбатдошининг кўзлари ялти-раётганини кўриб кўнгли жойига тушди.

— Оғзингизга бол-е, азизим! Нималар деяпсиз! Бу масала ҳал бўлганми?

— Ҳозирча лойиҳа...

— Азизим пан Никодим! Ажойиб фикр! Ажойиб!

Зироатчининг манфаатини ҳимоя қилиш ҳукуматнинг вайзифаси-ку; мамлакатнинг фаровонлиги қишлоқ хўжалигига асосланган. Бизда эса, жин урсин, нуқул хўжалик тартибини ўзгаришишани ўзгаришишган! Ахир Польшада аҳолининг етмиш процентни дехқончилик билан шуғулланади. Етмиш проценти-я! Саноатда ҳам, конларда ҳам, савдода ҳам эмас, қишлоқ хўжалигида. Чорвачилик билан ўрмончилик — барча нарсанинг асоси. Зироатчининг фаровонлиги — барчанинг фаровонлиги: фабрикантнинг ҳам, тужжорнинг ҳам, ишчининг ҳам. Пан Дизма, сиз бу гениал лойиҳани қўллаб-қувватлаш учун ҳукумат доираларига ўз таъсирингизни кўрсатишингиз лозим. Ватан олдидаги бурчингиз ахир бу. Ҳукумат ортиқча ғаллани сотиб олсин. Ё парвардигор! Коборовонинг ўзи хоторлари билан қанча ғалла беринши мумкин-а...

Куницкий хаёлан кўрадиган фойдасини ҳомчўт қила бошлаган эди, Дизма гап қотди:

— Ҳамма гап пулда. Пул йўқ.

— Пулмиш-а! Пул нима деган гап! — бидирлай кетди Куницкий, — бунинг сираям мушкул жойи йўқ. Ҳукумат қишлоқ хўжалик зиёмининг облигацийсини чиқариши мумкин. Масалан, юз миллион сўмлик дейлик. Пул ўrniga мана шу облигация тўланади — вассалом! Бу облигациялар процентли бўлади, албатта. Айтайлик, юз сўмдан беш ёки ҳатто тўрт процентдан тўлаш мумкин. Гапимни тушуняпсизми? Заём олти йиллик муддат билан чиқарилади, дейлик. Олти йил ичida эса ғалла бозорида, ўлдим деганида, икки марта қулай ва зияят юзага келади. Ана шунда бор ғаллани чет элга сотиб юбориш мумкин. Бутун операция шу, холос! Гапимни тушундингизми! Бунинг фойдаси жуда катта: биринчидан, нарх-наво барқарорлашади, иккинчидан, муоммаладаги пул кўпаяди, чунки облигацияларда эгасининг номи кўрсатилмаган бўлади, албатта. Ахир давлат шу йўл билан ички бозорга юз минг сўмга яқин янги пул чиқариш имконига эга бўлади. Шу йўсинда нақд пулнинг етишмовчилиги бартараф қилинади. Азизим! Сиз бу ҳақда министр Яшунский билан албатта гаплашишингиз лозим...

— Биз у билан бу тўғрида бир неча марта гаплашганмиз. Ким билади дейсиз...

Никодим шундай деди-ю, лекин ўзича: «Бу жин ургур чолнинг мияси хўп ишлар экан-да. Бунақа одам министр бўлиши ҳам мумкин», дея хаёлидан ўтказди.

Куницкий ҳаяжон билан қамчинини силкитганича борган сари тезроқ бидирларди. У мазкур ишнинг фойдаси ҳақида далиллар келтира, шубҳа-гумонларини айтар, эътиroz билдира ва яна далилар келтириб, ўзи ни ўзи инкор этарди.

Бу орада йўл бурилиб бориб, улар баланд қарагайзор ичига кириб қолишиди. Тор изли темир йўлнинг ёнидаги улкан майдонда ходалар тахлаб қўйилган эди. Кичкина паравоз хода ортилган ўн бештacha вагонни жойидан кўзғатишига кучаниб, тинмай пишилларди. Составнинг икки четида саф тортган ишчилар вагонларни итариб боришаради.

Ҳўжайнини кўриб, одамлар бошларидан шапкаларини олишди. Бироқ уларнинг саломида очиқдан-очиқ душманлик бўлмаган тақдирда ҳам, қандайдир адоват сезилиб турарди. Офтобда қорайган кул ранг камзулли мастер извош ёнига келиб, Куницкийга алланима демокчи бўлган эди, ҳўжайнин уни тўхтатди.

— Пан Старкевич, саломлашинг: бу киши бизнинг янги бошқарувчимиз пан Дизма бўладилар.

Мастер бошидан шапкасини олди-да, дикқат билан Дизмага тикилди. Никодим жавобан бош иргаб қўяқолди.

Куницкий Старкевичдан қилинган ишларни сўраб-суринтирас экан, Никодим қизиқиб атрофда ўюлиб ётган ходалар ва тахтадан омонатгина ясалган баракларни кўздан кечира бошлади. Ҳамма ёқни арраларнинг тир-тири ва болталарнинг тўқ-тўқи тутиб кетган эди. Улар яна йўлга чиқишган заҳоти Куницкий дараҳтларнинг навлари, бу ерларда ўрмончиликнинг аҳволи, ҳатто ўз участкангда ҳам дараҳт кесишига рухсат олишининг қандай қийинлиги тўғрисида бутун бир лекция бошлаб юборди. У гапларини ғоят жиддий қиёфада эшитаётган ҳамроҳига ўқтин-ўқтин қараб кўяр экан, уставларнинг параграфларини ёддан айтарди, нарх-наво тўғрисида гап сотиб, рақамларни рўкач қиласади.

Дизма эса аслида қўрқиб кетганди. Ҳозир у ўзини бирдан бошига бир ғарам пичан ағдарилиб тушган одамдек сезарди. Шу пайтгача у мутлақо тасаввурга эга бўлмаган бу проблемаларнинг бари Никодимнинг устига

худди тоғ кўчкиси янглиғ ёпирилиб тушди. Бутунлай эсанкираб қолган Дизма ўз кучи билан бу муаммонинг тагига етолмаслигини, обрўсини тўқмаслик, шарманда бўлмаслик, тўғрироғи, қўлга тушмаслик даражасида ишни ўзлаштира олмаслигини яхши тушунарди.

Улар давлат ўрмонидаги тажриба станцияси, темир йўл ёнидаги таҳта тилиш корхонаси, мебель фабрикаси, деярли қуриб битказилган қоғоз фабрикаси ҳамда битай деб қолган омборларни бирма-бир бориб кўришгач, Дизманинг мияси шу қадар ғовлаб кетди, у энді фақат жуфтакни ростлаш ҳақида ўйлай бошлади. Унинг рўпарасида сирли бир тарзда ўзаро боғланиб кетган ва англаб етиш ғоят мушкул бўлган ҳисобсиз ишлар кўндаланг турарди. Никодим бу ишларнинг тепасида турган кишилар билан ҳам танишди. Улар мазкур ишлар ҳақида ишбилармонлик билан шу қадар лўнда қилиб сўзлашдики, Никодим бу гаплардан ҳеч вақони тушуна олмади.

Куницкий эса унинг маъюс тортганини кўриб, янги жойдаги ишларга разм солаётган бўлса керак, деб ўйлади. Дизма шуни пайқаганидан кейингина бир мунча таскин топди. Чамаси, Куницкий ўз бошқарувчисининг ишлардан иложи борича яхшироқ хабардор қилишга берилиб кетиб, ундаги саросимани сезмай қолган эди.

Улар уйга қайтишганида соат уч бўлай деб қолган эди.

— Мана кўрдингиз,— деди Куницкий, жиловни отбоқарга узатар экан,— хўжалик анча катта. Ҳа, анча катта. Шу билан бирга, у азбаройи, муттасил ва бир текис фойда олиб туришни мўлжаллаб, анча сариштали ташкил этилган. Агар амалда баъзи ишлар рўёбга чиқмаётган бўлса, бунга биздаги бюрократия, иқтисодий сиёsatнинг бекарорлиги сабаб бўляпти. Бироқ шу шароитда ҳам анча иш қиласа бўлади. Буниси эса энди, азизим пан Никодим, сизнинг вазифангиз.

Хонимлар ўзларига керакли майдо-чўйда нарсаларни харид қилиш учун автомобилда. Гроднога жўнаб кетишгани боисидан улар икковлари ўтириб овқатланишди. Коборовонинг ошпазлари жуда пазанда бўлиб, дастурхонда овқат сероб эди. Шунинг учун ҳам улар овқатланаб бўлишгач, қаҳва ичиш учун кабинетга ўтишганида Дизмани қаттиқ мурдоқ босди. Аммо тиниб-тинчимас Куницкий Коборово хўжалиги ҳақида гапиришдан тўх-

тамасди. У шкаф ва қутиларни очар, аллақандай ёзишмалар, рўйхат, ҳисоб-китоб дафтарларини олиб кўрсатар ва тинмай бидирларди. Никодимнинг тоқати тоқ бўлди. Ниҳоят, чол бидирлашдан тўхтади-да, бир даста қоғозни олиб, Дизманинг ёнига келди.

— Кўриб турибман, бир оз толиққанга ўҳшайсиз. Аслида йўлдан кейин дам олишингиз керак эди. Агар ижозат этсангиз, бу ҳужжатларнинг барини хонангизга бериб юбораман. Эҳтимол, кечқурун уларни кўриб чиқарсиз. Нима дейсиз?

— Бажону дил.

— Энди, азизим пан Никодим, ётиб бир оз мизгиб олмайсизми?

— Ҳа, ёмон бўлмасди...

— Яхши ухлаб туринг, азизим, яхши ухлаб туринг. Мен сизни кузатиб қўяман. Илтимос, ҳужжатларни кўраётганингизда давлат ўрмонларнинг дирекцияси билан ёзишмаларнинг санасига эътибор беринг. Хатларга уч ойлаб жавоб бермаслик расвогарчилкнинг ўзгинаси эмасми, ахир. Ҳай майли, бу тўғрида кейин гаплашамиз. Ҳозирча дам олинг. Кечки овқат соат саккизда бўлади.

Никодим ботинкасини ечиб, диванга чўзилди. Аммо ҳадеганда уйқуси келавермади. Унинг миясини бир фикр чулғаб олган эди. Нима қилсайкин? Нима қилиш керак ахир?. Балки, бир йўла очишини айтиб, чолга ҳеч вақони тушунмаслигига иқор бўлиш керакдир... Ёки бу мураккаб тугунни ечишга уриниб кўрсамикин?. Агар шу ишни уddyалай олганида Коборовда яна икки, борингки, уч ой турishi мумкин... Чунки бундан ортиқ чўзиб бўлмайди. Фақат бир нарса аниқ: чол уни министрнинг ёрдамида ишларини жўнаштириб юбориш учун таклиф қилган...

«Жуда қув чол экан, лекин роса чув тушди-да.. Нима қилсам экан? Билиб қолса — юраги ёрилиб ўлади-да, ўзиям».

Куни билан қилган ишидан ҳам кўра ана шу икки сатлиқ ҳордиқ Дизмани кўпроқ чарчатди. Бу орада у ўндан ортиқ папирос чекиб ташлади. Ниҳоят, хона папирос тутунига тўлиб, нафаси қайта бошлагач, у қўшни кабинетга ўтди. У ердаги ёзув столи устига Никодим танишиб чиқиши лозим бўлган бир талай ҳисоб-китоб дафтарлари ва ҳужжатлар тахлаб қўйилган эди.

Дизма дилида бир сўкиниб олди-да, орқасига қайт-

ди. Сўнгра бирдан айвонга қараган эшикни очиб, паркка чиқиш мумкинлигини эслаб қолди..

Парк жуда саришта эди. Никодим анча юриб қўйган бўлса-да, унинг охири кўринай демасди. Кекса дуб, қора қайнин, аргувон ва заранг дараҳтлари оралаб бир-бира гиги томчи сувдек ўхшайдиган теп-текис йўлкалар тармоқ отганди.

«Бу ерда адашиб қолиш ҳеч гап эмас,— дея хаёлидан ўтказди Дизма ва атрофга аланглаб қараб қўйди.—Хар қалай уй шимол томонда жойлашган».

Тарвақайлаб кетган дараҳтлар остида мармар ва тахта курсилар кўзга ташланарди. Чорак соатча сайд қилиб юргач, Никодим сояда турган шундай курсилардан бирига бориб ўтириди. Шу заҳоти миёсида яна ҳалиги ташвишли фикрлар хира пашшадай ғўнғиллай бошлади: ни ма қилиш керак, қутулишининг чораси бормикин, қандаи баҳона ўйлаб топсайкин?

Кимдир ҳуштак чалганича яқинлашиб келмоқда эди Дизма ўғирилиб қаради. Торгина хиёбондан башані кийинган, кўзига монокль<sup>1</sup> тақсан бир йигит келмоқда эди. Унинг ортидан қийшиқ оёқларини пилдиратганича калласи кўршапалакнига ўхшаш пинчер зотли миттигина ит югуриб келарди. Ит Дизманни кўриб қолиб, вовуллай бошлади. Йигит тўхтаб, Дизмага бошдан-оёқ кўз югуртириб чиқди-да, унинг ёнига келди. Ўттизларга кирган бу нотаниш йигит озғин ва новча бўлиб, бўйни узунлигидан янада дарозроқ кўринарди. Унинг юзи ёш болаларнига ўхшаш кичкина ва рангпар бўлиб, қовоқлари қизариб кетган катта-катта мовий кўзларининг нафратомуз ва истеҳзоли қарашига мутлақо мос тушмасди. Йигит кўзларини лўқ қилганича Дизмага тикилиб тураверди.

«Бу жин ургурга нима керак ўзи!»— дея хаёлидан ўтказди Никодим хижолатга тушиб.

Йигит эса Дизма томон ҳаддан ташқари узун шаҳодат бармоғини чўзиб, жиддий оҳангда сўради:

— Ким бўласиз?

Никодим нима қиласини билмай ўрнидан турди.

— Мен... бошқарувчиман, янги бошқарувчи.

— Фамилиянгиз?

— Дизма, Никодим Дизма.

<sup>1</sup> Монокль — бир кўзга тутиладиган кўзойнак (*Тарж.*).

Ит вовиллаганича эгасининг оёғи остида у ёқдан-бу ёққа сакрарди.

— Дизма дейсизми?.. Эшитувдим. Мен граф Понимирский бўламан. Утилинг. Ёт, Брут! Биласизми, пан Дизма, мен итга бизнинг замонамизда жуда бемаъни эшитиладиган шундай лақаб қўйганман. Айтгандай, нега энди итнинг лақабида маъно бўлиши керак экан? Утилинг.

Дизма жойига ўтириди. Бу граф унинг кўнглида ғалати бир таассурот қолдириб, кўркув, ижирғаниш, қизиқиши ва раҳм-шафқат ҳисларини аралаشتариб юборган эди.

— Эшитувдим...—деди граф чўзиб тилининг уни билан гезарган лабларини ялар экан,— ха, эшитувдим. Керак бўлиб қолгандирсизки, у абллаҳ сизни бу ерга олиб келган-да. Жентельмен сифатида айтиб қўйай, азиз кўёвим фирт муттаҳам одам.

— Кимни айтяпсиз, граф?— дея ажабланди Дизма.

— Кимни бўларди? Анови абллаҳ Леон Куникни-да, албатта.

— Пан Куниккийни-я?

— Қанақасига Куниккий бўлар экан?— қичқириди граф.— Жин урсин! Куниккиймиш-а? Куниккий — шляхтага мансуб ажойиб фамилия. Бу ўргимчак эса уни ўзлаштириб олган. Ўғирлаган, тушуняпсизми, Ўғирлаган! Унинг фамилияси шунчаки Куник. Ўзим текшириб кўрганман. Онаси — кир юувучи Геновефа Куник, отасининг кимлиги эса номаълум. Ҳа, тақсир, герцогия де Рено-нинг набираси бўлмиш графиня Понимирская шу кунда пани Куник бўлиб юриди.

— Тушунолмадим,— эҳтиёткорлик билан оҳиста гап бошлади Дизма,— демак, сиз, граф, пан Куниккийнинг қайнағаси бўлар экансиз-да?

Понимирский худди чиён чаққан одамдай сакраб ўринидан турди. Унинг қонсиз юзи бўзариб кетди.

— Жим бўлинг! Училинг овозингизни сиз, сиз...

— Кечирасиз,— деди қўрқиб кетган Дизма.

— Менинг олдимда уни абллаҳ Куник, муттаҳам Куникдан бўлак ном билан атай кўрманг. Эшитдингизми! У сира ҳам Куниккий эмас! Күёвим — палид, судхўр ва товламачи... Куник бўлади! Хароми фирибгар! Куник! Куник! Куник! Такрорланг: Куник! Куник!

— Куник,— дея тақрорлади қўрқа-писа Дизма.

Кўнгли жойига тушган Понимирский курсига ўтирида, ҳатто жилмайиб ҳам қўйди.

— Билмаган экансиз-да? Брут ҳам аввалига билмай унга сўйкалган эди. Лекин маҳлуқ куёвим уни тепиб юборди!

У бир оз ўйланиб турди-да, сўнг қўшимча қилди:

— Иккови ҳам маҳлуқ: Куник ҳам, ит ҳам... Ундан десам, ўзим ҳам маҳлуқман...

Граф бирдан хаҳолаб кулиб юборди:

— Очифини айтганим учун кечирасизу, лекин сиз ҳам маҳлуқсиз.

У ҳамон қаҳқаҳа отар экан. Дизма: «Телба бўлса керак», — дея дилидан ўтказди.

— Мени телба деб ўйлаяпсизми? — деди Понимирский бехосдан Дизманинг қўлидан ушлаб, юзини унинг юзига яқинлаштирар экан.

Дизма чўчиб тушди.

— Йўғ-е, — дея эътиroz билдири у талмовсираб. — Нималар деяпсиз! Худо сақласин...

— Гап қайтарманг! — қичқирди граф. — Ҳаммасини биламан! Турган гап, Куник сизга айтган бўлиши керак. Балки синглим айтгандир? Очифини айтинг. Бу тўнгиз, бу чиябўри билан яшар экан, эртами-кечми у ҳам маънавий инқирозга учрайди. Хўш, Нина сизга нима деди?

— Менга ҳеч ким ҳеч нима дегани йўқ.

— Ҳеч ким-а?

— Чин сўзим, — дея уни ишонтириди Никодим.

— Мен билан танишиш шарафига мусассар бўлишингизни ўйлашмаган-да! Улар менга уйга киришни ман этиб қўйишганидаи хабарингиз бўлмаса керак! Менга овқатни алоҳида беришни буюришган! Паркдан ташқарига чиқишини тақиқлаб қўйишиди. Куник хизматкорларга, агар ташқарига чиқса, уни таёқ билан саваланглар, деб буюрган.

— Нега энди?

— Нега дейсизми? Чунки мен уларни доим ноқулай аҳволга солиб қўяман. У фирибгар, у ташландиқ менинг шляхталарга хос юриш-туришимни кўриб, гап-сўзимни эшитса ёрилиб ўлай дейдай. Чунки бу ерда у муттаҳам эмас, мен хўжайин бўлишим керак. Куник Коборовонинг чинакам эгаси мен эканлигим, бу ерлар менга отамерос эканлиги ҳақидаги фикрга сира кўника олмайди!

— Демак, пан Куник... пан Куник Коборовони синглингизнинг сепи тариқасида олган экан-да, граф?

Понимирский икки қўли билан юзини ёпганича жишиб қолди. Унинг узун ва ингичка бармоқлари орасидан ёш оқиб тушмоқда эди.

«Жин урсин, нима бало бўляпти ўзи?!» — деб ажабланиб хаёлидан ўтказди Дизма.

Ит қаттиқ ингиллай бошлади ва Понимирский тиззасига сакраб чиқмоқчи бўлди. Граф атир сепилган шоҳи дастрўмолини олиб, кўзларини артди.

— Кечирасиз, — деди у, — асабларимнинг мазаси йўқ...

— Бемалол... — дея гап бошлади Дизма. Бироқ шу пайт граф истеҳзо аралаш илжайди.

— «Бемалол» деганингиз нимаси? Сиз — исмингизни унугиб қўйдим — сиз менга ёқиб қолдингиз, шунинг учун ҳам йиглаяпман. Инглизлар бундай ҳолда... Айтмоқчи, сиз инглизчани тушунмасангиз керак-а..

— Йўқ, тушунмайман.

— Жуда соз, — деди хурсанд бўлиб граф. — Хафа бўлманг: сиз менга ёқиб қолдингиз! — У бармоқларининг учи билан Дизманинг елкасига қоқиб қўйди. — Агар сизни сўкким келиб қолса, инглизчалаб сўкаман, майлими?

— Майли, — итоаткорлик билан рози бўлди Дизма.

— Лекин муҳими бу эмас. Ёдингизда бўлсин: гарчи Куник муттаҳам бўлиб, бизнинг Коборовони ўзлаштириб олган бўлса-да, унинг ҳақига хиёнат қилиш мумкин эмас. Чунки келажакда мен уни судга бериб, ер-мулкизизни қайтариб оламан-да, ўзини қаматаман. Нинани эса ўз васийлигимга оламан. Соат неча бўлди?

Дизма чўнтағидан соатини олди.

— Етти ярим бўлиби.

— Етти ярим дейсизми? Дарров-а? Тезроқ павильонга боришим керак? Акс ҳолда менга кечки овқатни бермай қўйишади. Хайр. Афсус, сизга яна анча нарсалар ҳақида гапириб бермоқчи эдим. Эртага худди шу пайтда яна келинг. Келасизми?

— Хўп, келаман.

— Ҳа, яна бир гап айтмоқчиман. Мени кўрганингизни ҳеч кимга айтманг, хўпми. Айтмасликка сўз беринг!

— Сўз бераман.

— Ҳай, майли, гарчи фамилиянгиз ва афт-башарагиздан таги паст эканлигинги шундоқ кўриниб турган

бўлса-да, сизга ишонаман. Оми одамларда виждан бўлмайди, лекин сизга ишонаман. Хайр!

У шартта орқасига ўтирилди-да, хиёбондан тез-тез юриб кетди. Ити ҳам қийшиқ оёқларини пилдиратиб, унинг ортидан югурди.

— Ақлдан озган экан,— деди Дизма, граф муюлишдан ўтиб, кўздан ғойиб бўлгач.— Телбанинг худди ўзгинаси. Нималарни вайсамади-я!. Бадавлат жанобларнинг дилида доим бирор қабиҳлик бўлади... Балки, унинг гаплари ростдир... Жин урсин... Куник! Уни аblaҳ деди я... Э, менинг нима ишим бор?

Никодим қўл силтади-да, тамаки тутатди. Узоқдан бонгнинг чўзиқ жаранглагани эшитилди. Кечки овқатга чақиришмоқда эди. Дизма ўрнидан туриб, уй томон йўл олди.

#### 4- боб

Стол ёнида турган басавлат хизматкор лакопчаларни аста алмаштириб қўйди. Дастурхонга навбати билан бир неча хил таом тортилганди. Никодимнинг кайфияти нонушта пайтидагига қараганда анча дуруст эди. Қуниций — эҳтимол Куник — ишлар ва Дизма билан қизиқмай қўйганди. У энди сухандонлик ўқларини хотини билан қизига қараб сочар, улардан харид қилган нарслари ҳақида сўраб-суриштиради.

Пани Нина одоб билан, аммо совуқнина қилиб жавоб берар, Кася эса «ҳа» ёки «йўқ» дей мингирилар, баъзи саволларга мутлақо жавоб ҳам бермасди. Понимирский билан ғалати сұхбатдан сўнг Никодим қизининг Куницийга нисбатан сурбетлик даражасига бориб етадига бундай хурматсизлик қилиши сабабини сира тушунолмай қолди. У бундай муносабат муаммосини тушунишга ҳаракат қиласади-ю, бироқ ўйлаб-ўйлаб тагига етолмасди.

Овқатланиб бўлишгач, Қуниций сайр қилишини таклиф этган эди, Кася елка қисиб қўя қолди, Нина эса:

— Майли, бажону дил,— деде жавоб қилди.

Қуниций оғир ҳассасини тўқиллатиб сигара тутат ганича Нина билан олдинда бораарди. Улар паркнин Дизма ҳали қўрмаган томонига қараб юришди. Бу ерда тарвақайлаган дараҳтлар бўлмай, ҳамма ёқ майсано ва гулпушта қилиб қўйилган эди. Фақат аҳён-аҳёнд:

қорамтири тусга кириб бораётган осмон тархида айрим дараҳтларнинг кўркам қуббаси кўриниб қоларди.

Никодим зарурат юзасидан Касянинг ёнида қолди. Улар индамай боришарди. Теварак-атроф жимжит эди. Фақат олдинда оҳиста сұхбатлашиб бораётган Қуниций билан Нинанинг узўқ-юлуқ товуши қулоққа чалинарди. Умуман хиёбон бўйлаб аста қадам ташлаётган баланд бўйли, хушқомат жувоннинг ёнида қўлларини силкитганича пилдираб бораётган чолни кўрган одамнинг кулгиси қистарди.

— Теннис ўйнашни биласизми?— деде сўради Кася.

— Менми? Йўқ. Билмайман.

— Қизиқ.

— Нимаси қизиқ экан.

— Чунки ҳозирги эркакларнинг ҳаммаси теннис ўйнашни билади.

— Бу ўйинни ўрганишга вақтим бўлмаган. Фақат бильярд ўйнашни биламан.

— Рости билан-а? Жуда қизиқ. Айтинг-чи. Кечиравиз, мен ҳозир...— деди Кася бирдан ва гулпушта томон югуриб кетди.

Дизма нима қиласини билмай тўхтаб қолди. Бироқ Кася тезда қўлида тамаки гули тутганича қайтиб келди. Гулдан хўшбўй ҳид таралмоқда эди. Кася уни Никодимнинг димоғига тутди. Қиз гулни мен учун узиб келди, деб ўйлаган Дизма қизариб кетди ва гулни олмоқчи бўлиб қўл узатди.

— Э, йўқ, гул сизга эмас. Ҳидлаб кўринг. Ажойиб-а, тўғрими?

— Ҳа, албатта, жуда хўшбўй экан,— деди хижолатда қолган Никодим.

— Сиз ўзингизга жуда бино қўйган кўринасиз!

— Мен-а? Нега энди?— ажабланди Дизма.

— Дарров, бу гулни менга ҳадия этяпти, деб ўйладингиз. Чамаси, аёллардан тез-тез гул олиб турсангиз керак-да?

Умри бино бўлиб биронта аёлдан гул олмаган Дизма ҳар эҳтимолга қарши:

— Ҳа, шунақаси ҳам бўлиб тураарди,— деде жавоб қилди.

— Пойтаҳтдаги киборлар жамиятида сиз кучли шахс сифатида обрў қозонган бўлсангиз керак-а?

— Мен-а?

— Отам айтган эдилар. Сиз чиндан ҳам шунақа

одамга ўхшайсиз. Шундай қилиб, бильярд ўйнашни биламан денг?

— Ҳа, ёшлигимда ўрганганман,— жавоб берди Дизма, лисковлик Аронсон қандолатхонасидаги тамаки турунига тўлиб турадиган кичкинагина бильярдхонани эслар экан.

— Бизнида ҳам бильярд бор. Аммо ҳеч ким ўйнаши билмайди. Агар вақт топиб, ўргатсангиз, бажону дил ўрганаардим...

— Сиз а?— ажабланди Дизма.— Аёл кишининг бильярд ўйнаганини сира кўрган эмасман. Ахир бу эркакларнинг ўйини-ку.

— Мен ўзим шунаقا, эркакларнинг ўйинини яхши кўраман. Хўш, ўргатасизми?

— Жоним билан.

— Ҳозироқ бошлайлик бўлмасам.

— Иўқ,— дея эътиroz билдириди Дизма.— Бугун ишим кўп, Ҳисоб-китоб дафтарларини кўриб чиқишим керак.

— Ҳм... Сизни жудаям хушмоамала деб бўлмас экан. Лекин характерингизнинг ўзи шунаقا бўлса керак.

— Хўш, бу, яхшими, ёмонми?— дея юрак ютиб сўради Никодим.

— Нима яхшими, ёмонми?— совуқина қайта сўради Кася.

— Характеримнинг шунақалиги-да?

— Биласизми... Сизга очиғини айтаман. Мен қўлидан иш келадиган одамларни яхши кўраман. Лекин бундай одам дадамларга ўхшамаслиги керак. Ҳа, бир нарсани олдиндаи, ҳм.. билиб олмоқчи эдим... Агар очиғини айтсан хафа бўлмайсизми?

— Худо сақласин!

— Ундей десам, бу билан менинг ишим йўқ.

— Тушунмадим.

— Сиз гапнинг пўскалласини яхши кўрасизми?

— Нима?

— Кўриб турибман, дудмал гапни ёмон кўрар экан-сиз. Жуда яхши. Гап бундай, агар сизга баъзан илтифот кўрсатгудек бўлсан, бундан иотўғри хулоса чиқариб юрманг. Бошқача қилиб айтганда, мендан гул кутманг.

Никодим ниҳоят қизнинг нима демоқчи эканлигини тушунди-да, кулиб юборди.

— Мен бу нарсани хаёлимга ҳам келтирган эмасман.

— Жуда яхши. Бошиданоқ орани очиқ қилиб олганимиз маъқул.

Дизма негадир ранжигандай бўлиб, ўйламай-нетмай деди:

— Гапнгиз тўғри, шунинг учун мен ҳам очиғини айтмоқчиман: сиз ҳам менга ёқмайсиз.

— Ростдан-а? Ундей бўлса янаям яхши,— деди кутимаган бу гапдан бир оз эсанкираб қолган Кася.— Бундай фикр алмашув бильярд ўйинини ўрганишимизда анча осонлик туғдиради.

Эр-хотин Куницкийлар ортларига қайтишиб, уларга келиб қўшилишди. Кася Нинанинг қўлтиғидан өлиб, унга кўлидаги гулни узатди:

— Бу сенга, Нина, ахир сен тамаки гулини яхши кўрасан-ку, шундай эмасми?..

Куницкий Касяга ўгирилиб қаради. Қоронги тушган бўлса-да, Дизма унинг кўзи ғазаб билан ёнаётганини яққол сўзди.

— Бундай намойишнинг нима ҳожати бор?— деди чол жаҳл билан янада қаттиқроқ шушулааб.

— Уни узиб бекор қилибсан. Гулнинг умри бусиз ҳам жуда қисқа-ку,— деди хижолат чеккан Нина астагина.

Улар бир-бирларига яхши уйқу тилаб, вестибулда хайрлашишди. Бироқ Дизма уйқуни хаёлига ҳам келтирмаган эди. У қандай бўлмасин Куницкийнинг хўжалик ишларини тушуниб олишга аҳд қилганди. Бу жуда мушкул иш эди: бутун-бутун саҳифалар, қатор рақамлар, у билмайдиган ёки уларнинг сирли маъносини охиригача тушуниб етолмайдиган қандайдир ғаройиб, ғаним сўзларга тўлдириб юборилганди. Дисконт, полуфабрикат, тенденция, нархни ошириш, эквивалент — мияси ғовлаб кетган Дизманинг пешанасини тер қоплади.

У овозини чиқариб ўқиб кўрди, бироқ бунинг ҳам фойдаси тегмади. Ўзи ўқиётган жумлаларнинг мазмуни миясидан чиқиб, ҳавога учуб кетаверарди. Никодим стол ёнидан сапчиб турди-да, мушти билан бошига урганича, Ҳисоб-китоб дафтарларига ланъят ўқиб, хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Тушунишим керак,— дерди у қайсаарлик билан.— бу ишнинг тагига етишим лозим. бўлмаса ҳолимга вой.

У яна ўтириб ўқий бошлади, яна сапчиб ўридан турди.

— Иўқ, беҳуда уриняпман. Миям ёрилса ёриладики, аммо бу лаънати ишнинг тагига етолмайман.

У ванихонага бориб, совуқ сувнинг жўмрагини очдида, «Ёрдами тегармикин ёки йўқми?» дейа ўйлаганича бир неча минут бошини сувга тутиб турди.

Бунинг ҳам нафи тегмади. У туни бўйи қоғозлар устида мук тушиб ўтириб чиқди. Бироқ шунчча уринишлари-нинг натижаси қаттиқ бош оғриғи бўлди, холос. У Коброво хўжалиги ҳақида бир оз тасаввур ҳосил қилди. Аммо бу тасаввур шунчалик юзаки эдики, иш юритиш ёқда турсин, ҳатто Куницкий билан гаплашиш учун ҳам камлик қиласди.

«Нима қилмоқ керак ахир?»

Никодим узоқ ўйлаб, осонликча жон бермасликка аҳд қилди.

«Иш бошлишни пайсалга соламан, бу орада, балки, бир жойдан нажот йўли топилиб қолар».

Куницкий ҳисоб-китоб дафтарлари ўюлиб ётган стол ёнида бошини чанглаб ўтирган Дизманинг ёнига кирганида соат тўққиз бўлган эди.

— Азизим, пан Никодим,— дейа қичқирди чол гўё раникандек бўлиб,— нима қиляпсиз ўзи! Мутлақо ухламабсиз-ку, ахир! Мехнатсеварлик ҳам эви билан-да, соғлиқ ҳам керак-ку одамга.

— Бало ҳам урмайди менга,— тўнғиллади Дизма.— Ишни бошлаганимдан кейин уни охирига етказишим керак.

— Жуда қайсар экансизу... Хўш, қалай?

— Ҳеч нима деёлмайман.

— Азизим, пан Никодим, чиндан ҳам ишлар жуда батартиб-а? Аниқ, лўнда, саришта...

Дизма сўқиб юборишига сал қолди.

— Чиндан ҳам ҳаммаси батартиб экан,— деди у ғижиниб...

— Нима? Рости билан-а? Ҳамма ишни ўзим қиламан. Бу механизминг ипидан-игнасиғача мёнга беш панжадек маълум. Шу боисдан ҳам хизматчиларимдан биронтаси мени алдаб кетолмаслигига имоним комил. Энди таси мени алдаб кетолмаслигига имоним комил. Ҳозир ионушта қиламиз. Ҳали иш учун вақтингиз кўп, бугун сиз билан ҳеч қаёққа бормаймиз. Қоғоз фабрикасида қурилиш комиссиясининг мажлисини ўтказишим керак, сўнгра Котилувка-даги ўрмонни кўргани бораман.

Никодим билан Куницкий емакхонага кириб бориши-ганида, хонимлар уларни кутиб ўтиришган эди.

— Вой, мунча рангингиз оқариб кетибди!..— дейа гап қотди пани Нина.

— Бир оз бошим оғрияпти.

— Бир тасаввур қилинг-а,— дейа саннай кетди Куницкий,— пан Никодим мижжа ҳам қоқмабди. Туни билан ҳисоб-китоб дафтарлари устида ўтириб чиқибди.

— Балки бош оғриғи дори ичарсиз?— сўради Нина.

— Фойдаси тегармикин...

— Ичинг, анча енгил тортасиз.

У хизматкорга дорилар солинган қутичани келтириши буюрди. Шундан сўнг Дизма тахир дорини ичишга мажбур бўлди.

— Биласизми, Нина,— деди Қася,— пан Дизма менга бильярд ўйнашни ўргатадиган бўлди.

— Сиз бильярдни яхши ўйнайсизми?

— Уртacha,— жавоб қилди Никодим.— Бир вақтлар яхши ўйнардим.

— Балки, машқларни нонуштадан сўнг бошлармиз?— дейа таклиф этди Қася.

— Мен эса сизларни томоша қиламан,— қўшимча қилди Нина.

— Хо-хо,— кулиб юборди Куницкий,— пан Никодими мендан бутунлай тортиб олмасанглар, деб қўрқиб қолдиму.

— Эрим сизни биздан қизғаняпти,— дейа жилмайди Нина. Дизмага аёл унга хайриҳоҳлик билан қараётгандек туюлди.

«У жуда меҳрибон бўлса керак»,— хаёлдан ўтказди Никодим.

Куницкий ионушта қилиб бўлишгани заҳоти улар билан хайрлашди-да, пилдирағанича ўзини кутиб турган автомобиль томон йўл олди.

Қася бильярдни ўйнинг ҳозирлашни буюргач, уларнинг учови бильярдхонага ўтишди.

Машқ Дизманинг кийни қандай ушлаш лозимлигини кўрсатишидан бошланди. Сўнгра у соққани қандай уриш лозимлигини тушунтириди.

Қася ҳаммасини тез ўрганди: унинг қўли бақувват, қўзи ҳам мўлжални тўғри оларди.

— Сиз ҳали жуда яхши ўйнайдиган бўласиз,— деди Дизма.— Фақат бир оз машқ қилишингиз керак.

— Демак, Кася зийрак шогирд экан-да? — дея сўради Нина.

— Ҳа, кийни биринчи марта ушлаган одам сифатида жуда яхши ўйнади.

— Бильярд ўйинида энг қийини нима? — сўради Кася.

— Карамболь.

— Илтимос, кўрсатинг.

Дизма соққаларни стол устига тикди.

— Марҳамат, қаранг, — деди у, — энди мен ўз соққамни шундай ураманки, у бориб кетма-кет икки соққага урилади.

— Бундай бўлиши мумкин эмас: улар бир чизиқка жойлашмаганку, ахир.

— Худди шуни карамболь дейишади-да, — дея жилмайди Никодим, аёлларни қойил қолдирганидан мамнун бўлиб. — Унинг бутун сири соққанинг турли жойда стол четига урилиб, йўналишини ўзгартиришида. Карамболь мана бунақа бўлади.

У соққани кий билан аста урган эди, карамболь ҳосил бўлди-қўйди. Хонимлар буни кўриб лол қилишди.

— Ахир бу геометрия-ку, — дея ажабланди Нина.

— Мен буни сирам ўргана олмайман, — гап қотди Кася.

— Балки, сиз ҳам уриниб кўтарсиз? — деди Дизма Нинага қараб.

— О, мен мутлақо ўйнолмасам керак, — жавоб қилди Нина. Лекин кийни қўлига олди.

Жувон чап қўлини кийга қай йўсина тиргак қилишни билолмаган эди, Дизма унга тушунтира бошлади. Никодим қўлни столга қандай қўйиши лозимлигини кўрсатаётib, аста унинг билагидан тутди. Нинанинг териси жуда силлиқ ва майин ёкан. Бу қўллар меҳнат нималигини билмаса керак, дея хаёлидан ўтказди Дизма...

«Бадавлат бўлиш жуда ажойиб нарса-да, — дея ўйлади у яна, — бир имо қилсанг бас — кўнглинг тусаган нарсани бажо келтиришади...»

— Хўш, пан Дизма, — деди Нина, — мени ўргатгингиз келмаяпти, шекилли?

— Кечирасиз. Шунчаки... хаёл суриб қолибман.

— Қизиқ, нима ҳақида хаёл сурдингиз?

— Шунчаки ўзим... қўлингиздан тутганимдан сўнг:

бундай нозик қўллар меҳнат нималигини билмаса керак деб ўйладим.

Нина қип-қизариб кетди.

— Рост айтдингиз. Ўзим ҳам анчадан бери уялиб юрибман. Бирон ишга қўл урай десам иродам заифлик қиласди. Эҳтимол, шароитнинг ўзи шундай бўлгани учун ялқовлик қилаётгандирман.

— Албатта, шунча пули бор одам ишлаб ҳам нима қиласди, — деди Дизма мутлақо бегараз.

Нина лабларини тишлаб, ерга қаради.

— Сиз юз-хотир қилмай гапидингиз, лекин, тан оламан, сиз ҳақсиз.

Жувоннинг нима демоқчилигини тушунолмай қолган Дизма, бир оз гангид қолди.

— Пан Дизма ростгўйликнинг худди ўзгинаси экан. Ўйлаган нарсасини бетингга айтади-қўяди, — деди Кася.

— Ноёб фазилат, — дея жавоб қилди Нина.

— Очигини айтганда, бундай қилиш ҳамма вақт ҳам атрофдагиларга ёқавермайди.

— Лекин фойдаси бор. Менга сохта мақтовдан кўра аччиқ ҳақиқат юз карра кўпроқ ёқади...

— Менимча, мақтов билан пан Дизма — бир-бирига тўғри келмайдиган тушунча. Айтинг-чи, — деди Кася Никодимга қараб, — сиз, бирон марта бўлсин, аёлларга хушомад қилганимисиз?

— Бўлмасам-чи. Агар мен чиройли аёлни кўрсам, унга бирор ёқимли гап айтишим-мумкин.

— Фақат шуми? Хўш, масалан, менга нима деган бўлардингиз?

— Сизгами?.. Ҳм... — Дизма хәёлга чўмиб, гўштдор иягини ишқаб қўйди.

Кася хаҳолаб кулиб юборди.

— Кўрдингми, Нина, мақташга келганда пан Дизма шунаقا қийналиб қоладилар. Илтимос, мен тўғримда бирор нарса денг. Агар мени умуман мақтай олмасангиз, бирор айrim жойимни топиб мақтанг...

Қизнинг нозик тук қоплаган қорамағиз юзига қон югорди. Никодим ичиди, Кася кўхликкина экан, деб ўйлади. Лекин у барибир қандайдир сирли кўринарди: қизнинг Нинага тикилган қўй кўзларида ўқтин-ўқтин қандайдир ғалати бир ифода учқунларди.

— Сизнинг қулоқларингиз чиройли экан.

— О!.. — дея ажабланди Кася. — Сиздан шу гапни

эшитаман деб сира ўйламагандим. Бултур қишида Ривье-  
рада бўлганимда, маэстро Берганонинг ўзи менга худди  
шу гапни айтган эди.

«Бергано дегани ким бўлдийкин? Оббо лаънати, қўл-  
га тушдиму»,— деган хаёл кечди Никодимнинг мияси-  
дан. У шоша-пиша деди:

— Таеврий санъатни яхши тушунмайман. Унга ҳеч  
қачон қизиқкан эмасман.

— Аммо бу нарса сизнинг улуғ рассомлар каби нозик  
дид билан баҳо беришингизга халал этмас экан,— деди  
муйойимгина эътиroz билдири Нина.

Кася кийни стол устига қўйди-да, бугунчалик бильярд  
ўйини жонига текканини айтди.

— Бориб қайта кийиниб чиқаман. Сиз мен билан  
бирга от миниб сайд қилгани бормайсизми?

— Раҳмат, ҳали қиладиган ишларим кўп,— жавоб  
қилди Никодим.

— У ҳолда бир ўзим бораман. Кечгача хайр, Ниноч-  
ка,— Кася Нинанинг бўйнидан қучиб, лабидан ўпди.

Нина билан ёлғиз қолишгач, Дизма деди:

— У сизни ўз онасилик яхши кўрар экан.

Нина орқасига ўгирилиб, дераза олдига борди.

— Биз бир-биrimizни опа-сингиллардек яхши кўра-  
миз.

— Чамаси, ёшинтиздаги фарқ унча катта бўлмаса  
керак. Мен сизларни аввалига опа-сингил деб ўйладим.  
Лекин табиатингиз ҳар хил экан...

— Ҳа,— деда тасдиқлади Нина,— характер жиҳатидан  
ҳам, дунёқараш жиҳатидан ҳам биз бир-биrimizга ўх-  
шамаймиз.

— Аммо барибир бир-бирингизни яхши кўрасиз.

Нина жавоб бермади. Суҳбатни қандай давом этти-  
риши билмай қолган Дизма хайрлашишга қарор қилди.

— Мен борай энди. Яхши қолинг.

Нина жавобан бош иргади-да, сўради:

— Сизга бошқа ҳеч нарса керак эмасми?

— Йўқ, миннатдорман.

— Марҳамат, агар бирор нарса керак бўлиб қолса,  
тортинмай хизматкорларга буюраверинг...

— Раҳмат...

Дизма таъзим қилиб, хонадан чиқиб кетди. У оғир  
қадам ташлаб коридордан бораф экан, Нина Никодим-

нинг қип-қизил бўйни ҳамда кенг ва беўхшов елкасига  
тиклиб турди.

«Кучли одам шунаقا бўлар экан да,— ҳаёлидан ўт-  
казди у.— Қизиқ... Ҳарқалай... Эҳ, ҳаёлпарастлигим қур-  
син!..» деда кулиб юборди Нина ва бармоқларини чир-  
маштириб, бутун гавдаси билан кериши.

Дизма яна Куницкийнинг ҳисоб-китоб дафтарларини  
ўқий бошлади, бироқ унинг мияси тундагидан ҳам бат-  
тарроқ ишламай қўйганди. Бу беҳисоб рақамларининг та-  
гига етиб бўлмайдигандек туюларди унга.

— Э, жин урсин!— деда сўқинди Никодим.— Ўзим ҳам  
тифт тўнка эканман.

Дизма гимназияни эслади. У ерда тушунмаган нар-  
сангни ҳеч бўлмаса ёдлаб олишинг мумкин эди. Тўғри,  
жуда мащаққатли иш, лекин шу йўл билан ўқитувчининг  
дағағасидан қутуларди. Ниҳоят, агар ёдлай олмасанг.  
ўзингни касалға солиб, дарсга бормаслигинг ҳам мум-  
кин... Бу ерда эса қутулишнингchorаси йўқ... Чунки ёд-  
лаб олишнинг иложи йўқ, касал бўлиш эса...

Никодим бирдан:

«Касал бўлиб олсам-чи?»— деб ўйлаб қолди. Хўш,  
бундан нима фойда?

«Ҳарқалай ишдан ҳайдалишни бир неча кун... ҳатто  
бир неча ҳафта орқага сураман-ку...»

Ажойиб фикр! Балки, бу орада бирор нарса ўзгариб  
колар...

«Ҳа...— деда бир қарорга келди Никодим.— Ўйлаб  
ўтиришнинг нима ҳожати бор? Эртага эрталабданоқ ка-  
сал бўлиб оламан — вассалом!»

У қандай касалликни танласам экан деб, бош қотира  
бошлади. Юқумлиси бўлмайди: касалхонага жўнатишла-  
ри мумкин. Ошиқозоним оғрияпти, дейиш ҳам мумкин  
эмас: овқат бермай қўйишади.

«Бод касалим қўзғади, десам-чи?»

Дизма ҳатто хурсанд бўлиб кетди:

«Шуниси маъқул, майли, доктор ҳам чақириб кўриш-  
син, у ҳам барибир ҳеч нимани билолмайди».

Хизматкор тушки овқатга чақиргани келганида, Диз-  
ма, ўнг қўлим билан ўнг оёғимда бод касали қўзғади,  
дейишга қарор қилиб қўйган эди. У шу буғуноқ, кечки  
овқат маҳали оёқ-қўли оғриётганидан шикоят қилади,  
эртага эса бутунлай каравотдан турмай қўя қолади. Ўй-

лаб топган ҳйласидан Дизманинг бир зумда кайфи чор бўлиб кетди.

Стол атрофида ҳаммаси хурсанд ўтиришарди. Чамаси, хўжайнинг йўқлиги хонимларга яхши таъсир қилинди. Суҳбат Касянинг тиббиётни ўрганиш учун Швейцарияга жўнаши ҳақида бормоқда эди.

— Университетдан сўнг амалий иш билан шугулланмоқчимисиз? — деда сўради Дизма.

— Албатта.

— Касал бўлсак, сёнга бориб даволанар эканмизда, — деди кулиб Нина.

— Сен-ку даволатарсан-а, — гап қотди Кася, — лекин пан Дизмага келсак...

— Бераҳм экансиз... Мабодо тобим қочиб қолса-ю, яқин атрофда врач топилмаса-чи?

— Сиз ганимни нотўғри тушундингиз. Мен аёллар касаллиги бўйича мутахассис бўламан.

— Шунақа денг? Афсус. Менинг бодим бор. Бу касал билан эса кўпроқ эркаклар оғришади.

— Нега энди, хотинлар ҳам оғришади... — деди Нина. — Ҳаммаси касалликнинг сабабига боғлиқ.

— Менини урушнинг асорати, — деда жавоб қилди Никодим.

— Сиз офицер бўлганмисиз?

— Ўқ, оддий аскар эдим.

— Қандай ажойиб-а. Кўпгина машҳур кишилар ўшанда кул ранг солдат мундирин кийиб жанг қилишган.

— Мундирлар кўк рангда эди, — деда билағонлик билан жувоннинг гапини тўғрилади Дизма.

— Албатта, умид ранги — сиз буни нозиқ ҳис этибиз. Ярадор бўлганмидингиз?

— Ўқ. Урушдан қолган ягона хотира — бод касалим.

— Орденлар ҳам олгандирсиз, албатта?

Никодим орден олмаган эди, аммо у дарҳол ёлғон ишлатди:

— «*Virtuti Militali*»<sup>1</sup>, бундан ташқари унвонимни ҳам оширишди. Сал бўлмаса генерал бўлиб кетардим.

— Қандай қилиб?

— Мени унтер-офицер даражасига кўтаришди. Агар уруш тугаб қолмаганида, эҳтимол, генераллик унвонигача этиб борардим.

— Лекин урушдан сизда фақат ёқимли хотиралар қолибди.

— У пайт ҳаётимнинг энг яхши даври эди, — деди Никодим ростига кўчиб.

— Тушунаман. Гарчи аёл киши бўлиб, ўзимни яранган ва ўлаётган одамлар орасида баҳти деб ҳис этолмасам-да, ҳақиқий эркак учун урушнинг нима эканлигини яхши тасаввур қиласман. Урушда чинакам эркаклик туйғулари намоён бўлади. Ўртоқлик руҳи, кураш...

Дизма жилмайди. Шу тобда у телеграф батальонининг казармалари, сержантлардан бирининг товуқхонаси, иссиқ қаҳва, қорни тўйиб, бекор юрган пайтларини эслади.

— Ҳа, йиртқич ҳайвонга айланасан у ерда, — деда тасдиқлади у.

— Жонгинам, — деди Нина Касяга мурожаат қилиб, боя узилиб қолган гапини давом эттиради экан, — ҳарқалай тан олишинг керак: урушнинг ҳам ўз жозибаси бор. Бу нарса айниқса биз аёлларга қаттиқ таъсир қиласми.

Кася елкасини қисди:

— Ҳаммага ҳам бундай эмас.

— Барча аёллар, — деди Никодим, — лапашангликдан қўпол кучни афзал кўришади.

— Ўзингизни бозорга солмай қўя қолинг, — деда кулиб юборди Нина.

Яна бир оз суҳбатлашиб ўтиришгач, Дизма ўзига ажратилган хонага ўйл олди. У паркда хўжайнинларнинг сирини бажону дил айтиб берадиган анови телба граф билан учрашиши лозимлигини унутмаган эди.

Хеч ким кўрмаетганига ишонч ҳосил қилгач, Никодим айвонга чиқди-да, туслол билан кекса аргувон тагидаги курсига олиб борадиган хиёбон бўйлаб юриб кетди. Бироқ у ҳадеганда ўша курсини топа олмади. Шундан сўнг у Понимирский билан учрашишдан умудини уза бошлаган эди, яқингинада итнинг вовиллагани эштилиб қолди.

— Шу ерда экан! — хурсанд бўлди Никодим.

Чиндан ҳам нарироқда сершоҳ қора қайин остида тинмай вовиллаганича Понимирскийнинг ити ирғишли-моқда эди. Дизма бошини кўтариб, юқорига қаради-ю,

<sup>1</sup> Ҳарбий жасорати учун (лат).

ҳайратдан донг қотиб қолди: ёш граф шохнинг айрисида ўтиради.

— А, бу сизмисиз! — дея қичқирди у юқоридан. — Жуда яхши!

Понимирский ерга осонгина сакраб тушди-да, Дизма-га бош ирради.

— Куникка мен ҳақимда гапирдингизми? — сўради у Никодимга шубҳа билан тикилар экан.

— Йўғ-е, худо сақласин! Иннайкейин, унинг ўзи уйда йўқ ҳам.

— Буниси яхши бўлибди. Дараҳтга чиқиб ўтирганим-ни кўриб ажабланмадингизми?

— Йўқ, нега энди...

— Биласизми, буни атавизм дейдилар. Баъзан одамнинг жуда ҳам ибтидоий аҳволига қайтгиси келиб қолади. Сизда ҳам ҳеч шундай бўлганми, пан... Фамилиянгиз нима эди?

— Дизма.

— Ҳа, ҳа, Дизма. Аҳмоқона фамилия экан. Исмин-гиз-чи?

— Никодим.

— Қизиқ, сира Никодимга ўхшамайсиз-ку. Ҳай, майли, бунинг аҳамияти йўқ. Итим Brut ҳам Brutга ўхшамайди. Ўзимни кўрган одам ҳам исмимни Жорж деб ўйламайди. Демак, анови абллаҳ қаергадир кетди, дедингизми?

— Ҳа, бир кунга кетди.

— Яна бирор қаллоблик қилмоқчидир-да. У биздан Коборовони тортиб олганидан хабарингиз борми?

— Йўқ, бу тўғрида ҳеч нима эшитмаганман.

— Куник судхўрлик билан шуғулланарди. Бир пайт отам анчагина цул қарздор бўлиб қолди. Боз устига урушнинг қасри тегиб, молиявий аҳволимиз жуда мушкуллашиб қолди. Шундан сўнг Куник ишни осонгина чувалаштириб юборди. ва охир-оқибатда отамни Коборовони ёлғондакимига сотишга кўндириди.

— Ёлғондакамига дейсизми?

— Аниқ билмайман, бу ишга тишим ўтмайди. Шуниси маълумки, у муттаҳамчилик йўли билан ер-мулки мизни ўзлаштириб олди. Ҳай, майли. Ҳали уни авахтаги тикишади.

— Ҳўп, яхши,— дея эҳтиёткорлик билан гап бошлади

Дизма,— нега бўлмасам синглингиз Куник... ўша Кўникка турмушга чиқди?

— Отамни яхши кўрганидан. Агар Коборовони ташлаб кетишига тўғри келганида отам буни сира чидаёлмасди. Муттаҳам Куник эса буни сезиб қолди-да, отамга: агар Нина менга турмушга чиқса, Коборовони ўнинг ногига ёздириб қўяман, дея ваъда қилди. Фақат шу йўл билангина отамерос мулкимиз Понимирскийлар қўлида қолиши мумкин эди. Синглим шу ишни деб ўзини қурбон қилди, мана энди жабрини тортияти. Чунки отам тўй ўтгач, бир йилдан сўнг барибир дунёдан ўтди. Анави абллаҳ эса Нинани алдаб-сулдаб, жуда катта пуллик векселларга кўл қўйдирибди-да, сўнг ваколатнома ёздириб олибди. Синглимнинг ўз ер-мулкида бекалик қилолмаслигининг сабаби ҳам ана шунда. Абллаҳ Куник бу ерда ҳамма ишга хўжайин бўлиб олган.

— Ўнинг қизи-чи, бу ишларга у қандай қарайяпти?

— Қасями? Маймун у. Лекин Куникни ёмон кўради: айтишларига қараганда, у албаҳ Қасянинг онасини хўрлаган экан.

— У ўлганми?

— Ким?

— Пан Куникнинг биринчи хотинци-да!

— Қанақа пан? — дея ҳурпайди Понимирский.— Муттаҳам у, абллаҳ у, пан эмас. Мен пан бўламан! Тушундингизми?

— Тушундим, тушундим,— деди шошилиб Дизма,— Демак, ўлган экан-да?

— Биринчидан, бу билан менинг ишми йўқ, иккинчидан, ўлганига анча бўлган. Менга папирос беринг.

Понимирский папирос тутатди-да, оғзидан ҳалқа-ҳалқа тутун чиқарганча хаёлга чўмди... Унинг кечагига қараганда бугун анча хотиржам эканлигини пайқаган Дизма ботиниб сўради:

— Сизни ўйдан нега чиқариб юборишган?

Понимирский унинг саволига жавоб қилмай. Дизманинг кўзига узоқ тикилиб турди. Ниҳоят, у Никодим томон энгашди-да:

— Эҳтимол, сизнинг менга фойдангиз тегиб қолар... — дея шивирлади.

— Мени-я? — ажабланди Дизма.

— Жи-и-им! — Граф атрофга алнаглаб қарай бошлиди.— Кимдир гапимизни эшитаётганга ўхшайди.

— Бу ерда ҳеч ким йўқ-ку.

— Жим, Брут! Қани, қидир жосусни, қидир деяпман! Ит эгасига эсанкираб тикилганича жойидан қўзғалмай тураверди.

— Ҳе, маҳлуқ! — деди зардаси қайнаб граф.— Иўқол бу ердан.

У ўрнидан туриб, оёқ учида юрганича буталар ичини айланаб чиқди. Сўнг яна курсига келиб ўтириди-да, ибраторатомуз оҳангда деди:

— Эҳтёткор бўлган дуруст.

— Менга фойдангиз тегиши мумкин дедингиз... — дея эслатди Дизма.

— Ҳа. Сиздан қурол сифатида фойдаланаман. Лекин сиз менинг ҳамма гапимга миқ этмай қулоқ солишингиз керак. Бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмайсиз. Аввало сиз Варшавага, холам пани Пшеленскаянинг олдига боришингиз керак. Холам жуда тентак, шу билан бирга жуда ҳурматли зот. Кеча тўғри айтган эдингиз: бирга жуда ҳурматли зот. Зотларнинг аксарияти тентак бўлишади...

— Чиндан ҳам шундай...

Понимирский истехзо билан башарасини бужмайтириди:

— Лекин сиз бу қонундан истисно экансиз, — дея гапинй давом эттириди у. — Чунки сиз ҳам аҳмоқсиз, аммо сизни ҳурматли зот деб бўлмайди. Бироқ бунинг аҳамияти йўқ. Бизни муҳимроқ ишлар кутяпти. Гап бундай: Пшеленская холамнинг таниш-билишлари жуда кўп, кейин у Куникни кўргани кўзи йўқ. Шунинг учун ҳам у менинг ишим юзасидан сизга ёрдам берарди.

— Қанақа иш юзасидан?

— Мен гапираётганимда жим туриб эшитинг, жин уурсин! Куник мени жинни деб эълон қилди. Менинг сизни! Куник мени висийлик қилиш ҳуқуқига эга бўлиб олди. Гап бундай, холам, кимлигини аниқ билмайману, лекин мутахассисларни ѹифиши керак... Улар консилиум ўtkазиб, менинг руҳан соғлом эканлигими тасдиқлашлари лозим. Тушуняпсизми?

— Тушундим.

— Мен холамга хат ёзиб, сизни касбдошим сифатида тавсия қиласман. Тўғри, сиз кўринишингиздан кўпроқ этикдўзга ўҳшайсиз. Лекин холам анчадан бери Куникнинг адабини беришни орзу қилиб юрибди, шунинг учун ҳам ишонади. Холамга мени таҳқирлашаётга нини, тутқунликда сақлашаётганини айтасиз. Хулласини, тутқунликда сақлашаётганини айтасиз. Хулласини, тутқунликда сақлашаётганини айтасиз. Хулласини, тутқунликда сақлашаётганини айтасиз.

— Яхши, лекин...

— Жим! Билмасангиз, билиб қўйинг: бунинг учун мен билан дўстлашиб шарафига муюссар бўласиз. Сўнгра сизга умрбод маош белгилайман. Қалай, етадими? Ҳозир бориб хат ёзаман. Варшавага жўнашингиз олдиндан батафсил кўрсатма олиш учун олдимга кирасиз. Хатни ҳам ўшанда оласиз. Агар мени чақгудек бўлсангиз, билиб қўйинг: итдек отиб ташлайман! Хайр.

У ҳуштак чалиб итини чақирди-да, бир сакраб, буталар ортида гойиб бўлди.

«Телбалиги аниқ, — дея ҳаёлидан кечирди Дизма. — Лекин ҳарқалай графикнинг ҳикоясида, озгина бўлса-да, ҳақиқат борга ўҳшайди. Куницкий Коборовони сотиб олганман, деганди. Хотини билан қизи уни ёмон кўришади. Турган гап, анови телба ва унинг режалари билан овора бўлиб ўтиришининг ҳожати йўқ. Аммо бир ўйлаб кўрсам ёмон бўлмайди: эҳтимол, бу чигалликдан ўзимга бирор фойда чиқаришим мумкинди?...»

Ҳозирча у қандай фойда кўриши мумкинлигини билмасди, аммо бирорвоннинг сиридан воқиф бўлиб қўйиш ҳалал бермаслигини ҳис этарди. Айниқса унинг ҳозирги аҳволида бу нарсанинг нафи тегиши мумкин эди.

«Ҳеч бўлмаганда анови телбанинг гапи қанчалик ростлигини билиб қўйиши керак».

Дизманинг миясига, агар Понимирскийнинг гапи рост бўлса, у ҳолда Куницкийга сирийнинг фош этаман, деб пўписа қилишим мумкин, деган фикр келди. Никодим ҳаёл сурин борар экан, уй олдидан хизматкорга дуч келиб қолди. Хизматкор унга хўжайин машинани қайтариб юборгани, ўзи эса иш чиқиб қолгани туфайли эртага қайтажагини хабар қилди.

Бу янгиликдан Дизманинг боши осмонга етди. У яна бир кун мазза қилиб дам олади! Лекин у бод касали қўзғашини пайсалга солиб ўтирмасликка қарор қилди. Ҳарқалай у Куницкий билан учрашишдан бир кун олдин касал бўлиб олса ёмон бўлмайди.

Шу боисдан ҳам Никодим кечки овқат маҳали гоҳ елқаси, гоҳ тиззасини ушлаб, тўё қаттиқ оғриқдан азоб чекаётгандек, тўлғана бошлади. Иккала аёл айниқса Нина, ачиниб унинг касалини суриншира кетишиди. Дизма бод касали борлигини айтгач, аёлларнинг иккови яқдиллик билан Коборовонинг нам иқлими бу касални қўзғашига сабаб бўлиши мумкинлигини тасқидлаши.

Нина ҳатто буни олдиндан айтиб қўймагани учун кечирим ҳам сўради.

Кўмпот ичиб бўлингач, оғриқ жуда авжига чиқди. Дизма хонимлардан афв этишларини сўраб, ўз хонасига йўл олди, Нина хизматкорга уни кузатиб қўйишни буюрди-да, ўзи бирор дори-дармон топиш учун хонаки аптекасига чиқиб кетди.

Дизма ўзидан хурсанд эди. У касал бўлишни ҳам жуда ўрнига қўйди. Уни ечинтириб, тўшакка ётқизган ва тез орада дори олиб келган хизматкорнинг ташвишли кўриниши ҳам шундан далолат бериб тўради.

Орадан чорак соат ўтгач, эшик тақиллаб қолди.

— Кираверинг,— дея жавоб қилди Дизма. Шундан сўнг эшик очилиб, Нинанинг товуши эшитилди:

— Қалай, тузукмисиз?

— Мазам иўқ.

— Мабодо бирор нарса керак эмасми?

— Иўқ, раҳмат.

— Яхши ухлаб туринг. Эртагача тузалиб жетасиз, деб умид қиласман.

— Тунингиз хайрли бўлсин.

Хонага сукунат чўмди. Боя тўйиб овқатланиб олган Дизмани мудроқ босди.

«Бу Нина жуда ёқимтой хотин экан,— дея хаёлидан ўтказди у ўйқуга жетар экан,— графиня...»

## 5- б о б

Коборовонинг иқлими Никодим Дизманинг касалига жуда ёмон таъсир қилди. Эрталаб унинг кечаси билан мижжа қоқмай чиққани ва оёқ-қўлидаги оғриқ янада шункучайгани маълум бўлди. Оқсоч хотин Нинага ана шундай хабар олиб келди. Сўнгра у Дизманинг олдига бир талай дори-дармон олиб қайтди-да, беканинг ўқиши учун бирор китоб керак эмасмикин, деб сўраётганини хабар қилди.

Дизманинг китоб ўқишига хуши иўқ эди. Бироқ у нодон бўлиб кўринишдан чўчиб, оқсоч хотинга китобни қўлида тутиб туришга қийналишини айтди.

Бу баҳона кутимаган натижа берди. Эшик ортидан Нинанинг товуши эшитилди:

— Салом, пан Дизма. Аҳволингиз енгиллашмаганидан жуда хафаман. Балки, доктор чақириши кеңақдир?

— Иўқ, керак эмас,— дея қатъий оҳангда рад қилди Никодим.

— Хойнаҳой, зерикаётган бўлсангиз керак. Агар сизга китоб ўқиб беришса-чи?

— Лекин ким ҳам ўқиб берарди дейсиз?

Нина бир оз индамай турди-да, сўнг сўради:

— Олдингизга кирсам майлими?

— Марҳамат.

Нина ичкарига кириб, ҳамдардлик ва синчковлик билан Никодимга тикилди. Кейин ўзи китоб ўқиб беришни таклиф қилди. Дизма безовта қилгани учун ундан кечирим сўради, миннатдорчилик билдири, розилик беришдан бошқа иложи қолмади.

— Қўйсангиз-чи! Арзимаган нарса-ку! Шундай ҳам ишсиз юрибман. Бундан ўзим ҳам хурсанд бўламан. Айтинг-чи, сизга қайси ёзувчининг асарини ўқиб берайди?

Никодим ўйланиб қолди: Лисковда зиёли одамлар ўқийдиган бирор дурустроқ ёзувчини танлаш керак. Шулай у исми Джек деб талаффуз этилса-да, лекин қандайдир бошқача ёзиладиган бир инглизни эслади.

— Балки, Джек Лондондан ўқиб берарсиз?— деб илтимос қилди у.

Нина жилмайиб, бош иргади.

— Хозир олиб келаман.

У тезда муқоваси чиройли бир неча китоб кўтариб қайтди.

— Сиз Джек Лондонни яхши кўришингизни эшитиб, сира ажабланганим иўқ.

Умри бино бўлиб Лондоннинг бирор асарини ўқимаган Дизма гап қотди.

— Чиндан ҳам у менга жуда ёқади, лекин сиз нега бундай дедингиз?

— Мени кечирасиз, эҳтимол, бу шунчаки мақтанчоқликдир, аммо мен ўзимни анчайин кузатувчан одам деб ҳисоблайман. Гарчи сиз *Splendid isolation*<sup>1</sup>... яъни ички туйғулар билан яшовчи киши, табиатан одамови бўлсангиз-да, характерингизни тушуниш учча қийин эмас экан.

<sup>1</sup> Ажойиб ёлғизликда (ингл.).

— Нахотки?

— Ҳа. Биз, аёллар, эҳтимол бунга илмий йўл билан ва ҳатто методик услугуб орқали эришмасмиз. Лекин биз психоанализ, бошқача қилиб айтганда, амалий психология бўйича мутахассисмиз. Бу ўринда зийраклигимиз тадқиқот методининг ўрнини босади, нозик сезабилиши қобилияти эса бизни хатолардан асрайди.

«Оббо, роса валдиради-ку», хаёлидан ўтказди Дизма.

— Шу боисдан ҳам,— деда давом этди Нина китобни ихтиёrsиз ва рақлар экан,— биз очиқ китобдан кўра ёпиқ китобнинг калитини осонроқ топа оламиз.

— Ҳм, ҳар қандай китобнинг ҳам саҳифасини осонгина очиш мумкин бўлган бир пайтда қандайдир калит қидириб ўтиришининг нима ҳожати бор?— деда эътиroz билдири Никодим.

У ёпиқ китоблар ҳақида сўз очган Нина ҳозир китобни очмай туриб, Лондон асарини муқова устидан ўқиши намойиш қўлмоқчи шекилли, деган хаёлга борди. Шунинг учун ҳам қўшимча қилди:

— Китобни очишдан осон иш йўқ.

Нина унинг кўзига тикилди-да, эътиroz билдири:

— Йўқ, ундай эмас. Шундай китоблар борки, бу усулни ёқтиришмайди. Энг қизиқарлиси ҳам ана шу китоблар. Улар факат хаёлан ўқиш мумкин. Ё фикримга қўшилмайсизми?

— Билмадим,— жавоб қилди Дизма сира ўйлаб ўтирмай.— Мен бундай китобларни учратган эмасман. Жуда қимматбаҳо нашрларни кўрганман, лекин ҳар қандай китобни ҳам осонгина очиб, ўқиб чиқишим мумкин.

— Буни тушуниш қийин эмас: сиз, чамаси зериктирадиган китобларни умуман қўлингизга олмасангиз керак. Сизни қизиқтирган китоблар эса гўё магнетизм таърак. Сирида ўз-ўзидан очилса эҳтимол. Кучли ирода соҳиби бўлмиш одамларга хос нарса бу...

Дизма: «Нималар деб валдираяпти бу хотин!»— деда ичиди кулиб қўйди. Сўнг деди:

— Ахир китобнинг саҳифасини очиш учун ёш боланинг ҳам кучи етади-ку.

— Аммо сиз жуда кучли характерга эга экансиз..

— Мен-а?— гоят ажабланди Дизма.

— О, баҳслашмай қўя қолинг. Менда бу фикрин тасдиқловчи бир талай далиллар бор,— деди мағру-

жилмайиб Нина.— Масалан, сизнинг Джек Лондон асарларини яхши кўришингизни олайлик.. Ахир бу сизнинг дидингизга жуда хос-ку! Нега Поль Жаральди, Моруа, Уайлд, Синклер Льюис, Жеромский, Манн ёки Шоуни эмас, худди Лондонни яхши кўрасиз? Чунки Лондон тинч ижодий қаҳрамонлик поэзиясини, кураш қудратининг ибтидосини, меҳнат мадҳиясини куйлади.

Дизма индамай қолганди.

— Ана кўрдингизми. Оддиндан айтишим мумкин: сиз Шопени эмас, Брамсни яхши кўрасиз, сизга Яцек Мальчевскийдан кўра Матейко кўпроқ ёқади, қалбингиизга Сирено де Бержеракдан кўра Линдберг яқинроқ туряди, готик услубда яратилган осмон ўпар биноларни барокко ва рококо услубидаги иморатлардан афзал кўрасиз...

Жувон Никодимга ёш болаларникidek катта-катта мовий кўзларини тикиб турарди. Шу тобда у: «Менга қанақа ўйинчоқ олиб келганингизни яхши биламан, амаки!»— дедеётган болани эслатарди.

Дизма нима деб жавоб беришни билмай қолганди, шу боисдан ҳам, гўё қаттиқ оғриқ тургандай тўлганиб инграй бошлади. Нина ташвишга тушиб, Никодимдан, галим жонингизга тегмадими, эҳтимол, бир оз ухлаб олишни истарсиз?— деда сўрай бошлади...

— Менга очигини айтинг-чи, дидингизни тўғри аниқладимми?

«Жин урсин, мен буни қаёқдан билай!»— деда хаёлидан ўтказди Никодим ва ҳар эҳтимолга қарши жавоб қилди:

— Қисман тўғри аниқладингиз.

— Хўп, яхши,— деди Нина мамнуният билан ва кулиб юборди.— Келинг, бирор нарса ўқиймиз бўлмасам. «Қондошлар» хикоясини ўқиб берайми?

— Марҳамат.

Нина асарни ўқий бошлади. Унда ўғирлаб кетилган ит ҳақида ҳикоя қилинарди. Дизма, қачон полиция аралашаркин, деда бетоқат бўлиб кута бошлади; бироқ ҳикоя мутлақо бошқа изга тушиб кетди. Шундан сўнг секин-аста воқеанинг калавасини ўйқотиб қўйган Никодимнинг қулоғига Нинанинг ёқимли товушидан бўлак ҳеч нима эшитилмай қолди.

У ҳозиргина ораларида бўлиб ўтган гап тўғрисида ўйлай бошлади ва дилида, суҳбатимиз жуда ғалати бўлди,

деган хуносага келди: гўзал Нина китоб тўғрисида эмас, гўё мутлақо бошқа нарса ҳақида гапиргандай эди... Ёки, эҳтимол, у?..

Шунда у бирдан Лисков почта идорасининг нозири пан Бочек квартирасидаги кичкина меҳмонхона, унинг эрга тегмаган икки қизи, бошлангич мактаб муаллими паниа Валяскова, суд котиби Юрчак ва Лисковнинг «киборлар жамияти»га мансуб бўлак йигит-қизларни эслади. Куницкийнинг саройи олдида оддий кулбадек кўринадиган бу меҳмонхонага улар цензура-цензура ўйнаш учун йиғилишарди. Панна Ледзя Бочек хона ўртасига ўтирганича ўзини китоб қилиб кўрсатарди. Шундан сўнг атрофдагилар у ҳақида турли алмойи-алжойи гапларни айта бошлишарди: бирор уни ҳали вараги қирқилмаган жилд деса, бошқаси қизни ошпазлик китоби ёки шеърлар тўплами деб атар, баъзилар эса, бу китобнинг муқовасигина чиройли, аммо ичини очмаган маъқул дейишарди... Ҳа-ҳа!

Чамаси, бу ҳам шунга ўхшаган бир ўйин бўлса керак... Ҳа, худди шундай! Бироқ бу пани унга яхши гап айтдими ёки ёмонми?.. Эҳтимол, яхши гап айтгандир; ундай деса, бу боёнларни сира тушуниб бўлмайди!

«Унга ёқиб қолган бўлсанм-а?.. Йўғ-е, бундай бўлиши мумкин эмас».

Нинанинг товуши ҳаяжондан титрар ва тоғ баландлашиб, тоғ пасаярди. Жувоннинг киприклири оппоқ ёноқларига узун соя ташлаб турарди. Қуёш нурида унинг узун соchlари ялтиради. Дараҳт япроқлари орасидан тушган шуъла гиламнинг у ер-бу ерини парча-парча қилиб ёритаркан, липиллаб ўйнарди. Ҳамма ёқни июль ойида очиладиган гуллар ва лаванданинг муаттар ҳидлари тутиб кетганди. Хонада тилла суви югуртирилган ва биринж билан безатилган муҳташам мебель ярқираб турарди. Нақшинкор шифтга ёқут шилшилалари қўзни қамаштирувчи оғир қандил осилган эди.

«Ё қудратингдан парвардигор, бир ҳафта бурун мен, Никодим Дизманинг ана шу ҳашаматли хонада, ажойиб тўшақда ётишиму, манови гўзал хонимнинг менга китоб ўқиб бериши кимнинг хаёлига келиби дейсиз!»

У кўзларини юмган эди, бирдан юраги орқасига тортиб кетди:

«Буларнинг бари шунчаки туш, шунчаки хаёл бўлса-я, агар ҳозир қўзимни очиб, яна Луцкаядаги Бартиклар уйининг қурум босган деворларини кўрсам-а? Манови

товуш-чи... Бу Валентовага «Курьерни» ўқиб бераётган Манъканинг овози эмасму, ишқилиб?»

Шу пайт товуш эшитилмай қолди ва орадан бир оз вақт ўтгач, Нинанинг:

— Ухлаб қолдингизми?— дея сўрагани эшитилди. Дизма қўзларини очди-да, жилмайди:

— Йўғ-е, нима деяпсиз!

— Оғриқ босилдими? Енгил тортдингизми, ишқилиб? Никодим яна жилмайди.

— Оғриқ босилгани йўғу, лекин анча енгил тортдим. Нина индамади.

— Сиз шу ердалигингизда, ўзимни яхши ҳис қиласман.

Нина унга маъюсгина қараб қўйди ва ҳеч нима демади. Никодим жувоннинг укаси, анови телба уни баҳтсиз деганида, рост гапирганга ўхшайди, дея хаёлидан ўтказди. Буни ва умуман, графдан эшиган бошқа гапларни текшириб кўришнинг қулагай фурсати келган эди. Шу боисдан ҳам Дизма:

— Бирор нарсадан хафамисиз?— дея сўради.

— Бу ўйда кайфиятим яхши дейиши мумкин бўлган ягона одам сиз бўлсангиз керак.

— Нега энди?

— Чунки сизни бу ўйга боғлаб турган бирор нарса йўқ... Эй худойим, ахир сиз ҳар дақиқада бу ўйдан бутунлай бош олиб кетишингиз мумкин.

Жувоннинг кўзларида ёш милтираб, лаблари титрарди.

— Ҳали қочиб кетасиз ҳам...

— Йўқ,— оладиган катта маошини эслар экан, қизгин эътиroz билдири Никодим,— мен бу ўйда иложи борича кўпроқ қолишини истардим.

Нина қизариб кетди.

— Сиз буни чин кўнглингиздан гапиряпсизми?

— Бошингиизни қотириб нима қиласман? Албатта чин кўнглимдан.

— Ахир бахсиз кишилар орасида яшашдан чўчимайсизми?

— Сира ҳам. Кейин, сиз нега ўзингизни баҳтсиз ҳисоблашингиз керак экан? Ахир ёш, соғлом, бадавлат аёлсиз, енгил ҳаёт кечиравсиз...

— Эҳ!— дея унинг гапини бўлди Нина.— Шу ҳам ҳаёт бўлдими!

Дизма унга кўз қирини ташлади.

— Нима, эрингиз яхши кўрмайдими?  
— Эрим?— Жувоннинг юзида нафрат ҳа ижирғаниш ифодаси пайдо бўлди.— Эриммиш-а! У мендан нафратланишини истардим. Мени унда нима илинжим бор? Фақат бойлик орттиришни ўйлади, ягона ташвиши... Унинг интилишлари менга бутунлай бегона!.. У ҳеч қачон менинг қалбимни тушунишга ҳаракат қилган эмас...

Аёл лабларини тишлади.

— Дарвоқе, бу гапларни сизга нега айтаяпман?

— Айтганингиз жуда яхши бўлди.

— Сиз бусиз ҳам ҳаммасини кўриб турибсиз. Пан Никодим, айтинг-чи, ёлғиз одам, мутлақо ёлғиз одам баҳтли бўлиши мумкиним?

— Билмадим... Мен мутлақо ёлғизман.

— Наҳотки? Ҳеч кимнинг йўқми? Оила ҳам қурмаганмисиз?

— Ҳеч кимим йўқ.

— Бу ҳолдан эзилмайсизми?

— Чамаси, эзилмасам керак.

— Чунки сиз эркаксиз. Боз устига одамовисиз, иродангиз кучли, табиати барқарорсиз, шунинг учун ҳам ёлғизлики ҳис этмайсиз. Ҳатто мен каби заифа бир аёлнинг ёлғизлигини тушуна олишингизга ҳам имоним комил эмас.

— Сизнинг ўгай қизингиз бор.

— Эҳ! Касяни айтяпсизми...— деб юборди Нина ўқинч билан ва яна лабини тишлаб ерга қараганича давом этди.— Биласизми, бемалол гаплашиш мумкин, бўлган сиз каби одамни кўп йиллардан бери биринчи марта учратишим... Сизнинг ҳамдардлигингизда кишининг нафсониятига тегадиган ачиниш ҳам, ҳиссиз кузатувчининг бефарқлиги ҳам сезилмайди... Биласизми, мен ҳеч ким билан учрашмайман. Дилемдаги барча гапларни очиқ айтган биринчи одам сиз бўлдингиз. Кейин, сеиз туримбай, мени тўғри тушуняпсиз.

Нина ёноқлари қизариб, ҳаяжон билан гапирмоқда эди. Дизма жувонга ёқиб қолганига шубҳаланмай қўйганди.

— Уз қайгу-аламларимни гапиравериб сизни хафа қилиб қўймадимми?

— Йўғ-е, худо сақласин.

— Наҳот менинг гапларим сизни қизиқтираётган бўлса?

— Жуда ҳам.

— Сиз менга жуда меҳрибонлик қиласиз.

— Сиз ҳам менга меҳрибонлик қилдингиз. Хафа бўлманг: ҳаммаси ўтиб кетади, фақат ҳасратни ичга солмаслик керак.

Нина жилмайди.

— Сиз, менга, йиғлаётган ёш болани овутиш учун қўйпол ҳазил қиласидиган катта одамдек муносабатда бўляпсиз. Лекин, билсангиз, тўпорилик ҳам баъзан яхши даво бўлади.

— Фалокат олдида чекинмаслик керак, ундан қутулиш йўлини излаш лозим.

Нина қовоғини солди.

— Бу ўринда нажот кутиб бўлмайди.

— Ҳар кимнинг баҳти ўз қўлида,— деди ишонч билан Никодим.

— Агар у қўй бақувват бўлса, албатта. Қўлларимнинг қандай заифлигини ўзингиз кўриб турибсиз-ку ахир.

Шундай дея, у, хушбўй атир ҳиди анқиб турган қўлларини Никодим томон узатди. Дизма бу қўлларни тутиб ўрган эди, жувон ўз навбатида унинг қўлларини қисиб қўйди.

— Забардаст қўллар керак,— деди у,— масалан, мана сизникдек... Бундай қўлларга тақдирингни бемалол ишониб топшириш мумкин. Баъзан мен: кучли ирода ҳар қандай тўсиқни ҳам енгib ўтиши мумкин, унинг учун иложисиз нарсанинг ўзи бўлмаса керак, деб ўйлаб қоламан... У ҳар нарсага қодир, у пўлатни емиради, келажакни бунёд этади... Бундай ирода соҳиби худбин бўлмаса, албатта, заиф бечораларга ёрдам қўлини чўзади... Бундай одамнинг қудратида қанчадан-қанча поэзия бор-а!..

Нина қўлини секингина тортиб олди-да, қўшимча қилди...

— Сизга ҳисснётга берилган аёл бўлиб кўринсан керак-а?

Дизма нима деб жавоб беришини билмай қолганди, шу боисдан ҳам у эски ҳийласини ишлатиб, гўё оғриқнинг зўридан инграгандай, тирсагини чангallади.

— Оғрияптими?

— Жудаям.

— Бечора! Балким, доктор чақиртириш керакдир?

— Йўқ. Раҳмат. Керак эмас.

— Сизга жуда ёрдам бергим келяпти.  
— Фоят раҳмидил экансиз.  
— Раҳмидиллигимдан нима фойда?— деди Нина маъюслик билан ва китобни қўлига олди.— Яна ўқиймизми?  
— Эҳтимол, жонингизга теккандир?  
— Э, йўқ, мен товуш чиқариб ўқишини яхши кўраман.  
Шу пайт эшик тақиллаб, Қасянинг товуши эшитилди.  
— Нина, бир минутга чиқиб кетолмайсанми?  
— Кечирасиз,— деди Нина, ўринидан тураркан,— ҳозир келаман.

Ташқаридан Қасянинг зарда билан алланималар дегани эшитилди, сўнг ҳаммаёқ жимиб қолди.

Дизма ўз аҳволи ҳақида ўйлай бошлади. У Нинага ёқиб қолгани аниқ. Бунга шубҳаланимаса ҳам бўлади. Хўш, бундан қандай фойдаланиш мумкин? Унинг ёрдами билан бошқарувчилик ўринда кўпроқ ишлай олармикин?

«Бундай бўлиши даргумон,— деда ўзига-ўзи эътиroz билдири Никодим.— Унинг эрига гапи ўтмайди. Чол ҳеч қандай ишга ярамаслигимни сезган заҳоти кавушими ни тўғрилаб қўяди. Уззу кун касал бўлиб ётавериш ҳам мумкин эмас!»

Дизма кутилмаганда шундай ўқимишли хонимга ёқиб қолганидан ўзи ҳам ажабланди. Бироқ у бундан на хурсанд бўлди, на фахрланди. Шу тобда унинг миаси фақат бир нарса билан: Коборовода иложи борича кўпроқ қолиш ўйлини топиш билан банд эди. Бирор бошқа туйғу ҳозир уни бу фикрдан чалғита олмасди. Нина, чамаси, уни ишончга лойик деб ҳисоблаяпти. У ҳам Никодимга ёқади, бироқ бу туйғу унинг Қася, Манька ва умуман ҳар қандай ёш жувонга бўлган мояиллигидан ортиқ эмасди.

Никодим Дизма ҳали севги нималигини билмасди. Унинг ҳаёт китоби сахифаларида онда-сонда рўй берган тасодифий, ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган учрашувларгина ёзилиб қолганди. Ҳозир у Нинани ўйлар экан, келажакни тасаввур қилиншга, бирон режа тузишига уринмасди. Боз устига туфма эҳтиёткорлик туйғуси унинг раъйини қайтариб турарди: ахир бу нарса унга зарар келтириши мумкин эди-да. Бирдан бу ишларни эри фаҳмлаб қолса-чи?

Нина қайтиб кирганида анча хафа кўринарди. Буни кўриб Никодим, чамаси, Қася билан ораларида бирор кўнгилсиз гап ўтган бўлса керак, деган қарорга келди. Жувон ўқишида давом этди, бироқ энди улар тушга қа-

дар ўзаро гаплашишмади. Тушликдан сўнг ухлаб қолган Никодим кечқурун, қош қорайгандагина эшикнинг тақиллашидан уйғониб кетди. Ҳонага Куницкий кириб келди.

У Дизманинг бетоблигидан фоят хафа бўлиб, дарҳол телеграмма билан доктор чақиртироқчи бўлди. Никодим анча тузук бўлиб қолгани ва эрта-индин оёққа туриб кетажагини айтиб, уни бу фикрдан аранг қайтарди.

— Эҳ, қани энди тезроқ тузалсангиз жуда соз бўларди-я,— хурсанд бўлиб кетди Куницкий,— бўлмасам анови Ольшевский мени тириклайн гўрга тиқай деяпти; қандай қилиқлар чиқараётганига ақлим бовар қилмайди. Тасаввур қилинг-а: қайрагоч бердирмай қўйди — гўё мен заколатни охиригача тўламаган эмишман. Заколат эса қирқ минг икки юз злотийни ташкил этарди. Шу лаънати икки юз злотийни унутиб қўйибман, худо ҳаққи, унутибман. Энди бўлса у абллаҳ бутун ишни тўхтатиб қўйди. Қандайдир арзимас икки юз злотийни деб-а! Сиқилиб ўлиши мумкин одамнинг!

Куницкий ҳаяжонланиб, борган сайн тезроқ бидирларди. Чол давлат ўрмонлари дирекцияси билан олишинг қолгани ҳақида бир соатга яқин гап согтач, охири Дизманинг аралашуви туфайли ниҳоят сарсонгарчиликдан қутулажагига умид билдириди. Фақат қадрли пан Никодим тезроқ Варшавага бориб, у ерда министр Яшунский билан гаплашса бўлгани.

Дизма чолга оёққа турган заҳоти Варшавага бориб келишини ваъда қилди.

— Нима, дейсиз, азизим пан Никодим, иш осон кўчармикин? Тезроқ бир ёқли қиласизми?

— Тўғрилаймиз,— деда жавоб қилди Дизма,— хотирингиз жам бўлсин. Фақат майда харажатлар учун пул керак бўлиб қолиши мумкин.

— Харажат дейсизми? Бунинг қийин жойи йўқ. Қанча керак бўлса, нақд бераман. Хўш, қалай, Коборово сизга ёқдими? Зерикмаянсизми ишқилиб?

Дизма эътиroz билдириди. У вақтни жуда кўнгилли ўтказаётган эмиш.

— Варшавада ишларимиз тўғрисида гаплашаётганингизда, бир нарса ёдингизда бўлсин... Коборово менинг номимга эмас, хотинимнинг номига ёзилган. Расмиятчилик юзасидан шундай қилишга тўғри келган эди.

— Демак, мен хотининг номидан иш тутаркан-

ман-да?— сўради Дизма, Понимирский билан қилган сұхбатини эслар экан.

— Ҳа, ҳа, албатта. Лекин менинг номимдан гапираверсангиз ҳам бўлади, чунки ер-мулкнинг асл эгаси менман. Хотиним менга ваколатнома берган.

Дизма чолдан вексель бор-йўқлигини сўрагиси келди-ю, лекин ўзини тыйди: Куницкий шубҳаланиб қолиши мумкин эди.

Чол Никодимдан Коборово хўжалиги тўғрисидаги фикрини суриштира бошлаган эди, беморнинг яна боди хуруж қилиб қолди. Оғриқ шу қадар зўр эдики, боёқиши пан Никодим тўшакда тўлғанганича башарасини буруштириб, тинимсиз ингради.

Кечки овқатдан сўнг Куницкий яна Дизманинг олдига кирди. Бироқ Никодим ўзини ухлаганга солиб, ортиқча сўраб-суриштиришдан қутулиб қолди. Кечаси Никодим анчагача пойтахтга қиласидан мұқаррар сафари тўғрисида ўйлаб ётди. Чамаси, энди у ердан қайтиб келмаса ҳам керак. Бироқ Дизма ишни иложи борича узоқроқ чўзишга қарор қилди. Ҳарқалай полковник Варедани топиб, ундан министр билан гаплашиб кўришини илтимос қилиш мумкин.

Шуларни ўйлар экан, Понимирский эсига тушди. Ким билсин — эҳтимол, униг хатини олиб кетиш лозимdir? Агар Понимирскийнинг холаси чиндан ҳам катталар билан алоқада бўлса, балки, у орқали ҳам бирор иш битказиш мумкин бўлар. Никодим Куницкийнинг ишларини тўғрилаб келиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмасди, албатта: бу нарса ақлга тўғри келмасди. Дизма фақат Куницкийни ўзининг министр билан дўст эканлигига ва ҳозир бўлмаган тақдирда ҳам, кейинроқ Ольшевскийни ишдан ҳайдата олишига ҳамда давлат ўрмонларидан очкўз чол истаганчалик ёғоч олиб беришга қодир эканлигига ишонтиromoқчи эди.

Куницкий чиқиб кетгач, орадан кўп ўтмай хонага Нина кириб келди. У одатдагидан ҳам маъюсроқ кўринарди, нимадандир безовта эди. Лекин у Дизманинг жилмайшига табассум билан жавоб қилди. Нина Никодимдан соғлиғини сўраб-суриштириди-да, сўнг ўзининг боши оғриётганидан шикоят қилди.

— Сиз Варшавага кетяпсиз, шекилли?— ниҳоят сўради у.— Анча муддатгами?

— Бир ҳафта, нари борса — ўн кунга.

— Варшава,— деди Нина хаёлга чўмиб.

— Сиз Варшавани яхши кўрасизми?

— Йўқ, йўқ... Тўғрироғи, бир вақтлар жуда яхши кўрардим... Ҳатто ҳозир ҳам яхши кўраман, лекин у ерга борганимда ўзимга ўзим ёқмай қоламан.

— Ҳа... У ерда дўстларингиз, қариндошларингиз борми?

— Билмадим... Йўқ,— дея жавоб қилди жувон, бир зум иккиланиб тургач.

Никодим эҳтиёткорлик билан Пшеленская холанинг мавжудлигини аниқлашга қарор қилди.

— Мабодо пани Пшеленская холангиз эмасми?

Нинанинг юзи озор чеккан одамнидек ўзгариб кетди.

— Вой, сиз пани Пшеленская билан танишимисиз?.. Ҳа, у киши менинг холам бўладилар. Лекин тўйимдан сўнг улар билан борди-келди қилмай қўйганмиз. Ҳатто бир-биримизга хат ҳам ёзмаймиз.

— Шунақа денг!

— У кишиникига бориб турасизми?

— Аҳён-аҳёнда,— деди чўзиб Дизма.— Пани Пшеленская пан Куницкийни ёқтирмайди, шекилли. Лекин сизни яхши кўраркан.

Нина чида буролмай секингина сўради:

— Сиз у киши билан мен тўғримда гаплашдингизми?.. Уҳ, ноўрин саволим учун мени кечиринг, жуда ҳаяжонланиб кетдим. Ажабланманг. Ёшлик хотирала-римнинг барни шу хонадон билан, Пшеленская холанинг таниш-билишлари билан боғлиқ. Сиз эса у ерга бориб тураркансиз...

— Нега уларникига бора қолмайсиз?

— Эҳ... Ўзингиз тушунасиз-ку. Эрим... Улар бу ишмии сира кечириша олмайди...— Нина тескари қараб, секингина қўшимча қилди.— Бунинг учун ўзим ҳам ўзимни кечиролмайман.

Никодим индамади.

— Эрталаб ҳам, ҳозир ҳам сизга ҳаммасини очиқ айтётганимдан хижолат чекяпман... Бироқ тоқатим тоқ бўлди... Жуда ожиз, баҳтсизман...

— Хафа бўлманг. Гапимга ишонаверинг: ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

— Мени юпатманг, илтимос қиласман. Биламан, сезиб турибман, сезгир, жуда меҳрибон экансиз, мени тўғри тушуняпсиз... Танишганимизга ҳали кўп бўлгани ўйқ, лекин сизга жуда ишонаман... Мени юпатманг, ҳо-

жати йўқ, чорасизман. Сиз тўғри тушунаётганингиз ҳам кифоя менга. Ёлгиз сиз,— дея қўшиб қўйди у бир оз сукут қилиб тургач.

— Нега чорасизман дейсиз? Эрингиз билан ажралиша олмайсизми?

— Иложим йўқ,— дея жавоб қилди Нина ерга қараб.

— Ҳм, демак, ҳарқалай унга кўнгил қўйган экансизда...

Нинанинг кўзлари чақнаб кетди.

— Йўқ, йўқ,— қизишиб эътиroz билдириди у,— шубҳа қилишга қандай кўнглингиз борди! Бу баққол билан мени боғлаб турган ҳеч нима йўқ... Бу мункайган чол...

Жувон жирканиб, нафрат билан гапирмоқда эди.

— Нега бўлмасам, ажралиша олмайман дейсиз?— сўради ажабланниб Дизма.

— Мен... қашшоқликда яшай олмайман... Бунинг устига ёлғиз ўзимни ўйлаётганим йўқ.

— Ҳазиллашяпсизми,— дея ўзини гўлликка солди Никодим.— Баҳоси бир неча миллион турадиган Коборово сизнинг мулкингиз-ку, ахир.

— Янглишяпсиз. Коборово эримники.

— Бироқ пан Куницкийнинг айтишича...

— Ҳа, Коборово менинг номимга ёзилган. Аммо ажралишгудек бўлсан, мен қашшоқ бўлиб қоламан.

— Тушунмадим.

— Уҳ, бу ҳақда гапиришнинг нима ҳожати бор!.. Биласизми, эрим мендан Коборовонинг баҳосидан ҳам кўпроқ пулга тилҳат олган.

— Сизни алдаб шундай қилганми?

— Йўқ. Бу пул оиласизнинг қарзини тўлаш учун сарфланган.

— Шунақа денг...

— Келинг, бу ҳақда гаплашмайлик, буни эсласам доим таъбим тириқ бўлади...— Нина қўлларини циттижо билан кўксига қўйиб, Никодимнинг кўзига тикилди.— Илтимос қиламан, бу ҳақда холамга гапирманг. Майлимий?

— Таъбингиз. Ундаи десам...

— Йўқ, йўқ! Утинаман сиздан! У даври давронлар ўтиб кетди, энди уни кўриш менга насиб бўлмайди... Келинг, яхшин ўқиймиз...

Нина китобни қўлига олиб, хатчўп қўйилган саҳифани очди-да, ўқинига тушди. Бироқ у бир-икки жумла

ўқиган ҳам эдики, товуши тиграб кетди. Нина ҳўнг-ҳўнг йигларкан, кўкраги кўтарилиб тушар эди.

— Йиғламанг, илтимос қиламан, йиғламанг,— дея уни юпата бошлади қаловланиб қолган Дизма.

— Ё парвардигор, ё тангрим,— деди йиғлаб турниб Нина.— Сиз менга шунчалик шафқат кўрсатяпсиз... жуда меҳрибон экансиз... Мени кечиринг... Асабларим бузилиди...

У сапчиб ўрнидан турди-да, хонадан югуриб чиқиб кетди.

«Ҳаммаси равшан,— дея дилидан ўтказди Дизма,— у мени севиб қолибди».

— Севиб қолибди,— деди у товуш чиқариб ва мағрур жилмайди.

Тунги стол устида кичкинагина кўзгу турарди. Никодим уни қўлига олди-да ажабланган ва мағурланган ҳолда аксига узоқ тикилди.

## 6- б о б

Тажрибали шофёр бошқараётган автомобиль текис шосседан бир маромда елиб бораарди. Кечаги ёмғирдан сўнг у ер-бу ерда майдо-майдо кўлмаклар ялтираб кўринарди. Мусаффо тонг қўёш нурида жилваланарди.

Дизма Варшавага кетаётганди.

Куницкий уни атайлаб поездда эмас, автомобильда жўнатди. Унингча, шундай қилинса салобатлироқ бўлармиш.

Чиндан ҳам жуда дабдаба, ҳашам билан безатилган автомобиль гўё савлат учун яратилгандек эди. Шофернинг оппоқ матодан тикилган формаси ва Дизманинг оёқларини ёпиб турган ўйларбурс териси уларни янада басавлат қилиб юборганди. Шу боисдан ҳам улар ҳаргал бирор шаҳарчада тўхташганида,— улар аҳён-аҳёндагина тўхташарди,— дарҳол машинани ўша атрофда санқиб юрган бекорчилар ўраб олишарди. Уларни фақат автомобилгина эмас, балки ўринидек ялпайиб ўтирган пассажирнинг димоғдорлиги ҳам ҳайратга соларди.

Машина шундай шаҳарлардан бирида тўхтага, Дизма портфелдан елимланмаган конвертни олди. Бу граф Понимирскийнинг пани Пшеленскаяга ёзган ва Дизма ҳар эҳтимолга қарши олиб олган мактуби эди. Никодим конвертни очиб, хатни ўқий бошлади. Унда қуйидагилар ёзилган эди:

«Кадрли холажон!

Бандит Куник томонидан эгаллаб олинган Коборовода, гарчи ташқи қиёфаси, эҳтимол, ишончга лойиқ кўринмаса-да, аслида ҳақиқий жентльмен ва ўнинг устига Оксфордда ўқыган пайтимдаги синам (ўзи асли курлянд шляхтасидан) пан Никодим Дизма бошқарувчи қилиб тайнинганидан фойдаланиб, Сиздан бир нарсани илтимос қилмоқчиман. Пан Дизманинг менга ихлоси баланд (бу табиий ҳол) ва у муттаҳам Куникни ёмон кўради — бу ҳам табиий ҳол албатта. Шунинг учун ҳам, қадрли холажон, Сиздан илтимос қиламан, керакли одамлар билан маслаҳатлашиб ҳамда пан Дизманинг таниш-билишларидан фойдаланиб, менинг руҳан хаста эмаслигими ва суд ҳукми билан озод этилишим мумкинлигини аниқлаб берадиган врачлар экспертизаси орқали мени ҳолос этсангиз. Шундан сўнг мен Коборовони муттаҳамлик билан эгаллаб олгани учун Куникни судга бераман. Агар Сиз кирчи хотиннинг ҳароми ўғли ишлатган ҳийла-найранглар ҳақида (шпаллар, давлатдан қонунга хилоф равишда ёғоч олиш, шляхталарга хос «Куницкий» фамилиясини ўзлаштириш тўғрисида бир вақтлар ўзингиз менга гапириб берган эдингиз) етарли маълумот тўплаб берсангиз, биз ютиб чиқамиз, албатта. Унинг пора бергани ва сохта ҳужжатлар ишлатганини қўққисдан тинтуб ўтказиш билан исботлаш мумкин, чунки Куник барча ҳужжатларни ётоқхонадаги парда орқасига қўйилган пўлат сандиқда сақлайди. Буни мен ўзимга содиқ бўлган хизматкорлардан билиб олдим. Шу боисдан ҳам мен, агар ўзга йўл билан қутула олмасам, ип соир d'etat<sup>1</sup> қилмоқчиман. Лозим бўлса, аблакни шахсан ўзим отиб ташлайман. Тўғри, бу иш ўзимга ҳам ёкмайди, чунки мен ҳалол илвасинларни ов қиласман. Жойи оғилхонада бўлмаган тақдирда ҳам авахтада ётиши лозим бўлган тўғриси Куник эса бундайлар сирасига кирмайди. Ёрдамингизга умид қиласман, азиз ҳолажон, чунки Коборовога эгалик қила бошлаган заҳотим Сизга ҳам, Зизя Кшепицкийга ҳам барча қарзларимни процентлари билан тўлайман ва гарчи ёши ўтиб қолган ҳамда юзини сепкил босган бўлса-да, фақат Сизни хурсанд қилиш учун, панна Хульчинскаяга ўйланаман. Пан Никодим Дизма бу ишларнинг ҳаммасидан хабардор ва аи sourant<sup>2</sup>, шунинг учун ҳам у билан мас-

лаҳатлашиб иш кўришингизни илтимос қиласман, чунки унинг Варшавада, айниқса, ҳукумат доираларида таниш-билишлари кўп. Бу нарса, маълум даражада, Сизнинг ҳам манфаатларингиз кўзланадиган менинг ишимда катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Шу билан хатни чўзиб юборганим учун кечирим сўраб ва ўпид қолувчи — Сизни умрбод яхши кўрадиган жиянингиз

Жорж Понимирский».

Граф жуда бадхат экан, Дизма мактубни ҳижжалаб ўқиб чиққунича ярим соат ўтди. Никодим курлянд шляхтаси тўғрисидаги гапдан хурсанд бўлиб кетди, лекин Оксфорд университети уни ташвишга солиб қўйди: худо қўрсатмасин, бирорта одам унга инглизчалаб мурожаат қиласа борми, чуви чиқади-қўяди.

Аслида у ҳали пани Пшеленскаяникига боришга аҳд қилмаганди. Бунга уни телба графнинг топшириғидан ҳам бурун Нина билан қилган сухбати мажбур қилмокда эди. Никодим жувонга акаси билан пинҳона учрашувлари ҳақида гапирмаган эди. Лекин уларнинг икковидан олган маълумоти ва Кунинцийдан эшитган гапларини тақослаб, Понимирскийнинг даъвоси сиртдан қараганда маънисиздек туюлса ҳам замирида анча гап борлигига ишонч ҳосил қилди. Агар у пани Пшеленскаяникига боришга журъат этса, эҳтимол ҳаммаси ойдинлашар.

Шахсий манфаати ҳам боришини тақозо этарди: пани Пшеленская юқори доиралар билан алоқадор бўлиб, Дизмага Кунинцийнинг ишларини тўғрилашда ёрдам бериши мумкин эди. Никодимнинг тақдирни эса ана шу ишларнинг ҳал қилинишига боғланиб қолганди.

Автомобиль Праганинг<sup>1</sup> биринчи иморатларига яқинлашганда Никодим шулар ҳақида ва ҳали қидириб тошиши лозим бўлган полковник Вареда тўғрисида ўйлаб борарди. Қуёш аллақачон ботган эди. Қўча фонарлари, гўё Дизмани олқишлиётгандек, бирдан ялт этиб ёнди.

— Яхши аломат,— деди у секин.

— «Европа»га юришни буюрасизми?— сўради шофёр.

— Ҳа, «Европа»га ҳайданг.

Никодим жуда яхши ухлаб, ўрнидан кайфи чоғ бўлиб турди. У дарҳол шаҳарга йўл олди.

<sup>1</sup> Прага — Варшава қасабаси.

<sup>1</sup> Давлат тўнтиариши (франц.).

<sup>2</sup> Билади (франц.).

Ҳарбий министрликдан Дизмани шаҳар гарнizonining маълумот бюросига йўллашди. Бюорода Никодимга, полковник Вацлав Вареда ҳар йили ёзни Константин<sup>1</sup>да, «Гаити» вилласида ўтказишини, Варшавага фақат кундуз кунлари келишини айтишиди.

Барча у билан ҳурматини жойига қўйиб гаплашди, буни кўриб Дизма, полковник Вареда катта мансабдор бўлса керак, деган қарорга келди. У ҳатто, Вареда қандай мансабда ишлайди, деб сўрамоқчи ҳам бўлди-ю, дайекин вақтида тилини тийди — ахир уни давлат ишларидан мутлақо хабарсиз одам экан, деб ўлашлари мумкин эди-да.

Дизма Констанting боришга аҳд қилганида ҳали соат ўн ҳам бўлмаган эди. Улар йўлга тушишиди. Йўл жуда ёмон экан, лекин шофер ғоят тажрибали, машина эса яп-янги бўлгани туфайли улар ярим соатдан сўнг манзилга етиб боришиди. «Гаити» вилласини улар осонгина топишиди. Бу шукуҳдор икки қаватли иморат экан. Жимжимадор панжара ортидан боғ ва катта айвон кўриниб турарди. Пижама кийган қандайдир эркак айвонда газета ўқиб ўтиради. Машина эшик олдига бориб тўхтаганида ҳалиги эркак бошини кўтариб қараган эди, Дизма полковникни таниди.

Полковник Дизманинг таъзимига жавоб берди-да, анчагача таниёлмай хира кўзларини унга тикиб турди. Никодим эшикдан кириб, унга яқинлашганидан кейингина у қичқирганича сапчиб ўрнидан турди:

— Салом! Ахир бу Терковскийнинг кушандаси-ку! Яхшимисиз, пан Никодим! Қаёқларда ғойиб бўлиб юрувдингиз! — Шундай дея полковник Дизманинг қўлини олиб силкита бошлади.

— Салом, полковник. Ушандан бери қишлоқда эдим, Варшавага кеча келдим; менга сизни шу ердан тошишим мумкинлигини айтишиди.

— Яшанг! Ажойиб фикр! Мен билан ионушта қиласизми? Ундай десам, сиз, қишлоқилар аzonлаб туришга одатлангансизлар...

Полковник Дизманинг келганига чин кўнглидан хурсанд бўлди. Бу одам унга жуда ёқиб қолган эди, боз устига — ажойиб автомобилини айтмайсизми: демак, бугун Варшавага бориш учун Вилянов темир йўлининг хизматидан воз кечса бўлади.

<sup>1</sup> Константин — Варшава яқинидаги жой номи.

— Кеча роса ичган эдик,— деди Вареда,— бошим оғриса керак, деб ўйловдим, лекин баҳтимга, ўзимни яхши хис қиляпман.

Чиндан ҳам Вареда қувноқ тетик бўлиб, қонга тўлган кўзларигина кечаги ичкиликбозликдан далолат бе-риб турарди.

— «Баҳтимга» дейишимнинг сабаби бор, чунки сизнинг келишингизни ювишимиз керак-да,— дея давом этиди Вареда.— Биласизми, Терковский билан бўлган машмаша латифага айланиб қолди. Ниҳоят бу қушчанинг қанотини қирқиб қўйишига мӯваффақ бўлдик.

— Қўйсангиз-чи, нималар деяпсиз!

— Худо ҳаққи! Уни бош министр идорасининг бошлиги қилиб тайинлашганидан бери босар-тусарини билмай қолди. Аҳмоқ, ҳамма менинг товонимни ўпади, деб ўйлади шекилди.

— Министр Яшунскийнинг аҳволи қалай? Ҳозир у нималар қиляпти?

— Нима қиларди? — дея ажабланди полковник.— Ҳозир Будапештда, съездда-ку, ахир.

— Афсус.

— Нима, унда ишингиз бормиди?

— Ҳа, кичкинагина бир иш бор эди.

— Бир неча кун Варшавада тура туринг. Ҳеч бўлмаганда кўнгил очамиз-ку. Яшунский сизни тез-тез эслаб туради.

Дизма ажабланиб полковникка қаради. Вареда шоша-пишиша тушунтира бошлади:

— Рост айтяпман, худо ҳаққи. Ҳаҳ, сиз тўғрингизда у нима деган эди-я?.. Шошманг, шошманг!.. Ҳа, мана! «Бу Дизма ҳаётнинг нималигини билади; унинг ёқасидан олади-да, «тарс» этиб тумшуғига туширади!» Қалай, зўрми? Яшунский уста бунақа гапларга... Мен унга ҳатто афоризмлар китобини нашр қилишни маслаҳат бердим.

Сўнгра у Яшунскийнинг аҳволи бир оз чатоқлашганини эшилди: помешчиклар ва майдада ер эгалари унга қарши чиқишаётганмиш. Бунинг устига ўз тўдаси билан Терковский ҳам унга чоҳ қазиётган эмиш. Қишлоқ хўжалиги кризисга тушиб қолибди; чора йўқ экан. Яшунскийга ачинади киши: ишбилармон экан, қолаверса ўз одамлари экан.

Шундан сўнг Дизманинг ишларидан гап очилган эди, полковник сўради:

— Сиз, пан Никодим, Куницкийнинг ё қўшниси, ё шериги эдингиз шекилли?

— Униси ҳам, буниси ҳам — жавоб берди Дизма,— бундан ташқари хотинининг ишончли вакили ҳам бўламан.

— Ҳали шунақами? Буни қаранг-а! Уша графиня Понимирская-да. Келишгангина малла соч жувон, шундайми?

— Ҳа.

— Эшишишимга қараганда, графиня ўша Куницкий билан унча яхши турмасмиш...

— Унча әмас, анча деяверинг,— кулиб юборди Дизма.

— Очифини айтганда, бунинг ҳайрон қоладиган жойи ҳам йўқ. Ахир у кексайиб қолган, кейин ўзи ҳам ўртамиёна бир одам шекилли. Ўндай десам, сиз уларни мендан яхшироқ биласиз.

— Билмай бўладими, ахир!

— Тушунаман, тушунаман,— дея унинг гапига қўшилди полковник.— Бунинг отини иш деб қўйибдилар. Кечирасиз, ҳузурингизда кийиниб оламан.

— Бемалол.

Улар айвондан хонага киришган эди, Вареда Дизманни қўлбола коктейль билан меҳмон қўлмоқчи бўлди. Бу орада денщик мундирни олиб кирди, ярим соатдан сўнг полковник йўлга чиқишга шай эди.

Улар автомобиль ёнига боришганида Вареда завқ билан уни кўздан кечира бошлади. Полковник машинани анча яхши тушунар экан шекилли, дарҳол шофер билан автомобилнинг икир-чикирлари ҳақида суҳбатлашашетди. Дизма уларнинг суҳбатидан ҳеч нима тушунолмади.

— Ажойиб, ажойиб,— дея такрорлadi Вареда Дизманнинг ёнига ўтирап экан.— Анча қимматга тушган бўлса керак ўзиям?.. Бирор саккиз минг доллар тўлагандирсиз, а?

Машина жойидан қўзғалди, шунда Дизма моторнинг туриллашидан фойдаланиб, жавоб қилди:

— Хе-ҳе, ундан ҳам кўпроқ деяверинг.

Йўлда улар кечқурун «Воҳа» ресторанида учрашишга келишиб олишиди.

— Хаммасидан ҳам ўша ер қулай, танишлар кўп бўлади. Уляницкийни танийсизми?

Дизма Уляницкийни танимасди. Бироқ унинг бирор

машҳур шахс чиқиб қолишидан чўчиб, орқаворатдан эшишганман, дея жавоб қилди.

Полковникни штабга олиб бориб қўйгач, Дизма меҳмонхонага қайтиди ва кечқурун соат ўнда келишини буюриб, шоферга жавоб бериб юборди-да, ўзи кафега тушди. У ерда Никодим бўш стол топиб ўтириди-да, чой билан пиражний келтиришини буюриб, вақтни қандай ўтказиш ҳақида ўйлай бошлади. Бироқ миясига бирор дурустроқ фикр келмади. Варшавада у, яъни катта мулк бошқарувчиси Никодим Дизма бориб кўриши мумкин бўлган бирорта одам йўқ эди. Бартикларни эслаганда Дизма ҳатто сесканиб тушди. Уларнинг қурум босган хонаси Дизма учун, эртами-кечми ўзи қайтиши лозим бўлган аччиқ воқеликнинг тимсоли эди. Никодим бу гаройиб саргузашт тез орада тугашини ҳис этарди, бироқ бу хақда ўйламасликка ҳаракат қиласарди.

Бироқ бекорчилик уни яна ўз аҳволи ҳақида ўйлашга мажбур қиласарди. Бу хаёллардан ҷалғин учун Дизма ўз хонасига кўтарилиди. Бу ерда у Понимирскийнинг мактубини эслаб, уни портфелдан олди-да, яна бир марта ўқиб чиқди.

— Э, нимадан қўрқаман!— дея қўл силтади Никодим.— Бораман. Мени пишириб ейишармиди...

Пани Юзефина Пшеленская ўша куни чап ёнбоши билан турган эди. Бу нарса эрталаб соат ўнда ошхонада бир овоздан тан олинди. Соат ўн бирда эса уйда шундай тўс-тўполон кўтарилиди, гўё бир киши әмас, ўлдим деганда, ўн киши сўл ёнбоши билан тургандек эди.

Соат ўн иккода муҳтарама пани Пшеленскаянинг уйида ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетди: бир четда турган қадимги столни, қаерга қўйисак экан, деб роса у ёқдан-бу ёққа суришиб ва ниҳоят, уни мечкай одамнини каби ингичка оёқларини осмондан қилиб, ҳовлининг бир бурчагига элтиб ташлашиди. Уй бекаси довдираб қолган хизматкорлар олдига тушиб, гўё жант майдонидаги валькирия<sup>1</sup> каби у ёқдан-бу ёққа югурап, оғзидан боди кириб шоди чиқар, ортида эса шлафрогининг этаги худди бадавийлар яктаги каби ҳилпиради.

<sup>1</sup> Валькирия — қадимги Скандинавия афсоналарида — жанг ва уришқоқлик илоҳси. (Тарж.)

Меҳмонхонада чанг ютгич тинмай гурилларди, ҳовлида эса қоқилаётган гиламларнинг тапиллагани эшитиларди. Деразалар гоҳ ланг очиларди, чунки бӯ чанг-тӯлардан бир минут ҳам нафас олиб бўлмасди, гоҳ шарақzonда бир ёнига кираётган шабададан кишилаб ёпиларди, хоналарга кираётган шабададан кишикуюғи шанғилларди. Бунинг устига телефон тинмай жиринглар, бека эса трубкани олиб, унга қарғиш ёғидарарди.

Шу пайт кўча эшикнинг қўнғироғи жиринглаб қолди. Тоқати тоқ бўлиб турган пани Юзефина шахсан ўзи очиш учун эшик томон югурди. Хизматкор пешанаси ёшур меҳмонни хаёлан худога топшириб, даҳшатдан қотиб қолди.

Эшик шарақлаб очилди-да, уй бекасининг:

— Сизга нима керак?— дея шанғиллагани эшитилди.

Бундай илтифотсизлик билан кутиб олишганидан Никодим довдираб қолмади. Аксинча, у ўзини бирдан анча дадилроқ ҳис этди — бу хонимнинг гапириши ва ташқи қиёфаси унга ўз таниш-билишларини эслатган эди.

— Пани Пшеленскаяни кўришим керак.

— Сизга нима керак, деб сўраяпман?

— Ишим бор. Бориб панига жиянининг ўртоғи келганини айтинг.

— Қанақа жияни яна?

— Граф Понимирскийни айтяпман,— деди бир оз мағурланиб Дизма.

Бу гап ҳурпайған хонимга бошқача таъсир қилди. У, гўё ҳужумдан ўзини муҳофаза қилаётгандек, иккала қўлинин олдинга чўзиг бижиллай кетди:

— Тўламайман! Жияним учун бир тийин ҳам тўламайман! Қарз олишининг сира ҳам ҳожати йўқ эди.

— Нима?— сўради ажабланиб Дизма.

— Унинг куёвига мурожаат қилинг! Мен бир тийин ҳам бермайман, эшиятисизми, бир тийин ҳам! Бу фирт абллаҳлик: қачон қараса менга келишади, ўлар бўлсан ўлиб бўлдим...

Бу гапдан Дизманинг ғазаби қайнаб кетди. Унинг миясига қон югурди.

— Бунча дод-вой қиласиз, жинурсин сизни!— дея ўшқирди у бор овози билан. Пшеленскаянинг капалаги учуб кетди. У кўзларини катта очиб, кутилмаган бу меҳмонга ҳайиқиб қаради.

— Сиздан ҳеч ким пул сўраётгани йўқ: аксинча, пулнгизни қайтиб беришмоқчи.

— Нима?

— Қайтиб беришмоқчи, деяпман-ку.

— Ким қайтиб бермоқчи?— сўради Пшеленская боргани сари ҳайратланиб.

— Ким, ким? Эрон шоҳи ёки турклар султони қайтиб бермоқчи деб ўйлајпсизми?.. Сизнинг жиянингиз, менинг дўстим қарзини тўламоқчи.

Пшеленская иккала қўли билан бошини чангалиди:

— Вой, кечирасиз, бугун жуда бошим оғриб турибди, хизматкорларим қонимга ташна қилишди. Хафа бўлмайсиз энди! Марҳамат, ичкари киринг.

Дизма Пшеленскаянинг ортидан хонага кирди. У ергадаги мебелнинг ярми ағдарилиб ётарди, ўртада эса паркетни артадиган шчётканинг дастаси қаққайиб турарди. Бека дераза олдига стул қўйиб меҳмонни ўтказди-да, ҳурпайиб юргани учун кечирим сўраб, хонадан чиқди ва шу кетганича ярим соатча йўқ бўлиб кетди.

«Бу жин ургур хотинга нима бўлган ўзи?— дея ўзинча мулоҳаза қила бошлади Дизма.— Худди қопоғон итдай талаб берди-я. Фалокат босиб келибман бу ерга. Холаси ҳам жиянидан қолишмайдиганга ўхшайди! Жуда ҳурматли хоним, дейишган эди, кўринишидан эса оқсоқ хотиндан фарқ қилмайди!»

Анчагача ғазаби қайнаб турган Дизма ниҳоят жаҳлидан тушгач, бу хотинга Понимирский сизга қарзини тўламоқчи деб дарров айтиб қўйганидан афсуслана бошлади.

«Мени ҳам жиянига ўхшаган телба деб ҳисоблаган бўлса керак-да...»

Ниҳоят бека қайтиб келди. Энди у соchlарини тараб, гўштдор бурни ва лўппи юзларига қалин упа сурган ҳамда лабларини бўяб, эгнига тўқ қизил шлафрок кийиб олган эди.

— Мени кечирасиз.— дея гап бошлади бека,— жуда чарчаб, диққатим ошиб турган эди. Пшеленская!!

Никодим унинг узун ва озғин қўлидан ўпид, ўзини таништирди.

Пшеленская кетма-кет савол бера бошлади. Никодим ҳатто оғиз очишга ҳам улгурмади. Шундан сўнг у Понимирскийнинг хатини олиб, хонимга узатди.

Пшеленская шу заҳоти:

— Ё худойим-ей, пенснени унутибман. Франя! Франя! Антоний!!!.. Франя! — дея овози борича бақира бошлади.

Дўпир-дўпир оёқ товуши эшитилиб, бир минутдан сўнг оқсоҳ хотин олтин гардишли пенснени олиб келди.

Пани Пшеленская хатни ўқишга тутинди. Уни ўқир экан, хоним юзлари қизариб, бир неча бор Дизмадан кечирим сўради.

Мактуб унга қаттиқ таъсир қилди. Хоним уни яна бир ўқиб чиқди-да, бу иш жуда муҳимлигини, ўйқ, ўйқ, Жоржик қарзини тўламоқчи эканлиги учун эмас, умуман бу ишнинг катта аҳамиятга эга эканлигини айтди.

У Никодимдан Коборовода нималар бўлаётгани, «боёғиши Нинетканинг» кайфияти қандайлиги, «ўғри Куниқик» хўжаликни қандай бошқараётгани тўғрисида суриштира бошлади ва ниҳоят, бу ишлар ҳақида суҳбатдошининг фикри қандайлигини сўради.

Бироқ суҳбатдоши бу тўғрида ўйлаб кўрмаган эди, шу боисдан ҳам у минғирлаб жавоб қилди:

— Нима десам экан... Менимча, адвокат билан маслаҳатлашиб кўриш керак.

— Жуда тўғри айтдингиз,— дея унинг гапини илиб кетди Пшеленская.— Лекин биласизми, энг яхшиси, олдин пан Кшепицкий билан гаплашиб олиш керак. Пан Кшепицкийни танийсизми?

— Йўқ, танимайман. Ким экан у?

— Э, у жуда қобилиятли одам. Гарчи ҳали анча ёш бўлса-да, эски танишимиз. Кечирасиз, сиз меҳмонхонага жойлашдингизми?

— Ха.

— Эртага сизни тушки овқатга таклиф қилсан, ўйқ демайсизми? Кшепицкий ҳам келади. Ӯшанда ҳамма ишни гаплашиб олардик. Келасизми?

— Соат нечада?

— Агар сизга ноқулай бўлмаса, соат бешда.

— Яхши.

— Сизни илтифотсизлик билан кутиб олганим учун мени кечирасиз. Хафа эмасмисиз, ишқилиб?

— Нега хафа бўларканман?— дея жавоб қилди Дизма.— Ҳаммаям асабийлашиши мумкин.

У Пшеленскаяяга дурустроқ разм солди-да, хоним тузукнина экан, деб кўнглидан кечирди. Пшеленская элникларга бориб қолган бўлса ҳам хипча ва серҳаракат

бўлгани учун ёшроқ кўринарди. Хоним Дизмани эшиккача кузатиб чиқди ва жилмайиб хайрлашди.

— Бу боёнларни ҳеч қачон тушуниб бўлмайди,— тўнгиллади Дизма зинадан пастига тушар экан.

У нарироқдаги майхонага кириб, овқатланиб олди. Ниҳоят, ёлғиз ўзи ўтириб овқатланганидан Никодим ғоят ҳузур қилди. Ахир бирор қарамаяптими, қачон қошиқни ишлатиш керагу, қачон вилкани деб бош қотиришга ҳожат қолмаган эди-да.

Пшеленскаянига кириб чиққач, Дизма, буларнинг ҳаммаси қуруқ гаплигича қолади, Понимирскийнинг умидлари чиплакка чиқади, деган қарорга келди.

«Куницкий ўзини лақиллагиб қўядиган аҳмоқлардан эмас. Доғули у!»

Кейин Никодим бирдан: «Бу гапларнинг ҳаммасини Куницкийга айтсан-чи?»— дея ўйлаб қолди. Лекин шу заҳоти тилини тийгани маъқуллигини тушунди. Бундан ташқари, Понимирскийни тутиб бериш — шундай ажойиб хотин Нинапи ранжитиб қўйиш билан баробар эди...

Майхонанинг шундоқ ёнгинасида реклама чироқлари липиллаб ёниб турарди. Фильм. Никодимнинг кинога тушмаганига ҳам анча бўлган эди! Дизма соатига қарди: ҳали унинг ихтиёрида беш соат вақти бор эди. Никодим узоқ ўйлаб ўтирай билет сотиб олди.

Картина жуда қизиқ, ҳатто мароқли экан. Ёш қароқчи кўхликини қизни севиб қолади. Бироқ кутилмаганда қизни бошқа қароқчилар тўдаси ўтирилаб кетади. Кўп гаройиб саргузаштлардан сўнг ёш қароқчи ўз маъшуқасини халос этади ва фильмнинг охирида у билан никоҳдан ўтади; энг қизиги — уларни ажин босган юзидан мулоийм табассум аримайдиган нуроний чол, руҳоний — қизнинг отаси никоҳдан ўтказади.

Буни кўриб Никодим аввалига жуда ажабланди, бироқ кейин, бу воқеалар Америкада бўляпти-ку, у ерда эса руҳонийлар уйланиши мумкин бўлса керак, деган хаёлга борди.

Фильм шу қадар қизиқарли эдики, Дизма уни бир варакайига иккى сеанс кўрди. У кинодан чиққанида кўча минглаб чироқлардан чароғон эди. Тротуарларда тўдатўда кишилар саир қилиб юришарди. Кеч тушганига қарамай, ҳаво иссиқ ва дим эди. Дизма меҳмонхонага пиёда қайтар экан, узоқдан Куницкийнинг кўркем автомобилига кўзи тушди.

«Менинг машинам!»— дея дилидан ўтказди у ва илжайиб қўйди.

— Хўш, ишлар қалай?— сўради у шофернинг таъзимига жавоб бергач.

— Яхши. Раҳмат.

— Вақтни қандай ўтказдингиз?

Шофер ўзи асли варшавалик бўлгани учун бориб қариидош-уругларини кўрганини айтди. Улар бир минутча гаплашиб туришгач, Дизма номерига чиқиб, қайта кийиниб тушди.

«Бугун бир зиёфат уюштираман. Полковник билан дурустроқ танишиб олиш керак. Үнга шампанское қўйиб бераман».

Чорак соатдан сўнг Дизма «Воҳа»га етиб борди. Ресторан ҳали бўм-бўш бўлиб, икки-уч столгина банд эди.

«Шошилибман»,— дея хаёлидан ўтказди Никодим.

У ароқ билан овқат келтиришни буюрди. Кельнер унга, пан жаноби олийлари, деб мурожаат қилганича, бир зумда столга турли-туман закуска қўйди. Унинг ёнига яна икки официант қўшилиб, сардак солингган балиқ, ветчина, паштет ва шунга ўхшаш таомлар келтиришиди.

Никодим полковникини кутиб, овқат ейишга шошилмади. Оркестр қандайдир классик музикани чалмоқда эди. Зал аста-секин одамларга тўла бошлади.

Ниҳоят, соат ўн бирга яқин полковник Вареда пайдо бўлди. У билан бирга сочлари тим қора, паст бўйли, гражданча кийинглан бир одам ҳам бор эди.

— Э, шу ердамисиз!— дея хитоб қилди полковник.— Анчадан бери кутяпсизми?

— Атиги чорак соатдан бери,— деди шоша-пиша Дизма.

— Таниширишга рухсат этинг: пан Дизма, директор Шумский!— дея уларни бир-бирига танишириди полковник.— Ҳозир севимли ошнамиз Ясь Уляницкий ҳам келиб колади.

— Уша асқиябоз-а?— деди севиниб Шумский.— Жуда ажойиб бўпти-да!

— Май ойида Криницада бўлганимизда унинг қандай қилиқ кўрсатганини хәёлингизга ҳам келтиролмайсиз.

— Ростданми?

— Пансонатимизда Курковскийми, Карковскийми

деган бир одам яшарди. Биласизми, ҳақиқий жентльменлардан: у киши теннис дейсизми, Байрон, Бодлер, Уайлд, Канале Гранде, «Казино де Пари» дейсизми, ҳаммасидан бор эдилар. Винонинг навлари, шоҳи-ипакнинг турлари — ҳаммасини биларди. Бунинг устига юқори доираларда қариндош-уруглари бор экан. Хуллас, у кишидан ўтадигани йўқ эди. Аёллар уни кўришганида эс-хушларини йўқотиб қўйишарди. Стол атрофига йиғилганимизда ҳар куни сұхбат ўша сухандоннинг монологи ёки лекиясига айланиб кетарди. У тинмай гапирав, сўз ўйини қилар, ўнга яқин тилда афоризмлар айтар, хуллас, ҳаммани оғзига қаратиб ўтиради.

— Ха, гап деган мана бунақа бўпти!— дея хитоб қилди Шумский.— Агар унинг тили чучук бўлиб, яна зонтик тутиб юрган бўлса, ўрай агар, ўша нусха ташки ишлар министрлигига ишлаган.

Полковник ҳахолаб кулиб юборди.

— Улманг, топдингиз! Онт ичишим мумкин, зонтикни қўлидан қўймасди.

— Хўш, у ёғи нима бўлди?

— Тасавур қилинг-а, бешинчими, олтинчи куними тушлик овқатга кетаётган эдик, Ясь: «Худо ҳаққи, ортиқ чидаёлмайман»,— деб қолди Овқат маҳали у ўша маҳмадоннинг қаршисинга бориб ўтириди. У жентльмен бўлса, шўрва келтиришганида сухандонлигини бошлаб, куюқ овқат келтиришганда ҳам гапини тугатмаган эди. Ҳани, нима бўларкин, деб кутдим. Ясь индамай ўтиради. Ҳалиги нусха бўлса, ҳамон иршайиб, барчани мафтун этишга уринарди, маҳоратини намойиш этарди. Бир маҳал у мавсумнинг мода бўлган ранги ҳақида гап бошлаган эди, ошнамиз Ясь пичноқ билан вилкани бир четга қўйиб, ўридан турди-да, ҳалиги сухандон томон энганишиб, бор овози билан «ў-ў-ў-ў!» деб бақирса бўладими...

Дизма билан Шумский ўзларини кулгидан тўхтатишолмади.

— Нима,— дея сўради Шумский,— фақат «ў-ў-ў-ў» деди-қўйдими?

— Ҳа, фақат «ў-ў-ў-ў» деди-қўйди. Лекин Уляницкийнинг овози қандай йўғонлигини биласан-ку ўзинг. Кейин нима бўлганини бир кўрсанг эди! Ҳалиги нусха шолғомдай қизариб, нафаси ичига тушиб кетди. Ҳамма ёқ жимиб қолди, барча лабини тишлаб ерга қараб ўти-

парди. Шу пайт кимдир чидаёлмай пиқиллаб қулиб юборди. Фақат шу етмай турган экан. Қаҳқаҳадан ҳатто стол ҳам силкина бошлади. Худо ҳаққи, одамларнинг бундай кулишганини сира кўрмаган эдим.

— Яс-чи?

— Ясми? Ясь индамай овқатини еяверди.

— Аnavи нусха нима қилди?

— Манфур одам экан! У туриб кетишини ҳам, жоийда ўтираверишини ҳам билмай, довдираб қолди. Ниҳоят, ўрнидан туриб, чиқиб кетди. Кейин ўша куниёқ Криницадан туёғини шиқиллатди.

— У ёфи нима бўлди?— сўради бу воқеа жуда ёқиб қолган Никодим.

— Бўйлак ҳеч нима бўлгани йўқ,— дея жавоб қилди полковник.— Фақат Уляницкий ўша воқеадан сўнг Криницада энг машхур одам бўлиб қолди.

Ниҳоят, Уляницкий ҳам келди.

У жуда новча одам бўлиб, юзи япасқи, бурни бодрингдай, икки қоши билан мўйлови ўрнига тўрт тутам тим қора соч ёпишириб қўйилгандек туюларди. Унинг қошлари билан мўйлови пир-пир учиб турарди, аммо қаърига тортган кичкина кўзлари бўшлиқнинг аллақайси нуқтасига қўмип этмай тикилиб турарди.

У стол ёнига ўтириши биланоқ, кайфи ошиб қолган Никодим ўз ҳурматини изҳор қила бошлади.

— Полковник бизга Криницада қилган ҳазилингизни гапириб берди. Қойил! Ўша маҳмадонанинг роса адабини берибсиз-да!

Ульяницкийнинг юзига тушган бир тутам сочи қимирлаб турарди.

— Шу ҳам гап бўпти-ю! Сизнинг кўпроқ омадингиз бор экан. Терковскийнинг таъзирини берган одам, сиз-ку, ахир?

— Шу, шу,— дея тасдиқлади Вареда.— Ўзимизнинг йигит. Сезиб турибман, ҳали оғайнин бўлиб кетасизлар. Сизларнинг саломатлигингиз учун.

Улар молдай ичишиб, вақт ярим тундан оғағач, иккинчи қаватдаги дансингга<sup>1</sup> чиқишганида, ҳаммасининг кайфи ошиб қолган эди. Яна шампанское келтиришни буоришиди. Стол ёнида қизлар пайдо бўлди. Джаз ғоят шўх бир куйни чалган эди, Дизма хонимчалардан би-

рини таклиф қилиб, ўйин тушиб кетди. Улфатлар уни дикқат билан кузатиб туришди. Ниҳоят, Никодим жоийига келиб ўтиргач, бир овоздан Дизманинг ҳақиқий улфат эканлиги тан олиниб, у билан брудершафт қилиб ичиш таклиф этилди... Бу таклифга ҳеч ким эътиroz билдирамди, албатта. Шундан сўнг улар оркестр полковник Вареданинг талаби билан чалган «Кўп йил яшасин...» куйининг садолари остида брудершафт қилиб ичиши.

Тўйт ошна Куницкийнинг автомобилига чиқиб ўтиришганида тонг ота бошлаган эди. Полковникинга олиб бориб қўйишга қарор қилишди. Константинга стиб боришигач, шофер пассажирларни уйғотди. Шумский Дизма билан мулоҳимгина хайрлашди — унинг Варшавага қайтгиси келмай қолганди.

— Вацекникида тунаб қўя қоларман. Хайр, Никодимчик, яхши бор!

Уляницкийни Никодим Колония Сташица<sup>1</sup> олиб бориб қўйди-да, сўнг ўзи меҳмонхонага қайтди.

Ухлашдан олдин Дизма бугунги воқеаларни эсламоқчи бўлди, бироқ миасининг ғувуллаши ва тинимсиз ҳиқиҷоқ тутиши, фикрини бир жойга тўплашга халал бермоқда эди. Шундан сўнг у, бор-е, дегандек, қўлини силтади-да, ўзини тўшакка ташлади.

У ўйғонганида боши оғримоқда эди. Вақт пешинга яқинлашиб қолганди. Никодим фрак билан шимини ечмай ётганини сезиб қолди — костюми ғижимланиб кетибди. У аввалига ўзидан жаҳли чиқди, бироқ кейин Вареда ва икки нуғузли амалдор билан қилган ичкилик-бозлиги министрнинг олдига киришга қўл келишини ўйлаб бир оз енгил тортди.

Шундан сўнг Никодим бугун Пшеленскаяникига тушлик овқат қилгани бориши лозимлигини эслади. Костюмини дазмоллатиш керак.

Куницкийга Никодим, министрнинг йўқлиги сабабли Варшавада тутилиб қолишини хабар қилиб, телеграмма юборди.

Пшеленскаяникига Дизма автомобилда жўнади: ўнинг деразалари кўчага қараган бўлиб, эҳтимол, биронта одам машинани кўриб қолиши мумкин. Бунинг эса катта аҳамияти бор эди.

Очиғини айтганда, Дизма Понимирскийнинг холаси

<sup>1</sup> Дансиңг — ресторанинг танца тушиш учун ажратилган маҳсус зали. (Тарж.).

<sup>1</sup> Колония Сташица — Варшава яқинидаги жой номи.

ва яна аллақандай Қшепицкий билан нима тұғрида гаплашишини билмасди, әнг муҳими эса, бу гаплардан бирон фойда чиқишига күзи етмасди. У шунчаки киборлар хонадонини күришга қизиқиб қолганидан боришга рози бўлган эди.

Дизма остоңадан ҳатлаб ўтиши биланоқ бу уйга биринчи марта келганидаги бесаранжомлик шунчаки фавқулодда ҳодиса бўлганини фаҳмлади. Энди ҳамма ёқ сокин ва батартиб бўлиб, кишини қандайдир салобат босарди. Тўғри, бу квартирани Ковороводаги уйга таққослаб бўлмасди, албатта. Бироқ унинг аллақандай жозибали томони бор эдики, ана шу ўзига хослик Дизмага жуда ёқди.

Хизматкор унга меҳмонхонанинг эшигини очиб берди ва орадан бир неча минут ўтгач, пани Пшеленскаянинг ўзи ҳам пайдо бўлди. Бу гал энди у ҳақиқий аристократ хонимлардек кийниб олганди. У билан бирга ўттиз бешларга борган бир киши ҳам кириб келди.

— Пан Қшепицкий! Пан Дизма!— деда уларни бирбирига танишириди Пшеленская.

Қшепицкий назокат билан таъзим қилди. Унинг ўзини бепарво тутиши ва димоги билан гапириши Никодимга ёқмади. Лекин у, Қшепицкийнинг келишган йидитлиги ва ҳатто Лисковдаги суд котиби, бутун уездда хотинларга хушомад қилишга усталиги билан машҳур бўлган пан Юрчакдан ҳам чиройлироқ эканлигини тан олишга мажбур бўлди.

— Сиз билан танишиш шарафига муюссар бўлганимдан ғоят хурсандман. Сиз тўғрингизда кўп эшигандим,— деди Қшепицкий ва шимининг почасини тортиб креслога ўтириди.

Бу одам бошиданоқ айёр ва икки юзламачи бўлиб кўринганидан Дизма у билан эҳтиёт бўлиб гаплашишга қарор қилди. Шу боисдан ҳам у дудмолгина жавоб берди:

— Эл оғзига элак тутиб бўлармиди— доим бирор нарсани гапиришади.

— Мени кечирасиз,—га қотди пани Пшеленская,— сизнинг қандай ажойиб сиёсатчи эканингизни фақат бугун пан Қшепицкийдан эшидим. Уят бўлса-да, тан олишим керак, биз аёллар сиёсий масалаларни мутлақо тушумаймиз.

— Э, жуда ошириб юбордингиз-ку,— деб эътиroz

билдириди Қшепицкий ва шимининг бошқа почасини ҳам тортиб қўйди.

Дизма нима дейишини билмай томоқ қирди. Унинг баҳтига, шу пайт меҳмонхонага хизматкор кириб, овқат тайёр эканлигини хабар қилди. Овқат маҳали Пшеленская билан у, гоҳ фамилиясини атаб, гоҳ оддийгина қилиб Зизя дея мурожаат қилинаётган Қшепицкий Дизмадан Коборовода нималар бўлаётганини суриштириша бошлашди. Пшеленскаяни асосан «боёқиши Нинанинг» эри билан акасига муносабати қизиқтиради, Зизя эса Никодимдан кўпроқ Куницийнинг даромади, Кобороводаги ишларнинг аҳволи тўғрисида сўрарди. Дизма бехосдан бу масалаларни яхши тушунмаслигини сездириб кўймаслик учун иложи борича қисқароқ жавоб беришга ҳаракат қиласди.

— Марҳамат қилиб айтсангиз, Жоржнинг касали жуда сезиларлами, уни ҳуқуқдор шахс сифатида тан олиш мумкини?..

— Нима десам экан... У телба, албатта, лекин, эҳтимол, бирор муддат ўзини тийиб турла олар...

— Жуда тўғри айтдингиз,— гапни илиб кетди Пшеленская.— Унинг касали ҳэм худди ана шу ўзини тийиб туриш марказларининг заифлашиб қолганидан иборат: лекин у заруратин тушунса, менимча, маълум муддат ўзини тийиб турла олади.

— Эҳтимол...— деда минирлади Дизма.

— Фақат бир нарсадан хавфим бор,— давом этди Пшеленская,— Нина бизнинг режамизга қўшилмаслиги мумкин.

— Унга бу ишларни айтишининг нима ҳожати бор?— деда елкасини қисди Қшепицкий.— Ҳаммасини ими-жимда бажарамиз. Энг муҳими адлия министрлигидан одам топиш. Лекин тақдир пан Дизмадек одамни бизга кўмакка юборган экан, бунинг ташвишини қилмасак ҳам бўлади. Шундай эмасми?..

— Эҳ, Жоржнинг сиздек касбоши, дўсти у билан худди шу пайтда учрашиб қолганингиз жуда соз бўлдида!— деда хитоб қилди пани Пшеленская.

Қаҳва ичиш учун кичик меҳмонхонага ўтишди. Қшепицкий чўнтагидан ён дафтари билан қалам олди.

— Мен қисқагина доклад тайёрлашни лозим топдим,— деда гап бошлиди у.— Рухсат этасизми?.. Хўш, умуман олганда, ишнинг аҳволи мана бундай. Бизга қуйидагилар маълум: кир юувучи хотин Генавефа Куникнинг ўғ-

ли, асли Krakovdan бўлган олтмиш олти ёшли муттаҳам Leon Kunik бир вақтлар ўғриланган нарсаларни соғиб олишдан гумон қилинганд. Бу нарса Lvov politsiya-sining aktlariда қайд этилган. Kейinchалик у судхўрлик билан шуғулланган ва ҳар хил найранглар ишлатиб, Ponimirskiylar oиласининг бойлигини ўзлаштирганд...

— Пани Kunicкayning айтишича эса,—дека унинг гапини бўлди Nikodim,—бу ерда ҳеч қандай найранг бўлмаган эмиш.

— Ҳа, албатта... Лекин ҳар бир фактни турлича талқии қилиш мумкин. Хе-хе-хе... Агар прокурор керакли кўрсатма олса, қандай иш тутишини ўзи билади. Бундан ташқари, бизга Kunicкining тўққиз йил муқаддам янги ҳужжат олгани ва унга отасининг исмини ёздириб, familiyasining «Kunicкий» қилиб ўзgartirgani maъlum. Bu esa қонунга хилоф иш. Kейin, ҳаммамиз uning temir йўл қурилишига шпал etkazib bering xususida судлашганини биламиз. Afuski, ўшанда бу шпалларнинг аслида бўлмаганлиги исботланмаганди. Kunicкий begu-noxligini tasdiqlovchi ҳужжатлар ёрдамида ўзини oқlashga muvofta bўlgan edi. Ammo, turgan gap, bu ҳужжатларning ҳамmasi қалbaki.... Ularни ёшиб berган temir йўл xizmatchisi keyinchalik қoчgan va dom-darak-siz foyib bўlgan. Bu ҳужжатlарning ҳамmasini topib, яна sudga taқdim қилиsh mumkin. Xўsh, bunga nima deysizlar?

— Ҳа, албатта!— hitob қилди Pshelenская.

— Мен ҳам шундай fикrdaman,—дека gap қotdi Dizma, Kshepicкий gumonsiraб қaрап экан. Kshepicкийning қiйiқ kўzлariда қandайдir ўt чақnashi, yozinining uchib turiши, қirra burni va uzu niyagi uning sergakligi va ҳar daқiқada қarshi ҳujumga ўtishi muminligidan dalolat bering turardи. Kshepicкий tiilining uchi bilan юқori labini yaldi-da, davom etdi:

— Eting muҳими — undan Koborovoni tortib oliш ke-rak. Barcha қiйinchiлик ana shunda, Juridik jihxatdan Koborovo pani Ninnanig tasarrufida xisoblanadi. U esa bu ishga sirajam rozi bўlmайдi.

— Ҳа, rozi bўlmasa kerak...— dedi Dizma Kshepicкийning fikriga kўshiliб.

— Shu boisdan ҳam,—deя давом etdi Kshepicкий,— ягона chora Жоржнинг Kunicкий устидан prokuroriga ariza beringidir. U ўz arizasida singlisini soxta tu-

voxlik beringish учун Kunicкий mажbur этганини кўрса-тиши лозим...

— Ҳам...

— Bундай айбни эса Жорж фақат ҳуқуқдор шахс сифатида тан олингандан кейингина қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам суд органлariдан Жоржнинг руҳий ҳолатини иккинчи марта tekшиrib kўriш учун ruҳsat олиш kerak! Men advokat bilan maslaҳatlaшdим. У қoндагa muvofiқ қaittadan kўriш mумkinligini aitdi. Faқat bu ҳaқda Жоржнинг қarindoshlariдан biron-tasi iltimos қiliishi kerak экан.

— Men ўлсам ҳам бундай қilmайman!—deя эътиroz billidiрdi Pshelenская.—Ўлсам ҳам! Boшимга shuncha tashviш oртирганим ҳам etar. Bir kami gazetalarda nomimni bulғashlari қoluvdi...

— Жуда яхши, pani Fina,—dedi zardasi қainay boшlagan Kshepicкий.—Demak, siz, bu ishni Nina қiliishi mumkin, deb xisoblar ekansiz-da?

— Йўқ,—deя gapga aralaшdi Dizma,—Nina bundai қiliшiga ҳечам rozi bўlmайдi.

— Жоржнинг эса бошقا қarindoshi йўқ,—dedi Kshepicкий tirkogni ўсиқ barchorat barmonini юқori kўtari.

— Baribir bu ishga aralaшmайman... Baribir... Kshepicкийning jaҳli юзигa тепди.

— Miali,—dedi u қuruқcina қiliб.—Demak, bu ҳaқda ortiq gapiришning ҳожати йўқ. Bu ishingiz bilan Жорж siz bilan menga beradigان қирқ ming злотийni ҳamda BiBi Hul'chinскаяning turmuшga чиқishini йўқقا чиқардингиз.

Oraga жимлик чўкди.

— Afus,—deя қўшимча қilди Kshepicкий,—faқat pan Dizmани bekordan bekorga ovora қilдик.

— Aralaшmайman, xudo ҳaқqi, aralaшolmайman!— ўz gapida қatting turib oldi Pshelenская.

— Шошилиб nima қilamiz!—dedi bir oz ўylab kўrғach Nikodim.—Bu masalani keyinroq gaplashsak ҳam bўladи.

— Bu orada bирор chora topiliб қolap,—dedi engil tortib pani Pshelenская.

— Kshepicкий sapchiб ўrnidan turdi.

— Bu orada, bu orada! Bu orada menga pul kerak, жуда kerak!..

— Сизга бир оз пул топиб беришга уриниб кўраман,— деда мингирилади иккиланиб Пшеленская.

— Э, топиб берадиган ўша беш юз ёки минг злотийнгизни бошимга ураманми!— деди қўл силтаб Қшепицкий.

Пшеленская қип-қизарib кетди.

— Балки, буни кейинроқ гаплашармиз. Бу гаплар пан Дизмани қизиқтирмаса керак, деб ўйлайман.

— Кечирасиз,— деда тўнғиллади Қшепицкий.

— Яна кофе ичасизми?

Пшеленская чашкаларга кофе қўйди-да, сўнг деди:

— Эҳтимол, сиз, пан Дизма, Нинага гапириб кўрарсиз. Агар у эрини ёмон кўрса... Пан Дизма ҳар қандай тўсиқларни ҳам енгишга, ҳар қандай характерга ҳам таъсири кўрсатишга қодир одам кўринадилар.

— Ҳа, албатта, лекин у кишига бундан нима фойда, — деди бир оз ҳаёсизлик билан Қшепицкий.

— Зизя,— деда эътиroz билдирид Пшеленская,— пан Дизма Жоржнинг дўсти-ку, ахир! Шундай эмасми? Менимча, шунинг ўзи ҳам кифоя қиласди.

Қшепицкий башарасини бужмайтириб, бармоқларини қирсиллатди.

— Келинг, очиқчасига гаплашайлик... Мен дунёда беғараз одамларнинг борлигига ишонмайман. Мени кечиравсан, муҳтарам пан Никодим, ишонмайман, вассалом! Менимча, сиз... ҳам... ишбилармон одам сифатида... Очиғини айтинг, Жорж сизга бирор нарса ваъда қилганми?

— Бу нима деганингиз?— тушунмади Дизма.

— Бирор нарса ваъда қилганми, деб сўраяпман?

— Пул бераман, деб ваъда қилган, демоқчимисиз?

Пшеленская Дизманинг ранжишидан чўчиб, Қшепицкий мутлақо ундаи демоқчи эмасди, сиз унинг гапини бошқача маънода тушунманг ва ҳоказо, ва ҳоказо, деда кечириб сўрай бошлиди. Дарвоқе, Қшепицкийнинг ўзи ҳам ҳаддидан ошириб юборганини сезиб, Жоржнинг судлашиши муносабати билан бўладиган харажатларни назарда тутганини айтди.

Ишнинг қовушмаётганини пайқаган Пшеленская бу хакда кейинроқ гаплашишини таклиф қилди ва Дизманинг Варшавада яна икки ҳафтача туришини эшиттач, уни келаси сесланбада уйида бўладиган бридж ўйинига таклиф қилди. Дизма аввал бридж ўйинини билмасли-

гини баҳона қилиб, келишдан бош тортди, бироқ унга карта ўйнаш шарт эмаслигини айтишгач, рози бўлди.

— Иигирма-ўттиз одам бўлади,— деди уни кўндириш учун Пшеленская,— улар орасида танишларингизни ҳам учратасиз: меникига генерал Ружановский, министр Яшунский, раис Гродзицкий, вице-министр Уляницийлар келиб туришади.

— Полковник Вареда-чи?— бирдаи янги ошнасини эслаб сўради Дизма.

— Илгарилари келиб турарди. Сиз у билан танишмисиз?

— Ҳа, у менинг дўстим,— деди бепарвогина қилиб Никодим.

— У ҳолда полковникни ҳам таклиф қиласман. Жуда уддабурон одам. Агар янгишмасам, прокурор Важик билан яхши муносабатда. У эса, эсимда бор, Вареданинг биринчи хотинига уйланган...

— Ҳа, ҳа,— деда тасдиқлади қулиб Қшепицкий.— Гамельбейн хонимни айтапсиз-да! Важик эса бизга катта ёрдам бериши мумкин.

Дизма Пшеленская билан хайрлаша бошлиди, Қшепицкий ҳам Мокотовга бориши лозимлигини айтиб, ўрнидан турди.

— Мен сизни элтиб қўяман, — деда таклиф қилди Дизма.— Машинам дарвоза олдида турибди.

Пшеленская Қшепицкийни олиб қолмоқчи бўлган эди, бироқ у қатъиян бош тортди.

— Йўқ, қололмайман. Кечқурун овқатлангани кела-ман. Ҳозирча хайр!

— Пани Пшеленская қариндошингиз бўладими: деда сўради Дизма улар кўчага чиқишишгач.

— Йўқ, шунчаки эски танишим. Унинг эри билан дўст эдик.

— Нима, пани Плещенскаянинг эри ўлганми?

— Тирик,— деди жавобав Қшепицкий қўзларини ҳиёл қисиб. Фақат ҳозир ким билан яшаётганини билмайман. Чет элда кайф-сафо қилиб юрибди. Эҳ-е, автомобилингиз жуда зўр-ку! Биринчи сорт! Бензинни кўп ейдими?

— Ўттиз литрдан ортиқ сарфлайди,— деди жилмашиб шофер ва эшикни ёпиб қўйди.

— Қани энди шунаقا машина бўлса, соз бўларди-я, — деда гап қотди Қшепицкий.

Йўлда у, агар пулини ололса, нималар қилмоқчи

эканлиги тўғрисида гап сотиб кетди. Суҳбатдошининг сукут сақлашидан Қшепицкий, Дизма жуда айёр, эҳтиёткор одам бўлса керак, деган қарорга келди.

Нихоят у Политехника институти олдида тушиб қолгач, шофер Дизмага ўғирилиб деди:

— Мен бу панин танийман — Қшепицкий. Бир вақтлар пойгачи отлари бор эди. Лекин омади қелмади.

— Пихини ёрган одам-а?

— Эҳе-а, нимасини айтасиз,— деди бошини чайқаб шофер .

## 7- б о б

Бу деворларига тўқ яшил гулқоғоз ёпиширилган, деразалари шифтга тегай деб турган Луи-Филипп услугидаги кенг бир кабинет эди.

Каттакон ёзув столи ёнида бошини қўлига тираб ўтирган министр Яшунский деярли бир соатдан бери қишлоқ хўжалигининг аҳволи ҳақида минифирлаб ахборот берадётган мансабдорнинг гапларини тингларди.

Мансабдор гоҳо-гоҳо блокнотини бир четга қўярдида, семиз протфелидан газета кесмаларини олиб, мақолалардан айрим жойларини ўқиб берарди. Мақолаларда ракамлар билан бирга нуқул: «экспорт», «центнер», «буғдой», «фожиали аҳвол» сўзлари тақрорланарди.

Чамаси, бу ахборот яхшиликдан дарак бермасди, чунки министрнинг пешанаси тиришиб турарди. Бу ажин ҳатто у жилмайиб, аниқ ва пухта тайёрланган ахборот учун мансабдорга миннатдорчиллик билдирганида ҳам йўқолмади.

Чет элдан қайтгач, Яшунский ишлар фоят қўрқинчли аҳволга тушиб қолганини кўрди. Қишлоқ хўжалигидаги қийинчиликлар, кутилаётган мўл хосил оппозицион матбуотнинг қаттиқ ҳужумига сабаб бўлди: ҳатто ҳукумат доираларига яқин газеталар ҳам норозиллик билдириб, тўнғиллай бошлиди.

Яшунский ҳамкаслари билан қилган суҳбатидан обрўсига анча путур етганига ва мабодо истеъфога чиққудек бўлса, барча министрлар мамнун бўлишига ишонч ҳосил қилди. Рост, буни унга тўғридан-тўғри айтишгани йўқ. Аммо ҳукуматнинг янгилик иқтисодий сиёсати муносабати билан бирон одам балога йўлиқишига шама қилишди. Бош министр башарасини бужмайтириб, маз-

кур вазиятда бутун кабинетининг истеъфо бериши мумкин эмаслиги ва қисман реконструкция йўли билан қутулиш лозимлигини очиқдан-очиқ айтди.

Бу ўрийда бош министрга гапи ўтадиган Терковский-нинг холис хизмат қилгани шубҳасиз эди.

Иш пировардига яқинлашиб қолганди, шу боисдан масалани узил-кесил ҳал қилиш керак эди. Аммо Яшунский ўз ўринбосари, вице-президент Уляницкий билан маслаҳатлашмай туриб бир қарорга келишни истамади.

У Уляницкийни эрталабдан бери кутарди. Министр ҳатто бир неча бор ўринбосарининг уйига телефон ҳам қилди, бироқ ҳар гал унга, хўжайин ҳали ухлаб ётибдилар, деб жавоб беришди.

Шунинг учун ҳам соат иккиларга яқин Уляницкий кабинет эшигига пайдо бўлганида, Яшунский уни койий кетди:

— Нима, эсингни еб қўйдингми? Туни билан ичасан, бу ерда эса асфаласофилинга кетай деб турибмиз.

— Аввал саломлашсак бўларди,— деди мўйловини силаб Уляницкий.

— Яхши, салом,— тўнғиллади министр.

Уляницкий креслога ўтириб, папирос тутатди. Яшунский эса қўлларини чўнтағига тиққанича катта-катта қадамлар билан хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Сен яхши шартнома тузибсан. Табриклайман,— дўриллади Уляницкий.

— Табриклайдиган жойи йўқ,— дея қуруққина жавоб қилди министр,— чамаси, бундан кейин яна биттагина қофозга қўл қўйсам керак.

— Нега ундай деяпсан?

— Чунки навбатда қўл қўядиган қофозим истеъфо ҳақидаги ариза бўлади.

— Никодим Дизмани биласанми?— сўради Уляницкий бир оз сукут сақлаб тургач.

— Биламан. Терковскийнинг таъзирини берган одамда. Унинг бу ишга нима алоқаси бор?

— Биз бугун эрталабгача бирга ичдик. Бир неча кундан бери у билан ичяпман.

Яшунский елкасини қисди:

— Баттар бўл.

— Аксинча, жуда яхши бўлди.

— Ҳе, жин урсин!.. Очиқроқ гапир! Ҳозир топишмоқ ўйнашга ҳушим йўқ!

— Қулоқ сол. Биз у билан кризис ҳақида гаплашдик. Мен унга ахволнинг чатоқлиги ва унинг яхшиланиши амри маҳоллигини айтдим. Ҳеч қандай чора йўқ, дедим унга. Никодим бўлса бунга жавобан: «Чора бор — давлат фалла запасларини сотиб олиши керак», — дейди.

Уляницкий гапиришдан тўхтаб, министрнинг кўзига тикилди. Яшунский елкасини қисди.

— Давлат фаллани сотиб олиши керак, дейдими?

— Ха, ҳа!

— Бўлмаган гап! Давлатнинг пули йўқ.

— Шошма, шошма, мен ҳам унга шундай дедим. У бўлса: «Пулми? Пулнинг кераги йўқ», — дейди.

— Қанақасига энди? — дея ажабланди Яшунский.

— Қулоқ сол. Жуда ажойиб гап. Эшитиб оғзим очилиб қолди. Бахтимизга ҳамма гирт мас эди, ҳеч ким эшитмади.

— Қани, қани, гапир!

— Бўлмасам эшит! Пулнинг кераги йўқ, гап пулда эмас, дейди. Давлат облигация чиқариши мумкин. Масалан, юз миллион ёки икки юз миллион злотийлик, дейлик. Пул ўрнига ана шу облигация тўланади — вассалом. Олти йиллик мудат билан тўрт процентлик облигация. Олти йил ичida эса фалла бозорида ўлдим деганида, бир марта қулай вазият юзага келади. Ана ўшанда бор фаллани мамлакатимизнинг ўзида ёки чет элда сотиб юборишими мумкин.

— Шошма, шошма, — дея унинг гапини бўлди министр, — анча дуруст фикр.

— Дурустмиш-а! Гениал фикр!

— Хўш, кейин нима деди?

— Мен сенга айтсан, бу Дизманинг калласи жуда ишлар экан. Бунинг фойдаси жуда катта, дейди. Биринчидан, нарх-наво барқарорлашади, иккинчидан, муоммаладаги пул кўпаяди. Шу йўл билан давлат юз-икки юз миллион злотийлик пул чиқариш имконига эга бўлади. Чунки облигацияларда эгасининг номи кўрсатилмайди ва шу йўсинда нақд пул ўрнида ишлатилаверида. Ундан тафсилотларини сўраган эдим, «Мен мутахассис эмасман», — деб қўя қолди. Ҳаммасини сенга айтиб бермоқчи.

— Менга?

— Ха, сенга. Унинг сенга ихлоси баланд.

— Шошма-чи, демак, ишнинг моҳияти...

Уляницкий Дизма билан қилган сухбатини такрорлади-да, бутун режани рақамлар билан баён қилиб берди.

У бу лойиҳага шу қадар қизиқиб кетдики, ҳатто машинисткани чақириб, газетага мақола ҳам ёздиримоқчи бўлди. Бироқ вазмироқ Яшунский уни тўхтатди. Масалани ҳар тарафлама ўйлаб, муҳокама қилиб пишириш лозим эди. Бу фикр унга ҳам жуда ёқиб қолган эди. Аммо бунақа ишларда шошқалоқлик қилиш ярамасди.

— Аввало бу гап мутлақо сир сақланиши лозим. Иккинчидан, ўша Дизма билан яна бир марта гаплашиб олиш керак.

— Унга ҳозироқ қўнгириш қилишим мумкин.

— У ҳали ҳам Варшавадами?

— Бўлмасам-чи. «Европа» меҳмонхонасида турибди. Бир ишрат қилиш учун келган экан.

Министр ажабланди.

— Йўғ-е, нималар деяпсан? Ишратбозга ўҳшамайдику. Мени билишимча, у кўпроқ иродали одамлар сира-сига кирса керак. Бундай одамлар йўлбошли, ташкилотчи бўлади...

— Тилло йигит, — дея ошнасини мақтади Уляницкий.

— Қолаверса, ўзимизнинг одам. Қани энди уддасидан чиқсан! Унда Терковскийнинг шайкаси думини қисиб қоларди. Мен-чи? Яъни, биз-чи? Тушуняпсанми, Ясь?

— Бўлмасам-чи...

Улар шу бугун кечқуруноқ Дизма билан гаплашиб олишга қарор қилишди. Министр ўз ташрифномасига бир неча сўз ёзиб, Дизмани чақириб келиш учун «Европа» меҳмонхонасида одам юборди. Яшунскийнинг хатини олиб келишганида, Дизма эндиғина уйғонган эди. Хатда кўрсатилган вақтгача у кийиниб, шошилмай овқатланди. Министрликкача бир неча минутда етиб борса бўларди. Шу боисдан ҳам Никодим чўнтак соатига қараб қўйди ва у ерга пиёда жўнади. Етиб боргач, у қўнгириқ түгмасини босган эди, швейцар эшикни очиб, Дизмага хўмрайиб қаради-да, деди:

— Сизга нима керак? Идора аллақачон ёпилган.

— Секироқ! Секироқ, — дея кеккайиб пишиллади Дизма. — Мен министр Яшунскийнинг олдига келдим.

Швейцар таъзим қилиб букчайди.

— Афв этасиз, билмай қолибман. Министр пан Уляницкий билан бирга сизни кабинетда кутяптилар.

У тавозе билан Дизманинг пальтосини ечиб олди.

— Кузатиб қўйишга рухсат этинг... Қабинет шу ерда, иккинчи қаватда жойлашган.

Никодим ҳали бу воқеанинг аҳамиятини охиригача тушуниб улгурмаган эди: бир минутдан сўнг у министр билан суҳбатлашади; у Коборовдан жўнаётган пайтида мутлақо ҳақиқатга тўғри келмайдигандек туюлган нарсалар энди маълум бир шакл касб этиб, амалга ошмоқда эди. Воқеалар йўналиши гўё шиддатли оқимдек Дизманни олиб кетаётганди. У буни ҳис этса ҳам, бироқ воқеалар моҳиятини англай олмасди. Нима сабабдан бу ишларга у, яъни Никодим Дизма аралашиб қолганини тушунмасди.

Таклифнома олгач, у дарҳол гап ғалла облигацияларини чиқариш тўғрисида, Уляницкий завқ билан эшитган Куницкийнинг ўша режаси ҳақида боражагини тушунди. Никодим ҳаммасидан ҳам министр ундан бу ишнинг тафсилотларини сўраб-суроштиришидан чўчирди. Эҳтиёт бўлиш керак! Энг муҳими — шунча пайтдан бери жонига оро кириб келаётган услугни қўллаб, камроқ гапириш керак.

Уляницкий билан Яшунский уни самимий кутиб олишиди.

Дизма билан Уляницкий аллақачон сенлашиб гаплашба бошлаганлари боисидан суҳбат дарҳол дўстона тус олди. Яшунский гапни мақтовдан бошлаб, Никодимга 15 июлдаги банкетда Терковский билан ғижиллашиб қолганини эслатди.

— Ўшандәёқ мен: агар мамлакатимизда сиз каби одамлар кўпроқ бўлганида, ишларимиз бутунлай бошқача бўларди, дегандим. Ҳа, ҳа, имоним комил, бутунлай бошқача бўларди.

— Бундай мақтовга азизмикинман...

— Никодим, ўзингни кўп камтарликка солаверма! — Кувноқлик билан дўриллади Уляницкий.

Сўнг ғалла облигациялари ҳақида гап очилди. Дизманни икки кишилашиб сўрока тутишиди. Тўғри, иккала амалдор ҳам қишлоқ хўжалигида ҳеч вақони тушумасликларини айтишиди, бироқ шунга қарамай Дизма қовун тушириб қўйишдан чўчиб, жуда эҳтиёткорлик билан гаплашди. Ўнинг хотираси яхшилиги жонига оро кирди: Никодим аста-секин Куницкий айтган ҳамма гапларни эслади. Ҳар эҳтимолга қарши у «ўзининг» режаси ҳақида Уляницкийдан эшитганини ҳам қўшиб қўйди.

Яшунский жуда хурсанд бўлиб кетганидан кафтини кафтига ишқарди. Қош қорая бошлади. Чироқни ёқар экан, министр шўх оҳангда деди:

— Хўш, азизим пан Дизма, очигини айтсан, сизни сўзамол деб бўлмас экану, лекин каллангиз яхши ишларкан. Демак, ҳамма иш жойида. Бир нарса ёдингизда бўлсин — бу гаплар мутлақо сир сақланиши лозим! Вақтинча албатта. Чунки ҳали бу масала устида кўп бош қотириш керак. Ясь қонун лойиҳасини тайёрлайди. Кейин уни министрлар кабинетининг иқтисодий комитетига тақдим қиласиз, мен эса эртага бош министр билан гаплашаман. Фаҳмлашимча, ягона қийинчилик — бу омборлар масаласи. Янгиларини қуриш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Бизга кредит беришмайди. Дарвоқе, энг катта қийинчилик ҳатто бу ҳам эмас. Ҳарқалай, пан Никодим, ажойиб лойиҳангизни амалга оширишда ўзингиз ҳам қатнашасиз. Гапимга ишонаверинг.

— Ҳа, албатта,— дея дўриллади Уляницкий.

— Сиз ҳукумат билан ҳамкорлик қилиндан бош тортмайсизми, ишқилиб? Шунга умид қилса бўладими?

Дизма гарданини қашиб қўйди:

— Нега энди бўлмас экан, ишлайверамиз-да...

— Сизга чин қалбимдан миннатдорчилик билдираман. Менинг фикримча, энг муҳими — ўёки бу ишни ким бажаришига боғлиқ. Бунда шахс масаласи биринчи ўринда туради!

Яшунский ёзув столининг тортмаларини қулфлаб қўйди. Уляницкий швейцарга қўнғироқ қилди.

Никодим Куницкийнинг илтимосини бажаришга қулав фурсат келганини англади.

— Пан министр,— дея гап бошлади у,— менинг сиздан битта илтимосим бор эди.

— Шунақа денг? Марҳамат, қулоғим сизда.— Шундай дея министр Дизмага қизиқиб тикилди.

— Гап бундай... Гроднодаги давлат ўрмонлари дирекциясида аллақандай Ольшевский деган одам ишлар экан. Уша Ольшевский нуқул Коборово тахта тилиш заводига панд бериб келяпти... У Куницкийни ёмон қўради, шунинг учун доим ҳалиги... анови-чи... давлат ўрмонидан бериладиган ёғоч контингентини камайтиргани камайтирган.

— Ҳа, рост,— дея унинг гапини бўлди министр,— эсимда бор: ҳатто қандайдир шикоятлар ҳам бўлган эди. Бу Куницкий жуда қизиқ одам кўринади. Унга бирор алоқангиз борми?

— Худо сақласин, фақат иш юзасидан.

— Никодим, унинг қўшниси, Куницкая хонимнинг

ишончли вакили, Куницкий эса шу кунда хотини билан аразлашиб юрган экан,— деда тушунтириди Уляницкий.

— Пан Никодим, сизга очигини айтаман,— деда жавобан министр,— мен Ольшевскийнинг буйруқларини бекор қилишни истамасдим. Эштишишмча. Куницкий фирибгар, муттаҳам одам экан. Лекин сизга сўзсиз ишонаман. Айтинг-чи, чиндан ҳам ёғоч контингентини ошириш давлатга фойдалими? Ҳа ёки йўқ, деб жавоб қиласеринг.

— Ҳа,— бош иргади Дизма.

— Ольшевский пани Куницкаянинг тахта тилиш корхоналарига бекордан бекорга тўсқинлик қилаётгани ростми?

— Рост.

— Бўпти, келишдик. Мен бошқариш санъати тез қарор қабул қила билишидан иборат, деб ҳисоблайман.

Яшунский ташрифномасини олиб, алланималар ёзида, сўнг уни Дизмага узатиб, жилмайди.

— Марҳамат! Мана Ольшевскийга кўрсатма ёздим. Шунга қарамай эртага эрталаб унга керакли телефонограмма юборишларини буюраман. Сиз қишлоққа қачон қайтмоқчисиз?

— Индинга.

— Афсус. Лекин сизни тутиб турмайман. Узим хабар юбораман. Ясь, сенда пан Дизманинг адреси борми?

— Бор. Иннайкейин, биз у билан эртага пани Пшемскайяникода бўладиган бридж ўйинида учрашамиз. Никодим ҳам у ерга бориб тўтар экан.

— Жуда яхши. Хўп, сизга яна бир бор катта раҳмат, оқ йўл тилайман.

Шундай дея министр Никодимга иккала қўлини узатди. Ҳаммалари пальтоларини қийишиди. Уляницкий Дизма билан бирга бориб овқатланмоқчи эди, бироқ министр қўймади.

— Яна ўлгудек ичасан, вазият эса жуда жиддий, қилиқ кўрсатадиган пайт эмас ҳозир.

Улар Krakov қасабасига чиқиб хайрлашишгач, Никодим меҳмонхона томон йўл олди.

Йўлда у ёритилган витриналардан бирининг олдида тўхтаб, чўнтағидан министрнинг хатини олди-да, ўқиб чиқди:

«Директор Ольшевскийга. Гродно.

Никодим Дизманинг Коборово тахта тилиш заводи иши бўйича қўйган талабларини дарҳол ижобий маънода ҳал қилишингизни сўрайман.

Яшунский».

Никодим мактубни авайлаб кармонига солиб қўйди.

— Оббо жин ургур-эй!— деди у баланд овозда.

Унинг бу хитобидан ҳам мамнунлиги, ҳам ажабланганилиги ва ҳаммасидан ҳам кўпроқ ўзига ўзи қойил қолганилиги сезилиб турарди.

Дизма ўзини анча дадил сеза бошлади. Яқингинада ўзи тенглашиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган бу бегона муҳит одамлари ундан, яъни Дизмадан аллақандай фазилатлар топишган эди. Ким билсин, эҳтимол, улар ҳақдирлар...

Ҳа, Дизма ўзидан жуда хурсанд эди.

Меҳмонхонада Никодимни яна бир хушхабар — унинг номига ёзилган энсиз оч кул ранг конверт кутиб турган экан. Конвертдан таниш атир ҳиди анқиб турарди. Почта қофозининг вараги бир текисда чиройли ёзув билан тўлдирилган бўлиб, тагига Нина Куницкая деб имзо чекилган эди.

Никодим жилмайди:

— Буни қара-я! Қани ўқиб кўрайлик-чи, нима деб ёзган экан.

У каравот ёнидаги чироқни ёқиб, ботинкасини ечдида, ўрнашиброқ ётиб, ўқий бошлади:

«Хурматли пан Никодим!

Сизни менинг мактубим, эҳтимол, ундан ҳам кўпроқ илтимосим ҳайратга солса керак. Агар Сизга мурожаат қилишга журъат этган бўлсанам, бу фақат Сизнинг менга кўрсатган меҳрибонлигингиз туфайли, жаҳлингиз чиқмаслигига умид қилганимдан, холос.

Гап кичик бир нарсани ҳарид қилиш устида кетяпти: мен Гроднода яхши теннис тўпларини излаб тополмадим. Агар Сиз Варшавадан бир дюжина тўп олиб келсангиз, Сиздан foят миннатдор бўлардим.

Тўғри, магазиннинг ўзига хат ёзишим мумким эди, аммо мен Сизнинг ўзингиз танлаб олиб келишингизни истайман. Эҳтимол, Сизнинг Варшавадалигингизда вақтингизни олмаслигим керак эди. Чунки у ерда Сиз учун вақт жуда қимматли бўлса керак. Ахир ишингиз кўп. Бунинг устига кўнгил очишингиз керак — театрлар, қабул маросимлари ва қолаверса... Касянинг оғзидан гуллашича, жазманларига гул юборишни яхши кўрадиган гўзал аёллар... Коборовода гўзал аёллар йўқ, лекин бу ернинг гуллари Варшаваникига қараганда чиройлироқ...

Қачон қайтасиз?

Аслини олганда, мен «қайтасиз» сўзини ишлатмаслигим керак эди. Ахир, киши фақат, ўз яқиним деб ҳисоблайдиган одамнинг олдига қайтади, инсон ҳаёт йўли ёки дилидаги муҳаббат туйғуси бояглаб турган кимсанинг олдигагина қайтиши мумкин...

Коборово бугун маъюс ва ноҳуш. Мана бир неча кун бўлдики, у менга шундай туюляпти. Уни қанчалик севишимни ва қанчалик нафратланишим лозимлигини ўзингиз биласиз-ку, ахир. Сиздан илтимос қиласман, ўз ҳасратларимни тўкиб, кайфиятингизнинг қувноқ гармониясини бузганим учун мендан ранжиманг. Нимаям дердим, тан оламан: менга Сизнинг сұхбатларингиз етишмаяпти, жуда ёлғизман.

Коборово Сизнинг қайтишингизни кутяпти, пан Никодим,— кечирасиз, мен яна ўша сўзни ишлатдим,— ха, у Сизнинг келишингизни кутяпти.

### Нина Куницкая».

Дизма хатни икки марта ўқиб чиқиб, конвертни ҳидлаб кўрди-да, ўйлай бошлади. «Унга ёқиб қолибман... Нимаям дердим, ҳали ёш, эри эса мункиллаб қолган. Балки, фойдаланиш керакдир?»

Лекин шу пайт, агар Куницкий бирор нарсани сезиб қолса, олдига солиб қувмасмикин, дея дилига ғулгула тушди. Аммо шу заҳоти энди аҳвол кескин ўзгариб кетганинги эслади.

«Финг деб кўр-чи, алжиган чол! Энди кекирдагингдан хиппа бўғиб олишим мумкин! Қим билан гаплашаштганлигини биласамни? Қимсан, министрнинг дўсти билан-а?! Тушундингми?»

Никодим ўрнидан туриб, сарпойчанг ойна олдига борди. У ҳамма лампаларни ёқди-да, икки қўлини белига тираб, бошини юқори кўтарганича ўзини ойнага сола бошлади. У шу пайтгача ўз ҳуснимга етарли баҳо бермаган эканман, деган холосага келмагунча шу алфозда турди.

«Одам ёшлигидан ўзини ойнада кўравериб кўнишиб кетади. Кўникканидан кейин эса ўзига ўзи оддийгина одам бўлиб кўринаверади...»

Никодимнинг ғоят димоги чоғ эди. У кинога борди, сўнг майхонага кириб овқатланди. Кейин эртасига пешинга қадар ухлади. Нонуштадан сўнг магазинларий айланиб, бир йўла Нинага тенгис тўплари сотиб олди. Пешинда яхшилаб овқатланиб олгач, қош қорайгунча

қадар хонасида ётди. Уни шоффёр келиб уйғотди: фрак кийиб, йўлга тушиш керак эди. Шаҳар минглаб чироқлардан чароғон эди, рекламаларнинг қизил неон чироқлари илон изидек ўчиб-ёниб турарди.

Маршалковская ва Хмельная кўчалари бурчагида тўхташга тўғри келди. Полициячи кўндаланг кўчадаги извош ва автомобилларни ўтказмоқда эди. Никодим беихтиёр йўловчиларни томоша қилиб, ажойиб автомобилнинг юмшоқ ўриндиғида ўтириш қаёқда-ю, тротуарда туртиниб-суртиниб юриш қаёқда, деб ўйлай бошлади.

Бирдан у кимдир ўзига тикилиб қараб турганини сезиб қолди: Маршалковская кўчаси бу ерда унча яхши ёритилмаганди, шу боисдан ҳам у қизни анчагача танилмай турди.

Манька!

Никодимнинг эти жунжикиб кетди. У бошини ичига тортиб, юзини ёқаси билан яширмоқчи бўлди. Бироқ кечикди.

Манька тирсаги билан йўл очиб, тротуар, четига келди. Мана у шу қадар яқинлашдики, ҳатто қўлини чўзиб Дизманинг елкасидан тутиши мумкин эди. Аммо Манька бундай қилишга журъат этмади... Ниҳоят, у бўғиқ овоз билан сўради:

— Никодим! Танимаяпсанми?

Ортиқ муғамбирлик қилиб бўлмасди. Никодим қизнинг тўполон кўтаришидан, рўмол ўраган манови қизни шофер сезиб қолишидан чўчирди. Шунинг учун ҳийда ишлатишга қарор қилди; у қиз томон ўгирилиб, бармоғини лабига қўйди-да:

— Жимм... Эртага келаман,— дея шивирлади.

Қиз, тушундим, дегандек бош иргаб, ўз навбатида пичирлаб сўради:

— Соат нечада?

Бироқ у жавоб олишга улгурмади. Полициячининг қўлидаги таёқ имоси билан автомобиль бир силкиниб, шитоб билан жойидан қўзгалди.

Манька олдинга энгашиб, анчагача автомобилнинг ортида қараб турди.

«Жин урсин!— дея хаёлидан ўтказди Дизма.— Гаплашмоқчи бўлганига ўласанми. Тасқара! Автомобилни ҳам ўғирлаган бўлса керак, деб ўйлагандир-да».

У ўзича кулиб қўйди, бироқ бундан буён кечқурунлари Маршалковская кўчасидан юрмасликка аҳд қилди.

Қиз билан учрашишнинг ва, умуман, ўтмишни эслаб кўнглини бузишнинг нима ҳожати бор?

Пшеленскаянинг уйини Дизма учинчи марта кўраётганди ва ҳар гал бу квартира унда янгича таассурот қолдирмоқда эди. Бугун барча эшиклар ланг очик бўлиб, ҳамма ёқ чароғон эди. Икки-уч хонага янгиғина кўк мовут сирилган карта столлари ҳамда олпоқ дастурхон ёзилиб, устига пирожний ва бутерброд тўла патнислар терилган оддий столлар қўйиб қўйилганди.

Меҳмонлар ҳали йиғилишмаган экан. Дизма бир неча хонани айланаб чиқди-да, меҳмонхонадаги диванга бориб ўтириди. Бинонинг нариги четидаги аллақайси хонадан икки кишининг борган сайин баландроқ овоз билан жанжаллашаштагани эшитилиб қолди.

— Шундай қилиб бермайсанми? Айт, бермайсанми,— деда бақиради эркак киши.

Аёл киши бунга жавобан узоқ гапириб, алланималар деди.

Бироқ Никодимнинг қулоғига чертиб айтилаётган айрим қарғиши сўзларигина чалинди:

— Иш ёқмас ялқов... Бундай текинхўрларни... Товламачи!.. Нонкўр!

— Охири марта сўраяпман!..— дўриллади эркакнинг овози.— Икки юз злотий берасанми, йўқми?

— Бермайман!

Шу пайт кўча эшикдаги қўнғироқ жиринглаб қолди. Жанжал тиниб, бир зумдан сўнг меҳмонхонага лабларида табассум билан пани Пшеленская кириб келди. Унинг ортидан назокат билан жилмайиб Қшепицкий келмоқда эди. Кўча эшик томондан тақир бошини ялтиратиб аллақандай бир чол пайдо бўлди.

Меҳмонларни бир-бири билан танишишлар экан. Пшеленская ҳозирги эркакларнинг сира айтиган вақтларида келмасликларидан шикоят қила бошлади. Улар, профессор, деда мурожаат қилишаётган чолнинг қулоғи анча оғир экан, чунки уй бекаси эркакларнинг бебурдлиги ҳақидаги галини тўрт марта такрорлаган бўлса-да, профессор ҳамон:

— Қечирасиз, нима, нима?— деда қайта сўрарди.

Тоқати тоқ бўлган Пшеленскаянинг жонига Қшепицкий ора кирди. Ўолдинга ўтиб жилмайганича:

— Тара-тара-бум-тоқ-тоқ, қари аҳмоқ!— деди.

Бунга жавобан чол бош ирғаб, ишонч билан:

— Ҳа, ҳа, кечқурунлари анча совуқ бўляпти,— деди.

Дизма хаҳолаб кулиб юборди. Унга Қшепицкийнинг хазили жуда ёқиб тушган эди. У пани Пшеленскаянинг янги меҳмонларни кутиб олиш учун чиқиб кетганидан фойдаланиб:

— Шошманг, мен ҳам унга бирор нарса айтаман,— леди.

— Фақат жуда қаттиқ гапирманг!— огоҳлантириди уни Қшепицкий.

Никодим профессорга қараб деди:

— Башарангни ит ялади, қари тасқара!

— Қечирасиз, нима, нима?

— Ит ялади!

— Қечирасиз, эшиитмадим. Нима дедингиз?

Дизма кулгидан, ўзини тиёлмай қолди. Чол уларнинг шумлигини сезгандек бўлиб, шубҳалана бошлади. Шу пайт Қшепицкий гапга аралашибди, у профессорнинг қулоғига:

— У сизга янги латифа айтиб бермоқчи!— деда қичқирди.

— Ҳа, эшиитаман, эшиитаман.

Бу орада меҳмонхонага яна бир неча одам кириб келди. Улар янги меҳмонлар билан қўришиб улгуришмасданоқ, эшиқда полковник Вареда пайдо бўлди. Бу ҳол Дизмани латифа айтишдан қутқариб қолди.

— Салом, Никусь! Ўзингмисан!— деда хитоб қилди полковник.

— Саломатмисан Вацусть?

— Хўш, қалай? Яшунскийдаги ишингни битказдингими?

— Раҳмат, ҳаммаси жойида.

Меҳмонхона ва қўшни бўлмалар гавжум бўлиб қетди. Асосан эркаклар келишган бўлиб, уларнинг орасида фақат беш-олтитагина ёши ўтиб қолган хонимлар қўринарди. Батъилар аллақачон бридж ўйнагани ўтиришганди.

Никодим Вареда билан ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгунча Уляницкий етиб келди. Министр эҳтиёт чораларини кўриб қўйган бўлишига қарамай, полковник Дизманинг лойиҳасидан хабардор экан. Уляницкий сира тортинмай лойиҳа тўғрисида гапира бошлади. Унинг айтишича, иш жуда юришиб кетганмиш. Вареда Никодимни табриклиди ва унга ўзининг улкан лойиҳасини амалга оширишда муваффақият тилади.

Шу пайт уларнинг ёнига пани Пшеленская келиб, бридж ўйнамайсизларми, деб сўради. Вареда билан Уляницкий бу таклифни бажону дил қабул қилишди.

Ҳамма партиялардаги ўринилар банд бўлганидан Пшеленская, мени шерик қилинглар, деб таклиф қилди. Дизма бридж ўйнашни билмасди, шунинг учун тўртинчи ўринга қандайдир озгин бир жанобни чақиришди: Дизма кейинчалик билса, бу одам полициянинг катта амалдорларидан бири экан.

Никодим аввал ўйинни томоша қилиб турди, сўнг жонига теккач, ўйинда иштирок қилмаётган эркаклар олдига борди. Улар орасида Қшепицкий ҳам бор эди.

Дизма нари кетган заҳоти полициячи амалдор Пшеленскаядан сўради:

— Пан Дизма ким бўладилар?

— Пан Дизма?— ажабланди Пшеленская хоним.—

Наҳотки уни танимасангиз?

— Афсус, танимас эканман...

— Рости билан-а?— сўради Уляницкий.— Терковский машмашаси эсингиздами?

— Эҳ, шунаقا денг. Тушунарли.

— Пан Дизма,— дея гап қотди пани Пшеленская— жуда обрўли одам. У менинг жияним Жорж Понимирский билан Оксфорд университетида бирга ўқиган. Улар ўшандан бери дўст.

— Помешчикми?

— Ҳа. Асли Курляндиядан. Ҳозирги кунда жиянимнинг мулиқида бошқарувчи бўлиб ишлайяпти.

— Никодимнинг боши олтин!— дея хонимнинг гапини тасдиқлади Уляницкий.— Яшунский, у ҳаммамиз ўйлаганимиздан ҳам узоқроқ боради, деяпти.

— Кулинг ўлгурсин йигит!— қўшимча қилди Вареда.

— Жуда ёқимтой киши!— дея ишонтириди уй бекаси.

— Чиндан ҳам,— деди ишонч билан полиция амалдори,— жуда жиддий одам кўринади.

— Икки чиллик,— дея эълон қилди Уляницкий қалин қошлиарини юқори кўтариб.

— У ҳолда биз уч чиллик деймиз,— гап қотди Уляницкий билан шерик бўлиб ўйнаётган пани Пшеленская.

Дизма зерика бошлади. Манови ўйинга берилиб кетган кишиларни кўриб у ўзича ҳайратланарди. Никодим бир талай бутерброд билан пирожний еб, бир неча қадаҳ конъяк ичди. Ўйинда қатнашмаётган меҳмонлар халқаро сиёсат ва от пойгаси ҳақида суҳбатлашиб ўти-

ришарди. Дизма бу иккала мавзуга мутлақо бефарқ эди. У қандай қилиб чиқиб кетсан экан, деб ўйлай бошлади. Бир пайт уй бекаси бир зум стол ёнидан турган эди, Дизма фурсатдан фойдаланиб, унга етиб олди ва:

— Кечирасиз, мен кетишим керак,— деди.

— Афсус! Чиндан ҳам кетишингиз шартми?

— Ҳа, эртага азонлаб жўнамоқчиман, ухлаб олмасам бўлмайди.

— Мен анови иш ҳақида сиз билан батафсилоқ гаплашиб олмоқчи эдим...

— Ҳечқиси ўйқ, гаплашамиз ҳали: мен яқинда яна Варшавага келаман.

Дизма аслида тезроқ бориб ухлашни хаёлига ҳам келтирмаган эди. У эрталаб соат етида Қоборовога жўнашга шай бўлиб келинни буюриб, шофёрга жавоб беруб юборди-да, ўзи пиёда кетди.

Тун алламахал бўлиб, кўчалар ҳувиллаб қолганди. Онда-сондагина кечиккан ўйловчилар учраб қоларди. Фақат Янги дунё майдонигина ғавжум эди. Бу ерда қилиқларидан касби корлари шундоқ кўриниб турган кўплаб аёллар саир қилиб юришарди.

Дизма қараб-қараб, охир қораҷадан келган, баланд бўйли бир жувонни танлади. Улар тезда бир битимга келишиди.

Никодим меҳмонхонага қайтанида эндинана тонг ота бошлаган эди. У Манькани эслаб, тунни у билан ўтказмаганига афсусланиб қўйди.

Осмон қора булутлар билан қопланган эди. Соат етига яқин ёмғир ёға бошлади.

Дизма меҳмонхона ҳақини тўлади. Шу пайт соябони кўтариб қўйилган автомобиль етиб келди-ю, Никодим об-ҳавони лаънатлаб, машинанинг бир бурчагига биқиниб ўтириб олди.

У Гродно томон йўл олди. Никодим Куницкийни ҳайратда қолдириш учун Қоборовога тайёр натижа билан кириб бормоқчи эди. Аслида бундай мұваффақиятдан ўзининг ҳам боши қотиб қолганди. Никодим Куницкий баён қилиб берган режани усталик билан тақрорлагани учунгина министрнинг кўмагига эришганини жуда яхши тушунарди. Агар бир оз бош қотириб, мулоҳаза қилгудек бўлса, бирорларнинг фикрини ўзиники қилиб кўрсатиш фояти фойдали экан деган хулоса келиб чиқарди.

Дизма бу услубни кенгроқ қўллашга қарор қилди. Лекин анча эҳтиёт бўлиш керак, албатта. У шу пайтга-

ча ўзига эришиб бўлмайдигандек туюлган киборлар жамиятига аралашиб юриш имкониятидан ғоят хурсанд эди. Энди у бу жамият билан эл бўлиб кетишига ишона бошлаганди. Никодим, Куницкий энди мени ҳайдаш у ёқда турсин, мендай бошқарувчига тиш-тирноги билан ёпишиб олади, деб қатъий ишонарди.

«Ана шунда бир нарсалик бўлиб қолиш мумкин. Қани, маошимни оширмай кўрсин-чи, абрах.

Никодим кафтини ишқаб қўйди. У ўз ҳаётида янги саҳифа очилганини ҳис этарди. Бу саҳифа ким томонидан ва нима сабабдан ёзилганлиги эса уни қизиқтирумасди. Яшунский билан қилган суҳбатидан у фалла лойиҳасини амалга оширишда ўзи, яъни Дизма четда қолмаслигини биларди. У министр нимани назарда тутганлигини тасавур қилолмас ва шу боисдан, менга мукофот беришса керак, деб ўйларди. Лисковдаги почта конторасининг бошлиғи пан Бочек бир куни округ почта дирекциясининг чиновникларидан бири хатларга штампель қўйишнинг янги усулини кашф этгани учун минг злотий мукофот олганини айтиб берган эди. Унга эса кўпроқ беришса керак, чунки фалла хат эмас-да, сизга!

Никодим пан Бочек билан Лисковни эслар экан, жилмайиб қўйди.

«Агар улар ҳозир менинг қандай маош олиб, қанақа одамлар билан улфатчилик қилиб юрганимни билишса, нима дейишаркин? Ҳаммасининг эси оғиб қолса керак! Жулдуровоқилар!»

Министрлар, графлар... Кимсан, пани Пшеленская-дек хоним уни зиёфатга таклиф қилди-я...

Дарвоқе, бу нарсадан Никодим уччалик хурсанд эмасди. Унга, Понимирскийнинг ишига аралашиб бекор қилдим, деган фикр азоб берарди. Бу ишдан барибир ҳеч нима чиқмайди. Лекин фалокат босиб бу ҳақда Куницкий билса борми, боши балога қолиши мумкин. Муттаҳам! У шу қадар бадавлатки, Дизмадан албатта ўч олиши мумкин.

Понимирскийга ҳоласи ҳеч нимани эшитишни истамаганлиги, қарзини эса аллақачон кечиб юборганлигини айтиб ундан қутулиш керак. Ягона йўли шу.

Дизма Гроднога етгунча йўлда ана шуларни ўйлаб борди.

Шаҳарни яхши биладиган шофер машинани тўғри ўрмон дирекцияси жойлашган казармага ўхшаш ғишин уй олдида тўхтатди.

Соат беш бўлиб қолганди. Шу боисдан Дизма идорада навбатчидан бўлак ҳеч кимни тополмади.

— Мен пан Ольшевский олдига келдим. У шу ердами?

— Йўқ. Қабул пайтида келинг,— дея қуруққина жавоб қилди навбатчи.

Дизма ўшқириб берди.

— Қабул пайти сиз учун ўйлаб чиқарилган, йигитча, мен учун эмас. Кейин, умуман, хушмуомалароқ бўлинг, ким билан гаплашаштаганингизни билмайсиз ҳали.

— Наҳот қўполлик қилган бўлсам?— дея ўзини ҳимоя қила бошлади навбатчи.— Ким билан гаплашаштаганинг қаёқдан билай? Ҳатто исмингизни ҳам айтганингиз йўқ-ку, ахир.

— Бўлди, бўлди, кўп тақаллуғизлиқ қиласкерманг. Қани, зинғиллаб, ўша пан Ольшевскийнингизни олдига боринг-да, министрнинг топшириғи билан пан Дизма келганини айтинг. Дарҳол етиб келсин, менинг вақтим йўқ.

Кўрқувдан капалаги учиб кетган навбатчи таъзим қила-қила, бу ердан кетишига ҳақи йўқлигини, лекин директорнинг уйига қўнғироқ қилиши мумкинлигини айтди.

У Никодимни бошлиғининг кабинетига кузатиб қўйди ва бу димоғдор одамнинг директор креслосига ялпайиб ўтириб олганидан сира ажабланмади.

Орадан чорак соат ҳам ўтмай Ольшевский етиб келди. Қўринишидан у ҳозиргина уйқудан турган эди. Ди-ректорнинг ҳаяжонланаётгани яққол сезилиб турарди: тўртбурчак юзининг бир томони лишиллаб учар, ингичка малла мўйлови икки ёққа чўзилиб, лаблари эҳтиром билан табассум қиласарди. Ольшевский меҳмон унинг креслосини эгаллаб олганидан довдираб қолган бўлса-да, сир бой бермаслика ҳаракат қилди.

— Ольшевский! Ғоят хурсандман...

— Хурсандмисиз, йўқми, буни билмайман,— дея жавоб қилди Никодим ўрнидан ҳиёл кўтарилиб, қўлини узатар экан.— Дизма!

— Нега энди, хурсандман, албатта... Худди шу бугун эрталаб министрликдан телефонограмма олдим.

— Ишдан бўшатилганинг ҳақида буйруқ олмаганингиз учун худога шукур қилинг.

— Лекин, пан Дизма,— дея ҳаяжонланиб эътиroz билдира кетди Ольшевский,— менда айб йўқ. Мен доим

барча устав ва бўйруқларга сўзсиз риоя қилиб келганиман. Уларнинг бирор ҳарфини ҳам бузган эмасман...

— Хўш, нима қилибди? — истеҳзо билан сўради Дизма.— Баъзан ўз мамлакатимиз фирмаларига чиқинди ёғоч бериб, қолганини арzon-гаровга чет элга пуллаётганингизда ҳам ўша ҳарфга риоя қилганмисиз?

Ольшевский беҳисоб сана ва параграфларни рўкач қилиб, ўзини оқлай бошлади. Шундан сўнг Дизма Куницкийнинг кўрсатмалари билан тўлиб кетган ён дафтарини олди-да, хуҷумга ўтди. У Ольшевскийни расмийчиликда айблади. Директор баъзан бирор қарор қабул қилиш қандай қийинлигини айтиб, кечирим сўрай бошлаган эди, Никодим сира тутилмай Яшунскийнинг афоризмини такрорлади:

— Бошқариш санъати тез қарор қабул қила билишдан иборат, азизим!

У чўнтағидан Яшунскийнинг ташрифномасини олиб, амалдорнинг қўлига тутқазди. Ольшевский қўллари қалтираб, пенснесини узоқ қидирди ва ниҳоят уни топиб, ташрифномадаги хатни ўқиб чиққач, янада мулоимроқ бўлиб қолди.

У доим қонунга риоя қилганлиги, хотини ва тўрт боласи борлиги, идорасидаги хизматчиларнинг ҳеч ишга ярамасликлари, кўрсатмаларнинг эса кўпгинаси бирбирига зид келиши ва шу боисдан ҳам уларни турлича ижро этишга мажбур бўлаётганинги айтиб, Дизмани ўз тажрибакорлигига ишонтира бошлади. Мазкур иш бўйича эса ҳаммасини пан Куницкийнинг ўзи чалкаштириб юборганмиш, бироқ, у яъни Ольшевский, ҳозир бунинг учун ҳеч қандай тўскенилик кўрмай, унга бемалол ёғоч беравериши мумкин эмиш.

Ниҳоят, маҳсус машинистка чақирилиб, улар Куницкий кўрсатмаларининг «ҳарфига» риоя қилган ҳолда хужжатларни расмийлаштира бошлашди.

Ишни тугатишганида қоронги тушган эди. Ольшевский Дизмани кечки овқатга таклиф қилди. Бироқ Никодим министрнинг дўсти деган шуҳратдан маҳрум бўлмаслик учун миннатдорчилик билдириб, овқатланишдан бош тортиди. Дизма амалдор билан хайрлашар экан, унинг елкасига қоқиб деди:

— Хўш, ҳамма иш жойида бўлди. Бундан буён мен билан тортишиб ўтирасликни маслаҳат бераман, азизим. Чунки сиз учун оқибати бахайр бўлмайди,

## 8-боб

Жанжал Нинанинг олди очиқ кечки кўйлагини кишиб, ойна олдида сочини одатдагидан кўпроқ тараганидан бошланди.

Табиатан зийрак Кася буни дарҳол пайқади.

— Балларда киядиган кўйлагингни киймабсан-да,— деди у гўё беғараз гапиргандай қилиб.

— Кася!

— Хўш!

— Заҳарханда қилишинг мутлақо ўринисиз.

— Нимага қайтадан кийиндинг бўлмаса?

— Шунчаки шу кўйлакни кийгим келди. Уни анчадан бери киймаган эдим.

— Уни ўзингга ярашишини жуда яхши биласан!— деда қичқирди Кася.

— Ҳа, биламан,— деди жилмайиб Нина ва Касяга сузилиб қараб қўйди.

— Нина

Нина ҳамон жилмаярди.

— Нина! Бас қил!— Кася ҳозиргина ўқиб ўтирган китобини бир четга қараб улоқтириди-да, хонада у ёқданбу ёққа юра бошлади. Сўнгра у Нинанинг олдига келиб тўхтади ва жаҳл билан деди:

— Мен нафратланаман — тушуняпсанми? — эркакка ёқиши учун ўзини...—у кучлироқ ибора қидириб бир зум жимиб қолди, — ўзини фоҳиша қилиб кўрсатадиган аёллардан нафратланаман,— деди у ниҳоят оғзига келганини қайтартмай.

Нинанинг ранги оқариб кетди.

— Кася, сен мени ҳақорат қиляпсан!

— Эркакка ёқиши учун ўзини турли кўйга соладиган аёл менга — очигини айтганим учун кечирасану — қанжиққа ўхшаб кўринади... Ҳа, ҳа, қанжиққа ўхшаб кўринади.

Нинанинг кўзларида ёш милтиради. У бир зум Касяга тикилиб турди-да, сўнг қўллари билан бошини чанглалаганича йиглаб юборди. Ҳўнграшдан унинг бўйни қизариб, икки елкаси силкинарди.

Кася муштини қисди, бироқ у гоят ғазаби қайнаб кетганидан ўзини тутолмай қолганди.

— Балки, пешинда ундан телеграмма келганидан бери кайфиятнинг ўзгариб қолганини ҳам инкор этарсан?

Балким, Дизма учун қайта кийинмадим ҳам дерсан? Уни мафтун қилиш учун бир соатдан бери ўзингни ойнага солаётганингни ҳам тан олмассан?

— Эй худойим, эй худойим! — деда ҳўнгради Нина.

— Бу ишингдан жирканаман, тушундингми?

Нина сапчиб ўрнидан турди. Унинг жикқа ёшга тўла кўзлари исёнкорлик билан чақнаб кетди.

— Майли, майли! — деди у ғазаб билан шивирлаб. — Тўғри! Рост айтдинг! Уни мафтун қилмоқчиман! Унга ёқиши истайман!.. Сен бундан жирканяпсан... Лекин бир ўйлаб кўр, балки, сен билан икковимиз бундан ҳам жирканчлироқдирмиз?

Кася икки қўлини биқинига тираб, хахолаб кулиб юборди:

— Топган одамингни қара-ю!

У истеҳзо билан Нинани мағлуб қилмоқчи эди, бироқ Кунинка хоним сира тап тортмай бошини кўтарди-да:

— Ха, топдим! — деди.

— Ахир у бетамиз махлуқ-ку! — деди ғазаб билан Кася. — Маймун!.. Горилла!

— Ха, ҳа! Хўш, нима қилибди? — деда қизарип қичқира бошлади қизишиб кетган Нина. — У қўполми? Майли. Замонавий эркакнинг тимсоли у! Кучли одам. Билдингми? У ҳаётни забт этувчи голиб!.. Нега ўзинг доим менга ҳақиқий аёл эканлигимни уқтириб келдинг?.. Мен сенга ишондим, мана энди йўлимда ҳақиқий эркакни учратганимда...

— Нар махлуқни учратганимда деявир, — илондек вишиллади Кася.

Нина нафаси ичига тушиб, лабини тишлади.

— Нима дединг?.. Яхши. Нар ҳам бўла қолсин... Лекин ўзим мода эмасманми?

— Махлуқнинг модасисан.

— Бекор айтибсан! Пан Никодим махлуқ эмас. Унинг меҳрибон одам эканлигига менда етарли далиллар бор. Қўрсликни эса пан Никодим атайлаб қиласди. Унинг ўзини тутиш услуби шунақа. Қайтантга мен сенга ачинишм керак экан. Табиат сенга аёллик туйғусини право кўрмабди, сен бу ажойиб кучнинг ҳаётбахш лаззатини, эркакларга хос қудратнинг дастлабки нишонасини бутун вужудинг билан ҳис этиш қобилиятидан маҳрум экансан... Ҳа, ҳа, худди ибтиносини айтипман...

— Бу дейман, сен шарм-ҳаёни ҳам унутиб қўйганга ўхшайсан.

— Ёлғон, ёлғон жўрттага ёлғон гапиряпсан: шарм-ҳаёни йиғишириб қўйиб, очиқасига гаплашиш керак, деб ўзинг айтган эдинг-ку, ахир...

— Бунақа тумтароқли гапнинг нима кераги бор? — деда совуқ истеҳзо билан унинг сўзини бўлди Кася. — Ундан кўра, қани энди тезроқ қўйнимга кира қолса, бирга ётишга юрагим тўкилиб турибди, деб қўя қол.

У гапни давом этмоқчи эди, лекин Нина юзини дастрўмоли билан ёпганича яна йиғлаб юборганини қўриб, жимиб қолди.

— Қандай бераҳм... қандай шафқатсиз экансан! — деди Нина ҳўнг-ҳўнг йиғлар экан.

Касянинг кўзларида ўт чақнаб кетди.

— Мен-а? Мен бераҳмманми? Шу гапни менга айтипсанми, Нина? Нина!

— Энди фақат ўзимни ўзим ўлдиришим қолди... Ё тангрим, ё парвардигор, қандай ёлғизман-а!..

Кася стаканга сув қўйиб, Нинага узатди:

— Мановини ич, Нина, ўзингни бос, ича қол, жонгинам!

— Йўқ, ичмайман... Мени тинч қўй, тинч қўй мени...

— Ича қол, Нина.

— Ичмайман, кет бу ердан, сенда шафқат деган нарса йўқ экан...

Нинанинг бармоқлари орасидан кўз ёшлари оқиб тушмоқда эди. Кася уни қучоқлаб ширин сўзлар билан юпата бошлади. Шу пайт Нина бирдан сесканиб тушди. Узоқдан автомобиль гудоги эшитилган эди.

Орадан бир минут ўтар-ўтмас машина чироғи ғирашира хонани ёритиб юборди.

— Бўлди, Нина, кўп йиғлайверма, кўзларинг қизарип кетди.

— Барibir овқатлангани тушмайман, — деди Нина ва яна ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди.

Кася унинг ўшдан ҳўл бўлиб кетган юзи, кўзлари, титраётган лаблари ва соchlаридан ўпа бошлади.

— Бўлди, бўлди, йиғлама, Ниночка. Ўзинг биласан, қўполман, феълим ёмон, кечир мени, жонгинам....

У гўё Нинанинг титраб-қақшашини босмоқчи бўлгандай, уни қаттиқроқ қучоқлади.

— Ниночка, жонгинам Ниночка!

Эшикда оқсоқ хотин пайдо бўлиб, овқат тайёр эканлигини хабар қилди.

— Хўжайнинг беканинг бошлари оғриб турганини айт... Биз овқатлангани тушмаймиз...

Оқсоқ хотин чиқиб кетгач, Нина Касядан уни ёлғиз қолдириб, пастга тушиб кетаверишини илтимос қилди. Бироқ Кася бу ҳақда эшитишни ҳам истамади. Эшик яна тақијлаганида, Нина ҳамон пиқиллаб, дастрўмоли билан кўзларини артмоқда эди.

Хонага Куницкий югуриб кирди. Унинг оғзи қулоғида эди.

— Тезроқ пастга тушинглар,— деди у шушулаб,— Дизма қайтиб келди. Унинг қандай ишлар қилиб келгани тушингизга ҳам кирмаган! Тилла одам экан! Мен айтган нарсаларнинг ҳаммасини бажо қилибди! Туша қолинглар! Мен ундан сизлар тушмагунингизча индамай туришини илтимос қилдим.

Куницкий хурсанд бўлиб кетганидан аёлларнинг адидабди айтишиб қолганини эндигина фаҳмлади.

— Нима гап бўлди ўзи? Пастга туша қолсаларингчи! Кўйинглар ўша...

У яна нимадир демоқчи эди, бироқ Кася ўрнидан сапчиб туриб, эшикни кўрсатганича қичқирди:

— Жўнанг бу ердан!..

— Ахир...

— Ҳозир жўнанг, деяпман!

Куницкий донг қотиб қолди. Унинг митти кўзларида нафрат учқунлади. Чол қўпол қилиб сўқинди-да, ташқарига чиқиб, эшикни шарақлатиб ёпди. Уни вестибюлда кутиб ўтирган Никодим диванда бир сапчиб тушди.

— Нима бўлди?— деда сўради у хизматкордан.

Хизматкор маънодор жилмайиб, тушунтириди:

— Чамаси, қизлари пан жаноби олийларини қувиб чиқарган бўлса керак.

Сўнгги сўзларни хизматкор шивирлаб айтди, чунки зинапояда Куницкий кўриниб қолган эди. Унинг чехраси ёришиб турарди.

— Аттанг, азизим пан Никодим! Буни қарангки, хотинимнинг боши қаттиқ оғриб қолибди, шу боисдан у овқатлангани тушолмас экан. Кася эса боеқишини ёлғиз қолдиргиси қелмаяпти. На чора, хе-хе-хе, хонимларсиз овқатланамиз шекилли.

У Дизманинг қўлтиғидан олиб, емакхонага бошлади. Хизматкорлар у ерда хонимларнинг кераксиз бўлиб қолган идиш-товоқларини аллақачон йиғиштириб қўйишган экан.

Куницкий Дизмадан Варшава ҳамда Гроднода қилгани ишларининг тафсилотларини суринтира бошлади. Ҳар бир жавобдан сўнг у стулдан сапчиб турарди-да, сонига уради, лабидан бол томиб, Никодимни мақтарди.

— Биласизми, азизим пан Никодим,— деда хитоб қилди у ниҳоят,— бу ишингиз натижасида Коборовонинг даромади йилига юз-юз қирқ минг злотийга кўпаяди. Бу сизнинг тантъемангиз, келишувимизга биноан, йилига қирқ мингдан ошиб кетди, дегани бўлади. Қалай? Ҳаракатларингиз зое кетмабдими?

— Шундай бўлса керак.

— «Бўлса кўрак» деганингиз нимаси?

— Кўп пул сарфлашга тўғри келди. Мен маошимни оширасиз, деб умид қилувдим.

— Ҳўп, яхши,— деда совуққина жавоб қилди Куницкий,— беш юз злотий қўшаман. Шунда роппа-расо уч минг бўлади.

Дизма раҳмат демоқчи бўлди-ю, бироқ Куницкий унга безовталаниб қараб турганини сезгач, стулда төбраниб:

— Бу кам. Уч минг беш юз злотий,— деди.

— Қўплик қилмасмикин?

— Қўплик қилмасмикин? Сиз шундай деб ўйлайсизми? Бўпти, агар сизга уч минг беш юз кўплик қилса, у ҳолда тўрт минг.

Куницкий жунжикиб, гапни ҳазилга айлантирмоқчи бўлган эди, бироқ Дизма:

— Тўрт минг!— деда такрорлади.

Куницкий жуда иложини тополмагандан кейин Дизманинг ҳар қандай қийин ишни осонгина бажариб келганини пардалаб мақтади-да, ниҳоят розилик билдиришга мажбур бўлди.

— Ишимизнинг юришиб кетгани оқибати бахайр бўлишидан далолат беряпти, шунинг учун ҳам бажону дил розиман.

— Бу нима деганингиз?— ажабланди Дизма.— Ишҳали тугагани йўқми?

— Еғоч олиш иши тугади, албатта, Лекин, пан Никодим, сиз юз-юз эллик минг злотийлик тантъемани рад этмассиз? А?

— Хўш?

— Бунинг чораси бор, тўғрироғи, бунга сиз чора то-пошингиз мумкин.

— Мен-а?

— Ҳа, албатта, сиз, азизим пан Никодим. Рост, анча елиб-югуришга тўғри келади. Темир йўл министрлигига танишларингиз ўйқми мабодо?

— Темир йўл министрлигидами? Ҳм... Топилиши мумкин.

— Ана кўрдингизми,— деди хурсанд бўлиб Куницик.— У ерда темир йўл қурилишига шпал етказиб беришни пудратга ололмайсизми? А? Буни иш деса бўлади. Анча пул ишлаб олиш мумкин!

— Шпал сотиб, пул ишлаб олдингиз шекилли,— деди Дизма.

Кунициккий хижолат тортди.

— Сиз анови процессни айтяпсизми? Онт ичиб айтаман, душманларимни ҳийласи эди бу. Улардан қутулиб бўлмас экан... Ҳа, ҳа, хийла эди! Судъялар мени оқлашга мажбур бўлишди. Қўлимда рад қилиб бўлмайдиган далиллар бор эди.

Кунициккий суҳбатдошини диққат билан кузатарди, лекин Дизма индамасди. Чол бундан безовта бўла бошлади.

— Уша процесс пудрат олишимизга халал бериши мумкин, деб ўйлаяпсизми?

— Ҳарқалай, ёрдам бермаса керак.

— Лекин бирор чора топишингиз мумкиндир? А? Билиб қўйинг, қўлимда ҳужжатларим бор; зарурат туғилса, айбислизигими иккинчи марта исботлашим мумкин.

Кунициккий бу ишнинг тафсилотлари ҳақида яна узоқ гап сотиб, суддаги нутқидан баъзи жойларини айтиб берди.

У суҳбатдошининг мудраб ўтирганини сезганида вақт яrim кеча бўлиб қолган эди.

— Чарчабсиз. Энди ётиб ухланг. Сиздан илтимос қиласман, азизим пан Никодим, ўзингизни чарчатманг. Хўжаликка назар ташлаб турсангиз, сиздан миннатдор бўламан, албатта. Ахир икки ёрти бир бутун деганлар, лекин ҳозирча, худога шукур, соғлиғим яхши, шу боисдан сизга кўп иш юкламоқчи эмасман. Дам олинг, ўз ўйингиздагидек юраверинг.

— Раҳмат,— деди Дизма эснаб.

— Ҳа, яна бир илтимосим бор. Агар вақтингиз, истагингиз бўлса, менинг хонимларим билан шуғуллансангиз. Кася-ку отда сайр қилиб, бир оз спорт билан шуғул-

ланади-я, лекин боёқиши хотиним уззукун уйда сиқилиб ўтиради. Гаплашадиган одам йўқ, бош оғриги ҳам, хафақонлик ҳам ана шундан. Доим фақат Кася билан муносабатда бўлиш унинг асабларига ёмон таъсир қиласа керак. Шу боисдан бир оз вақтингизни аямай, улар билан шуғуллансангиз, роят хурсанд бўлардим.

Дизма Нинанинг кўнглини очишга ваъда қилди ва тўшакка чўзилар экан, хаёлидан ўтказди:

«Бу қари туллак ўлгудай содда экан. Хотини шундоқ ҳам менга ошиқу бекарор бўлиб юрибди-ю, у бўлса, кўнглини очгин, дейди-я».

Дизма ёстиққа суюниб ўтирида, кармонидан пулини олиб санаб чиқди, сўнг бир варақ қоғозда йиллик даромадини ҳисоблай бошлади ва тантъемаси қанча бўлишини чамалаб кўрди. Шу пайт бирдан қўшни хонада оҳиста қадам товуши эшитилди. Қимдир стулларга туртилиб-суртилганича, қоронгида пайпасланиб келмоқда эди. Соат бирдан ошганди. Қизиқиб қолган Никодим қўшни хонага қараш учун ўрнидан турмоқчи бўлган эди, тунги меҳмон бирдан унинг хонаси олдида тўхтади. Тутқич секин буралиб, эшик очила бошлади.

Остонада Кася пайдо бўлди.

Дизма кўзларини ишқаб, ҳайратдан оғзи очилиб қолди.

Қиз эгнига қизил ёقا тутилган қора шойи пижама кийиб олганди. У киприклари остидан тўшакда ўтирган Никодимга бир қараб қўйди-да, эшикни аста ёпиб, унга яқинлашиб келди. Қизнинг юзида хижолат деган нарсадан асар ҳам кўрмаган Дизма Касяга борган сайин ҳайратланиб қараб турарди.

— Халал бермадимми?— сўради Кася сира тап тортмай.

— Менгами?.. Йўғ-е, нималар деяпсиз.

— Папиросим тугаб қолипти,— деди қиз бепарвогина.

— Мен ўйлабманки...

— Нима деб ўйладингиз?..— дея ҳаёсизлик билан сўради Кася.

Никодим хижолат тортди.

— Мен... менда бирор ишингиз бор эканми, деб ўйлабман.

Кася папирос тутатиб, бош иргади:

— Ҳа, ишим ҳам бор.

У стулни яқинроқ сурди-да, оёрини чалиштириб

ўтириди. Унинг қизил атлас туфлиси билан шимининг почаси орасидан офтобда қорайган ингичка оёғи кўришиб кетди. Никодим илгари аёл кишининг шим кийганини сира кўрмаган эди, шунинг учун ҳам Касянинг бу кўриниши унга ўтакетган одобсизлик бўлиб туюлди. Ўртадаги сукутни Касянинг паст овози бузди:

— Сиз билан очиқчасига гаплашмоқчиман. Нинага нисбатан қандай ниятингиз бор?

— Меними?

— Гапни айлантиришга уринманг. Саволимни эркак-часига аниқ жавоб беришингиз керак. Уни ўзингизга мойил қилишга ҳаракат қилаётганингизни инкор этмасиз ахир. Хўш, нима мақсадда шундай қиляпсиз.

Дизма елкасини қисди.

— Сизни деб эрини ташлашига умид қилмаётгандирсиз, ахир. Агар унга ёқиб қолган бўлсангиз, бу ҳали ҳеч нимадан далолат бермайди.

— Унга ёқиб қолганимни қаёқдан биласиз?— сўради қизиқиб Никодим.

— Бунинг аҳамияти йўқ. Мен сизнинг кимлигингизни — жентльменмисиз ёки виждонли аёлнинг заифлигидан фойдаланадиган одаммисиз — шуни билгани келдим. Агар Нинани ўзингизга ўйнаш қилиб олсангиз, сизни абллаҳ дейман.

Кася қизишиб кетганидан деярли хириллаб гапирмоқда эди. Унинг кўзлари ғазаб билан ёниб турарди.

— Нега менга ёпишиб олдингиз?— дея жавоб қилди Никодим зардаси қайнаб.— Нима, мен сизнинг ишларингизга тумшуғимни тиқяпманмий?

— Э, шунаقا денг! Бу гапингиз билан, разиллик қилиш ниятим бор, демоқчимисиз? Қани, энди башарангизга қамчин билан тушириб бир ҳузур қилсан!

— Нима?— ўшқирди Дизма.— Кимни? Мени-я?

— Ҳа, Сизни! Сизни!— дея нафрат билан пишиллади Кася кичик муштчаларини қисиб.

Дизманинг жаҳли чиқиб кетди. Бу мишиқи қизча нима деб ўйлаяпти ўзи! Тунда келиб яна..

Кася бирдан сапчиб турди-да, унинг қўлидан ушлади.

— Унга тегманг! Эшитяпсизми! Унга тега кўрманг.

Касянинг лаблари титраб турарди. Никодим қўлини тортиб олди.

— Нима истасам, шуни қиласман! Билдингизми? Гапингизга қулоқ солишни ҳам истамайман!

Кася лабини тишлиб, дераза олдига борди.

— Уни қарангур...— деди қизнинг ортидан Дизма.

Никодим вазиятни тушунолмай қолганди. Тўғри, Нина уни ёқтириб қолганилиги, ҳақидаги хабар унга майдай ёқди, бироқ у нега бу нарсадан Касянинг шу қадар газабланётгани, қиз нега ўз шубҳасини отасига бориб айтиш ўрнига, тунда унинг олдига кириб келганини тушунолмай гаранг эди. У Касянинг Куницкийни ёмон кўришини биларди, лекин у ҳолда қиз нега ўғай онасининг эрига садоқатли бўлиши учун ўлб-тириляпти? Бу боёнларнинг ҳаммаси тельва-тескари бўлади...

Бу орада Кася яна унга ўгирилан эди, Никодим баттар ажабланиб қолди. Қиз унга нозу карашма билан жилмайиб қараб турарди.

— Сиз мендан хафамисиз?— дея сўради очиқдан-очиқ тегишиб Кася.— Жуда хафамисиз?

— Жуда хафаман, албатта.

— Лекин мени бу ердан қувиб чиқармассиз ахир? Утирсам майлими?

— Ухлаш керак,— дея тўнғиллади Никодим.

Қиз шўхлик билан кулди-да, тўшакнинг четига ўтириди.

— Нима, сиз тунларни доим шунаقا тиззангизни қўлтиқлаб ётиб ўтказасизми? Бир ўзингиз-а?

Никодим унга таажжубланиб қаради. Мана, қиз аста унга энгашди. Унинг тўқ қизил лаблари очилиб, садафдек тишлири кўриниб кетди. Қизнинг офтобда қорайган юзларига қон югуриб, бурун парраги титрарди. Никодим Касянинг бундай жозибали эканлигини биринчи бор кўриши эди. Фақат унинг кўзларидаги ифода ўзгармаганди. У Никодимга пайваста қошлари остидан синчковлик билан совуқ тикилиб турарди.

— Сиз, эҳтимол, Варшавани соғинаётгандирсиз, ахир у ерда эркаклар бу ергагидай, Кобороводагидай тунларни ёлғиз ўтказишмайди-да. О, сизни тушунаман...

— Нимани тушунасиз?— иккиланиб сўради Никодим.

— Нега Нинанинг бошини айлантирмоқчи эканлигингизни-да.

— Мен сирам унинг бошини айлантирмоқчи әмасман,— деди ростига кўчиб Никодим.

Кася кулиб юборди ва бирдан бошини эгиб, юзини унинг лабларига суртди.

«Гап, бу ёқда экан-да,— дея хаёлидан ўтказди Ни-

кодим.—Рашк қилибди. Буниси ҳам мени яхши кўриб қолибди-ю!».

— Пан Никодим,—дэя ноз билан гап бошлади Кася,—тушунаман, сиз бу ерда ҳам аёлсиз туролмайсиз, лекин нега бу аёл худди Нина бўлиши керак? Наҳот мен сизга сира ёқмасам?

Кўрпа жуда юпқа бўлиб, Никодим қизнинг ҳароратини аниқ сезиб турарди.

— Нега энди, сиз ҳам менга ёқасиз...

— Мен Нинадан ёшроқман... Кейин ундан сира қолишмайман. Мана қаранг!

У сакраб туриб, вюключатель олдига югуриб борди. Чироқ ёниб, хона ичи ёришиб кетди.

— Мана, бир қаранг-а, бир қаранг-а...

Қиз икки-уч ҳаракат билан пижамасининг тугмаларини ечиб ташлади. Қора шойи хушбичим қоматдан сирғалиб аста ерга тушди.

Никодим бутунлай довдираб қолди. У ҳаёсизлик билан қип-яланғоч бўлиб олган бу ғалати қизга бақрайиб қараб турарди. Қиз шу қадар яқин тўтардиди, Никодим қўлини чўзиб, бемалол унинг қорамағиз баданидан ушлаши мумкин эди.

— Хўш, қалай? Сизга ёқаманми?

Кася аста кулиб қўйди.

Никодим тўшакда анграйиб ўтираверди.

— Мен жуда чиройлиман.—Кася ноз билан бошини юқори кўтарди.—Эҳтимол, сизни баданимнинг силлиқлиги-ю, таранглиги қизиқтираётгандир? Марҳамат, тортимман!..

Кася кулганича тўшак четига яқинлашди.

— Қани!

Унинг кулгусида қандайдир кишини чўчитадиган бир нарса бор эди. Никодим қимир этмай ўтираверди.

— Балки, мени бузук деб ўйлаётгандирсиз?.. А? Иўқ, гўзал пан Никодим, мен иффатимни сақлаб қолганман. Агар Нинадан мени афзал кўрсангиз, бунга ҳозироқ ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.. Қани!.. Бунча тортинасиз!..

У тўшакка чўккалади-да, Никодимнинг бошини кўкрагига босди. Дизма юзига унинг нокдек диркиллаб турган сийнаси текканини ҳис этди, димогига ёш баданинг кишини маст қилувчи ўткир ҳиди урилди.

— Қани!..

— Ҳе, жин урсин!—тишларини қисиб деди Дизма, Касяни маҳкам қучоқлар экан.

Кася юзига унинг ҳароратли нафаси урилганини ҳис этди. Четларида қаттиқ тук ўсган лаблар қизнинг лабини излай бошлади. Касянинг қўли терлаган жундор гавдага тегиб кетди. Азбаройи жирканганидан унинг томоги бўгила бошлади.

— Қўйвор, қўйвор, қўйвор мени... Жирканялман! Пўқол!

Нозик гавда қўпол қўллардан силкиниб чиқишга ҳаракат қилди. Бироқ қутуолмади.

Кася Нинага бўлган муҳаббатига ортиқча баҳо бераб юборгани, манови қурбонлик унга оғирлик қилиши, бу қучоқларга киришдан кўра ўлгани яхшилигини энди тушунди.

Аммо у кечиккан эди.

Киз қўллари титраб пижамасининг тугмасини қадар экан, Никодим кулиб деди:

— Ўзинг ҳам зўр қиз экансан-да.

Кася унга нафрат билан қараб қўйди, бироқ Дизма буни тушунмай қўшимча қилди:

— Яхши бўлди-а?

— Тўнғиз!—деди тишларини қисиб Кася ва хонадан югуриб чиқиб кетди.

Дизма бу қизга аслида нима кераклигини яна тушунолмай қолди. Ўзи келди, ўзи шуни истади, кейин бўлса...

У анчагача ухлаёлмай ётди. У бу воқеани ўйлаб, Кася чиндан ҳам мендан нафраланар экан, энди у билан ошиқ-маъшуқлик қилиб бўлмайди, деган хulosага келди.

«Уларнинг ҳаммаси ақлдан озган экан»—деган хulosага келди Никодим Понимирскийни эслаб.

Эртасига нонушта қилгани фақат Нина келди. Унинг айтишича, Касянинг тоби қочиб қолганмиш.

Никодим Нинани кузатар экан, тунги воқеадан унинг хабари йўқлигига ишонч ҳосил қилди.

Кечқурун Куницкий қайтиб келди ва алламаҳалгача Дизманинг бошини қотириб ўтирди.

Никодим Касяни фақат эртасига эраталаб, емакхонага кетаётганидагина учратди. Унинг таъзимига жавобан Кася димоғдорлик билан бош иргаб қўя қолди. Нина аллақачон пастига түшиб ўтирган экан. Иккови ҳам индамасди. Ўртадаги оғир жимликни бузиш учун бирор

нарса дейиш лозим эди. Дизма яхши ҳаво ҳақида оғиз очган ҳам эдики, Кася истехзο билан деди:

— Вой-бўй, демак, сиз, буни гайри табиий ҳодиса, деб ўйлаган экансиз-да а?

Никодим тарелкасига озгина чўчқа гўштидан солиш учун қўлни чўзганида енги мойга тегиб кетди. Кася ичқоралик билан кулиб юборди:

— Шундай ажойиб костюм булғанди-я! Афсус! Шундай чиройли, шундай дид билан тикилган костюм-а! Сиз кийимни Лондонда тикирсангиз керак-а?

— Йўқ, мен тайёрини сотиб оламан,— деда соддалик билан жавоб берди Никодим.

У кесатиқни тушунмай, костюмининг қизга ёқиши мумкинлигидан ажабланди. Дизма Нинанинг бу пиchin-лардан сўнг Касяга таъна билан қараб-қараб қўйиши сабабини ҳам тушунмади.

— Энди нима дейсан,—деда гап қотди Нина,—пан Никодим таъзиингни берди-ку. Уддабурон бўлгани учун ҳам у олифтагарчиликни билмайди, деб айтувдиму сенга.

Кася қўл сочиқни ғижимлаб ташлади-да, ўрнидан турди.

— Бу билан менинг нима ишим бор! Яхши қолинг-лар.

— Сен Круповга кетяпсанми?

— Ҳа.

— Тушгача қайтасанми?

— Билмадим. Кўраман.

Қиз чиқиб кетгач, Дизма эҳтиёткорлик билан сўради:

— Кася нега аччиғланяпти?

Нина бош ирғади:

— Рост айтдингиз. У аччиғланяпти... Эҳтимол... Бўш вақтингиз борми?

— Бор, албатта.

— Қайиқда сайр қилмаймизми?

— Бўпти.

Нина рўмоли билан зонтигини олди, чунки қуёш аёвсиз олов пуркамоқда эди.

Улар анғиз оралаб кетган торгина сўқмоқдан сокин қўл томон боришарди. Нина эгнига енгилгина, деярли шаффоф оқ кўйлак кийиб олганди. Жувоннинг ортидан борар экан, Никодим унинг келишган оёқлари тархини яққол кўриб туради. Қайиқлар ёнига бориш учун зовур

устидаги кўприкчадан ўтиш лозим эди. Нина тараддуға тушиб қолди.

— Келинг, яхшиси айланиб ўтамиз.

— Кўприкдан қўрқяпсизми?

— Ҳа, бир оз.

— Кўрқманг. У мустаҳкам.

— Менинг бошим айланиб кетади, мувозанатни ўқотиб қўяман.

— Ҳм... Айланиб ўтиш шартми? Мен сизни кўтариб ўтказиб қўя қолай.

— Қўйинг-е, ноқулай бўлади,— деди Нина қувлик билан жилмайиб.

Дизма ҳам жилмайиб қўйди. У энгашиб, жувонни даст кўтариб олди. Нина қаршилик кўрсатмади, Никодим кўприк устига чиққач:

— Вой, эҳтиёт бўлинг...— деда унинг бўйнидан қуҷоқлаб, пинжига тиқилди.

Дизма атайлаб қадамини секинлатди ва аёлни кўприкдан анча нарига элтиб ерга қўйди. У гарчи чарчамаган бўлса-да, ҳансирай бошлади. Шунда Нина:

— Оғир эканманми? Мени узоқ кўтариб боролармидингиз?— деда сўради.

— Уч... беш миляга бемалол кўтариб борардим...

Аёл тез-тез юриб кетди, улар то сув бўйига етиб боргунча ҳам сўзлашмади.

— Гапимни ёмонликка ўймангу,— деди Нина, улар қирғоқдан анча нари сузуб кетишгач,— лекин менимча, аёл киши уни қўлида кўтариб юрадиган одами бўлмаса, ўзини баҳтлиман деёлмайди. Маъжозий маънода эмас, йўқ, мени чинакамига қўлда кўтариб юришини айтяман.

Дизма эшкакни қўйиб юборди. У кичкина ва семиз Бочек билан унинг хотинини эслади. Бочекнинг хотини, ўлдим деганда, юз кило келарди. Бочек уни қўлида кўтариб юролмасди, албатта, лекин улар баҳтли эдилар. Шуни эслар экан, Дизма жилмайиб қўйди.

— Ҳамма аёллар ҳам шунаقا эмас,— деда эътиroz билдириди у.

— Тўғри, аммо шунаقا бўлмаган аёллар ўз моҳиятларининг маълум бир қисмини йўқотиб, аёллик латофатидан маҳрум бўлганлар ва эркакларга ўхшаб қолганлар. Масалан... Кася.

Унинг товушида бир оз адоват оҳанглари сезилмоқда эди.

— Нима, Кася билан жанжаллашиб қолдингларми?  
— Йўқ,— дея жавоб қилди Нина,— у шунчаки мендан аччигланиб юриди.

— Нега энди?

Нина иккиланиб қолди.

— Нега дейсизми? Айтиш қийин... Эҳтимол, сизни ёқтириб қолганим учундир.

— Кася мени ёмон кўрадими?

— Гап унда эмас.

— Йўқ, ёмон кўради. Бугун нонушта маҳали роса пичинг қилди-ю менга...

— Лекин бу сизга таъсир қилмас экан. Қойиллатиб адабини бердингиз-да, ўзиниям. Сиз икки-уч сўз билан кишининг танобини тортиб қўя олар экансиз.

Дизма кулиб юборди. Шу пайт у Вареданинг Уляницкий қилган ҳазил ҳақидаги ҳикоясини эслади.

— Баъзан сўзиз ҳам шундай қилиш мумкин. Шу илийи май ойида Криницада яшаганимда мен билан пансионда бир маҳмадона яшаган эди. Вайсақи олифталар бўлади-ку, шунақалардан. Овқат пайти у менинг қаршимда ўтириб олиб, обдон сухандонлик қиласарди. Нималар ҳақида гапирмасди дейсиз! Тағин чет тилларда гапирганига ўласизми! Барча унинг оғзига тикилиб ўтиради. Аёллар-ку, унга ошиқу беқарор бўлиб қолишганди. У бўлса ҳаммани ўзига шайдо қилишга уринарди.

— Мен бунақа кўнгил очувчиларни яхши биламан,— дея гап қотди Нина.— Уларни кўргани кўзим йўқ.

— Менинг ҳам. Шундай қилиб, бир куни чида буролмадим. Ўша олифта ярим соатча тинимсиз гапирганидан сўнг энгашдим-да: «У-у-у-у!..»— деб бир ўшқириб бердим.

Нина хахолаб кулиб юборди.

— Шунда у нима қилди?— дея сўради.

— Дарҳол нафаси ичига тушиб кетди. Ўша-ўша қорасини кўрсатмай қўйди. Жўнаб қолган бўлса керак

— Эҳ, қандай ажойиб-а! Қилифингиз шундоқ сезилиб турибди. Агар бу ишни ким қилганини айтмаган тақдирингизда ҳам, мен барибир, бу сиз эканлигинизни топган бўлардим. Ажойиб!

Дизма аёлни қойил қолдирганидан ғоят хурсанд эди

— Биласизми,— дея давом этди Нина.— Мен сизда қа эркакни илгари сира учратмаган эдим. Менимча, сиз билан биз гўё жуда кўпдан бери танишдекмиз. Гўё мей у ёки бу ҳолда сиз ўзингизни қандай тутишингиз, нима

дэйишингизни олдиндан биладигандекман. Лекин энг ажабланарлиси шуки, мен ҳар гал сизнинг бирон-бир бошқа фазилатингизни пайқаб қоламан. Аммо барибир сиз тош-метинсиз.

— Нима?

— Тош-метин. Иш тутишларингиз режали, ҳисоб-китобли. Масалан, аёллар билан гаплашишингизни олайлик! Сиз уларни соддалигингиз билан мафтун этасиз. Тўғри, сиз бир оз дағалсиз, ҳатто қўполсиз ҳам дейишим мумкин. Аммо бунда фикрнинг теранлиги сезилади. Фақат уддабурон одам, ҳақиқий интеллектуалгина ўзини шундай тутиши мумкин. Бундай одам ҳиссиётга берилиб, вертерча йиғлоқилик қиласади, ўзига зеб бермайди. О, сиз магазинчига ўхшайдиган одамлар сирасига кирмайсиз. Чунки улар бутун фазилатларини витринага териб қўядилар. Бу метафора учун мени кечиринг. Сиз метафорани ёқтирмассангиз керак-а?

Никодим бу сўзининг маъносини тушунмасди, лекин у ҳар эҳтимолга қарши деди:

— Нега энди... аксинча.

— Назокат юзасидан шундай деяпсиз. Лекин бу сизнинг руҳингизга тўғри келмас экан. Барокко сизга мутлақо бегона. Мен тўғри топдимми?

Дизманинг зардаси қайнай бошлади. «Она тилингда айтилаётган гапни эшитсангу, биронта сўзни тушунолмасанг!»— дея хуноб бўларди дилида Никодим.

— Тўғри топдингиз, албатта,— тўнғиллади у жавобан.

— Э, сиз ўзингиз ҳақида гапиришни ёмон кўрар экансиз!

— Ҳа. Иннайкейин ўзим ҳақимда ниманиям гапирадим.

У бир оз сукут қилиб ўтириди-да, сўнг бошқача оҳангда:

— Балки, ҳув авави ўрмонга сузиб борармиз?— деб сўради ва қарағайлар кўриниб турган қирғоққа ишора қилди.

— Яхши. Лекин энди эшкакни мен эшаман, сиз эса рулга ўтирасиз.

— Чарчаб қолмайсизми?

— Йўқ. Бир оз гимнастика қилсам ёмон бўлмайди.

Қайиқ жуда тор экан: улар жой алмашиштанида мувозанатини йўқотмаслик учун бир-бирларини ушлаб ўтишларига тўғри келди.

— Сиз сузиши биласизми? — сўради Нина.  
— Тўнканинг ўзгинасиман,— дея жавоб қилди Дизма ва кулиб юборди.  
— Мен ҳам сузиши билмайман. Шунинг учун эҳтиёт бўлишимиз керак.

Улар ўрмонга яқинлашиб бориши. Офтобда қизиган қарагайларнинг ҳиди ҳавони тутиб кетганди.

— Чиқамизми? — сўради жувон.

— Майли. Бирпас сояда ўтирамиз.

Қайиқнинг тумшуғи қумлоқ соҳилга сирғалиб чиқди. Нарироқда, дараҳтлар бошланган жойда ер қалин ва юмшоқ йўсин билан қопланган эди.

— Бу ер чиройли-я, тўғрими? — дея сўради Нина.

— Ҳа, ёмон эмас.

Улар йўсин устига ўтиришгач, Никодим папирос тутатди.

— Хатимни олганингизда жуда ажаблангандирсиз-а?

— Нега энди? Уни олганимда жуда хурсанд бўлдим,— деди жавобан Дизма, чўнтагидан энсиз конвертни олар экан,— кўз қорачигидай асраб юрибман.

Нина хатни ёқиб юборишини илтимос қила бошлади: ахир у бирорнинг қўлига тушиб қолиши мумкин.

— Эрим борлигини унутманг. Илтимос қиласан.

— Йўқ, уни сираям ёқмайман,— дея эътиroz билдириди Дизма.

— Мени қўрқоқ деб ўйламанг. Шунчаки кўнгилсизлик бўлмасин деяпман.

Нина қўлини чўзди, бироқ Никодим хатни тепасига кўтарган эди, аёлнинг бўйи етмай қолди.

— Илтимос қиласан, бера қолинг.

— Бермайман,— дея жавоб қилди Никодим ва кулиб юборди.

Дизманинг ҳазиллашётганини кўриб, Нина ҳам жил майди. У фурSAT поилаб турди-да, хатни юлиб олмоқчи бўлиб, Никодимнинг елкасига таянди. Шунда Дизма уни қуҷоқлаб, ўпа бошлади. Аёл аввалига қаршилик кўрсатмоқчи бўлди, бироқ унинг бу ҳаракати ўзоқча чўзил мади.

Йироқдан, нариги соҳилдан Куницкийга қарашли тахта заводининг тақа-туқи элас-элас эшитилиб турарди

Дизма қўлларини боши остига қўйиб, йўсин устиг чўзилди. Нина унинг ёнида ғужанак бўлиб ўтиради. У Никодим томон эгилиб, шивирлай бошлади:

— Нега, нега шундай қилдинг? Энди мен сени сираям унотолмайман... Энди илгаригига қараганда юз карра баҳтсизроқ бўламан... Ё парвардигор, ё тангрим! Бу мудҳиш ҳаётда қандай яшайман энди... Сенсиз яшаёлмайман...

— Менсиз яшамайсан ҳалиям!

— Йўқ, йўқ, унда дема! Қари эрини алдаб яшайдиган хотинлар хилидан эмасман. Ахир бу разиллик-ку.

— Лекин уни яхши кўрмайсан-ку...

— Ундан нафратланаман!

— Ҳўш, гап нимадаа бўлмаса?

— Ўзингни тушунмаганга соласан-а. Мен риёкорлик билан яшаёлмайман. Бунга қурбим етмайди. Бу нарса сен билан ўтказган ҳар бир дақиқамни заҳарлаб туради... Эй, худойим! Қани энди бу кишиданда қутула олсоми...

— Бунинг нимаси қийин экан? — Дизма елкасиини қисди.— Эру хотинлар ҳар қадамда ажралишяпти-ку. Нина лабларини тишлади.

— Мен тентак, разил аёлман. Мени қоралаб тўғри қиласан, лекин мен зеб-зийнатсиз, бойликсиз яшаёлмайман. Бундан ўзим ҳам уяламан... Сен бадавлат бўлганингда эди!

— Хали бойиб ҳам кетарман! Ким билади, дейсан!

— Жонгинам! — Нина, гўё ибодат қилаётган одамдек, қўлларини кўксига қўйди.— Жонгинам! Ахир сен жуда бақувват, жуда ақлли одамсан, Агар истасанг, ҳар нарсага эришишинг мумкин! Шундай эмасми?

— Ҳа, шундай,— дея жавоб қилди Никодим тараддулданиб.

— Ана, кўрдингми? Мени бу ердан олиб кет! Қуткар мени!

Шундай дея Нина йиглаб юборди.

Дизма уни қуҷоқлаб, бағрига босди. У жувонни қандай юпатишни билмас ва шу боисдан индамас эди.

— Қандай яхши, қандай меҳрибон одамсан-а! Сени қандай севишимни билсанг эди... Сендан яширишини истамайман, яширолмайман... Мендан нафратланинг мумкин, лекин сенга ҳаммасини айтаман. Кечираман, деб ваъда бер! Эшиятсанми, ваъда бер! Қандай баҳтсиз, қандай заифлигимни ўзинг кўриб турибсан. Очигини айтсан, унга қаршилик кўрсата олмадим. У ғайри табий бир ҳолда кишини ўзига қаратиб олиш қобилиятига эга.

— Кимни айтяпсан?

— Касяни-да. Лекин онт ичаман, бу нарса иккинчи қайтарилилмайди. Онт ичаман! Менга ишонасанми?

Никодим унинг нима ҳақида гапираётганини сира тушуна олмаса-да, ишонаман, дегандек бош ирғади.

Нина унинг қўлидан тутиб ўпа бошлади.

— Қандай меҳрибонсан-а! Қандай меҳрибонсан-а! Дарвоқе, Кася Швейцарияга жўнаб кетяпти.

— Қачон.

— Келаси ҳафтада. Бир йилга кётепти.

— Бир йилга, дейсанми? Унинг бу сафари эрингга роса қўмматга тушса керак?

— Эрим бир тийин ҳам бермайди. Кася ундан сариқ чақа ҳам олмаса керак.

— Бўймасам у ерда Кася нима билан тирикчлик қилидаги.

— Банкада унинг онасидан қолган пули бор.

— Шунақами? Билмаган эканман. Пан Куницкий бу тўғрида менга ҳеч нима айтмаган эди.

— Эҳ, нега уни эслайсан! Кел, ўзимиз ҳақимизда гаплашайлик.

Нина кўнгли бузилиб, ҳаяжонланиб кетган эди.

Улар уйга индамай қайтишли.

Никодим билан Нина айвонда Куницкийга дуч келиб қолишиди. Чол одати бўйича илжайиб, митти қўлларини бир-бирига ишқарди. Чол уларнинг кайфиятларини, қандай саир қилишганини сўраб-суриштирас экан, гўё ўз хушчақчақлигини атайлаб намойиш қилаётгандек туяларди. Гап унинг оғзидан шалола каби оқиб чиқар ва улар жавоб беришни истаган тақдирларида ҳам чолнинг гапи орасига бир оғиз ҳам сўз қистири олмаган бўлардилар.

— Хўш, юқори доираларда қандай янгиликлар бор?

— Яъни Варшавада демоқчимисиз? Ҳеч гап йўқ. Биз Яшунский ва Уляницкий билан менинг ғалла сотиб олиш борасидаги лойиҳам ҳақида гаплашдик.

— Шунақа денг! Хўш, хўш? Қандай хулосага келдинглар? Иш юришяптими?

— Юришяпти шекиилли, лекин айтиб қўйай: бу гаплар мутлақо сир сақланиши керак.

Куницкий бармоғини лабига қўйиб, шивирлади:

— Тушунаман! Жимм.. Ана, хотиним келяпти, балки тушки овқатдан кейин гапириб берарсиз. Тезроқ айт-масангиз, ёрилиб кетаман.

— Ҳозироқ гапириб беришим мумкин,— дея жавоб қилди Никодим,— ахир пани Нина бу гапни ҳеч кимга айтмайдилар-ку. У кишининг олдиларида айтаверса бўлади.

— Нимани гапиряпсизлар?— дея сўради Нина уларга қарамасдан.

— Нина, билиб қўй,— огаҳлантириди Куницкий,— бу давлат сири. Пан Дизма ҳукумат билан ҳамкорликда мамлакатни иқтисодий кризисдан ҳолос этиш планини тайёрлаяпти. Бу лойиҳа учун улар пан Дизманинг бошидан зар тўкишлари керак! Хўш, у ёфи нима бўлди, азизим пан Никодим?

Дизма ғалла облигациялари ҳақидаги бор гапни қисқача сўзлаб берди. Куницкий митти қўлларини бир-бирига ишқаганича шуқул:

— Офарин, гениал иш!— дея такрорларди.

Нина эса лойиҳанинг гениал муаллифига ҳайратдан кўзларини катта очиб, тикилиб турарди.

— Фақат битта қийинчилик бор,— деди гапининг охирида Дизма.— Сотиб олинадиган ғаллани сақлаш учун жой топилмаяпти. Янги омборлар қуриш учун эса пул йўқ.

— Ҳа, чиндан ҳам жиддий масала!— дея хитоб қилди Куницкий.— Шошманг-чи... Пан Никодим, мана бундай қилинса нима дейсиз: айтайлик, давлат ғаллани сотиб олади-ю, лекин уни сотган одам ғаллани ўзида сақлайди, деб шарт қўяди. Қўпчиликнинг ғалла сақлайдиган жойи йўқ албатта, аммо помешчик учун сотилмаган ғалласини чиритиб, хонавайрон бўлишдан кўра, янги омбор қуриб, сотилган ғаллани сақлаш фойдалироқ, менимча, шундай қиласа бўлади. Сиз нима дейсиз?

Дизма ҳанг-манг бўлиб қолди.

«Бу қари туллакнинг хўп калласи бор-да!»— дея дилидан ўтказди у ажабланиб ва ёлғондан йўтала бошлиди.

— Биз бу ҳақдаем гаплашган эдик,— деди у сўнгра ҳар эҳтимолга қарши.— Эҳтимол шундай қиласмиз ҳам.

Куницкий ўз фикрини кенгайтириб, давом эта бошлаган эди, Никодим биронта ҳам сўзни унутмасликка ҳаракат қилиб, диққат билан қулоқ солди. Шу пайт-хизматкор пайдо бўлди.

— Пан жаноби олийларини телефонга чақиришяпти. Янги тахта тилиш заводингизда узатма қайиш чиқиб кетиб, қандайдир фалокат содир бўлипти.

— Нима? Нима дединг? Тезроқ автомобилни чақир! Кечирасиз!

Шундай дея Куницкий хонадан югуриб чиқиб кетди. Улар икковлари ўтириб овқатланишиди.

— Сиз кўзга кўринган экономист экансиз,— деди Нина кўзини дастурхондан узмай.— Чет элда ўқиганимиз?

— Ҳа, Оксфордда,— деб дарров жавоб берди Никодим.

Нинанинг юзига қон югурди.

— Оксфордда дейсизми?— Сиз... Сиз... у ерда Понимирскийни танимасмидингиз?..

Никодим қовун тушириб қўйганини фақат энди тушуни: ахир Нина истаган пайтида акасидан сўраб, унинг мисини чиқариши мумкин эди-да. Лекин ёлғон гапиришдан бўлак чора қолмаганди.

— Танирдим, албатта. У менинг яхши ошнам эди. Нина жим бўлиб қолди.

— Унинг бошига қандай баҳтсизлик тушганидан хабарингиз йўқми?— дея сўради у бир оз сукут қилиб тургач.

— Йўқ.

— У қандайдир оғир асабий касалликка чалинган. У жуда расво ишлар қилди: кўп ичарди, тиймай тўплон қиласарди. Охири ақлдан озди. Бечора Жорж!. Икки йил жиннихонада ётди. Уни бир оз даволашди. Энди тутқаноғи тутмайди, лекин, афсус, бутунлай тузалиб кетмади. Бечора Жорж. Уни деб қанчалар изтироб чекканимни билсангиз эди... Бунинг устига касали зўриқ-қанидан сўнг у мени ёқтирмайдиган бўлиб қолди. Илгари биз бир-биримизни жуда яхши кўрардик. Биласизми, Жорж шу ерда, Коборовода...

— Ростдан-а?

— Ҳа, у паркдаги павильонда яшайди. Енида доим санитар юради. Сиз уни учратмаганилгингизнинг боиси бор. Врачлар унга одамлар билан муомалада бўлишини тақиқлаб қўйишган: бу нарса унга ёмон таъсир қиласар экан. Лекин ким билсин, балки, эски дўсти билан учрашса зарар қилмас. У билан муносабатингиз яхши эдими?

— Бўлмасам-чи.

Нина буни эшитиб, хурсанд бўлиб кетди. Жувон уларни бир-бири билан учрашириш фикрига ёпишиб олди ва бу гапларни Куницкийдан сир тувишни илтимос

қилиб, тушлиқдан сўнг павильонга боражакларини айтди. Никодим аввалига чап беришга уриниб кўрди, бироқ кейин шубҳа туғдиришдан чўчиб, рози бўлди.

Паркда, дараҳтлар орасида Нина унинг бўйнидан кучиб, пинжига тиқилди. Никодим истар-истамас уни иккι марта ўпди. У ёш граф билан учрашганида чуви чиқишидан хавфсираётган эди.

Нина Никодимнинг қўлтиғидан олди.

— Сиз ёнимда бўлганингизда ўзимни жуда яхши ҳис ртаман,— дея гап бошлади у.— Фоят осойишта сезаман ўзимни... Аёл киши печакка ўхшайди... У ер бағирлаб ўсоверади, лекин йўлида бирон дараҳт танасини учратан заҳоти унга чирмашиб, қўёш сари бўй чўзади...

Дизма, бу жуда ўтқир ўхшатиш экан, уни эслаб қолни лозим, дея дилидан ўтказди.

Павильон Уйғониш даври услубида қурилган кичкана вилла экан. Унинг атрофида ёввойи узум ўсан бўлиб, новдалар орасидан ора-чора оппоқ девор кўришиб турарди. Вилла олдидағи майсазар ўртасига буқлама кресло қўйилган бўлиб, унда граф мудраб ўтиради.

Уларни худди одамнинг йўталишига ўхшаш ғалати вовиллаган лайча кутиб олди.

Понимирский эринчоқлик билан бошини ўғирди-да, офтобдан кўзини қисганича бирпас яқинлашиб келаётган Никодим билан Нинага тикилиб турди. Сўнг ўрнидан сапчиб туриб, костюмини тўғрилади ва моноклини кўзига қистириди.

— Салом, Жорж,— дея унга қўлини чўзди Нина.— Олдинга Оксфордда бирга ўқиган ошиангии бошлаб келдим. Танияпсанми?

Понимирский уларга ишонқирамай қараб қўйди-да, сўнг шошилмайгина синглисингинги қўлини ўпди. Унинг башарасидан кирдикори очилиб қолишидан чўчиётганилиги сезилиб турарди. Кейин у хўмрайганича Дизмага қўйл узатди.

— Танияпман, албатта. Мени кўргани келганингиздан хурсандман, касбдош.

Сўнгра у шартта синглиси томон ўгирилди.

— Кечирасану, лекин бизни ёлғиз қолдиролмайсанми? Узоқ айрилиқдан сўнг гаплашадиган гапимиз кўп. Балки, сен шу ерда ўтириб турсанг, биз айланиб келармиз?

Нина эътиroz билдиrmади. У Никодимга маънодор караб қўйди-да, павильон ичига кириб кетди.

Понимирский атрофга аланглаб, Дизмани нарироқдаги хиёбонга бошлади.

— Бу нимаси? — дей жаҳл билан сўради у башорат бармоғини Никодимнинг кўксига ниқтаб. — Аблаҳ, сен мени Нинага сотибсан-да? Эҳтимол, бор гапни муттаҳам Кунинка ҳам айтиб бергандирсан?

— Худо сақласин, ҳеч кимга ҳеч нима айтганим йўқ.

— Сени Пшеленская холамга, Оксфорд университетида бирга ўқиган ошнам, деб таништирганимни синглим қаёқдан билди бўлмасам?

— Буни у билмайди. Оксфорд масаласига келсак, ўша ерда ўқиганим, деб ўзим айтдим. Гап келиб қолган эди, оғиздан чиқиб кетди.

— Сен муттаҳамгина эмас, аҳмоқ ҳам экансан: ахир инглизчадан балониям билмайсан-ку?

— Ҳа, билмайман.

Понимирский курсига ўтириб кулиб юборди. Лайчаси унинг кулгисини эшишиб, эгасининг юзига диққат билан тикилиб қолди.

— Ҳўш, Пшеленская холам билан анови Қшепицкий сизни қандай кутиб олишди? Олдиларига солиб қувишмадими?

Дизма графнинг ёнига ўтироқчи эди, бироқ Понимирский уни имо билан тўхтатди:

— Сиздақа кишиларининг ҳузуримда ўтиришларини ёқтиромайман. Қани, лўнда-лўнда гапиринг, лекин ёлғон ишлатманд.

Никодим телба одам билан гаплашаётганини билсада, лекин негадир юраги пўкилларди. У министрдан ҳам, генераллардан ҳам, Варшава́даги бўлак нуфузли амалдорлардан ҳам бунчалик чўчимаган эди.

Дизма, Пшеленская уни яхши қабул қилгани, лекин хоним билан Қшепицкий ҳозир ҳеч нима қилиб бўлмаслиги сабабли бу ишни бир неча йил қўйиб туриш лозимлигини айтишгани ҳақида ҳикоя қила бошлади.

У гапини тугатгач, Понимирский пишиллаб сўради:

— Жин урсин! Ёлғон гапиримаяпсизми?

— Йўқ.

— Биласизми, умрим бино бўлиб, шундай сийقا, аҳмоқона ҳикояни эшифтмагандим. Бирор мактабни тутгатганимисиз ўзи?

Дизма индамай тураверди.

— Иш масаласига келсак, ундан воз кечадиган аҳмоқ эмасман. Тез кунда яна хат ёзаман, сиз уни Варшавага олиб борасиз. Хайр. Кетаверишингиз мумкин! Брут, бу ёққа!

— Пани Нина-чи? — ҳайиқиб эслатди Дизма.

— Нина дейсизми?.. Ҳа, айтгандай. Уни унутибман. У холда юринг, бирга борамиз. Нинани олиб кетасиз. У менинг асабимга тегади.

Нина уларни хиёбон муюлишида кутиб олди.

— Ҳўш, ёшлигингизни эсладингизми? — сўради у жилмайиб.

— Албатта, — жавоб қилди Дизма.

— Азизим, — деди энсаси қотибгина Понимирский, моноклини тўғрилар экан, — ёш ва бадавлат бўлган пайтимиздан қолган ўша хотиралар доим қалбимизни хушнуд этади. Шундай эмасми, қадрли касбдош?

Граф сўнгги сўзларни таъкидлаб айти-да, хаҳолаб кулиб юборди.

— Ҳа, албатта, касбдош, — деда тасдиқлади тараддуланиб Дизма. Буни эшишиб, Понимирскийнинг янада вақти чоғ бўлиб кетди.

— Биз фақат Оксфорд ва Лондон ҳақида гаплашдик, — деди у кулишда давом этиб. — У ерда роса шўхлик қилардик-да, ўзиям. Орадан шунча йил ўтга, соғ инглил нутқини эшитиш менга қанчалик лаззат бағишилагаинин тасаввур ҳам қилолмайсан, жонгинам...

У бармоқларининг учини Никодимнинг елкасига теккизиб сўради:

— Isn't it, old boy?<sup>1</sup>

Дизманинг чакка томирлари ўйнаб кетди. У ўйланашўйлана, — худога минг қатла шукур! — нийҳоят баъзан потариус Виндернинг ўғли Лисков киборлари орасида ишлатдиган ягона инглизча сўзни эслади:

— Yes!<sup>2</sup>

Бу жавобдан Понимирскийнинг боши осмонга етди. Шу пайт Нина Никодимнинг саросимага тушганини сеизиб, қайтиш вақти бўлганини айтди. Унга Никодим дўсттининг аҳволини кўриб эзилиб кетгандек туюлди. Унинг баҳтига, акаси Дизмани ортиқ тутиб турмади ва бошқа тентаклик қилмай хайрлаша қолди.

<sup>1</sup> Шундай эмасми, қария? (ингл.).

<sup>2</sup> Ҳа. (ингл.).

— Боёкиш Жорж! У жуда ўзгариб кетибдими? — дея сўради Нина улар хиёбондан кетишар экан.

— Йўқ, унчалик эмас. Эҳтимол, ҳали тузалиб кетар...

— Қошкийди... унинг касали сизга қандай ёмон таъсир қилганини сездим. Сизни уни олдига бошлаб бориб бекор қилдим шекилли.

— Нега энди?

— Биласизми, пан Никодим, яхшиси, унинг олдига бошқа борманг... балки, бу нарса унга зарар қилар. Врачлар, одамлар билан учрашса, асабийлашади, шу боисдан ҳаяжонлаимагани маъқул, дейишган эди.

— Сиз нимани истасангиз, шу-да.

— Мен ҳеч нимани истамаймаи.— дея Никодимнинг елкасига сўйкалди Нина.— Сизга айтдим-қўйдим. Сиз эса, имоним комилки, қандай йўл маъқул бўлса, шундай йўл тутасиз.

Сўнгра у ўз қалбida гул очган баҳор ҳақида, ҳозирги воқеадан кўз юмиб, уни тезда унтиладиган қисқа туш деб ҳисоблаш лозимлиги тўғрисида гап очди. Шундан кейин Дизмадан ўз фикрига қўшилишни талаб қилиди. Никодим ҳам ўйлаб ўтирумай унинг гапига қўшилиб қўя қолди.

## 9- б об

Кунлар кетидан кунлар бир зайлда ўтиб бораради. Қоборовода ўрнашиб олган Дизма худди ўз уйидаги-дек ялло қилиб юради. Тўғри, у Нинанинг эридан ажралмагунча унга содиқ қолажагини айтиб саркашлик қилишидан бир оз хафа эди. Бироқ Никодим бундан азиат чекмасди. Дизма бир нарсага жон-жаҳди билан ёпишиш у ёқда турсин, ҳатто ҳафсаласиз бир одам эди.

Дизманинг иштаҳаси яхши бўлиб, ҳар куни тўйиб ухларди. У кунларини бекорчиликда ўтказар ва бундан димоғи чоғ бўлиб, анча тўлишган, тез-тез теварак-атрофда сайд қилиб юрганидан офтобда қўрайган эди. Аввалига у от миниб юрди, аммо отда силкиниб юриш жонига теккач, пиёда сайд қила бошлади. У яна бир бор тахта тилиш заводи, қоғоз фабрикаси ва тегирмонга бориб, хўжаликни кўздан кечириб чиқди. У ўзи қизиқ-қан барча нарсаларни хизматчилардан билиб оларди; улар Дизманинг кичкина одам эмаслигини яхши билганидан уни кўришган заҳоти бошларидан шапкаларини олиб таъзим қилишарди.

Дизмани ҳамма иззат-ҳурмат қиласди, сийларди. Унинг тинчлигини фақат Касягина бузиб турарди.

Тўғри, Никодимдан ҳам иўпроқ Нинанинг жигига тегиши учун жанжал чиқарарди. Бир куни ионушта маҳалли у Дизманинг ҳар бир сўзини масхара қиласвериб ҳададидан ошган эди, Никодим чидаб туролмай тўнгиллади.

— Сиз ким билан гаплашаётганингизни унтиб қўяяпсиз!

— Менга барибир,— дея елкасини қисди Кася.— Ахир сиз Эрон шоҳи эмассиз-ку. Ёки таша grandiosa<sup>1</sup> га мубтало бўлганимисиз?

Дизма қизининг гапини тушумади-ю, бироқ Нинанинг юзи ўзгариб кетганлигидан, бунинг ҳақорат эканини пайқади. У қип-қизариб, бор кучи билан столга мушт тушнирди.

— Ўчир овозингни, мишиқи! — дея ўшқирди у.

Стол устидаги идиш-товоқлар жаранглаб, иккала хоним тахта бўлиб қолди.

Бир зумдан сўнг докадай оқариб кетган Кася чапчиб ўриидан турди-да, хонадан югуриб чиқиб кетди. Нина бир оғиз ҳам гапирмади, лекин унинг юзидан ҳам қўрқани, ҳам маъқуллагани сезилиб турарди.

Бу кескин чора вақтинча ўз кучини кўрсатди. Шу кундан бошлаб Кася Никодимга пичинг қилмай қўйди, бироқ унинг кўзларида доим нафрят учқунланиб турарди. Бу учқун кундан-кун кучайиб бир кун эмас, бир кун алантага айланиши муқаррар эди.

Якшанба кунларидан бира, эрталаб уларнинг иккаки ҳам кутмаган бир пайтда шу алланга гуриллади.

Куницкий ўз кабинетида ишлаб ўтиради. Нина костелга ибодат қилгани кетган эди. Никодим унинг будуари<sup>2</sup>да ўрнашиб олиб, фотосуратлар ёпиширилган альбомни томоша қила бошлади.

Шу пайт будуарга Кася кириб қолди. У бир қарашдаёқ Никодим унинг атайлаб Нина учун олган расмлари қўйилган альбомни ушлаб ўтирганини пайқади.

— Беринг бу ёққа, бу менинг суратларим! — дея қичкириди у ва альбомни тортиб олмоқчи бўлди.

— Секинроқ гапиришнинг иложи йўқми?! — деди жеркиб Дизма.

<sup>1</sup> Буюклик васвасаси (лотинча).

<sup>2</sup> Капиталистик мамлакатларда бой оиласалардаги хотинилар меҳмонхонаси. (Тарж.).

Чиқиб кетмоқчи бўлиб турган Қася Никодимнинг гапини эшитиб, таққа тўхтади. У Дизма томон ўгирилдида, бир зум индамай турди. Қизнинг важоҳатини кўриб Никодим, ҳозир ура бошласа керак, деб ўйлади ва ҳатто қўллари билан юзини яширмоқчи ҳам бўлди. Шу билан бирга у бу қалтираб турган қизни маҳкам қучоқлаб, унинг ёниб турган кўзларидан, титраётган лабларидан ўммоқчи ҳам бўлди. Бироқ шу пайт бу лаблардан узиб, ўйиб олувчи заҳарли сўзлар отилиб чиқа бошлади:

— Бу разиллик! Разиллик! Сиз аглаҳ экансиз! Унинг номусини булғабсиз! Сиз отамнинг оиласига сув илондек кириб, кейин хотинини йўлдан урдингиз. Агар дарҳол бу ердан жўнамасангиз, мен сизни қамчи билан итдек савалайман. Сизнинг жамиятдаги мавқеингиз, алоқаларингизга тупурдим! Тушундингизми? Эҳтимол, бу нарсалар отамга ёқар, лекин менга эмас! Яхшиликча, тезроқ жўнанг бу ердан!

Кася борган сайин қаттиқроқ бақиради. Уйдаги барча хоналарнинг эшиги очиқ бўлиб, чамаси, унинг товуши Куницкийнинг ҳам қулоғига етиб борган эди. Фазабдан ўзини йўқотиб қўйган Қася унинг тез-тез ташланган майда қадамларини эшитмай қолди. Қўринишидан жуда хотиржам бўлган бу қизнинг бундай жўш-хурружга келишидан довдираб қолган Никодим ҳам чолнинг қандай етиб келганини пайқамади.

— Қася, марҳамат қилиб, бу ердан чиқиб кет,— деди у секингина.

Кося жойидан қўзғалмай тураверди.

— Чиқиб кет деяпман сенга,— деда тақрорлади чол янада пастроқ товуш билан,— кабинетимга боргин-да, мени кутиб тур.

Куницкий хотиржамлик билан гапирад, бироқ унинг сўзларида қандайдир эътиroz билдириб бўлмайдиган куч сезиларди. Қася елкасини қисди-ю, лекин буйруқни бажаришга мажбур бўлди.

— Нима гап ўзи?— сўради Куницкий Дизмадан.

— Нима гап ўзи?— худди акс садодай тақрорлади Дизма.— Қизингиз менга уйингиздан жўнаб қолишини буюрди, энг ёмон сўзлар билан ҳақорат қилди. У мендан нима истаяпти, буни бир худонинг ўзи билади, лекин мени ҳайдасанглар, мен кетаман, аммό қайтиб келмайман. Анови... ёроқ, шпалларингиз эса... Улардан умидингизни узишингиз мумкин, чунки мен...

Куницкий унинг қўлидан ушлади.

— Пан Никодим, қизим учун мени кечиринг. Ҳаммасини унутинг. Шу бугуноқ Қася чет элга жўнайди. Шу етарлими сизга?

— Етарлими... Бекордан бекорга ҳақорат қилганичи?

— Сизга сўз бераман, азизим пан Никодим, шу бугуноқ уни уйдан қувиб чиқараман.

Чол ичиди зардаси қайнагани сари, сиртида хотиржамроқ кўринарди. Куницкий Дизмага қўлини узатиб, сўради:

— Демак, ярашдик-а?

Никодим ҳам унинг қўлини қисиб қўйди.

Кася ўша куни кечқуруноқ жўнаб кетди. Отаси кашшет эшигини ёпиб, у билан нима ҳақда гаплашганини ҳеч ким билмади. Куницкий ҳам, қизи ҳам бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очишмади. Қася ҳатто Нина билан ҳам хайрланимай жўнади. У Коборовдан жўнашдан аввал гаплашган ягона одам хонимларнинг гардеробига қараб юрадиган ёшгина оқсоқ қиз Иренка бўлди. Бироқ у ҳам, Қася жуда дарғазаб эди, у сени Швейцарияга чақиртириб оламан деда ватъда қилди, бўлак ҳеч нимадан хабарим йўқ деди.

Уша сермашмаша якшанбадан сўнг Никодим Дизманинг осойишталигини ҳеч нима бузмади. Куницкий ўлиб-тирилиб унинг кўнглини олишга ҳаракат қиласади. Нина Қасяни сира эсламасди. У ҳам энди ўзини анча сингил ва хотиржам сеза бошлаган эди.

Улар Никодим билан бирга автомобилда сайд қилишар, қайиқда сузишарди. Бироқ Нина сира бўш келмасди, уларнинг ошиқ-маъшуқлиги қуруқ сухбат, тўғрироги, жувоннинг монологи-ю, бир лаҳзалик бўсалардан иборат бўлиб қоларди. Никодимнинг барча уринишларин зең кетарди.

У бундай ўжарликнинг сабабини сира тушунолмасди. Хизматкорлардан Нинанинг тўй кунидан бошлабоқ ҳар куни эшигини қулфлаб ётишини эшитгач, у баттар ажабланди. Буни унга хабар қилган хизматкор ҳатто, хўжайин, чамаси, қизига совға қилиш учунгина графиняга ўйланган бўлсалар керак, деда Куницкийни мазах қилишга ҳам бориб етди. Бу гапларнинг бари Дизмага жуда сирли бўлиб туюларди. У бир кун эмас, бир кун, ўрни келганида Нинани қисти-бастига олиб, ундан бор ҳақиқатни суриштириб билишга аҳд қилиб қўйди. Ҳозирча эса у аста-секин жувондан турли маълу-

мотларни ўсмоқчилаб сўраб юрди. Эрининг ишлари ҳақида гап очилганида, Нина улардан мутлақо беха-барлигини сездириб кўярди.

— Дарвоқе, бу билан менинг ишим йўқ,— дерди у нукул,— бу эркакларниң иши.

У фақат бир нарсани — бу ерда ўзининг ҳеч нарса-си йўқлигини биларди, бундан буён уларнинг келажаги фақат Дизмага боғлиқ бўлиб қолганини такрорларди. Бу гандан Никодим анча ташвишга тушиб қолди, чунки у Нинанинг эҳтиёжларини қондира олиш даражасида бойлик ортиришга сира ҳам умид қилмасди.

Очиғини айтганда, у уйланишга ҳам учча ҳаракат қилмасди. Тўғри, Нина унга жуда ёқарди. Ахир у ҳа-қиқий хоним бўлиб, кимсан, графиня Понимирская эди... Бироқ Никодим ишларининг келажакда ҳам шундай муваффақиятли кетаверишига ишонмагани каби, унга уйланишига ҳам кўзи етмасди.

Лекин у Нинанинг севгисига сира ўзубхаланмасди. Жувон ҳар бир ҳаракати, ҳар бир нигоҳи ва ҳар бир сўзида унга бўлган севгисини изҳор этарди.

Куницкий эса, Дизманинг фаҳмлашича, ишга жуда берилгани ва хотини билан кам гаплашгани сабабли буни сезмасди. Дарвоқе, уларга биргалашиб сайр қилишини унинг ўзи маслаҳат берганди.

Бир куни ана шундай сайрдан сўнг вестибюлда Никодимга телеграмма узатишиди. Дизма бу Яшунскийдан эканлигига имони комил эди. Бироқ қисқагина текст остидаги «Терковский» имзосини кўриб, у қаттиқ ҳайратга тушди.

Никодим телеграммани ўқир экан, Нина унинг елка-сидан қоғозга кўз юргутиради.

Телеграммада қўйидагилар ёзилган экан.

«Министрлар Советининг раиси эртага, жума куни, кеч соат еттида, ўзингизга маълум иш бўйича, Министрлар Советининг иқтисодий комитети мажлисига етиб келишингизни илтимос қиласди.

### Терковский».

Шу пайт Куницкий келиб қолган эди, Дизма унга телеграммани узатди. Чол уни бир зумда ўқиб чиқди-да, жуда ҳайратланниб, хитоб қиласди.

— Қойил! Галла ҳақида бўлса керак?

— Ха,— дея тасдиқлади Никодим.

— Демак, иш юришиб кетибди-да?

— Кўриб турибсиз-ку.

— Ё қудратингдан,— деди қўлларини ёзиб Куниц-кий,— ё қудратингдан! Бу алоқаларингиз билан одамларга қанчадан-қанча яхшиликлар қилишингиз мумкин, инзим пан Никодим!

— Ха,— дея жилмайди Нина,— агар бу яхшилик инзим манфаатларига қаратилган бўлса, агар ўша инзим эҳтиёжлари тўғри ҳисобга олинса, албатта, фойдаси катта.

— Мени кечиру жонгинам,— этироз билдириди Куницкий,— фақат жамиятгагина эмас... Айрим кишиларга бўлам бериш мумкин эмасми ахир? Ҳе-хе... Иқтисодий комитетга темир йўл министри ҳам аъзо бўлса керак, албатта. Үрни келиб қолса, у билан шпаллар ҳақида гаплашишингиз мумкин. А, лаббай?

Никодим қўлларини чўнтағига тиқиб, қовоғини солди.

— Мен бошқа сафар гаплашсак деган эдим: ноқулай ахир.

— Нимаям дердим!. Қистамайман. Узингиз биласиз. Шунчаки эслатдим-қўйдим-да, чунки шпал етказиб бериш ҳазилакам иш эмас, уни унутиб бўлмайди, ҳе-хе!

Тушки овқатни еб бўлишгани заҳоти Куницкий Никодимни ўз кабинетига сургаб кирди-да, бўлажак ишнинг тафсилотлари ҳақида узундан-узоқ лекция бошлаб юборди. Никодим унга яна суд процесси ҳақида эслатган эди, чол ўрнидан сапчиб туриб, чўнтағидан калитларини олди.

Хозир ҳужжатларни кўрсатаман. Ўйлашимча, менинг айбиззилигимни исботлаш учун шунинг ўзи ҳам кифоя қиласа керак.

У оғир духоба пардани бир четга сурган эди, Дизманинг кўзи катта пўлат сандиқقا тушди. Куницкий сандиқ эшикласини шоша-пиша очди-да, у ердан яшил напка чиқариб, даста-даста квитанциялар, бланкалар ва машинкада ёзилган қофозларни олиб кўрсатди. Чол бაъзи нарсаларни ўзи ўқиб берар, баъзи қофозларни эса Дизмага узатарди. Шуида Никодим гўё ҳужжатларни дикқат билан ўқиётгандек, уларга кўз юргутира бошлиарди.

У Куницкийнинг олдидан фақат кечқурун қутулиб чиқди. Нина уни айвонда кутиб турган экан. Улар сайд қилгани жўнашди. Нина ғамгин ва маъюс эди. Никодимнинг кутилмагандага жўнаб кетиши уларнинг тинч ва осон-

йиша ҳаётини бузиб юбориб, аёл қалбига чексиз қайгу солган эди. Дарахтлар соясига киришгач, Нина унинг пинжига кириб шивирлади:

— Жоним, Варшавага анчага кетяпсанми? Нина сениз жуда зерикиб қолади. Нима қилай — сенга жуда ўрганиб қолибман, бу ерда сени ҳар куни кўришим, сен билан гаплашишим, кўзларингга тикилишим мумкин...

Никодим тезда қайтишини, у ерда бир-икки кундан ортиқ турмаслигини айтиб, уни юпата бошлади.

Кечки овқат пайтида Нина жуда очилиб ўтириди: Куницкий ўнга қадрли пан Никодимни станциягача бирга кузатиб қўйишни таклиф қилганди. Бу гал Дизма поездда кетадиган бўлди, чунки машина ремонтга мұхтож эди.

Нина ҳаяжондан титраб туради. Тўғри; у Никодим билан ўзи истаганча хайрлаша олмасди, бироқ унинг кўзлари энг эҳтиросли бўсалардан ҳам кўпроқ нарсаларни айтиб туради.

Биринчи класс купесида Дизма ёлғиз ўзи кетди; Куницкий проводникка чойчақа бериб, жуда катта одам, министрларнинг шахсий дўсти пан Дизмани безовта қилишнинг ҳожати йўқ, дея бу купега бошқа ҳеч кимни киритмасликни буюрган эди.

Улар молдай ичишди. Никодимни меҳмонхонага ғирт маст ҳолда олиб келиб, номерга кўтариб киришди.

Бундай ичишларининг сабаби бор эди, албатта. Ҳатто энди, роса ухлаб, кайфи тарқалганидан кейин ҳам у кечга миясига ўринашиб қолган ғаройиб воқеалар таассутидан ўзига келмаган эди.

Масалан, катта залдаги мажлисни олайлик. Дизма у ерда бош министр ва министрлар билан ёнма-ён ўтириди.

Қандайдир рақамлар келтириб, қандайдир ҳисоботларни ўқишиди. Кейин эса ҳе-ҳе, қўяверасиз! Барча унинг қўйини қисиб, галла сотиб олиш ҳақидаги Куницкийнинг гапларини тақоррлагани учун миннатдорчилик билдира бошлади.. Улар буни нима деб аташди-я? Э-ҳа, ломбард! Қизиқ. Шу пайтгача Никодим ломбард деганда—соати ёки костюмини гаровга қўйишни тушунарди.. Кейин эса бош министр шундай деб савол берди:

— Мұхтарам пан Дизма давлатимизда галла сиёсатига раҳбарлик қилишни ўз зиммангизга ололмайсизми?

Аввалига у, бу ишни уддалай ололмасам керак, дея бош министрнинг таклифини рад қилди. Бироқ бошқа министрлар уни кўндиришга уринавергач, Никодим ноилож рози бўлди.

У хахолаб кулиб юборди:

— Оббо шайтон-е! Одам ўсаверса шунақа бўлар экан-да! Давлат ғалла банкасининг раиси! Қимсан, рапис-а!

Сўнгра у ўзини саволларга кўмиб ташлаган журналистлар ва фотоаппаратларнинг тинимсиз чиқ-чиқини эслади. Э-ҳа, бир ўқиб кўриш керак, ҳани, нималар ёзишганийкин?

Никодим қўнғироқ қилиб, коридор навбатчисига барча газеталардан сотиб олиб келишини буюрди. Кейин туриб кийинди. Газеталарни келтиришгач, у биринчисини очган заҳоти юзига қон югурди.

Биринчи саҳифада унинг сурати манаман деб туради.

Никодим суратда қўлларини чўнтағига тиққанича хаёлга чўмиб туради. Суратда у жуда салобатли кўринарди. Суратнинг тагига: «Янги агарар сиёсатнинг ташаббускори д-р Никодим Дизма ҳукуматдан Давлат галла банкасини ташкил этиш ҳақида топшириқ олди; у шу банканинг правлениясига раис қилиб тайинланди»,— деб ёзиб қўйилганди.

Суратнинг ёнида, вахимали сарлавҳа тагида катта мақола босилган бўлиб, мақолада ҳукуматнинг расмий баёноти, Дизманинг таржима ҳоли ва интервью берилган эди.

Баёнотда Министрлар Совети Яшунскийнинг таклифига биноан ғалла бозорида кескин чоралар кўриш йўли билан иқтисодий кризисга қарши кураш бошлашни қарор қилгани тўғрисида гапирилган эди. Сўнгра лойиҳа муфассал баён этилиб, керакли кўрсатмалар тўғрисида ахборот берилганди. Қонун сейм томонидан қабул қилингач, керакли кўрсатмалар кучга кириши хабар қилинганди.

Дизма ўзининг таржима ҳолини ўқиб оғзи очилиб қолди. Газетанинг ёзишича, у ота-онасиининг Курляндиядаги мулкида туғилган бўлиб, гимназияни Ригада, иқтисод фанларининг олий курсини Оксфордда тутатган экан; сўнгра у кавалерия офицери сифатида большевикларга қарши мардона жанг қилибди, ярадор бўлибди ва «Virtuti Militari» ордени ҳамда Ҷасорат Крести билан

мукофотланибди. Сўнгги пайтларда у сиёсат майдонидан кетиб, Белостоцкий воеводлигига қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган экан.

Таржимаи ҳол «ажойиб», «машхур», «ижодий» каби эпитетларга тўлиб кетган эди... Охирида раис Никодим Дизманинг қаттиқ қўл, кучли иродада соҳиби эканлиги ва ташкилотчилик қобилияти билан машҳурлиги қайд этилганди.

Лекин Никодимни ҳаммасидан ҳам интервью ҳайратга солди. У интервьюни ўқирди-ю, ўз кўзларига ишонмасди. Тўғри, у кеча кечқурун фирт маст эди, аммо мухбирлар билан сұхbatлашганида ҳали ичмаган эди-ку. Никодим интервьюда ёзилган гаплардан биронтасини ҳам айтмаган эди. Унда Дизма ўлсаям тушунмайдиган иборалар, у заррача ҳам тасаввур қилолмайдиган масалалар юзасидан фикрлар баён этилганди.

Никодим шунчаки сўкиниб қўйди. Балки у хурсанд бўлиши керакдир: ахир бу интервьюни ўқиган киши, банка правлениясининг раиси пан Дизмани ғоят ақлли одам экан, деб ўйласа керак.

Деярли барча газеталар тахминан бир хил гапларни ёзиб, унинг турли вазиятларда тушган расмларини бошишган эди. Ҳаммасидан ҳам Никодимга бош министр билан министр Яшунский ўртасида ўтириб тушган сурати ёқди. Унга ёқсан яна бир суратда Никодим бошига шляпасини қўндириб зинапоядан тушиб келаётгани тасвирланган эди. Суратда унинг ортидан шляпасини қўлида тутганича оппоқ мўйловли кекса бир жаноб ҳам тушиб келарди. Суратнинг тагига:

«Никодим Дизма ўзининг бўлажак ёрдамчиси, ғалла банкига директор қилиб тайинланган собиқ молия вице-министри Владислав Вандришевский ҳамроҳлигига Министрлар Совети саройини тарк этяпти»,— деб ёзилган эди.

«Мана,— дея хаёлидан ўтказди Дизма,— энди мени бутун Польша танийди». У шуни ўйлади-ю, бирдан қўрқиб кетди. Газеталар Лисковга етиб боргач, пан Бочек ҳам, Юрчак ҳам ва умуман Никодимни яхши танийдиган барча кишилар Курляндия, гимназия ва Оксфорд ҳақидаги гапларнинг ҳаммаси фирт ёлғонлигини дарҳол билиб қолишади-ку!

Жин ўрсин!

Улардан биронтаси газетага бутун ҳақиқатни ёзиб юборса-я?

Никодимнинг эти жимиirlab кетди. У сўкина-сўкина хонада у ёқдан-бу ёқса юра бошлади, сўнг яна газеталарни бир бор кўздан кечириб чиқди-да, собиқ танишиларимнинг фош қилиши эҳтимолдан узоқ, деган қарорга келди: унинг мартарабаси, унинг алоқаларини кўриб, журъат этишмайди. Фақат юмалоқ ҳат ёзишлари мумкин... Бироқ имзосиз ҳатларга жиддий эътибор беришмайди. Шуларни ўйлар экан, Дизманинг кўнгли бир оз жойига тушди. Аммо ўз қобилияти тўғрисидаги гапларни қайта-қайта ўқир экан, бирдан бу ишни уддалай олмасам-а?— дей шубҳаланиб қолди.

Ишнинг катта қисмини анови Вандришевский бажарди дейлик, аммо Дизма ҳам нимадир қилиши — галириши, ҳал этиши, имзо чекиши керак-ку... Узи мутлақо тушунмайдиган ишлар билан шуғулланиш! Фақат бир йўли бор: биронта уддабурон одам топиш керак... Кошкнийди Куницкий рози бўлса! Рози бўлмайди... Коборовдаги бошқарувчилик ишидан ҳам воз кечишига тўғри кегади. Дизма Нинадан жудо бўлишини ўйлаб маъюс тортид-ю, бироқ дарҳол ўзини юпатди.

«Нимаям қилардим: шундай бўлгандан кейин, воз кечамиз-да. Ахир дунёда бошқа хотинлар ҳам бор-ку».

Ҳаммасидан ҳам ўзининг ўрнига ишлайдиган одамни топиш қийин... Агар шундай одам топилса, уни ўзига секретарь қилиб тайинлаши мумкин...

Никодим бирдан пешанасига урди:

— Кшепицкий!

У қувонганидан ҳатто сакраб тушди: Кшепицкий ўтакетган туллак, тегирмондан бутун чиқади, ернинг тагида илон қимиirlаса билади. Унга панд бериб бўлмайди, бунинг устига ўзимизнинг одам. У билан келишиб олинса бас, икки кишининг ўрнига бир ўзи ишлайверади.

Бу фикрдан Дизма шунчалик хурсанд бўлдики, у дарҳол Кшепицкийни қидириб топишга жазм қилди.

Никодим шоша-пиша кийинди-да, чорак соат ўтар-ўтмас пани Пшеленскаянига етиб бориб, эшик қўнғироғининг тугмасини босди. Уйда бу маҳал тушки овқат тугай деб қолган экан. Кшепицкий ҳам шу ерда экан. Дизмани озғингина сепкилдор қиз — панна Хульчинская билан таниширишиди.

Улар бири олиб, бири қўйиб Дизмани табриклишди. Пани Пшеленская уни помешчиклар халоскори деб ата-

са, Кшепицкий уни қишлоқ хўжалигининг Наполеони дерди, панна Хульчинская эса анграйганича унинг оғзига тикилиб ўтиради.

Коборово ҳақида гап очилиб, ҳаммаси Дизманинг энди Жорж Понимирскийнинг иши билан шуғулланишга вақти етишмаслигидан хафа бўлишди.

— Бунинг устига,— деда гап қотди Никодим,— унинг мияси шу қадар айниб қолибдики, барибир, ҳеч нима қилиб бўлмайди.

Зизя сўкиниб қўйди, сепкилдор қиз маъюс тортди, пани Пшеленская эса, ноумид бўлмаслик ҳақида гапиди.

Ниҳоят, Никодим чашкадаги кофедан ҳўплаб, мақсадга кўчди:

— Мен бу ерга бир таклиф билан келган эдим. Пан Кшепицкий, сиз ҳозир бирон жойда ишлайсизми?

— Йўқ.

— Ишлашни истармидингиз?

— Бўлмасам-чи!— деда хитоб қилди момиқ қўллари билан чапақ чалиб Пшеленская.

— Биласизми,— давом этди Никодим,— менга секретарь керак. Банка правленияси раисининг секретари бўлиш ҳазилакам иш эмас. У ақлли, уddyабурон одам бўлиши лозим! У иш учун жавоб бериши керак. Тушуняпсизми?

Кшепицкий лабларини ялаб, ўзини лоқайд кўрсатишга уринди.

— Миннатдорман, пан раис, билмадим, уddyалай олармикиман. Кейин... ҳм.... очишини айтай: чамаси, мен чиновникликка ярамасам керак. Ишга вақтида бориш, ҳар куни эрта туриш... Мени кечirasиз.

Дизма Кшепицкийнинг тиззасига уриб қўйди:

— Ҳечқиси йўқ! Кўрқманг. Мен қанча ишласам, сиз ҳам шунча ишлайсиз. Раис доим қоқкан қозиқдай бир жойда ўтираверади, деб ўйламасангиз керак ахир? Бунинг учун бизда директор бор. Биз эса фақат энг муҳим, энг муҳим ишлар билан шуғулланамиз. Қани, қўлингизни беринг!

Пшеленская жуда хурсанд бўлиб кетди. Ҳаяжонланганидан у Кшепицкийни «сен» лаб, рози бўла қол, деб ялина бошлади.

Кшепицкий жилмайиб, Дизмага қўл узатди.

— Раҳмат, пан раис. Лекин сиз менга қандай маош белгиламоқчи эканлигингизни билишни истардим.

Никодимга «пан раис» жуда ёқиб тушди. У қўллари-ни белига тираб сўради:

— Ҳўш, қанча истайсиз?

— Айтиш қийин...

— Тортинмасдан айтавёринг.

— Узингизга ҳавола қламан, пан раис.

Дизма оқ қўнгиллик билан илжайди.

— Пан раис пан секретарь ўз маошини ўзи белгилани керак, деб ҳисоблади.

Ҳаммалари мулоийимгина кулиб қўйишиди.

— Эй худойим-ей, менимча, бирор минг злотий бўлсан,— деда гап бошлади Пшеленская.

— Бир минг икки юз!— деди шошилиб Кшепицкий.

— Нима? Бир минг икки юз? Мен сизга бир минг беш юз бераман.

Дизма шундай деди-да, уларга керилиб кўз югуртириб чиқди. Кшепицкий стулдан сапчиб туриб, таъзим қилганича пан раисга миннатдорчилик билдира бошлади.

Пшеленская бу ишни ювиш керак деб, хизматкорга бир шиша шамланское келтиришни буюрди.

— Ҳўш, Кшепицкий,— деди Дизма қадаҳни қўтариб,— фақат битта шартим бор: бир-биrimизга кафил бўлишимиз керак. Тушунарлим? Бу доим бир-биrimизни ёқлаймиз дегани бўлади. Икковимиз орамизда бўладиган маслаҳатлар бирорвга айтилмаслиги керак.

— Тушунаман, пан раис.

— Мен эса, ўз навбатимда, агар ишингиздан мамнун бўлсан, ҳар байрамда икки-уч минг злотий мукофот бериши ваъда қиламан.

Кшепицкий Дизмани меҳмонхонага кузатиб қўйди. Ўйда улар банка ҳақида гаплашди, Никодим эртагаёқ Кшепицкийни Вандришевский билан таниширадиган бўлди.

— Вақтим жуда зиқ — яна баъзи ишларни ҳал қилишим керак, шу боисдан келишиб олайлик: ташкилий ишлар билан Вандришевский шуғулланади. У менга эмас, сизга ҳисбот беради. Тушуняпсизми? Сиз эса унинг гапларини менга айтиб, мен билан маслаҳатлашасиз ва менинг бўйруқларимни унга етказиб турасиз.

— Шундай қисқа яхши бўлади,— деда шоша-пиша унинг фикрига қўшилди Кшепицкий.

— Бошқариш санъати, пан Кшепицкий, масалани тез ҳал қилишдан иборат. Шуни ёдингизда тутинг.

Мәхмөнхонада Дизмани Улиницкий кутиб турган экан. У гулдираган овозда дўсти билан саломлашди.

— Биласанми, Никусь, кечаги иччиликдан ҳалиям бошим ғувиллаб турибди. Хўш, қалайсан? Ташриф бу юрдингми?

— Қаңақа ташриф?

— Лозим бўлган жойларга-да. Бош министрникига, Яшунский, Брожинский ва яна баъзи бировларниги... Терковскийнинг олдига бормасанг керак, албатта? Ундей десам, Теровский сендан хафа эмас шекилли.

— Сенингча, бориши шартми?

— Бўлмасам-чи!

— Ҳм...—дэя тўнғиллади саросимага тушиб Дизма.— Биласанми, бир ўзим... Агар сен мен билан борганингда эди.

— Бўлти, бораверамиз.

Улар керакли одамларниги эртага боришига келишиб олишди, чунки бугун кечқурун иккovi ҳам банканинг очилиш муҳлати белгиланиши ва бўлак расмий масалалар муҳокама қилиниши лозим бўлган мажлиса иштирок этишлари керак эди.

Орадан икки ҳафта ўтмасданоқ ташкилий ишлар жуда юришиб кетди. Банка учун Вспульная кўчасидаги янги бир иморатни ажратиб беришди. Бу иморатнинг икки қаватида банканинг ўзи билан раиснинг саккиз хонали квартираси жойлашган эди.

Тўғри, қонун ҳали сейм комиссияларида ишлаб чиқилаётганди, бироқ иккала палата ҳам ҳукумат лойиҳасини сўзсиз тасдиқлашига ҳеч қандай шубҳа йўқ эди.

Буларнинг ҳаммаси Дизмани унча ташвишга солмасди, чунки барча ишларин Вандришевский билан Кшепицкий бажаришмоқда эди.

Кшепицкий баҳоси йўқ ходим чиқиб қолди. У енгини шимарив ишга киришиб кетди, зеҳни ўткир одам сифатида ҳаммага ўз айтганини қилдира бошлади. Ҳар гал у бир жумлани айтиб, қатъий оҳангда:

— Пан раис шуни истаятилар,— дерди.

Аввалига Вандришевский ҳамда Кшепицкийнинг ҳар бир ишга тумшуғини тиқаверганидан норози бўлган бошқа амалдорлар Дизмадан, чиндан ҳам сизнинг фикринги шунақами, дэя сўраб-суриншириши. Аммо Дизма кў-

нича гап нима ҳақида бораётганини тушунмаса-да, ҳар гал:

— Рост, Кшепицкий шундай деган экан, демак, мен шундай қилинглар, деб айтган бўламан—ортиқча сўраб-суринширишга ҳожат йўқ,— дея бир хил жавоб қилларди.

Шу боисдан ҳам ходимларнинг бари тез орада Кшепицкийнинг хиравигига кўнишиб кетиши. Дарвоқе, бу одам тезда раис билан дўстлашиб кетди. У ҳар куни Дизма билан гаплашар экан, тезда хўжайнининг заиф томонларини билиб олди ва бундан шу қадар усталик билан фойдаланди, Никодим ёнди усиз бирор иш қимолмайдиган бўлиб қолди. Лекин шунга қарамай Дизма Кшепицкий билан доим эҳтиёт бўлиб гаплашарди. Никодимнинг кундан-кун обрўси ошиб, юқори доираларда таниш-билишлари кўпайиб бораарди. Кшепицкий Дизмани қандайдир сеҳрли бир кучга эга, ғоят доно одам, деб ўйлар ва шунинг учун ундан бир оз чўчиб юрар эди.

Тўғри, Кшепицкий баъзан Никодимнинг ақли хиравишиб қолиб, жуда осон масалаларни ҳам тушунолмаслигидан хайратта тушарди. Бироқ кейин секретарь, ходимлари бирор наиранг ишлатгудек бўлса, уларни осонгина фош қилиш учун раис ўзини жўрттага гўлликка соляпти, деган фикрга келди. Боз устига Кшепицкий, тақдири Дизманинг қўлидалигини, агар у ишдан кетгудек бўлса, ўзининг ҳам омон қолмаслигини, бошлиғининг обрўсини ошириш ўзи учун фойдали эканлигини яхши тушунарди. Шу боисдан ҳам у Дизмани улуғ одам сифатида кўрсатишга, унинг шуҳратини оширишга қўлидан келган ҳамма ишни қилди. Бу эса, ўз навбатида, Никодимнинг ниятига жуда мос тушарди.

Дизма сўнгги пайтларда ўзига кўрсатилайтган иззат-эҳтиромларни кўриб, нималарга қодир эканлигини шу пайтгача билмай юрганига ишониб қолди. Бироқ у эҳтиёткорлигини қўймади. У ақли ўткир эмаслигини, одамлар олдида ўзини тута билмаслигини, маълумотининг жуда пастлигини яхши сезарди. Никодим факат Кшепицкий билан эркин гаплашарди, бироқ унинг олдида ҳам ўзини сирли қилиб кўрсатишга ҳаракат қиласарди.

Кўп ўтмай у бутун Польшада энг камган одам сифатида шуҳрат қозонди. Баъзилар буни инглизларнинг таъсири дейишса, бошқалар, бир куни бош министрни

кидаги қабул маросимида хонимлар уни гапга солишмоқчи бўлишганида, Дизма:

— Менинг гапирадиган гапим йўқ,— дея жавоб қилганини эслашарди.

Тўғри-да, кўп ўйлайдиган одам, одатда кам гапиради.

Гарчи Никодим сир бой бермаса-да, у киборларнинг расм-русмини билмаслиги, кўп сўзларни тушунмаслигидан жуда сиқиларди. Шу боисдан у камчиликларини тузатишга аҳд қилди.

Шу мақсадда Никодим Свентошкиская кўчасидаги китоб магазинларидан бирига кириб, «Хорижий сўзлар луғати», «Энциклопедия» ва «Бонтон» жилдларини сотиб олди.

Унга айниқса «Бонтон» асқатди. Биринчи куниёқ бу китоб ёрдамида у Уляницкийнинг нима сабабдан бош министрнинг почта қутисига бир эмас, иккита ташрифнома ташлашии буюрганини тушуниб олди.

«Луғатдан» эса у мунтазам фойдаланаарди. У ўзи тушуммаган ҳар бир сўзни эслаб қолишига ҳаракат қиласарди ва уйга қайтгач, луғатдан унинг маънисини билиб оларди.

«Энциклопедияни» Никодим муттасил равишда син-чиклаб ўқий бошлади. У бу китобни бошидан ўқиб, Коборовога жўнагунига қадар «Д» ҳарфига етиб борди. «Энциклопедия» Дизмага унча ёқмади, бироқ Никодим унинг фойдаси тегаётганини сезиб қолди ва китобни охиригача ўқиб чиқишига жазм қилди. Агар Нинадан келаётган хатларни ўқишини ҳисобга олмаса, Никодимнинг шундан бўлак иши йўқ эди. Ҳар куни у жувондан лоақал битта хат оларди. Хатлар жуда узун бўлиб, Дизма уларнинг чиройли услубда ёзилганини тан олса-да, охири жонига тегиб, уларни ўқимай қўйди. Одатда у хатларнинг охирини — сўнгги янгиликлар хабар қилинадиган жойини ўқиб қўя қоларди. Мактублардан Никодим, Куницийнинг гениал бошқарувчисидан воз кечмоқчи эмаслигини, Дизма банка раислиги мансабини Коборово амлонининг мухтор вакили лавозими билан қўшиб бажариши мумкин, деяётганини билиб олди. Ахир унга бутунлай эркинлик бериб, бирор вазифа бажаришни талаб қилишмас экан-да.

Нина бундан гоят хурсанд бўлиб, Дизмадан рози бўлишни илтимос киласарди. Никодим анчагача иккиланиб юриб, Кшепицкий комил ишонч билан, ортиқча давлат

бош оғритмайди, деганидан кейингина бу таклифни қабул қилди.

У бу қарори ҳақида Нинага хабар қилмади, чунки жувоннинг илтимосига биноан унга умуман хат ёзмас эди. Коборовода барча ёзищмалар Куницийнинг қўлидан ўтарди, шу боисдан Нина эрининг, бундан икки йил муқаддам Қасянинг мактубини ўқиб чиққани каби, бу хатларни ҳам очиб ўқиши мумкинлигидан чўчирди.

Раис квартирасини жиҳозлаш ишлари билан Кшепицкий шугулланди. У шу қадар ғайрат қилди, икки ҳафта ичидаги ҳаммаси таҳт бўлиб, Никодим мөҳмонхонадан Вспульнаядаги ўз квартирасига кўчиб ўтди.

Эртасига у нарсаларини олиб келиш ва бир йўла Куниций билан гаплашиб олиш учун Коборовога равона бўлди. Якшанба куни эди. Никодим телеграмма беришни унутгани учун унга извоши юборишмабди. Шу боисдан икки километр пиёда юришга тўғри келди. Эрталабки ҳаво жуда ажойиб бўлиб, Никодим бундай сайдардан ҳатто ҳузур ҳам қилди.

Тахта тилиш заводининг яқинида унга қофоз фабрикасининг мастери дуч келиб қолди. Мастер Дизмага эҳтиром билан таъзим қилди.

— Хўш, Коборовода ишлар қалай? — сўради Дизма тўхтаб.

Худога шукур, ҳаммаси жойида, пан бошқарувчи.

— Мен энди бошқарувчи эмас, банка раисиман. Газета ўқимадингларми?

— Бўлмасам-чи, ўқидик... Фоят хурсандмиз...

— Ўқидингларми? У ҳолда менга, пан раис, деб мурожаат қилиш керак. Тушундингизми?

— Тушундим, пан раис.

Дизма қўлларини чўнтағига тиқиб, бош ирғади-да, йўлида давом этди. Лекин у уч-тўрт қадам юргач, орқасига ўғирилиб, қичқирди:

— Ҳой менга қаранг!

— Эшитаман, пан раис.

— Пан Куниций уйдами?

— Йўқ, пан раис, у киши ҳозир Сивая Воркада бўлсалар керак. Бугун у ерда тор изли темир йўл қурилиши бошланади!

— Бироқ бугун якшанба, байрам-ку ахир.

— Э, пан помешчик фақат ишлари бўлмаган куилардагина байрам қиласарди, пан раис,— дея жавоб қилди мастер истеҳзо аралаш.

Дизма қовоғини солди.

— Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Энг муҳими — иш. Сизларга қўйиб берса, доим байрам қилардингиз. Табиатингиз шунақа ўзи.

У қўлларини орқага қилиб, уй томон юриб кетди.

Катта эшик қулфоғлиқ экан, хизматкор келиб, уни очгунига қадар Дизма анчагача қўнғироқ қилиб туришга мажбур бўлди. Хизматкор Никодимнинг қовоғидан қорғиб турганини кўриб, қўрқиб кетди.

— Нима бало, ўлганмисан ҳамманг? Қўнғироқни ёшитмайсанлар-а!

— Мени кечиринг, буфетда эдим...

— Буфетда бўлсанг нима қилиби? Аҳмоқ! Мен ярим соатдан бери эшикда турсаму, бу киши буфетда юрася. Ҳе, тумшуғинг қурсин! Қани, еч пальтомни! Мунча чўчқага ўхшаб анграясан? Бека қаерда?

— У киши уйда йўқлар, пан бошқарувчи. Бека костелга ибодат қилгани кетганилар.

— Биринчидан, мен сенга пан бошқарувчи эмас, пан раис бўламан. Иккинчидан, эса хўжайинлар уйда йўқ пайтда бекор ўтиришга нима ҳақларинг бор? Текинхўрлар! Бугун байрам эмас! Байрам иш йўқ пайтда бўлади. Тушундингми? Сенларнинг бошингда ёнгоқ чақиб туриш керак. Хўш, нега серрайиб турибсан?

Хизматкор таъзим қилди-да, вестибюль томон жўнаб қолди.

— Бу жулдурвоқиларнинг бошида ёнгоқ чақиб туриш керак,— деда тўнғиллади ўзича Дизма,— бўлмасам бошингга чиқиб олишади.

У қўлларини чўнтағига тиқиб, уйни айланиб чиқди. Барча ҳоналар саранжом-саришта қилинган эди. Фақат Куницикйининг ётоқхонасида хизматкорлардан бири полни супурганида, шчёткани унудиб қолдирибди. Дизма қўнғироқ чалди-да, югуриб келган хизматкорга индамай шчёткани кўрсатди.

— Ҳе, ифлос!— деда тўнғиллади у хизматкор гойиб бўлгач.

Дизма биринчи қаватни айланиб чиққач, юқорига кўтарилиди. Нинанинг будуарида деразалар ланг очиқ эди. Никодим у ерадаги мебель, картина ва фотографияларни қизиқиб томоша қила бошлади.

Айниқса, ёзув столида расмлар кўп эди. Никодим кичкина креслога ўтириб, уларни томоша қилар экан, четдаги қутининг дастасини тортди. Бироқ у қулфлог-

лик экан. Ўртасидагина тортиб кўрган эди, у осонгина очила қолди.

«Бу ерда нима бор экан?»— деб ўйлади Никодим ва қутини ярмисигача тортиб чиқарди.

Кути ҳам ёзув столи каби батартиб эди. Яшил ва ҳаво раиг иплар билан боғланган даста-даста хатлар қатор қилиб тахлаб қўйилганди. Хатларнинг кўни Нинанинг монастиръ пансонида бирга яшаган дугоналаридан келган экан; Никодим уларни кўздан кечира бошлади, баъзи хатлар францууз тилида ёзилган эди.

Хатларнинг ёнида полотно муқовали бир дафтар турарди. Дизма уни очиб кўрди: Нинанинг ёзуви. Дафтарнинг ярмидан кўпи ҳали ёзилмаган эди.

«Хотира дафтари»,— фаҳмлади Никодим ва уни қизиқиб варақлай бошлади.

Сўнг у дафтарни қўлига олиб, извошнинг келишидан бехабар қолмаслик учун дераза тагига бориб ўтириди.

Биринчи саҳифага:

«Тушунмоқ — бу кечирмоқ демакдир»,— деган афоризм ёзилган эди. Иккинчи саҳифадан хотиранома бошланарди.

«Бугун мен кўп одамлар томонидан мазах қилинган ишга жазм этдим — хотиранома ёза бошладим.

Йўқ, бу менинг хотира дафтарим бўлмайди. Питигрилли, хотира дафтари тутадиган одам бурнини қоқиб, сўнг дастрўмолини томоша қиласидиган кишига ўхшайди, деган экан. У ноҳақ, ахир бу воқеалар ёки таассуротларни ёзиб қўйишдангина иборат эмас-ку! Мен, масалан, фақат ўз фикрларимнинг конкрет ифодасини кўриш учунгина хотира дафтари тутаман. Менинча, оғзаки ёки ёзма равища ифода этилмаган фикрни шаклланган, юзага чиқсан фикр деб бўлмайди.

Хотира дафтари ҳақида яна бир ёлғон гап: чамаси, Оскар Уайлд бўлса керак, хотира дафтарини одам кейинчалик бирор киши ўқиб чиқиши учун ёзади, деган эди. Унингча, одам буни атайлаб, ёки жуда бўлмаганди — беихтиёр килар эмиш.

Е тангрим! Менинча, у дунёда ҳеч кими, мутлақо ҳеч кими бўлмаган одамлар ҳам бор эканлигини хаёлига келтирмаган бўлса керак!

Хўш, мен ким учун ёзай? Эрим учунми? Ахир у мени ўраб турган мудҳиш бўшлиқ билан баробар-ку. Бо-

лаларим учунми? Менинг болаларим йўқ, афсус, ҳеч қа-  
чон бўлмайди ҳам. Мендан юз ўғирган қариндошларим  
ёки телба акам Жорж учун ёзайми?

Кася учунми?. Ҳеч қачон. Биз турли қутблардамиз,  
у мени ҳеч қачон тушунмайди. У мени севишидан нима  
фойда? Умуман, тушунмай туриб севиб бўлармишми?  
Менимча, севиб бўлмаса керак. Дарвоқе, шу ҳам севги  
бўлибдими? Агар бу севги бўлган тақдирда ҳам, жуда  
ибтидоий даражада. Бир неча бор: агар бирор баҳтисиз-  
лик содир бўлиб, чандиқлардан бадбашара бўлиб қол-  
сан-а, деб ўйладим... Кася... У менга ким бўлади ўзи?  
Нега мен кундузи кечаги тунга лаънат ўқиб, бўлажак  
тундан ўзининг ҳимоя қиломайман, бошқача қилиб айт-  
гаんだ — ўз заифлигимдан қутуломайман?..»

Никодим елкасини қисиб қўйди.

— Оббо! Бунча ғиншийди бу хотин. Бу гапи билан  
нима демоқчи ўзи?

У яна бир неча саҳифани очди.

Хотира дафтарига саналар қўйилмаган эди. Саҳифа-  
лардан бирида Никодим чет элга қилинган сафар ҳақи-  
даги қисқагина ёзувни ўқиди. Кейин музыка ҳақида  
мулоҳазалар бошланиб, сўнгра қандайдир Билитис ва  
Мназидика ҳақида, чамаси, Нинанинг холаваччалари  
ёки дугоналари тўғрисида гап кетади.

Никодим ўзи тўғрисида бирор гап ўқигиси келди.  
Чиндан ҳам у тахминан ўни бетлардан сўнг ўз исмими  
кўриб қолди.

«Қани, кўрайлик-чи», — деди у ва қизиқиб ўқий бош-  
лади.

«Бугун мен янги одам билан танишдим. Унинг исми  
жуда ғалати экан: Никодим Дизма. Бу исмда қандай-  
дир сирли, кишини ҳаяжонга соладиган бир нарса бор.  
У кучли одам сифатида ном чиқарган экан. Назаримда,  
бу гапда жон борга ўхшайди... Ўнга Ницше тасвирлаган  
қудратли одамнинг қамчими жуда яраша керак. Ундан  
эркаклик кучи ёғилиб турибди. Эҳтимол, бу қўпол, иб-  
тидоий кучdir, лекин у шу қадар қудратлики, унга бўй-  
сунмай илож йўқ. Касянинг фикрича, қўпол, дагал, ор-  
сиз эмиш. Биринчи гапи тўғри. Иккинчисига келсак, мен  
ҳали бу ҳақда бирор фикрга келганим йўқ. Менга у ёқ-  
япти».

Никодим жилмайди-да, чўнтағидаён ён дафтарини  
олиб, ўзи тушунмаган сўзларни ёзиб олди.

— Хўш, бу ёғида нималарни ёзибдийкин?

Бу ёғида туш кўргани ва Кася билан аразлашиб  
қолгани ҳақида бир неча саҳифа ёзилган эди. Никодим  
яна ўзининг исми тилга олинган жойни ўқиди:

«Кася буни тушунмайди. У Никодимни ёмон кўради,  
чунки ўзининг ҳаётга муносабати жуда ғайри табиий.  
Агар аёллигимни бир четга суриб қўйилса, мен кимман  
ўзи? Ахир менинг бутун моҳиятим аёллигимда-ку. Ақ-  
лим, эстетик қарашларим — ҳаммаси фақат аёллик мо-  
ҳиятимга хизмат қиласди. Эрқак киши менга фақат руҳан  
эмас, балким жисман ҳам таъсир қиласа, бунинг нимаси  
ажабланарли экан? Ким билсин, унинг ўрида бошқа  
шундай соглом ва бақувват эрқак бўлса, у ҳам, эҳтимол,  
менга худди шундай таъсир кўрсатиши мумкин эди».

— Буни қаранг-а! — дея бош чайқади Никодим. —  
У кишига эрқак бўлса кифоя экан-да.

У деразадан ташқарига кўз ташлаб, қўрқмай ўқий-  
вериши мумкинлигига ишонч ҳосил қиласди. Кейинги са-  
ҳифалардаги ёзув янги бўлиб, ҳали сиёҳининг ранги ўч-  
маган эди.

«Бугун у Варшавага жўнаб кетди. Бош министр ча-  
қиртирибди. Ғусса чекиш — жуда ғалати туйғу. У руҳий  
осоиишталикка раҳна солади. Никодим Варшавада мен-  
га хиёнат қиласмикин? Бирон нарса дейиш қийин, уни  
ҳали яхши билмайман. Никодим тўғрисида ўйлаганим  
сайнин, унинг қандайдир сири борлигига, у шу сирни ўзи-  
га қалқон қилиб олганига ишонялман. Ким билсин, бу  
қалқон муҳаббатнинг ғолибона, кучли таъсирида бирор  
кун очилармикин? Очилганидан сўнг дилимга тулгула  
солмасмикин?

Билмайман. Аслини олганида у ҳақида ҳеч нима бил-  
майман, менга фақат бир нарса аён: доим фикри ёдим  
ўшанда, асабимнинг ҳар бир тори ўша билан бўлишни  
истайди. У жуда кам гапиради, шу қадар кам ва содда  
гапирадики, агар ҳар куни пешанаси тор бу одамнинг  
тийрак ақли тинимсиз ишлашига шоҳид бўлмаганимда  
уни чекланган одам деб ўйлашим мумкин эди. Кася уни  
маданиятсиз деяпти. Ёлғон. Эҳтимол, унга сиртқи жило  
етишмас, эҳтимол, унинг тарбиясида камчиликлар бор-  
дир. Тўғри, унинг Оксфорд университетида ўқиганини

назарда тутганда бу ҳол бир оз ажабланарли туюлади. Бироқ бошқа томонини олганда, балки, у атайлаб шундай қилас. У ҳаётнинг моҳиятигагина эътибор беришини таъкидлаш учун ҳам унинг таомилларига беларво қарайди. Бу нарса унинг кийинишида ҳам сезилади. Унинг қомати келишган, бунга шубҳам йўқ. Фақат костюми уни бир оз бесўнақай қилиб кўрсатади. Унинг чиройли ёки хунуклиги ҳақида ҳам кўп ўйладим. Никодим чиройли эмас. Лекин менга ҳуси керакми? У мени ўзининг эркаклик моҳияти билан шайдо қиляпти. Мен унинг қўллари чиройликроқ бўлишини истардим. Бугун унга каттагина хат ёзиб юбордим. Уни жуда соғинганман».

Кейинги саҳифа французыча гап билан бошланган бўлиб, сўнг қўйидагилар ёзилган эди.

«Фалокат рўй берди. Газеталарни ўқиганимда ҳушумдан кетиб йиқилаёздим. Унинг Коборовога қайтмаслиги мумкин деган фикрнинг ўзиданоқ аъзойи баданим титраб кетяпти».

— Оббо, роса жигаридан урибман-ку!— дея тўғифлади Никодим ва бу нарса кишига жуда хуш ёқса-да, кейинчалик кўп ташвиш орттириши мумкин, деган хаёлга борди.

«Леон унга табрик телеграммаси юборди. Ё тангрим, кани энди у Леоннинг таклифини қабул қилиб, шу ерда қолса! Мен Варшавага кўчиб боришни орзу қиляпман.

Йўқ, бу мумкин эмас. Пшеленская холам ёки бирорта таниш одамни учратиб қолишдан чўчиб, кўчага чиқолмайман бу ерда.

Мен уларнинг кўзларига қараёлмайман, аммо шу билан бирга уни кўришдан воз кечишга қурбим ҳам етмайди».

Кейинги саҳифадаги ёзув бундан ҳам қисқароқ эди. «Кечаси билан ухлаёлмай чиқдим. Ё парвардигор! Эҳтимол, у бойиб кетар!!

У мени севармикин?

Бу тўғрида ундан сўраганимда Никодим қисқагина қилиб: «Ҳа»,— дея жавоб қилди. Бу жавоб жуда кўп нарсани билдириши ёки дилида менга нисбатан ҳеч нима йўқлигидан далолат бериши мумкин».

Никодим янги саҳифани очди-да, деразага қаради. Хиёбоннинг охирида автомобиль кўринди. Куницкий қайтиб келмоқда эди.

Дизма шошилиб ўрнидан турди-да, хотираномани жойига қўйди ва секингина коридорга чиқиб, юрганича зинапоядан пастга тушди. У жуда вақтида тушган экан — катта эшик очиляб, остонода Куницкий пайдо бўлди. Чол қучоқ очиб, Дизманни бағрига боса кетди.

— Азизим, пан Никодим! Ящанг-е! Чин қалбимдан табриклайман! Телеграммани олдингизми? Хўш, қалай? Ишни кенг кўламда ташкил этаяпсиз. Газеталарда сизни жуда мақташялти... Сизни чин кўнглимдан табриклайман. Дарвоқе, сизга фақат яхшилик тилашимни ўзингиз ҳам биласиз.

— Раҳмат.

— Қани, қани, ўтиринг, азизим пан Никодим, қадрли пан раис. Сизга бир нарса таклиф қалмокчиман.

У Дизмани креслога ўтказди-да, кейин бирдан шопшилганини пайқаб қолди:

— Балки, дам олиши истарсиз?

— Йўқ, ҷарчаганим йўқ.

— Худога шукур. У ҳолда, марҳамат қилиб, гапимни тингласаңгиз. Агар таклифимни рад этгудек бўлсангиз, дарҳол жавоб берманг. Майлими?

Никодим жилмайиб, кўзларини қисди:

— Сиз нима таклиф қилмоқчи эканлигинизни ўзим топсан-чи?

— Топа олармикинсиз?— дея ажабланди Куницкий.

— Сиз бошқарувчи бўлиб қолишимни истайсиз? Шундай эмасми?

Куницкий ўрнидан сапчиб туриб, яна Никодимни бағрига босди. У турли далиллар келтириб, тезда Никодимнинг бошқарувчилик лавозимида қолиши кераклигини икки карра икки тўртдек исботлаб берди.

— Банка правлениесининг раиси, азизим пан Никодим, давлат амалдори эмас-ку ахир. У корхона бошлифи, холос, шу боисдан ҳам барча вақтини банкага сарфлаши шарт эмас.

Никодим аввалига ўзини бир оз иккиланаётгандек кўрсатиб турди-да, сўнг Куницкийга, агар ғалла банкасининг раиси менинг бошқарувчим бўлади, деб ҳеч кимга айтмасангиз, майли, деди.

Турган гап, Куницкий бу шартни бажону дил қабул қилди.

Бу орада Нина қайтиб келди. У Никодимнинг таъзимига жавоб бермади, бироқ жувоннинг порлаб турган кўзлари шу қадар кўп нарсани айтмоқчи эдики, агар Куницкий сезгирроқ бўлганида дарҳол ҳаммасини билиб олган бўларди.

Никодимнинг розилигидан қувониб кетгани учунми, ҳарқалай чол бу ҳолни пайқамай қолди. У вағиллаб хотинига, пан Никодим Коборовони ўз ҳолига ташлаб кетмаётгани ва уларга ғамхўрлик қилиб, бу ерга тез-тез келиб туражагидан қанчалик хурсанд эканлигини тушунира бошлади.

— Мен ҳам ғоят хурсандман,— деди Нина ва кечирим сўраб, кийимини алмаштиргани чиқиб кетди, чунки Коборовода якшанба кунлари соат иккита овқатланишарди.

Кунни учовлон ўтказишди. Бундан Нинанинг норозилиги яққол кўриниб турарди: Куницкий банканинг ишлари ва унинг очилиш мухлати билан қизиқар, умумий кризис ҳақида гап сотар, солиқлар ҳамда ижтимоий талабларни кондириш учун бўлаётган харажатларнинг оғирлиги тўғрисида мулоҳаза юритар эди. Бироқ энди у ҳосилнинг мўллигидан шикоят қилмай қўйганди.

Кечки овқатдан сўнг улар автомобилда сайр қилишга қарор қилишди. Оқшом ҳавоси ғоят ажойиб эди. Йўл ўрмон оралаб кетганди. Осмондан ой мўраларди, кумуш ёфдуга кўмилган йўл қандайдир сирли жозибаси билан кишини ўзига мафтун этарди. Ҳаёл дарёсига ғарқ бўлган Нина автомобилнинг юмшоқ ўринидигига суниди. Бу сайрнинг ғаройиблигини ҳатто Никодим ҳам ҳис этиб турарди. Ёлғиз Куницкийгина тинмай бидирлаб борарди.

Улар соат ўндан ошганида уйга қайтиб келишди. Нина дарҳол тепадаги ўз бўлмасига чиқиб кетди. Куницкий эса Дизмани у ётадиган хонанинг эшигига қадар кузатиб борди-да, яхши уйқу тилаб, қайтиб кетди.

Никодим ечина бошлади.

Энди у Нинанинг хотира дафтари тўғрисида бемалол ўйлаб кўриши мумкин эди. Ҳали бирор қатъий фикрга келиб бўлмасди. Фақат бир нарса аниқ эди: Нина уни бениҳоят севиб қолган бўлиб, Никодимнинг бир кун эмас, бир кун унга уйланишига умид қиласди.

Дизмани ҳаммасидан ҳам хурсанд қилган нарса — Нина унинг Оксфордда ўқигани ва жуда ақлли одам

эканига ишониши эди. Чамаси, Никодим жуда тўғри йўл танлаганди. Уйланиш масаласига келсан...

Очиғини айтганда, Дизма бу ҳақда биринчи марта жиддий ўйланиб қолди. Нина унга ёқарди, албатта, иншайкейин графиняга уйланиш ҳам ҳазил гап эмас: у таъшидиган аркони давлатлардан биронтаси ҳам ҳақиқий зодагон хонимга уйланимаган эди... Лекин, бошқа жиҳатдан ёндашганда, бисотида бир тийини бўлмаса-да, шундай катта талаб қўядиган хотинга уйланиш... Фақат кўйлакларининг ўзига қанча пул кетади! Ҳар куни уч хил кийинса, чет элга саёҳат қиласа, узук ва билагузукларни ишта пўчоғидек билса! Ахир улар ажралишган тақдирда Куницкий унга сариқ чақа ҳам бермайди-ку...

Тўғри, Никодимнинг банкадаги маоши катта, аммо шуям етмайди. Кейин, ким билади, уни раисликдан бўшатиб юборишилари мумкин — у ҳолда Дизма елкасида тирик товон билан бошини қаёққа сукади?... Қани энди, Куницкий хотинидан ажрашгандан кейин ҳам уни бошқарувчиликдан бўшатмаса!. Лекин бу ҳақда сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Яна битта қийинчиллик бср: у Нинанинг анови ақлдан озган акасини нима қиласди? Бир ками ўша тентакни боқиши қолувди...

Никодим чироқни ўчириб, кўрпани бошига тортди. Понимирский ҳақидаги фикр масалани узил-кесил ҳал қилган эди.

«Аҳмоғи йўқ»,— деди ўзига ўзи Никодим ва бошқа ёнига ўгирилиб ётди.

Унинг эндинига кўзи илина бошлаган ҳам эдики, бирдан хиёбонга тўкилган шағал устидан кимнингдир шинниллаб юриб келаётганини эшишиб қолди.

«Ким экан кечаси бу ерда санқиб юрган?»— Никодим бошини кўтарди.

Бирдан унинг юраги орқасига тортиб кетди.

Дараҳт шохларининг сирли шарпалари билан ўйнашиб турган ой шуъласида у хонасининг паркка қараган ойнабанд эшиги олдида аллакимнинг турганини кўриб қолди...

«Ўғри!..»— дея дилидан кечирди Никодим.

Ҳалиги одам бир зум қотиб турди-да, сўнг қўлини кўтариб, эшикни тақиллатди.

Никодимнинг эти жимирлашиб кетди. Бехосдан: «Понимирский! Бутунлай ақлдан озиб, мени ўлдиргани келибди»,— деган ҳаёл кечди дилидан.

Эшик қаттиқроқ тақиллади. Дизманинг кўрқувдан қимир этишга мажоли қолмаган эди. У фақат даста айланса-да, эшик очилмаганин кўргандан кейингина хаёл ўзига келди, демак, эшик қулфлоғлиқ экан.

Бу нарса унга бир оз далда берди. У салчид ўрнидан турди-да, деворни панараб, эшикка яқинлашиб ва эшик ойнасидан мўралади.

Қаради-ю, ҳайратдан қичқириб юборишига сал қолди. Эшик ортида Нина турарди.

Никодим шоша-пиша шимини кийди-да, эшикни очди. Нина хонага сирғалиб кириб, унинг бўйнидан кучди.

Дизма уни каравот томон сургаб қолди.

— Йўқ, — деди жувон унамасдан, — ўтинаман сендан... Бу ишни қўй... Мана бу ерга ўтирайлик... Мени ҳатто шу жиҳатдан тушунганинг учун ҳам сени шу қадар севаман... Сен-чи? Сен мени севасанми?

— Севаман.

— Жонгинам...

У Диэмадан тез-тез бўса олар экан, соғинч, орзу-умид ва қувончларини ҳикоя қиласарди.

— Биласанми, агар бу ерга келиб, сени қучоқламасам, сен ёнимда бўлсанг, бирорта бошқа аёл сени мендан тортиб олмаслигига ишонсанм, ўзимни қандай хотиржам ва осойишта ҳис этишимни айтмасам, кечаси билан ухлаёлмай чиқсан бўлардим. Айт-чи, менга хиёнат қилганинг йўқми?

— Йўқ.

— Ростдан-а?

— Шу пайтга қадар хиёнат қилганим йўқ.

— Очифини айт,— қаттиқ туриб олди Нина,— Варшавада ўйнашинг йўқми?

Никодим уни ўйнаши йўқлигига ишонтирган эди. Нина мукофотига унинг юз-кўзидан ўпди.

Дизма журъатсизлик қилганидан тажанг бўлиб, ҳатто Нина бу ердан чиқиб кетгач, мени латта деб атамаси гўргайди, деда хавфсирай ҳам бошлади.

Бу орада Нина унинг янги мартабаси ва эҳтимол, энди улар турмуш қуришлари мумкинлиги тўғрисида гап очди. Энди устомонлик қилишнинг вақти келган эди. Никодим хиёл ўйланиб турди-да, бир оз кутиш лозимилиги, ҳали маоши камлигини айтди.

— Иккинчидан, ўзинг Варшавада яшашни истамайман, деган эдинг. Мен эса ўша ерда яшашга мажбурман.

Нина матьюс тортди. Ҳа. Рост... Балки, Варшава яқинидаги бирор жойга кўчиб бориши мумкинdir. Никодим шинга автомобилда қатнайвөради... Шундай деда жувон келажак режаларини тузা бошлади.

Никодимнинг уйқуси келди. У мудраб қолмаслик учун налирос тутатди.

— Эҳ,— деда гап бошлади Нина,— бизнинг болаларимиз бўлади. Болалик бўлиш қандай баҳт-а! Айт-чи, жоним, сен болаларни яхши кўрасанми?

Дизма болаларни жинидан баттар ёмон кўрар эди. Лекин у Нинанинг кўнглига қараб:

— Жуда яхши кўраман,— деда жавоб қилди.

— Қандай ажойиб! Бизнинг анча болаларимиз бўлали...

— Менга қара,— деда унинг гапини бўлди Никодим,— стоқхонангдан чиқиб кетганингни эринг сезгани йўқми?

Нина ташвишга тушиб қолди. Чиндан ҳам у бу ерда кўп ўтириб қолган эди. Аслини олганда у ҳеч нимадан кўрмасди-ю, лекин ҳар қалай жанжал чиқмагани мъякул эди.

Улар ўпишиб хайланишгач, Нина чиқиб кетди.

Дизма каравотга ётиб, устига кўрпа тортди-да:

— Ҳе, жин урсин бунақа севгини!— деда тўнғиллаб кўйди.

## 10- боб

Давлат ғалла банкасида иш жуда юришиб кетди. Иқтисодий эксперимент кутилганидан ҳам яхши натижага берди. Европадаги бошқа мамлакатлар Польшага жиддий эътибор бериб, айниқса аграр мамлакатларнинг матбуоти ўз ҳукуматларидан раис Дизманинг услубини қўллашни талаб қила бошлади.

Раиснинг ўзи ҳукумат доираларига яқин одам бўлиб қолди, ҳатто оппозиция ҳам уни ҳурмат қилиб, аҳён-аҳёнда унинг номига мақтov гаплар айтиб турарди. Бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ эди, албатта.

Унинг метин иродаси туфайли давлат ғалла банкаси ҳўжалик ишлари кенг кўламда оқилона олиб бориладиган, жуда яхши ташкил қилинган корхона сифатида шухрат қозонди.

Раис Дизма ғоят меҳнатсевар одам сифатида номчиқарди: ҳа, ҳа, бу одам ўта уддабуронлиги билан ҳам ажрагиб турарди. Унинг кабинети мижозлар камдан-

кам пайтдагина киритиладиган муқаддас бир жойга айланиб қолди. Фақат секретарь Қшепицкийгина у ерга истаган пайтида кириши мумкин эди. У ҳар куни раиснинг олдига бўлим бошлиқларининг ёзма ахборотини олиб кирад, банканинг адресига келган хат ва ҳужжатларни кўздан кечирар, умуман, барча кундалик ишлардан хабардор бўлиб турарди.

Ҳар куни соат ўн бирда раиснинг ҳузурига маслаҳатли ишларни ҳал қилиш учун директор Вандришевский киради. У ўз фикрича, анча мулоҳаза қилишни талаб этадиган энг мураккаб ишларни баён этарди, бироқ раис ҳар гал сира ўйлаб ўтирамай:

— Бу таклиф рад этилсин.

Ёки:

— Ижобий маънода ҳал қилинсин,— деб қўя қоларди.

Буни кўриб директор аввалига шубҳаланиб қолди, бироқ вақт ўтиши билан раиснинг фикри доим тўғри чиқишига у ишонч ҳосил қолди. Турган гал, у мазкур ишда раиснинг секретарь Қшепицкий билан қилган суҳбатлари муҳим роль ўйнашини хаёлига ҳам келтирмас эди.

Бу орада раиснинг квартирасидаги ташрифномалар колинадиган ваза анча тўлиб қолди. Униги фақат сиёсий арбоблар ва корчалонларгина эмас, балки аристократлар ҳам қадам ранжида қилишимоқда эди. Ҳар гал князь Томаш Ростопчиининг ташрифномасини бирорта бошқа карточка ёпиб қўйганида Никодим дарҳол уни энг юқорига олиб қўярди.

Дизма иши кўплигини баҳона қилиб, меҳмонларни жуда кам қабул қиласди. Аммо ўзи «Бонтон» китобидаги кўрсатмаларга қатъян амал қилас ва айтилган жойдан қолмас эди.

Пани Пишеленская билан танишлiği ва сеҳрли «Оксфорд» сўзи Никодимнинг олдида аркони давлатлар ва машҳур зодагонлар хонадонининг эшигини ланг очиб берди. Киязъ Томаш уни барчанинг олдида ҳозирги замоннинг Вокульский<sup>1</sup> дер, мультимиллионер Збигнев Шверцнагель эса йигирманчи асрнинг Неккери<sup>2</sup>, деб атарди. Шу боисдан ҳам ҳукumat ва нефтчи магнатлар

<sup>1</sup> Вокульский — Пруснинг «Қўғирчоқ» романидаги қаҳрамон.

<sup>2</sup> Неккер — Жак (1732—1804) — Франциянинг давлат арбоби, машҳур финансист.

орасида жиддий ихтилоф туғилганида иккала томон раис Дизмадан ҳакамлик қилишни илтимос қилди. Дизма Сулаймон пайғамбардек оқиллик билан ҳукм чиқарди: у аввалига ишни пайсалга солиб, магнатларнинг кўнглини олди. Сўнгра мамлакатда четдан нефть келтириш учун мукофот тўлаш мақсадга мувофиқ эмас, дея ҳукуматни мамнун этди.

Шу муносабат билан матбуотда яна Никодимнинг расми босилиб чиқди. Шуҳратининг бундай кенг тарқалиши натижасида тез кунда бошига қандай ғавғо тушишини билганида Дизма бундан сирайм қувонмаган бўларди.

Бир куни у газеталардаги олди-қочди гапларни ўқиб ўтирган эди, Қшепицкийнинг кабинети — қўшни хонадан вағир-вугур сўзлар эшитилиб қолди. Аллаким раиснинг олдига киришга уринарди, Қшепицкийнинг норозилигига қарамай, тўполон кўтаришга ҳаракат қиласди.

Дизманинг ғазаби қайнаб кетди. У ўрнидан сапчиб туриб, эшикни очди:

— Жин урсин, нима тўполон ўзи?!

Эшикни ҳимоя қилиб турган Қшепицкий ахборот берди:

— Пан раис, бу ерда Бончекми ёки Бочекми деган қандайдир одам сизнинг олдингизга киришга уриняпти...

Секретарь оғзидан гапини айтиб бўлмасданоқ паст бўйли бақалоқ одам олдинга ўтиб вағиллай кетди:

— Салом, пан Никодим, бу менман!

Дизманинг юзига қон югурди. Унинг олдида панжаларини чўзиб, Лисковдаги почта конторасининг нозири пан Бочек турарди. Никодим дарҳол ўзини босишига ҳаракат қилди.

— Саломатмисиз, қани, марҳамат...

Никодим эшикни ёпди-да, Қшепицкийнинг қулоқ солишидан чўчиб, Бочекни кабинетнинг бурчагига бошлиб борди ва ўзи диванга ўтириб, меҳмонга стулни кўрсатди.

— Хўш, менда нима ишингиз бор, пан Бочек?

Бочек энди бир оз ҳадиксирай бошлади.

— Мен, шунчаки, эски таниш бўлганлигим учун олдингизга келдим, пан Никодим.

— Пан Бочек, — дея унинг гапини бўлди Дизма, — Министрлар Советининг раиси мени «Пан Никодим»

деб чақиради, сиз эса бир оз ўпкангизни босиб, менга «пан раис» деб мурожаат қилинг.

— Мени кечирасиз, эски таниш бўлганимиз учун оғзимдан чиқиб кетди... пан раис.

— Бу гапларни унутинг. Хўш, мендан нима истайсан, Бочек?

— Сиздан бир нарсан илтимос қилмоқчиман, пан раис. Ахир эски қадронмиз...

— Яхши, яхши, муродингизни айтинг.

— Утинаман, мени ҳимоянгизга олсангиз. Бир ойдан бери ишсизман. Хотин, бола-чақа дегандек...

— Ишдан ҳайдашдими?

— Бўшатиши, э-э-э... пан Ник... пан раис. Ганимлар тафтиш комиссияси юбориши. Комиссияда округ бошқармасида ишлайдиган Сквронек деган одам ҳам бор эди. Одам эмас, махлуқ экан у. Уша Сквронек қимматбаҳо посилкалар қайд қилинадиган дафтардан аллақандай хатолар топди. Уша дафтарни бир вақтлар ўзингиз ёзиб боргучи эдингиз...

— Секинроқ, жин урсин сени, бунча бақирасан!

Бочекниг ёғ босган митти кўзлари таажжубдан олайиб кетди. Ахир у сирайм бақиргани йўқ-ку... Собиқ хизматчиси бу гапларни биронта одам эшитиб қолишидан чўчимаяпганмикни... Бочек анча зийрак одам эди.

— Хўш, мендан нима истайсан?

— Мени ишга олсангиз демоқчийдим. Чунки...

— Менда ҳеч қандай иш йўқ. Ҳамма жой банд.

— Ҳазиллашяйпсиз чоги, пан раис. Бир имо қилсангиз бас-ку...

— Сирайм имо қилишни истамайман, эшитдингми, Бочек? Истамайман! Ўзинг айт-чи, нега энди имо қилишим керак экан, а? Бир вақтлар қўлингда ишлаганимда, азизим, сен менга бақирардинг, одам ўрнида кўрмасдинг, энди бўлса... Ҳали кўп ялинасан... Иш у ёқда турсин, шимилдириқ ҳам бермайман, билдингми!

Бочек қовоғини солиб ўтиради.

— Ҳеч вақо бермайман! У кишини қаранг! Бир вақтлар осмондан келардилар, энди товонни ўпгудек бўлятилар!

Қизишиб кетган Никодим ўрнидан туриб, депсинди.

— Ким билан гаплашётганингни биласанми?! Раис билан министрларнинг дўсти билан гаплашяпсан! Аҳмок! Тур ўрнингдан!

Бочек шошилмайгина ўрнидан турди.

— Агар буюрсам—зинапоядан кетингга тепиб тушиб қўйишади! Ҳеч ким ҳеч нима демайди! Яхшиликча, бу ердан жўнагин-да, тилингни тийиб юр, тушундингми? Уша сассиқ почтахонанг тўғрисида, мени билишинг ҳақида биронта одамга айтсанг, кўрасан. Оғзингни оча кўрма! Энди йўқол!

Бочек жойидан қўзғалмай бир оз жим турди-да, сўнг ерга тикилганича деди:

— Яхши, кетаман. Лекин зинадан кетимга тепиб тушириш учча осон эмас... Дунёда адолат бор ҳали... Агар газеталарда пан раис ўз собиқ бошлигини...

— Нима?— дея ўшқирди Дизма.

— Бунча бақирасиз, пан раис? Оғзимга урмоқчимисиз? Ҳозирча сизнинг гапингиз гап, лекин кўрамиз ҳали... Мен кетдим... Яхши қолинг...

Бочек таъзим қилиб, эшик томон йўналди.

— Шошма!— дея уни тўхтатди Дизма.

Бочек тўхтаб, хўмрайганича Никодим томон ўтирилди.

— Нима дейсиз?

— Хўш, нима қилмоқчисан ўзи?

— Нима қилмоқчисан дейсизми...

— Оббо... газанда-ей!— Никодим гиламга тупурди. Сўнг тупугини оёги билан ёзиб стол ёнига бориб ўтирида, телефон трубкасини олиб, аллақандай номерни айтди.

— Сиз билан ғалла банкаси правлениясининг раиси гаплашяпти. Салом, пан директор.

— Миннатдорман. Ёмон эмас. Фабрикангизга бир одамни ишга ололмайсизми?

— Ҳа, дуруст, анча қобилиятли... ҳа... Бочек, Юзеф Бочек.

— Демак, келишдик-а? Катта раҳмат! Ҳа, керак бўлиб қолди-да. Саломат бўлинг.

Дизма илжайиб турган Бочек томон ўгирилди.

— Ҳу, жин урсин сени. Мана, иш беряпман сенга.

— Фоят миннатдорман, пан раис.

— Фақат билиб қўй, Бочек,— Дизма каттакон муштини собиқ бошлигининг тумшуғига тиради,— билиб қўй: миқ этмаслигинг керак.

— Бўлмасам-чи, пан раис, оғиз ҳам очмайман!—

Шундай дея Бочек Дизманинг муштига бурни текгудек энгашиб таъзим қилди.

Никодим ёзув столи ёнига ўтириб, ён дафтарининг бир варагига адрес ёзи.

— Эртага кундузи соат бирда шу адресга борасан.

— Раҳмат, пан раис.

Бочек хайрлашмоқчи бўлган эди, Никодим қўлларини чўнгатига тиқди.

Бочек яна бир бор таъзим қилиб, чиқиб кетди.

— Аблаҳ!— дея тўнғиллади унинг ортидан Дизма.

У Бочекнинг кўзларида нафрат учқунларини сезиб қолди. Шу боисдан Никодим, гарчи собиқ бошлиғи энди уни «сотмаслигига» имони комил бўлса-да, бўлжак хавфийиг олдини олиш учун бирор чора ўйлаб топишга жазм қилиб қўйди.

Бу орада кабинетга шу куни келган хатларни кўтариб Кшепицкий кириб келди. У бухгалтерлардан бирни хатлар бўлимидағи машинистка қизга ишқий мактублар ёзётгани тўғрисида гап топиб келган эди.

— Қайси қиз экан у?— суроштириди Никодим.

— Дераза олдида ўтирадиган кўҳликкина қора соч қиз бор-ку, ўша.

— Директор нима деяпти?

— Унинг ҳеч нимадан хабари йўқ.

— Бухгалтерни ҳайдаб юборсаммикин!

Кшепицкий елкасини қисди.

— Жабр бўлмасмикин? Хотин, бола-чақаси бор.

— Оббо тўнгиз-е! Унга ҳамма гапдан хабарим борлигини айтиб қўйнинг, йиғиштирсан ўша ошиқ-маъшуқликни.

Кшепицкий бош ирғади-да, қоғозларини очиб, иш ҳақида гап бошлади.

Никодим паришинлик билан бир оз қулоқ солиб тургач, сўради:

— У чиройлимни?

— Ким?

— Ўша қора соч қиз-да.

— Анча кўҳликкина.

Дизма оғзининг таоби қочиб жилмайди.

— Анови масалада қандоқ?

Кшепицкий столнинг четига ўтириди.

— Пан раис, бирор хотин ҳақида бу масалада қандоклигини аниқ айтиб бўлармишми? Хе-хе-хе!

Никодим унинг тиззасига уриб қўйди.

— Вой овсар-эй! Агар менинг қандай аёл билан учрашиб турганимни билганингизда эсингиз оғиб қоларди.

— Пани Яшунская билан эмасми, мабодо?

— Бе, қурбақа-ку!

— Мен ўша аёлни биламанми?

— Биласиз. Аниқроғи уни қизлик пайтида танир эдингиз. Қани, топинг-чи?..

— Сира эслолмаямпан.

Никодим бармоғини юқори кўтарди-да, маънодор қилиб деди:

— Пани Куницкая.

— Нина?.. Нина?! Бўлиши мумкин эмас.

— Чин сўзим.

— Йўғ-е, ишонмайман...

Дизма кафтини кафтига ишқади.

— Кетворган аёл! Мен сизга айтсан — нақ оғатижоннинг ўзи!

— Жаҳлингиз чиқмасину, пан раис, лекин мен Нинанинг дуч келган одам билан дон олишишига ҳеч қажон ишонмайман.

— Дуч келган одам билан деб ким айтди сизга? Мен дуч келган одам эмасман-ку.

— Сиз билан бўлган тақдирда ҳам, ишониш қийин, — деди Кшепицкий ўжарлик билан,— бир вақтлар мен ҳам уриниб кўргандим — қиё боқмаган эди. Энди бўлса эри бор...

— Хе ўлгурдим ўша эридан,— деди зардаси қайнаб Никодим.— Мункиллаб қолган чол-ку, эркаклик қолибдими унда! Мени эса Нина севади, билдингизми? Бир кўришда ишқи тушиб қолган!

Кшепицкий бошлиғига ишонинқирамай қараб қўйди. У Нинанинг диди қанчалик нозиклигини яхши билар ва унинг пан Дизма билан ошиқ-маъшуқлик қилишини сира тасаввур қила олмасди.

— Нима, гапимга ишонмаяпсизми?

— Ишонаман: аёллардан ҳар нарсани кутса бўлади.

Кшепицкий аслида бу факт яна бир бор Дизманинг қандайдир оҳанрабоси борлигидан далолат беради, дея хаёлидан ўтказди. Секретарь бу оҳанрабонинг нимадан иборатлигини билмасди, бироқ ҳар куни унинг қучини хис этарди.

— Мен учун жонини беришга ҳам тайёр!— дея мақтанишда давом этди Дизма.

— Унга уйлаимоқчи эмасмисиз, мабодо?

Никодим елкасини қисди.

— Шир ялангоч-ку, нимасига уйланаман?

— Коборово-чи? Унинг бирор қисми Нинаникидир ахир.

— Қоғозда бутун Коробово уники. Лекин фақат қоғозда.

— Шошманг! Шошманг... Эсләёлмаяпман...

Дизма секретарига аҳволни қисқача қилиб тушунтириб берди.

Кшепицкий бош чайқади:

— Ҳм... қизиқ...

Шу пайт телефон жиринглаб, уларнинг суҳбати бўлиниб қолди. Директор Вандришевский Кшепицкийдан зарур иш бўйича олдига бирров кириб кетишин илтимос қилган эди.

Ўша куни кечқурун Диэма князь Ростоцкийнинг уйидаги қабул маросимида бўлди. Бу оила фақат пойтахтдагина эмас, балки бутун Польшада мұтабар хонадон ҳисобланарди. Чиройлироқ кўриниш учун Никодим ҳатто фрак киймоқчи ҳам бўлди. Бироқ «Бонтон» бундай ҳолларда смокинг кийишни жоиз кўргани боисидан Никодим Кшепицкийга қўнифироқ қилиб, унинг маслаҳати билан фрак кийиш ниятидан қайти.

Бир вақтнинг ўзида ҳам хат ташувчи, ҳам раиснинг хизматкори вазифасини ўтайдиган Игнатий Дизмага эшикни очиб берар экан:

— Бугун пан раис худди Валентинонинг ўзи бўлибдилар-қўйибдилар,— деди.

— Зўр кийинибманми?

— Хотинларнинг бари ўлиб қолишади!— дея Игнатий кўкрагига уриб қўйди.

Бу гапдан сўнг Диэма ўзини бирмунча дадилроқ ҳис эта бошлади, очигини айтганда, у бир оз қўрқиб турган эди.

Министрлар ёки анови пани Пшеленскаяга қараганда ҳақиқий аристократиянинг йўриғи бошқа эди-да, ахир. Бир вақтлар, ҳали Лисковда яшаб юрган кезлари, у князь ва графларни дунёда энг ажойиб қисса «Мохов»<sup>1</sup> асарида ҳикоя қилингандек тасаввур этарди. Бир гал у ҳатто туш ҳам кўрган эди. Тушида у бадавлат Михоровский амлокининг хўжайини эмиш ва

<sup>1</sup> «Мохов»— Елена Минишкенинг ўша йиллари жуда талашиб ўқилган олди-қочди романни.

анови абллаҳ Бочекнинг кичик қизи панина Бочекка ошиқ бўлиб юрганниш. Бироқ, Коборовода телба граф билан танишгач, Диэма барча зодагонларнинг у билан Понимирскийга ўхшаб гаплашишидан чўчиб қолган эди.

Шу боисдан ҳам Никодим анчага довур уни таклиф қилган аристократлар хонадонига боришдан қўрқиб юрди. Фақат ташрифномасини юбориши билан чекланиб юрган Никодим бугун биринчи марта жамоатга кўришига журъят этди.

У князь Ростоцкийнинг уйида Яшунский билан Вареданинг ёнида бўлишини ўйлаб, ўзига ўзи далда берарди. Чиндан ҳам у даҳлизда Вареда билан учрашиб қолди. Полковник пальтосини ечиб, хизматкорга узатмокда эди.

Салом-аликдан сўнг улар бир-бирларини қўлтигидан тутиб, кенг мармар зинапоядан иккинчи қаватга кўтарилишиди. У ердаги залда йигирмага яқин меҳмон бор экан.

Зал эшиги олдида қора соchlарига оқ оралаган, қадди-қомати келишган князь Томаш иккита меҳмон билан немисчалаб суҳбатлашмоқда эди.

— Эътибор бер, Никус,— деди Вареда,— анови пинтрак бақалоқ берлинлик дипломат — барон Рейниц бўлади. У машҳур пойгачи. Балки эшитгандирсан?

— Ҳа-ҳа... Бошқаси-чи?

— Граф Иероним Конецпольский. Ўзи бурлакка ўхшайди; айтишларича, унинг онаси...

Вареда гапини тугатмаган ҳам эдикни, Диэма кўзи тушиб қолган князь Томаш суҳбатдошлиаридан кечирим сўраб, уларнинг олдига келди. Никодим билан Вареда мезбоннинг ортидан юриб, меҳмонхонага киришиди.

— Салом, салом. Ниҳоят, пан раис ҳам бизнигiga қадам ранжида қилар эканлар-да. Бу дейман, полковник, сизни генераллик эполетларида ҳам кўрамизми, ишқилиб? Марҳамат, танишинглар,— деди князь Диэманни икки суҳбатдошига таништириб. Полковник улар билан анчадан бери таниш экан.

Немис тилида гаплаша бошлашиди. Князь Диэманнинг хўжаликни бошқариш соҳасидаги истеъодини кўкларга кўтариб мақтай кетди. У Никодимни дам-бадам экономиканинг Наполеони деб атарди. Дипломат одоб билан бош иргар, граф Конецпольский эса нуқул князининг гапини маъқулларди.

Ногаҳон ғоят озғин хоним дивандан турди.

— Сизни хотиним билан таниширишга рухсат этгайсиз. У анчадан бери сиз билан танишишни орзу қилиб юради,—деди князь ва Дизмани ўша озғин хоним томон бошлади. Бу хонимни кўрган одам унинг ёшини дарҳол аниқлаёлмасди. Ҳарқалай унга йигирма беш ҳам, қирқ ҳам бериш мумкин эди. Хоним узоқдан жилмайиб келди-да, князь меҳмоннинг фамилиясини айтиб улгурмасданоқ хитоб қилди:

— Биламан, биламан, менга айтишди. Салом, пан раис. Ниҳоят, миллатимиз асоси бўлмиш помешчикларнинг жонига ора кирган одамнинг қўлини қисишига мусассар бўлганимдан ғоят хурсандман!

Шундай дея у бармоғига кичкинагина узук таққан бесўнақай қўлини Дизмага узатди.

— Зироатчиларни демоқчисан-да!— дея майинлик билан хотинининг гапини тузатди князь.

— Ахир булар синоним эмасми?— жилмайди княгиня Никодимга қараб.

— Кечирасизлар, мезбонлик бурчини адо этишим керак,—деди князь таъзим қилиб, уларнинг ёнидан нари кетар экан.

— Графиня Конецпольская билан танишишни истамайсизми? У сизнинг муҳлисингиз. Тўғри, у Венада тарбия кўриб, поляк тилида яхши гапиролмайди, бироқ сизнинг ишларингизга жуда қизиқади. *Aгропос*<sup>1</sup>, сиз немис тилида гапиришни афзал курасизми ёки инглиз тилида?

— Менга поляк тили маъқул.

— Эҳ, қандай ватанпарварлик! Сизни тушунаман. Чет эллар адабиётини ўқиш учун хорижий тилларни ўрганиш мумкин, бироқ ҳаммасидан ҳам она тилимиз афзал. Масалан, Жан Огинский... Сиз Жан Огинскийни танийсизми?

— Унча яхши танимайман.

— Сизга айтсан, у бир оз ғалати одам, лекин ким билсин, бундай услубни қўллаш Ватанимиз олдида катта хизмат ҳисобланар? У, чет эллик кишилар билан фақат поляк тилида сўзлашайлик, деган шиор ташлаган. Ажойиб-а, тўғрими? Рост-да, биз Париж ёки Лондонга борганимизда уларнинг тилида гаплашамиз-ку ахир!

<sup>1</sup> Дарвое (фран.).

Шундай экан, улар ҳам мамлакатимизга келишганда бизнинг тилимизда гаплашишин.

— Тўғри, лекин улар тилимизни билишмайди-да.

— Ҳа, ҳа, тушунаман, назариёт бошқа-ю, амалиёт бошқа. Сиз ҳақсиз. Жан Огинский — ғалати одам, деб айтдим-ку ахир.

Меҳмонхонанинг нариги бурчагида асосан хонимлардан иборат саккиз чоғлик киши алланима тўғрисида қизғин сұхбатлашиб ўтиришарди.

— Сизларга раис Дизмани таниширишта ижозат этгайсизлар,—деди уларга мурожаат қилиб француз тилида кияния.

Эркаклар ўринларидан туриб, ўзларини танитиши-да, Никодимнинг қўлини қисишиди. Ляля Конецпольская немисчалаб алланималарни бижиллади, кўзига монокль таққан чол такаббурлик билан инглиз тилида бир нарса деди. Бу гаплардан Дизма икки марта ўз исмини тушунди, холос:

У эсанкираб қолиб, бир кўнгли жуфтакни ростламоқчи ҳам бўлди. Бироқ княгиня ғойиб бўлганди; унга стул сурин қўйишиди.

Дизманинг ўтиришдан бўлак чораси қолмаган эди. У ноилож жилмайиб қўйди. Орага жимлик чўқди, шунда Никодим бирор гап айтиши лозимлигини тушуниб қолди. Лекин мияси ғовлаб кетган эди. Никодимнинг зардаси қайнай бошлади — нега бу одамлар у тушумайдиган хорижий тилларда гапиришади, ахир? У бирор нарса деб жавоб бермоқчи бўлди, бироқ тилига ҳеч нима келмади.

Шу пайт графиня Конецпольскаянинг ёнида ўтирган сийқабош ва бақалоқ одам унинг жонига ора кирди.

— Шундай қилиб,— дея гап бошлади у,— пан раиснинг камгаплиги ҳақидаги мишишларнинг афсона эмаслигига ишонч ҳосил қилдик.

— Ниҳоят, поляк тилида гапирадиган одам ҳам бор экан-ку!— деб юборди Никодим чидаб туролмай. У ноқулай аҳволга тушиб қолганидан шу қадар сиқилиб кетган эдики, бенхтиёр шу гап оғзидан чиқиб кетди. Шундан сўнг, у энди расво бўлдим, деб ўйлай бошлади.

Барча кулиб юборди, Никодим расво бўлиш у ёқда турсин, ҳатто ўткир гап айтганини пайқаб, ҳайратга тушди.

— Сиз чет тилларга қаршимисиз?— дея сўради қошлиари ингичка қилиб терилган, оғзи пистадек келадиган ёшгина қиз.

— Сира ҳам қарши эмасман! Лекин, менимча, Огинский ҳақ.— Никодим анча ўзини босиб олган эди.— Адабиётни ўқиш ва чет элларга сафар қилиш учун хорижий тилларни билиш керак, албатта. Аммо уйимизда поляк тилида гаплашишимиз лозим.

— Ах! Ўжимижни тилни билмашак-чи?— дея сўради графиня Конецпольская.

Дизма бир зум ўйланиб турди-да, сўнг жавоб қилди.

— Билмаган одам ўргансин.

— Офарин, офарин!— деган товушлар эшитилди.

— Чигал масалани ҳал қилиш деб шуни айтса бўлади,— деди ишонч билан олтин гардишили қўзойнак таққан, қора сочли барваста киши,— бу нарса давлатимизнинг обрўсига боғлиқ.

Монокль таққан такаббур чол ёнидаги кексагина аёл томон эгилиб, аста деди:

— Олий ҳазратларининг камергери бизни яна буюк давлат тўғрисидаги мулоҳазалари билан сийлайдиган бўлди. Бўлажак валиахд гетман!

Ҳамма жилмайди, барваста киши эса эътиroz билдира бошлади:

— Ҳазилингизни қўйинг, ординат<sup>1</sup>. Мен доим мамлакатимизни буюк давлатга айлантиришнинг иккита йўли бор, деб айтиб келганман: бошқа халқлар олдида обрўйимизни кўтаришимиз ва Европанинг аристократ хона-донлари билан қуда-андачилик қилишимиз лозим. Шу боисдан ҳам бугун орамизда менинг фикримни қувватлаб чиққан давлат арбоби ўтирганидан гоят хурсандман. Чунки...

У гапини давом этар экан, Никодим монокль таққан чолнинг ўзига папирос узатганидан фойдаланиб, сўради:

— Нега сиз уни бўлажак гетман деб атадингиз?..

— Ие! Ҳали билмайсизми? Ахир у краковлик помешчик, депутат Лясковницкий бўлади. Жуда олифта лекин бирорвга зарари тегмайди... Баронесса фон Лидемаркка уйлангани боисидан ўзини магнат деб ҳисоблайди.

<sup>1</sup> Ординат — майорат, тўғифич ўғилга мерос қоладиган ер-сувегаси.

— ...Алоҳида давлат тузиши...— дея давом этди Лясковницкий,— бизнинг табақамиз асрлар давомида орезу қилиб келган. Чарнецкий денгизни сузиб ўтгани, Жуклевский Москвани ишғол қилгани, Ян Варненчи эса Венани забт этганини унутмаслигингиз лозим...<sup>1</sup>

— Тўғри айтаяпсиз,— унинг гапини бўлди бояги бақалоқ,— лекин, азизм, ҳозир замон ўзгариб кетган.

— Хўш, нима қилиби? Илгарилари поляк дворянлари чегараларда қон тўкишарди, бугун эса биз Ватанимиз ичкарисида давлат фоясининг ҳимоячиси сифатида ота-боболаримиз ишини давом эттирайлмиз. Биз давлатнинг таянчи, агар истасангиз — унинг хазинаси эрурмиз.

— Чамаси, бизнинг хазинамизда,— деди секингина бояги кексагина аёл,— фақат шу фикр қолди, холос.

Ҳозиргина ординат деб аталган моноклли чол Никодим томон таъзим қилиб деди:

— Хазинамиз тез кунда конкрет бойлик билан тўлдирилишига умид қиласми.

Графиня Конецпольская фусункор табассум билан Дизмага мурожаат қилди.

— Ach, sagen Sie, bitte, Herr Präsident<sup>2</sup>... Ach, pardon<sup>3</sup>.

Графиня сўзларни жуда бузиб талаффуз қиларкан, поляк тилида сўзлай бошлади:— балким, сизники манга айтади, бундай адкойип фикр қадай мияга келади?

— Қандай фикрни айтаяпсиз?

— Фалла облигацияси ҳақидаги анов гениал фикра? Менини сира ҳам ҳал... ҳалиги одамлар бор-ку...

— Топқир одамлар, демоқчимисиз?— дея унга ёрдам бермоқчи бўлди ординат.

— Mais non<sup>4</sup>! Оқономі<sup>5</sup>, por exemple<sup>6</sup> музикада Стравинский ўҳшакан кешилар...

<sup>1</sup> 1658 йилнинг ноябрь ойинда шведлар билан бўлған урушда Чарнецкий Альсен оролига сузиб ўтиб, уни забт этган. 1683 йили Польша қироли Ян Собеский (1624—1696) туркларни тор-мор этиб, Венани ишғол қиласми. Чамаси, қаҳрамон Ян Собеский билан бошқа бир поляк қироли Владислав Варненчикни (1425—1444) адаштириб юборган бўлса керак.

<sup>2</sup> Ach, илтимос, айтинг-чи жаноб раис... (нем.).

<sup>3</sup> Ach, кечирасиз (франц.).

<sup>4</sup> Иёқ, ўёқ! (франц.).

<sup>5</sup> Экономикада (нем.).

<sup>6</sup> Масалан (франц.).

— Э-ҳа,— изоҳ берди сийқабош бақалоқ,— пани Ляля, янги оқим кашфиётчилари демоқчилар.

— Ҳа, ҳа,— деда тасдиқлари графиня,— менини будай гениал фикрлар қадай уйлаб чиқорилишга жудда кизикади.

Никодим елкасини қисиб қўйди.

— Бу жуда осон нарса: одам креслога ўтириб, бир оз хаёл суради-да, янги фикр ўйлаб чиқаради.

Никодим бошини қўлига тираб қандай ўтириш лозимлигини кўрсатиб ҳам берди. Буни кўриб ҳамма кулиб юборди. Боядан бери Дизмани лорнет орқали кузатиб турган кул ранг кўйлакли хоним бош иргаб деди:

— Пан раис, сиз тенги йўқ экансиз. Бундай юмор менга Бестер Китонни эслатади: у ҳам бирор кулгили гап айтганда ўзини доим бепарво кўрсатарди.

— Сиз баджаҳил одам экан,— деди Ляля ранжиган бўлиб.— Менини, будай фикрни уйлаб топиш кийинми, деб сураган эди.

— Сира ҳам қийин эмас,— деда жавоб қилди Дизма,— жуда осон. Фақат бир оз...

У хорижий сўзлар лугатида бу сўз қандай ёзилгани у интуициими ёки инфляциями эканлигини эслалёлмади ва шу боисдан таваккал қилиб деди:

— ...Интуиция керак.

Яна кулги кўтарилди. Шу пайт уй бекасига кўзи тушиб қолган кекса хоним хитоб қилди:

— Жанетта! Раисинг жуда дилбар одам экан-да!

— Қандай ажойиб esprit d'a propos<sup>1</sup>,— деда қўшимча қилди қоши терилган қиз.

Киягиня беҳад хурсанд эди. Тўғри, Дизма бундан олдинги йиғинга келган Адлен Жербонинг амакиваччаси каби шов-шувга сабаб бўлмади, аммо бугун ҳам барча «йиғин юлдузи»дан мамнун эди. Дизманинг атрофига борган сайин кўпроқ меҳмонлар йиғила бошлишди. Никодим озғингина баронесса Леснер билан саломлашди. Дизма бу хонимни Пшеленскаяникидаги бридж ўйнида учратган эди. Чамаси, пани Пшеленская баронессадан сир сақламас экан, чунки хоним Никодимдан дарҳол «анови бояқиши Жорж Понимирский» яхши юрибдими, деб сўради.

— Раҳмат, ёмон эмас.

<sup>1</sup> Топқирлик (франц.).

— Сиз Понимирский билан танишмисиз?— деда сўрати қоши терилган қиз.

— Бўлмасам-чи!— деди жавобан Никодим.— У билан Оксфордда бирга ўқиганмиз.

Понимирскийлар оиласи ҳақида гап бошланди, бу срдагилар уларни яхши биларкан. Пайт пойлаб туриб гапга депутат Лясковницкий аралаши:

— Бу оила фожиаси нақадар мудҳиш-а! Қизларини судхўрга эрга беришибди. Унинг фамилияси нима эди?

— Куниций,— деда эслатди Никодим.

— Тенгсиз никоҳлар,— гапида давом этди депутат,— бинзинг табақамиз шаънига доғ тушириб қўйиши мумкини ва...

— Пан депутат,— деда уни тўхтатди киягиня,— гапнингазни бўлганим учун кечирасиз, лекин сиздан бир нарсани сўрамоқчиман...

Лясковницкий унинг олдига келгач, графиня шивирлаб деди:

— Ёдинизда бўлсин: раис, менимча, Понимирскийларнинг қариндоши бўлади.

Бу орада Пшеленская ҳақида гап очилди. Баронесса, пани Пшеленскаянинг ёши элликдан ошди, дерди, бироқ ординат, у ҳали қирқ бешга ҳам бормаган, деда ёзтиroz билдиради. Никодим жамоатни хабардор қилиб қўйишини лозим топди:

— Пани Пшеленская энди ўттиз иккига тўлди.

Барча уига ажабланиб тикилиб қолди, шунда сийқабон шақалоқ сўради:

— Буни қаёқдан биласиз, пан раис? Балки, ёши каттароқдир?

— Нега билмас эканман,— деди қатъий оҳангда Дизма,— аниқ биламан: менга буни пани Пшеленскаянинг ўзлари айтганлар.

Бу гапни мутлақо жиддий гапирган Никодим умумий қаҳқаҳа кўтарилганидан оғзи очилиб қолди. Концепцияникул унга, тилингиз заҳар экан, дерди.

Дизма гарчи бу жамоага анча кўнишиб қолган бўлса-да, Яшунскийни кўриб, анча енгил тортди. Никодим атрофидагилардан кечирим сўраб, министрининг ёнига борди. Улар дераза олдига бориб туришгач, Яшунский унга аллақандай латифани айтиб бера бошлади.

— Ажойиб одам,— деди Дизманинг ортидаи депутат Лясковницкий.

— У ким билан гаплашяпти,— деда қизиқсинди ёши ўтиб қолган хоним.

— Ҳа... Раис Дизма... Ҳатто оддий сұхбат пайтида ҳам мұхым ишлар ҳақида ўйлаётгани шундоқ сезилиб турибди. Жуда қизиқ одам экан.

— Давлат арбоблари одатда шунақа бўлади,— деди комил ишонч билан депутат.

— Жуда дилбар одам экан,— деда гап қотди қоши терилган қиз.

— У чиндан ҳам курляндиялик баронларданми?— сўради ёши ўтиб қолган хоним.

— О, бўлмасам-чи,— деда тасдиқлади ўзини шажара бобида жуда билимдон деб ҳисоблайдиган Лясковницкий.— Шубҳасиз.

— Жуда Сопитеit faut<sup>1</sup> одам экан,— деда хулоса қилиди княгиня.

Никодим уйига барвақт қайтди-да, князь Ростоцкий-нинг меҳмонхонасида ўзини одамшавандаларча тутиб, обрў орттиришини бир оз ўйлаб кўргач, ухлагани ётди.

Шундай қилиб, у олий табақа киборлар билан ҳам танишди ва улар Никодимнинг ҳурматини жойига қўйиши. Уни турли кунларда ўтадиган бир неча йигинга таклиф қилиши. Никодим йифин кунларини ён дафтарига ёзиб қўйди. У иложи борича кўпроқ хонадонларга боришга аҳд қилди: бунинг фойдаси тегса тегардики, зарари тегмасди.

Аслида у киборлар ҳақида унчалик яхши фикрда эмасди.

«Аҳмоқлар,— деда ўйларди Никодим,— бир оғиз сўз айтсанг, бас, гўё сен Американи кашф этгандек, воҳ-воҳ қилишади».

Бироқ унинг гоят камгап одам деб ном чиқаришига сабаб бўлган йўлидан воз кечиш нияти йўқ эди.

Никодимнинг уйқуси қочиб кетди. У анчагача кетмакет папирос чекиб, у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилиб ётди-да, ниҳоят, ўрнидан туриб чироқни ёқди.

Унинг миясига: Нинадан келган хатларни ўқисаммикин?— деган хаёл келди. Хатлар анча йиғилиб қолган бўлиб, биронтаси ҳам ҳали очиб ўқилмаган эди. Дизма яна тўшакка чўзилиб, хатларни ўқий бошлади. Барча мактублар бир хил ёзилган бўлиб, уларда муҳаббат, соғинч, умид ҳақидаги гаплар тақрорланар ва турли

<sup>1</sup> Бинойидек (франц.).

мавзуда мулоҳаза юритилиб, Коборовога келиши илтимос қилинарди.

Бу хатлар шу қадар зерикарли эдики, Дизма чорак соат ўтмасданоқ, уларни полга улоқтириб, чироқни ўчирди.

У ҳаётида дуч келган аёлларни эслай бошлади. Никодим учрашган аёллар унча кўп эмасди. Бироқ, тан олиш керак, уларнинг биронтаси ҳам Ниначалик кўп вақтини олиб, ўзи ҳақида шунча кўп ўйлашга мажбур қилмаганди. Дизма Луцкая кўчасида турадиган Маньканни ҳам эслади. Бутунлай тубанлашиб, фоҳишиаликни касб қилиб олган бўлса керак, бечора. Аслида, қизчага ачинади одам... Собиқ ижарагирлари қандай катта одам бўлиб кетганини билса, нима деркин... Оғзи очилиб қолса керак ўзиям...

Князь Ростоцкий меҳмонхонасида учратган анови хотинлар-чи...

«Улар ҳам менга кўз сузишди, лекин очиғини айтсам, бундай хотинларни бошимга ураманми... Дарвоқе, хотинларнинг ҳаммаси бир гўр. Агар соғлом эркак бўлсанг, нима қилишни ўзинг яхши биласан...»

## 11- б о б

Кузатув советининг мажлисини раис Дизма очди, сўнгра секретарь Кшепицкий кун тартибини эълон қилгач, директор Вандришевский сўз олди.

Ўн беш чоғли одам йиғилган бўлиб, барча ҳисобот докладини дикқат билан эшитарди. Ғалла банкасининг илк фаолияти жуда яхши натижага берган эди; қишлоқ ҳўжалигидағи жонланиш, сунъий ўйтлар, янги машиналар, ёғ заводлари учун асбоб-ускуналарни оммавий равишда сотиб олинаётгани шундан далолат бериб турарди. Вазият анализи ғалла нархининг кўтарилиши мамлакат иқтисодий ҳаётининг ўсишига кучли таъсир кўрсатганини исботламоқда эди. Кризис бартараф қилинди деса бўларди. Буларнинг бари муҳтарам раисимиз Никодим Дизманнинг гениал эксперименти ва унинг мамлакатдаги қишлоқ ҳўжалик сиёсатига тадбиркорлик билан раҳбарлик қилиши туфайли амалга ошганди.

«Офарин», деган хитоблар эшитилди, раис ўрнидан туриб, кузатув советининг аъзоларига бирма-бир таъзим қилди.

Кабинетга оёқ учида юриб кирган куръер Қшепицкийни чақириб чиқиб кетганида майда ҳисоботлар ўқилмоқда эди.

Секретарь бир зумда қайтиб кирди-да, раиснинг қулоғига шивирлади:

— Пан раис, графиня Конецпольская келибди.

— Конецпольская? Нима керак экан унга?

— Сизга бир нарса демоқчи. Офатижон хотин-да, ўзиям. Департамент бошлиғи Марчевскийдан ўрнингизга раислик қилиб туришни илтимос қилиб, унинг олдига чиқинг.

— Ноқулай бўлмасмикин?

— Ноқулайлиги нимаси? Барибир энди муҳим гап бўлмайди, таклифларни мунозара қилиб ўтирай қабул қилишади.

— Яхши. Нимани баҳона қилай?

— Чет эллик кишини қабул қилишим керак, десангиз ҳам бўлади.

— Кимни?

— Аҳамияти йўқ, кимлигини сўрашмайди — чет эллик десангиз бўлди.

Никодим ишора қилиб ҳисбот ўқиётган амалдорни тұхтатди.

— Мени кечирасизлар, чет элдан муҳим иш билан бир одам келибди. Пан Марчевский, балки менинг ўрнимга раислик қилиб турарсиз?

— Бажону дил!

Дизма таъзим қилди-да, кабинетдан чиқиб кетди.

Қора кўзойнак таққан бақалоқ ёнида ўтирган одамга энгашиб аста деди:

— Бу Дизманинг мияси хўп ишлайди-да. Министр бўлса арзиди.

— Жуда серғайрат одам.

Қабулхона хизматини ҳам ўтайдиган мўъжазгина меҳмонхонада Дизмани графиня Конецпольская кутиб турган эди. Брезент комбинезон, пешанасида кўзойнак ялтираб турган чарм шлемда уни сира таниб бўлмасди. Графиня ноз-карашма қилиб, Дизма билан саломлашди; сўзларни бузиб талаффуз қилиб, Дизмани қишлоққа олиб кетгани келганини айтди.

Никодим анграйиб қолди. Унинг бирор жойга боргиси йўқ бўлиб, боз устига кечқурун Вареда билан учрашишига ваъдалашиб қўйған эди. Аммо Ляля гапга кўнадиган аёллардан эмас экан. У Дизмага кутилмаган

совға ваъда қилди; бу ҳам таъсир қилмагач, кўзини сунб очиқдан-очиқ эрининг чет элга жўнаганини айтди.

Никодимнинг рози бўлишидан бошқа иложи қолмади. Ўйга кириб, қайта кийиниб чиқишига ва Лялянинг маслаҳатига биноан, пижамани олишга тўғри келди. Игнатийга ўзининг жўнаб кетаётганини Қшепицкийга айтиб қўйишини буюриб, Дизма зинапоядан пастга тушди.

Конецпольская уни икки ўринли эшиксиз пойга автомобилда кутиб ўтиради. Буни кўриб Дизма бўлажак саёхатининг оқибатидан чўчиб қолди.

Ляля машинани шитоб билан ҳайдаб, чорраҳада турган полициячини уриб кетишига сал қолди. Шундан сўнг у капалаги учиб кетган Никодимга жилмайиб қараб қўйди-да, тезликни янада ошириди. Бир неча минутдан сўнг улар заставага етиб боришиди. Шу ердан яқинда асфальт ётқизилган ўқдай шоссе бошланарди. Ляля тезликни бир юз йигирма километрга етказди.

— Яхшими?

— Йўқ,— дея ростига кўчди Дизма.

— Нега?

— Жуда тез кетяпмиз, нафас қайтапти...

Ляля тезликни бир оз пасайтириди.

— Сизинки тежликни ямом кўради?

— Ҳа, ёмон кўраман.

Ляля кулиб юборди.

— Мен эса жуда яхши кўради... Утган йили Мюнхендаги автомобиль пойгода менини тежлик учун иккинши мукофот олган, ушанда мен...

Шу пайт бир нарса қаттиқ қарсиллаб кетди. Ляля тормозни босган эди, машина йўл четида тўхтади.

— Нима бўлди?

— Ичак ёрилди! — хоним кула-кула машинадан сакраб тушди.— Қани, ёрдам беринг!

Никодим запас фидиракни ўрнатишга ёрдамлашиб юборди. Улар жойларидан қўзғалишган заҳоти Ляля бижиллай бошлади:

— Шин урсин! Кошим кюзимга тушди!

Никодим хаҳолаб қулиб юборди.

— Кипригингизми?

Ляля жаҳл билан деди:

— Боринге! Барибир эмасми. Марҳамат, караб, тужатиб кўйинг: Менини қўл ифлош.

Никодим унинг кўзига қаради. Чиндан ҳам узун киприк толаси қовоғининг остига қайрилиб қолган экан.

У тўғрилаб кўйиши учун қўл чўзган эди, Ляля унинг билагига урди:

— Нега кўлингиж билан, сизда ҳам қўл ифлош!

— Нима билан тўғрилай бўлмаса?— сўради ажабланниб Никодим.

— Аҳ, шундай аклли одам — шундай тентяк! Лабингиж билан!

Никодим кулиб юборди.

— Шунаقا денг, бўпти, бош устига.

У лабини бир неча бор графинянинг титраб турган қовогига тегизди.

— Қалай, яхши бўлдими?

Ляля бош иргади.

— У кўзим якши бўлди, энди бошқасини.

— Ие! Бошқа кўзингизга ҳам киприк қадалдими?

— Ҳозийча қадалгани йўқ, лекин кейин қадалиши мумкин.— Шундай дея Ляля Никодимга юзини тутди. Дизма унга энгашди, кейин улар ўпиша бошлишди.

— Ёқдими?

— Ҳа.

— Ундаи бўлса, кетдик!

Ляля бир сакраб, машинага чиқди.

— Қани утиринг! Утиринг!

Автомобиль шитоб билан жойидан қўзғалди.

«Жин урсин!— дея хаёлидан ўтказди Дизма.— Бу хотинлар кишини тириклайн ютиб юборишдан ҳам тойишмайди».

Улар бутазорни кесиб ўтишгач, йўлда кетаётган бошқа бир машинага етиб олишди. Ляля француздабалаб алланима деб қичқирди. Машинада ўтирган икки ёш қиз унга қувноқ жавоб қилишди. Машиналар бирраса қиз маънни кетди, қизлар билан Дизма бир-бирларини қўздан кечиришди. Чамаси, қизларнинг иккови ҳам кўхликкина эди; ундаи деса, буни аниқ айтиб ҳам бўлмасди, чунки қизларнинг юзини шоферлар тақадиган қўзойнак тўсуб турарди.

— Улар ким?— сўради Никодим Лялядан.

— Пания Икс билан панна Игрек,— дея жавоб қилди қиқирлаб кулганча графиня.

— Тушунмадим.

— Тушунишнинг ҳожати йўқ. Ҳамма наршани тушиш нима керак? Ҳали ўзингизники кўради.

— Улар ҳам сизниги кетишияптими?

— Аҳа!

— Демак, у ерда қўп одам бўлар экан-да?

— О, йўқ! Сизники жуда синчков экан. Кўрасиз. Айтдим-ку — кутилмаган совға деб.

Дизма зардаси қайнаб, шубҳалана бошлади. Шунгача Никодим Конецпольская мени эри йўқлиги учунгина имлекига олиб кетяпти, деб ўйлаганди: кўзга қадалган киприк воқеаси шундан далолат бериб тургандек эди. Энди маълум бўлишича, у ерда бошқа одамлар ҳам бўлар экан...

Чиндан ҳам улар шосседан икки четига иҳота буталари ўтказилиб, чиройли қилиб қирқиб қўйилган йўлга бурилишганида, Дизма уй олдида бир неча автомобиль турганини кўриб қолди.

Айвондаги тўқима креслоларда хонимлар ўтиришарди. Автомобиль тўхтаган заҳоти улар уй бекасини олқиншлаб, айвондан пастга югуриб тушишди-да, Дизмана қизиқиб қўздан кечира бошлишди. Бир талай аёллар орасида ёлғиз қолган Никодим ўзини йўқотиб қўйди.

— Кучли одам деганлари шунаقا бўлар экан-да!— дея қичқириб юз-кўзини бўяган малла соч хоним.

Дизма ҳурпайиб, индамай таъзим қилди. Уй бекаси меҳмонлардан кечириб сўради-да, кийимни алмаштириш учун ичкарига кириб кетди. Хонимлар Никодимни куршаб олишди.

— Пан Никодим, сиз Фарб удумининг муҳлисими сиз?— дея сўради жиддий оҳангда миқтидан келган қора соч жувон.

Дизма унга ажабланниб қаради.

— Нима демоқчилигингизни тушунмадим?

— Тортимай гапираверинг,— дея уни тинчиди қўзлари хаёлчан боқадиган нимжонгина қиз,— бу ерга фақат сирдош аёллар йигилган.

«Иш расво,— хаёлидан кечирди Дизма,— улар мени мазах қилишяпти».

— Биз фақат сизнинг қайси черков тарафдори эканлигини билмаймиз,— дея гап қотди қора соч жувон.— Сиз қай бирини маъқул кўрасиз — оқ черковни ми ёки қора черковнimi?

— Мен католикман,— деди Дизма бир зум иккиланиб тургач.

Аёллар кулиб юборишганини кўриб Дизма баттар каловланиб қолди. Дилида у Конецпольскаянинг гапига кўниб, бу ерга келгани учун ўзини роса койиди.

— Аҳ, пан раис,— дея хитоб қилди соchlари бўялган

хоним,— сиз жуда ғалати одам экансиз! Наҳотки ҳар бир кучли одам, аёллар олий мавзуда фикр юритишга қодир эмас, деб ўиласа?

— Сиз сир бой беришни ёмон кўрар экансиз.

— Сира ҳам ундан эмас, мен фақат сизлар нимани назарда тутаётганингизни тушунолмаяпман.

— Хўи, яхши,— деди бир оз шаштидан тушиб қора соч жувон,— бўлмаса бизга бир нарсани айтинг, панна Рена,— шундай дея у рангпар қизга ишора қилди,— панна Рена самовий флюидларга<sup>1</sup> яхши ўтказгич бўла оладими?

Никодим панна Ренага бир қараб қўйди-да, елкаси-ни қисди.

— Мен қаёқдан билай?

— Тушунаман, лекин ҳарқалай фикрингизни айтингчи?

— Агар йўлни яхши билса, эҳтимол, бўлиши мумкин. Орага сукунат тушди. Хонимлар ўланиб қолишиди.

— Сиз эзотерик<sup>2</sup> йўлни назарда тутяпсизми?— сўра-ди қора соч жувон.

— Ҳа,— деди таваккалига Никодим у уйга қайтган заҳотим луғатга қараб, бу лаънати эзотерик йўл қаёқ-қа олиб боришини билиб қўйяй, деб дилига туғиб қўйди.

Бу орада улар йўлда қувиб ўтишган қизларнинг автомобили етиб келди. Никодим улардан каттасининг исми Ивонна, кичигиники Мариетталигини, фамилияла-ри эса Чарская эканлигини билиб олди. Қизлар кийим-ларини алмаштириш учун шу заҳоти ичкарига кириб кетишиди.

— Жуда ёқимтой қизлар,— деди сочи бўялган хо-ним. — Менимча, Мариетта ажойиб медиум<sup>3</sup> бўлиши мумкин. Унинг нозик диди хотиржамлиги билан қўшилиб, тоят сезгир амальгама ҳосил этади. Шундай эмасми, пан раис?

— Ҳа, албата.

— У билан бир тажриба ўтказмайсизми,— дея хираплик қиласверди сочи бўялган хоним. — Менинг сезишим-ча, сизнинг иродангиз ўз-ўзини билишнинг спираль ре-акциясини осонгина енгиши керак. Таъсир қилиш импе-

<sup>1</sup> Флюид — спиритларнинг бемаъни назариясига кўра, гўё одам танасида бўларнган ва нур сочадиган психик ток(тарж).

<sup>2</sup> Эзотерик — диний сўз, маҳфий маъносида ишлатилади (тарж).

<sup>3</sup> Медиум — спиритларнинг хурофотига кўра одамлар билан «арвоҳлар ўртасидаги воситачи (тарж.).

ративи — қандай истасангиз шундай айтаверингу — субъект ёки обьектнинг ўзида ҳатто тўртинчи даражаси ҳам намоён бўлмаган олий куч қатламларига ўз таъсирини бемалол кўрсатиши мумкин.Faқат интуицияни...

Хайрият, шу пайт Конецпольская кириб келди-ю, Дизма пешанасидаги терни артиб олди.

— Диққат дугоналарим!— дея хитоб қилди графиня останада тўхтаб.— Михмонимиз чет тилида гапирган одамни ёқтиримайди! Ие, сизники шу ердами! Салом, салом.

Бир оздан сўнг хизматкор пайдо бўлиб, нонушта тайёр эканлигини хабар қилди.

Дизманинг баҳтига умумий сұхбат қизиб кетиб, у турли дудмал саволларга жавоб бериш азобидан қутулди... У аҳён-аҳёнда минғирлаб қўярди. Сұхбат кўпроқ мода ҳақида, кузни қандай ўтказиш тўғрисида борарди. Фақат чечан қора соч жувонгина дам-бадам Дизмага ивалига мистификациядай туюлган мавзуда гап очарди. Охири у, бу гапларнинг барі фокусчилар столига алоқадор бўлса керак, деган хуносага келди.

Соат тўртда овқатланиб бўлишди. Вино билан конъякдан анча-мунча ичиб қўйган хонимлар қизишиб, шарм-ҳаёни ҳам унунишганди. Бу енгилтак жамоат ичиди Дизма ҳамон сир бой бермай сипо ўтиради.

Меҳмонлар яна айвонга чиқишиди. Уй олдида турган машиналар кўринмай қолганди — чамаси, уларни гаражга киритиб қўйган бўлишса керак. Меҳмонлар паркка тарқалиб кетишиди. Уй бекаси Дизманинг қўлтифидан олиб, исми Стелла бўлган ҳалиги қора соч жувонни ча-қирди-да, уларни меҳмонхонага бошлади. Никодим ниҳоят ҳозир бу ерга келишлари сабабини тушунажагини англади.

Чиндан ҳам Конецпольская жиддий бир қиёфада креслога ўтириб, оёқларини чалиштириди. Стелла папирос тутатди. Шундан сўнг Ляля она тилини обдан бузиб, хорижий сўзларни аралаштириб, мақсадини тушунтира бошлади.

У қандайдир янгилик ҳақида ва шу янгиликка биноан Польшада ложа ташкил қилиш тўғрисида гапирди. Чунки кўпгина мамлакатларда бундай ложалар аллақачон ташкил қилинган бўлиб, бу ерда эса ҳанузгача йўқ экан. Ложа ўн икки аёл ва бир эркакка мўлжалланган бўлиши керак. Аёллар Уч рангли Юлдуз роҳибалари,

өркак эса — Буюк Ўнучинчи деб аталади. У уч қонун: ҳаёт, муҳаббат ва ўлим султони ҳисобланади. Бу ложа қайси театрда ташкил этилишини Конецпольская айтмади.

Сўнгра Стелла сўз олди. У шу қадар дудмал гапирдики, Дизма деярли ҳеч нима тушунмади. Ўнга бўлажак ташкилот гоҳ монастир бўлиб кўринар, гоҳ қуллар билан савдо қилувчи шайка бўлиб туюларди. Чунки Стелла «алдаш йўли билан ёш қизларни жалб этиш, «спиритик зўрлик», «қулликнинг азалий қонуни» тўғрисида гапирмоқда эди.

Фақат бир нарса — графинянинг бу ишга алоқаси камлиги, унга кўпроқ Стелланинг бошчилик қилаётгани аник эди.

Яна Конецпольская гапира бошлади. Ляля улар Никодимдан Буюк Ўнучинчи бўлишини илтимос қилишга қарор берганларини айтди. Улар букилмас иродада ватеран ақл соҳиби Никодимнинг ҳоким бўлиш учун энг муносиб номзод эканлигига ишонч ҳосил қилишганимиш. Фақат Никодим умумий Баҳт Ордени сирини ташкил этувчи уч нур — ҳаёт, муҳаббат ва ўлим қонунларини адолат билан бошқара олармиш.

Дизма тутақиб кетганди. У қўлларини чўнтағига тиққанича хўмрайиб ўтиради. У ўзича бу ишда иштирок этмасликка онт ичиб қўйган эди. Хўши, бошига урадими бу ишни у? Нима, у авахтага тушиши учун шундай катта мансабни эгаллаб, бир талай пул топаяптими? Э, йўк! Хонимлар ўрниларидан туриб, Стелла қўрқинчли товуш билан: «Устоз, сен Буюк Ўнучинчи ҳокимиятини ўз зиммангга олишга розимисан?» — дея сўраганида Дизма қуруққина қилиб: «Йўқ. Рози эмасман», — деб жавоб берди.

Хонимларнинг юзида қайғу ва ҳайрат ифодалари акс этди.

— Нега энди?  
— Эплолмайман.

— Эҳтимол, герметик характердаги бирор тўсиқ бордир? — дея сирли оҳангда сўради қора соч жувон.

— Бундай дейишнимнинг сабаби бор.

Конецпольская изтироб билан қўлларини ёзди.

— Устоз! Бизга очиғини айт, эҳтимол, бу шунчаки арзимас сабабдир?

— Э-э, қаёқда дейсиз, — дея қўл силтади Никодим. — Мени бу ишларга ақлим етмайди.

Стелланинг зардаси қайнаб кетди.

— Ақлим етмайди денг? Илтимос қиласман, устоз, сиздан кулманг! Ляля фол очдирган экан. Фақат сиз Буюк Ўнучинчи бўлишингиз мумкин эмиш.

— Менинг вақтим йўқ! — дея ўжарлик қилди Дизма.

— Устоз, бу иш озгина вақтингизни олади. Мистериялар бир ойда атиги бир марта бўлади.

— Истамайман.

Иккала хоним нима қилишларини билмай, бир-бирларига қараб қўйишиди.

Қора соч жувон қўлларини осмонга чўзиб, мудҳиш бир оҳангда шивирлади:

— Қудратли орденимиз номи билан илтижо қиласман, ё тангрим: Уч Абадий Нур учун унинг дилини оч!

Ляля тақводорлик билан қўлларини дирқиллаган кўкраги устида қовуштириб, бошини эгди.

Никодим қўрқиб кетди. У хурофотга ишонмасди, лекин яна ким билсин! Агар чиндан ҳам ҳаётда ёмон кўз аёллар бўлса-чи? Кўз тегишдан худо сақласин. Ҳарқалай ёмон кўздан эҳтиёт бўлмоқ керак.

Миқтидан келган Стелланинг кўзлари Никодимга тешиб юборгудек қадалиб турарди. Дизма алланечук бўлиб кетди. У гарданини қашиди.

— Дарҳол бир нарса дейишиш қийин... Ўйлаб кўриш керак...

Стелла Ляляга керилиб қараб қўйди-да, деди:

— Албатта. Буюринг, устоз. Дарвоқе, биз ҳаммамиз сирдан воқиф бўлган Терковскийдан сизнинг қандайдир сирли кучга эга эканлигинизни биламиш. Шу боисдан ҳам...

— Терковскийнинг бунга нима алоқаси бор, — дея унинг гапини бўлди Дизма. — Гап аслида нимадалиги ва сизлар мендан нима истаётганингизни ўзим ҳам тушунмаяпман.

— Ҳозир, устоз! — дея қора соч жувон сумкасини титкилай бошлади. — Ҳозир сизга ложа устави ва Билимнинг Уч Қонуни ақоидини бераман.

У сумкасидан брошиора билан машинкада ёзилган бир неча варақ қоғозни олиб, Никодимга узатди.

— Жуда яхши! Марҳамат қилиб, шуни ўқиб чиқинг, устоз. Бунинг учун икки соат вақт ётади. Тўғрими, Ляля? Қўришгунча хайр! Сизни бу ерда ёлғиз қолдириб кетамиз. Соат еттида, овқатдан олдин қатъий қарорин-

гизни эшитиш учун шу ерга келамиз. Илойим, дилингиз-га Юлдуз оқииллиги йўлдош бўлсин!

Хонимлар таъзим қилиб, чиқиб кетишиди.

— Ақлдан озишибди мочағарлар! Калтак етишмай қолиби уларга!— дея тұнғиллади Никодим ва қўлида-ги қоғозларни бурчакка қараб итқитди.

У ташвишга тушиб қолди. Бу гапларнинг бари унинг учун томдан тараша тушгандай эди... Бу ишдан ё катта фирибгарлик, ё нариги дунёдан арвоҳларни чақиришнинг иси келиб турарди.

— Эшак мия ғанми бу лаънатилар? Пуллари бўлса, жамиятда обрўлари бўлса, яна нима керак уларга? Топган гапларини қарангү! Ақлдан озишибди...

Никодим қопқонга шундай осонгина илинганидан ғоят дарғазаб эди. Агар бу гаплар Варшавада бўлган-ди-ю, индамай уйига жўнаб қўя қоларди-я...

Ҳар қалай анови қоғозларда нима ёзилганини бир кўриб қўйиш керак.

Никодим брошюрани очиб, сўкинди: у француз тилида ёзилган экан. Уни яна бурчакка қараб итқитмоқчи бўлди-ю, бироқ биринчи бетдаги расмга қизиқиб қолиб, бу шаштидан қайтиди.

Расмда ҳеч қандай деразаси бўлмаган бир зал тасвирланган эди. Ўртадаги таҳтда кўзларини юмиб қопқора соқолли озғин киши ўтиради. Унинг тепасида уч қиррали юлдуз ярақлаб, уч машъала ёниб турарди. Таҳтининг атрофида қип-яланғоч хотинлар чўзилиб ётишарди.

Дизма уларни гугурт донаси билан санаб чиқди.

— Үн иккита!.. Демак, булар роҳибалар экан-да... Анови, нусха эса мен эканман... Ҳе, жин урсин!

Никодим китобни варақлай бошлади. Унинг охирида ҳам расм бор экан. Расмни кўриб Дизма бир сесканиб тушди: унда ўн икки шохли одамбашара серка тасвирланган эди. Энди шубҳага ўрин қолмаган эди.

— Иблис!

Никодим динга ишонмас ва диний маросимларда қатнашмас эди. Лекин у ҳарқалай чўқиниб қўйишни лозим топди.

— Ҳе, чўчқалар!

Сўнгра у машинкада босилган қоғозларни варақлаб кўрди-да, енгил тортиб тин олди: улар поляк тилида ёзилган эди.

Никодим қоғоздаги гапларни секин, баъзи жойларни

таки-уч қайталаб ўқиса-да, кўп нарсаларни тушуна олдиши, чунки у баъзи сўзларнинг маъносини билмасди.

Бу қоғозлардан у гап роҳибалар жамияти тузиш кунда бораётганини англади. Бундан мақсад ҳаёт, муҳаббат ва ўлимдан иборат уч қонун идеалига яқинлашиш эмиш. Доноликка руҳан, жисман ва ақлан лаззат олиш орқалигина эришилармиш. Бунинг учун ўн икки роҳиба қуллик роҳатини ҳис этиши ва Ирода Султони, Юлдуз Устози, Ақл Манбаи бўлган Буюк Ўнучинчини қидириб топадиган биби-ҳимоятгўйни сайлашлари лозим экан.

Қоғозда ёзилишича, танланган одам ғоят зўр истеъодд соҳиби бўлиши керак эмиш. У серфазилат ва доно одам бўлмоғи ва энг муҳими, букилмас иродада эгаси ва жисман баркамол бўлиши керак экан.

Буюк Ўнучинчи ўз вазифасини уч йил давомида бажарар, шундан сўнг унинг ўрнига бошқа одам танланар экан. Шу параграфда Буюк Ўнучинчи роҳибаларга истаган ишини буюриши ва итоатсизларни жазолаш ҳуқуқига эга эканлиги баён этилганди. Ложа сирларини ошкор этган одам ўлим жазосига ҳукм этилар экан.

Сўнгра маросимлар тасвирланган бўлиб, унда руҳан ва жисман қўшилиш, май ичиш, ибодат қилиш ва марҳумлар билан суҳбатлашиш тўғрисида гап борарди.

Охирида мазкур орденни жодугарлик ва дуохонлик билан چалкаштирмаслик лозимлиги ҳақида эслатма берилганди эди.

Никодим қоғозларни дасталади-да, ўйланиб қолди.

Буният инс-жинслар билан боғлиқ бўлган қандайдир уюшма эканлиги турган гап эди. У Варшавадан чиқмасдан бурун бу гапларни билганида қани эди. Ҳе-ҳе! У ҳолда ўнта графния ҳам уни бу ерга олиб келолмасди. Ҳозир бўлса...

Агар йўқ деса, ким билсин, бу «роҳибалар» уни нима қилишади... Улар Никодимни ўз сирларидан воқиф қилиб бўлниши, энди улар Никодим сирни ошкор этишидан чўчиб, бирор балога гирифторми ҳам мумкин. Бу ерда сирни ошкор қилган одам ўлим жазосига ҳукм этилажаги кўрнинг ҳассасидай қилиб ёзиб қўйи-лиди.

— Қаёқданам илашдим бу алвастиларга!

Никодим қўлларини чўнтағига тиқиб, хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Қейин у, иш мен ўйлаганча-

лик чатоқ бўлмаса керак, деб ўйлаб қолди. Ахир ложанинг бошлиғи ўзи бўлиб, барча буйруқларни ҳам ўзи беради-да. Балки бир синаб кўриш керакдир?

Ҳарқалай, заҳарланиб ўлиш ёки инс-жинсларнинг қарфишига учрашдан кўра шу ҳам афзal эди.

Никодим бу ғалати таклифи қабул қилишга мойил бўлиб қолди. У, бир кўнгли, у ёғи нима бўлишига қизиқаётган эди. Дизма Ўнучинчилик вазифасини уddyалай олмаслигидан чўчимасди, ҳалиги қофознинг бир жойида устоз фақат ложанинг мъянавий доҳийси ҳисобланishi, аслида барча ишлар ва маросимларни ташкил этишга биби-ҳимоятгўй раҳбарлик қиласаги ёзилган эди.

Соат еттига бонг уриб, эшик тақиллаганида Дизма бир қарорга келиб қўйган эди.

Унинг олдига Стелланинг ёлғиз ўзи киришидан Никодим бир оз хавотирга тушиб қолди. Чунки кўзлари доим кулиб турадиган, қувноқ ва серҳаракат графинянинг ўзини тутишидан бу иш жуда оддийдек туюларди. Қора соч Стелла эса нимаси биландир жуда айёрга, бунинг устига ақлли, қаттиқ қўл аёлга ўхшарди.

У ичкари кириб эшикни қулфлади. Шунда Никодим ўзини жин кўчада таёқ ушлаб турган қароқчига дуч келган одамдек ҳис этди.

— Соат етти бўлди,— деди Стелла товуши дўриллаб.

— Дарров-а?— Дизма жилмайди.— Вақтни тез ўтишини қаранг-а!

— Қандай қарорга келдингиз? Худонинг амрига қарши чиқмассиз, ишқилиб?

— Йўқ, қарши чиқмайман.

— Демак, мен Буюк Ўнучинчи олдида, ўз сұлтоним ва ҳукмроним қаршисида турган эканман-да.

Стелла шундай деди-ю, боши ерга теккудай бўлиб таъзим қилди. У шу қадар паст эгилдики, семиз отнинг сағрасидай лорсиллаган кети тўмпайиб чиқди.

Сўнгра у қаддини ростлади-да, Дизмадан лотинчалаб алланимани сўради ва жавоб кутиб, унга тикилиб қолди.

Яна саросимага тушиб қолган Никодим:

«Оббо, роса тирфилди-ю бу алвости!»— дея хаёлидан ўтказди.

Панна Стелла бир минутча кутиб тургач, яна лотинча саволини тақрорлади. Бирор нарса деб жавоб беридан бўлак чора қолмаган эди. Никодим гимназия ва ибодатхонада әшигтан бирор лотинча иборани эслашга

тўр бериб урина бошлади. Сўнг бирдан енгил тортиб, тин олди:

— Terra est rotunda<sup>1</sup>.

Дизма бу гапнинг маънисини эслаёлмасди. Унинг бе-рилган саволга алоқадор ёки алоқадор эмаслигини тасавур қилиш ҳақида гапирмаса ҳам бўларди. Никодимнинг пешанасига совуқ тер чиқди, бироқ у лотинчалаб жавоб берганидан жуда мамнун эди. Боз устига анча ўринли жавоб берганга ўхшайди, чунки Стелла яна иккни букилиб, таъзим қилди-да, қўлларини қовуштириб, дўриллади:

— Амринг вожиб бўлғай, устоз.

Сўнгра эшикни очиб, одатдаги товуши билан овқат тайёрлигини айтди.

Дастурхонга қўйилган таомлар жуда тотли ва сероб эди. Дизма фақат столга вино қўйилмаганидан ажабланди. Графиня Чарскаялардан бири кайфиятни яхшилиш учун бирор қултум оби замзам талаб қилган эди, Конецпольская жилмайиб деди:

— Йўқ, олтингнам, ҳозир әмас. Бир оз сабр қиласан.

Ҳаммасининг кайфияти жиддий эди. Хонимлар қизарип ўтиришарди, баъзилари ҳаяжонининг зўридан туз ҳам totishmasdi. Улар Дизмага безовталаниб тикилиб ўтиришарди.

Мөҳмонлар қаҳва ичиш учун будуарга ўтишгач, хизматкорлар тарқаб кетишиди. Шундан сўнг Конецпольская қўшни хона эшигини очиб, гапларини ҳеч ким эшитмаётганлигига имони комил бўлгач, Стеллага қараб имо қилди. Ҳамма жимиб қолди. Стелла ўрнидан туриб, гап бошлади:

— Қадрли дугоналар, сизларни роҳиба эгачиларим деб атамасимдан олдин барчангизнинг, жумладан сенинг ҳам, устоз,— шундай дея у Дизмага қараб иккни букилиб таъзим қилди,— хона-хоналарингизга тарқалишингизни илтимос қиласман. У ерда сизлар қоқ яrim тунда бошланадиган буюк мистерияга жисман ва руҳан тайёрланиш учун хаёлот оғушида бўлишингиз лозим. Сизлар ёлғиз қолиб, турмуш ташвишларини миянгиздан чиқариб ташлашингиз, хоналарда ҳозирлаб қўйилган оқ жуббаларни қийиб олишларингиз даркор. Тайёр бўлганингиздан сўнг мени кутмоғингиз керак, мен ҳар бирин-

<sup>1</sup> Ер юмалоқ (лот.).

гизни алоҳида чақириб келаман. Тарқалинглар ва хо-  
зирлик кўринглар.

Шундай дея у эшик томон йўл олиб, остоңада  
Дизмага таъзим қилди-да, ғойиб бўлди. Бошқалар ҳам  
худди шундай қилишди. Конецпольская Дизмани унга  
ажратилган хонага кузатиб қўйди ва бош иргаб хайр-  
лашиди.

«Яна нима балоларни бошлайти улар! Чамаси, ин-  
жинсларни чақиришса керак»,— дея хаёлидан ўтказди  
Дизма ва атрофга аланглади. Никодим, бу хонада бирор  
ғаройиб нарсага дуч келсан керак, деб ўйлаганди. Би-  
роқ янгишибди: ёзув столидаги қора чамадонни ҳисоб-  
га олмаганда, ҳамма нарса оддийгина эди.

Тўйиб овқатланганидан уни мудроқ босди, Никодим  
аҳволни бир ўйлаб кўриш учун күшеткага чўзилди.

У бўлажак тунги маросимдан чўчинқираб турарди.  
Бу ишларда ўзининг қандай роль ўйнашини у тасаввур  
ҳам қиломасди. Хўш, унга қандай вазифа юклашаркин?  
Тўғри, Никодим у ерда бошлиқ бўлади, лекин бу моча-  
гарлар бошлиқдан нималарни талаб қилишлари мум-  
кин!. Ахир улар ҳамма нарсани талаб қилишлари мум-  
кин: иблис чақир, дейишса-чи?

— Туғ-е!— дея гиламга тупурди Никодим.

Шу пайт унинг миясига бу машмашалардан касал-  
ликни баҳона қилиб қутулиш мумкин деган фикр келди.  
Масалан, бод касалини рўйкач қилиши мумкин. Бир мар-  
та, Коборовода, шу касални баҳона қилиб қутулган  
эди.

Дизма Коборовони эслаб, таъсирланиб кетди. У ерда  
қандай осоиншталик, овқатини айтмайсизми, ҳеч қандай  
иш йўқ.. Кейин Нина... У ўпишини қандай яхши кўрап-  
ди-я!

Никодим, айниқса, Қася жўнаб кетганидан сўнг Ко-  
бороводаги ҳаётим жуда ажойиб бўлиб қолди, деб ўй-  
лади. Куницкий анови проектини унга айтиб нима  
қиласди-я! Ӯша проекти туфайли банкага раис бўлиб  
қолди...

«Қўй, ошна, нолима... Аслини олганда нолийдиган  
жойи ҳам йўқ»,— илжайиб қўйди ўзича Никодим.

Ақли борган сари ўтмаслашиб борарди. Никодим  
ҳалиги овқатдан бўشاшиб, ухлаб қолди.

У қаттиқ ухлаб қолганидан эшикнинг тақиллаганини  
ҳам, Стелланинг қадам товушларини ҳам, чамадон қул-  
фининг шарақлаб очилганини ҳам эшитмади. Фақат

Стелла унинг елкасидан ушлаб силкиганидан кейингина  
қўзини очди.

У дарҳол ҳаммасини эслади. Стелла унга астари  
қизил шойи халатга ўхшаш бир кийим узатди. Никодим  
сакраб турниб, кўзларини ишқади.

— Вақт бўлди, устоз!— дея шивирлади Стелла.

— Вақт бўлдими?

— Ҳа. Ҳамма кутяпти. Тезроқ жуббани кийиб олинг.

— Сизнинг олдингизда-я?— ажабланиб сўради Ни-  
кодим.

— Йўқ, мен чиқиб тураман. Ҳамма кийимингизни  
ечинг-да, жубба билан шиппакни кийиб олинг.

Жувон унга тумшуғига олтин юлдуз тикилган майин  
туғлини узатиб, хонадан секингина чиқиб кетди.

Дизма бир сўкиниб қўйди-ю, бироқ тезгина кийинди,  
инки-уч минутдан кейин тайёр бўлди. Жубба билан шип-  
пак унга бир оз каттароқ қелди. Яланғоч баданга ки-  
йилган совуқ шойи унинг ўйқусини бутунилай қочириб  
юборди.

Никодим ойнага қараб, жилмайиб қўйди. Жубба  
унинг товонигача тушар, очиқ чокли енги ва кенг ёқаси  
жуда ғалати кўринарди.

Яна Стелла пайдо бўлди. У Никодимнинг қўлидан  
тутди-да, индамай қоронғи коридордан бошлаб кетди.  
Ҳамма ёқ жимжит эди. Улар коридордан анча юриб,  
зинадан пастга тушиши ва яна коридордан чиқиб қо-  
лишди. Стелла коридор охиридаги эшик олдида тўхтаб,  
уни уч марта тақиллатди. Эшик оҳиста очилди. Улар  
коронғи хонага киришди. Эшик ёпилиб, қулф шарақла-  
гач, Конецпольскаянинг товуши эшитилди:

— Ҳаммаси жойида. Эшиклар қулфланди. Хизмат-  
корларга эртага тушгача келмасликни буюрдим.

— Яхши,— деди Стелла Никодимнинг қўлини қўйиб  
юбормай,— кириб, жойингга ўтири.

Дизма Ляля ҳам оқ жубба кийиб олганини пайқа-  
ди. Графиня бир зумга қалин пардан очиб, ичкари  
кириб кетди. Парда ортидан қизғини шуъла тушди.  
Стелла Никодимга бир оз кутиб туришини буюрди-да,  
ўзи ҳам парда ортида ғойиб бўлди.

Қўшни хонадан ғовур-гувур овозлар эшитилиб турар-  
ди. Кутавериб сиқилиб кетган Никодим пардан очиб  
қарамоқчи бўлган ҳам эдики, бирдан унинг ўзи очилиб,  
остонада Стелла пайдо бўлди-да, анчагача таъзим  
қилиб турди.

Парда ортидаги залда мебель йўқ эди. Полга гиламлар тўшалган бўлиб, ҳар ер-ҳар ерга ранг-баранг ёстиқлар қўйиб қўйилганди. Ўргада қизил атлас сирилган зарҳал кресло турарди. Кресло устида уч дона шам ёқиб қўйилганди.

Шифтга осиғлиқ қандил хонага қизғиш шуъла сочиб турарди.

Икки томонга қатор креслолар қўйилиб, уларда оқ жубба кийган аёллар ўтиришарди. Орқа томондаги деворга уч хил нур сочаётган юлдуз тасвирланган чойшаб осилганди. Пастдаги чойшабга эса қизил қоғоздан қирқилган ҳарфлар билан: «*Terra est rotunda*», деб ёзиб қўйилганди.

— Жойингта чиқ, султоним! — дея хитоб қилди Стелла ва Никодимни тахт олдига бошлаб борди.

Дизма тахтга ўтирган заҳоти аёллар уни яrim доира шаклида қуршаб олишди, Стелла бир қадам олға чиқиб, гап бошлади:

— Сирдан воқиф бўлганлар! Сиз, Учрангли юлдуз роҳибалари, ҳозир кўксидা билим, ҳукмронлик ва баҳт тимсоли порлаши лозим бўлган сен, устоз, мен, сизнинг камина биби-химоятгўйингиз Учрангли Юлдуз Орденининг ўттиз учинчи ложасини очиқ деб эълон қиласман. Ложкамизнинг йўл кўрсатувчи ибораси қилиб, Буюк Ўнучинчининг иродасига кўра улуғ маънога эга бўлмиш ҳикмат: «*Terra est rotunda*» танланди. Бу ҳикматда орденимиз бутун ер куррасига илдиз отажагига ишонч, ложкамиз улкан занжирнинг бир ҳалқаси бўлиб қолишига умид ва биз тирик роҳибаларга бу занжирни туаштириш лозимлиги ҳақидаги фармон ўз ифодасини топган. Эслатаман, орденимиз қонунига биноан ҳар биримиз агар бошқа бир аъзо чап қўлини пешанаси, юраги ва кўксига тегизиб илоҳий сўзни айтса, дарҳол унинг бўйруғини бажариши лозим. Маросимни бошлашдан аввал сизларга воқиф бўлганлар ақоидини яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман...

Дизма қулоқ солмай қўйди. Бу кутилмаган аҳволдан у шу қадар ҳайратга тушган эдики, ҳатто фикрини бир жойга тўплаётмай ҳам қолганди. Никодим аёлларга кўз югуртириб чиқди. Улардан баъзилари бу ғалати кийимда жуда жозибали кўринарди. Очиқ елкалари ялтироқ шойи ичидан сузиб чиқаётгандек туюларди, кўкракларининг эса ярми очиқ... Бу аёллар орасида

ўзининг ёлғиз эканлиги ҳақидаги фикр Дизманинг ҳирсини қитиқларди.

У энди бу ҳақда бош қотирмасди, фақат: Наҳотки? Қачон? — дея ўйларди.

Бу орада Стелла гапини тугатиб, қизил қутичадан ишгичка тилла занжирга осилган кичкинагина олтин юлдузни чиқарди. Ҳамма ёқ жимжит эди, у Никодимнинг олдига келди-да, унинг бўйнига ўша юлдузни осди ва уч қадам орқага чекиниб, гиламга юз тубан йиқилди. Бошқа аёллар ҳам худди шундай қилишиди. Фақат Лялягина эшик олдига бориб, включатель тугмасини босди.

Чироқ ўчди. Никодим бир сесканиб тушди. Фирашира хона, тепасида ёниб турган уч дона шамнинг заиф ёғдуси, юз тубан ётган оқ кийимли аёллар — буларнинг бари унинг юрагига ваҳима солиб, ҳаяжонлантиради.

Бирдан Стелла мудҳиш овоз билан бақира бошлади:

— Салом сенга, салом, ҳаёт, муҳаббат ва ўлим сultonи!

— Салом... салом! — дея титроқ товуш билан такрорлашди бошқа аёллар.

— Салом, салом, ирова манбай!

— Салом... Салом! — такрорлашди яна аёллар.

— Салом... сенга, билим соқчиси!

— Салом... Салом!..

— Салом сенга, ҳаёт устози!

— Салом... салом!

— Салом сенга, лаззат ижодкори!

— Салом... салом!

Дизма бу ҳамду санога қулоқ солар экан, ўзича: «Ақлдан озибди бу хотинлар!» — дея ўйлади.

Сўнгра Стелла алжишдан тўхтаб, Дизманинг олдига югуриб келди-да, Никодим ўзини ўнглаб олмасданоқ унинг лабидан ўпди. Пани Ляля, графиня Чарскаяларнинг иккови ва бошқа хонимлар ҳам ҳайртдан серрайиб ўтирган Никодимнинг лабидан ўпишиди.

— Энди идишлардаги бухурни ёқинглар, — дея бу юрди Стелла.

Хонанинг бурчакларидан ғалати хушбўй ҳид тарқатиб, кўкимтири тутишиб, яrim доира ташкил этишиди. Стелланинг ўзи эса қўлларини кўкка кўтариб бақира бошлади.

Аёллар яна Дизмани қуршаб олишди.

Стелланинг ишораси билан улар бир-бирларининг қўлларидан тутишиб, яrim доира ташкил этишиди. Стелланинг ўзи эса қўлларини кўкка кўтариб бақира бошлади.

— Кел, Ҳукмрон!  
— Кел...— дәя тақрорлашди барча аәллар.  
— Кўрсат бизга ҳимматингни!— хитоб қилди Стелла.  
— Кўрсат.  
— Орамизга келиб тур!  
— Келиб тур!  
— Уз вакилинг дилини оч!  
— Оч...  
— Устозимиз жисмига кир!..  
— Кир...  
— Унга ўт ёқ!  
— Еқ!  
— Унга битмас қувват бағишла!  
— Бағиша...  
— Унга ўз нафасингдан олов уфур!..  
— Уфур...  
Никодим алланечук бўлиб кетди.  
— Кимни чақирипсизлар ўзи?— сўради у қандайdir бўғиқ товуш билан.

Бунга жавобан аәллар даҳшат билан қичқириб юборишиди. Кимдир шу қадар қаттиқ чинқирдики, Никодимнинг сочлари тикка бўлиб кетди.

— Гапириди!.. Келди!.. Бу ўша!..— дейишарди аәллар.

— Ким ахир?— сўради Дизма кўркувдан дағ-дағ титраб.— Кимни чақирипсизлар?

Шу заҳоти орқа томондан қаттиқ ўкириш эшишилди. Никодим сапчиб турмоқчи бўлди-ю, бироқ мажоли келмади. Бошни айлантирувчи тутун орасидан ранг-баранг учқунлар липиллаб кўринарди.

— Ерга йиқилинг,— дәя ув тортди кимдир.— У келди! Шарафлар бўлсин сенга, шарафлар, муҳаббат, ҳаёт ва ўлим султони! Шарафлар сенга, зулмат ҳукмрони!..

Опа-сингил Чарскаялардан кичиги асабий равишда хаҳоӣаб кула бошлади, аәллардан бири ўринидан сакраб туриб, Стелланинг пинжига тиқилганича қичқириди:

— Уни кўряпман, кўряпман!  
— Кимни?— дәя бақирди капалаги учиб Дизма.  
— Ўшани, ўшани, иблисни...

Никодимнинг назаридаги кимдир совуқ қўли билан томоғидан бўғаётгандек бўлди. У даҳшат билан бир чинқирди-да, шилқ этиб креслога йиқилди.

Буюк Ўнучинчи ҳушидан кетган эди.

У ҳушига келгач, аввало оғзига аллақандай суюқлик

қўйилаётганини сезди. Никодим кўзини очди. Унинг нақ тумшуғи олдида Стелланинг қоп-қора кўзлари ятираб туради. У бутунлай ҳушига келиб ултурмасиданоқ Стелланинг лаблари унинг лабига ёпишди. Шунда Никодим тилида яна нордон ҳидли ширин суюқлик мазасини туйди. Май! Нафаси қайта бошлаган Никодим Стеллани итариб юборди. Тутун ичида аәлларнинг эгнидаги жуббаси оқариб кўринарди. Улар қўшни хонадан столчалар келтириб, уларнинг устига шиша ва қадаҳларни қўя бошлашиди. Конецпольская қўлидаги шиша чадан қадаҳларга уч-тўрт томчи аллақандай суюқлик томизарди, сўнгра уларга май қўйишарди.

Ҳар бир аәл қўлига қадаҳ олди. Стелла Дизмага бокал узатди.

Хона ичи ғовур-ғувур бўлиб кетди. Никодим майдан бир ҳўплам ичиб, лабларини чўлпиллатди.

— Ширин экан...

— Қелинглар, илоҳий пэйотл лаззатини сурайлик!— хитоб қилди завқ-шавқча тўлиб Стелла.

Қадаҳлар бўшатилиб, яна тўлдирилди.

— Майга нима қўшяпсизлар?

Опа-сингил Чарскаялардан бири Никодимнинг ёнида турган эди. У кресло дастасига ўтириди-да, лабларини Дизманинг қулоғига теккизиб, завқ билан шивирлай кетди:

— Пэйотлнинг илоҳий заҳри, қандай ажойиб-а... Томирингда ўйнаётганини сезяпсанми, сultonим? Рост-а? Қандай жўшқин, қандай серзавқ!.. Тўғрими?..

— Тўғри,— дәя иқор бўлди Никодим ва бокалдаги майни симириб ичиб юборди.

У ўзининг ғалати бўлаётганини сезиб қолди. Қалби кутилмагандага қувончга тўлиб, атрофдаги барча нарсалар унга чиройли кўрина бошлади. Шу тобда ҳатто паст бўйли Стелла ҳам кўзига жозибали кўриниб кетди.

Ҳаммаларининг димоги чоғ эди. Аёллар кула-кула Никодимни қуршаб олишиб, қий-чув кўтарилиб, ҳаёсиз қўшиқлар эшишила бошлади. Аёллардан бири қўлидаги қадаҳни деворга уриб синдириди-да, «Эвоё!»— дәя қичқириганича жуббасини шартта ечиб ташлаб, рақсга тушди.

— Офарин! Офарин!— дәя қичқириши бошқа аәллар.

Гилам бир зумда ечиб ташланган атлас жуббалардан оқариб кетди. Кичкина шиша чадан қадаҳларга сехрли

шарбатнинг кўқимтири томчилари тинимсиз қўйиларди.

Кимнингдир қўли тегиб кетган шамдон тўқиллаб полга тушди. Хона ичи қизғищ тусга кирди. Фира-ширада эҳтиросли шивир-шивир ва асабий кулги эши биларди, холос...

## 12- боб

Оғир дарпарда ёнидаги тирқишдан хонага ботиб бораётган қўёшининг қизил шуъласи тушди. Никодим оғирлашиб қолган қўли билан соатини пайпаслаб топди.

Соат олти бўлган эди.

Қизиқ. Унинг на боши оғрири, на оғзидан какра маъваси келарди. Одатда эса ичкиликбозлик қилганининг эртасига доим шундай бўларди.

У фақат ўзининг латтадай бўшашиб кетганини ҳис этарди.

Бирор ҳаракат қилиш у ёқда турсин, ҳатто қўзини очишга ҳам мажоли қолмаган эди.

Лекин ўриидан турмоғи керак. Варшавага жўнаши лозим. Банкадагилар ҳар нимани ўйлаши мумкин...

Никодим қўнгироқ ҷалди.

Салобатли хизматкор келиб, ванна тайёрлигини ҳабар қилди.

Дизма эринибгина пижамасини кийди-да, ваннахонага йўл олди. У ваннахонадаги ойнада ўз аксини кўриб капалаги учиб кетди: ранги докадек оқариб, қўзларининг ости кўкариб кетган эди.

— Жин урсин, роса боллашибди-ку...

Никодим кийинди-да, оёқларини аранг сургаб, пастга тушди.

Пастда уни Ляля Концепольская кутиб турган экан. Графиня унинг саломига жавобан бўшашибгина қўл узатди.

— Корнингиз очми?

— Йўқ, раҳмат.

У хонимга кўз қирини ташлаган эди, кўзи унинг одатдагидек ўйноқи қўзларига тушиб, қулогигача қизарип кетди.

«Оббо жин ургур-еў!— деда хаёлидан кечирди Нико-

дим.— Сира уялмайдиям-а... Тундаги воқеаларни унутмагандир ахир?»

— Мен кетишим керак,— деда Никодим бир оз сукут қилиб тургач.

— Марҳамат, автомобиль сизнинг ихтиёригизда.

Улар оддийгина хайрлашишди. Бундан Никодим яна да кўпроқ хижолатга тушди. Машина шоссега чиқиб олгач, у орқасига ўгирилиб қаради.

— Ҷўчқалар!— тўнғиллади Никодим комил ишонч билан.

— Эшитаман,— деда унга ўгирилди шофер.

— Ҳайдайверинг, ҳайдайверинг, сизга гапираётганим ўйқ.

— Кечирасиз.

Дизма тунги воқеалар ҳақида ўйлай бошлади. Унга қўрқув азоб бермоқда эди. Никодим ҳаммасидан ҳам бу ишга иблиснинг аралашган бўлиши мумкинлигидан чўчирди. Лекин у бир нарсадан жуда хурсанд эди: маълум бўлишича, у юқори доираларда граф ёки княз каби ҳуқуқга эга экан. Ҳатто ундан кўпроқ деса бўлади. Унинг гапига қулоқ солишлари керак; Никодим бу хонимлардан истаганига имо қилса бас, у хоним, оддий фоҳишадек, дарҳол қўйнига киради.

Лекин Дизма бу такаббур ва олифта хонимларни илгари мутлақо бошқача тасаввур қиларди.

Никодим маёрурланиб кулиб қўйди. Қшепицкий тўғри айтган экан: хотинларнинг бари бир гўр кўринади.

Емғир томчилай бошлади. Автомобиль банка олдида тўхтаганида у шариллаб қўймоқда эди.

Дизма тротуардан югуриб ўтиб, дарвозадан ичкари кирди. Лекин зинапоядан юқори кўтарилиши анча қишин бўлди: у гўё оғир юқ кўтарган одамдек аранг қадам ташларди.

— Роса силламни қуритишибди-ю, алвастилар!

Игнатий унга кеча ва бугун ўнга яқин одам йўқлаб келгани, бир неча марта секретарь сўрагани, кейин пан раис қайтдими, деда йигирма мартача қўнгироқ қилганини гапирди. Лекин ҳаммасидан ҳам бир сурбет жонига тегибди. У сўкиниб тўполон кўтарибди ва пан раиснинг уйда йўқлигига сира ишонгиси келмай, квартирага кирмоқчи бўлибди. Нуқул, ўша пан раиснинг мендан беркиниб ўтирибди, дермиш...

— Кўриниши қанақа унинг?

— Паст бўйли, бақалоқ бир одам...

— Фамилиясини айтдими?

— Айтди. Бончекмиди, шунга ўхшашмиди...

— Хе, жин урсин,— дей сўкинди раис.— У аблак-нинг менда нима иши бор экан?!

— Агар яна келса, зинадан кетига тепиб туширишим мумкин,— деди Игнатий.

— Ҳожати йўқ.

Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Қшепицкий қўнироқ қилаётган экан. У жуда муҳим ишлар борлигини айтиб, ҳозир олдингизга борсам майлими, дей сўради.

— Бирор гап бўлдими?

— Йўқ, ҳеч гап бўлгани йўқ.

— Майли, кутаман.

Никодим Игнатийга қёра қаҳва ҳозирлашини буюриб, диванга ёнбошлади.

У Қшепицкийга графиня Концепольскаяникида бошидан кечирган саргузаштларини айтиш ёки айтмаслик ҳақида ўйланиб қолди. Кейин буни сотқинлик деб ҳисоблашлари мумкин деган хаёлга бориб, ўзини хавф-хатарга қўймасликка қарор қилди.

Игнатий хатларни келтириди. Булар шахсий мактублар бўлиб, секретарь уларни очиб ўқимасди. Нинадан учта хат ва Куницкийдан узундан-узоқ телеграмма келиби. Чол ўз телеграммасида темир йўлга шпал етказиб бериш масаласи билан шошилинч равишда, шуғулланишини илтимос қилибди. Чунки ҳозирги кунда бу масала катта аҳамиятга молик бўлиб қолган эмиш.

Дизма телеграммани ўқиб тугатмасданоқ хонага Қшепицкий кириб келди. У гапни графиня Концепольская билан қилинган саёҳат ҳақидаги ҳазилдан бошлаб, бир неча латифа айтиб берди. Сўнг банкадаги ишларнинг ҳаммаси жойида эканлигини хабар қилиб, гап орасида сўради:

— Пан раис, анови Бочек ким бўлади ўзи?

Никодим хижолат тортди.

— Бочек дейсизми?

— Ҳа, ҳа, ҳўв бир марта келган семиз одам-да. У ҳар куни, гўё сиз уни қабул қиласхангизга имони комилдек, сурбетлик билан банкага желяпти. У сизнинг эски танишингизми?

— Шунга ўхшашроқ.

— Менга у телба бўлиб кўринди.

— Нега?

— Уша Бочекка сизнинг фақат жума кунлари қабул қилишингизни айтганимда, у тўполон кўтарди. «Жума кунингга бало борми,— дейди.— Пан раиснинг жума куни ҳоҳлаган одамини қабул қиласхерсин. Ҳали қараб туринглар, мени киритмаганлариниг учун у сизларнинг адабингизни беради... Ким бўлибди ўша пан раисларинг...»— дейди нуқул.

Дизма шолғомдек қизариб ўтиради.

— Яна нималар деди?

Қшепицкий папирос тутатиб, елкасини қисди.

— Жанжалкаш, қўпол одам экан... У ҳатто, ҳали унга қўрсатиб қўйман, деб пўписа ҳам қилиб қўйди...

Никодим қовоини солиб тўнгиллади:

— Ҳм, шунақа одам денг... Пан Қшепицкий, агар у яна келса, олдимга киритиб юборинг... Жуда тентак одам ўзи... Доим шунақа эди.

— Яхши, пан раис.

Қшепицкий бу гапни одатдаги товуши билан айтди, бироқ Дизма унинг ё бирор нарсани сезиб қолгани, ёки баъзи нарсаларни аниқламоқчи эканлигига шубҳаланмай қўйганди. Никодим нима қилиб бўлмасин Бочекнинг овозини ўчиришга аҳд қилди.

Қшепицкий Дизманикода овқатлангани қолди. Суҳбат Коборово ҳақида борарди.

— Қишлоқда яшаш маза-да, ҳамма ёқ жимжит, тоза ҳаво,— деди хўрсениб Димза.

— Бу дейман, Коборово сизда яхши хотира қолдирди-ку,— дей гап қотди Қшепицкий.— Ҳа, ажойиб жой! Нима қиласиз чўзиб, Нинани эридан ажратиб, унга ўйланинг-қўйинг.

— Агар Коборово уники бўлганида-ю, жон деб ўйла-нардим-а.

— Лекин расман Коборовонинг эгаси Нина ҳисобла-надими?

— Ҳўш, шундай бўлса нима қилибди? Куницкий ундан ҳамма мулкка ваколатнома олган.

— Ваколатномани бекор қилиш мумкин.

Никодим елкасини қисди.

— Лекин векселларни бекор қилиб бўлмайди-да.

Қшепицкий хаёлга чўмиб, ҳуштак чала бошлади.

— Бутун гап ана шунда!— гап қотди Дизма.

Қшепицкий индамай ҳуштак чалаверди.

— Эртага қандай ишлар бор?— сўради Никодим.

— Эртагами!.. Ҳеч қандай иш йўқ. Ҳа, дарвоқе, циркка таклифнома бор. Ҳамма ёқда дув-дув гап: кураш бўйича жаҳон чемпиони келибди -- фимилиясини унуби-ман. У Польша чемпиони Веляга билан кураш тушар экан. Сиз француз курашини яхши кўрасизми?

— Бўлмасам-чи. Демак, борамиз-а? Соат нечада экан?

— Саккизда.

Дизма секретари билан хайрлашди-да, ухлагани жў-нади. У пижамасини кия туриб, бўйнидаги олтин юлдузни кўриб қолди. Никодим уни дарҳол ечиб, гугурт қутисига солди ва ёзув столининг тортмасига яшириб қўйди. Сўнг чироқни ўчириб, ҳар эҳтимолга қарши чўқиниб олди.

Унинг хавотир олганича бор экан. Эртаси куни соат бирда Бочек ҳозир бўлди. Унинг оғзидан ароқ ҳиди анқиб турарди.

Дизма мумаласини ўзгартирди.

У Бочекнинг қўлини қисиб, стул суриб берди-да, хушмумалалик билан, менда нима ишингиз бор эди, дея сўради. Шундан сўнг Бочек тортиниб ўтирумади. У ҳадидан ошди, ҳатто такаллуфсизлик қилиб, раиснинг елкасига қоқиб қўйди.

Ғазаби қайнаб кетган Дизма стулдан сакраб туриб ўшқирди:

— Йўқол! Аблаҳ! Йўқол!

Бочек унга истеҳзо билан қараб қўйди-да, ўрнидан турди.

— Ҳали шунақами? Энди мендан кўрасан, бўлмасам. Сендақа каттакондан ўлгурдиму!

— Сенга нима керак ўзи? Пул керакми, ярамас? — дея ўшқирди Дизма.

Бочек елкасини қисиб қўйди.

— Пул бўлса ҳам тешиб чиқмайди.-

— Ў-ў... Аблаҳ..

Никодим чўнтагидан йигирма злотий олди-да, бир оз ўйланиб тургач, яна битта йигирматалик чиқарди.

— Нега аччигланяпсиз, пан Никодим,— дея гап бошлиди муросасозлик билан Бочек,— ахир сизга ёмонлик қилаётганим йўқ-ку!

— Ёмонлик қилмаганиши-а... Нега секретарнинг олдиди валдирадинг бўлмаса?

Бочек стулга ўтири.

— Пан Никодим, бир-биримизни пайимизни қирқ-

май тинчгина яшасак бўлмайдими? Сиз менга ёрдам бе-расиз, мен эса сизга ёмонлик қилмайман...

— Ахир сени ишга киритиб қўйдиму!

— Шуям иш бўлди-ю,— деди елкасини қисиб Бочек,— қандайдир тўрт юз злотий деб саккиз соат машиққат чекасан. Бунинг устига гумбир-гумбирини айтмайсизми. Йўқ, бу иш менга тўғри келмас экан.

— Балки, сени министр қилиб тайинлаш керакдир, а? — дея илжайди Дизма.

— Кулманг, пан Никодим, сизни правление раиси қилиб тайинлашдими ахир?

— Чунки менинг каллам бор, тушундингми — каллам!

— Ҳамманиям ўз калласи бор. Менинча, сиз раис бўлиб турган бир пайтда, собиқ бошлиғингиз бўлган мендай одамнинг ойига саккиз юз злотийдан кам маош олиши уят бўлса керак.

— Эсингни едингми, Бочек? Саккиз юз злотий-а... Сенга ким беради бундай маошни?

— Айёрлик қилманг! Сиз истасангиз бас — шунақа одамлар топилади.

Дизманинг қўзларидаги нафрат учқунланди. У бир қарорга келиб қўйган эди.

— Ҳай, майли, пан Бочек, сизни... ҳм... давлат виноомборлари директорининг ўринбосари қилиб тайинлашга тўғри келади... Хоҳлайсизми шу ишни?

— Мана бу бошқа гап. Эҳтимол, квартира ҳам беришар. Ахир оиласини кўчириб келишим керак.

— Квартира ҳам беришади, албатта. Тўрт хонали, жуда яхши квартира. Ошхонаси ҳам бор. Иситиш ва электр қуввати учун ҳақ тўланмайди.

— Маоши-чи?

— Маоши минг злотийга яқин.

Тўлқинланиб кетган Бочек ўрнидан туриб, Дизмани кучоқлади.

— Эҳ, пан Никодим, сиз билан биз ҳамشاҳармиз ахир, демак, бир-биримизга ёрдам беришимиз лозим.

— Албатта...

— Мен доим сизга дўст бўлганман. Баъзи бировлар, хароми, ташландиқ бола, деб сиздан ўзини четга оларди...

— Бас қил, жин урсун сени!

— Айтяпман-ку, баъзи бировлар деб... Э-э, нимасини

айтай, бутун Лисков сизни ёмон кўрарди, аммо мен сизни ҳатто уйимда ҳам қабул қиласдим.

— Шу ҳам катта иш бўлди-ю,— дея бурнини жиyrди Дизма.

— Бир вақтлар катта эди,— деди лоқайдлик била Бочек,— баҳлашибдан нима фойда?

Никодим қовоғини солди. Ўнга ҳаммасидан ҳам ташландиқ эканлигини эслатганлари алам қилди. Шунда у бирдан ўзи билан Бочек иккovicга Варшава торлиқ қилиб қолганини аниқ ҳис этди... Ҳа, факат Варшава ҳам эмас.

Эҳ-а, агар собиқ ёрдамчисининг дилида нималақ кечаетганини билганида эди! У сираям қувонмаган бўларди.

— Гап бундай, пан Бочек,— деди Дизма,— бор ҳужжатларингизни олиб ёртага келинг. Чунки сизни бу ишга жойлаштириб қўйишнинг ўзи бўлмайди. Сизнинг директор ўринбосари лавозимига лойиқ эканлигинизни исботламоқ учун анча елиб-югуришга тўғри келади.

— Фоят миннатдорман, пан Никодим. Бу ишингиздан кейин ўзингиз ҳам хурсанд бўласиз.

Хурсанд бўлишимни ўзим ҳам яхши биламан,— дея тўнғиллади Никодим.— Энди яна бир нарсани айтиб қўйяй: бу ҳақда ҳеч кўнгли оғиз очманг, акс ҳолдбу ишнинг ишқибозлари кўпайиб кетади. Тушундингизми?

— Тушундим, албатта.

— Бўлмасам гап тамом. Ёртага ўн бирга келасиз. Шу пайт эшик тақиллаб, остоңада Кшепицкий пайд бўлди.

Бочек Дизмага қувлик билан кўз қисиб қўйди-да иложи борича бесёнақай гавдасини эгиб, таъзим қилди

— Саломат бўлинг, пан раис. Ҳаммасини бажо қиласман.

— Хайр, кетаверишингиз мумкин.

Никодим Кшепицкий олиб келган қофозларни кўзда кечираётган киши бўлиб, зимдан Бочекни кузатаётганини пайқаб қолди.

— Хўш, нима гап, пан Кшепицкий?

— Ҳаммаси жойида, пан раис. Мана, циркка таълифнома.

— Дарвоқе. Демак, борар эканмиз-да.

— Графиня Чарская қўнғироқ қилган эди, унга сизнинг бандлигингизни айтдим.

— Афсус.

— Ҳе-ҳе-ҳе... Тушунаман. Бу опа-сингил Чарскаялар жуда кетворган қизлар-да... Бултур денг...

У гапини тугата олмади, чунки шу пайт кабинетга Вареда отилиб кирди.

— Салом, Никусь! Қаёқларда ғойиб бўлиб юрибсан?

— Яхшимисан, Вацусь?

Кшепицкий таъзим қилиб, чиқиб кетди.

— Биласанми, олдингга киришимнинг сабаби бор — циркка бормайсанми? Дунёда энг кучли одам Тракко келибди, бизнинг чемпионимиз Веляга билан кураш тушармиш.

— Ўзим ҳам бормоқчи бўлиб турувдим.

— Қойил!— Вареда Дизманинг тиззасига шапатида.— Барча улфатлар йиғиладиган бўлдик: Ушицкий, Уляницкий, Романович...

Телефон жиринглаб қолди.

— Алло!

Кшепицкий яна графиня Чарская қўнғироқ қилаётганини айтиб, улайми, йўқми, дея сўради.

— Улайверинг... Алло!. Ҳа, менман, яхшимисиз?

Никодим трубкани кафти билан ёпиб, Варедага шивирлади:

— Графиня Чарская!

— Бай-бай, бай-бай...— бош чайқади жавобан полковник.

— Йўғ-е, нималар деяпсиз, сира ҳалал берганингиз йўқ. Аксинча, фоят хурсандман.

Никодим трубкани бўйнига қистириб, Вареда узатган папиросни тутатди.

— Кечирасиз, адабиётдан ҳеч балони билмайман... Чин сўзим... Қачон дедингиз? Ҳўп, яхши... Олангизнинг соглиқлари қалай?.. Ҳм... Биласизми, мен ҳам. Лекин бу ҳақда телефонда гаплашмаганимиз маъқул... Театрга, дейсизми?.. Э-э-э... Мен билан циркка бормайсизми? Йўқ, бугун дунёда энг кучли одам кураш тушар экан... Отими?.. Вацек, унинг оти нимайди? Италиялик Тракко... Йўқ, олдимда дўстим Вареда ўтириби.

— Никусь, унга мендан салом деб қўй.

Сизга салом деяпти... Боради, албатта... Демак. келишиб олдик-а... Сизни ўз машинамда ола кетаман... Хайр.

Никодим трубкани жойига қўйди-да, жилмайди.

— Эҳ, хотинлар, хотинлар...

- Боришадиган бўлишдими? — сўради полковник.
- Албатта!
- Бўлмаса, юр, овқатланиб олайлик.
- Қашепицкийни ҳам ола кетамиз.
- Узинг биласан, — деда рози бўлди Вареда.
- Улар ресторонда Уляницкийни учратиб қолишидиди-юйин-кулги қизиб кетди.
- Бульдог билан лайча ҳақидаги латифани биласизларми?
- Эҳтиёт бўл! — деда огоҳлантириди уни Вареда. — Кимда-ким эски латифани айтиб берса, бир шиша конъяк ютқазади.
- Ўпкангни бос, Вацусь, — деди жиддий оҳангда Уляницкий. — Бу қонунни жорий этган одам каминанин ўзи бўлади. Хўп, эшитингларт. Маршалковскаяянинг бурчагида бир исковуч ит ўтирган экан.
- Сен бульдог деган эдинг-ку...
- Бошимни қотирмасанг-чи. Шундай қилиб, иско вуч ўтирган экан. Саксонский боғидан баҳайбат бульдоит югуриб чиқибди...
- Дизма ўрнидан туриб, мингирилади.
- Мени кечирасизлар...
- Нима, сен бу латифани эшитганмидинг? — деда сўради Вареда.
- Никодим латифани эшитмаган бўлса-да:
- Ҳа, эшитгандим, — деда жавоб қилди.
- У шоша-пиша пальтосини кийиб, швейцар очиб турган эшикдан югуриб кўчага чиқди.
- Шофёр моторни ўт олдирди-да, машина эшигин очди.
- Сиз уйга кетаверинг, — деди шофёрга Дизма.
- У машинани жўнаб кетишини кутиб, бир оз турди-да сўнг Белянская кўчаси томон озгина юриб таксиг ўтириди.
- Королькова билан Вольская чорраҳасига хайданг.
- Бир вақтлар «Фил» майхонасида мандолина чалин юрган кезлари Никодим бу ерга ошиналари ва тасодифи танишлари билан тез-тез келиб турарди. Майхона шина вандалари сахийликлари тутиб кетган пайтда бутун оркестрни ҳам уйларига таклиф қилгучи эди.
- Топ ва узун Королькова кўчасида бундай майхона лардан бир нечтаси бор эди.
- Автомобиль айтилган чорраҳага етиб борди. Нико

дим машинадан тушиб, шофёргинг ҳақини тўлади-да, жўнаб кетгач, Королькова томон бурилди.

Кўчанинг икки четида Сир-бирига ўхшаб кетадиган фабрика корпуслари қад кўтарган эди. Баъзи жойларга тахта девор ўрнатилган бўлиб, ёғоч уйлар қаққайиб турарди. Уларнинг деразаларидағи сарғиши дарпарда ортидан хирагина лампочкалар милтиллаб кўринарди. Бу уйлар ишчилар учун қурилган пивохоналар эди. Пивохоналар бир-бирига шу қадар ўхшаб кетарди, уларни бир-биридан ажратиб бўлмасди.

Никодим таниш ўйлдан адашмай борди-да, торгина эшнини оёғи билан туртиб очди. Шу заҳоти бурнига тузланган карам билан пивонинг нордон ҳиди урилди. Хонанинг ярмини олд томонига оқ парда тутилган витринага ўхшаш кенг пештахта эгаллаган эди. Фишт ёт-қизилган полга янгигина қиринди сепилганди. Яшил парда ортидан гармоника билан ғижжак садолари эшитилиб турарди. Пештахта ортидан қовоғи солиқ қизил юзли эрқак билан ёши ўтиб қолган икки аёл турарди. Залда фақат икки стол банд эди.

Никодим пештахта олдига борди.

— Каттасиданми? — сўради хўжайнин.

— Куяверинг, — деда жавоб қилди Дизма.

У стакандаги ароқни ичди-да, тузланган балиқقا қўл чўзди.

— Ҳўш, пан Малиновский, ишлар қалай?

— Ёмон эмас, аста-секин қимирлаб ётибмиз.

— Амброзяк, гармончи Амброзяк ҳали ҳам сизда ишлайдими?

— Нимайди? — ҳушёр тортиб сўради хўжайнин.

— Яна битта қуинг, — деди Дизма ва хўжайнин узатган ароқни симириб, тузланган қўзиқоринни газак қилди.

— Наҳотки, мени танимәётган бўлсангиз, пан Малиновский?

— Бу ерга жуда кўп одам келиб кетади... — деди лоқайдлик билан майхона эгаси.

— Менинг отим Пиздрай. Панскаядаги «Фил» қовоқхонасида ишлардим.

— Панскаяда дейсизми?

— Ҳа. Мандолина чалардим. Отим Пиздрай.

Хўжайнин Дизманинг илтимосини кутиб ўтирамай, стаканга яна ароқ қуйди.

— Ҳа, ҳа танидим... Ҳўш, ишлар қалай?

— Ёмон эмас...

Никодим ароқни ичди.

— Амброзяк у ёқдами?— дея сўради у боши билағ парда томонга ишора қилиб.— У менинг ошнам бўлади.

— ӽаша ерда,— дея лўндағина жавоб қилди ҳўжайнин

Никодим тишковлагични оғзига тиқди-да, уч-тўрт қадам юриб, чит пардани очди.

Парда ортида одам кўп эди, оркестр, чамаси бирон танинг закази бўйича бўлса керак, узоқ чалди.

Бироқ гармончи Дизманни дарҳол таниди. Шу боисдан ҳам у таңго куйини чалиб бўлишгач, Никодимни олдига келди.

— Яхшимисиз, Пиздрай!

— Саломатмисиз!— қувноқ жавоб қилди Дизма.— Пан Малиновский, бизга икки кружка пиво беринг.

— Эски ошналар учрашиб қолгани учун бир рюмка дан дориси ҳам бўлсин,— дея қўшимча қилди гармончи Ичиши.

— Бирор ишингиз борми?— сўради Амброзяк.

Никодим бош иргади.

— Ҳозир қаерда ишлайсаниз?

— Қишлоқда,— жавоб қилди Дизма бир оз ўйлани тургач.

— Тириклил қилса бўладими?

— Бўлади.

— Ҳўп, ишингиз бор экан, бир четга ўтайлик бўл маса.

Улар кружкаларини қўлга олиб, дераза олдига босриши.

— Амброзяк,— дея гап бошлади Дизма,— менга би ошначилик қилишингиз керак.

— Ошначилик дейсизми?

— Менга юлдузни нарвонсиз урадиган йигитларда уч-тўрттаси керак.

— Қалтис ишми?— товушини пасайтириб сўради гағончи.

Никодим стулда чайқалиб қўйди.

— Бир нусха пайимни қирқяпти.

— Дурустроқ қишими?— дея қизиқсинди Амброзяк.

— Қаёқда... Арзимаган одам.

— Нима? Гумдон қилиш керакми?

Никодим елкасини қашиди.

— Йўқ, нега энди, валдирай бермаслиги учун овози-чириб қўйиш керак.

Гармончи ароқни ичиб, полга тупурди.

— Бўпти, тўғрилаймиз, лекин бу ишдан юз злотий-шинг ҳиди келяпти, Эҳтимол, юз йигирма злотий ҳам кетар.

— Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин,— дея ошнасини шонтириди Дизма.

Амброзяк бош иргаб, ўрнидан турди-да, парда орқасида ғойиб бўлди. Дизма кута бошлади.

Гармончи бир оздан сўнг митти кўзлари чақнаб турган оғзингина малла соч бир йигитни бошлаб келди.

— Танишинглар: менинг ошнам Пиздрай, Франек Левандовский.

Малла соч йигит томирлари ўйнаб чиқкан, гавдасига иомуносиб бесўнақай қўлини узатди.

— Ким ўлди?— дея сўради у.

— Шунчаки бир иш бор...— деди хаёлга чўмид Дизма.

— Иш бор экан, демак томоқни ҳўллаш керак.

Никодим ҳўжайнини чақирди.

— Пан Малиновский, бир шиша тозаси билан чўчқа гўштидан келтиринг.

Амброзяк маллага энгашди.

— Пан Франек, кимларни олмоқчисиз?

— Антек Клявиш билан Қайнатани олсам дейман.

— Фақат уч киши бўласизларми?— дея шубҳаланиб сўради Дизма.

— Нима? Жуда кучлими?.. Туллакларданми ёки хомми?

— Хом. Қишлоқдан келган... Үлгудай семиз.

— Тўғрилаймиз,— деди бош иргаб Франек.— Кечирасиз, ўзлари ким бўладилар?

— Бу билан нима ишинг бор, Франек?— дея гапга аралашиб Амброзяк.— Менинг ошнам деяпман-ку, шу стмайдими сенга? Нега ҳамма ишга тумшуғингни тиқаверасан?

— Тумшуғимни тиқаётганим йўқ, шунчаки қизиқдим, холос. Бўпти, гапиринг.

Никодим столга энгашиб, тушунтира бошлади.

Левандовский билан гармончи ҳафсала билан ичишмоқда эди. Дизма ҳам улардан қолишинаси. Ҳўжайнини буюришларини кутиб ўтирасдан бўш шишани олиб,

ўрнига яна битта яримталик ва совуқ котлетлар билан тузланган бодринг келтириб қўйди. У биронта одам Левандовский билан «гаплашганида» иш ароқсиз битмаслигини яхши биларди.

Амброзяк оркестрга чақиришганлари сабибли бир неча марта ўрнидан туриб, яна қайтиб келди. Хўжайн газ чироқни ёқди. Эшик тинимсиз очилиб турарди, пивохона одамга тўлаётганди.

Кўпчилик Левандовский билан саломлашар, у эса жавобан бепарвогина бош ирғаб қўя қоларди.

Дизма Левандовский тўғрисида кўп эшиганди. Бироқ Никодим бутун Воля билан Чистоега<sup>1</sup> ваҳима солган бу машҳур каллакесарнинг ёш болага ўхшаган бир йигит эканлигини хаёлига ҳам келтирмаганди. Ҳарқалай, Дизма ишни ишончли қўлларга топшираётганини яхши биларди.

Никодим ёб-ичилган нарсаларнинг ҳақини тўлаб, Франекка секингина юз злотий қистирганида соат саккиз бўлган эди.

— Энг муҳими — чўнтакларини яхшилаб қаранглар, бирор нишона қолмасин,— деди Дизма Франек билан хайрлашаётib унинг томирлари ўйнаб чиқсан қўлини қисар экай.

Амброзяк Никодимни эшикка қадар кузатиб чиқиб, Франекнинг «михдай йигит» эканлигини айтди да, ўн злотий қарз сўради. Сўнг Дизма берган пулни чўнтағига сола туриб, истеҳзо аралаш деди:

— Қишлоқда роса ишлаётгана ўхшайсиз. Пул деган нарса сероб кўринади!

— Ишим ёмон эмас.

Кўча бўм-бўш эди. Дизма Вольскаяга чиқиб, трамвай кута бошлади. Кўп ўтмай тўққизинчи ҳам келди.

Циркда одам қайнарди. Ғовур-ғувур ичиди у ёқданбу ёқса елиб юрган болаларнинг овози эшитилиб турарди:

— Шоколад, лимонад, печенье!

Никодим опа-сингил Чарскаялар билан циркка кириб келган ҳам эдики, оркестр марш чалиб, полвонлар майдонга саф тортиб чиқишиди.

Улар ўнта бўлиб, барчаси норгул, мушаклари бўртиб чиқсан, бўйни буқаникига ўхшаш йўғон, трико кийган

баданини жун босган эди. Улар сафни бузмай майдонни айланниб чиқишиди.

Дизма опа-сингил Чарскаялар билан ўз ложаси томон ўтди. Полковник Вареда аллақачон етиб келган экан. Мариетта кулиб юборди:

— Нима бало, сўқимга боқилганми ҳаммаси!

Никодим ва опа-сингил Чарскаялар Вареда билан саломлашишиди.

— Ҳув аваисининг оти Мик,— деда тушунтирди Вареда.— Гавдаси ўспирин боланикига ўхшайди-ю, лекин у манови барзангиларнинг кўпчилигидан кучлироқ.

Полвонлар яна саф тортишган эди, судья уларни томошибинларга танишири бошлади.

Ҳар бирининг Айглия чемпиони, Бразилия чемпиони, Европа чемпиони каби биронта унвони бор эди.

Икки полвоннинг номи айтилганда чапаквозлик, айниқса, авжига чиқди: томошибинлар Польша чемпиони Веляга билан италиялик барзанг Траккони олқишламоқда эди.

Сўнг саҳнада иккита полвон: семиз, қўллари маймунники каби узун немис билан хушбичим мулат<sup>1</sup> Мик қолди. Мик ўз рақиби ёнида каркидон олдида турган охуга ўхшарди.

Ҳуштак чалиниб, полвонлар бел олишиди.

— Тайёр!— деда қичқирди Дизма мулат немиснинг оғирлигидан гиламга йиқилаётганини кўриб.

— Йўқ, ошна,— жилмайди Вареда,— мулат тушмагур жуда эпчил. Унинг курагини ерга теккизишнинг ўзи бўлмайди.

Чиндан ҳам мулат рақибининг чангалидан осонгина сирғилиб чиқди. Шунда немис пишиллаганича уни яна гиламга итқитиши учун даст кўттармоқчи бўлган эди, мулат кутилмаганда сакради. Аввалига бу немисга қўл келадигандек туюлди, бироқ аҳвол бир зумда ўзгарди қўйди: мулат чақонлик билан умбалоқ ошди. Уни кўтариб турган немис мувозанатини йўқотиб, қўйиб, чалқан-часига йиқилди. Мулат бир сакраб, рақибининг кўкрагига чиқиб олди.

Шу пайт уларнинг олдига югуриб келган судья немиснинг иккала кураги ерга текканини қайд қилди. Бу аҳвол бир зумда давом этди, холос; мағлуб бўлган немис

<sup>1</sup> Оқ танли ва қора танли эр-хотиндан туғилган одам.

<sup>1</sup> Воля ва Чистое — Варшава районлари

рақибини нўноқ суворини йиқитган от каби устидан силкиб тушарди-да, пишқириб ўрнидан турди.

Бироқ олишув тугаган эди. Жюри раиси, мулатнинг ғалабасини эълон қилди. Мулат жилмайиб томошибинларга таъзим қила бошлади. Марлуб бўлган немис сўкина-сўкина саҳнадан чиқиб кетди. Чор атрофда ўтирган одамлар уни қийқириқ ва ҳуштаклар билан кузатиб қолишиди.

— Бу мулат мунча чиройли бўлмаса! — деди маҳлиё бўлиб Мариетта Чарская.— Худди биринждан қуйилганга ўхшайди! Пан раис, айтинг-чи, агар уни ўзимиз билан ресторонга олиб кетсан одобсизлик бўлмайдими?

— Мариетта, нималар деялсан ўзи! — деде уни тұхтатди опаси.

— Ноқулай бўлса керак,— гап қотди Дизма.

Аммо бошқалар бу одатдаги вақтичорлик бўлади дейишиди. Уларнинг айтишларича, алоҳида кабинетда ўтиришса ҳеч нима қилмасмиш.

Бу орада саҳнага яна бир жуфт полвон чиқди.

Дизма курашиң берилиб томоша қила бошлади. У кураш кескин тус олган пайтларда муштини қаттиқ қисар ва жон-жаҳди билан:

— Бос уни!.. — деде бақиради.

Пастда полвонларнинг оғир гавдаси у ёқдан-бу ёққа думалар, улар инқиллаб-синқиллаб бир-бирларини йиқитишига уринишарди. Юқорида ўтирган томошибинлар эса ҳуштак чалишар ва «офарин» деде қичқиришарди.

Бир неча жуфт полвонлар курашиб бўлишгач, ниҳоят саҳнада программанинг асоси бўлган томоша бошланди.

Майдонга энг кучли полвонлар тушишиди. Чорпахил қўллари ғоят узун, бурни пучуқ, сочи устара билан олинган Польша чемпиони Веляга улкан маймунга ўхшарди. Унинг қаршисида йўғон оёқларини кериб норгул Тракко турарди. Унинг мушаклари бўртиб чиқсан эди.

Бутун цирк жимиб қолди. Шу пайт судьянинг ҳуштаги эштилди.

Рақиблар гўё бир-бирларини синамоқчи бўлгандек, шошмай бел олишиди. Чамаси, уларнинг иккови ҳам олишувнинг нақадар қийин бўлишини яхши биларди. Бироқ уларнинг ҳар бири ўз усулини қўллади. Поляк кураши шиддат билан олиб бормоқчи эди. Италиялик эса кучини бир маромда сарфлаб, рақибининг силласини қутишига аҳд қилгандек кўринарди.

Шу боисдан ҳам у деярли қаршилик кўрсатмади ва бир неча силтовдан кейин гиламга тиэзаси билан йиқилди.

Веляга уни чалқанчасига йиқитмоқчи бўлди. Аммо орадан бир неча минут ўтга, барча ҳаракати зое кетаётганини кўриб, рақибининг бўйини жон-жаҳди билан ишқай бошлади.

— У нима қиляпти? — деде сўради Мариетта.

Вареда унга энгашиб, кўзини полвонлардан узмай тушунтира бошлади.

— Бунинг отини уқалаш дейишиади. Уруш мумкин эмас, тушундингизми? Уқалаш эса мумкин. Шундай қилганда бўйин мушаклари заифлашади.

— Жони оғриса керак ахир.

Италиялик полвон ҳам худди шундай қарорга келди шекилли, рақибининг чангалидан сирғалиб чиқиб, ўрнидан турди ва Веляганинг орқа томонидан қучоқлаб олди. Бироқ семиз Велягага италияликнинг қўллари етмади; у қорнини шиширган эди, Тракконинг қўллари очи-либ кетди.

Томошибинлар қарсак чалиб юборишиди.

Дарвоқе, бошиданоқ улар польшалик полвон тарафини олишлари аниқ эди.

Бироқ олишувдан натижа чиқмаётгани учун Веляга қутуриб кетди. Томошибинларнинг қий-чуви уни баттар қизишириб юборди:

— Веляга, бўш келма!

— Бос макаронхўрни!

— Яшавор, Веляга!

Польшларнинг кўзи қонга тўлди улар ўқтин-ўқтин пишқириб қўйишарди.

Олишув борган сари қизғин тус ола бошлади. Курасчиларнинг баданини тер босди.

Веляга шиддат билан ҳужум қилас, италиялик жон-жаҳди билан қаршилик кўреатар, бироқ ўзини йўқотмай, қоидага биноан курашарди. Бу орада Веляга ҳар нима қилиб бўлса ҳам рақибини енгишга уринди; судья ҳатто бир неча бор курашни тўхтатишига мажбур бўлди, чунки Веляга фирромлик қила бошлаган эди.

Бирдан у Траккони нельсон усули билан бўғиб олишга муваффақ бўлди. Унинг баҳайбат қўллари италияликнинг қўлтиғидан ўтиб, энисасида бирлашиди.

Цирк сув қўйгандай жимиб қолди.

Полвонлар турган жойларида қотиб қолишиди — бироқ уларнинг бундай туриши ғоят катта кучни талаб қиласди: шу тобда уларнинг таранг тортилган мушаклари ҳозир терисини ёриб чиқадигандек туюларди. Веляга яна зўр берди. Италияликнинг қип-қизил юзи кўкариб кетди. Оғриқнинг зўридан унинг кўзлари косасидан чиқиб, осилиб қолган тилидан сўлак оқа бошлади.

— Қандай жирканч-а! — дей хитоб қилди Мариетта ва кўзларини юмиб олди.

— Веляга уни ўлдириб қўяди! — қичқирди қўрқиб кетган опаси. — Пан раис, бу даҳшат-ку ахир!

— Менга деса, бўйини узиб ташласин! — дей жавоб қилди Дизма.

— Уялмайсизми, пан раис, — дей яна гапга аралашди Мариетта.

— У таслим бўлиши мумкин, — деди елкасини қисиб полковник.

Бироқ италиялик полвон таслим бўлишни хаёлига ҳам келтирмасди. У даҳшатли оғриқقا бардош бериб, сира бўш келай демасди.

Веляга ҳам буни тушунди. У вақт тугаётганини кўриб, нима қилиб бўлса ҳам рақибини енгишга аҳд қилди.

У италияликни ён томонга силтаб, чалиб йиқитдида бутун оғирлиги билан босиб, курагини ерга теккизди.

Ҳамма ёқни гулдурос олқиши тутиб кетди. Қийқирав чапаквозлик, минглаб оёқларнинг тапир-тупуридан судъянинг ҳуштаги ва бош арбитрининг қўнғироқ чалиши эшитилмай қолди.

— Қойил, яшавор Веляга! — дей қичқирарди пешнаси тер қоплаган Дизма.

Бу орада полвонлар ўрниларидан туришди.

Веляга томошабинларга таъзим қила бошлади, Тракко эса судьялар коллегиясининг столи олдига бориб, кўкариб кетган бўйини ишқаганича, ниманидир тушунтира кетди.

Нихоят ғала-ғовур тинди. Судья саҳна ўртасига чиқиб, эълон қилди:

— Польша чемпиони Веляганинг Италия чемпиони. Тракко билан кураши дуранг натижа билан тугади. Веляга рақибини тақиқланган усул билан йиқитди. Шу боисдан ҳам жюри...

Қий-чув кўтарилиб, судъянинг кейинги сўзлари эши-тилмай қолди.

— Ёлғон!

— Веляга чалгани йўқ!

— Йўқолсин фирром судья!

— Веляга ютди!

— Йўқолсин макаронхўр!

Нихоят, судъялар коллегиясининг раиси сўз олди:

— Олишув дуранг натижа билан тугади, чунки Веляга рақибини чалиб йиқитди. Рингдаги судья ҳам, мен ҳам буни аниқ кўрдик.

— Ёлғон, чалгани йўқ! — дей қичқирди Дизма.

— Мен эмас, сиз ёлғон гапиряпсиз, — деди жаҳл билан судья.

— Нима? — ғазаби қайнаб бўкирди Дизма. — Нима дедингиз? Мен чалмади деялман. Мен давлат фалла банкасининг раиси бўламан. Хуштак тутган анови нусҳадан кўра менга кўпроқ ишониш мумкин.

Циркни гулдурос қарсаклар тутиб кетди.

— Офарин, офарин!

— Тўғри, айтяпти.

Шунда судъялар коллегиясининг раиси яна ўрнидан туриб, қичқирди:

— Кураш натижасини томошабинлар эмас, судъялар коллегияси ҳал қилади. Олишув дуранг билан тугади.

Бутунлай ўзини йўқотиб қўйган Никодим бутун циркка эшиттириб ўшқирди:

— Б... ебсан!

Унинг гали томошабинларга катта таъсир қилди. Юқори қаторлардан гулдурос олқишлиар эшитилиб, одамлар хахолаб кулишар, ҳозиргина Дизма айтган гапни бақириб тақрорлашарди.

— Кетдик бу ердан, — деди Никодим, — акс ҳолда ёрилиб ўламан.

Улар циркдан кула-кула чиқишиди.

— Энди чинакамига машҳур бўласан, — дей гап қотди Вареда.

— Қўйсанг-чи...

— Мени айтди деявер. Эртага бутун Варшава фақат шу ҳақда гапиради. Мана кўрасан. Одамлар ўткир сўзи ни яхши кўришади...

Эртаси куни бу воқеа ҳақида фақат гапиришибина қолмай, балки барча газеталар унинг тафсилотлари би-

лан ёзиб ҳам чиқишиди. Баъзилар эса қола қаҳрамонининг расмини ҳам босиб чиқаришиди.

Никодим ўзидан дарғазаб эди.

— Мен тўғри айтдим. Нега энди улар мени одобсиз одамга чиқариб қўйишшти?

— Ҳечқиси йўқ, арзимаган гап,— дея унга таскин берди Кшепицкий.

— Фазабимни қайнатиб юборишиди, абллаҳлар.

## 13- б о б

Крохмальная кўчаси бу пайтларда доим бўм-бўш бўлади. Бунинг ажабланадиган жойи йўқ: вақт ярим тундан оғиб қолган бўлиб, бу ернинг аҳолиси эса ишга жўнаш учун эрталаб солат олтида ўрнидан туради.

Дарвозахоналарнинг бирида уч эркак аллакимни кутишганича деворга суюниб ўтиришарди. Сиртдан қарагандан улар ухлаб қолгандек кўринишади, аммо папиросларининг аҳён-аҳёнда милтирашига кўра улар уйгок эди.

Железная кўчаси томонидан кимнингдир оғир қадам ташлаб келаётгани эшитилди. Эркаклардан бири эмаклаб бориб, бурчакдан мўралади-да, сўнг орқасига қайтиб шивирлади:

— Уша.

Қадам товуши борган сайин яқинлашиб келарди, бир минутдан сўнг дарвозахонадаги кишилар қора кузги пальто кийган паст бўйли бақалоқни кўриб қолишиди.

Орқасидан кимнингдир келаётганини сезган йўловчи ўғирилиб қаради.

— Гугуртингиз йўқми мабодо?— дея сўради ундан озингина малла соч йигит.

— Бор,— деди жавобан бақалоқ ва чўнтагини ковлай бошлади.

— Фамилиянгиз Бочекми?— сўради кутилмаганда малла соч йигит.

Бақалоқ унга ажабланиб қаради.

— Буни қаёқдан биласиз?

— Қаёқдан дейсизми? Сен тилингни тиймаган томондан, абллаҳ.

— Нима гап ўзи??..

Бақалоқ гапини тугата олмади. Оғир мушт унинг

бурни билан юқори лабини ёриб юборди; шу заҳоти кимдир унинг миясига урди, кимдир бор кучи билан қорнига тепди.

— Ё тангрим!— дея қичқирди бақалоқ ва зовурга қулаб тушди. Унинг мияси ғувиллаб, оғиздан қоннинг шўртанг мазаси пайдо бўлди.

Ҳалиги одамлар бу билан чекланишмади. Улардан бири бақалоқнинг устига энгашиб, қорни ва кўкраги аралаш ураверди, бошқаси тротуардан сакраб ўтиб, похиаси билан башарасига тепди.

Даҳшатли оғриқ Бочекнинг кучига куч қўшди. У семизлигига қарамай, сапчиб ўрнидан турди-да:

— Қоровул! Қоровул!— деб додлай бошлади.

— Овозини ўчир уни!— дея ҳансираф шивирлади малла соч йигит.

Шериги Бочекнинг тротуарда ётган шляпасини олиб, унинг дабдаласи чиққан башарасига босди.

— Вой-дод... Ёрдам беринглар!— дея бўғилиб қичқирди бақалоқ.

Узоқдаги чорраҳада кимнингдир қораси кўринди.

— Жим! Франек, кимдир келяпти.

— Вой-дод! Ўлдиришяпти!

— Нимаям қиласардик, пичноқ билан тинчтишга тўғри келади.

Буклама пичноқнинг пружинаси шиқиллаб очилдида, узун тиф нақ сопига қадар бақалоқнинг тана-сига санчилди. Франек унинг яна уч-тўрт жойига пичноқ урди.

— Тайёр бўлди.

Йигит пичноғини Бочекнинг пальтосига артиб олди. Икки шериги унинг чўнтакларини тинтиб, соати, паспорти ва кармонини олишиди...

Бир зумдан сўнг Крохмальная кўчаси яна ҳувиллаб қолди.

Велосипед минган икки полициячи — тунги патруль бу кўчага бурилганда тонг ота бошлаган эди.

— Уни қара,— дея хитоб қилди полициячилардан бири,— кимдир ётибди!

— Маст бўлса керак.

Улар велосипедларидан тушиб, ҳалқоб бўлиб қолган қонни кўришиди-ю, дарҳол гап нимадалигини тушунишиди.

— Чўчқадай чавақлаб кетишибди-ю!

— Томирини ушлаб кўр-чи.

— Совиб бўлиби.

— Оббо итваччалар-е! Комиссариатга бориш керак.

Шу ҳафтада учинчи одамни сўйиб кетишлари.

Совуқ куз ёмғири шивалай бошлади.

«Бугун тунда VIII комиссариат патрули Крохмальная кўчасида элликларга кирган бир эркак мурдасини топди.

Тез ёрдам врачи эркакнинг юрак халтаси ўткир қурол билан ёрилгани, кўп қон кетгани ва мия суягининг сингани сабабли ўлганини қайд этди. Башараси қаттиқ мажақлангани боисидан унинг кимлигини аниқлаб бўлмади. Унинг ёнидан ҳеч қандай ҳужжат топилмади. Мурда ёриш учун ўликхонага жўнатилди. У ички партия низоларининг қурбони бўлган, деб тахмин қилингапти».

Дизма газетани буклаб, столни черта бошлади.

— Хўш, мен нимаям қила олардим? — деди ўзига ўзи Никодим елкасини қисиб.

Аввалига Бочекнинг ўлими унинг юрагига фулгула солди. У, полиция мени албатта қидириб топади, деб ўйлади. Кейин марҳум кечалари тушимга кириб чиқса-я, — деда қўрқа бошлади.

Лекин, бошқа томонини олганда, ўзи учун хавфли бўлган бу одамнинг энди йўқ бўлгани, унинг ўлими билан ҳамма хавф-хатар батараф этилгани ҳақидаги фикр аста-секин қўрқувни енгиб, охири Никодимнинг дилидан уни бутунлай қувиб чиқарди.

Ундан, банка правлениясининг раисидан ким ҳам шубҳаланарди, дейсиз!

Бочекнинг ўлимига, у, яъни Дизма айбдорми? Ҳамма бало Бочекнинг ўзидан чиқди.

«Ҳаммасига ўзи айбдор. Аҳмоқ... Мана оқибати...»

Кабинетга Қшепицкий кириб, эшикни ёпди-да, сирли жилмайиб деди:

— Пан раис, бир мижозни қабул қилмайсизми? Жуда қизиқ одам.

— Ким экан у?

— Сизнинг яхши танишингиз.

Дизманинг ранги докадай оқариб кетди; у сакраб ўрнидан турди-да, бутун гавдаси қалтираб, титроқ товуш билан сўради:

— Ким?

Уни қаттиқ ваҳима босди. Шу пайт унга эшик ортида башараси мажақланиб, қонга беланган Бочек кутиб тургандек қўринди.

— Сизга нима бўлди, пан раис? — деда сўради ташнишланиб Қшепицкий.

Дизма ёзув столига таянди.

— Мазангиз қочдими?

— Куницкий.

— Э-ҳа, Куницкий... Яхши...

— Уни қабул қиласизми?

— Майли, кирсин.

Кабинетга ўша-ўша питрак ва қизил юз Куницкий югуриб кирди. Дизма билан остонадаёқ саломлашиб, планималарни бидирлай кетди.

Никодим гап нимада эканлигини тушуна олмай, чолга бир минутча меровсираб қараб турди.

— Ҳа, азизим пан Никодим, ёшимга ёш қўшиляпти-ю, лекин мен қариётганим йўқ. Мана, сизнинг ҳам кўриннишингиз жуда яхши. Ҳўш, сиёsat бобида қандай ингилклар бор? Ишларингиз қалай? Ҳамма турғулилар ва солиқлардан шикоят қилияпти, азизим: дастмоя солиги одамни пичоқсиз сўяяпти ахир. Ижтимоий зарурат учун олинаётган солиқларни айтмайсизми! Кабинетингиз ижойиб экан, жуда дид билан жиҳозланибди... Азизим нац Никодим, марҳаматнинг аямасангизу мени билан нонушта қилсангиз, қалай бўларкин? Эрталабдан бери туз тотганим йўқ. Ажойиб кабинет! Мен билан Коборонога жўнамайсизми, а? Тўғри, ҳаво айнинган, лекин ҳамма ёқ осойишта: Асаблар дам олади, кейин боёқиши Пиннинг ҳам боши осмонга етарди — жуда ёлғиз бечора. Икки-уч кунга бориб келсангизчи, а?

— Кейинги ҳафтада борарман.

— Раҳмат, азизим, раҳмат. Қани, юринг, нонушта қилайлик, бўлмасам. Балки, «Бахус»га борармиз, а?

— Раҳмат, боролмайман. Бугун князъ Ростоцкийни кида нонушта қилишим керак.

Бу ёлғон кутулганидан ҳам зиёда таъсир кўрсатди. Куницкий оғзининг таноби қочиб, таниш-билишлари туфайли унга қандай имкониятлар яратилаётгани тўғрисида гапира кетди.

Сўнгра чолнинг бу ерга келишидан мақсади ҳам маълум бўлди: у темир йўл шпаллари ҳақида гап очди. Куницкий ялтоқланиб, бу ишдан кўрадиган фойдаси ҳақида гапираш ва анови суд процесси туфайли у, яъни Леон Куницкийга буюртма беришни истамасалар, у

ҳолда ишни Нина Куницкаянинг номига расмийлаштириши мумкинлигини ўқтиради.

— Жуда мушкул иш,— деди жавобан Дизма.

— Хе-хе-хе, қадрли пан Никодим, бир имо қисалабас... Азизим, келинг, ўша темир йўл министри била бир гаплашиб кўринг.

Чол Никодимнинг жон-ҳолига қўймай ахийи розбўлишга мажбур қилди.

— Фақат шартнома бир ёқли бўлгунига қадар, бу едан кетмай турасиз; ёдингида бўлсин, мен бу ишда ёбало тушунмайман.

Куницкий боши осмонга етиб, гарчи Дизма каби гений учун ҳеч қандай ёрдамнинг керак эмаслигига имон комил бўлса-да, зарур бўлиб қолса, керакли маълумотларни бериш учун Варшавада қолажагига пан раиси ишонтириди.

Кабинетга Кшепицкий кириб, гапнинг белига тепди Куницкий эртага келишини възда қилиб, Дизма билашайрашди.

— Юлдузни бенарвон урадиган чол-да, ўзиям?— дед унинг ортидан Кшепицкий.

— Нимасини айтасиз!— дед тасдиқлади Никодим.— Уни чув тушириш жуда қийин.

Кшепицкийнинг узун юзи нафратомуз табассумда буришиб қетди.

— Менимча, пан раис, бунақа олғирни ўзидан эпчи ролги чиқиб алдаб кетади.

Дизма кулиб юборди. У ўзини худди шундай эпчи лардан деб ҳисобларди. Назарида, ҳатто Кшепицкий ҳаҳудди шундай ўйлаётгандек эди. Ҳарқалай секретарининг илжайиб туриши шундан далолат берарди.

— Нимани ўйлајпиз?— дед қизиқиб сўради Дизма.

— Ҳозирги кунда қулай фурсатни кўлдан бой беимайдиган кишиларнингнина ошиғи олчи эканлигини ўйлајман,— деди жавобан Кшепицкий.

— Қанақа қулай фурсатни айтапиз?

Кшепицкий бошини юқори кўтариб, ингичка кекирдигини қашиди-да, гўё шунчаки айтгандай қилиб деди:

— Коборово ҳавас қиласа арзидиган жой-да.

— Нимасини айтасиз!..

— Ҳаммагаям насиб бўлавермайди у...

Дизма бош иргади.

— Лекин Куницкийга насиб қилибди.

— Балки... у сизга ҳам насиб қилар?

Никодим секретарига гумонсираб қаради.

— Менга-я?

— Ҳозирги замонда у ёқ-бу ёғини ўйлаб ўтирумайдип-чи одамларнинг куни тукқан.

— Сиз вижданлилик халал беради, демокчимисиз?

Кшепицкий дарҳол жавоб бермади, у Дизмани дикъот билан кузатиб турарди.

— Пан раис,— деди у ниҳоят ҳар бир сўзини тарозу-салиб,— сизга нисбатан оддий хайриҳоҳ эмаслигимни ўзингиз ҳам билсангиз керак?

— Ҳа, биламан.

— Бўлсанман, сизга очигини айтай... Сизнинг фойдан-изни кўзлаյпман. Яширамайман, ўзимниям унугтаётганим ўқ, албатта. Бизнинг замонамиизда тентак одамларгина отқизади.

Шундай дея Кшепицкий хаёлга чўмди. Дизма тоқат-излаби, уни қистади:

— Гапира, қолсангиз-чи, жин урсин сизни!

— Очигини айтсам, жаҳлингиз чиқмайдими, пан ёанс?

— Нима, мени аҳмоқ деб ўйлајпизми?

— Худо сақласин. Шунинг учун ҳам айтаман-да...

Кшепицкий стулни Дизмага яқинроқ суриб ўтириди. Унинг башарасидан жиддий ўйга толгани сезилиб турарди.

— Пан раис, Куницкийнинг хотини сизни ҳали ҳам сувадими?

— Севганда қандоқ! Ҳар куни мана бундай хатлар ҳазди.

Кшепицкий Никодимга энгашиб, қулоғига бир ниматни шивирлади...

Улар банкадан чиқиб, автомобилга ўтиришганида соат тўрт бўлай деб қолган эди.

— «Воҳа»га ҳайда!— дед қичқирди Дизма шофёрга секретарининг тиззасига шапатилади.— Каллангиз ихши ишлар экан. Ишқилиб, уддаласак бас.

— Нега, уддаламас эканмиз, албатта, уддалаймиз! Чемак, гап битта, а?— деди Кшепицкий Дизмага қўлини ўзиб.

— Бўлмасам-чи!— шундай дея Дизма секретарининг ўлини маҳкам қилиб қўйди.

Ўша куни кечқурун Никодим Дизма темир йўл министри инженер Роман Пильхенning уйига борди.

Министр табиатан вазмин, доим жилмайиб туради-

ган, озғингина, қора соч бир одам эди. У сўзларга кичрайтириш қўшимчасини қўшиб гапириши яхши кўради. Министр ва унинг яхудийсизон малла соч хотини Дизмани самимият билан кутиб олишди.

— Раисжон, азизим!— дея хитоб қилди Никодимни кўрган заҳоти Пильхен.— Циркда хўл ажойиб сўз айтибиз-да! Илойим чивинча чақсин сизни! Кулгидан ичагим узилай деди! Иборача деб мана буни айтадилар!

— Эҳтимол, жуда одобдан бўлмаса ҳам,— сўзларни чўзиб тасдиқлади хотини,— лекин эркакча гап бўлибди

— Рост айтасан. Мамлакатимизда лалайган одамлар кўпайиб кетди. Ҳамма гапга шакарча сепиб, чучмал қишини яхши кўрамиз. Бирор ўткир сўз бизга муздаккин сув сепгандай таъсир қиласди.

Никодим кулиб юборди ва ўшанда фоят ғазаби қай наб кетганини тушунтира бошлади.

Овқатдан сўнг иш ҳақида гаплаша бошлашди.

Никодим ишнинг шундай силлиқ қўчишини кутмагаётди. Рост, Пильхен ўз министрлигидаги керакли департамент билан келишиб олмагунча бирор қарорга кела ол маслигини айтди. Бироқ аслида у қадрли раисжон учун ҳамма ишга тайёр эмиш. Ҳар нима бўлганда ҳам шпаллар ортиқчалик қиласмиш.

— Сизга сўз беришим мўмкин, бу ишни тезда биқёкли қиласмиш. Қандай бўлмасин, энг муҳими, ишни пайсалга солмаслик керак. Одатим ўзи шунаقا.

Дизма энсасини қашиди.

— Очифина айтганда, мен бу ишни бир оз орқага суришни илтимос қилмоқчиман.

— Орқага суришни дейсизми, биродар?— дея ажабланиб сўради министр.

— Ҳозир у менга зарур эмас.

— Пильхен кулиб юборди ва, ундай бўлса сизни жудгалати мижоз, деб айтсан ҳам бўлади, деди.

Никодим эртага министрликка бориш учун ижозасўради-да, хайрлаша бошлади.

— Асл одам-да,— деди министр Дизманинг ортида ёшик ёпилгач.— Менга ишонавер, дўндиқчам, унга қилинган ҳар бир яхшилик келажакда яхши фойда келтиради.

— Э, мен қаёқдан билай,— деди жавобан пани Пильхен,— бу сиёсий комбинацияларингизни тушунмайман! Менга фақат бир нарса аён, Дизма жуда яхши одам кўринади. Инглизча тарбия деб шуни айтишади-да!

Никодим уйга қайтди-да, дарҳол Қашепицкийга қўнтироқ қилиб, иш кўнгилдагидай кетаётганини хабар қиласди.

Сўнгра Нинанинг хатларини очиб ўқий бошлади. У жувоннинг севгисига яна бир бор ишонч ҳосил қилмоқчи эди.

Хатларда ёзилган гаплардан ҳеч қандай шубҳага ўриш қолмасди. Уларнинг турган-битгани муҳаббат тўғрисида мулоҳазалар, бирга ўтказган дамларни қўмсан, ҳижрон азоби ва келажакдаги икковлон ўтказадиган. Бинхтили қунларни орзиқиб кутиб ҳақидаги гаплардан иборат эди.

Хатлардан бирида Нина ўзи туғилиб ўсган ва унга болалигини эслатадиган Коборовдан айрилиш нақадар оғир эканлиги ҳақида гапирганди.

Дизма илжайиб, стол тортмасини очди-да, қофозлар орасидан Нина Куницкая номи билан иш олиб бориши учун берилган ваколатномани олди. Бу ваколатномани Никодим Коборовога борганидан сўнг бир оз вақт ўтгач, Леон Куницкий берган эди. Дизма ваколатномани ҳафсаля билан буклаб кармонига солиб қўйди.

Сўнг қувноқ ҳуштак чалганча ўзини тўшакка ташлади. Ҳозир унинг бутун фикри ёди ўзи бошлаган катта ишда эди.

Никодим тунги столчада турган лампани ўчириб, хонани зим-зиё қоронғилик босганида бирдан унинг бутун вужудини даҳшат босди.

«Бочекни ўлдиришди!»

Дизма довдираబ қолди.

«Менинг бўйруғим билан ўлдиришди... Менинг пулимга... Бочекни мен ўлдиридим... Э, жин урсин!»

Бу хира фикр унинг миясини чулғаб олганди. Нариги дунё чиндан ҳам бўлса-чи? Арвоҳлар ҳақидаги гапрост бўлса-я?..

Қоронғида қаршидаги девор олдида нимадир қимирлаб, кимнингдир шарпаси кўрингандай бўлди.

Сочлари тикка бўлиб кетган Никодим қалтироқ қўлини включатель томон чўзган эди, пижамасининг енги абажурга тегди-ю, лампа шарақлаб, полга тушди.

Никодим тирракдек қотиб қолди. Шарпа эса яқинлашиб келмоқда эди. Нафаси томоғига тиқила бошлаган Дизма додлаб юборди.

Ҳар дақиқа бир соатдай туюларди.

Бирдан унинг қулогига шиппакнинг шапиллагани

эштилди. Эшик тирқишидан хонага шуъла тушиб, осто нада қўлида тўппонча билан Игнатий пайдо бўлди.

— Нима гап?

— Чироқни ёқ тезроқ.

Игнатийнинг деворни пайпаслагани эштилди. Ниҳоят, включател: чиқиллаб, хона ичи кўзни қамаштирувчи, ажойиб, нажотбахш ёғдуга кўмилди.

— Нима гап ўзи, пан раис?

Дизма ўрнидан туриб ўтириди.

— Ҳеч гап йўқ. Тушимда... анови... ўғрини кўриб ман...

— Худога шукур-е. Одамни қўрқитиб юбордингиз-ку

— Асабимнинг мазаси қочибди. Биласанми, Игнатий кўрпангни олиб келгин-да, манови дивандада ёт.

— Таъбингиз, пан раис.

— Ҳа! Кейин буфетга бориб менга ароқ олиб кел Озгина ичсам, асабим жойига тушади.

Қадаҳдаги арокни симириб, устидан бир тишлам сомса егаҳ, Никодим енгил тортгандай бўлди. Игнатий ди ванга чўзилди.

«Туфе! Ўзим ҳам хотиндан баттар эканман!»— дед ўзига ўзи Дизма ва девор томон ўғирилиб, қаттиқ уйқуг кетди.

## 14- б о б

Қашепицкий ваколатномани кўриб чиққач, уни Дизма га қайтара туриб, деди:

— Ҳаммаси жойида. Министрликда бу иш била кимнинг шуғулланишини билмайсизми?

— Биламан, албатта. Қандайдир Черпак деган одам Бўлим бошлиги экан.

— Черпак дедингизми? Кулгили фамилия экан. Лекин гап бунда эмас. Муҳими — унинг қандай одамлиг:

— Бунисини билмайман, лекин, менимча, у билан килишсак бўлади. Ниҳоят, министр Пильхен ўша Черпакни менинг илтимосимни шахсан ўзи айтиб қўйгани ишими ни осонлаштириши керак.

Соат ўн бирда Куницкий ҳозир бўлди. У гапни оҳаводан бошлаб, сўнгра кеча театрда кўрган спектакл ҳақида сўз очса-да, кўзларидан: «Дизма илтимосимни бажардимикин?»— деб безовталанаётгани сезилиб тарди. Ниҳоят, юрак ютиб, шу ҳақда сўраган эди, Никодим бош иргади.

— Бўлмасам-чи. Кечака министрнинг олдига бордим...

— Яшанг-е, азизим! Хўш, у нима деди?

— Аввалига ўжарлик қилди, аммо охири уни бу иш билан шуғулланишга кўндиридим.

— Худога шукур-е! Азизим пан Никодим, сизни менга тағрининг ўзи етказди!

— Қўлимдан келган ишни қиляпман.

Дизма Куницкийга иш юзасидан елиб-югуриши, керакли одамлар билан гаплашиши учун бир неча кун, ёхтимол, бирор ҳафта кераклигини тушунтирди. Хали бир битимга келишмасдан бурун Куницкийнинг министрликка боришидан фойда йўқ эмиш; у иш шартнома тушишга бориб тақалгандагина баъзи деталлар ҳақида шахсан ўзи бориб гаплашиши керак бўлармиш.

— Яшанг-е! Қойил!— деди боши осмонга етиб Куницкий.— Пан Никодим, балки баъзи харажатлар бўлар... Марҳамат, тортинмай айтаверинг.— У шундай деб кармоини чиқариб, Дизмага тикилди.

Никодим креслода чайқалиб қўйди.

— Бирор... беш минг кифоя қилса керак...— деда жавоб қилди у хаёлга чўмиб.

— Майли, олти минг ҳам бўла қолсин! Биз ҳали бу ишда ортиги билан фойда кўрамиз, хе-хе-хе... Аравада яхши юришин истасанг — фиддиракни мойла! Мойни аямаслик керак! Қаловини топсанг қор ёнади, пан Никодим. Агар фойда кўришни истасанг харажатдан қочмаслик керак.

У бели букилмаган ўн иккита беш юзталикни санаб берган эди, Никодим уларни бепарвогина чўнтағига солиб қўйди. У энди йирик пулларга кўнишиб қолган бўлиб уларни кўрганида бир вақтлардагидай анграйиб қолмасди.

Бу гал Никодим Куницкий билан ионушта қилишга рози бўлди. Ионушта маҳали у қурилишга темир йўл шипаллари етказиб бериш ҳақида бутун бир лекция тинглади.

Соат учда Дизма министрликка равона бўлди. Пальто ва шляпасини кийиб қаергадир кетмоқчи бўлиб турган министр Пильхен Дизмани кўргани заҳоти идорада яна бир оз вақт қолишга розилик билдириди. У Никодимга ҳамма иш жойида эканлигини айтди. Шартларини эса «қадрли раисжон» Черпак билан келишиб олсин эмиш. Буни у истаган пайтида қилса бўлар экан.

— Турган гап, биз бу шартномани,— деда қўшимча

қилди министр,— сизга бутунлай ишонганим ва ҳамма иш жойида бўлиши учун шахсан ўзингиз кафил бўлишингизга амин эканлигимдан тузяпмиз.

— Албатта шундай бўлади.

Уша куни кечқурун Никодим кашвициалик ординат Маврикий Чарскийнинг беваси графиня Чарскаянинг уйидаги йигинда қатнашди. Марҳум Маврикий Чарский ўзидан сўнг унча катта бўлмаган ер-сув билан автор хисобига нашр этилган ўн тўрт повесть ва биронта театр, да қўйилмаган олти тарихий драмадан иборат адабий мерос қолдирган эди.

Шу боисдан ҳам графикниг бёваси атрофида адабиётчиларни йиғишини ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисобларди: Варшавада унинг салонига келмаган биронта ҳам адабиётчи қолмаганди.

Адабиётчиларнинг кўпчилиги графикянинг тез-тез келиб турарди. Улар бу ерда қорниларини тўйғизишар ва хайр-маъзурдан сўнг марҳум граф Маврикийнинг ҳеч бўлмаганда асаларидан икки томини қўлтиқларига қистириб кетишарди. Сўнг навбатдаги зиёфатда бу дунёни тарк этган касбдошларининг истеъодини кўкларга кўтариб мақташарди-да, шундай ажойиб ёзувчини тез унтиб юборишганидан фифонлари чиқарди.

Олти тарихий драманинг биронтаси ўқилаётганида фақат икки хоним — уй бекасининг жиянлари Ивонна билан Мариеттагина очиқдан-очиқ эснаб ўтишарди.

Кўҳликкина опа-сингилларнинг дардиди бу хонадонга адабиётчилардан ташқари аристократ ёшлар ҳам келиб туришарди.

Никодим остона ҳатлаб ўтган заҳоти Пшеленская ёки князь Ростоцкийнида учратган кўпгина танишларига кўзи тушди. У айниқса анови расво тундаги воқеада қатнашган хонимларнинг деярли ҳаммаси ҳозир бўлганидан хижолатга тушди. Никодим фақат, очиғини айтганди, ўзи жуда чўчиб қолган Стелланинг кўринмаганидан бир оз таскин топди.

Уни иззат-икром билан қувониб қарши олишди.

Урангли Юлдуз ложасига аъзо бўлган хонимлар Ляля Конецпольская бошчилигига уни шундай олқишлишчики, Никодим хижолатдан ўзини қўярга жой тополмай қолди.

Уларнинг кўзлари Диэмага ўша лаънати тунни эслатиб турарди. Хонимлар пайт пойлаб у билан кўз уриштиришар ва қандайдир одобсиз қилиқлар қилишарди.

Никодим келажакда асқатиши мумкин бўлган янги танишлар ортиришни ўйламаганида бу ердан жон деб қочиб қолган бўларди.

Графиня Чарская Дизмани дарҳол марҳум Маврикий Чарскийнинг ўлмас асалари ҳақида саволга кўмиб ташлади. Никодим «Туйғу гуллари» ва «Бўлбул қўшигини» бир неча бор ўқиганини айтиб, гапни бошқа ёққа буришга ҳаракат қилди.

Бу орада Мариетта Дизмани ўоят ажойиб ёзувчи Зенон Личковский билан танишитирди. Личковский шу заҳоти Никодимни адабий академия ташкил этишда иштироқ қилишга ундаи бошлади.

— Пан раис, сизнинг энг яхши истеъодод соҳибларни ўз ҳимоясига олиб, улар тадқиқот ишлари билан шуғулланишга имконият яратиб берадиган ташкилот тузишнинг зарурлигини тан олишингизга сира шубҳаланмайман.

— Ҳа, албатта,— дея жавоб қилди Никодим. Гарчи у гап нима хусусида кетаётганини тушунмаса-да, Личковскийнинг фикрига қўшилиш лозимлигини англади.

Мугуз гардишли кўзойнак таққан қандайдир тараша нусха такаллufeсизлик билан Диэманинг тугмасидан ушлаб, унга адабий академия тузишнинг принципларини тушунтира бошлади. Унингча, пан раис поляк адабиёти штабини тузиш ҳақидағи фикрни фақат маориф министрлигидагина эмас, балки Жече Посполита президенти ҳузурида ҳам ёклаб чиқиши лозим эмиш. Унинг ёнига яна бир неча меҳмон қўшилди-да, ҳаммаси Никодимдан бу ташаббусни қўллаб юборишни илтимос қила бошлади.

Дизма Личковский бошчилигидаги адабиётчиларга кўлидан келганича ёрдам кўрсатишга ваъда қилди.

Графиня Чарская меҳмонлар орасида бўзчининг мокисидай у ёқдан-бу ёққа юрарди. У Никодим учун ҳам вақт топиб, ундан қандайдир жамияти хайрия учун икки юз злотий шилиб олди.

Никодим ёши бир жойга бориб қолган икки хонимнинг сұҳбатидан қутулган заҳоти жуфтакни ростлаб қолди.

Уйга келса Нинадан хат келибди. Хатда Нина одатдагидай ўз кечинмаларини тасвирлаган эди. Бундан ташқари, у Никодимдан Коборовога қайтишни илтимос ҳам қилғанди.

Никодим Қшепицкийга қўнғироқ қилиб, у билан узоқ сұхбатлашди.

Уларнинг иккови ҳам ишнинг боришидан мамнун әди. Қшепицкий Дизмага Куницкийнинг ишончини қозониш лозимлигини уқтириди.

— У сизга ишонмоги керак, пан раис, акс ҳолда ҳамма уринишимиз бекор кетади.

— Нега ишонмас экан энди! — Никодим елкасини қисиб қўйди.

— Энг муҳими, Нина ишни бузиб қўймаса бўлди.

— Бу ёғидан қўрқманг, ўзим тўғрилайман.

Соат бирда Куницкий ҳозир бўлди. Унинг димоги чор әди. Министр ундан шпал сотиб олишга деярли рози бўлганини эшитгач, Куницкий Дизманинг бўйнидан қучди. У қадрли пан Никодимдек одам бу ёруғ оламдан то-пилмаслиги ҳақида жаврай бошлади.

Никодим Черпакка қўнғироқ қилиб, у билан бирга овқатланишга келишиб олганида соат тўрт бўлай деб қолган әди. Бугун Қшепицкий хўжайнинг ҳамроҳ бўлмади.

Черпак ёши қирқларда бўлган чаққонгина киши экан. У чиновниклик мартабасидан воз кечиб, бирор хусусий фирмага ишга киришини орзу қиласи экан.

Никодим буни дарҳол пайқади. Шу боисдан ҳам гапни чўзиб ўтирамай, унга Кобороводаги тахта тилиш заводида директорлик лавозимини таклиф қилди.

Никодим фақат министрнинг ёрдами туфайлигина Куницкийнинг аввалиги суд процесси сабабли пайдо бўлиши мумкин бўлган тўсиқлардан ҳоли бўгланини энди тушунди.

Черпак, чамаси, пул учун ҳар қандай ишга тайёр әди.

У Дизманинг ниятини суриштириб ўтирамай, унинг барча кўрсатмаларига қатъий амал қилишга сўз берди. Никодимнинг кўрсатмалари эса оддийгина әди.

— Пан Черпак, икки кундан сўнг сиз Куницкийни хузурингизга чақиртирасиз.

— Хўп бўлади.

— Сўнг ҳужжатларни синчилаб текшира бошлайсиз... Токи у барча тартиб-қоидалар бажо келтирилганидан кейингина шпал сотиш учун буюртма олишига ишонсин.

— Тушунаман, пан раис, унинг шундай тинкасини қуритайки...

— Уч кунлик музокарадан сўнг унга, министр пай-

шанба куни, чет элга жўнашидан олдии, сизни қабул қилиб, бъязи деталлар хусусида келишиб олмоқчи, деб айтасиз. Тушундингизми?

— Тушундим, пан раис.

— Унга, пайшанба куни эрталаб, дейсиз. Ёдингизда бўлсин — пайшанба куни эрталаб. Соат... Ҳм... Соат ўн бирда. Сўнг у билан хайрлашасиз-да, соат бирда менга қўнғироқ қиласиз. Куницкий менинг олдимда бўлади. Сиз уни телефонга чақириб, ишнинг чигаллашганини, министр унинг аввалги суд процессини билиб қолганини, агар Куницкий дарҳол ўзини оқлайдиган ҳужжатларни кўрсатмаса, битим бекор қилинади, деганини айтасиз.

— Процесс чиндан ҳам бўлганми?

— Ҳа, бўлган. Бунга жавобан Куницкий ҳужжатлар Коборовода эканлиги, ҳозироқ у ерга жўнаб, эртага министрга келтириб кўрсатажагини айтади. Менимча, худди шундай жавоб қиласи. Сиз эса бундай қилишнинг иложи йўқ, эртага соат ўн биргача етиб келолмайсиз, министр бўлса масаланинг молиявий томони ҳақида сиз билан шахсан ўзи гаплашиб олмоқчи, деб эътиroz билдирасиз. Тушунарлими?

— Тушунарли, пан раис.

— Шундай қилиш керакки, Куницкий ҳужжатларни келтириш учун биронта бошқа одамни юборишга мажбур бўлсин, ўзи эса Варшавадан бир қадам ҳам силжий олмасин. Сиз, пан Черпак, ана шу ишнинг уддасидан чиқишингиз керак.

— Сиз учун, пан раис, ҳар қандай ишни ҳам тўғрилайман.

— Кейин бундан ўзингиз ҳам хурсанд бўласиз,— деди Дизма ўрнидан туриб.

Орадан икки кун ўтди. Никодим ҳаловатини йўқотган әди. У энг майда икир-чикирни ҳам унутмай ҳаракат режасини тузиб қўйган Қшепицкий билан тинимсиз сұхбатлашди, димоги чор бўлиб, гул-гул очилиб юрган Куницкийни бир неча бор қабул қилди. Бу орада у пани Пшеленскаянига ва хонимнинг таниши — жиной қидиув комиссарнига бориб меҳмон бўлиб келди, хатлар ёзди, телефонда гаплашди, мажлисларда иштирок этди. Черпак билан учрашувлар бу ҳисобга кирмасди, албатта.

Никодим ичиди Қшепицкийнинг абжирлигига қойил қолган әди. Секретари ёнида бўлганида у ўзини анча

дадил сезарди. Шу билан бирга Дизма Қшепицкий ҳам унинг ёнида кам бўлмаётганини яхши тушунарди.

Режа аста-секин амалга оша бошлади. Куницкий кўз илғамас тўрга тушиб қолган эди. У ҳар гал Черпак билан учрашганидан сўнг банкага келиб, ўз қувончи ва миннатдорчилигини яширмай, Дизмага батафсил ахборот берарди. Никодим ҳам ўз навбатида дўстлик ва садоқат ҳақида гап сотиб, унга хушомад қиласди.

Нихоят, ҳал қилувчи пайшанба куни ҳам етиб келди.

Роса соат бирда пан раиснинг кабинетида қўнғироқ жиринглаб қолди.

— Ҳе, жин урсин!— гўё зардаси қайнаган киши бўлиб деди Никодим.— Кечирасиз, пан Куницкий, кўрайчи, ким экан шу пайтда қўнғироқ қиласди.

— Бемалол, азизим пан Никодим,— деди хурсанд бўлиб стулда тебраниб ўтирган Куницкий.

— Эшитаман!..

— Нима?

— Э, саломатмисиз! Омадингиз бор экан: пан Куницкий худди шу ерда, олдимда ўтирибди.

Шундай дея у трубканни Куницкийга узатди.

— Пан Черпак сўрайти. У сизни бутун шаҳардан қидираётганимиш.

Куницкий трубканни олиб, қулогига тутди.

— Алло!. Яхшимисиз, пан бошлиқ, саломатмисиз! Марҳамат, нима хизмат бор эди?

Дизма ўрнидан туриб дераза олдига борди-да, дикқат билан қулоқ сола бошлади. У ҳаяжонга тушиб, дераза таглигини маҳкам қисди. Бироқ аста-секин унинг кўнгли жойига туша бошлади. Ҳаммаси мўлжалдагидек кетмоқда эди.

Куницкийнинг товушида безовталик, қўрқув ва илтижо оҳанглари сезила бошлади. Нихоят, у трубканни жойига қўйиб, хитоб қиласди:

— Нима қилиш керак! Нима қилсан экан!

— Нима гап ўзи?— дея ҳамдардлик билан сўради Дизма.

Куницкий ўзини стулга ташлаб, пешанасидан терни артди-да, одатдагидан баттарроқ шушулаганча, процесс ҳақидаги хужжатларнинг зарур бўлиб қолгани тўғрисида гапира кетди: у жуда бўлмаганда эртага кечкурун соат сакизгача хужжатларни келтириб кўрсатиши лозим

эмиш... Бироқ уларни олиб келиш учун ўзи Қоборовога боролмасмиш, чунки эртага соат ўн бирда министрнинг қабулида бўлиши керак экан. Министр шундан сўнг бир ойга жўнаб кетар экан.

— Қутқаринг, азизим пан Никодим, маслаҳат беринг, нима қиласди?

— Ҳм... Бунинг нимаси қийин экан: Қоборовога телеграмма беринг, ҳужжатларни юборишади-қўйишиди.

— Эҳ, қани эди буни иложи бўлганида!— деди йифламоқдан бери бўлиб Куницкий.— Ҳужжатлар пўлат сандиқда, қалитлар эса менда.

— Үнда дарҳол биронта одами жўнатиш керак... Автомобилингиз бор-ку. Шоферни жўнатинг қўйинг.

— Шоферни дейсизми? Азизим! Наҳот пўлат сандиқ қалитини шоферга бера олсан?! Ахир бор пул, қофозлар, қимматбаҳо буюмлар ва катта аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларнинг бари ўша ерда сақланади-ку. Ё танггрим, ё парвардигор, энди нима қилиш керак?!

Дизма бир зум хаёлга чўмди.

— Ҳўп, яхши, Варшавада биронта ишончли одамингиз борми?

— Ҳеч ким, ҳеч ким йўқ!

— Ү ҳолда шпал буюртмасидан воз кечишга тўғри келади.

— Аммо бу миллион злотий фойда келтиради-я, миллион!— дея бижиллай кетди Куницкий.— Буни анчадан бери орзу қилиб юрган эдим! Энди бўлсан... Эҳ, қандай аҳомқман-а, уни ола келсан ўлармидим!..

— Нимани айтапсиз!

— Сизга кўрсатган кўк папкани-да. Эсингиздами?

Шундай дея Куницкий пешанасига шапатилади. У яна нимадир демоқчи бўлди-ю, бироқ лабини тишлаб индамади.

— Эсимда, албатта. Қўк папкани айтапсиз-да,— дея тасдиқлади совуқёнлик билан Дизма.

— Бунинг яна битта ўйли бор,— деди тараддулданиб Куницкий,— битта чора бор, аммо...

Дизма, бирдан Куницкий дилимдагини сезиб қолса-я, деб чўчида ва аста ерга қаради.

— Ҳўш, қандай чора экан?

— Ҳм... Ҳатто илтимос қилишга ҳам журъат этолмаяпман... Аммо бунинг қандай муҳимлигини ўзингиз ҳам яхши тушунасиз. Мен учун ҳам, ўзингиз учун ҳам...

— Бўлмасам-чи. Миллион злотий кўчада юмалаб ётмайди.

— Азизим пан Никодим,— деди ортиқ чидайлмай Куницкий,— фақат сизгина ҳамма ишни қутқариб қолишиңгиз мумкин.

— Мен-а?— деда ажабланди Дизма.

— Ҳа, сиз, сиз, чунки мен фақат сизга ишонаман. Пан Никодим, азизим, қадрдоним, йўқ деманг.

— Нима қилишим керак ўзи?

— Рост, бир оз ғарчайсиз, аммо айни қирчиллаган пайтингиз-ку ахир! Азизим пан Никодим, Коборовога бориб келмайсизми, а?

Куницкий чўнтағидан ичидаги калитлар шиқирлаб турган чарм халтачани олди.

— Мени қутқаринг. Ҳамма умидим сиздан.

Никодим елкасини қисди.

— Бирорларнинг сандигини титкилашни ёқтирумайман.

— Азизим! Қадрдоним, йўқ деманг энди!— Куницкий илтижо билан қўлларини қовуштириди.

Никодим гўё ўйланиб қолгандек бир оз сукут қилиб турди.

— Телба одамдек елиб бориш... Кечаси билан ухламай чиқиши...

— Нима қилиш керак, а, нима қилиш керак?!

Дизма бир оз вақт ёзув столини чертиб турди-да, ниҳоят, қўл силтади.

— Ҳай майли, жин чалсин сизни, бўпти, бораман.

Чол шушулаб миннатдорчилик билдирганича Никодимнинг қўлини сиқа бошлади. Аммо унинг митти кўзларида ҳамон қўркүв ва ҳадик ифодаси йўнаб туради.

— Сандигингиз қайси калит билан очилади?

— Мана буниси билан. Лекин қуруқ калитнинг ўзи билан очилмайди. Ундаги соатнинг юқори милини тўққизга, пасткисини еттига тўғрилаш керак.

Дизма қўлига қарам олиб, рақамларни ёзиб олди.

— Ҳўп, яхши, бирон нима еб оламан-да, йўлга чиқаман. Автомобиль чақиринг.

Бир соатдан сўнг, секретари билан маслаҳатлашиб олгач, Никодим пастга тушди.

Куницкий уни дарвоза олдидаги кутиб турган экан. Чол ҳаяжонини яширолмай қолганди. У Дизмага шубҳаланиб тикилганича сўнгги кўрсатмалар бериб, ҳужжатлар солинган палка юқори токчанинг ўнг томонидаги экан-

лиги, суд процесси ҳақидаги ҳужжатлар бир жойга тўплланганлиги боисидан бошқа жойни титкилашнинг ҳожжати йўқлигини тушунтириди.

— Яхши, яхши,— деди Куницкийнинг гапини бўлиб Дизма ва автомобиль эшигини очди.

— Кейин сандигини яхшилаб қулфлашни, соат милиарини тўғрилаб қўйишини унутманг, азизим пан Никодим.

— Ҳўп... Ҳайр. Қани, кетдик.

Машина жойидан қўзгалди. Орадан чорак соат ўтмай улар шаҳар ташқарисига чиқиб олишиди.

Никодим ингичка ва узун пўлат калитни олиб, уни қизиқиб кўздан кечира бошлади.

— Миттигина нарса-ю, — деда тўнғиллади у,— шунчага нарса унга боғлиқ бўлиб қолди-я.

Автомобиль таниш йўлдан елиб борарди. Кўп ўтмай ёмғир ёға бошлади, машина ойналари майда-майда томчилар билан қопланди. Кузда кунлар қисқа бўлганидан қоронги тушай деб қолган эди. Никодим ёқасини кўтариб бўлажак иш ҳақида хаёл сурганича мудрай бошлади.

Машина фақат бир марта тўхтади — кимдир йўлга ташлаб кетган мих покришканни тешиб юборгани туфайли фидиракни алмаштиришга тўғри келди.

Ироқдан Коборово чироқлари милтираб кўринганида вақт алламаҳал бўлиб қолган эди.

Никодим автомобильдан тушиб, шоферга алланимани буюрди. Эшик очилиб, уйдан хизматкорлар югуриб чиқишиди.

— Бека уйдамилар?— деда сўради Никодим уларнинг саломига алик ҳам олмай.

— Уйда лар, пан жаноби олийлари. Кутубхонада ўтирибдилар.

— Яхши.

— Уларга хабар қиласликими?

— Керак эмас. Кетаверинглар. Ўзим топиб оламан. Никодим қоронги меҳмонхонадан ўтиб, кутубхона эшигини очди. Нина стол устига энгашиб қандайдир китобни ўқиб ўтиради. У ҳатто бошини ҳам кўтармади. Никодим эшикни ёпди-да, томоқ қирди.

Шундан кейингина. Нина бошини кўтарди, у томонга қараб қичқириб юборди. У ўрнидан сапчиб туриб, Никодимнинг олдига югуриб келди-да, бўйнидан қучоқлади.

— Нико, Нико, Нико!..

Нина унинг пинжига тиқилар экан, юзлари қувончдан порлаб турарди.

— Келдингми, келдингми, азизим, жонгйнам!

— Саломатмисан, Ниночка?

— Ё тантрим, сени қандай соғинганимни билсанг эди!

— Мени соғинмади деб ўйлаяпсанми?

— Қани, ўтириштаги. Айт, бу ерда кўп турасанми?

— Афсус, бир неча соатдан сўнг жўнайман.

— Нималар деяпсан? Бу даҳшат-ку ахир!

— Ишнинг ўзи шундай бўлиб қолди.

Нина унинг юзларини силай бошлади.

Никодим қисқагина қилиб келиш сабабини айтди, кейин бирров бўлса ҳам Нинани кўриш имкони туғилганидан севиниб, бу ёқса жўнаганини қўшиб қўйди.

Нина Никодимнинг тиззасига ўтириб, ҳижрон ала-ми, муҳаббат, умид, келажакда турмуш қуришгач, кечирадиган баҳтиёр ҳаёт ҳақида сўзлар экан, гап орасида уни ўпар эди.

— Агар бирор кутилмаган воқеа содир бўлмаса,— деда унинг гапини бўлди Дизма,— биз сен ўйлагандан ёртароқ турмуш қурамиз.

— Қандай қилиб? Ажралиш-чи? Ахир судда ажралиш бир неча ойлаб чўзилармиш-ку.

— Ишни судсиз ҳам бир ёқли қиласиз. Мен адвокат билан маслаҳатлашдим. Биз никоҳни бекор қиласиз.

— Мен бунаقا ишларни тушунмайман,— деди Нина бир оз иккиланиб,— лекин сен шуни ўйлаган бўлсанг, жуда олижаноблик қилибсан.

Улар овқатланиш учун емакхонага ўтишли. Нина Никодимдан вақтини қандай ўтказаётганини сўраб-суриштира бошлади. У Дизманинг Чарскаялар ва Ростоцкийларнига бориб туриши, адабий академия ташкил қилиш комитетининг нозири эканлиги ҳамда банкага юз мингга яқин злотий қўйганидан жуда хурсанд бўлди.

Улар ўринларидан туришгач, хизматкор кириб, шофер Варшавага қайтиб кетиш учун ҳаммасини ҳозирлаб қўйганини хабар қилди.

— Яхши. Айтинг, кутиб турсин.

Никодим чўнтақ соатига қараб қўйди-да, шошилиши лозимлигини айтди. Нина у билан Кунинскийнинг кабинетига бормоқчи бўлган эди, Никодим ундан шу ерда кутиб туришни илтимос қилди.

— Нега энди?— ажабланиб сўради Нина.

— Биласанми, мен баъзи қоғозларни ўқиб, баъзи парсаларни ёзив олишим керак... Сен ёнида бўлсанг, бу ишларга қўлим тегмай қолади... Мени кутиб тур, дарор қайтаман.

Никодим чироқни ёқиб, оғир духоба пардани бир чистга сурди.

Токчада яшил пўлат сандиқ қақчайиб турарди. Никодим унга синовчан назар ташлади. Агар қароқчилар бу ердаги қимматбаҳо нарсаларни ўмариб кетишини хаёл қилишса, сандиқ очиш учун анча тер тўкишлари керак бўлади. Дизма эса қийналмай-нетмай уни бир минутда очади.

— Агар калланг яхши ишласа,— деди овоз чиқарип Никодим,— очқичнинг ҳам кераги йўқ... Тўғри, ҳамма режани Кшепицкий тузди, аммо фойдаси менга тегади.

Калит қулф ичидаги оҳиста буралди. Даста секин пастга тушиб, эшикча очилди.

Сандиқ ичи саранжом-саришта эди. Унг томондаги токчаларда китоблар ва ҳужжатлар солинган папкалар, чап томонида эса даста-даста пуллар тахлаб қўйилганли. Икки токчага турли қутичалар терилганди; Дизма аввало ўша қутичаларни очиб қаради, турли дуру гавҳарлар, беҳисоб олтин узуклар, маржон, қимматбаҳо тўғнигич, биллур ва ёқутлар...

— Худди заргарлик магазинига ўхшайди-я.

Шошилиш керак эди. Никодим барча папкалар, ҳисоб-китоб дафтарларини олган эди, бир уюм бўлди. Дизма буларини ёзув столига олиб ўтди-да, кўк папкани бир четга сурibi қўйиб, дуч келган биринчи дафтарни очди. Никодим сана ва рақамлар билан тўлдириб ташланган бу дафтарни варақлар экан, олдида Кунинский судхўрлик билан шуғулланиб юрган пайтида тузган қарздорлар рўйхати турганини англади. Буни ундириб олинган процент рақамлари ҳам исботлаб турарди. Бошқа ёзувлар орасида гоҳо-гоҳо «гр. Понимирский — 12000 злотий», «гр. Понимирский — 10000 злотий» каби қайднома тақрорланади.

Дизма бошқа дафтарни очиб қаради. Буниси Коборовдан олинган даромадлар рўйхати экан. Учинчи, тўртинчи ва бешинчи дафтарлар ҳам рақамларга тўлиб кетган эди.

Уларнинг Никодим учун қизиги йўқ эди. У папкаларни очиб қўришга аҳд қилди. Дизма қидирган нарса — векселлар биринчи папкада экан. Аслида улар вексель

ҳам бўлмай имзо чекилган тоза бланкалар эди. Бланкалар бутун бир даста бўлиб, ҳаммасига: Нина Куницкая, Нина Куницкая, Нина Куницкая, Нина Куницкая, дея имзо чекилган эди...

Векселлар остида Нинанинг эрига берган ваколатномаси ва Қоборовони Нинага сотилгани ҳақидаги нотариал акт ҳам бор экан.

Дизма бу ҳужжатни олиб, чўнтағига солди-да, сўнг папканинг бояғини боғлаб, уни ҳалиги кўк папканинг устига қўйди.

У бошқа папкаларни ҳам кўздан кечира бошлади. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлиб чиқди. Никодим биринчи папкаданоқ иккита конверт топиб олди. Қичкина конвертга: «Менинг васиятномам», каттасига эса: «Мен ўлган тақдиримда очилмасдан ёқиб юборилсан», — дея ёзиб қўйилганди.

— Ўлган тақдиримда эмиш,— кулиб юборди Никодим, — лекин ҳали тириксай, шунинг учун ҳам очаверса бўлади.

Шундай дея у сурғуч муҳрни синдириб, конвертни очди.

Үндаги қофозларнинг энг төпасида Австрия паспорти турарди.

— Қўлга тушдинг-ку, ошина!

Паспорт Геновефа Куник ва номаълум отадан туғилган Леон Куник номига берилган эди. Үнда «касби» деган графага кўрнинг ҳассасидай қилиб: «Кельнер», деб ёзиб қўйилганди.

Конвертдаги кейинги ҳужжат кумуш идишларни ўғирлагани учун уч ой қамоққа ҳукм қилингани ҳақидаги Krakov судининг қарори эди. Унинг тагидан бир даста хат чиқди. Сўнг турли рақамлар билан тўлдириб ташланган дафтарча билан яна суд қарори кўзга ташланди. Бу гал энди Варшава суди қалбаки пул ишлагани учун Леон Куникни икки йил қамоққа ҳукм қилган эди.

Никодим соатига қаради-да, сўкинди.

Вақт ярим тундан ошиб қолган эди. У стол устида сочилиб ётган қофозларни апил-тапил йиғиштириб, чўнтағига тиқди.

Қолган нарсаларни сандиққа қайта солди-да, уни қулфлаб, ҳалиги икки папкани кўлтиғига қистирганича хайрлашиб учун Нинанинг олдига чиқди. Уни будуарда кутиб ўтирган Нина энди асабийлаша бошлаган экан. Шунга қарамай жувоң уни табассум билан кутиб олди.

— Йўлга чиқишинг керакми, жонгинам?

— Нимаям қиласадим, кетмасам бўлмайди,— Никодим унинг ёнига ўтириб, қўлидан тутди.— Азизим Ниночка,— дея гап бошлади у, Кашепицкий тайинлаган гапларни эслаб,— азизим Ниночка, айт-чи, менга ишонасанми?

— Ҳалиям шуни сўраяпсанми?!— таъна аралаш деди Нина.

— Биласанми... сенга қандай айтсам экан... Баъзи воқеалар содир бўлади... Баъзи нарсалар ойдинлашади...

— Гапингни тушунмаяпман.

— Ё ҳаммаси аслича қолиб, сен бутун умрингни Куницкий билан ўтказасан ёки биз никоҳдан ўтиб, Куницкий асфаласофилинга кетади Бу ёғи сенга боғлиқ бўлиб қолди.

— Ник! Ахир ҳаммаси равшан-ку!

— Мен ҳам шундай ўлайман. Унда бўлса Ниночка, сендан илтимос қиласаман... Сен менга ишонишинг, ҳамма гапимга рози бўлиб, сира эътиroz билдириласлигинг лозим. У ёғини ўзим тўғрилайман.

— Яхши, лекин нега бундай сирли оҳангда гапиряпсан? Ахир бусиз ҳам масала равшан-ку!

— Ҳали ҳаммаси ойдинлашгани йўқ,— деди Дизма бир оз иккиланиб.— Аммо яқин кунларда ойдинлашади. У қари одам, сен билан биз эса яшашимиз керак... Тушундингми?..

Нинанинг кўнглига ғулгула тушган бўлса-да, аммо суришириб ўтириши лозим топмай, соддагина қилиб деди:

— Сенга ишонаман.

— Мана бу бошқа гап.— Шундай дея Никодим ўзининг тиззасига шапатилади.— Энди мен жўнашим керак. Хайр, Ниночка, хайр, жонгинам.

У Нинани қулоқлаб ўпа бошлади.

— Хайр, гўзалим. Мени ёвуз одам деб ўйлама. Ёдинда бўлсан: мен нима иш қиласам, сени жонимдан ортиқ севганим учунгина қиласам.

— Биласан... биламан...— дея жавоб қилди Ниночка унинг юз-кўзидан ўпар экан.

Никодим хайрлашаётib Нинанинг пешанасидан ўпди-да, папкаларни олиб, будуардан чиқди. Вестибюлда Дизма пальтосини кийгач, ёнларида хизматкор тургани учун Нина у билан гўё оддий танишидек яна бир бор хайрлашиди.

— Хайр, яхши етиб боринг. Анави масалада эса нимани лозим топсангиз, ўшандай йўл тутаверинг... Сизга ишонаман.... Умуман, кимгadir ишониш керак-ку ахир... Хайр...

— Хайр, пани Нина, кўнглингиз тўқ бўлсин, ҳаммаси жойида бўлади.

— Тезроқ қайтиб келинг.

— Қўлим бўшаган заҳоти қайтаман.

Никодим Нинанинг қўлини ўпди. Хизматкор эшикни очган эди, Никодим шаррос қўяётган ёмғирда югуриб бориб, автомобилга ўтириди.

— Даънати ҳавони қаранг-а,— дея тўнғиллади Дизма, машина эшигини шарақлатиб ёпар экан.

— Кечаси билан ёғса керак,— деди унга жавобан шофер.

Чиндан ҳам ёмғир эрталабга қадар тинмади. Машина Варшавага кириб келганида томига қадар лойга белланган эди.

Дизма ўз квартирасининг эшигини очишиб у ерда Қшепицкийга дуч келганида ҳали соат саккиз ҳам бўлмаган эди. Улар, хизматкор эшитиб қолмаслиги учун, кабинет эшигини ёпиб, Никодим келтирган ҳужжатларни кўздан кечира бошлишди.

Қшепицкий боши осмонга етиб, қўлини бир-бирига ишқарди. Суд процессига тааллуқли хатлар ичидан чиновникларга пора берилгани ҳақидаги ҳужжат топилгач, у ўрнидан сапчиб туриб, деди:

— Гап тамом, жиноий қидирув бўлимига борамиз.

— Векселлар-чи?— сўради Дизма.

— Векселларми?.. Ҳм... Очиғини айтганда, уларни сақлаб қўйилса ёмон бўлмасди: ахир бир кун эмас, бир кун Нинанинг сиздан кўнгли қолиши мумкин. Лекин унинг сизга тегишига имонигиз комил экан, уларни ёқиб юборганимиз маъқул.

— Менга тегишига шубҳа йўқ.

— Жуда яхши. Кетдик бўлмаса.

Жиноий қидирув бўлимининг бошлиги катта комисар Рейх юқорироқ мансабга эришиш учун ҳеч қандай ишдан қайтмайдиган одамлардан эди. Совуқкон, сезгир ва миришкор Рейх Дизманинг пинҳоний ниятини дарҳол фаҳмлади. Қшепицкий ўз бошлигининг ҳолислиги ҳақида тинмай санаётганига қарамай, катта комисар Рейх гапнинг пўскалласини айтиб, масалани кўндаланг қилиб қўйди:

— Пан раис, сиз Қуницқаяга уйланмоқчимисиз?

Дизманинг шундай нияти борлигини айтиб, ростига кўчицдан бўлак иложи қолмади.

— Комиссар менинг шахсий ҳаётимга аралашяпти, деб ўйламанг, пан раис. Асло ундаи эмас. Лекин, менимча, Қуницкий қамоққа олингач, табиий, суд процесси бўлиши керак.

— Тўғри,— дея унинг гапини тасдиқлади Қшепицкий.

— Ҳамма гап ана шунда!— дея давом этди комиссар.— Катта шов-шувга сабаб бўладиган бундай процессдан бўлажак рафиқангиз, қолаверса, ўзингиз ҳам унчалик хурсанд бўлмасангиз керак, деб ўйлайман.

— Ҳм... Сизнингча, нима қилиш керак?

Комиссар Рейх бир зум сукут сақлаб турди.

— Пан раис, бундан қутилишнинг фақат битта йўли бор.

— Хўш?

— Айтайлик, Қуницкий ўн йилга, кам деганда, олти йилга қамалади. Бу шубҳасиз. Даилиллар шундайки, чол сирайм қутилиб кетолмайди. У билан бирор битимга келиш учун уриниб кўрсак, нима дейсиз?..

— Битимга-я?..

— Ҳа-да. Ҳарқалай ўн йил қамоқда ётиши сирайм истамаса керак. Ўйлашимча, у сизнинг таклифингизга рози бўлиб, хотинининг ер-мулкига даъво қилмайди, бунинг эвазига сиз маълум миқдорда пул ва чет эл паспорти берасиз. Хоҳлаган мамлакатига жўнайверсии.

— Аммо дарҳол қайтиб келади-да.

— Бунинг ҳам йўли бор. Биз бундай қиламиз: уни мен бугун қамоққа оламан-да, қаттиқ сўроқ қилиб, манини ҳужжатларни кўрсатаман ва сал бўшаши учун учтўрт кун авахтага тиқиб қўйман. Сўнг яна сўроқ қилиб, унга ҳалиги битимни таклиф қиламан. Агар рози бўлмаса — ўзидан кўрсин, рози бўлса — қўлига паспортни тутқазиб, чет элга қочириб юбораман. Қочириб юбораман! Тушуняпсизми? Қочса мутлақо қайтиб келолмайди, чунки мен унинг ортидан қамоққа олиш ҳақида буйруқ юбораман. Бунга нима дейсиз, пан раис?

— Жуда пухта ўйлабсиз,— дея бош иргади Қшеницкий.

— Мен ҳам шу фикрдаман,— акс садодек тақорлади Дизма.

— Ҳа, яхши режа албатта,— дея давом этди Рейх,— бироқ уни амалга ошира олишимга имоним комил эмас.

Агар бу гаплар очилиб қолса, ҳаммадан кўп мён азият чекаман. Жуда бўлмаганда истеъфога чиқариб юборишиди, ҳатто қамоққа ташлашлари ҳам мумкин. Жуда қалтис иш...

— Пан комиссар,— дея унинг тапини бўлди Қшепицкий,— менимча, бекорга ҳадиксираяпсиз. Пан раис хукумат доираларида мўътабар одам ҳисобланадилар. Бутун Варшавада пан раисдек дасти дароз одам топиласа керак.

Рейх таъзим қилди.

— О, мен буни жуда яхши биламан! Шунинг учун ҳам пан раисдек мўътабар одамга арзимас бир яхшилий қилиб қўйсан, фоят хурсанд бўлардим. Ахир у киши келажакда мени унумасалар керак.

— Ҳа, албатта,— бош иргади Дизма.

— Фоят миннатдорман. Мен пан раиснинг ҳомийлик қилишларини ўзим учун шараф деб биламан. Шу боисдан у кишидан кичкина бир нарсанни илтимос қилмоқчиман.

— Марҳамат, қўлимдан келганича ёрдам бераман.

— Сиз учун бу нарса арзимаган иш, мен учун эса катта аҳамиятга эга. Гап бундай, полиция бошлигининг ўринбосари янги йилдан истеъфога чиқяпти. Агар сиздек мўътабар одам бир оғиз айтиб қўйса, мени унинг ўрнига тайинлашлари мумкин эди...

— Бу иш кимга боғлиқ?— дея сўради Дизма.

— Ички ишлар министрига.

— У ҳолда, кўнглинигиз тўқ бўлсин,— жавоб қилди Дизма,— министр менинг дўстим.

— Фоят миннатдорман.

Шундай дея Рейх Дизманинг қўлини қисиш учун сакраб ўрнидан турди.

Сўнгра улар ишнинг тафсилотларини муҳокама қила бошлиди. Рейх билан Қшепицкий масалани ҳар томонлама келишиб олишиди. Дизма уларнинг гапларига ҳайратланиб қулоқ солар экан, ичида ўзи ҳеч қачон ишни шундай усталик билан амалга ошира олмаслигини тан олиб қўйди.

Банкада уларни Куницкий кутиб турган экан. Унинг юз-кўзи, бутун хатти-ҳаракатларидан безовталанаётганиги кўриниб қўйди.

Секретарь чолнинг ёнидан ўтар экан, унга истеъзо аралаш қараб қўйди, бироқ Куницкий буни ҳатто сезмайди.

ли ҳам. У пилдираганча Дизманинг олдига югуриб келди-да, бидирлай кетди:

— Келдингизми! Жуда хурсандман. Папкани олиб келдингизми?

— Салом. Олиб келдим.

— Пан Никодим, бу нима дегани ўзи?

— Нимани назарда тутяпсиз?

— Министрнинг қабул қилиши ҳақидаги гапни-да! Черпак қабул кёчикирилди, деди. Министр, умуман, ҳеч қасекқа жўнамасмиш. Пан Никодим, нима гап ўзи?

— Кабинетимга кирайлик,— қизариб жавоб қилди Дизма,— ўша ерда ҳаммасини тушунтириб бераман.

— Ҳеч нимани тушунолмай қолдим, ҳеч нимани,— тақрорларди Куницкий Дизманинг ортидан пилдираб борар экан.

— Игнатий, сен шаҳарга боришинг мумкин,— дея мизматкорга жавоб бериб юборди Димза.

Игнатий чиқиб кетгач, Никодим Куницкийга ўгирилиб деди:

— Биласизми, хотинингиз сиз билан ажralишмоқчи.

— Нима дедингиз?— дея сапчиб тушди Куницкий.

— Айтдим-ку. У сиздан ажralиб, менга тегмоқчи. Куницкий Дизмага ғазаб билан қараб қўйди.

— Ҳали шунаقا денг... Балки, у сиз билан келгандир ҳам?

— Йўқ, Нина Коборовода қолди.

Чол тинимизсиз лабларини тишларди.

— Қачон шундай фикрга кела қолибди? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. У менга ҳеч нима демаганди-ку! Шунчаки инжиқлик қилаётган бўлса керак? Сизнинг ирвонигизга учган бўлса керак-да...

— Ирвога бало борми.. У мени яхши кўриб қолган, сиздек алжиган чол жонига тегибди.

— Лекин бу алжиган чолнинг миллион-миллион пули бор!— дея пишиллади Куницкий.

— Шимилдириқ ҳам йўқ сизда, миллионмиш-а. Миллионлар ҳам, Коборово ҳам Нинаники.

— Қоғозда, фақат қоғозда, муҳтарам раис. Суқланадиган жойи йўқ!

— Балки бордир,— файласуфона гап қотди Дизма.

— Афсус, сизга жуда ачинаман,— дея ичқоралик билан ҳириглади Куницкий,— лекин менда хотиним берган векселлар бор. Улар ер-мулкнинг нархини тўла қоплайди.

Никодим қўлларини чўнтағига тиқиб, лабларини чўч-найтирди.

— Векселлар масаласига келсақ, пан Куницкий, улар чиндан ҳам бор эди. Ҳа, бор эди, энди эса йўқ бўлди.

Куницкий докадай оқариб кетди. У аъзойи бадани титраб, ҳансираганича ингради:

— Нима?.. Нима?.. Қанақасига «йўқ» бўларкан?

— Шунақасига.

— Ўғирлабсан! Сен менинг векселларимни ўғирлабсан?! Калитни, сандиқнинг калитии чўз бу ёққа!

— Бермайман.

— Ахир бу талончилик-ку! Ўғри, бандит! Сени авахтага тиқаман!

— Ўчир овозингни, қари қирчанги!— дея ўшқирди Дизма.

— Талончи! Калитни бер!

— Бермайман, чунки калит сенини эмас — тушундингми, абраҳ! Сенини эмас, Нинаники. Сандиқ ҳам, калит ҳам уники.

— Э, йўқ! Кекса Куницкийни алдаш осон деб ўйла-ма, ярамас. Ҳали Польшада адолат бор, суд бор ҳали! Сенга калитни бераётганимни кўрган гувоҳлар бор. Ўп-кангни бос, ошина! Нинани ўзи ҳам векселларга имзо чекканини тан олади ҳали.

— Бундан ташвиш қилмай қўя қол. Бу ёғи менинг ишим.

— Суд бор!— деди яна қизишиб Куницкий.

Шу пайт даҳлизда қўнфироқ жириングлаб қолди.

— Суд билан қўрқитмоқчи бўлади-я, ҳайвон!— Дизма полга тупурди-да, эшикни очиш учун чиқиб кетди.

— Абраҳ,вой абраҳ-ей!— Куницкий қопқонга тушган тулкидек хонада у ёқдан-бу ёққа зир югуради.— Ҳозироқ прокурор олдига, полицияга бораман...

Бироқ чол ҳеч қаёққа боролмади, эшик очишиб, хонага полиция сержантини билан жиноий қидирув хизматнинг гражданча кийинган икки агенти кириб келди.

— Леон Куницкий ёки Куник сиз бўласизми?— дея қуруққина қилиб сўради сержант.

— Ҳа, мен Куницкий бўламан.

— Сиз қамоққа олиндингиз. Кийининг-да, биз билан юринг.

— Мен-а? Қамоққа олиндингиз? Нима сабабдан? Бу англацилмовчилик бўлса керак.

— Ҳеч қандай англацилмовчилик йўқ. Мана сизни қамоққа олиш ҳақидаги ордер.

— Нега, нега энди?

— Буниси билан ишим йўқ,— дея елкасини қисди сержант,— буни сизга жиноий қидирув бўлимида айтиб беришади. Қани, кетдик! Куролингиз борми?

— Йўқ.

— Уни тинтинглар.

Агентлар Куницкийнинг чўнтақларини тинтиб кўришди. Қурол чиндан ҳам йўқ экан.

— Қани, кетдик! Сизни безовта қилганимиз учун бизни кечирасиз, пан раис, шундай буйруқ олган эдик. Хайр.

— Буйруқни бажариш керак, албатта,— деди Дизма.  
— Яхши боринглар.

Куницкий ўғирилиб, яна бир нима демоқчи бўлди, бироқ агент уни бир туртган эди, чол бир зумда ташқарига отилиб чиқди.

Никодим бўшаб қолган даҳлизда узоқ туриб турди. Нихоят ойнага қараб, соchlарини силади-да, емакхонага қайтиб кирди. Столга дастурхон ёзилган бўлиб, нонушта келтириб қўйилганди. Дизма эса уни ўнугтиб қўйганди. Никодим қорни жуда очганлигини фақат энди пайқади. Кофе совиб қолган экан, унга шакар солган эди, эримади. Никодим буфетдан ароқ тўла графинни олиб, тарелкасига ветчина, колбаса ва бузоқ гўшти солди-да, нонушта қилишга тушди.

— Чамаси, пешанамга мўътабар одам бўлиб ўлиш ёзилган кўринади,— деди ўзига ўзи Никодим учинчи қадаҳни қўлига олар экан.— Сизнинг саломатлигингиз учун, пан раис.

Шивалаб ёғаётган ёмғир дераза ойнасига чирсиллаб уриларди, ташқари эса фира-шира эди.

## 15- б о б

Дизма генерал Яжиновскийни ёқтирмаслигининг сабаби бор эди: генералнинг кўзлари доим истеҳзо билан боқарди, у одамлар билан қуруқ муомала қиласарди. Аммо Никодимга энг ёқмаган томони генералнинг Терковский билан дўстлиги эди. Бир неча бор таклиф қилинганига қарамай, Никодим Яжиновскийлар хонадонидан ўзини опқочиб юрди. Бироқ бу гал боришига мажбур бўлди — генерал, агар пан раис бу гал ҳам бизни-

кига қадам ранжида қилмасалар, буни ҳақорат деб тушунаман, дея очиқдан-очиқ айтган эди. Дарвоқе, Дизма Терковскийнинг шу кунларда Жегестовда эканлиги шу боисдан ҳам Яжиновскийнига бориши даргумонлигини яхши биларди.

Аслида Дизманинг Терковскийдан ўзини тортиб юришига ҳеч қандай асос йўқ эди. У дилида Терковскийга нисбатан ҳеч қандай хусумат сезмасди, бироқ, улар ашаддий душман, деган миш-миш кенг тарқалган бўлиб, Терковский ўзи ҳам бунга ишониб қолганди. Терковский ҳам, ўз навбатида, унга совуқ ва ҳатто бир оз адоват билан муомалан қиласди. Дизманинг баҳтига, унинг билан яқинлашишдан ўзини олиб қочишига яна битта сабаб бор эди. «Роҳиба» хонимларнинг шама қилишларига кўра, кабинет бошлиғи бўлган бу бақалоқнинг «сиран воқиф бўлгайлар» билан алоқаси бўлиб, Никодим бу жамоатдан анча хавфсираб юрарди.

Яжиновскийлар банкига яқин бўлган Вильчая кўчасида истиқомат қилишарди, шунинг учун ҳам Дизма у ерга пиёда жўнади. Чамаси, меҳмонлар кўп эди — дарвоза олдида йигирмага яқин автомобиль йигилиб қолганди. Даҳлизда пальтолар уюлиб ётарди, хоналардан кулига ва гангур-гунгур товушлар эшитилиб турарди.

Генерал ва унинг рафиқаси Дизмани самимий кутиб олишиб-да, меҳмонхонага бошлаб киришди. Худди шу пайт у ерда ҳамма жимиб, йўғон билаклари яланроң хўппа семиз бир хоним рояль ёнига ўтирган эди. Дизма беихтиёр эшик олдида тўхтаб, танишларининг саломига бош иргаб жавоб беришга мажбур бўлди. У ҳатто кимга таъзим қилаётганини дурустрок илғай олмади ҳам. Никодимнинг кўзи ҳаммадан олдин қора фрак кийган эркаклар орасида турган Терковскийга тушди.

— Оббо, ланъати келибида-да! — дея тўнгиллади ўзича Дизма роялнинг илк садолари янграётгандা.

Никодим Терковский билан юзма-юз тўқнашиб қолмаслик учун ундан ўзини опқочиб юришга аҳд қилди. Бундай гавжум меҳмонхонада бунинг унчалик қийин жойи йўқ эди, боз устига у билан учрашишга Терковскийнинг ҳам тоби бўлмаса керак.

Бироқ Терковский одамлар орасидан ўтиб, ўзига то-

либ қолди. Терковский Дизма билан саломлашиб, унинг қўлтиғидан тутди-да:

— Юринг, чекиб келамиз,— дея шивирлади.

Икки арбоб салойдан ўтиб боришар экан, меҳмонларнинг бари улардан кўзини узмай турарди. Улар генералнинг кабинетига киришди.

Терковский чўнтағидан катта олтин портсигар чиқарб, Никодимга папирос тутди-ю, гўё ҳеч гап бўлмагандай деди:

— Сизни кўрмаганимгаям анча бўлди-да, азизим пан Дизма...

Бундай муомалани сира кутмаган Дизма суҳбатдошига гумонсираб индамай қараб тураверди.

— Соғлиғингиз қалай? — дея давом этди бақалоқ.— Мен эса олти ҳафта дам олганимдан сўнг ўзимни жуда яхши ҳис этяпман. Ишонасизми, пан раис, нақ ети кило озибман. Дуруст, а?

— Ёмон эмас,— деди Дизма.

— Дам олиш жуда яхши нарса-да! — Муҳит ўзгарди... Янги танишлар, янги таассурот, янгича ҳаёт...

— Сиз Жегестовда бўлдингизми? — дея сўради Никодим бирор нарса дейиш учун.

— Ҳа. Жуда маза қилдим-да.

Меҳмонхонада рояль тинимсиз гумбурларди. Кўшни хонада бридж ўйини авжига чиқсан бўлиб, аҳён-аҳёнда у ердан қиморбозларнинг гангур-гунгур гаплари қулоқка чалинарди. Терковскийнинг бўғиқ товуши худди кўксини ёпиб турган олноқ манишкаси остидан эшитилаётгандек туюларди. Унинг балиқникига ўхаш митти кўзлари ёғ босган қовоқлари орасида хирагина милтирас, семиз ва калта бармоқлари эса қаҳрабо мундштугини аста силаб турарди.

«Бу иблисга нима керак ўзи?» — дея ўйларди боши қотиб колган Дизма.

— Биласизми, пан раис, — дея давом этди Терковский, — мен у ерда сизнинг эски танишингиз — нотариус Ҳиндер билан танишиш шарафига мұяссар бўлдим. Жуда дилкаш одам экан.

Терковский Дизмага синчковлик билан тикилганича жимиб қолди.

Унинг гапини яхши эшитолмай қолган Никодим қайта сўради:

— Нима дедингиз?

— Сизнинг эски танишингизни учратиб қолдим, де-  
ялман.

Никодим тишини тишига босди.

— Ким экан у?

— Пан Виндер. Жуда дилкаш одам экан!

— Кимни? Виндерни дейсизми?.. Эслодмаялман.—

Никодим жон-жаҳди билан Терковскийнинг кўзига ти-  
килди.

— Нотариус Виндерни наҳот эслолмасангиз?!

— Нотариус?.. Йўқ. Эслолмаялман.

Терковский истеҳзо билан кулиб юборди.

— У эса сизни жуда яхши эсларкан. Биз у билан  
бир купеда келдик: бу ажойиб чол менга сиз тўғриңгиз-  
да, Лисков ҳақида жуда кўп нарсаларни айтиб берди.

Дизманинг кўз ўнги қоронғилашиб кетди. Тамом бў-  
лиш деб шуни айтишса керак-да? Ҳалокат деганлари  
шу эмасми ахир: уни фош қилишди. Никодим чўнтағига  
тиққан қўлларини қаттиқ мушт қилиб тукканидан қўли  
օғриб кетди. У бир зум Терковскийга ташланиб, тиржа-  
йиб турган башараси кўкариб кетгунга қадар семиз бўй-  
нидан бўғсаммикин, деб ҳам ўйланиб қолди. Никодим  
ичида ҳужумга шайланиб, мушакларини қаттиқ қисди.

— Кечирасиз,— деди шу пайт ёнидан ўта туриб, ун-  
га тегиб кетган бир нотаниш хоним.

Бу ҳол Никодимни ҳушига келтириди.

— Қанақа Лисков? Сиз нималар деяпсиз ўзи?

Терковский елкасини қисиб қўйди.

— Бўлмаган гап! Хеч қандай Виндерни танимайман!—  
Терковский қошлигини чимириб, хотиржамлик билан  
папирос кулини чертиб туширди.

— Ҳа, албатта, балки, бу англашилмовчиликдир.

— Англашилмовчилик...— дея тақорлади Дизма.

— Дарвоқе, биз тез кунда буни аниқлаймиз. Нота-  
риус Виндер келаси ҳафтада Варшавага келади. Мен  
уни ўйимга таклиф қилдим. У жуда дилкаш одам экан.  
У сиз билан фамилиядош бўлган бирор одам ҳақида  
гапирган бўлса ҳам ажаб эмас. Эҳтимол, ўша одам қа-  
риндошингиз бўлиб ҳам чиқар... Хе-хе-хе....

Дизма жавоб беришга улгурмади. Мехмонхонадаги  
концерт тугаб, гулдурос қарсаклар остида кабинетга  
мехмонлар ёпирилиб кириши.

Бутун кечадавомида Никодим худди нинанинг усти-  
да ўтиргандай бўлди. Ниҳоят, соат ўн иккига яқин У  
сездирмай жуфтакни рёстлаб қолди.

Шивалаб ёмғир ёғмоқда эди. Дизма пальтосининг  
тутгаларини қадамай уйи томон сургалиб бораради. У  
уйига етиб келгач, ечинмасдан ҳам ўзини диванга таш-  
лади.

Ҳаммаси равшан.

Энди унинг тақдири Терковскийнинг қўлида, Терковс-  
кий кечирмайди. Кек сақлаб юрган экан, абрақ! У Бо-  
чек эмас сизга!

Никодим бир сесканиб тушди.

У ўрнидан туриб, чироқни ёқди-да, пальтоси, шляпа  
ва фрагини ечиб, хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.  
Унинг миясини бири биридан мудҳишроқ фикрлар чул-  
ғаб, пешанасини совуқ тер босди.

«Виндерни гумдан қилсан-чи... Балки эплаш мумкин-  
дир... Хўш, у ёғи нима бўлади?..»

Терковский Лисков ҳақида билиб олган экан, энди  
ундан қутулиб бўлмайди. Агар Виндер ғойиб бўлса—  
Терковский бу кимнинг иши эканлигини дарҳол фаҳм-  
лайди... Ишдан ҳайдасалар ҳам майли-я, қамоққа тиқи-  
шади...

«Ялинсаммикин?.. Барибири фойдаси тегмайди».

Никодим Терковскийнинг қандай одам эканлигини  
жуда яхши биларди.

Мияси тинмай гувилларди. Дизма кечаси билан миж-  
жа қоқмай чиқди. У ёлғизлик ва заифликдан азоб че-  
қарди. Буни ҳатто Қшепицкийга ҳам айтиб бўлмасди...  
Хўш, нима қилиш керак?.. Нима қилсайкин?..

У нонуштага қўл ҳам урмай, Йгнатийга банкага қўн-  
гироқ қилиб, бетоблиги туфайли ишга боролмаслигини  
айтиб қўйиши буюрди. Бироқ орадан ярим соат ўтмас-  
даноқ ҳато қилганини англади: унинг бирдан бетоб бў-  
либ қолгани ҳақидаги гап Терковскийнинг қулогига етиб  
бориши мумкин эди. Дизманинг ғазаби қайнаб кетди.  
У ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ Йгнатийга ўшқирди-да, бан-  
кага жўнади. У ерда атайлаб барча бўлимларни айла-  
ниб чиқди. Вандришевскийнинг олдига кирди ва гарчи  
кеча ўзи уч кун муҳлат берган бўлса-да, баланс тайёр  
бўлмагани учун директорни койиди. Сўнг Қшепицкийга  
«салом», дея тўнғиллаганича кабинетга кириб, ичидан  
қулфлаб олди.

Дизмага фақат, Терковский ўз шубҳасини биронта  
одамга айтдими, йўқми, деган фикр азоб берарди. Ни-  
ҳоят. Никодим, у маккор юрагидагини дуч келган одам-  
га айтавермайди, деган қарорга келди. У нима қилас-

кин? Ҳар қалай Дизмани ҳам, Яшунскийни ҳам, Пильхенни ҳам расволарини чиқариб ҳайдатишга уринса керак...

Фақат биттагина йўли қолган бўлиб, дарҳол ўстезфога чиқиш ва Кобороводаги сандиқда ётган пулларни ўмаркб, чет эл паспортини олиш ҳамда Виндер Варшавага келмасдан бурун жуфтакни ростлаб қолиш лозим. Нинага уйланиш ҳақида гапирмаса ҳам бўларди. Куницийми эса, кейин шикоят қилиб юрмаслиги учун, қамоқдан чиқариб юбориши ва у билан бир амаллаб келишиб олиш керак.

— Ҳе, жин урсин!

Телефон жиринглаб қолди. Қшепицкий аллақандай бир хоним билан графиня Конецпольская келганини хабар қилди. Хонимлар уни албатта кўришмоқчи эмиш.

— Уларга бетоб эканлигимни айтинг.

— Айтдия,— деди жавобан Қшепицкий,— лекин, панраисга маълум қилинг, деб гапимга кўнишмаяпти. Айтишларича, сиз уларни албатта қабул қиласмишсиз.

Никодим қовоғидан қор ёғиб эшикни очди.

— Марҳамат,— деда хонимларни қуруққина таклиф қилди у.

Конецпольская ёнидаги хоним жодугарсифат Стелла экан.

Уни кўриб Дизманинг зардаси қайнаб кетди.

Хонимлар ташвишланиб унинг соғлигини суризтиришди ва докторларни тавсия қила бошлиши. Ниҳоят, мақсадга қўчиб, устознинг бетоблиги ложа маросимиши бажариш учун ҳалал бермаслигига умид билдиришиди. Эртага навбатдаги маросим экан. Афсуски, Конецпольскаянинг эри ҳозир уйида экан, шу боисдан ҳам мистерия ўтқазиш учун Буюк Ўнучинчининг квартирасидан бўлак жой қолмабди.

Бу гапдан Дизманинг жони ҳиқилдоғига келди.

— Мени тинч қўйинглар. Ҳозир бу нарса кўнглимга сиғмайди.

— Эртага қадар тузалиб кетасиз,— деда Стелла ўтироғга ўрин қолдирмайдиган оҳангда.— Учрангли Юлдуз томонидан юклangan вазифа албатта бажарилмоғи лозим.

— Тузаламан, тузаламан...— деди чап беришга уриниб Дизма.— Мен соппа-соғман, лекин ҳозир бу ишларга вактим йўқ. Зиммамда муҳим ишлар бор.

Орага жимлик тушди. Никодим дераза төмон ўғирилди.

— Устоз,— деда астагина сўради Конецпольская,— бирор кўнгилсизлик бўлдими?

Никодим истеҳзо билан кулиб юборди.

— Кўнгилсизлик ҳам гапми. Шундай абллаҳлар борки, иложи бўлса, бошингга чиқиб ўтириб олсан дейди...

— Устоз, сиз ҳар қандай одамнинг ҳам танобини тортиб қўя оласиз,— деди ишонч билан Стелла.

Никодим унга узоқ тикилиб турди.

— Ҳар қандай одамни ҳам эмас. Шундайлар ҳам борки, тўнғиз каби сенга чоҳ қазииди, кутурган итдек акиллайди... Номингни булғашга, дунёни кўзингга қоронги қилишга ҳаракат қиласди...

Стелланинг кўзлари қисилиб кетди.

— Ким экан ўша одам?

Дизма фақат қўл силтаб қўя қолди.

— Айт, устоз, сенга чоҳ қазиётгаш ким ўзи?

— Ҳожати бормикин...

— Айтиш керак,— деда бижиллади Конецпольская,— балки, бизнига биронта йўл, биронта чора ўйлаб топар.

— Учрангли Юлдуз ордени жуда қурдатли,— деди жиддий оҳангда Стелла.

Никодим бўйинни қисди-да, бехосдан:

— Терковский,— деб юборди.

Ҳайратдан иккала хонимнинг оғзи очилиб қолди. Дизма ичида сўкиниб қўйди. Бу хотинларга айтиб нима қиласди? Аҳмоқ!

Стелла ўрнидан турди-да, вазмин қадам ташлаганича Никодимга яқинлашиди.

— Устоз! Сен буюришга ҳақлисан. Бу одам ҳалок бўлиши керакми?— Дизма алланечук бўлиб кетди: бу хотинлар ақлдан озишибди!

— Устоз!— деда давом этди Стелла.— Бу одам абадий йўқ, бўлсинми ёки вақтинча йўқолсинми? Буюр!

Никодим кулиб юборди. Бу гап унга ёш болаларга хос тентаклик бўлиб туюлди. Руҳонийга ўҳшайдиган бу калта оёқ маймун Терковский каби иуфузли бир одами ни намаям қила оларди? Лекин шу заҳоти у Виндернинг келишига жуда оз вақт қолганини эслади. Шундан сўнг ҳаммаси тамом бўлади. Терковский Виндер билан гапни бир жойга қўяди-ю, кейин... Қани энди шундай қилинсаки, ўша пайтда Терковский Варшавада бўлмаса.

— Терковскийни Африкага жўнатиб, у ерда дарахт-

га боғлаб қўйинг ёки, умуман, жаҳаннамга жўнатинг!—  
деди алам билан Дизма.

— Қачон?— деда қатъий оҳангда сўради Стелла.

— Шу бугун бўлса ҳам майли... ҳа-ҳа-ҳа!. Бу  
дейман, жуда қувноқ аёл экансиз-ку! Бўпти, чўпчак  
айтишини йиғиштирайлик. Хўш, мистерияни нима қила-  
миз?

Хонимлар маросим белгиланган муддатда амалга  
оширилишини қатъян талаб этишиди ва бундан бўйин  
тovладиган одамнинг бирор фалокатга учраши муқар-  
рар эканлигини шама қилишиб. Бундан қўрқиб кетган  
Дизма дарҳол таслим бўла қолди ва Учрангли Юлдуз  
ложасининг иккинчи йиғинини ўз уйида ўтказишга рози-  
лик билдириди.

Кечқурун у кўнгил очиш учун Вареда билан «Воҳа»га  
борди ва уйига қайтгач, төш қотиб ухлаб қолди.

Эрталаб Стелла билан Ляля етиб келиб, Дизма  
уларнинг ихтиёрига бериб қўйган квартирани батамом  
остин-устун қилиб ташлаши. Дизма мистерияни конси-  
пирация қонунларига амал қилиб ўтказишга қарор қили-  
ди ва муҳтарам Игнатийга дам олиш учун уч кунга  
жавоб бериб юборди. Шу боисдан ҳам мебелларни у  
ёқдан-бу ёққа суриш, гиламларни бир хонадан иккинчи  
хонага ташиш каби барча оғир ишлар унинг зиммасига  
тушди. Бир ҳисобга Никодим бу ишдан хурсанд ҳам  
бўлди — анови Терковский тўғрисида, Виндернинг Вар-  
шавага келиши билан боғлиқ бўлган хавф-хатарни ўй-  
лашга вақти йўқ эди.

Хонимлар, чамаси, унтишган бўлишса кёрак, Тер-  
ковскийни ортиқ эсга солишмаётганди.

«Унтишган бўлишса жуда яхши,— деда ўйларди  
Дизма.— Кеча уларга бекор айтдим ўзи».

Никодим жон-жаҳди билан мебелларни у ёқдан-бу  
ёққа сурар ва хонадан хонага гилам таширди.

Кечга томон у шу қадар чарчадики, ётоқхонага ки-  
риб, ичидан қулфлаб олса жон-жон дерди. Аммо қаёқ-  
да! Ётоқхона ҳам, бошқа уч хона ҳам, ванина бўлмаси  
ҳам «роҳибалар» учун мўлжаллаб қўйилганди.

Соат ўн бирда даҳшатли фалокат содир бўлди: Хон-  
имлардан бири сўнгги дақиқада эри келиб қолгани ту-  
файли мистерияга келолмасдигини хабар қилди. Устав-  
га биноан маросимда албатта ўн икки «роҳиба» ишти-  
рок этиши лозим эди. Хонимлар ўзларини қўярга жой  
тополмай қолдилар.

Никодим дарҳол мистерияни келаси ҳафтага қолди-  
риши таклиф қилган эди, бироқ Стелла ғазаб билан,  
бундай қилиш уставни бузиш билан баробарлиги ва ўзи  
бунга сира ҳам йўл қўя олмаслигини айтди. Қийин аҳ-  
волдан чиқиш чорасини топиш керак эди. Кутимаганда  
хонимлардан бири — баронесса Вельберг чора топди:  
у бир кечага ёллаш мумкин бўлган битта қизни танир  
эмис, қизга ишонса бўлармиш, у жуда ажойиб қиз бў-  
либ, варъетелардан бирида «girl»<sup>1</sup> экан; баронессанинг  
инсонтиришича, кичкина Владага ҳар қандай сирни ишо-  
ниш мумкин эмиш.

Бўлак чора қолмаган эди. Кичкина Владани таклиф  
қилишга жазм этишиди. Шу заҳоти унга телефон қилиш-  
ди. Аввалига қиз бугун дансингда учрашиши лозим бўл-  
ган рашқчи жазманини рўяч қилиб, мистерияга келиш-  
дан бош тортиди. Бироқ кейин юз злотийлик кредит би-  
летининг дарагини эшишиб, рози бўлди.

Шундан сўнг мистерия барча қоидаларга амал қи-  
линган ҳолда қоқ ярим кечада бошланди.

Соат бирда, иблис чақирилаётган пайтда кичкина  
кўнгилсизлик содир бўлди: хушидан кетаёзган Влада  
йиғлаб юборди ва уйимга кетаман, деда хархаша қила  
бошлиди. Уни аранг тўхтатиши. Қиз пэйотл қўшилган  
виподан ичгач, анча тинчбиқ қолди.

Соат иккода раис Никодим Дизманинг меҳмонхона-  
си бутунлай ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Шу тобда у та-  
никли давлат арбобининг меҳмонхонасига сира ҳам  
ўхшамай қолганди. У кўпроқ дудхона ёки қадимги Рим-  
даги буғоналарга ўхшарди.

Мистерия қатнашчилари хоналарга тарқалишганида  
дарпарда четидаги тирқишдан декабрь тонгининг илк  
шурлари эндинга мўралай бошлаган эди. Жанг майдонида  
фақат Буюк Ўнучинчи қолди. У деворга суюниб  
ўтирганича шундай хуррак отардики, дераза ойналари  
дирилларди.

Никодим вақт пешиндан оғганида уйғонди. Унинг  
азбаройи силласи куриганидан мияси ғувулларди.

У ўриндан туриб кийинди-да, бориб ётоқхонага назар  
ташлади. «Роҳибалар» уйғона бошлашган эди. Ванна-  
хона тиқилинч эди. Хонимлар Никодим билан бирии-

<sup>1</sup> Қизча (иғл.) бу ўринда эстрада рақкосаси маъносидаги ишла-  
тилган.

кетин хайрлашиб, оёқларини аранг сургашганича, уй-уй-ларига тарқалиша бошлиши.

Ниҳоят, Дизма ёлғиз ўзи қолди. У барча ойналарни очиб ташлади ва зўр-базўр қимирлаб, квартирани тартибида солмоқчи бўлди.

У пианинони жойига суриб қўймоқчи бўлиб тургани да кўча эшикнинг қўнгирори жиринглаб, Кшепицкий кириб келди.

— Эҳе, пан Никодим! — деди у кулиб. — Бу ерда роса базми жамшид бўлганга ўхшайди-ку.

Куницкий қамоққа олинганидан сўнг у ўз бошлиги билан жуда аноқ-чапоқ бўлиб кетганидан уни номини атаб чақира бошлаган эди.

— Ҳе, ер ютсин ўша мочағарларни! — деда тўнгиллади қовоғини солиб Дизма.

— Бу дейман, рангингизда ранг қолмабди-ку! — деди ажабланиб Кшепицкий. — Бунақа ишларни яхши кўришингизни билмаган эканман.

— Падарига лаънат бу ишнинг!

— Демак, ҳирсиин ўлдириш учун шундай қилибсизда?

— Бўлди, мунча тирғилмасангиз, жин урсии сизни! — деди зардаси қайнаб Дизма. — Ундан кўра ёрдамлашиб юборинг.

— Нега ўзингиз ишлайпсиз? Игнатий қаёққа кетди?

Дизма жавоб бериш ўрнига пишқириб ишлайверди. Ниҳоят, у бир сўкиниб қўйди-да, ўзини диванга ташлади.

Кшепицкий папирос тутатди.

— Тўғри Рейхнинг олдидан келяпман.

— Хўш?

— Куник ниҳоят шаштидан тушибди. Совуқ, қоронги камерада ётиб, таъзирини ебди. Лекин у хотини билан юзлаштиришларини талаб қилган эмиш. Рейх унга Нинанинг сизга ёзган сўнгги хатини кўрсаётгандан кейингина тинчиди. Юз минг злотийга рози эмиш, фақат анови сирини фош этувчи ҳужжатларни қайтиб беришни шарт қилиб қўяётганимиш.

— Хўш, Рейх нима деяпти?

— Рейх бундай шартга кўнадиган аҳмоқлардан эмас, у ўша ҳужжатларни жиший қидирув архивида эмас, шахсан ўз уйида сақлашни ваъда қилибди, холос,

— Куницкий рози бўлибдими, ишқилиб?

— Ўйлаб кўриш учун яна бир кун муҳлат олибди. Курғманг. Албатта рози бўлади.

Кшепицкий ўридан туриб, папиросидаги кулни чертибо туширди-да, қўшиб қўйди:

— Сиз эса, ўз навбатингизда, Нинага эрининг озод чилиб, ўз хоҳиши билан чет элга жўнаётганини хабар қилиб қўйишингиз керак. Ҳм... Унга ҳатто, чол бор пулнинг ярмини олиб кетаётиди, деб ёзишингиз ҳам мумкин. Шундан сўнг унинг кўнгли жойига тушади.

— Ҳа, бир оз алдаб қўйсак ёмон бўлмайди, — деда тун қотди Дизма бир оз хаёл суриб тургач. — Лекин, менимча, хат ёзмаган маъқул. Хат биронта одамнинг қўлига тушиб қолиши мумкин ёки...

Бирдан у Терковскийни эслаб, яна сесканиб тушди. Йўқ, йўқ... У бу ҳақда ўйлаб ўтирамайди. Бўлганича бўлар. Энг муҳими — ўйламаслик керак... Фақат ҳозир эмас... Коборово... Жўнаш керак.

Никодимнинг қўлини қимирлатишга ҳам мажоли қолмаган эди. Оғриқнинг зўридан унинг башараси бужмайиб кетди.

— Фақат бугун эмас, — у айта олган гап ана шубайди.

Чиндан ҳам Дизманинг силласи жуда қуриган эди. У ҳатто ўқтин-ўқтин жиринглаб турган телефон олдига ҳам бормай, кун бўйи диванда қимир этмай ётди.

Никодим фақат Учрангли Юлдуз ложасидан қандай қилиб осонроқ қутулиш чорасини ўйларди. Кишининг силласини қуритадиган бу базми жамшиддан сўнг унинг Буюк Ўнучинчиллик вазифасидан бутуилай ҳафсаласи шир бўлган эди.

Ана шу ложа туфайли у киборлар доирасига мансуб хонимлар билан яқиндан танишиб олганди; уларнинг энгизи энди Никодим учун доим очиқ эди. Агар у энди Учрангли Юлдуз орденидан бир амаллаб қутулиб олса, барибир у ерда орттирган танишларининг фойдаси тега-неради.

Лекин қандай қилиб қутулса экан? Ҳар қандай мушкул ишнинг ҳам чорасини топа оладиган Кшепицкийга маслаҳат солсамикин? Аммо бундай қилишга Дизманинг юраги дов бермади. У ҳали ложа сирини ошкор қилган ҳар бир одам ўлимга ҳукм этилиши мумкинлигини унутмаган эди.

Узоқ бош қотирганидан сўнг Дизма бу эсини еган хотинларга, тушимда иблисни кўрдим, у менга бундан

буён Үнучинчи бўлишни тақиқлаб қўйди, десаммикин, деб ўйлаб қолди. Мен унга ёқмас эмишман, шу боисдан ҳам у мистерияларда мен қатнашар эканман, ортиқ қорасини кўрсатмас эмиш, дейман... Дизма эртагаёқ гравюрия Концепциянинг олдига бориб, шуни айтиб қўйишини аҳд қилди.

Улар билан энди биронта бошқа одам азоб чексин.

Никодим жилмайиб қўйди. У Варедани эслаган эди.

— Уларга Варедани рўбарў қилиб қўйман! Иблис фақат Варедани талаб қилди,— деб айтаман.

Игнатий дастурхонга кечки овқатни, қўйиб, янги газеталарни келтирди. Дизма газеталарни жаҳл билан бир четга суриб қўйди-да, овқатлана бошлади. Шу пайт телефон жиринглаб қолди.

Вареда қўнғироқ қилган экан. У Никодимдан сўради.

— Үқидингми?

— Нимани?

— «Нимани» дейсан-а? Үзингни гўллика солаверма кўп! Худди билмагандай гапирасан-а?

— Айта қолсанг-чи, нима гап ўзи?

— Терковскийнинг жўнаб кетаётганидан хабаринг йўқми?

Дизма турган жойида қотиб қолди.

— Нима... Нима дединг?

— Янги вазифага тайинланиб, бугун кечқурун элчи сифатида Пекинга жўнаётганини айтаман. Кечқурунги газеталарни ўқимовдингми?

У яна алланималар деди, бироқ Никодим қулоқ солмай қўйган эди. У трубкани жойига ташлаб емакхонага югуриб кирди-да, газеталарни очди.

Чиндан ҳам барча газеталарда Хитойда ҳукумат барқарорлашгани сабабли бош министр кабинетининг бошлиғи, статс-секретарь ёрдамчиси Ян Терковский элчи ҳамда Хитой ҳукуматининг муҳтор министри қилиб тайинлангани муносабати билан унинг бугун Пекинга жўнаб кетаётгани хабар қилинган эди.

\* Дизма газеталарни стол устига ташлади. Унинг юраги гуппилаб урмоқда эди.

У ўриидан сапчуб турди-да:

— Ура! Ура! Ура! — дея бақири.

Игнатий югуриб келиб, ажабланганича эшик олдида тўхтаб қолди:

— Мени чақирдингизми?

— Игнатий! Ароқ келтир! Бу ишни ювиш керак!

Хизматкор графин келтириб қадаҳга ароқ қуиди.

Бошқасига ҳам қуй! — дея қичқирди Дизма.— Пуқолсин итваччалар!

Дизма кетма-кет тўрт қадаҳни бўшатди-да, стулга ўтириди.

— Биласанми, Игнатий?

— Эшитаман.

— Кимки менинг, яъни Никодим Дизманинг йўлига тұғаноқ бўлса, расвоси чиқади. Тушундингми?

Дизма яна бир қадаҳни бўшатиб, очиқ турган эшикдии чироғи ўчириб қўйилган кабинетга қаради: қорон-ғиликдан унга қандайдир уккиниги ўҳшаган кўзлар бақрайиб қараб тургандек туюлди. Никодим бир тупурди-да, чўқиниб қўйди.

— Қани, қуй, ичамиз, Игнатий!

У ўрнига ётганида вақт ярим тундан оғиб қолган деди. Шунда Дизма хизматкорига қараб деди:

— Биласанми, Игнатий, бу хотинлар бутун дунёни ағдар-тўнтар қилиб юборишлари мумкин, инс-жинслар Ҳимроҳ экан уларга...

— Бу гапингиз тўғри, — дея тасдиқлади Игнатий.

## 16- б о б

Сешанба куни Никодим билан Кшепицкий никоҳни бекор қилиш масалалари бўйича мутахассис адвокат Лициунскийнинг олдига бўришди, чоршанба куни эса катта комиссар Рейх билан охирги марта учрашиб унга юз минг злотий топширишди.

Пайшанба куни катта вокзалдан қарама-қарши томонга қараб икки поезда йўлга чиқди. Уларнинг бирида мушкайган бир чол қалт-қалт титраб ўтиради. Бошқасида эса давлат ғалла банкасининг раиси йўлга чиқкан деди. Уни дўстлари шод-хуррамлик билан кузатиб қўйишинади.

Очигини айтганда, чол ёлғиз эмасди. Купеда унинг қаршисида икки юзи қип-қизил норғул бир жаноб ўтиради. Жаноб ўнг қўлини пальтосининг чўнтағига тиқиб олганди, бу ўринда унинг бундай ўтириши заруратдан кўра, кўпроқ одат бўлиб қолганидан эди.

Варшава — Берлин поезди биринчи бўлиб йўлга чиқди. Тахминан ўн минутлардан сўнг Белосток — Гродно томон юрадиган иккинчи поезд жойидан жилди.

Вагон зинасидан сакраб тушган охириги одам Кшепицкий эди. У бошлиғига жиноий қидирув бўлимида Куницкий билан қилган сухбати ҳақида қисқача ҳисобот берди. Кшепицкий Дизмага Куницкийнинг тақдирiga тан бериб, ортиқ тўсқинлик қўлмаганини хабар қилиди. Чол ҳатто Коборово ишларининг баъзи томонларини тушунтириб, янги бошқарувчининг мушкулини анчносон қилиби. Никодим Дизма эса янги бошқарувчи қилиб худди шу Кшепицкийнинг ўзини тайинлаганди.

Дизма хурсанд эди.

У бўм-бўш купеда ўнашиб олиб, бундан бўён ўзи қанақа куёв бўлиши ҳақида хаёл суро бошлади.

Турган гап, энди у банкадан воз кечиши керак эди. Энди у банкани бошига урадими? Коборовдан олинадиган улкан даромад бирор аҳмоқона гапни ваддираб қўйишдан чўчимай тинчгина яшааш имконияти — буларнинг бари банкадан воз кечишина тақозо этарди.

Ёлгиз ўзи Коборово хўжалигини эплай олмаслигини Никодим яхши биларди, албатта.

Бахтига, унинг ёнида ҳар қандай ишни дўндириб баъжарадиган Кшепицкий бор эди. Дизма пул масаласида секретарга жуда ҳам ишониб бўлмаслигини тушунарди. Бироқ бошқа жиҳатдан олганда, Кшепицкий шундай сердаромад жойда эгрилик қилиши эҳтимолдан узоқ эди.

Ташқариди қалин қор билан қопланган кенг водий ёстаниб ётарди.

Никодим Терковскийни эслади-да, тишларини тижириб латиб қўйди. У ложада иштирок қилувчи хонимлар туфайлигина Терковскийдан халос бўлгани шубҳасиз эди. Хонимлар қандай ҳаракат қилишгани, кимларни ишгесолишиганини у билмасди, билишни истамасди ҳам. Илгари Никодим улардан иблис билан муомалада бўлганлари учун чўчирди. Энди эса у баттар қўрқиб қолди. Тириклар инс-жинслардан ҳам хавфлироқ бўлишади. Шунинг учун ҳам ложадан тезроқ қутулиб олиш ҳақидаги аҳдида қаттиқ тўришга қарор қилди. Турган гай у кейин ҳам бу хонимлар билан алоқасини узмайди, лекин ложадаги ўрнига Варедани ўтказиб қўйгани мақул.

Дизма Ляля билан Стелла «иблис иродаси» ҳақида ги гапни эшитгач, қандай довдираб қолишганини эслагулиб юборди. Полковник тоза жазосини тортадига бўлди-да...

Темир йўлнинг икки чети ўрмон эди.

Кеч кирди, туман тушганди. Филдираклар тақа-туқчириб Коборово стрелкаларидан ўта бошлашди. Перонда темир йўл хизматчиси билан Нинадан бўлак ўчи ким кўринмасди. Вагон деразасидан Дизманни кўриб қолган жувоннинг чеҳраси табассумдан ёришиб кетди.

У сўрашиш учун қўлинин чўзди, Никодим чамадонини кор устига қўйди.

«Хайрият, худога шукур!..»

Улар бўм-бўш вокзалдан ўтиб, автомобилга ўтириши.

Мотор стартернинг вағиллашидан жонланиб, филдираклар сарғанчиқ қорда чир этиб айланди-ю, машина жойидан қўзгалди.

— Айтчи... айт-чи... У... у... дарров рози бўлдими?

Нинанинг товушидан безовта эканлиги сезилиб турарди.

Дизма кулиб юборди.

— Мажбур бўлди.

— «Мажбур бўлди» деганинг нимаси? — қўрқа-писа сурнитириди Нина.

— Ниночка, — дея тушунтириди Никодим, — муҳаббат ҳамма нарсани енгишга қодир, деб ўзинг айтган эдинг-кунир.

Машина тахта тилиш заводи ёнидан ўтар экан, у ергати чироқлар лоп этиб ёнди. Йўл четида турган бир исча киши шапкаларини олиб таъзим қилишди.

— Хўш, энди... энди у нима қилмоқчи?

— Буниси билан бизнинг ишимиз йўқ, — дея елкасини қисди Никодим. — Банкадаги бор пулларини олиб кетди. Коборово қанча турса, деярли шунча пул бор экан. Очликдан ўлмайди.

— Чет элга жўнадими?

— Ҳа.

— Қайтиб келмайдими энди?

— Бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу ёғига мен кафилман.

Нина ўйланиб қолди.

— У шундай қилишга мажбур бўлди, дединг, Нико. Бунинг бирор... алоҳида сабаби йўқми, ишқилиб?

— Нега ташвишланяпсан, Ниночка? Масала ҳал бўлди — васссалом. У ёғи билан нима ишинг бор?

— Ахир у менинг эрим эди...

— Мен эса, эринг эмасди, дейман.

Нина ажабланди.

— Қанақасига эрим бўлмас экан?

Дизма никоҳни бекор қилиш тартибини қўлидан келганича тушунтириди-да, адвокатнинг далилларини таҳорлади.

— Агар бирор ишқал чиқиб қолмаса, икки ойдан сўнг панна Понимирская бўлиб оласан, уч ойдан кейин, мабодо аҳдингдан қайтмасанг, менинг хотиним бўласан.

Нина индамай ўтираверди.

Дизма буни кўриб ташвишга тушди. Бирдан айниб қолса-я?.. Балки энди ўзини эркин ҳис этгач, келажак тақдирини у билан боғлашни истамай қолар?

— Нега индамаяпсан, Ниночка, жонгинам?— дея сўради Никодим қўлидан келганича мулоиймлик билан.

— Э, шунчаки ўзим,— деди ҳушига келиб Нина.— Уша воқеани ўйлаб қолдим. Энди буни ўйламаслик керак, тўғрими?.. Утди-кетди... Пешанада бор экан-да...

У Никодимнинг пинжига тиқилди.

— Ҳаёт шунаقا ўзи,— деди ишонч билан Дизма.

— Мен ҳаётдан қўрқаман, У жуда даҳшатли.

— Мен эса қўрқмайман.

— Биламан. Чунки сен кучлисан, жуда кучлисан...

Кобороводаги уйнинг ҳамма деразалари чароғон бўлиб турарди. Нина сўнгги пайтларда қоронгиликдан қўрқадиган бўлиб қолганини ва шу боиедаң барча чироқларни ёқиб қўйишни буюрганини айтди.

Вестибюлда ҳамма хизматкорлар тўпланиб туришган экан. Улар ҳали бирор нарсани аниқ билишмаса-да, бироқ Варшавадан ёлғиз қайтиб келган шофёргининг узуқ-юлуқ ҳикоясидан ўзларича хulosса чиқариб қўйишганди. Илгари сира ҳам бирорни кутиб олмайдиган беканинг станцияга бориши ҳам уларнинг бу фикрини тасдиқлаб турарди. Хизматкорлар қандайдир воқеа содир бўлаётганини сезиб қолишганди... Нина буни интуиция деб атарди, Никодим эса ҳид билиш дерди.

Никодим оқсоч хотинга Куницкийнинг ётоқхонасиғэ жой солиб беришни буюрганида аёл сира ҳам ажабланмади.

Нина Дизма Варшавага жўнаб кетгач, яна ёлғиз қолишдан нолий бошлади.

— Сен ҳам мен билан юра қол, Ниночка. Мен сени олиб кетаман.

— Кошкийди бунинг иложи бўлса!..— деди маъюс жилмайиб Нина.

— Нега иложи бўлмас экан?

— Ноқулай ахир. Наҳот буни тушунмасанг? Шовшув кўтарилади!

— Хўш, нима қилибди,— деди елкасини қисиб Никодим.— Шунданам қўрқиб ўтирамизми! Ахир биз никоҳдан ўтамиз-ку. Жуда бўлмаганда, меҳмонхонада яшашинг мумкин. Шунда ҳар куни кўришиб турамиз.

Нина чапак чалиб юборди.

— Яшасин! Топдим! Пшеленская холам. Холамнида тураман.

— Ана кўрдингми.

— Лекин Варшавада кўп туришни истамайман. Шаҳарни ёмон кўраман. Ҳамма жойдан ҳам ўзимни Коборовода яхши ҳис этаман. Биз доим Коборовода яшаймиз-а, Ник?

— Бўлмасам-чи, ўша Варшава ўзимниям жонимга теккан. Жуда тўйдим.

— Жуда меҳрибонсан-да! Юр, сени ўйлаган пайтларимда чалиб юрган нарсамни чалиб бераман.

Улар кичик меҳмонхонага ўтишди. Нина пианино копқоғини очди.

— Сен ҳам чалишни биласанми?

— Фақат мандолина чаламан.

— Нина кулиб юборди.

— Ҳазиллашяпсан шекилли?

— Худо ҳаққи!

— Мандолина чалиш жуда кулгили кўринади.

— Нега энди?

— Билмайман, менимча, жуда кулгили бўлса керак. Банка раиси, давлат арбоби келиб-келиб мандолина чалиб ўтиrsa-я!

— Афсус, асбобни Варшавада қолдирдим-да. Бўлмасам сенга бир нарса чалиб берардим.

Нина уни ўпган эди, Никодим унга қўл чўзди. Бироқ жувон унинг кучогидан сирғалиб чиқди-да, кула-кула пианино чала бошлади.

— Яхшими?— дея сўради у кўзларини юмиб.

— Жуда яхши. Жуда ажойиб. Унинг сўзлари қанақа?

— Сўзлари дейсанми?— дея ажабланди Нина.— Xal Сен буни операдан деб ўйляяпсанми? Иўқ. Бу соната. Биласанми кимники?

— Қимники экан?  
— Чайковскийники.  
— Шундай дегин. Чиройли куй экан. Унинг номи қанақа?

— Си-моль.  
— Си-моль? Қизиқ. Нега си-малина эмас?

Ҳазилдан вақти чоғ бўлиб кетган Нина унинг бўйнидан қучли.

— Султоним бугун қувноқ кайфиятдалар шекилли? Топдим: мандолина ҳақидаги гап ҳам ҳазил эди. Ёмон-той. Кичкина Ниночканг устидан ҳам шунақа куласанми. «Ниночка!» Биласанми, мени ҳеч ким бундай атамаган эди... Ни-ночка! Биласанми, бу унчалик чиройли эмасди, лекин менга жуда ёқади. Қани, қайтар-чи...

— Ниночка,— деди Никодим ва ўзича: «Жин урсин, мандолина чалишимнинг нимаси ёмон экан?»— дея хаёлидан ўтказди.

— Ҳаммасидан ҳам шу сўзингни яхши кўраман. Сен исемимни шундай жиддий талафуз қиласанки, товушингдан дадиллик... куч, ҳатто фармон ҳис этиш мумкин. Негалигини билмайману, лекин, менимча, бутун аъзойи баданларига туз, йод сингиб кетган денгизчиларнинг товуши шунақа бўлса керак.

— Йод дейсанми? Демак, денгизчилар баданларига йод суртишар экан-да?

Нина кулиб юборди.

— Чиндан ҳам бугун кайфиятинг ажойиб экан. Биласанми, сен ҳазил гап айтиш талантига эга экансан. Сен ҳазил гапни мутлақо жиддий оҳангда айтасан, бундан асқиянг янада кулгилироқ чиқади. Биз бирга бўлганимизда қандай баҳтиёр эканлигимни билсанг эди! Ҳозир ич-ичимдан хурсанд бўлиб, ўзимни шундай енгил ҳис этяпманки, асти қўяверасан. Кичкина Ниночканг анчадан бери бугун биринчи марта ширингина ухлади. Қайгули фикрлар ғойиб бўлади энди...

Никодим кўзларини қисиб деди:

— Бунинг ўрнига баъзи бошқа нарсалар пайдо бўлади.

Нина қизариб, унинг пинжига тиқилди.

— Йўқ, йўқ,— дея эътиroz билдиришга уринди у.— Ниночка тепада ширингина ухлади, Ник эса пастда ётади.

— Фойдаси йўқ. Илтимос, эътиroz билдирилмасин. Бекорга баҳслashiб ўтирайлик.

— Ник!..  
— Гап тамом!.. Масала ҳал бўлган. Хизматкорлар кетган заҳоти менинг Ниночкам олдимга тушади.

— Тушмайди,— дея баҳслаша бошлади Нина.  
— У ҳолда ўзим тепага чиқаман...  
— Мана кўрасан, эшик қулфлоғлиқ бўлади,— деди кулиб жувон ва лабларини унинг юзига сўйкади.

— Эшик? Мен учун эшик нима деган гап! Синдираман қўяман...

— Вой, паҳлавонгинам-еий! Қулогингни тут, бир гап айтаман.

У лабларини Никодимнинг қулоғига яқинлаштириб, аста шивирлади.

— Ниночка ўз султонининг олдига тушди.  
— Мана бу бошқа гап...

Улар ажралишиб, Диэма Куницкийнинг ётоқхонаси томон йўл олганида соат ўн бирдан ошган эди. Йўл-йўлакай у кабинет чирогини ёқиб, пўлат сандиқни очди. Токчаларда даста-даста пуллар қатор турарди. У дасталардан бирини олди-да, гўё оғирлигини аниқламоқчи бўлгандай, уни кафтида иргитиб қўйди.

— Меники... Ҳаммаси меники. Пуллар, сандик, уй, фабрикалар... Миллионлар!

Никодим ечинар экан, бу бадавлат амлокда ишни пимадан бошлашини ўйлади.

У эртагаेқ бутун корхоналарни айланиб чиқишга ва хизматчиларни йифиб, керакли кўрсатмалар беришга аҳд қилди. Диэма уларнинг олдида айтадиган гапларини ўйлай бошлади...

Шу пайт эшик ғижирлаб очилди-да, хонага Нина кириб келди.

Бу кеча Никодимга ухлаш насиб қилмади. Эрталаб соат еттида хизматкорлар хоналарни супуриб-сидира бошлаган эди, Нина уйнинг нариги қисмида яшайдиган хизматкорлар етиб келмасдан ётоқхонасига етиб олиш учун шошилиб чиқиб кетди.

Дизма папирос тутатиб, ёстиқларини тўғрилаб қўйди.

«Агар доим шунақа бўлаверса, мен узоққа бормайман!»

У ухлашга уриниб кўрди, бироқ уйқуси келмади.

— Туриш керак,— дея тўнғиллади Никодим ва қўнгироқ тугмасини босди.

Югуриб келган хизматкорга у ванна ҳозирлашни ва

чўчқа гўштидан қўшиб ўнта тухумдан қўймоқ пишириши буюрди.

— Энг муҳими — ёғлироқ бўлсин.

Никодим кийиниб, емакхонага кирганида қўймоқ ҳали тайёр эмас экан. У хизматкорни койий кетди. Хизматкор, қўймоқ барибир совиб қоларди, деб ўзини оқламоқчи бўлган эди. Дизма ўшқириб берди.

— Ўчир овозингни, аҳмоқ. Агар ҳаммасини ўз вақтида қилганингда совиб қолмасди! Ваннадан чиққанини кўрмадингми? Сен ярамасларни тартибга ўргатиб қўяман ҳали! Қўймоқни олиб келгин-да, отни эгарлашни буюр.. Тўхта! Яхшиси, чана қўша қолишин.

— Хўп бўлади, пан жаноби олийлари.

Нонуштадан сўнг Дизма икки от қўшилган бежиримгина чанага ўтириди-да, қоғоз фабрикасига ҳайдашни буюрди. Фабрика идорасида у хизматчиларнинг чойичиб ўтирганини кўриб, тутикашиб кетди.

— Бу ер нима ўзи, жин урсин! — дея бақирди у.— Фабриками ё қовоқхонами?

Хизматчилар сапчиб ўрниларидан туришди.

— Нима қилиқ бу! Бу ерда овқатланганингиз учун ҳақ оласизларми? Ҳат ташувчи қани?

— Бу ердаман, пан раис.

— Ҳозироқ стаканларни ўқот! Бундан кейин идорада чой ичганингизни кўрмай. Овқатни уйларингизда ейсизлар. Гушундингларми?

Дизма идорадан ўтиб, директор кабинетининг эшигини очди. Кабинетда ҳеч ким йўқ эди.

— Директор қани?

— Пан директор тўққизда келадилар,—ҳаяжондан товуши титраб тушунтириди хизматчилардан бири.

— Нима-а?.. Тўққизда дейсанми? Текинхўрлар, итвачалар!

Никодим фабрикани кўздан кечириб чиқди. Цехда иш авжида эди. Ишчилар Дизма билан одатдагидай бош иргаб саломлашишди. Уларнинг бу саломида ҳадиксираш, шубҳа ва ўз қадрини билиш — хуллас, пролетарий корхона эгасини кўрганида дилида пайдо бўладиган барча туйгулар намоён бўлган эди.

Ёшгина инженер Дизманинг олдига югурилб келиб, эҳтиром билан салом берди.

— Хўш, ишлар қалай? — дея сўради Никодим.

Ҳаммаси жойидами?

— Ҳаммаси жойида, пан раис.

— Дирикторингизга айтиб қўйинг, бундан буён ишга соат еттида келсин. Бошлиқ қўл остидаги одамларга ибрат бўлмоғи керак.

У инженернинг қўлини қисди-да, фабрикадан жўнаб кетди.

Тегирмон, тахта тилиш корхонаси, отхона, чорва фермаси, ароқ заводи — буларнинг барини Дизма пешинга қадар айланиб чиқди. У Кобороводан худди тўфондай ҳамма ёққа ваҳима солиб ўтди.

Уйга яқинлашар экан, Никодим деразадан Нинани кўриб қолди. Нина унга қараб табассум қилганича иккала қўлини силкиб турарди. У эгнидаги халатни ечмасданоқ вестибулга қараб тушди.

— Шу тобда султоним қаёқдан келяптилар? — дея сўради у оҳиста — қўшни хонада хизматкор столга дастурхон ёзмоқда эди.

— Корхоналарни кўздан кечириб чиқдим.

— Хўш, қалай?

— Ялқовлар кўп экан. Ҳечқиси йўқ, энди ҳаммасини гаҳ деса қўлга қўнадиган қилиб қўяман.

— Жоним, сенинг хўжалик билан шуғулланишингни истамайман. Тўйимиздан сўнг бошқарувчи ёллашинг керак. Ахир ўзинг ўйлаб кўр: иш бутун вақтингни олиб қўяди! Куни билан уйда бўлмайсан. Мен эса ёлғиз ўтиришни истамайман. Хўп дегин, Ник, бошқарувчи ёллайсан-а?

— Аллақачон ёллаб қўйғанман, — дея кулиб жавоб берди Никодим.

— Ростдан-а?

— Бўлмасам-чи.

— Шундайми? Жуда яхши қилибсан.

— Бир неча ой Варшавада турадиган бўлганимиздан кейин хўжаликка кимdir қараб туриши керак-ку ахир. Бўлмаса, бутун Коборовони талон-торож қилиб юборишади.

— Султоним кимни таклиф қилди?

— Қшепицкий деган бир одамни. Сен уни танийсан шекилли?

— Кимни? Зизяни-я? Пшеленскаянинг адъютанти Зизя Қшепицкийни-я?

— Худди ўшани.

— Жуда қизиқ йигит. Бир вақтлар менга хушомад қилиб юради. Лекин ўша пайтларда унинг унча обрўси йўқ эди.

— Очигини айтсам, у ҳақда бирор ёмон гап эшиганим йўқ. Банка ташкил қилинганидан бўён менда сектаръ бўлиб ишлайди.

— Унинг ишидан хурсандмисан?

— Ёмон ишламайди. Ё сен унинг бу ерда ишлашини истамайсанми?

— Йўғ-е, нега энди! Ишлар мени сира ҳам қизиқтирамайди, азизим. Бу соҳада ҳеч нима тушунмайман.

Хизматкор кириб, чақирилган одамлар тўплана бошлиганини хабар қилди.

Никодимнинг кабинети ёнига жойлашган кенггина идорада йигирма чоғлик одам йигилган эди. Алланима тўғрисида оҳиста гаплашиб ўтирган хизматчилар Дизма кириб келгач, ўрниларидан туриб таъзим қилишди.

Дизма жавобан бош иргади-да, ҳеч кимни ўтиришга таклиф қилмай, ёзув столи ёнига бориб ўтириди.

— Сизларни бу ерга тўплашимдан мақсад,— дея гап бошлиди у бармоқлари билан столга ёзилган мовутни чертиб,— Коборово бекаси пани Нина Кунецкая эридан ажралишиб, ундан ваколатномани қайтариб олаётганини хабар қилиб қўйишидир. У барча ишларни бошқариши менга топширди. Огоҳлантириб қўйай: мен пачакилашиб ўтирумайман. Фалла банкаси қандай пухта ишлётганини газеталардан ўқиган бўлсангиз керак. Гап шундаки, мен банкада қаттиқ интизом ўрнатганман. Қайтараман — мен пачакилашиб ўтиришни ёмон кўраман.

Ўз гапларидан қизишиб кетган Никодим борган саин авжига чиқа бошлиди.

— Қисқаси, иш ўйинчоқ эмас. Менинг қўлимда ишлаган одам меҳнат қилиши керак, ялқовларга пул тўлаумайман. Тушундиларингми? Текинхўрларни расвосини чиқариб ҳайдайман. Агар, худо сақласин, биронтангизчиқарни фирибагларигингизни, қўлингиз эгрилигини сезиб қолсам, сира аяб ўтирумайман — дарҳол турмага тиқаман! Мен билан ҳазиллашиб бўлмайди! Тушунарлим!

Шундай дея Никодим столга мушт туширди.

Хизматчилар ҳайратдан донг қотиб туришарди.

— Яқинда бу ерга пан Кшепицкий деган одам келади, мен уни бошқарувчи қилиб тайинладим. Унинг ҳамма гапига қулоқ солишингиз лозим. Лекин ҳозирги замонда тувишган акангга ҳам ишониб бўлмайди. Шунинг

учун ҳам мен бундай йўл тутмоқчиман: мабодо биронтангиз бирор қаллобликни сезиб қолиб, менга хабар қилсангиз, беш минг злотий бераман ва маошингизни ошираман. Ҳеч кимни хафа қилмайман, сизларга отангиз каби мурувват кўрсатаман, аммо ўзимни алдашларига йўл қўймайман. Гап тамом. Энди ишингизга боринглар.

Хизматчилардан бири, ароқ заводининг директори, мунқайган, нуроний чол олдинга ўтиб, Дизмага мурожаат қилди:

— Пан раис...

— Хўш, нима гап?

— Сиз айтдингизки...

— Айтган гапимни тушундингизми?

— Тушундим, аммо...

— Ҳаммасини тушундингизми?

— Ҳаммасини. Ҳудди шунинг учун ҳам...

— У ҳолда гап тамом. Мен сизларни бу ерга валақлашиш учун тўплаганим йўқ. Агар гапларим биронтага ёқмаган бўлса — марҳамат, тўрт томони қибла! Туёғини шиқиллатаверсин! Ҳеч кимни этагидан тутиб турмайман. Фақат ўйлаб кўришни маслаҳат бераман. Ҳозир иш топиш осон эмас. Шундай гувоҳнома ёзиб бераманки, асти қўяверасиз! Таниш-билишларим ҳақида-ю, гапириб ўтирумайман. Польшада биронта ҳам одам менга душман бўлмагани маъқул. Хайр.

У шундай дея эшикни қарсллатиб ёпди-да, чиқиб кетди.

Ҳамма бир минутча индамай турди.

— Ана холос! — деди ниҳоят хизматчилардан бири.

— Қандай ярамаслик! — деди чираб туролмай ароқ заводининг директори. — У бизларни жосус қилиб қўймоқчи.

— Гапларини қаранг-а!

— Мен ишдан бўшаш ҳақида ариза бераман.

— Бизларга ҳудди тўпори солдатлардай муомала қилди-я.

— Тилини айтмайсизми! Шарманда! Гўё биз зиёли одамлар тилини тушунмайдигандек, аллақандай жаргонда гапирди.

— Ахир ҳақорат-ку бу!

— Фақат битта чорамиз қолди: ҳаммамиз бараварига ишдан бўшашимиз керак.

— Ҳа, ҳудди шундай қилишимиз лозим.

Бироқ ҳамма ҳам шу фикрда эмасди. Ёши ўттиз бешларда бўлган агроном Таневский гап қотди:

— Огоҳлантириб қўйяй: мендан умид қўлманглар.

— Мендан ҳам,— дея қўшимча қилди ветеринар.

Ҳаммаси ғазабланиб, уларга таъна қила бошлади. Таневский елкасини қисди.

— Хўш, нега хафа бўляпсизлар? Кўнглингиздагидай гапирмадими? Менимча, буларнинг ҳаммаси арзимаган нарса, Раис Дизма — улуғ одам, унинг Ватан олдида хизматлари катта: у давлат ишларини ҳал қилиши керак. Шу боисдан бу ерда Версалдагидек дипломатия қилиб ўтирганинг ажабланарли жойи йўқ. Ниҳоят, бу ер киборлар салони ҳам эмас, бу ер иш...

— Бизларга чақимчилик қилишини таклиф қиляпти! Уялинг, пан Таневский, мен сизни бунчалик юмшоқ кўнгил деб ўйламагандим,— деди ғазаб билан бош бухгалтер.

— Кечирасизу, лекин у ҳеч кимни чақимчилик қилишга мажбур этгани йўқ.

— Шунақами? Чақимчилик учун белгиланган мукофот-чи?

— Ким сизга мукофот сўрасин деяпти?— деди зардаси қайнаб Таневский.— Узимни айтай... Агар ўғрилик қилишаётганини кўрсам, бу ҳақда хўжайинга маълум қилиб қўйишини ўз бурчим деб ҳисоблайман. Нима? Ё гапим нотўғрими? Пан раис ўзининг, тўғриғи, унга ваколат берган беканинг мулкини сунистеъмол қилинишидан сақлашга уриниши мутлақо ўринли. У оқилона иш қиляпти, холос. Фақат аҳмоқ одамгина ўз мулкини талон-торож қилишга йўл қўяди. Агар у банкада ҳам ўғриликка йўл қўйганда ҳозиргидай бутун дунёга донг таратмаган бўларди. Хўш, йўл қўйганида бир неча ой ичида мамлакатнинг молиявий ҳаётини яхшилай олармиди?.. Йўқ, албатта! Биздан онгли равишда ҳалол ишлашни талаб қилас экан, у ҳақ. Шундай эмасми? А?..

Таневский эътиroz билдиришларини кута бошлади. Бироқ ҳамма жим турарди.

— Ҳаётда кўнгилчанлик қилиб бўлмайди. Биз поляклар эса, сал иззат-нафсимизга тегишидими, бас, дарҳол терслик қила бошлаймиз. Кейин ишдан қувиб юборишиади! Шу иззат-нафсимиз билан бировлардан иш сўраб, ялиниб юрайлик бўлмасам. Кўпни кўрган одамман, мени алдаб бўлмайди. Очигини айтсам, хафа бўлишингиз мутлақо ўринсиз. Нимаям дердим — пан Дизма машхур

давлат арбоби, атоқли иқтисодчи, биз эса — мени кечирасизлару — шунчаки чакана одамлармиз. Ким ҳаётга сингил қараса, ўзича «хулоса» чиқараверсин, мен эса ишдан бўшамайман. Раис — пухта одам, ишнинг кўзини билади. У бизни олдимиздан хушлаб, ортимиздан муштламай, очигини айтди-қўйди. Бунга унинг ҳақи бор. Гап тамом.

Орага жимлик тушди.

— Ҳа, у ҳақ албатта,— деди кимдир.

Мана иккинчи, учинчи, ўнинчи одам ҳам агрономнинг фикрига қўшилади...

— Албатта ҳақ,— деди Таневский илгакдан мўйна пальтосини олар экан.

Ароқ заводининг директори қўлларини ёзди.

— Билганингизни қилинглар, менга эса бунақа иш тўғри келмайди.

Барча, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади, ҳозирги пайтда янги иш топиш қийин, деб уни бу фикрдан қайтаришга урина бошлади. Чол бошини чайқаб деди:

— Йўқ, жаноблар. Иш топиш қийинлигини биламан, лекин мен бундай ишлашга кўнкимаганман. Бунақаси менга тўғри келмайди. Эҳтимол сизлар ҳақдирсизлар, бироқ мен қариб қолдим, урушдан аввал қандай ўйлаган бўлсам, ҳозир ҳам шундай ўйлайман. Қўлимдан келмайди...

Улар бирин-кетин тарқалиша бошлаши. Ниҳоят, сўнгги хизматчи ҳам идорадан чиқиб кетди. Бўялмаган тахта полнинг у ер-бу ери ҳалқоб бўлиб қолди. Ӯша куни ҳўл қор ёқкан эди.

## 17- б о б

Пшеленскаянинг квартирасидаги энг яхши икки хона қадрли Нинуся учун ажратиб берилди. Бу хоналар икки улкан гулзорни эслатарди. Ҳар куни хизматкор билан оқсоқ қиз паненка жаноби олияларининг (Пшеленская Нинани шундай аташни буюрган эди) нафаслари қайтмаслиги учун гул ўтказилган туvakларни хонадан буфетга ташиб чиқишарди.

Ҳар куни пешиндан сўнг киборлар жамиятининг деярли ярми мавсумда шов-шувга сабаб бўлган Нинани кўришга келарди.

Бу ҳол бир ҳафта давом этиб катта тантана билан якунланди: Пшеленская хоним жамиятга ўзининг севимли жиянини танитиш учун бал уюштириди.

Балга ҳатто князь ва княгиня Ростоцкийлар ҳам қадам ранжида қилишди. Пшеленская уларни ҳаяжондан қип-қизарид қарши олди. Князь билан княгиня раис Никодим Дизманинг меҳри тушган уйга қадам қўйганинг ларидан фоят хурсанд эканликларини изҳор этишди.

Меҳмонхонада Никодимнинг Нинага унашиши ҳақида очиқдан-очиқ гапиришмоқда эди; бу унашув Нинанинг олдинги никоҳи бекор қилингач, расман эълон қилиниши лозим эди.

Барча фақат бир нарсадан: Кунициккага нима бўлганини билолмаганидан хижолат чекарди. Дунёдаги барча нарсадан хабардор бўлишга ўрганиб қолган хонимлар шуни ўйлаб, кечалари ухламай чиқишарди.

Чолнинг чет элга жўнагани ва никоҳни бекор қилишга рози бўлгани маълум эди, холос. Хўш, нега?.. Нима сабабдан у ер-мулкини Нинага қолдириб кетди?..

Бу саволга бир нечта юдамгина жавоб бера оларди. Бироқ бу ҳақида сўрашганида Қишициккага жилмайиб қўя қолар, Пшеленская эса, агар ўзи шуни истамаса, бирор нарсани оғзидан гуллайдиган аёллар сирасидан эмасди. Нинанинг ўзидан сўраш нокулай бўлиб, Дизмадан сўрашга эса ҳеч ким журъат этмасди.

Учрангли Юлдуз ложасидаги яқинлигидан фойдаланиб, Дизмадан Кунициккага сўраб кўрган Ляля Конецпольская ҳеч нимани билолмай, кейинчалик шикоят қилиб юрди:

— Тасаввур қилинг-а, у менга, шундан бошқа ташвишингиз йўқми, деди-я!

Қабул маросими жуда кўнгилдагидек ўтди. Аммо бал маликаси хижолатда эканини яшиrolмай қолганди: Нина ҳозирги аҳволидан уяларди. У гўё қизлик пайтига қайтгандек бўлиб қолганини ўйлаб, ўзини нокулай ҳис этарди.

Варшавада Нина иззат-икром билан яшамоқда эди. Дарвоқе, бу иззат-икромга маълум даражада синчковлик ва эҳтиром туйгулари ҳам аралашив кетганди. Бунга эса Никодимнинг шуҳрати сабаб бўлганди.

Нина билан гаплашган ҳар бир одам албатта Дизмани эсларди ва уни кўкларга кўтариб мақтарди. Нина бу гапларни эшитар экан, доим ҳайратга тушарди. Никодимнинг машҳур одам, йирик давлат арбоби, серфазилат киши эканлиги илгари ҳам маълум эди, албатта. Лекин Коборовода Нина унинг бунчалик улуғлигини билмаган экан. Энди барча уни кўкларга кўтариб мақ-

тайвергач, Нина илгари унинг қадрига унчалик етмаганини фаҳмлади ва ичида қаллиғига нисбатан қандайдир журъатсизлик ҳис эта бошлади.

Нинанинг ҳаёти ранг-баранглигига қарамай, ёки худди шу ранг-баранглик учунми, ишқилиб, бир маромда ўтиб бораради. Эрталаблари у ё холаси билан сайдициқарди, ё магазинларни айланиб, турли-туман нарсалар харид қиласиди. Соат бирда уйига қайтар экан, уни албатта уч-тўртта синчков мөхмон кутиб ўтирган бўларди. Сўнгра пешинга овқатга ўтиришарди. У баъзан уйда, баъзан танишлариникида, баъзан эса Никодимнинг таклифиға мувофиқ ресторанда овқатланарди. Соат етида Никодимнинг ўзи келарди-да, улар икковлашиб театр ёки кинога боришиарди. Театрга борган кунлари Никодим уни машинасида уйигача олиб келиб қўяр ва улар дарвоза олдида хайрлашишар эди. Кино эса театрга қараганда анча эрта тугарди, шу сабабдан Дизма у билан бирга овқатланиш учун Пшеленскаяникига келарди.

Никодим Нинадан ўз квартирасига боришини жуда кўп илтимос қилди, бироқ жувон кундан-кун бу ишни пайсалга солиб келарди.

Уша куни улар кинода қандайдир одобсизроқ комедия кўришиди. Шундан сўнг Дизма Нинанинг ўжарлигини енгизга аҳд қилди. Улар Пшеленскаяникинг уйига етиб келишгач, Никодим автомобилга жавоб бериб юборди.

— Пиёда кетаман. Бу ердан узоқ эмас,— деди у шоферга.

Нина қўнғироқ тугмасини босмоқчи бўлган эди, Дизма унинг қўлидан тутди.

— Йўқ, Ниночка, меникига борамиз.  
— Йўқ, сеникига бормайман.  
— Борасан!  
— Бунинг иложи йўқ! Холам нима дейдилар ахир?  
— Нима деса деяверсин. Бу билан нима ишинг бор?  
— Йўқ, йўқ!— деда ўжарлик қилди Нина.  
— Хўп дегин, ярим соатгагина бориб келайлик,— илтимос қилишда давом этди Никодим.— Ё мени севмайсанми?

Нина унинг пинжига тиқилиб, шивирлади:

— Яхши, лекин бугун эмас.  
— Бугун.  
— Йўқ. Эртага. Кинога кетдик деймиз.  
Дизма аччиғлана бошлади. У яна қистамоқчи бўлди,

бироқ Нина қўнғироқ тугмасини босган эди, дарвоза-хонада дарбоннинг қадам товуши эшитилиб қолди.

Нина шошилиб Дизманни ўпди-да, ичкарига кириб кетди.

Ҳаво жуда совуқ эди, Никодим пальтосининг ёқасини кўтариб олди. У уйи томон бир оз юрди-да, сўнг бирдан фикридан қайтиб, Круча кўчасига бурилди. Иерусалим хиёбонида ҳали сайд қилувчилар кўп эди, Янги Святда эса одам қайнарди.

Никодим майхонага кириб, бир неча қадаҳ ароқ ичди-да, кўк нўхат билан бир талай дудланган чўчқа гўштидан еди... Пештахта ортида оқ ҳалат кийган дуркунгина бир қиз ишламоқда эди.

«Кетворган хотин экан-да»— дея хаёлидан ўтказди Дизма. Шу тобда унинг миёсига ҳозир кўчага чиқиб, истаганимга имо қилишим мумкин, деган фикр келди.

У ароқнинг ҳақини тўлади-да, одатига хилоф равишда қайтимини санаб ўтиrmай кўчага чиқди.

Чиндан ҳам «хонимчалар» жуда сероб эди. Бир неча минутдан сўнг у биттасини танлади. Никодим аввал уни уйига бошлаб бормоқчи бўлди, бироқ кейин меҳмонхонага олиб борганим маъқул, деган қарорга келди. Аёл уни Хмельная кўчасидаги аллақандай бир уйга бошлаб борди.

Никодим ўрнидан туриб, кийина бошлаганида соат кечаси тўрт бўлган эди. У чўнтағидан йигирма злотий чиқариб, стол устига қўйди-да, «хайр», дея тўнғиллага-нича хирагина лампочка билан ёритилган ифлос коридорга чиқди.

Меҳмонхона бекаси семиз кампир янги «жазманларни» бошлаб ўтди, коридорнинг нариги четидаги хонадан кимдир чиқди.

Никодим одати бўйича папирос олиш учун қўлини чўнтағига тиққан эди, портсигарини топа олмади. У юрганича хонага қайтиб кирди.

Аёл тўшакда чордана қуриб, тиши синган тароқ билан соchlарини тарамоқда эди.

— Портсигарни бер, алвасти!

— Қанақа портсигар?

— Қанақа дейди-я? Қанақалигини кўрсатиб қўяман сенга! Яхшиси, дарров бер, бўлмасам ўзим топиб оламан-да, тумшуғингга соламан.

— Мунча бақирасан? Одамлар тўпланадику?! Эшикни ёпиш шунча қийинми?!

Дизма орқасига ўгирилиб қаради. Чиндан ҳам қоронги коридорда кимдир турган экан. У эшикни ёпмоқчи бўлиб ўгирилган эди, юзига чироқ нури тушди. Коридорда кимдир аста қичқириб юборди-да, ўзини четга олди.

Никодим эшикни қулфлаб, калитни чўнтағига тиқди ва каравот ёнига келди. Аёл гўё ҳеч нима бўлмагандай сочини тарайверди. Дизма тароқни унинг қўлидан юлиб олди-да, бурчакка қараб отди.

— Мунча силтайсан, олифта?— деди аёл дўриллаган товуш билан.

— Портсигарни бер, эшитяпсанми!

— Олганим йўқ портсигарингни,— дея елкасини қисди аёл.

Дизма унинг юзига бир шапалоқ туширган эди, аёл йиқилиб боши деворга урилди.

— Бер деяпман, мочағар!— шундай дея у яна қўлини кўтарди.

Аёл юзини тирсаги билан пана қилди. Дизма унинг сумкасини титкилай бошлади. Сумкадан бир нечта арзимас майдა-чуйдалар билан ғижимланган пул ва ифлос дастрўмол чиқди. Аёл унга индамай қараб турарди.

— Ҳа... газандা!

Дизма аёлнинг остидан ёстиқни тортиб олди-да, полга улоқтириди. Ёстиқ билан полга тўқиллаб портсигар ҳам тушди. Никодим уни олиб, кўздан кечириди-да, чўнтағига солди.

— Үгри,— дея тўнғиллади у,— ярамас!

— Уни у ерга ўзинг қўйгандинг!

— Ёлғон!— дея бақирди Дизма.

Аёл индамади. Дизма эшикни очиб, коридорга чиқди. Кўчанинг у ер-бу ерида фонарлар ёқиб қўйилганди. Извошлар кўринмасди. Уйга пиёда кетишга тўғри келди. Совуқ кучайиб, оёқ остидаги қор ғарч-ғурч қиларди. Аҳён-аҳёндагина бирор ўткинчи кўзга ташланиб қоларди. Никодим шошилиб борар экан, Маршалоквскаяяниг муюлишига етганида орқасига ўгирилиб қаради. Кўчанинг нариги бетида унинг ортидан қандайдир бир қиз келмоқда эди.

«Буниси ҳам ҳалигидарлардан бўлса керак,— дея ҳаёлидан ўтказди Никодим,— йўқ, мени алдаёлмайсанлар!»

У қадамини тезлатди, бироқ қиз ҳам ундан қолмай келаверди. Чамаси, у ортда қолиб кетмасликка аҳд қил-

ганди, чунки Дизма Новогродская кўчасининг муолишига етгач, яна унга кўзи тушди. Никодим тўхтаган эди, фақирона кийинган қора шляпали қиз ҳам тўхтаб, аллақандай магазиннинг ёритилмаган витринасини томоша қила бошлади.

Никодим бир тупурди-да, йўлида давом этиб, Вспульная томон бурилди. Бир неча минутдан сўнг у дарвоза олдига этиб борди. Дарбон эшикни очиб, таъзим қилди.

— Шофер соат нечада келди? — дея сўради ўз одамларини назорат қилиб юришни яхши кўрадиган Дизма.

— Соат ўн бирларда, пан жаноби олийлари.

— Гаражнинг томини тузатишдими?

— Тузатиши, пан жаноби олийлари.

Дизма бош иргади-да, зинадан юқори кўтарили. Панжара ортидан уларни кузатиб турган қизни на у, на дарбон сезди.

Нотаниш қизнинг юраги гупиллаб ура бошлади.

У бошини кўтариб, иморат пештоқига қаради-да, иккинчи қаватнинг бўғотидаги қора ҳарфларга кўзи тушди:

### «ДАВЛАТ ФАЛЛА БАНКАСИ»

— Банка!..

Бирдан ҳаммаси унга аён бўлди. Никодим, унинг Никодими катта иш бошламоқчи. Гарчи Никодим ундан юз ўигрлан бўлса-да, қиз уни сира унута олмай ҳамон яхши кўрарди. Ер остидан йўл ковлаб хазинани ўмармоқчи бўлса керак!.. Ҳарқалай дарбон билан тили бир экан: дарбон унга эшикни очиб бергани ва улар алланима тўғрисида келишиб олишганини қиз ўз кўзи билан кўрди.

Давлат фалла банкаси!

Балки у ерга хат ташувчи бўлиб жойлашиб олгандир? Ундай бўлса, нега кечаси келди?

Қизнинг юраги ҳамон гупиллаб уради.

У кўчанинг нариги бетига ўтиб, кута бошлади.

Эҳтимол, ҳозир қўнфироқ чалиниб, муолишдан полиция чиқиб қолар? У ҳолда қиз нима қилиш лозимлигини билади: у қўнфироқ чалиб, дарбонни огоҳлантириб қўяди... Тўғри, Никодим уни унуди, қайтиб келаман, деди-ю, аммо алдаб кетди, бироқ энди албатта унинг ёнига қайтади. Иши ёмон эмасга ўхшайди — чиройли

иальто кийиб юрибди. Анави сафар ажойиб машинада ўтди... У Луцкаяда, уларнинг уйида яшаган кезлари қиз Дизманинг бундай жасур йигит эканлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди...

У кетишига жазм этганида паст сузаётган қоп-қора булутлар орасидан тонг нури туша бошлаган эди. Совуқ унинг суюк-суюгидан ўтиб кетди. Луцкаядаги уйига этиб боргач, қиз дарвозанинг очиб қўйилганини кўрди — йигирма тийин ёнига қоладиган бўлди.

Эрталаб Манька яна Вспульная томон йўл олди. Қиз, банкани полиция ўраб олган бўлса керак, деб ўйларди. Никодим қўлга тушган бўлса-я?! Эҳтимол, қочиб ҳам кетгандир.

Манька енгил тортиб, тин олди. Банка эшиги тинимиз очилиб ёпилар, у ерга мижозлар кириб-чиқиб, дарвоза олдига автомобиллар келиб-кетиб турарди.

Эҳтимол, Никодим ер остидан йўл очмоқчи ёки деворни тешмоқчиидир... Бу иш бир неча кунга чўзилади.

Ниҳоят, Манька уни қидириб топди! Энди Никодим ундан қочиб қутуломмайди! Манька уни бу ерда кундуз куни учратмаслиги, Никодим бу ерга кечқурун келишига шубҳа қилмасди. У Дизмани кутади ва албатта юзма-юз учрашади.

Манька кечқурун яна банка ёнига келди.

Соат ўн бўлди, ўн бир... Манька асабийлашиб, кўчанинг нариги бетида у ёқдан-бу ёқса юра бошлади. Пага-пага қор ёғмоқда эди. Агар фонаръ остига туриб, юқори қаралса, қор заррачалари қорамтири бўлиб кўринади. Икка марта ўткинчи эркаклар уни гапга солмоқчи бўлишиди. Бир йигит анча пулдор кўринди, бироқ Манька унинг таклифига жавобан бош чайқаб қўя қолди.

У, Никодим бугун келмаса-я, дея безовта бўла бошлади.

Лекин Манька барибир кутади! Кутади дедими, кутади!.. Эркаклар ўзи шунаقا бўлишади: кўздан йўқолдими — унущади қўйишади. Малла Владек ҳам ахийри Зосянинг олдига қайтиб келди-ку...

Манька шу йўсинда гоҳ Маршалковская, гоҳ қарши томонга қараб, чидам билан кутиб тураверди. Бирдан дарвозанинг шарақлаб очилгани унинг диққатини банкага жалб этди. У ердан башанг кийинган бир хоним билан Никодим чиқиб келди. Улар нимадандир кулишарди.

Манька ўзини девор панасига олди. Улар кўчани ке-

сиб ўтишди. Тротуар ғоят тор бўлиб, улар ёнидан ўтиб кетишаётганида Манька қўлини чўзса, бемалол етарди. Шундоқ ёнгинасидан Дизманинг товуши эштилди:

— Агар истасанг, жонгинам Ниночка, мен...

Унинг кейинги сўзларини кўчадан ўтаетган таксинг гудоги босиб кетди. Манька Никодим ҳалиги хонимнинг кўлтиғидан олганини кўриб қолди.

— Ҳали шунақами!— деди Манька ва хаёлга чўмди. Сўнг уларнинг ортидан юрди.

У рақибаси борлигидан ажабланмади. Никодим хотинсиз туролмайди, албатта. Бироқ Манькані бу хонимнинг гўзаллиги чўчтиб қўйди.

«Никодим уни севади... Севиши аниқ... Лекин нега бўлмасам, дея унинг дилида умид учқунланди яна,— кеча тунда у меҳмонхонада бошқа хотин билан бўлди?...»

Бу ерда қандайдир сир бор эди. Агар шу нарса бўлмаганида Манька ҳозир уларга етиб олиб, Никодим менини, мен уни севаман, дея ўша хонимнинг бетига бақирган бўларди.

«У олдимга қайтиб келади, албатта қайтади. Унга, кутавериб, кўзларим тўрт бўлгани, ҳамма дугоналаримнинг жазмани борлиги, гарчи энг яхши йигитлар осилишган бўлса-да, менинг ҳеч кимим йўқлигини айтаман... Қайтиши керак».

Никодим Нинани уйигача кузатиб қўйди-да орқасига қайtdi. Йўл-йўлакай у бутун Лисковда хотинларнинг кўнглини олишга моҳирлиги билан ном чиқарган Юрчак, фақат қора соч аёлларгина серэҳтирос бўлади, деб бекор айтган экан, дея ўйлаб келди. Ногаҳон кимдир уни чақириб қолди.

Никодим ўгирилиб қаради. Унинг қаршисида Манька турарди.

— Никодим,— дея оҳиста шивирлади қиз.

— Э, сенмисан?— тўнгиллади Дизма таъби хира бўлганини яширмай.

— Мени унутмадингми?

— Сенга нима керак?

Манька нима дейишини ҳам билмай, бақрайиб унга қараб турарди.

— Хўш нима дейсан!— дея сўради Дизма жаҳли чиқиб.

— Ҳали мени шундай кутиб оляпсанми! Сенга нима ёмонлик қилдим, Никодим?

— Ёмонлик ҳам қилганинг йўқ, яхшилик ҳам! Бонимни кўп қотирма, Айт, нима кераж сенга?

Манька индамай тураверди.

— Галирсанг-чи, жин урсун сени!

Манька ҳамон индамасди.

Дизма бир сўкиниб қўйди-да, кетмоқчи бўлди. Бироқ қиз унинг енгидан тутиб қолди.

— Кўйвор!

— Қўйвормайман! Сен гапимни эштишинг керак.

— Бўлмаса гапиргин-да, жин урсии сени! Хўш нима гапини бор?

— Сени қанчалик қўмсаганимни билмасанг ҳам керак, Никодим. Менинг ҳатто ўйнашим йўқ. Нуқул сени кутдим... Сени қидирдим, мени унутмагандир, қайтиб келар ахир, деб ўйладим.

Никодим елкасини қисди.

— Орамизда эслайдиган, унутадиган нима бор экан ўзи?

— Қайтиб келаман дегандинг-ку ахир.

— Айтсам нима қилибди. Нима, сен билан никоҳдан тутибманни?

— Биласанми... мен сени севаман.

Дизма хахолаб кулиб юборди.

— Анавими гапиний-я! Сен ҳар кечаси биронта эркакни севасан:

— Сен буни юзимга солма! Ўзимга қолса шундай бўлишни юстармидим? Очлик мажбур қилди. Жирканмайди, деб ўйлайсанми.

— Бўпти, бўпти, фақат ёлғон гапирма.

— Рост айтятман. Менинг бошимга тушган кун ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Итга ҳам раво кўрмайман уни!

— Хўш, бу билан мени нима ишим бор?

— Ёнимга қайтиб кел!

— Хожати йўқ.

— Бизникида текнинг яшайверасан. Сенинг учун ўзим пул тўлайман.

Дизма пиқиллаб кулиб юборди.

Манька унга безовталаниб қараб қўйди.

— Нега куляпсан?

— Аҳмоқ экансан, шунинг учун куляпман. Бу бўлмагур гапни миянгдан чиқариб ташла.

— Нега ундаи деяпсан? Наҳот энди сенга ёқмай қолган бўлсам?

— Яхшиликча бориб, ишингни қил, Манъка.

— Ушанда, қайтаман, деган эдинг-ку.

— Тупурдим ўша гапга! Тушундингми? Энди мен уйланялма, дуч келган фохишанинг бошимни қотиришига йўл қўймайман. Энди мен бошқача аёллар билан гаплашаман.

— Ҳозир мен кўрган аёлга уйланмоқчимисан?

— Унгами, бошқасигами — бироннинг ишига тумшуғингни суқма.

— Биламан, ўшанга уйланмоқчисан.— Манъканинг товуши нафрат билан жаранглади.

— Бу билан сенинг нима ишинг бор?

— Чунки сени яхши кўраман! — деда қичқирди Манъка алам билан.

— Секинроқ, мунча бақирасан! Севсанг севавер, менга нима! Бўпти, бор энди, сен билан гаплашишга вақтим йўқ.

Қиз яна унинг енгидан тутди.

— Яна бир минут сабр қил.

— Хўш?

— Юр, меҳмонхонага борамиз...

У ҳамон Никодимни ўзига оғдириб, рақибасидан чалғитишга умид қиласр эди.

Дизма уни итариб юборди.

— Иўқол.

— Никодим!..

Манъканинг кўзлари жиққа ёшта тўлди.

— Йиғлашга бало борми! Вақтим йўқ, дедим-ку сенга. Мабодо истаган тақдиридама ҳам бугун боролмайман.

— Нега энди?

— Ишим бор.

— Шундай дегин!— Манъка бош иргади. унинг қиёфаси жиддийлаши. Ҳа, албатта, банкани ўмаринин ўзи бўлмайди — буни қиз тан олади. Бундай иш олдидан Манъка ким бўпти.

— Унда бошқа гал,— деда рози бўлди Манъка,— бошқа гал борасан, хўпми...

— Эҳтимол, борарман. Хўп хайр.

Дизма кетмоқчи бўлган эди, бироқ Манъка унга ёпишиб олди.

— Никодим, мени ўнимай кетаверасанми?

— Ҳе, жин урсин! Жонга тегдинг-да ўзиям!

У энгашиб қизнинг юзига лабини теккизди. Бироқ Манъка буидан кўнгли тўлмай, Дизманинг бўйнидан қучди-да, унинг лабларидан ўпди.

Қизнинг дўрдоқ лаблари совуқдан муздеккина эди.

— Бўлди, бўлди,— деда уни ўзидан четлатди Никодим.

— Қайт! Олдимга қайт!— шивирлади Манъка.

— Оббо, жуда ёпишиб олдинг-ку! Эҳтимол, кейин қайтарман. Хайр.

Манъка индамай бош иргади.

У Никодимнинг ортидан узоқ тикилиб турди. Дизма муюлишдан ўтиб, кўздан ғойиб бўлгач, Манъка рўмолининг учи билан кўзини артди-да, бошқа томонга равона бўлди.

• Никодимнинг ғоят жаҳли чиқсан эди. Бу Манъка қаёқдан пайдо бўлди ўзи... Дизма уни аллақачон унугтан эди... Умуман, қизнинг унга тирғилишга нима ҳақи бор? Тўри — яхши кўради... Аслида ўзи ёмон қиз эмас... Аммо бу унинг ортидан илакишиб юриши мумкин деган гап эмас-ку...

«Ҳали, мени шарманда қилиб қўйиши мумкин! Ёки Ниага бирор нарса деб валдираса-я? Э, жин урсин!»

Никодим, қиз яна тирғиладиган бўлса, иккинчи олдига келмайдиган қилиб таъзирини беришга жазм этди.

Квартирани Ниша суртган атир-упанинг ҳиди тутиб кетган эди. Никодим ечиниб, ўзини тўшакка ташламоқчи бўлди-ю, бироқ эртага эрталаб Қашпицкийнинг Коборовога жўнашини ва ўзи унга баъзи қофозларни тўғрилаб бериши лозимлигини эслади. Никодим ярим соатча шу иш билан овора бўлиб ўтириди; у ҳужжатларни ҳозирлаб, энди ўрнидан турган ҳам эдик, телефон жиринглаб қолди.

Вареда қўнғироқ қилмоқда эди. Барча улфатлар йиғилишиб, барда ўтиришганмиш, шу боисдан Никодимни, ҳам чақиришга қарор қилишибди.

— Ниша келгандан бери,— деда шикоят қила бошлади полковник,— бутунлай қорангни кўрсатмай қўйдинг. Албатта кел.

Бироқ Дизма чарчагани ва уйқусий келаётганини баҳона қилиб, уларнинг олдига боришдан бош тортди.

Никодим умуман пивохоналарни ёқтирмасди. Баъзи баъзида ичишнинг зарари йўқ, аммо пивохонада соатлаб ўтириб, гирт маст бўлгунга қадар ичиш — йўқ, бу-

нақаси унга тўғри келмайди. Агар илгари Дизма Вареда, Уляницкий ва уларнинг дўстлари билан ичишган бўлса, таниш билиш ортириш учунгина шундай қилган. Энди эса у фақат Коборовода тинчгина яшашни орзу қиласди.

Нинанинг аввалиги никохини бекор қилиш масаласи ҳал бўлай деб қолганди. Кунициккий бироннинг фамилиясини ўзлаштириб олгани масалани янада осонлаштиримоқда эди. Қолганини пул билан бир ёқли қисла бўларди. Никодимнинг эса энди пулдан камчилиги йўқ эди.

Кунлар кетидан кунлар бир маромда ўтиб бораради.

Дизма Қшепицкийнинг йўқлигини ҳар қадамда ҳис этарди.

Гарчи Никодим банкани бошқаришни унча-мунча ўрганиб, у ёки бу иш юзасидан қандай йўл тутиш лозимлигини билиб олган бўлса-да, баъзан у ҳал қила олмайдиган масалалар ҳам учраб қолмоқда эди. Шунақа пайтларда бод касали унинг жонига ора киради.

Шу эҳтиёт чораларига қарамай у бир неча хатога йўл қўйган эди, аммо буни ошиқ раиснинг паришонхаллигига йўйиниши. Бўлажак тўй анча миш-мишларга сабаб бўлганди. Бу гапларни ҳар куни пан раиснинг қайликлари квартирасига сават-сават гул олиб борадиган Игнатий топиб келарди.

Нина Никодимнига ҳафтада бир неча бор келиб кетарди.

Бундан мутлақо бехабар пани Пшеленская барчага Нинанинг кундан-кун кайфияти яхшиланиб, ҳусни очилаётганини шодланиб ҳикоя қиласди.

— Севиш ва севилиш, жонгинам,— дерди Нинага холоси,— бўй аёл киши учун энг яхши косметика. Сен шундоқ кўз ўнгимизда гул-гул очилиб кетяпсан.

Нина Никодимга бу гапни кула-кула айтиб берди.

У эрини деярли эсламай қўйганди. Дарвоқе, чолни ёслашга унинг вақти ҳам йўқ эди. Қиборлар ҳаёти уни ўз гирдобига тортганди; Нина у ерда катта обрў қозонганди. Ёшу қари эркаклар унга бири олиб, бири қўйиб хушомад қилишарди, ҳар бир салонда уни дарҳол муҳлислар қуршаб олишарди.

Мухлислар орасида бир одам Дизмани ташвишга солиб қўйди.

Никодимни бу одамнинг юриш-туришларидан кўра ҳам Нинанинг унга муносабати кўпроқ безовта қила

бошлади. Нина уни бошқалардан афзал кўриб, у билан кўпроқ танца тушар, узоқ-узоқ сұхбатлашарди.

Қирқларга кирган, баланд бўйли, хушқомат, малла сочлари офтобда оқарган бу одамнинг қаёқдан пайдо бўлгани номаълум эди. У ер куррасининг деярли ҳамма бурчакларига бориб келган бўлиб, Австралия, Перу ва Герландия ҳақида, тўё Константин ёки Мильянув<sup>1</sup> тўғрисида сўз юритгандек, бемалол гапираверарди. Унинг исми шарифи Хелль, Оская Хелль эди. Узининг айтишича, у Россияда туғилган экан; Дизма Оксфорд университетидаги ўқиганини эшитгач, Хелль уни касбдош деб атайди. Унинг ўзи Кембриджка ўқиган экан. У, ўнга яқин тилни яхши билгани каби, поляк тилида ҳам бемалол гаплашаверарди. Ундан миллатини сўрашган пайтларда Хелль, ўзим ҳам билмайман, дегандек ёқимтойлик билан екласини қисарди.

Нинада у биринчи учрашувдаёқ кучли таассурот қолдирганди. Жувон бу одамга бўлган мойиллигини яширмасди ҳам. Никодим буни дарҳол пайқади, албатта.

Аҳволни жуда ҳам таҳликали деб бўлмасди, бироқ Дизма кундан кун кўпроқ ташвишлана бошлади. Боз устига унинг ёнида ҳар қандай мушкул ишнинг ҳам чорасини топишга уста бўлган Қшепицкий йўқ эди. Никодим Қшепицкийга хат ёзиб юборди, бироқ ундан ҳали жавоб келмаганди.

Бу орада Оскар Хелль Варшавада ўрнашиб олди. У қисқа вақт ичиди барча билан танишиб чиқди-ва биронта ҳам бал, йигин, танца кечасини канда қилмай қатнашиб юрди. Хелль бирор иш билан шуғулланмасда, пулга зориқмас ва шу боисдан ҳам бадавлат одам, кўёв қисла арзидиган киши сифатида ном чиқарди. Польшага уни тўнғиз овига таклиф қилиб, граф Помяловский олиб келган эди. Графнинг ўзи Хелль ҳақида бирор аниқ гап айттолмасди, чунки у билан Канар оролларига экспурсияга кетаётган пайтида, Италия пароходи палубасида танишган эди.

Никодим Нинани бу муттаҳамнинг таъсиридан қутқариш учун бутун устомонлигини ишга солди. Бироқ ораларига совуқлик тушишидан чўчиб, масалани кўндаланг қўйишга журъат этмасди.

Агар Хелль бир куни Нина билан сұхбатда Қася

<sup>1</sup> М и л я н у в — Варшава яқинидаги жой.

Куницкаянинг номини тилга олмаганида, эҳтимол, бу аҳвол анчага чўзилиб кетган бўларди.

Хелль Кася билан Давос, Канн ва Женевада учрашган бўлиб, уни яхши танир экан. Улар ҳатто баъзи баъзида бир-бирларига хат ҳам ёзишаркан, чунки иккенинг ҳам тедепнатияга қизиқиб, кузатувлари ҳақида хабарлашиб туришар экан.

Нина буни эшишиб, ҳаяжонланиб кетди. У ниҳоят ўзи жуда яхши кўрадиган Кася тўғрисида хабар топган эди. Бунинг устига Кася билан уни бирга ўтказган кунлари ҳақидаги хотиралар боғлаб турарди.

Нина Никодим билан учрашган заҳоти унга шу ҳақда айтди:

— Буни қара-я, пан Хелль Касяни яхши билар экан! Кася билан чет элда учрашган бўлиб, улар ҳатто бир-бирларига хат ҳам ёзишиб туришаркан! Бечора Кася! Ёлғиз ўзи... Унга ачинаман.

— Балки, ўша Хелль ёлғон гапиравётгандир?

— Никусь! Уялмайсанми шундай дейишга!— деди зардаси қайнаб Нина.— Оскар ҳақиқий жентльмен!

Бу сұхбат Дизмага қаттиқ таъсир қилди. У дарҳол бирор чора кўришга жазм этди. Аввал Вареда билан маслаҳтлашиб олмоқ лозим эди. У полковникка қўнгироқ қилиб кечқурун ресторонда бирга овқатланишига келишиб олди.

Бир қадаҳдан ароқ ичишгач, Никодим мақсадга кўчди:

— Биласанми, Вацусть. Сен анови Хеллни танисан-а?

— Танийман. Қувноқ йигит.

— Қувноқми, қувноқ эмасми, бу билан ишим йўқ, лекин биласанми, у менинг жигимга тегиб юриби.

— Қандай қилиб?

— Қайлиғимни тортиб оляпти.

— Тумшуғига сол, агар ғиди-биди дейдиган бўлса, бир жуфт пистолет олиб, масалани ҳал қил-қўй.

— Дуэлга чақир демоқчимисан?— деда башарасини бужмайтириди Дизма.

— Албатта! Мен сенга айтсан, Никусь бунаقا пайтада чўзиб ўтираслик керак: пақ-пақ, гап тамом.

— Биласанми... Муҳими бу эмас. Гап хотин киши ҳақида кетяпти. Агар мен уни ярадор қилсанам, Нина унга кўпроқ талпина бошлайди.

— Хўш, нима қилмоқчисан бўлмаса?

Дизма иягини қашиб қўйди.

— Балки, уни қамоққа олиш мумкиндири... Кимлиги, қаёқдан келгани номаълум-ку ахир...

— Ҳм... Очиғини айтсанам, бунинг учун ҳеч қандай асос йўқ.

— Эҳтимол, у жосусдир?— деди тараддулланиб Дизма.

— Нега эйди жосус бўларкан?

— Балки жосусдир, балки жосус эмасдир. Ҳеч ким, ҳеч нима билмайди. Лекин шунча пулни қаёқдан оляпти у? Ниманинг эвазига бундай ялло қилиб юрибди?

— Ҳм...

— Муттаҳам. Чет эл фуқароси...

— Ҳа, унинг ҳужжатларини текшириб кўриш мумкин, албатта,— деди ҳаёлга чўмид Вареда.— Ҳатто бехосдан бориб, меҳмонхонадаги номерини тинтиб ҳам кўриш мумкин. Бироқ ҳужжатлари жойида бўлиб чиқса, хижолатпазлик бўлади. Йўқ, ундай қилиш мумкин эмас. Вареда яна бир қадаҳ ароқ ичди-да, бирдан столни шапатилади.

— Йўли бор. Мен сенга айтсанам — қойилмақом йўл...  
— Хўш?

— Гап Хеллни қаматиш ҳақида эмас, балки уни узоқлаштириш ҳақида кетяпти, шундай эмасми?

— Узоқлаштириш деганинг нимаси?

— Нинадан узоқлаштиришни айтяпман-да.

— Ҳа, албатта.

— Ана шунинг йўли бор. Уни қамоққа олишади, номерини тинтиб, бу ҳақда газетада хабар босишади-да, сўнг кечирим сўраб, кўйинб юборишади.

— Бундан нима фойда?

— «Нима фойда» дейсанми? Тушунмаяпсанми?

— Йўқ.

— Буни тушуниш жуда осон-ку. Нима, Нина жосусликда шубҳа қилинган одамга илтифот кўрсатади, деб ўйлајпсанми?

Дизма бир оз ўйланиб тургач, деди:

— Илтифот кўрсатмаса керак.

— Бу гапдан сўнг, умуман, уни жамиятда қабул қилишармикин?.. Ҳа, ошна, бунаقا гавғодан сўнг у лашлушкини кўтариб жўнаб қолишига мажбур бўлади.

— Ҳм... Лекин... у бу гапларнинг ҳаммаси англашилмовчилик эканлигини тушунтириб қўйиши мумкин,— деда гап қотди Никодим.

— Бизга эса,— деди эътиroz билдириб Вареда,— унинг жуда айёр эканлиги ва ҳужжатларни ўз вақтида ёкиб юборганилигини шама қилишимиз мумкин.

Дизма полковникнинг фикрига қўшилишга мажбур бўлди. Режа тайёр эди. Вареда ишни пайсалга солиб ўтирмай штабнинг иккичи бўдими бошлиғи полковник Ярцга қўнгироқ қилди.

Эртасига кечқурун улар энди учовлон учрашишиди. Никодим полковника сирни ошкор қилгиси келмаганидан Дизма билан Вареда Ярцга барча тафсилотларни айтиб ўтиришмади. У ҳам суриштирмади. Ярц учун раис Дизма Польшада ҳеч қандай мавқега эга бўлмаган бир чет элликни жосус деб ҳисоблаб, унинг обрўсини тўкмоқчи эканлигининг ўзи кифоя эди.. Бунинг устига ресторандаги зиёфат ҳам жуда зўр бўлган эди.

Улар эртага аzonдан ҳаракат қилишга келишишиди. Эртасига Дизма худди оёғи куйган товуқдай бир ерда ўтиrolмади. У кундузи газеталар чиқсан-чиқмаганигини билиб келиш учун Игнатийни минут сайин пастга туширади.

Ниҳоят, хизматкор уч дона газета кўтариб келди.

Дизма уларни шоша-пиша кўздан кечира бошлади. Икки газетада Хелль тўғрисида ҳеч нима ёзилмаган эди. Аммо учинчисининг саҳифасида «Яиги жосуслар ташкилоти изидан. Ҳашаматли меҳмонхонанда киборлар жамиятига мансуб жосус қўлга тушди» деган сарлавҳа остида йўғон ҳарфлар билан терилган хабар босилган эди.

Илгари келишиб олинганига мувофиқ хабарда Хеллининг фамилияси тўла кўрсатилмаган эди. Унда қандайдир жаноб «Х» ҳақида сўз юритилганди. Бироқ фактлар шундай баён этилгандики, Хеллни тачиидиган одамларниң биронтасида ҳам гап у тўғрисида кетаётганига шубҳа қолмасди.

Дизма хурсандлигидан қўлларини бир-бирига ишқалиди.

У кўнгли жойига тушиб, хизматга доир қоғозларни кўздан кечирди-да, имзо чекиши лозим бўлган ҳужжатларни келтиришни буюриб, секретарь аёлга тегишиб ҳам қўйди. Сўнг таъзимларга жилмайиб жавоб қилганича бўлимларни айланиб чиқди ва, ниҳоят, хатларни ўқишига ўтирди. Улар орасида Кшепицкийнинг хати ҳам бор экан. Кшепицкий қуидагиларни ёзган эди:

«Хурматли пан раис!

Бу ерда ҳамма иш жойида. На оппозиция бор, на саботаж. Ишларни бир оз тушуниб қолдим. Сизни табриклиман, Коборовони олтин кон деса бўлади. Бир ойдан сўнг мен бу ерда ҳар бир тош, ҳар бир бутоқни билиб оламан. Бу ерда сиздан жуда қўрқишар экан! Ҳатто бакада ҳам сиздан бунчалик ҳайицишмайди. Икки марта Гроднода — молия бошқармасида бўлдим. Рабинович донасига 700 злотидан беряпти. 30 дона бузоқ олмоқчи, лекин ҳақини Белостокдаги Кугель банкаси ҳисобида бўлган «Натан Гольдер ва К°» фирмаси векселлар билан тўлайман, деяпти. Битимни рәсмийлаштиришга рози бўлсангиз, телеграф орқали хабар қилишингизни сўрайман. Касперскийнинг айтишига кўра, бу векселларга ишонса бўлармиш.

Сиз хатингизда тилга олган Хеллни танимайман, у ҳақида ҳеч нима эшитмаганман. Менимча, безовта бўлишга асос бўлмаса керак. Лекин эҳтиёткорлик ҳеч қачон ҳалал берган эмас. Шу боисдан ҳам, яхшиси, Нинага, Хеллнинг таносил касаллиги бор экан, деб айтинг. Шундан сўнг қайлиғингиз унга илтифот кўрсатишдан чўчиб қолади.

Икки марта Жорж Понимирскийнинг павильонида бўлдим. У қаттиқ бетоб экан. Докторнинг айтишича, зотилжам бўлганмиш. Иситмаси жуда баланд, мени мутлақо танимади, нуқул алаҳлайди. Улиб қолмаса деб қўрқаман. Куницкийнинг асфаласофилиига кетганини эшитгач, хурсандлигидан пальтосини киймай паркка югуриб чиқсан экан. Паркда у ёқдан-бу ёққа югуриб, алланималар деб қичқирибди. Бечорага раҳимим келади»

Кейин Кшепицкий даромад ва харажатлар ҳақида ҳисобот бериб, Никодимдан шпал сотиши масаласини бир ёқли қилишини сўраган ва тезда бир-икки кунга Варшавага келажагини хабар қилган эди.

Никодим хурсанд эди. У машинисткага телеграмма текстини ёздириб, Кшепицкийнинг ўзи ишонар экан, векселларни олаверишни буюрди. Сўнг Пшеленскаяга телефон қилиб, пешинда уникига бориб овқатланажагини айтиб қўйди.

Пшеленскаянида Дизма беканинг ўзи ва Нинадан ташқари Никодим илгари учратган, лекин ҳозир фамилияларини унтиб қўйган икки йигит билан Мариетта Чарскаяга дуч келди.

Никодим одатдаги салом-аликдан сўнг сўради:

- Қамоққа олиш ҳақидаги гапни эшилдингизми?
- Қанақа қамоқ?
- Билмаймиз.
- Кимни қамоққа олишибди?
- Ҳозирги замонда ҳеч кимга ишониб бўлмайди,— деди бош чайқаб Дизма.— Бўлмасам дурустгина одамга ўхшаб кўринган эди-я!

— Кимни айтяпсиз?— сўради ортиқ чидаёлмай Пшеленская.

— Кимни бўларди? Анови Оскар Хеллни-да.

— Кимни дедингиз?— дея қайта сўради безовталашиб Нина.

— Хеллни,— тақрорлади Дизма унинг юзига тикилиб.

— Бўлиши мумкин эмас! Оскари-я?

Дизма шошилмай чўнтағидан газетани олди-да, қизил қалам билан чизиб қўйилган жойни кўрсатиб, уни Пшеленскаяя узатди.

Хоним хабарни товуш чиқариб ўқиб чиқди. Сўнг хўрсиниб хитоб қилди:

— Буни қарайг-а! Ё парвардигор!

Нина газетани олиб, ҳалиги жойга кўз югуртириди. Унинг жуда руҳи тушиб кетган эди.

— Энди ҳеч кимга ишониб бўлмайди!— деди ибратомуз ёҳангда Пшеленская.

— Қандай қабоҳат!— деди ичидан хўрсиниб Нина.— Одамларнинг бари разил, қаёққа қарама қабоҳатни кўрасан!

— Жудаям олиб қочмаслик керак, — дея вазминлик билан эътиroz билдири Дизма.

Шундан сўнг Хелл ҳақида сұхбат бошланиб, деярли ҳаммаси унинг хатти-ҳаракатлари илгари ҳам шубҳали туюлганини гапира кетишиди.

Нина уларнинг гапига қулоқ ёлмай қўйганди. У фанқат бу фоний дунёнинг жаҳолатга кўмилғанлиги ва ўзининг ҳамма ёқдан берилиши мумкин бўлган зарбалар олдида қанчалик ожиз эканлигини ўйлаб азоб чекарди. Сўнгра у Дизмага тикилиб қарай бошлади. Сочлари хиёл жингалак, юзи тўрт бурчак, бурни бир оз пучук, оғзи кичкина, пастки жаги яхлит Никодим анча новча кўринарди. У одатда қадамини кенг ташлаб, чайқалиб юрарди.

«Бундай қараганда, оддий одам,— дея ўйларди Нина,— бироқ ана шу қиёфа замирида чексиз куч, кўз илғамас қудрат яширинган. У бу куч-қудратни қачон та-

қаерда сарфлашни жуда яхши билади. Ник... менинг Никодимим...»

Атрофидаги одамларнинг сұхбатига жилмайиб қулоқ солаётган бу одам, унга бир зум бегона бўлиб кўринган бу давлат арбоби, бу улуғ иқтисодчи аслида ўзининг Никодими эканлигини ўйлаб Нина ҳатто ҳайратга тушди; ха, Никодим унинг қаллиги, кўп ўтмай эри бўлади... Унинг тақдиди шу одамнинг қўлида бўлади, уни ўз қаноти остига олиб, оғатлардан муҳофаза этади... Никодим бу вазифани ҳаммадан яхши бажаради. У саҳродағи эҳромга ўхшайди, уни ҳеч қандай тўфон ағдара олмайди. Хелль ҳам чинакам эрик эди, бироқ...

У Хеллни ўйламасликка уринди.

Хизматкор овқат тайёр эканлигини хабар қилди. Дастурхон устида улар у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришиди. Овқатдан сўнг Дизма билан ёлғиз қолгач, Нина унинг қулогига шивирлади.

— Севаман, жуда севаман.

Никодим унинг қўлини ўпди.

— Ник... Бугун сеникига борамизми?

— Ўзинг шуни истайсанми?— дея сўради қувлик билан Дизма.

Нина лабини тишлиб, унга кўзини сузиб қаради-да, шивирлади:

— Жудаям, жудаям, жудаям...

Унинг ранги оқара бошлади, Никодим бунинг сабабини яхши биларди.

— Уч кундан бери бирга бўлганимиз йўқ.

— Яхши,— бош ирғади Никодим, ичида эса: «Ў-хў, иш эўр бўладиганга ўхшайди-ку!»— деб қўйди.

Улар соат саккизларга яқин уйдан чиқишиди. Нина холасига, операга борамиз, деб айтди-да, сўнг Никодимга кула-кула нима учун худди операни танлаганини тушунтириди — бугун «Африкалик аёл» қўйилаётган бўлиб, у ярим кечадан ошганида тугарди.

— Ниночканг жуда айёр-а, тўғрими?

— Хо-хо!..

Никодим дарвозахонада Нинанинг қадам товуши тингунича кутиб турди-да, сўнг чўнтағидан соатини чиқариб қаради. Соат ўн иккidan ошган эди. У уйга қайтишга жазм қилди.

Банкага йигирма қадамча қолганида у Манькани кўриб қолди. Қиз, чамаси уни кутаётган бўлса керак, фонарь устунига суюниб турарди.

— Никодим ковоини солди. У Манькани кўрматан киши бўлиб ўтиб кетмоқчи эди, қиз унинг ўулини тўси.

— Хўш, нима керак сенга? — деб тўнгиллади Дизма.

— Никодим...

— Нима керак, деяпман?!

— Никодим... Жаҳлинг чиқмасин... Сенсиз яшаёт майман...

— Аравангни тортсанг-чи! Тупурдим сенга! Кўп тирғилаверма, мочағар. Нақ тумшуғинга соламан!

Манька унга қўркувдан жавдира қаради.

— Нега энди, Никодим? Сенга нима ёмонлик қилдим?

— Жонимга тегдинг.

— Сени севаман ахир, ўзинг ваъда қилган эдинг...

— Тупурдим ўша ваъдага, билдингми?! Сенгаям тупурдим! У ёғини сўрасанг фоҳиша, яна ёпишишига бало борми! Лаънати!

— Никодим!

— Иўқол, мочағар!

Шундай дея Дизма Манькани итариб юборган эди, қиз гандираклаб, ифлос қорга йиқилди.

Қиз ўрнидан турмади. У банка томон йўл олган Никодимнинг ортидан индамай қараб турарди.

— Ҳали шунақами?!

Манька совуқдан қотиб қолган қўллари билан юзини ёпиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошлади.

— Фоҳиша... мочағар... ланъати деди-я...

Сўнг у ўрнидан сакраб турди-да, Дизманинг ортидан мушт ўқталди.

— Ҳали қараб тур!

Шундай дея Манька пальтоидаги қорни қоқиб ташлаб, Маршалковская томон югуриб кетди.

— Кўрасан ҳали, қараб тур!.. Менини бўлmas экансан, унга ҳам насиб қиласан, Энди кўрасан мендан!

Унинг аъзойи баданини инициом туйғуси қамраб олганди.

Эшик олдида турган полициячи ундан, сенга нима керак, деб сўраганида Манька сира ҳам иккиланиб ўтирамади.

— Бир нусханинг жинояти тўғрисида хабар қилмоқчиман.

— Хабар қилмоқчиман дейсанми? Майли, навбатчининг олдига бор. Ҳув анови эшикдан кирасан.

Үртасидан панжара билан ажратилган кенгина хона-

га киргач, Манька стол ёнида ўтирган амалдор олдига югуриб борди.

— Нима гап? — деб сўради навбатчи. У ёзища давом этаркан, бошини кўтариб Манькага қарамади ҳам.

— Бир нусханинг жинояти тўғрисида хабар қилмоқчиман.

— Хўш? — пинагини бузмай тўнгиллади навбатчи.

— У май ойидаёқ бир жуҳудни гумдон қилган эди. Личагина пул ўмарганди. Ушанда пулни ўзи менга мақтаниб кўрсатган эди. Энди Вспульнаядаги банкани урмоқчи.

Полициячи қўлидаги қаламни бир четга қўйиб, Манькага дурустроқ қаради.

— Банка дейсанми?.. Ким экан у?

— Дизма. Никодим Дизма.

— Буни қаёқдан биласан?

— Биламан-да.

— Отинг нима?

— Манька Бартик.

— Қаерда турасан?

— Луцкая кўчаси, ўттиз олти.

— Нима иш қиласан?

— Кўча қизиман,— дея жавоб қилди Манька бир оз иккиланиб турғач.

— Нега уни чақяпсан!

— Бу ёри менинг ишим.

Полициячи ўнинг фамилияси билан адресини ёзив олди.

— Вспульнаядаги банкани уриб кетмоқчи дейсанми?

— Ҳа.

Полициячи телефон трубкасини олиб номерни айтди.

— Бунаقا ишда ҳазил қилиб бўлмаслигини биласанми? Агар ёлғон гапирган бўлсанг, сени қамашади.

— Биламан.

Полициячи Манькага диққат билан тикилди. Қиз лаблари қимтиб, хотиржам қараб турарди. Шу боисдан у қизнинг ёлғон гапирмаётганига ишонч ҳосил қилди.

— Уша Дизманг ҳозир қаерда?

— Банкада.

— Нима?!

— Унинг банкага кириб кетаётганини ўз кўзим билан кўрдим. Дарбон уни ичкарига киритиб юборди.

— Пан комиссар уйдамилар?.. Илтимос, уйғотинг.

Мұхим иш бор. Навбатчи Қаспарский гапиряпти.  
 Тезда трубкани комиссар олди. Полициячи унга  
 Маньканиң гапини хабар қылды.  
 — Қизни тутиб туринг,— дәя буюрди комиссар.—  
 Ҳозир бориб, уни ўзим сүрөт қыламан.  
 Навбатчи трубкани жойига қўйди-да, Манькага де-  
 вор олдидаги скамейкани кўрсатди.  
 — Кутуб тур.  
 — Яхши.  
 Манька скамейкага ўтириди. Ҳали қараб турсин, кўр-  
 сатиб қўяди унга!  
 Бу орада Никодим ўрнида чўзилиб, газета ўқиб ётар-  
 ди. Телефон жиринглаб қолди.  
 Никодим сўкиниб қўйди-да, ўрнидан турмасликка  
 аҳд қылды. Бироқ телефон тинмай жиринглайверди.  
 — Ким экан,-жин ўргур?!

Дизма каравотдан сакраб турди-да шиппагини ҳам  
 киймай кабинетга ўтиб, қоронгидаги стулга қоқилиб  
 кетди.  
 — Алло!  
 — Пан раис Дизма билан гаплашсам бўладими?  
 — Бу менман. Кимсиз ўзингиз?..  
 — Комиссар Яскульскийман. Саломатмисиз, пан  
 раис.  
 — Салом. Ҳўш, нима гап?  
 — Бевақт безовта қилганим учун мени кечирасиз,  
 пан раис. Мұхим иш чиқиб қолди.  
 — Қўлоғим сизда....  
 — Комиссариатга Бартиқ фамилияли бир фоҳиша  
 мурожаат қилди. Унинг айтишича, сиз галла банкасни  
 ўмарид кетмоқчи эмишсиз.  
 — Нима?..  
 Комиссар кулиб юборди.  
 — Телбага ўхшамайди, гапида қаттиқ туриб оляпти.  
 Сиз уни танийсизми?  
 — Йўғ-е, нималар деяпсиз...  
 — Тушунарли.., Уни тутиб туришни буюрдим. Авва-  
 лига маст деб ўйладим, йўқ, маст эмас экан. У сизнинг  
 раислигингизни билмас экан. Буни унга айтдим, бироқ  
 у гапини қайтиб олмади. Негадир сиздан хафага ўх-  
 шайди... Сиз чиндан ҳам бир вақтлар Луцкая кўчасида  
 истиқомат қилганимисиз?  
 — Ҳудо сақласин! У ерда хеч качон турган эмасман.  
 — Ўзим ҳам шундайдир деб ўйловдим, — дәя унинг

гапини илиб кетди комиссар.— Сиз куляпсизу, лекин  
 унинг айтишича, май ойда аллақандай яхудийни ўлди-  
 риб, пулини олган эмишсиз. У ҳатто сиз унга ўғирлик  
 шулни кўрсатган мәҳмонхонани ҳам айтди.  
 — Нима бало, миясини еб қўйибдими!  
 — Мен ҳам шуни айтипман-да, пан раис. Уни нима  
 қилишини билмай қолдим.  
 — Қувиб юборинг.  
 — У гапида қаттиқ туриб олиб, протокол ёзишини та-  
 лаб қиляпти. Агар ишга расман ёндашилса, мен унинг  
 илтимосини қондиришим керак.  
 — Нима кераги бор?— дәя шошилиб эътиroz билди-  
 ри Дизма.— Протокол ёзишиning ҳожати йўқ.  
 — Тушунмаман, пан раис. Протокол ёзаб, кейин соҳта  
 гувоҳлик бергани учун жавобгарликка тортиш мумкин.  
 — Ҳожати бормикин?  
 — Уч ойча ўтириб чиқади.  
 — Кераги йўқ. Унга айтинг — хоҳлаган томонига  
 кетсин.  
 — Рози бўлмайди. Жуда қайсар экан, лаънати!  
 — Ҳаммаси сизнинг қандай маслаҳат беришингизга  
 боғлиқ.  
 — Тушунмадим, пан раис.  
 — Сиз полициячиларнинг ўз усуулларингиз бор-ку  
 ахир...  
 — Э-ҳа!— дәя жавоб қилди комиссар.— Ҳаммасини  
 тўғрилаймиз, пан раис. Саломат бўлинг! Безовта қил-  
 ганим учун яна бир бор кечирасиз.  
 — Ҳечқиси йўқ! Сиздан ғоят миннатдорман. Урни  
 келиб қолганда сизни унутмайман, комиссар.  
 Комиссар тилёғламалик билан миннатдорчилик из-  
 ҳор қила бошлади. Сўнг трубкани жойига қўйиб, кўн-  
 гироқ тугмасини босди. Эшикда полициячи пайдо бўлди.  
 — Уни бу ёқقا олиб кир!  
 — Ана кўрдингми, гапларингни ҳаммаси гирт ёлғон  
 экан, Сени қамаймиз.  
 Комиссар қизнинг жавобини кутди, бироқ Манька  
 индамай тураверди.  
 — Сенга ачинаман. Ҳали ёш экансан. Яхшиликча  
 айтипман, гувоҳлигингни қайтариб ол.  
 — Қайтариб олмайман,— сира тап тортмай жавоб  
 қилди Манька.— Майли, қамалсан қамала қолай.  
 Комиссар ўрнидан сапчиб туриб, столни муштлага-  
 нача қичқириди:

— Ҳа, ланъати! Қайтариб оласан! Мен қайтариб ола-  
сан дедими, демак, қайтариб оласан.

Комиссар ғазаби қайнаб, хонада у ёқдан-бу ёқса юра  
бошлади. Сўнг Манъканинг олдига келиб тұхтади.

— Ҳүш? Қайтариб оласанми?

— Йўқ,— жавоб қилди Манъка лабини тишлаб

— Валисек,— дея полициячйни чақирди комиссар,—  
уни орқа хонага олиб боринглар-да, нуфузли чиновни-  
лар устидан сохта гувоҳлик берищнинг қанақа бўлиши-  
ни тушунтириб қўйинглар.

— Ҳўп бўлади, пан комиссар.

Полициячи қизнинг қўлтиғидан тутиб, коридорга  
олиб чиқди.

У узоқ, жуда узоқ сургалиб юрди. Қуёш аллақачон  
қўтарилган бўлиб, кўчалар борган сайин гавжумлаш-  
моқда эди. Манъка қоқила-суқила гандираклаб борар-  
ди. Йўловчилар унинг ортидан қараб қолишаради. Ёши  
ўтиб қолган қандайдир хоним нафрат билан деди:

— Туф-е! Беҳаё! Ичиб олганини қаранг-га!

Манъка индамай кетаверди.

## 18- б 6

Жиддийлик ва башанглик, яхши дид ва нафосат —  
бу фазилатларнинг бари адвокатнинг ҳашам билан жи-  
ҳозланган кабинетида мужассамлашган эди. Кабинет  
соқоли тўрт бўрчак қилиб қайчиланган, сочига оқ ора-  
лаган, қўйди-чиқди ишларининг пири сифатида ном-чи-  
қарган, шаҳар муниципал кенгаши аъзоси, ҳазрати  
олийлари камергерининг хусусиятларини худди қўзгу-  
дай ёрқин акс эттириб турарди.

Езув столи ёнида хўжайнинг қаршисида ўтирган  
Никодим унинг ҳар бир сўзига диққат билан қулоқ сол-  
моқда эди. Кабинет эгаси эса тинмай гапиради. Унинг  
хотиржам ва оҳиста гаплари тинчгина оқаётган дарёни  
эслатарди.

Адвокатнинг тепасида кенг зарҳал ромда рим папа-  
сининг катта портрети осиғлиқ турарди.

Адвокат стол тортмасини очиб, қандайдир папкани  
олди-да, бир зум ҳам гапиришдан тўхтамай, ундан пер-  
гаментга ёзилган тўрт буклоғлик ҳужжат чиқарди.

Ҳужжатга шоҳи тизимча билан икки дона катта-  
катта мум муҳр осиб қўйлганди. Адвокат улардан би-  
рини ихлос билан ўпди-да, ҳужжатни Дизмага узатди.

Ҳужжат лотин тилидан ёзилган эди, аммо шунга  
қарамай Дизма унда нималар ёзилганини яхши би-  
ларди.

Бу Нинанинг никоҳи бекор қилингани тўғрисидаги  
гувоҳнома эди.

Энди қоз қўлига теккай, Дизма бў ишлар ўзига  
анча қўмматга тушгани тўғрисида ўйланиб қолди.

«Қизиқ, адвокат энди қанча сўраркин?» дея хаёли-  
дан ўтказди у.

Адвокат гўё унинг саволига жавоб берганидек, пап-  
кадан бир варақ қоз олди-да, тилла суви югуртирилган  
қалам билан аллақандай рақамларни ёзib, деди:

— Менинг гонорарим тўрт минг икки юз злотий.  
Дизма ҳатто ўтирган жойида сапчиб тушди.

— Қанча дедингиз?

— Тўрт минг икки юз злотий, пан раис.

— Ҳазиллашяпсиз чоғи?! Мен нари борса икки минг  
злотий бўлса керак, деб ўйловдим!..

— Пан раис, менинг одатда оладиган гонораримни  
тўлашингиз ва бундан ташқари, қўшимча харажатлар-  
ни қоплашингиз шарти билангина бу ишга қўл уришимни  
сизга бошидаёқ айтиб қўйган эдим.

— Аммо тўрт минг злотий жуда кўплек қилади! Жа-  
ми бўлиб бу иш менга олтмиш мингга тушяпти ахир!

— Бир нарсани унутманг, пан раис, бошқа бирон-  
та ҳам адвокат бу шароитда никоҳни бекор қилдира ол-  
маган бўларди. Мен гувоҳларнинг қўшимча маълумоти  
учун анча пул сарфлашга мажбур бўлдим.

— Лекин у гувоҳлар аллақачон ўлиб кетган-ку!

Адвокат энсаси қотиб илжайди.

— Бу гапингиз тўғри. Лекин марҳумларнинг гувоҳ-  
лиги тирикларнидан арzonроқ турари деб ўйлайсиз-  
ми?..

Никодим гапини тушунди.

— Демак?— дея сўради у.

— Демак,— деди гапни илиб адвокат,—шундан бош-  
қа чора йўқ эди.

Никодим чўнтағидан бир даста пул олди-да, керакли  
ақчани санаб бериб, ўридан турди.

Мижозини даҳлизга қадар кузатиб чиқсан адвокат  
унга яна қандай расмиятчиликларни бажариб, граж-  
данлик ҳолати китобига қандай ўзаришлар киритиш  
лозимлиги ҳақида узоқ гапири-да, сўнг сиполик билан  
таъзим қилиб хайларди.

Адвокатнинг уйидан чиққач, Никодим тўғри Нинанинг олдига равона бўлди.

Унинг димоги чоғ эди. Сўнгги кунларда унинг ишлари жуда юришиб кетганди. Манъка кўча-кўйда кўринмай қолганди. Дизма аввалига, лаънати қиз яна полиция ёки прокуроргá бориб чақмаса тўрга эди, дея безовта бўлиб юрди. Аммо, баҳтига Манъка дамидан тушиб қолганга ўхшайди.

Энди Никодимнинг қўлида Нинага уйланиб, Варшавадан жўнаб кетишга имкон берадиган ҳужжат бор эди.

Бугун эрталаб у телеграмма олди: унда Қшепицкий шаҳарга келишини хабар қилган эди. Ҳозир Қшепицкий Никодим учун жуда зарур эди, чунки чоршонба куни Министрлар Совети қошидаги иқтисодий комитетнинг мажлиси бўлиши керак эди. Кун тартибига муҳим бир масала қўйилган бўлиб, мажлисда молия министри ғалла запасини чет элга сотишни талаб қилмоқчи эди. Никодим ҳам мажлисда сўзга чиқиб, ё ўша талабни қўллаб-қувватлаши ёки уни рад этиши лозим эди. Аммо қандай йўл тутишни ўзи билмасди. Шу боисдан ҳам Қшепицкийнинг келиши унга жуда қўл келарди.

Сўнгги пайтларда Никодим газеталар баҳслашаётган у ёки бу масала хусусида ўз фикрини айтишга журъат эта бошлаган эди.

Одатда у ўэига тўғри бўлиб кўринган фикрларга қўшиларди-да, сўнг ўни ўзиники қилиб кўрсатарди. Бироқ энди бўлажак иш мутлақо сир тутилиши лозим эди.

Пани Пшеленская хонадони нотинч эди. Беканинг юзи кўпчиб кетганди, Нинанинг ранги эса оппоқ эди.

— Нима гап? — сўради ажабланib Никодим.

— Эҳ, пан раис, — бидирлай кетди Пшеленская, — уни қарангки Хеллни қамоқдан чиқариб юборишибди.

— Уни англашilmовчилик сабабли қамашган экан, — дея шошилиб қўшимча қилди Нина. — Ундан кечиrim сўрашибди. Сира айби йўқ экан.

Дизма ҳурпайиб, қовоини солди.

— Юрагим тарс ёрилиб кетади деб ўйловдим, — дея давом этди қўлларини силкитиб пани Пшеленская. — Тавба, ярим соат бурун менга Янек Карчевский қўнғироқ қилди. Уни танийсиз, тенинчи. Хелль Карчевскийга телефон қилиб, бу англашilmовчилик оқибати эканини, бу ҳақда бизга, Чарскийларга ва, умуман, ҳаммага айтиб қўйишини сўрабди. Бу ҳам етмагандай, у Янекка бизниги-

га келиб, аҳволни шахсан тушунтириб қўймоқчи эканини ҳам айтибди. Бунисига нима дейсиз? Нима қилишини билмай қолдим... Шундай одамни қабул қилиш мумкинмикин? Ахир у жосусликда айбланиб, қамалиб чиқкан-ку!

— Ҳа, лекин айбнома ёлғон бўлиб чиқди-ку, — ҳайиқибгина эътиroz билдириди Нина.

— Нима қилсак экан? Пан раис, сиз нима дейсиз? Бу иш ҳақида бирон нарса эшигандирсиз ахир?

Никодим ўзини жиддий қилиб кўрсатишга уринди.

— Менда аниқ маълумот бор. Хеллни барча далилларни ўз вақтида йўқотиб юборгани учунгина қўйиб юборишияпти.

— Нималар деяпсиз, пан раис!

— Ҳа, ҳа. Менга бу гапни штабдаги иккинчи бўлимнинг бошлиғи айтди. Хелль большевик жосуслари тўдасининг бошлиғи экан. Уни узоқ кузатишибди. Меҳмонхонадаги номерини тинтишганида унинг айбини исботловчи ҳужжатлар ўрнида бир ҳовуч кул топишибди. Шундан сўнг ундан кечирим сўраб, хўжа кўрсинга қамоқдан чиқариб юборишига тўғри келибди. Кейин уни бутунлай қўлга олишармиш. Иккинчи бўлимнинг бошлиғи менга ва давлат сирларидан воқиф бўлган бошқа кишиларга махсус қўнғироқ қилиб, ўша нусхадан эҳтиёт бўлиши кераклигини тайинлади.

— Ундан бўлса ҳамма гап равшан, — деди Пшеленская.

Нина индамай ўтиради.

Бирдан қўнғироқ чалиниб қолди. Пшеленская шошипиша ўрнидан туриб, ҳар эҳтимолга қарши даҳлиздан меҳмонхонага ўтадиган эшикни ёпиб қўйди.

Шу пайт хизматкор кириб:

— Пан Оскар Хелль келди, — деб ҳабар қилди.

Шунида Пшеленская даҳлизда ҳам эшитилиши учун баланд овоз билан дона-дона қилиб деди:

— Унга бизнинг уйда йўқлигимизни айтиб қўй. Бундай жаноблар учун биз ҳеч қачон уйда бўлмаймиз.

Эшикнинг тарақлаб ёпилгани эшитилди.

— Одамлар қандай ёвуз бўлишади-я! — деди хўрсаниб Нина.

Никодим сервантдаги қақир-қуқирларни томоша қиласётган киши бўлиб, тескари қаради. Сервант ойнасида у ўзининг илжайиб турган башарасини кўриб, янада баттарроқ тиржайди.

Кшепицкий молия министрининг машинкада олти варақ қоғозга ёзилган таклифини диққат билан ўқиб чиқиб, Польша ва чет эл фалла биржалари бўллетенларини кўздан кечирди да, елкасини қисди.

— Ҳм... Бу гаплар ҳақида ўзингиз қандай фикрдасиз, пан раис?

Никодим пешанасини тириштириди.

— Қандай фикрдасиз, дейсизми?.. Ҳм..., Менимча, бу энг яхши чора бўлмаса керак.

— Энг ёмон чора бу. Бу ўзини ўзи ўлдириш билан баробар. Ҳозирги шароитда фаллани четга солиш! Бу ишда биз ўттиз процентдан қирқ процентгача заар кўришимиз аввалдан маълум-ку ахир! Бу гирт телбалик! Нихоят, шунча фаллани хорижий бозорга чиқариб сотиш — унинг нархини тушириш деган гап. Демак, бизда ҳам фалланинг баҳоси тушиб кетади. Буям майли-я! Шундан сўнг фалла облигациялари сариқ чақагаям арзимай қолади.

Никодим бош иргади.

— Мен ҳам кечак Яшунскийга худди шу гапни айтдим. Унга, бу таклифга қатъяни қарши чиқаман, дедим.

— Тўгри қилибсиз. Сиз мутлақо ҳақсиз, пан раис.

— Лекин мен сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим. Фикримиз бир жойдан чиққанидан хурсандман. Бўпти, Кшепицкий, машинисткани чақиринг-да, ўша лойиҳага нисбатан эътирозларимизни ёздиринг. Уларнинг бир адабини бериб қўй!

Икки соатдан сўнг қоғоз тайёр бўлди. Йўқтисодий комитетнинг мажлиси соат еттига белгиланган бўлиб, Дизма билан Кшепицкийнинг ихтиёрида ҳали бир соат вақт бор эди. Улар Коборово, ишлари, Никодимнинг тўйи ҳақида гаплашиб ўтиришди.

Никодим ҳаммасидан ҳам тўйдан сўнг Жорж Понимирскийни нима қилишини ўйлаб, гаранг эди. У Нина акасини павильондан уйга кўчириб ўтказишини албатта талаб қилишини яхши биларди.

Жувон бу ҳақда унга бир неча бор айтган эди. Аслида, Дизма бунга қарши эмасди: Жорж Творкига<sup>1</sup> жўнатадиган даражада эмасди, албатта Бироқ Никодим унинг Оксфорд масаласида валдираб қўйишидан чўчирди.

Турган гап, у ўз ҳадигини Кшепицкийга айтмади. Сек-

ретарь эса, ўз навбатида, Нинанинг илтимосини инобатга олиш лозим, деб ҳисобларди. Агар Жорж чида бўлмайдиган даражага етса, кейинчалик уни биронта санаторийга жойлаштириш мумкин. Улар шунга келишишиди.

Кшепицкий Дизмани Министрлар Советига олиб бориб қўйди да, ўзи Пшеленскаяникига жўнади.

Узун стол ёнига келиб ўтиргач, Никодим раислик жойига ўрнашиб олган бош министрга нутқини бошлаб юборган молия министри ва бошқа аркони давлатларга зидан кўз югуртириб чиқди. Четдаги қичкина стол ёнида икки стенографист аёл ўтиради.

Молия министри қисқача қилиб ўз таклифини асослаб берди. Унинг айтишича, бюджетдаги дефицитни фақат запасдаги фаллани сотиш йўли билангина қоплаш мумкин экан. Бу орада ҳалқаро аҳвол яхшиланиб, чет давлатлардан қарз олиш имконияти туғилиши мумкин эмиш. Нутқининг охирида министр маълумоти бўйича филолог бўлиб, йўқтисодий ҳаётни фақат сўнгги йилларда орттирган тажрибаси туфайлигини тушунажагини айтди. Министрлик креслосига уни мажбур қилиб ўтказишиган экан. Лекин у қўғирчоқ министр бўлишни истамас эмиш ва шу боисдаи, агар таклифини рад этишса, дарҳол истеъфога чиқармиш.

Шундан сўнг бош министр сўзга чиқиб, молия министрини унинг хизматлари фоят юқори баҳоланишига ва таклифи албатта қабул қилинажагига ишонтириди.

Ҳамма томондан маъқуллаган овозлар эшитилди.

Мажлис пайтида барча министрлар дам-бадам Дизмага қараб қўйишиарди. Бироқ Никодим индамай ўтираверди. Ундан бирор ажойиб гап чиқишини кутиб ўтирган мажлис аҳли янглишмади. Бош министр жилмайганича ундан ўз фикрини айтишини илтимос қилган эди, Никодим ўрнидан туриб гапини бошлади:

— Мени кечирасизлар, гапга чечан эмасман. Қисқача қилиб айтаман. Бу ерда сўз биз ҳақимизда эмас— давлатимиз фаровонлиги тўғрисида кетяпти, сафсата сотиб ўтиришга вақт йўқ. Бу ерда айтилган гапларнинг бари сариқ чақага ҳам арзимайди. Мен ўз декларациямни ўқиб бераман.

Шундай деб у Кшепицкий тайёрлаб берган текстни олиб, ўқишига тушди.

Зал бир зум ҳаракатга келди. Никодим текстни ўқиб

<sup>1</sup> Творки — Варшавадаги жиннихонанинг номи.

бўлган заҳоти молия министри ўрнидан сапчиб туриб, кўлларини разаб билан силкиттанича норозилик билдира бошлади.

Гала-ғовур кўтарилиб, мажлисда иштирок этётган кишилар бир-бирлари билан баҳслаша кетишли. Бироқ бош министр аста-секин уларни тинччишига муваффақ бўлди. Шундан сўнг одатдаги мунозара бошланди.

Яшунский Дизмага қараб зарда билан деди:

— Нега бугун тўнингизни бундай тескари кийиб олдингиз? Ахир ўтган куни менга ўзингиз бу таклифга қарши эмаслигингизни айтган эдингиз-ку.

Дизма қизариб кетди.

— Ҳечам шундай деганим йўқ!

— Эҳтимол, шу яхши чора бўлиб чиқар дёгандингиз.

— Ёлғон.

— Йўқ, мей эмас, сиз ёлғон гапиряпсиз! — деди қишишиб Яшунский.— Балки, ўшанда бошқачароқ иборалар қўллагандирсиз, бироқ ҳар ҳолда бу лойиҳага қарши эмасдингиз.

— Наҳот тушунмасангиз, касбдош,— деди истеҳзо билан молия министри.— Пан Дизма бизни ғафлатда қолдириш учунгина шундай қилган.

Никодим ўрнидан турди.

— Менинг ортиқ гапирадиган гапим йўқ. Айтишим лозим бўлган гапни айтиб бўлдим. Сиз эса, жаноблар, қандай истасангиз, шундай йўл тутаверинглар.

Министрнинг таклифи қабул қилинди.

— Менга барибир,— деди Никодим ўша куни кечқурун Қшепицкийга, улар Пшеленскаянидан бирга қайтишар экан,— барибир истеъфога чиқаман.

— Банкага ачинади одам!

Дизма елкасини қисди.

— Сизнинг режангиз ва меҳнатингиз самараси эди у!

— Ҳе, жин урсин ҳаммасини!

— Эртага роса гала-ғовур кўтариладиган бўлди-да!

— Қанақа гала-ғовур?

— Матбуотни айтипман-да. Ахир бу фирт тентакликку. Кўпгина газеталар сиз томонингизни олишса керак.

— Олишса олишар, менга нима?

— Тўғри, фойдаси йўқ, аммо эртага.. Пан раис,

менда бир фикр туғилиб қолди.

— Ҳўш?

— Эртага истеъфога чиқиш тўғрисида ариза бери-

шингиз учун ажойиб имконият туғилди.

— Ҳожати бормикин? Мен тўйдан олдин ариза бермоқчидим. Бир нёча минг злотийни йўқотишдан нима фойда?

— Агар ўрнингизга дарҳол одам топиша олганида гапингиз тўғри бўларди. Улар сиздек бир одамга дарров жавоб бериб юборишини истамайди, албатта. Бу масала анчага чўзилади. Маънавий жиҳатдан ютишингиз турган гап.

— Ҳўш, мен нима қилишим керак?

— Буни амалга ошириш жуда осон. Сиз сабабини кўрсатмай истеъфога чиқаётганингизни айтасиз. Шунда галла банкасини нобуд қилаётган ҳукуматнинг қарори учун жавобгарликни зимманинг олишни истамаслигиниз ҳаммага аён бўлади.

— Тўғри!

— Ана кўрдингизми, пан раис. Жамоатчилик фикри сиз томонда бўлади.

Никодим кулиб, Қшепицкийнинг елкасига қоқиб қўйди.

— Жуда қувсиз-да, Қшепицкий!

— Доим хизматингизга ҳозирман, пан раис.

## 19-боб

Қшепицкийнинг башорати тўғри чиқди. Эртасига эрталаб кўпгина газеталарда баъзи бир дудмол гаплар айтилиб, иқтисодий комитетнинг қарори ҳақида расмий хабар босилди. Оппозиция матбуоти дарҳол бу қарорни қаттиқ танқид остига олди.

Уша куни Никодим бу воқеанинг нақадар муҳимлигини таъкидлаш учун ёнига Қшепицкийни олиб, бош министр ҳузурига борди ва истеъфога чиқиш тўғрисида ариза топшириди.

Бош министр аризани ўқиб чиққач, довдираб қолди. У Дизмадан вазиятни кескинлаштирмай, аризасини қайтириб олишни илтимос қила бошлади. Бироқ Никодим ўз гапида қаттиқ туриб, қарори қатъий эканлигини айтиди. У ўнига одам тайинлангунинг қадар вазифасини адо этиб туришга рози бўлди-ю, аммо бош министрга аҳдидан сира ҳам қайтмаслигини айтиб, огоҳлантириб қўйди.

Министрлар Совети саройидан чиқаётгандан Қшепицкий томонидан пан раиснинг истеъфога чиқиш ҳақида

огоҳлантирилган учта газетанинг репортёри Никодимни бир неча марта расмга олди.

Бу воқеа соат бирларга яқин содир бўлди, соат иккита эса баңгага министр Яшунский келди. У ёят хафа бўлиб, қўллари қалтираб турарди. У ҳар гапда:

— Худо ҳаққи, ўтинаман, бу ишни қилманг,— дей тақрорларди.

Яшунский бу ишнинг ватанпарварликка хилоф эканлиги, унинг истеъфога чиқиши саноат ва қишлоқ хўжалиги доираларида саросима туғдириши; сиёсий характерга эга бўлган кескинлик юзага келиши, кабинетнинг мавқеига путур етиши мумкинлигини айтиб, минг хил баҳона, далил-исбот келтирди. Ниҳоят, министр дўстлигини ўргага солиб, ўзи яъни Яшунский ва унинг ходимларини ҳалокатдан қутқариб қолишини илтимос қила бошлади.

Дизма унга жавоб беришга ултурмасданоқ, молия министри келганини хабар қилишди. Молия министридан сўнг депутат Левандовский, кейин полковник Вареда, сўнгра Уляницкий, раис Хиршман, князь Ростоцкийлар келишди. Шу пайт телефон жиринглаб қолди: Дизмадан соат бешда Қасрга<sup>1</sup> етиб келишини илтимос қилишди.

Никодимни ҳатто иқтисодий комитетнинг қарорни бекор қилиб бўлса ҳам, истеъфога чиқиши ҳақидаги аҳдидан қайтариш учун барча сафарбар қилинган эди. Бироқ Дизма:

— Ҳеч қачон аҳдимдан қайтган эмасман,— дей ўз гапида қаттиқ туриб олди.

Қабулхонада мухбирлар тўпланишган эди. Дизма бир минутга уларнинг олдига чиқди.

— Гап нимадалигини билмоқчимисизлар? Бўлмасам билиб қўйинглар: мен истеъфога чиқяпман.

— Нима сабабга кўра, пан раис?

— Маълум сабабга кўра. Айтишим мумкин бўлган гап шу.

— Қарорингиз қатъими?

— Қатъий бўлганда қандоқ.

Дизма мухбирлар билан бош ирғаб хайрлашди-да чиқиб кетди.

— Метин одам-да,— деди мухбирлардан бири.

— Жудая-я-ям доно сиёсатчи!— қўшимча қилди бошқаси.— Нима қилишни жуда яхши билади у.

Эрталабки газеталар шов-шувга сабаб бўладиган сарлавҳалар билан чиқди. Сиёсий доираларда тўс-тўполон кўтарили. Молия министрининг ишдан кетиш ва ҳатто бутун кабинетнинг истеъфога чиқиши тўғрисида мишишлар тарқалди. Қшепицкий башорат қилганидек, барча раис Дизманинг истеъфога чиқишига иқтисодий комитетнинг қарори сабаб бўлди, деб ҳисобларди. Аллақаердан унинг декларациясини қидириб топиб газетада эълон қилишган эди, у жамоатчиликда кучли таассурот қолдирди. Айрим газеталарни ҳисобга олмаганда, барча газеталар Дизманинг тарафини олиб, унинг билими, ақли ва қаттиққўллигини кўкларга кўтариб мақтай бошлишди. Улар Никодимнинг циркда айтган ганини ҳам эслаб, таржима ҳоли ва фотосуратларини босиб чиқаришди. Суратлар тагига тахминан шундай сўзлар ёзилган эди:

«Мамлакатни иқтисодий кризисда қутқариб қолган машҳур иқтисодчи Никодим Дизма истеъфога чиқиш тўғрисида ариза берганидан сўнг шахсий секретари пан З. Қшепицкий ҳамроҳлигида Министрлар Совети саройини тарқ этаяти. Бу аризани кабинетнинг ўз илдизига болта уриш сиёсатига қарши атоқли давлат арбобининг норозилиги деб тушунмоқ лозим».

Ҳатто яқин кунларда Дизмага қарши бўлиб юрган оппозицион газеталар ҳам энди уни оғиз кўпиртириб мақташар ва ҳукуматга ҳужум қилиш учун унинг номидан фойдаланишар эди.

Нина барча газеталарни ўқиб чиқди. Унинг юзига қон тепиб, ҳаяжондан нафаси томонига тикилди. Ё парвардигор! Ахир бу унинг Никодими-ку! У қандай буюк одам-а! Нина шу вақтга қадар унинг нақадар улуғлигини тушуна олмагани учун ўзидан хафа эди. У қаллиғи билан фахрлана бошлади.

Никодимдан банкадаги ишингни ташла, деб ўзи илтимос қилган эди. У Дизмани фақат ўзи учун яшашини истарди. Бироқ энди Нина давлат, севимли Ватан шундай ўткир одамдан ажраб катта заарар кўришини англа-гач, қаллиғидан истеъфога чиқиши ҳақидаги аризасини қайтариб олишини илтимос қилмоқчи бўлди.

Нина даҳлизга югуриб чиқди. Ў бу оғир дамда Никодимни Ватан тақдирини ўйлаб чуқур хаёлга чўмган, қалбидаги муҳаббат ва бурч ўртасидаги курашдан

<sup>1</sup> Қирол қасри—президент резиденцияси.

толиққан, улкан жавобгарликдан қадди букилган давлат арбоби қиёфасида кўраман, деб ўйлаган эди.

Бироқ у Дизманинг қувноқ башарасини кўриб, оғзи очилиб қолди. Шунда Нина, у мени хафа қилмаслик учунгина қайғусини табассум билан никобляяпти, деб ўйлади.

У Никодимни юз-кўзидан ўпіб, ўз хонасига бошлаб кирди. Сўнг, ўзи нимадан юз ўғираётганини яхши тушунса ҳам, Ватан мағаати шуни тақозо этар экан, Коборовдан воз кечиб, Варшавага кўчиб ўтишга рози эканлигини айтди. Эҳтимол, бирон йилдан сўнг Никодимнинг ўрнига биронта бошқа одам топилар, ана ўшанда...

— Энди гапиришга ҳожат йўқ,— дея унинг сўзини бўлди Никодим,— мен Қасрга боргандим, у ерда истевфога чиқишимга рози бўлиши.

— Лекин шунга қарамай, сен ишингда қолсанг уларнинг боши осмонга етади.

— Бўлмасам-чи.

— Мамлакатимиз учун ҳам яхши бўлади.

— Турган гап.

— Демак.

— Сиёсатда ҳеч нима тушунмас экансан, Ниночка. Мен тўғри йўл тутдим. Бунинг устига сени жуда севаман, сен билан Коборовда яшаши истайман. Бунинг учун мендан хафа бўлмайсанми?

Нина Никодимнинг бўйнидан кучди.

— Жонгинам, азизим, ундан бўлса...

Шу пайт эшик тиқиллаб қолди.

Хонага Пшеленская кириб келди. У завқ-шавқ билан тинмай бидирлади. Хоним гапининг охирида ҳаяжон билан деди:

— Жонгинам, Ниноста, сенга шундай одам учраб қолганидан қандай баҳтиёр эканлигинги ҳатто ўзинг ҳам билмасанг керак!

Улар бўлажак тўйни муҳокама қила бошлиши.

Нина Коборово қавмининг кичкинагина ибодатхонасида никоҳдан ўтиб, сўнгра баҳорни Жазоир ёқи Мисрда ўтказсак, деб айтди.

Пани Пшеленская Нинанинг кейинги ниятини маъқуллади-ю, аммо аввалисига қатъий қарши чиқди:

— Ниноста, тўйни яшириқча ўтказиш бўлмагур гап.

Ҳатто ундан ҳам баттар. Бу одобсизлик!

— Нима қиласай, холажон? Раҳматлик дадамлар, аёл-

ларни етмиш проценти одоб деган нарсани билмайди, дегучи эдилар. Мен ҳам оддий бир аёлман-да.

— Пан раис сенинг бу нияtingни маъқулламасалар керак деб ўйлайман. Бундай қилиш мумкин эмас ахир! Сенинг тўйингни Варшавада дабдаба билан ўтказишимиз лозим. Сенинг дўстларинг ҳам, пан раиснинг дўстлари ҳам иштирок қилишлари керак бу тўйда. Мон Dieu!<sup>1</sup> Кимсан, графиня Понимирская атоқли давлат арбобига турмушга чиқяпти ахир! Бунинг нимасини яширасан? Агар сизлар бошқача йўл тутадиган бўлсанглар, мен куйиб, касал бўлиб қолишим мумкин. Пан раис, ўзингиз айтинг ахир...

Никодим пастки лабини чўччайтириб, қошларини чи-мирди.

— Узим ҳам ўйлаб қолдим: нега энди тўйни Варшавада ўтказмаслигимиз керак экан?

— Офарин, офарин,— деди боши осмонга етиб Пшеленская,— мана бу доно одамнинг гапи! Кўрдингми, Ниноста, пан раис менинг тарафимни олишларини аввалдан билардим. Биз катта базм уюштирамиз... Сен қаллиғингнинг оддий одам эмаслигини унутмаслигинг керак, Ниночка...

— Энди у оддий одам,— дея гап қотди Нина.

— Энди, энди! Энди деганинг нимаси? Варшавада ҳамма, кўз очиб-юмгунча у министр қилиб тайинланса керак, деб гапирипти!

— Қаёқда,— дея қўл силтади Дизма,— жуда ошириб юбордингиз. Лекин пани Пшеленская тўғри айтятнilar: базм уюштириш керак, албатта.

Нина итоатгўйлик билан рози бўлди. Ник шуни истар экан, демак ҳозир айтгиси келмай турган бирор сабаб бўлса керак. Нина ичимдагини топ дейдиган бу одамнинг қалбидагини тушуниб етишга, унинг қанчалик тे-ранлигини англашга ортиқ уринмай қўйганди. У аёллик туйғуси билан бу одамнинг иродаси мустаҳкам эканлигини ҳис этарди холос.

— Саёҳат масаласига келсак,— дея гап бошлиди яна Никодим,— менимча, ҳеч қаерга бормаганимиз маъқул.

Никодим нешанасини тириштирганича қўлини қўлига ишқай бошлиди. У чет тилларни билмаслиги дарҳол аён бўлиб қолишини ўйлаб бирор хорижий мамлакат-

<sup>1</sup> Э, худойим-еъ! (франц.).

га боришдан ўлгудек қўрқарди. Ахир у ерда эсида қолган йигирмага яқин немис сўзлари билан бирор иш қилиб бўлмасди-да.

— Чамаси, сиз пулни чет элга бориб сарфлаш ватнапарварликка тўғри келмайди, деб ўйласангиз керакда?— деди хушомад билан Пишленская.— Лекин кўпчилик шундай қилади-ку.

— Ана шундана хофаман-да! Жуда бўлмағур иш бу! «Хорижга кетган ҳар бир тийин пул — Ватан ҳамёнига заарардир буткул»,— деда такорлади Никодим яқинда бир плакатда ўқиган шиорини.— Фоят бўлмағур иш бу!

— Аммо сизнинг Ватан олдида хизматларингиз катта-ку ахир!

— Худди шунинг учун ҳам мен бошқаларга ибрат кўрсатмоим лозим. Биз ўз мамлакатимизда ҳам саёҳат қиласверишимиз мумкин.

— Тўғри айтасан, Ник. Чет элни ўйлаб бекор қилган эканман. Биз Закопане, Криница, Бескидига боришимиз мумкин.

Шу пайт остононада хизматкор пайдо бўлди-да, Нина-га мурожаат қилиб деди:

— Пания жаноби олиялари, сизни қандайдир пани сўраяпти.

— Мени-я? Ким экан у?

— Кимлигини айтмади. Сизни меҳмонхонада кутяпти.

— Кечирасизлар,— деди Нина.— Чиқиб қарай-чи, ким экан.

У емакхона ва будуарни кесиб ўтиб, меҳмонхона эшигини очди-ю, қичқириб юборди: унинг рўпарасида Кася турарди.

Калтагина пўстин ва мўйна қалпоқ кийиб, лабига папирос қистирган Кася негадир юбка кийиб олган йигитчага ўхшарди.

— Салом, Нина,— деган таниш овоз эшитилди.

Нинанинг юзига қон тепди. У нима қиласарини билмай қолган эди. Касянинг келиши уни саросимага солиб кўйганди; аёл кўнглининг бир четида хурсанд ҳам эди. У ўзини ҳам, аторфдагиларни ҳам барча гапларни унуганига ишонтириб юрган эди, бироқ энди ҳаммаси ёдиди эканлиги маълум бўлиб қолди. Ахир бундай нарсани унугтиб бўлармишми?

— Мен билан сўрашгинг келмаяптими?— Кася бир неча қадам олға юриб, Нинанинг ёнига келиб тўхтади.— Эҳтимол, келганимдан хафадирсан?

Нина ҳушига келди.

— Иўқ Қася, сираям хафа эмасман... Аксинча, жуда хурсандман.

Кася унинг қўлидан тутиб, оҳиста ўзига тортиди.

— Иўқ, сен билан бундай сўраша олмайман.

Шундай деда у Нинанинг бўйнидан қучиб, лабидан қаттиқ ўпди.

Бу ҳодиса шу қадар кутилмаганда содир бўлдики, Нина шошиб қолди. У фақат бир минутлардан сўнг Касянинг қучоғидан чиқиб, таънаомуз шивирлади:

— Кася!..

Кася унинг кўзига тикилганича секин деди:

— Кечирасан... Лабларинг ўша пайтдагидан ҳам тотлироқ бўлиб кетибди... Хўш, ўтир ҳам демайсан?

— Кася!

Нина унга кресло суриб берди-да, сўнг ўзи ҳам ўтириди.

Кася пўстинининг чўнтағидан катта олтин портсигар чиқариб, яна папирос тутатди ва индамай Нинага разм сола бошлади.

— Кўп чекадиган бўлиб қолибсан,— деди Нина.

— Қаёқдан келганимни билишни истамайсанми?

— Адресимни сенга Коборовда беришдими?

— Иўқ, сен ҳақингда менга Оскар Хелль ёзган эди. Сен уни танийсан шекилли?

— Бечора.

— Нега бечора бўлар экан? Билишимча, у жуда бадавлат ва ўз турмушидан хурсанд-ку,— деда ажабланди Кася.

— Билмадим, эшитганимкинсан... Бу ерда у жосусликда айбланиб, қамоқقا олинган эди.

Кася елкасини қисиб кўйди.

— Эҳтимол. Бу билан менинг ишм ўйқ. Сенинг ҳақингда баъзи нарсаларни хабар қилгани учун ундан миннатдорман, холос... Сен анови қари аblaҳ билан ажралишяпсанми?

— Кася, наҳот сен ўз отанг ҳақида шундай гапирсанг?

— Бу гапни кўй. Демак, ажралишяпсан?

— Ҳа. Тўғрироғи, ажралишиб бўлдим. Бизнинг нижоҳимиз бекор деб топилди.

— Жуда оқилона иш қилибсан. Хеллнинг ёзишича, муҳтарам дадамиз Коборовони сенга қолдириб кетибди. Буни сира тушунолмай қолдим. Нечук бу маҳлуқ

бунчалик олижаноблик қилибди? Лекин гап бунда эмас. Мен сени олиб кетгани келдим. Бўнинг сенга нафи тегади. Ҳозир Сицилияда айни баҳор.

Нина жилмайди.

— Йўқ, Кася, боролмайман...

— Бу ернинг об-ҳавоси кишини эзиб юборади, у ерники эса одамнинг жонини киритади.

— Бир ойдан сўнг тўйим бўлади,— деди оҳиста Нина.

Кася ўрнидан сапчиб туриб, папиросини кулдонда эзғилади.

— Ҳа-ҳа, демак, бу гап рост экан-да.

Нина индамади.

— Эҳ, бечора чўрилар, кишансиз, жиловсиз туролмайдиган бўлиб қолибсизлар. Сен ўша Дизмага тегяпсанми?

— Мен уни севаман.

— Жин урсин,— деди тоқати тоқ бўлиб Кася қўлқопини ғижимлар экан.— Нина, Нина!— деди у сўнгра ёлвориб.— Сен бундай қиласлигинг керак! Менга нима бўлаётганини сира тушунасанми? Нина? Наҳотки мени сира ҳам севмасанг?! Ўйлаб кўр ахир!

— Мени қийнама, Кася, сени қандай яхши кўришимни ўзинг биласан. Лекин сенга айтиб қўйя... сенга очиғини айтиб қўйишиň ўз бурчим деб ҳисоблайман... Мен унга ҳам, ўзимга ҳам сен билан ортиқ бирга бўлмасликка сўз берганиман...

— Нина, ўтинаман, тўйни кечиктир, менга раҳм қил!.. Ярим йилга, ҳеч бўлмаса уч ойга кечиктир тўйни... Эҳтимол, шунда бу ишинг хатолигини ўзинг ҳам тушуниб қоларсан! Нина, илтижо қиласман сендан, балки у сенга муносиб эмаслигини пайқарсан... Тўйни бир оз кечиктирсанг, бас — сендан ягона илтимосим шу!..

Нина жилмайб, бош чайқади.

— Янгишяпсан, унга мен муносиб эмасман. Сен уни яхши билмайсан; дарвоҷе сен чет элда яшадинг, унинг мамлакатимиз, жамиятимиз олдидаги улкан хизматлардан хабаринг йўқ. Унинг нақадар...

— Эҳ, буниси билан менинг нима ишим бор!— деда унинг гапини бўлди Кася.— Мени фақат сен, сенинг баҳтиинг, ўзимнинг баҳтим қизиқтиради! Нина, Нина, илтимос қиласман сендан... Нина... Нина...

У Нинанинг ёғиға йиқилди-да, унинг қўлидан тутиб, ўпа бошлади.

— Тўйни бир оз кечиктир... Утинаман...

— Кася, тинчлан, нима қиляпсан ахир? Узингни бос.

Кўшни хонадан қадам товуши эшишилди. Кася бўшашиб ўрнидан турди ва секин қўлқопини олди.

— Мен борай, бўлмасам.

— Хайр,— деда жавоб қилди Нина,— мен тўғримда ёмон хаёлларга бориб юрма...

Кася индамай бош иргади. У Нинага тикилганича бир зум тўхтаб қолди. Бирдан эшик очилиб, хонага Никодим кирди. У аввал ҳайратдан донг қотиб қолди, бироқ дарров эс-ҳушини йигиб, қўлларини чўнтағига тиқдида, ижирғаниб сўради:

— Сизга бу ерда нима керак?

Кася нафрат билан унинг бошидан-оёғигача разм солиб чиқди.

Нинанинг ранги оқариб турганини кўрган Дизма бу срда қандайдир гап ўтганини пайқади. Унинг ғазаби қайнаб кетди.

— Сиздан сўрайпман, менинг қайлиғимдан нима истайсиз? Ҳўш!

— Ник!— деда уни тинчитмоқчи бўлди Нина.

— Бу ерда пишириб қўйибдими сизга? Кўришни истамайман сизни...

У гапини тугатишга ултурмади: Кася истеҳзо билан кулди-да, тескари бурилиб эшикни шарақлатиб ёпганича чиқиб кетди.

— Сенда нима иши бор экан?— сўради бир оз жим тургач Никодим.

Нина йиглаб юборди. Дизма ундан бир оғиз ҳам сўз эшийтмай, ғазабидан стулларни тепганича меҳмонхонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Шу пайт пани Пшеленская келиб қолди, лекин келли билан куёв аразлашиб қолишибди шекилли, деган хаёлга бориб, дарҳол меҳмонхонадан чиқиб кетди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, Нина тинчиди қолди, бироқ қаллиғига ҳеч нима айтмади. У фақат Никодимга, сенга содиқлигимга ишонавер, Кася ҳам энди сира қайтиб келмайди деди, холос.

«Ана энди, керак бўлса тушуниб олавер,— деда ўйларди боши қотиб Дизма.— Чиндан ҳам бу хотинларнинг мияси айниб қолгая кўринади».

## 20- боб

Ҳамма ҳаяжонда эди. Стол ва стуллар чиқариб ташланган мажлислар залига банканиң бутун ходимлари йигилганди.

Олдинда директор, унинг ортида икки ўринбосари, сўнгра бўлим бошлиқлари ва ниҳоят — бошқа хизматчилар туршиарди. Улар оҳиста гаплашишмоқда эди. Бир пайт эшик очилиб, раис кириб келди.

Бошлиқнинг дилидан нималар кечаетганини тушунишоқчи бўлган юзлаб кўзлар унга тикилди, бироқ Дизманинг бездай қотиб қолган юзидан ҳеч нимани билib бўлмасди.

Раис бир ўйталиб олди-да, гап бошлади:

— Муҳтарам жаноблар, мён сизларни бу ерга хайрлашиш учун таклиф қилдим. Ўз лавозимингизда қолийг, деб илтимос қилишаётган бўлишса-да, мен кетяпман. Эҳтимол, бунинг сабабини биларсизлар, эҳтимол, билмассизлар, лекин бунинг аҳамияти йўқ. Ишдан кетар эканман, доим сидқидилдан меҳнат қилиб ўз бурчингизни яхши бажарганингиз ва мазкур банканинг асосчисига — менга ишларни ибрат оладиган даражада бошқариб боришимга кўмаклашганингиз учун сизларга ўз миннатдорчилигимни изҳор қылмоқчиман. Ўйлайманки, мени яхшилик билан эслаб юрасизлар, сизларга оталарча меҳрибонлик қилдим ва,— мақтамасдан айтишим мумкин,— кўпчилигингиз менинг раҳбарлигимда анчагина нарсаларни ўрганиб олдингиз. Ўрнимга ким тайинланишини ҳали билмайман. Лекин бир нарсани айтиб қўяй: сизлар мени қандай иззат қилган бўлсангиз, уни ҳам шундай ҳурмат қилишингиз лозим. Бошлиқларни доим ҳурмат қилиш керак. Дарвоҷе, у одам машҳур давлат арбоби бўлмаслиги ҳам мумкин; эҳтимол, у мен яратган нарсани бárбод этар. Бироқ бошлиқ доим бошлиқлигича қолади. Севимли Ватанимиз равнақи йўлида меҳнат қилишни давом эттираверинг. Давлат сизларга ҳақ тўлар экан, у ҳаққа яраша унга фойда келтиринг. Сизларни ташлаб кетаётганимдан тоят афсусланяпман. Чамаси, анча қаттиқўллик қилдим, нима қиласи, феъл-авторимнинг ўзи шунаقا, лекин сизларни чин кўнглимдан яхши кўриб қолдим.

Никодим дастрўмолини олиб, бурнини қоқди.

Сўнгра директор сўзга чиқиб, узундан-узоқ ганирди, раис Никодим Дизманинг хизматлари, унинг ташкилот-

чилик қобилияти, қўл остидаги одамларга доимий хайриҳоҳлигини, кўкларга кўтариб мақтади. Ганинг охирида, у шахсан ўзи ва залга йиғилган барча хизматчилар номидан шундай доно раҳбардан ажралаётгандиклари учун жуда афсусланаётгандарини айтди. Сўнг у кучли «виват» садолари остида раисга ёзув столи учун олтин суви югуртирилган ажойиб чарм бювар<sup>1</sup> топшириди.

Бюварнинг муқовасига каттагина кумуш таҳтача ёпиширилганди. Таҳтачанинг юқори қисмига Никодимнинг портрети, пастига банка биносининг расми солинган бўлиб, ўртасига адрес ёзилган эди:

**ДАВЛАТ ФАЛЛА БАНҚАСИННИНГ АСОСЧИСИ,  
ТАШКИЛОТЧИСИ ВА УНИНГ БИРИНЧИ РАИСИ,  
МАШХУР ЭКОНОМИСТ НИКОДИМ ДИЗМА ПАН  
ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА МИННАТДОР  
ХОДИМЛАРИДАН**

Адрес тагига кўплаб имзолар чекилган эди.

Бутун тантана давомида пан раиснинг шахсий секретари айтилган гаплар мазмунини ёзиб борди. Сўнгра ҳали адресни кўчириб олди-да, чиновниклардан бирига газеталарга юбориш учун керакли нусхада машинкалатишини буюрди.

Унинг ўзи жуда шошилиб турганди, чунки ҳали у Дизма билан бирга фрак кийиб, Министрлар Советининг раиси Никодим шарафига бераётган хайрлашув зиёфатига етиб бориши лозим эди.

Бу орада Дизма ходимларнинг ҳар бири билан қўл бериб хайрлашди.

Саройда Никодимга хушхабар айтишди: зиёфатдан олдин унга орден топширилар экан.

Зиёфат пайтида Никодимнинг номига жуда қўп мақтov гаплар айтилди, чунки жамоатчилик олдида Дизманинг истеъфога чиқишини бир оз пардалаш лозим эди.

Зиёфат охирида Уляницкий ўридан туриб, ҳазилмутойиба билан бугунги тантананинг қаҳрамони графиня Нина Понимирская билан никоҳдан ўтажагини мажлис аҳлига маълум қилиб қўйиш ўзига топширилганингизни айтиб, барчани ушбу базми жамшидга таклиф қилиш шарафига муюссар эканлигини эълон қилди.

<sup>1</sup> Бювар — ҳар хил қоғоз, конверт ва ҳоказолар сақлаш учун ишлатиладиган маҳсус папка (тарж.).

Бу таклиф олқышлар билан қарши олинди: ҳазил-хүзул гаплар, саволлар эшитила бошлади; бўлажак тўй ҳеч кимга янгилик эмасди.

Зиёфатдан сўнг яна тантанали мажлис бўлиб, унга тагин анча-мунча меҳмон келди.

Барча сұхбатлар раис Дизманинг истеъфога чиқиши ва бунинг оқибати нима бўлиши мумкинлиги ҳақида борарди. Биржада ғалла банкаси облигацияларининг нархи тушиб кетгани ҳақидаги ташвиши хабар одамларнинг эътиборини ўзига тортарди. Оптимистлар, бу шунчаки Дизманинг истеъфога чиқиши натижасида юзага келган асабийлашиш, облигацияларининг нархи ҳали яна кўтарилади, дейишар, бироқ пессимиистлар, ҳаммаси барбод бўлмаса гўрга эди, дея ташвишланишарди. Бу масала юзасидан Дизманинг ўзига мурожаат қилишган эди, у елкасини қисиб, деди:

— Ҳукумат ўз истагича йўл танлади. Бунинг оқибати нима бўлишини билмайман.

Турган гап, одамлар буни, кризисни башорат қилиш, деб тушунишди. Сўнгги ойларда бусиз ҳам вазият анча кескинлашиб, иқтисодий муваффақиятсизликлар содир бўлиб турган эди. Шу боисдан ҳам ҳукуматининг қулаши эҳтимолдан ўзоқ эмасди. Бу шароитда машҳур ташкилотчи, кучли ирода соҳиби, ҳукуматининг чоралари билан келиша олмагани туфайли ижтимоий ҳаётдан четлашётган раис Дизма барчанинг ўзига жалб этган эди.

Мухбирлардан бири Дизмадан, агар кабинет қуласа, сиз янги ҳукумат составида бирор министрлик лавозимини эгаллашга рози бўлармидингиз, дея сўраган эди, Никодим қатъий жавоб қилди.

— Йўқ. Мен қишлоққа бориб, ҳўжалик ишлари билан шугулланаман.

Бу жавоб дарҳол барча салонларга тарқалди, бироқ шунга қарамай ҳеч ким Дизмага ишонмади.

## 21- боб

Костёл олдидағи майдон, ва қўшни кўчаларни оломон босиб кетди. Йигирма иккى карета, юздан ортиқ автомобиль ҳам шу яқин ўртада эди. Трамвайлар тўхтаб қолди. Иккى қатор бўлиб саф торган полициячилар ҳангаматалаб кишиларни аранг тўсив туршарди. Костёл эшиги олдидағи зинага қизил гиламдан поёндоз со-

линганди. Кираверишда полициячилар тақлифномаларни текшириб туршарди. Очик эшикдан костёлнинг юзлаб широқлар шуъласига чўмган ва беҳисоб гулдасталарга бурканган ички жиҳозлари кўриниб турарди.

Бирор автомобиль ёки карета пояндоз олдига келиб тўхтаган заҳоти оломон келган одамни дарҳол танир ва ғовур-ғувур қўлганича:

— Князь Ростоцкий... Италия элчиси... Министр Йишинский...— унинг номини тақрорларди.

Башанг кийинган хонимлар, ялтироқ мундир ёки фрак кийган эркаклар бирин-кетин костёлга кириб боришарди. Ҳамма ёқни атирупа, гул ва бензиннинг ҳиди тутиб кетган эди.

Костёл одамга тўлиб кетганига қарамай, машиналар ҳамон келиб турарди.

Мана, пояндоз олдига ажойиб лимузин келиб тўхтади. Ундан Никодим Дизма тушди.

— Куёв, қаранглар, куёв келди, раис Дизма...

Газеталарда унинг расмларини кўрган одамлар Дизмани дарҳол танишиди.

Узоқдан кимдир:

— Яшасин раис Дизма!— деб қичқирди.

— Яшасин раис Дизма! Яшасин раис Дизма!— дея тақрорлай бошлади оломон.

Одамлар бошларидан шляпаларини олиб силкитаркан:

— Яшасин!.. Яшасин Дизма!— дея қичқиришарди. Никодим зинапояда тўхтаб, цилиндрини силкитиб қўйди.

Унинг жиддий ўзига ёқимли табассум югорди.

Оломон уни завқ-шавқ билан олқишлий бошлади. Шу пайт Нинанинг карётаси етиб келди. Қайлиғи шарафига чалинаётган тулдурос қарсакларни эшитиб, келининг кўзига ёш келди.

— Кўрдингми,— дея шивирлади унинг қулогига пани Пшеленская,— поляклар улуғ одамларининг хизматини қадрлай билишади.

Никодим қайлигининг олдига тушиб, оломоннинг қийқириғи остида уни меҳроб томон бошлади. Орган садолари янгради.

Варшавада анчадан бери шундай дабдабали тўйни кўришмаган эди.

Никоҳ маросими тугагач, келин-куёв шарафига яна олқишлиар эшитилди. Карета анъанага биноан Иеруса-

лим хиёбонини айланиб чиқди. Турна қатор бўлиб бораётган машина ва кареталар Европа меҳмонхонаси олдига бориб тўхташди. Бу ерда икки юз қирқ кишига дастурхон ясатилган эди.

Меҳмонхона олдида ҳам уларни синчков оدامлар тўдаси кутиб турган экан. Бу ерда ҳам: «Яшасин Дизмани!»— деган хитоблар эшитилди.

Никодимнинг оғзи қулогида эди. Нинанинг чеҳраси табассумдан порлаб турарди.

Улар беҳисоб меҳмонларнинг табрикларини қабул қила бошлишди. Базм маҳали ҳам табрик сўзларнинг кети узилмади. Табрик телеграммаларини ўқишнинг ўзи бир соат вақтни олди, шу боисдан ҳам бал фақат соат ўн бирда бошланди. Куёв шу қадар берилиб танца тушдикни, унинг бир вақтлар Лисковда қозонган муваффақиятларидан бехабар меҳмонлар ўзаро тахминан шундай гапларни айтишарди:

— Раис Дизмани шу қадар ҳазилкаш одам, деб ким ўйлабди дейсиз!

Ёки:

— Куёв тўранинг бир оз кайфи ошибди, мана энди, хурсандчилик қиласпти.

— У хурсандчилик қилмай, ким хурсандчилик қилисин? Хотини қўғирчоқдаккина, Коборово эса ҳар қандай магнатга ҳам, насиб қилавермайдиган жой.

Ҳамма ишга бош-қош бўлиб турган Кшепицкий бални тугатишга ишора қилганида оппоқ тонг отган эди. Соат саккиздан йигирма минут ўтганида келин-куёв Коборовога жўнаши лозим бўлган поезд йўлга чиқарди.

Меҳмонларнинг кўпчилиги уларни вокзалга кузатиб чиқди. Темир йўл министри уларнинг ихтиёрига ажратиб берган салон-вагон гулга тўлиб кетганди. Сўнгги табриклар, хитоблар янграгач, поезд бир ҳуштак чалди-да, аста жойидан қўзғалди.

Нина билан Никодим очиқ деразалар олдида кўлларини силкитиб туришарди. Перронда беҳисоб дастрўмол ва шляпалар лициллай лошлади. Ниҳоят, паровоз тезлигини оширгач, перрон шаҳарни чулғаган кул ранг тутун ичидан кўринмай қолди.

Нина эрининг бўйнидан қучди.

— Е парвардигор, қандай баҳтлиман-а! Ник, айт-чи, мени бундай баҳтга, сенга етказган нарса нима ўзи?

— Ҳм... Нима етказди, дейсанми?..

— Ҳа, Ник, қандай қилиб сендай буюк, доно, шун-

дай иззат-икромга сазовор бўлган одамнинг хотини бўлиб қолдим? Айт, Ник, қандай қилиб, а?..

Дизма хаёлга чўмиб, иягини қашиб қўйди. Ҳа деганда жавоб топа олмагач, унинг зардаси қайнаб кетди.

— Хотиним бўлсанг нима қилиби,— деда тўнғиллади у.— Шундан бошқа ташвишинг йўқми?

Уларнинг лаблари бир-бирига туташди.

Станциядан уйга қадар йўлга отқулоқ япроқлари тўшалган бўлиб, унинг икки четига ёш қайнилар ўтказилган эди. Станция биноси ҳам яшил гулчамбарлар билан безатилган эди. Перрон Коборово корхоналарининг ишчи ва хизматчилари ҳамда теварак-атрофдаги қишлоқлардан келган ҳангаматалаб кишилар билан тўлиб кетганди. Уларнинг кўпчилиги кеча радио орқали берилган репортажни: машҳур солистлар, хор ва орган ижро этган «veni Creator»<sup>1</sup> гимни ва куёв шарафига айтилган «живит» хитобларини эшитишган эди.

Шу боисдан ҳам уларнинг перронга тўпланишганига ажабланмаса бўларди.

Узоқдан поезд кўринганида, гангир-гунгир гаплар тиниб, ҳаваскор музикачилардан иборат оркестр марш чалиб юборди. Тантанали дамлар яқинлашиб қолганди.

Биринчи қаторда юқори лавозимдаги хизматчилар саф тортишди, қўлида дала гулларидан иборат гулдаста тутган оппоқ кўйлакли қизчани олдинга чиқаришиди. Бу буғ тегирмони директорининг қизи эди.

Афсус! Машинистнинг эътиборсизлиги туфайли салон-вагон перрондан анча нарида, фалла омбори билан ҳожатхона ўртасида тўхтади. Шундан сўнг кобороволик «киборлар» келин билан куёвнинг вагондан тушишига етиб бориш учун лўккилаб югуришга мажбур бўлдилар. Ҳарқалай, улар вақтида етиб бориши, қизча Нинага гулдастани топширди. У шеър ҳам ўқиб бориши керак эди, бироқ ўзини йўқотиб қўйган қизалоқ, айтиб туришларига қарамай, оғзини очолмай қолди. Нина унинг юз-қўзларидан ўпди. Дизма табрик сўзларини вагон зинасида туриб эшилди. Сўнгра у қуйидагиларни айтишини лозим топди:

— Чин қалбимиздан миннатдормиз! Мен ва хотиним бизни шундай очиқ кўнгил билан кутиб олганингизни

<sup>1</sup> Тўй мессасининг бошланғич лотинча сўзлари.

сира ҳам унутмаймиз. Тўйимиз муносабати билан сизларга мукофот беришларини буораман... Коборовода ишлайдиган одамларнинг барчаси мукофотлаида. Нимаям дердим... Мен харажат қилишдан қўрқмайман...

Унинг сўзлари кучли «виват» садоларига кўмилиб кетди. Оркестр гумбурлади.

Қўшни вагондаги йўловчилар бу манзарани қизиқиб томоша қилишарди, баъзилари эса, ердагиларга қўшилиб, алланималар дея қичқиришарди.

Айниқса, учинчи класс вагони деразасидан бошини чиқариб, ўзи ҳам нималигини билмай бор овози билан «Виват! Виват!» дея қичқираётган озгин яҳудий ҳаммадан ҳам ошириб юбораётган эди:

Ўйдаги хизматкорлар уларни ион-туз билан кутиб олишиди.

Никодим патнисга иккита беш юзталик қўйди-да:  
— Узинглар бўлишиб олинглар,— деди.

Кшепицкий уйларни анча-мунча ўзгартириб юбориби.

Юқорини, Нинанинг аввалги хоналарини у меҳмонхона қилиб беканинг ётоқхонасини Никодимнинг хонаси ёнига кўчирибди. Ётоқхоналарнинг икки томонида ванна бўлмалари жиҳозланибди. Унинг бутун чап қаҷноти Жорж Понимирскийга ажратилибди. Паркдаги павильонда эса Кшепицкийнинг ўзи турадиган бўлибди.

Тўй ва йўл келин-кўёвни анча толиқтириб қўйган эди. Улар дарҳол ухлагани ётишиди. Нина билан Никодим кечқуруноқ, эртага эрталаб Жоржнинг павильонига бориб, унга уйга кўчиб ўтишни таклиф қиласиз, деб келишиб қўйишиди.

Дизма ўринда чўзилиб ётар экан, бу учрашув ҳақида анча ўйлади ва Понимирскийнинг олдига Нина билан бирга бормаганим маъқул, деган фикрга келди. Ким билсин, бу телба яна қандай нағма кўрсатади?

«Жиннилиги тутиб, сиримни ошкор қилиб қўйиши мумкин, ахир!»

Шу боисдан ҳам у хизматкорга ўзини соат еттида уйғотишни буорди. Никодим янглишмаган экан: у ўрнидан тургач, хотинининг ётоқхонасига кирган эди, Нинанинг ҳамон ухлаб ётганини кўрди. Дарвоқе, Нина ҳеч қачон вактли турмасди.

Никодим дарров кийиниб хизматкорга бека билан ионушта қилажагини айтди-да, паркка жўнади.

Ў Жорж билан ниҳма тўғрисида гаплашишни олдин-

дан ўйлаб қўйган эди. Лекин шунга қарамай, павильонга яқинлашгач, Никодим юраги пўкиллаётганини сезди. У фақат Понимирский билан учрашган кезларида гана шунақа чўчириди. Агар Жоржнинг телбалиги, унинг гаройиб қилиқлари назарда тутилса, бунинг сира ажабланарли жойи йўқ эди, албатта.

Никодим кириб борганида, граф ўринда чордона қуриб, ҳуштак чалганича ширгуруч еб ўтирган эди. Қўрпа устида ётган ит тоҳо-тоҳо эринибгина эгасининг тарелкасини ялаб қўярди.

Понимирский Дизмани хизматкор унинг ортидан эшикни ёпганидан кейингина кўриб қолди.

— Салом!— деди Никодим.

— А!— деди кулиб граф— Хурматли касбдош! Манави лаънати бўтқани олиб қўйинг, касбдош!

Никодим итоатгўйлик билан буйруқни бажарди-да, каравот ёнидаги стулга ўтирди. Понимирский унга истеҳзоли жилмайб қараб турарди. Унинг касалманд боланикidek қонсиз юзидағи катта-катта кўзлари, қирра бурни, доим қимирлаб турадиган юпқа лаблари — хуллас, бутун башарасидан мамнунлиги сезилиб турарди.

— Соғлиғингиз қалай?— дея гап бошлиди Дизма.— Эшитишимга қараганда, анча бетоб бўлганмишсиз?

— Раҳмат. Ташвишланманг, касбдош.

— Мен касбдош сифатида эмас,— деди бирдан Дизма,— куёв сифатида ташвишланяпман.

— Нима-а-а-а?..

— Сизнинг кўёвингиз сифатида, деяпман,— дея тақрорлади, дадилроқ бўлиш учун овозини баландлатиб Дизма.

— Бу нима деганингиз?— ўшқирди граф.

— Буми, бу сиз билан қайнаға-куёв бўлдик деганим: мен синглингизга уйландим.

Понимирский кўрпани бир четга отиб, пушти пижамасида рўйирост ўрнидан турди-да, Никодим томон эгилди:

— Ёлғон! Ёлғон гапирияпсан, аҳмоқ!

Дизма қутуриб кетди. Оломоннинг олқишиларига сазовор бўлган, аркони давлатлар билан ошиначилик қилиб юрган улуғ Дизмани аллақандай одам ҳақорат қилиб ўтираса-я! Никодим сапчиб ўрнидан турди-да, Жоржни тирсагидан тутиб, тўшакка улоқтириди.

Понимирский оғриқнинг зўридан интраб юборди. Ит жон-жаҳди билан акиллай бошлади,

— Ҳе... Иблис!— деб юборди Дизма.  
Эшик очилиб, касал боқувчи аёл билан хизматкор пайдо бўлди.

— Мазангиз қочдими, жаноби олийлари? Эҳтимол, ёрдам керакдир?— дея сўради аёл.

— Қорангни ўчир! Йўқол!— ўшқирди Дизма. Хизматкорлар гойиб бўлишиди.

Никодим папирос тутатди-да, Понимирскийга ҳам портсигарни тутди. Жорж бир оз иккиланиб тургач, бир дона папирос олди.

— Ана кўрдингизми, граф мен билан ҳазиллашиб бўлмайди. Шундай қилиб, мен синглингизга уйландим. Утган куни тўйимиз бўлди. Хўш, бунга нима дейсиз?

— Шармандали!

— Нега энди шармандалик бўларкан?

— Кимсан графиня Понимирская сиздек бир тубан, тўпори одамга тегиб ўтиrsa-я! Пан... пан... фамилиянгиз нимайди?

— Дизма,— дея эслатди Никодим.

— Кулгили фамилия,— деди елкасини қисиб Понимирский.

— Демак, сиз синглингизнинг жиноятчи Куникка хотин бўлиб қолишини афзал кўрар экансиз-да? А?

— Йўқ... Ҳарқалай... Менимча, сиз foят ярамас одам бўлсангиз-да, Куникчалик фирибгар бўлмасангиз керак? Дарвоқе, бундай фирибгар бўлиш учун сизда ақл етишмайди, чунки...

— Оғзингизга қараб гапирсангиз бўларди, жаноби олийлари,— дея қовоғин солди Дизма.

Понимирский жимиб қолди.

— Сиз мени ҳақорат қилгандан кўра, худога шукур қилинг.

— Ростдан-а?

— Ҳа, худога шукур қилинг. Мен олдинги куёвингизга ўшаб сизни таҳқирламайман. Сиз уйга кўчib ўтасиз ва бутунлай эркин юраверасиз. Биз бирга яшаймиз, учовлон овқатланамиз, меҳмонга борамиэ, меҳмон қабул қиласиз...

Понимирскийга жон кирди.

— Ростдан гапиряпсизми?

— Бўлмасам-чи.

— Минишга от ҳам беришадими?

— Истаган нарсангиз мұхайё бўлади. Майда ҳара-

жатлар учун пул ҳам оласиз. Қарзларингизни бўлса тў-  
лаб қўйдим. Лекин менинг ҳам ўз шартларим бор.

— Қанақа шартлар экан?— сўради безовталаниб Понимирский.

— Аввало — тилингизни тийиб юрасиз. Оксфорд билан Курляндия сизнинг уйдирмангиз эканлигини ҳеч ким билмаслиги керак.

Жорж кулиб юборди.

— Демак, одамлар бу сафсатага ишонишибди-да?

— Нега ишонишмас экан?

— Ахир башарангизга бир қарашнинг ўзи кифоя-ку!  
Дизма қовоғини солди.

— Бу ёғи билан ишингиз бўлмасин. Тилни тийинш лозимлигини унутманг! Иккинчдан эса, ҳеч кимга билдирмай менга инглиз тилини ўргатасиз.

— Мен-а?— деди ғазаби қайнаб Понимирский.— Мен сиздеб тубан одамни ўқитишим керакми? Қандай сурбетли!

— Ўчир овозингни, маймун!— дея ўшқирди Дизма.— Иккитадан биттасини танла: ё менинг таклифимни қабул қиласан, ё сени дарҳол Творкига жўнатаман.

Понимирский лабини тишлаб, йиглаб юборди.

— Брут, Брут,— дея ҳўнграрди у итини силаб,— эшитяпсанми? Ҳўжайинингни яна жиннихонага тиқиши мокчи... Брут!

— Унинг қонсиз юзидан катта-катта ёш томчилари оқиб тушарди. Буни кўриб Дизма ҳатто ажабланиб ҳам қўйди.

— Хўш,— дея сўради у,— қай бирини танлайсан?

— Мени сенлаб гапирманг,— дея норозилик билдири Понимирский ва дарҳол тинчид қолди.

— Нега энди сенламас эканман? Қайнага-куёв бўлганимиздан кейин... Биз бир-биримиз билан сенсираб гаплашишимиз керак. Одамлар нима дейишади? Касбдош бўлсак, қайнага-куёв бўлсагу бир-биримизни «пан» деб чақиранг.

— Қизиқ!— истеҳзо аралаш жилмайди Понимирский.

— Наҳотки орамиздаги фарқни тушумасангиз?

— «Фарқ» деганинг нимаси? Ундан десам, тўғри, битта фарқ бор: мен ақли расо одамман, сен эса — телбасан! Хуллас, хоҳлаганингни танла. Қайтараман: мен билан ҳазиллашиб бўлмаслигини унутма! Тумшуғийнга шундай соламанки, оғзингдаги тишларингдан битта қолмайди!

Шундай дея у Понимирскийнинг кўзи олдида муштини дўлайтирди. Унинг дафдағасига қарамай Понимирский хурсанд бўлиб кетди.

— Ростдан-а? Қизиқ. Шундай зарб бўлиши мумкинлиги ҳақида эшитгандим-ку, аммо ўз кўзим билан кўрмаган эдим. Биласизми? Ҳозир Антонийни чақираман, сиз уни уриб, ўша зарбингизни кўрсатасиз. Хўпми?

Граф қўлини қўнғироқ томон чўзган эди. Дизма уни тўхтатди.

— Узингни гўлликка солма? Мен Антонийнинг эмас, сенинг тумшуғингга соламан. Финг деб кўр-чи. Хўш? Розимисан?

Понимирский қўлларини букиб, оғир хўрсинди.

— Қандай хўрлик, қандай иснод! Мен ана шу тубан, ана шу тўпори одам билан сенсираб гаплашишим ва бу ҳам етмагандай, шу зеҳни паст нусхага инглиз тилини ўргатишм керак! Унинг калла суюгини қаранг, ахир бу маймуннинг калла суюги-ку!

Дизма ўрнидан турди-да, соатига қараб, деди:

— Ҳай майли, саломат бўл!

— Кетяпсизми?.. Яна бирпас ўтиринг, бўлмасам ёлиз ўзим зерикаб кетаман.

— Энди ёлиз қолиб зерикмайсан. Сени шу бугуноқ Творкига жўнатаман.

Понимирский каравотдан сакраб турди-да, қалт-қалт титраганича Никодимнинг ёнига югуриб келди.

— Иўқ, иўқ! Мен ҳаммасига розиман.

— Розимисан?

— Ҳа.

— Тилингни тийиб юрасанми?

— Ҳа.

— Менга инглиз тилини ўргатасанми?

— Ургатаман.

— Мана бу бошқа гап. Энди мени исмимни айтиб ҷақиравер.

— Исминг эсимда йўқ!. Қандайдир аҳмоқона исм эди.

— Никодим.

— Ҳўп яхши... Никодим.

— Демак, биз энди ошнамиз-а?

— Нима? Нима?

— Демак, тилимиз бир-а?

— Ҳа, ҳа, тилимиз бир.

— Қани, Жорж, қўлингни бер. Ҳозирча хайр!

улар қўл сиқишида, Дизма чиқиб кетди. Понимирский гиламга ўтириб олиб, нимагалигини ўзи ҳам билмай қотиб-қотиб кула бошлади.

Ниҳоят, хизматкерни чақириди:

— Антоний! Антоний! Антоний!

Эшик очилиб, хизматкор кириб келган эди, Понимирский унга мушт ўқталиб, қичқира кетди:

— Нега мендан яширдинг?!..

— Нимани яширибман, панич?

— Синглимнинг эрга тегаётганини-да! Қари эшак!..

Қани бўл, тезроқ нарсаларни йиғишири.

— Йиғишири, дейсизми? Нега энди, панич?

— Биз кўчяпмиз.

— Қаёққа?

— Уйга.

## 22- б о б

Келин билан куёв Коборовога келгач, икки кундан сўнг у ерга Қшепицкий ҳам етиб келди — у ўз бошлиғининг баъзи ишлари билан Варшавада тутилиб қолган эди.

Қшепицкий ишга қизғин киришиб кетди: давлатга шпал етказиб бериш лозим бўлиб, баҳорги ишлар ҳам кўз-қулоқ бўлиб туримни талаб қиласарди. Шу боисдан ҳам у Никодим билан Нинага учча кўп вақт ажратолмасди. Дарвоқе, улар бунинг учун хафа ҳам эмасди. Нина билан Никодим кунларини вақтчоғлик билан ўтказишмоқда эди: улар қайиқда сузишар, автомобилда сайр қилишар, от миниб дала кезишар ва бильярд ўйнашар эди.

Нина ўзини жуда баҳтиёр ҳис этарди. Тўғри, баъзан унинг дилида гумонсирашга ўхшаш бир нарса иайдо бўларди, бироқ у Никодимнинг барча нуқсонларини буюқ одамнинг тентаклигига йўйиб қўя қоларди. Ниҳоят, унинг эридан миннатдор бўладиган томони ҳам кўп эди! Агар кундуз куни у баъзан ўйланиб қолса, қош қорайиб, тун тушиши билан ҳаммасини унутарди қўярди. Қалбининг қаърида узоқ вақт мудраб ётган ҳиссист энди Нинанинг аъзойи баданига ёйилиб, унинг асосий ўй-хаёлига айланган эди.

Келин билан куёв кунларини шод-хуррам ўтказишарди, шу боисдан ҳам уларнинг тотувгина умр кечиришлари ўз-ўзидан маълум бўлиб қолган эди.

Фақат икки ойдан кейингина улар қўшни помешчикларнига бориб, улар билан танишиши ва ўз уйларида меҳмон қабул қилиш ҳақида ўйлай бошлаши. Боз устига ёзда пани Пшеленская билан варшавалик бошқа меҳмонларнинг келиши кутилмоқда эди.

Никодим талайгина вақтини маълумотини ошириш учун мутолаа қилиш билан ўтказарди: у, ёлғиз ўзи ёки Понимирский билан бирга кутубхонада қамалиб олиб, китоб ўқирди. У бу ишни истар-истамас қилса-да, бироқ китоб ўқиш ва чет тилларни билйшнинг нақадар фойдали эканлигини яхши тушунарди.

Кечки овқат маҳали у баъзан ўрни келганда ўқиган китоблари ҳақида гапириб қўярди, сўзларининг сухбат дошларига қандай таъсир қилишини зимдан кузатиб, у ёки бу ёзувчининг дунёқараши тўғрисида сафсата сотарди. Фақат Нинагина эмас, ҳатто Қшепицкий ҳам унинг гапига одоб билан қулоқ солишарди. Кўп ўтмай Кобороводагилар Никодим кутубхонага қамалиб олган пайтларидан, пан помешчик илмий иш билан шуғулланяптилар, дейдиган бўлиб қолиши.

Ора-сира Дизма экинзор ва фабрикаларни бориб кўрарди. Хўжаликни бошқариш ташвишлари Қшепицкийнинг зиммасига юклangan эди. Даромаднинг кундан-кун ўсиб бориши янги бошқарувчининг ишни дўндириб бажарабтанидан далолат бериб турарди.

Жорж Понимирский тез кунда янги шароитга кўнишиб кетди. У Никодимнинг норози бўлишига ўрин қолдирмай, ўзини киройи одамдек тутарди. Тўғри, баъзан бирор нарсага шама қилиб, истеҳзо билан кулиб қўяр, бироқ куёвнинг бир хўмрайиши билан дарҳол писиб қоларди. Синглиси билан у деярли гаплашмасди. Жорж аввалдан Нинани ёқтириласди. Боз устига у аёлларнинг фикрлай олиш қобилиятини тан олмасди. У узоқ вақт маҳрум бўлган эркинликдан лаззатланиб юради: от миниб сайр қилас, ҳатто автомобиль ҳам ҳайдар эди. Дизма дилида, зора бирор фалокатга ўйлиқиб гумдон бўлса, деган умид билан унинг машина ҳайдасига рухсат берган эди.

Бироқ доим тентаклик қилиб юрадиган Жорж ўз жонини сақлаш масаласига келганда жуда ҳаёткор бўлиб қоларди. Унинг беозор телбалиги тёз кунда теварак-атрофдаги қишлоқларда анчагина латифалар тўқилишига сабаб бўлди.

Жорж Қшепицкий билан доим гердайиб муомала қиларди. У бошқарувчи билан икки бармоғини узатиб саломлашар ва агар Қшепицкий унга «жаноб олийлари», деб мурожаат қилмаса, саволига мутлақо жавоб бермай қўя қоларди. Қшепицкий унинг бу қилиғидан кулиб, Жорждан сира хафа бўлмасди.

— Галати йигит,— дерди у,— қилиқларини кўрсан, доим кулгим қистайди. Қишлоқда шунаقا эрмак ҳам кепрак бўларкан. Илгари қироллар нима сабабдан саройда масхарабоз сақлашганини энди тушундим.

— Жин урсин уни!— деб тўнғилларди Дизма.

Бу орада Варшавадаги эски дўстлардан ташвишли хабарлар кела бошлади.

Иқтисодий кризис кундан-кун зўрайиб борарди. Тез кунда у Қоборовога ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Қофоз фабрикаси ва тахта тилиш заводи фақат давлат буюртмалари билан ишламоқда эди. Иқтисодий инқироз Дизманинг манфаатларига ҳам ёмон таъсир қилди. Бироқ бахтига Қшепицкийнинг уддабуронлиги ва давлат буюртмалари туфайли ҳамон дурустгина даромад олинаётганди. Қўшни помешчикларга нисбат қилинганда Дизма Қорундек бадавлат кўринарди. Боёқишиларнинг ишлари кундан-кун чаппасига кетмоқда эди. Лҳвол шу даражага бориб етди, ўттизга яқин ермулк ким ошди савдосига қўйиб сотилиши эълон қилинди.

Дарвоқе, бошқа ёқларда ҳам иш бундан яхши эмасди. Зироатчилар сунъий ўғитлар ишлатмай, қўйишиди, сарф-харажатларини жуда чеклашди. Боз устига ҳар тарафдан, қўргина помешчиклар омборлардаги давлат банкасининг мулки ҳисобланган фаллани сота бошлаганини ҳақида миш-мишлар тарқала бошлади. Шу боисдан банка облигацияларининг нархи жуда тушиб кетди. Облигация эгалари орасида ваҳима кўтарилидӣ. Савдо ва биржадаги турғунлик, саноатдаги инқироз, солиқ тўловчиларнинг қурсизлиги даҳшатли хавфга айланди. Газеталар синиш, корхоналарнинг ёпилиши, иш ташлаш, буд-шудидан, ишидан айрилган кўплаб кишиларнинг ўз-ўзини ўлдириши ҳақидағи хабарларга тўлиб кетган эди.

Мамлакатда норозилик авжига чиқа бошлади.

Ҳокимиятни ўз қўлига олиб, инқирозни бартараф қилишга қодир бўлган кучли одам ҳақида борган сайин кўпроқ гаплаша бошлаши.

Бу орада ўрим мавсуми яқинлашиб қолган бўлиб, мамлакатда яна мўл ҳосил хавфи туғилди. Никодим газеталарни ўқир экан, бош чайқарди.

— Жин урсин! Энди нима бўларкин?

## 23- б о б

Коборовода анчадан буён ҳосил байрами бундай хурсанчилик билан ўтказилмаган эди.

Янги помешчик пулни аямай сарфлади. Чамаси, унинг ўзи ҳам ғубордан чиқмоқчи эди шекилли. Тумонат меҳмон йигилди. Биринчи бўлиб бир талай чамадонлари билан пани Пшеленская етиб келди; ўша куни кечқурноқ полковник Вареда билан опа-сингил графиня Чарскаялар келишиди. Эртасига Кобороводага икки автомобиль ва икки извош куни билан станциядан одам ташиди.

Хотини ва ўғлини олиб воевода Шеймонт, оқсоқол Тишко, министр Яшунскийнинг хотини, барон Рельф рафиқаси билан, Ушицкий синглиси билан, икки адъютантини олиб ҳарбий округ комендантини генерал Чакович, Уляницкий, Хольщицкий, Кожең ординатининг хотини ва йигирмага яқин қўшилар ҳозир бўлишди.

Ўйни меҳмонлар босиб кетди. Ҳамма хоналардан кулиги ва гангир-гунгир гап эштиларди.

Киборлар ҳәётини яхши кўрадиган Нинанинг боши осмонда эди. Бутун ўтган ҳафта давомида у Кшепицкий билан бирга саир-томуша программасини тузиб, омборхонадаги озиқ-овқат ва ертўладаги ичимликлар запасини қайта-қайта ҳисоблаб чиқкан ва янги хизматкорлар ёллаб, меҳмонлар учун хоналар ҳозирлаган эди. Хуллас, у қариндошлар, ёру дўст ва таниш-билишларни муносабиб кутиб олиш учун қўлидан келган ҳаммаchorаларни кўриб қўйганди.

Жорж ҳам жуда илҳомланиб кетганди. У меҳмонлар орасида ўралашиб юрар, хонимларнинг кўнглини хуш этиб, эркакларга отхоналарни кўрсатар ва, умуман, ҳамманинг эътиборини ўзига жалб қилишга уринарди. У, гўё Коборовонинг эгаси бошқа одам эканлигини унугиб қўйгандек, ўзини яна тўра деб ҳис этарди. Кшепицкийлан пани Пшеленская Жоржнинг руҳан хасталигини меҳмонларга шипшитиб қўйишганди, шу сабабдан меҳмонлар унинг раъйига қараб, биронта ҳам гапини қайтаришмас эди.

Никодим барчани илтифот билан кутиб олаётган бўлса да, бироқ ўзини жуда сипо тутарди; шу боисдан ҳам меҳмонларнинг унга нисбатан ҳурмати янада ошиб кетди. Беҳисоб меҳмонлар келганига қарамай, у кутубхонага кириб, ичидан қулфлаб олиш одатини ташламади. Бу парса атрофдагиларнинг кўз ўнгидаги унинг обрўсини янада ошириб юборди.

Кечқурунлари паркда Варшавадан таклиф қилинган оркестр музика чалар, шунда барча меҳмонлар кечки салқинда ҳузур қилиб саир этишар, фонарлар билан ёритилган майсазорда танца тушишар эди. Баъзан от минибски извошларга ўтириб, ўрмонга боришарди. Нина ойлинида саир қилишни жуда яхши кўрарди.

Эрталабдан барча тенинс ўйинига берилиб кетарди. Нешинга овқатга қадар иккала кортдан одам аримасди. Царвоқе, кечгача ҳар бир одам кўнгли тусаган ишни қилиб юраверарди. Ёши каттароқ кишилар фабрика ва ёқинзорларни қизиқиб томоша қилишар, ёшлар эса от минишар, кўлда чўмилишар, моторли ва эшкакли қайқларда мусобақалашар эдилар.

— Жойларингиз жуда чиройли экан,— дейишарди меҳмонлар Нина билан Никодимга.— Коборовони олтин кон деса бўлади.

Барчанинг вақти чор эди. Кашандалар учун ажратилган хонани бридж ишқибозлари эгаллаб олишди. Улар бир минут ҳам стол ёнидан нари кетмасди. Емакхонадаги дастурхонлардан кун бўйи ичимлик ва егулик аримасди.

Учинчи куни катта бал уюштирилди. Бу жуда ажойиб базм бўлди. Таклиф қилинган бир юз қирқ киши ўрнига бир юз олтмиш уч одам йигилди.

Бал кечқурун соат ўнда бошланиб, кундузи соат бирда мазурка билан тугади. Меҳмонлар молдай ичишлиди, шу боисдан хизматкорларнинг иши бошидан ошиб кетди: буталар тагидан фирт масти мэхмонларни қидириб тошиб, уларни каравотларга олиб бориб ётқизиш керак эди.

Нихоят, ҳамма ухлагани тарқалди, чунки кечқурун ҳосил байрами ўтказилиши лозим эди.

Уй олдидаги майсазорнинг чор атрофига бочкалар қўйиб чиқишиди. Дехқонлар учун очиқ хавода столлар қўйилиб, меҳмонларга айвонда дастурхон тузалди. Воевода Дизманинг энг яхши ўроқчи аёл билан рақс тушиши лозимлигини айтиб, унга тегишиб қўйди.

— Механизациянинг анъаналарни ёмиришини қа-  
ранг-а,— деда қўшимча қилди у.— Ҳозирги куида ҳосил  
байрами ўз маънисини йўқота бошлади.

— Афсус, анъаналаримизга ачинади киши,— деди  
Нина.

— Гапингизга қўшиламан, лекин аҳвол чиндан ҳам  
шундай.

— Бунинг оқибати нима бўларкин?— деда хўрсинди  
Дизманинг мулкдор қўшниси мўйсафида пан Ройчин-  
ский.— Фирт тентаклик! Машиналар ҳаётимизни гўзали-  
кidan маҳрум қилиб, уни хунукалаштириш билан бир-  
га, кишиларнинг ўрнини эгаллаб оляпти.

— Кимнинг ўрнини эгаллабди? Кимни?— деди жи-  
закилик билан Дизма.— Кўриб турибсиз-ку, ҳосил бай-  
рами уюштирдик, одамлар хурсанд. Ялангоёқларнинг  
бир қисми қирилиб кетса ҳеч нима қилмайди! Ма-  
шиналар ҳаётни фаровонроқ қилади, холос. Ана шун-  
дай!

У шартта орқасига ўғирилиб, хонадан чиқиб кетди.

— Тўппа-тўғри,— деда бош иргади генерал.

— Бу дейман, у ҳм... дипломатияни йигиштириб қў-  
йиб, жуда очиқасига гапириб юборди-ю,— деди ҳайрат  
ичида генералга қараб кекса помешчик.

Боевода кўнгилчанлик билан жилмайди.

— Азизим, менга ишонинг: унинг шундай гапириши-  
га ҳақи бор. Оғзи қийшиқ бўлсаям, бойниг ўғли гапир-  
син, деганлар-ку ахир. Генерал Камбронни олсак, ана  
уни дипломат деса бўлади.

Оркестр машқ бошлаб юборди. Унинг олдига дех-  
конлар йиғила бошлашди.

Ниҳоят, йирокда ўроқчилар тўдаси кўринди: Улар  
аллақандай сўзсиз белорусча куйни хониш қилиб кели-  
шарди. Уларнинг бу ғамгин, азалий мақомида ҳосил  
қувончи эмас, жанг майдонининг даҳшати ифодалана-  
ётгандек эди. Чамаси, минг йилдан бўён куйланиб ке-  
лаётган бу қўшиқни эшитганида Нина доим маъюслани-  
ниб қоларди. Унинг назарида ҳиндулар худди шундай  
хониш қиладигандек эди.

Бу орада ўроқчилар анча яқинлашиб қолишли. Ол-  
динда сонлари бўлиққина, лорсиллаган кўкраги ёқаси-  
га кашта тикилган бўз кўйлагини туртиб чиққан, баланд  
бўйли бир қиз келаверди. Унинг калтагина қизил юб-  
каси остидан келишган дуркин болдири кўриниб турар-  
ди. Дугоналари ипак пайпоқ ва французча пошиали

амиркон туфли кийиб олишган бўлишса-да, бу қиз яланг  
оёқ эди. У бошқа қизларга қараганда анча почорроқ  
кўринарди. Қиз сули бошоқларини дасталаб кўтариб  
олганди.

Понимирскийнинг ёнида турган барон Рельф унинг  
қўлтиридан тутиб, секингина деди:

— Жуда зўр эканми! Ҳақиқий Помона-я. Жуда насл-  
дор кўринади. Қорни ва сонларининг мушаклари жу-  
да бақувват бўлса керак. Насл масаласида дехқонлар  
анча почор кўринадиган бундай чет жойда шундай  
ажойиб нусхани учратаман, деб сира ўйламаган эдим,  
граф. Ундан десам, ҳаммасиям кўҳликкина. Жин урсин,  
ҳаммаси зотдор-а! Воажаб!

Жорж моноклини кўзига жойлаб, Рельфга нафрато-  
муз қараб қўйди.

— Аксинча, бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ,  
барон. Понимирскийлар Коборовога беш юз йилдан бўён  
эгалик қилиб келишялти. Билишимча, менинг муҳтарам  
аждодларимдан биронтаси ҳам ҳалқа унинг аёллари  
орқали маърифат тарқатиш вазифасидан ўзини олиб  
кочган эмас.

— Тушунаман, тушунаман,— деда бош иргади ба-  
рон.— Авом ҳалқ эса доим биз зодагонлар отлар ва  
қора мол наслини яхшилашдан бўлак иш билан шуғул-  
ланмаслигимиз ҳақида гап сотади. Манови дехқонлар-  
га бир назар ташлашнинг ўзи кифоя: шунда биз энг  
катта муваффақиятга ана шу соҳада эришганимиз дар-  
ҳол аён бўлади қўяди.

— Кечирасиз,— деда унинг гапини бўлди Понимир-  
ский,— «биз» деганда кимни назарда тутяпсиз?

— Биз зодагонларни-да.

— У ҳолда биз бир-биримизни тушунмабмиз. Мен  
Понимирскийлар — яъни кўҳна зодагонларни назарда  
тутган эдим.

Жорж моноклини чўнтағига тиқиб, шолғомдай қи-  
зарип кетган баронга орқасини ўғириб олди.

Кўшиқ ва рақслардан сўнг базм бошланди.

Оқшом анча салқин бўлиб, хонимлар совқотаётган-  
ларидан шикоят қила бошлашган эди, меҳмонлар айвон-  
дан уйга киришди. Боғда ёлғиз Дизма қолди. У мез-  
бонлик бурчидан ҳам кўра кўпроқ ўз ҳузурини ўйлаб  
ўроқчи аёллар билан тинмай танца тушарди. Никодим  
ҳаммасидан ҳам ҳалиги дуркун қиз билан кўп тэнца  
тушиди. Дизма унинг қайлири — тахта тилиш заводида

ишлайдиган норрул йигитнинг қовоқ-тумшуғи осилиб кетганига эътибор бермай, пайт пойлаб туриб қизни паркка олиб кириб кетди.

Қиз ҳам помешчикнинг раъйини қайтармади. Қайлиғи эса аламидан ўлгудай ичиб, фирт маст бўлиб қолди.

«Анови аҳмоқ Понимирский» билан қилган сұхбатидан сўнг бироз ўзига келиш учун паркни айланаб қайтаётган барон Рельф тасодифан бу воқеанинг шоҳиди бўлди. Шундан сўнг у:

«Демак, мен ҳақ эканман: фақат кўхна зодагонларгина эмас, балки янгилари ҳам дехқондар наслини яхшилашнинг ташвишини тортар экан»,— деда хаёлидан ўтказди.

Шарқ томонда осмон аста ёришмоқда эди.

## 24- боб

Пешинга яқин етиб келган хабар барчани ҳаяжонга солди: кабинет истеъфога чиқими ҳақида ариза берибди ва унинг истеъфоси қабул қилинибди.

Уляницкий дарҳол шаҳарга қайтиш ҳақида Варшавадан телеграмма олди.

Кабинетнинг истеъфога чиқиши Коборово меҳмонларининг кўпчилигига шахсан алоқадор воқеа бўлиб, бъязи бировлар, мансабларидан маҳрум бўлишлари мумкин эди. Барча фақат шу воқеа ҳақида сўзлашарди. Уляницкий вестибюлда у ёқдан-бу ёққа юрганича тинмай сўкинарди.

Яшунская хабарни эшигтан заҳоти Варшавага жўнаб кетди.

Воевода Шеймонт ўз идорасига телеграмма бериб, Варшавадаги ҳукumat кризиси тафсилотлари тўғрисидаги барча гапларни ўзига хабар қилиб туришни буорди.

Кечқурун газеталарни олиб келишди. Газеталарнинг барча саҳифалари бу воқеа ҳақидаги хабар ва мишишлар, вазиятга берилган қарама-қарши баҳолар, турли тахмин ва гумонлар билан тўлиб кетган эди. Улар фақат бир масалада — кабинет иқтисодий кризизни бартараф этолмагани боисидан қулагани ва унинг ўрнига катта обрўга эга бўлган одам раҳбарлигида янги кабинет тузиш лозимлиги ҳақидаги масалада яқдил эдилар.

Бош министрлик лавозимига номзодлар орасида генерал Трочинскийнинг фамилияси ҳам кўзга ташланиб ту-

рарди. Генерал касалхона кассаларининг бошқарувчиси ҳамда маданият ва санъат бўйича ҳалқаро конгресс делегати сифатида анча обрў ортириган бўлиб, «Наполеон I, Александр Македонский ва бошқаларнинг стратегик хатолари» номли брошюраси билан ўз мавқеини мустаҳкамлаб олган эди. Аввалроқ у «Йўқолсин коммунизм!» номли китобчаси билан шуҳрат қозонганди. Унинг миллий музей томонидан сотиб олинган бир сурати ҳам жуда машҳур эди. Сурат мой бўёқлар билан автопортрет жанрида чизилган бўлиб, унда муҳтарам генерал чақонлик билан баҳайбат қоплонга наиза санчаётган пайт тасвирланганди.

Коборовода бу номзод ҳар томонлама муҳокама қилинди. Очиғини айтганда, унинг бош министр бўлишига ҳеч ким қарши эмасди.

Кечки овқат маҳали бояги суратдаги бўёқларнинг уй-ғуналиги ҳақида мунозара бошланиб кетди.

— Ник,— деда сўради Нина,— сенингча ким бош министр бўларкин?

— Буни мен қаёқдан билай.

— Ҳар қалай айт-чи?..

— Ҳм... Агар Трочинский бўлмаса, эҳтимол, Яшунский бўлар...

Кайфи ошиб қолган Вареда столга мушт туширди:

— Йўқ, Никодим, биласанми, ким бош министр бўлиши керак?

— Қим?

— Сен.

Орага жимлик тушди. Барча Дизмага тикилиб қолди. Вареда ҳазиллашди, деб ўйлаган Никодим пешанасини тириштириб тўнғиллади:

— Кўп ичиб қўйибсан, Вацек. Қўй бу гапни.

Нина ўрнидан турди. Шундан сўнг барча беканинг ишораси билан меҳмонхонага ўтди. Полковник ўзини оқлаш учун алланима деган эди, ғовур-ғувур ичидаги сўзлари эшигилмай қолди.

— Қайиқларга ўтириб, кўлда сайр қилишни таклиф қиласман,— деди хонимлардан бири.— Ҳамма ёқ сутдай ойдин!

Барча бу таклифга бажонудил рози бўлди.

Чиндан ҳам сайр жуда кўнгилли ўтди. Кўл улкан ақиқ қатламига ўхшарди. Унинг сатҳида юлдузлар майдада дур доналарида акс этарди, улар орасида эса, воеводада Шеймонтнинг чамалашига кўра лоақал ўн қиротлик

гавҳардай келадиган тўлин ой ярқираб турарди. Қайиқлар оҳиста чўлпиллаб қирғоқдан узоқлашиши билан кимдир қўшиқ бошлаб юборди.

— Афсус,— деди хўрсиниб Никодим,— қўлимда мандолина йўқ-да.

— Бой, сиз ҳали мандолина чаласизми?— дея ажабланди опа-сингил Чарскаялардан бири.

— Ҳа, ҷаламан. Айниқса, ойдин кечалари қайиқда чалишни яхши кўраман. Илҳомим қўзиб кетади. Тун, осмонда ой ярқирайди, ҳамма ёқни уфқнинг ҳиди тутиб кетади...

Ҳамма ҳахолаб кулиб юборди. Оқсоқол Тишко эса:

— Пан раис шу ерда ҳам содда қўшиқларимиз устидан кулдилар-а,— деди.

Пшеленская елкасини қисиб қўйди:

— Наҳот сиз, пан раис шундай арзимаган нарсаларга қизиқади, деб ўйласангиз?

— Бўлмасам-чи,— дея унинг гапини илиб кетди оқсоқол.— Ахир ғалла банкасини ёпиш ҳақидаги қарорни мен ҳам эшийтдим. Шундай банкани-я! Шундай ишни барбод қилишса, унинг асосчисига алам қиласди-да... Шундай эмасми, пан раис?

— Ҳўш, ўзингиз қандай ўйлайсиз?— дея саволга савол билан жавоб қилди Дизма.

— Буни қарангки,— тинмай давом этди оқсоқол.— Ҳамма ёқдаям қандай иш қилинаётгани эмас, балки бу ишни ким бажараётгани катта аҳамиятга эга экан. Банкага пан раис раҳбарлик қилаётган пайтларида ҳаммаси жойида эди.

— Балки ҳали ҳаммаси изига тушиб кетар,— дея гап қотди Дизма.

— Қаёқда дейсиз,— деди қўл силтаб оқсоқол.— Бир неча ойдаёқ банка барбод бўлди. Ҳамма гап одамда, ҳа, фақат одамда.

— Жуда тўғри айтдингиз,— деди комил ишонч билан Пшеленская.

— Хелло, Никодим!— дея қичқирди нарироқдаги қайиқдан Понимирский.— Оксфордда ижро этиладиган эшқакчилар қўшиғини айтмаймизми? А?

— Айтинглар, айтинглар!— дея илтимос қила бошлиди хонимлар.

— Товушмининг мазаси йўқ,— деди зардаси қайнаб Дизма.

— Ёлғон гапирияпти! Товуши яхши,— дея қичқирди ўз ҳазилидан чаноқ бўлиб Жорж.— Темзада қандай куйлаганимизни унутдингми? Лорд Келедин оғ Ньюдон товушингни жуда...

У гапини тугатишга улгурмади: Никодим эшқакни сувга қаттиқ уриб, Понимирский ва у билан бирга қайиқда ўтирган кишиларнинг устига сув сачратиб юборди.

— Кечирасизлар,— деди сўнг Дизма,— унга факат совуқ сув кор қиласди.

Улар орқага қайтишиб, бир неча минутдан сўнг паркка кириб боришиди.

Ўй олдида кимнингдир чанг босган автомобили турарди. Шофер мотор устига энгашиб, унинг аллақаерини тузатмоқда эди.

— Ким келди?— дея сўради Дизма.

— Пан директор Литвинек.

— Литвинек?— Никодим ажабланиб, қошини чи-мирди.

Чиндан ҳам у Қасрдаги расмий қабул маросимларида президент идорасининг бошлиғи вазифасида ишлайдиган доктор Литвинек билан танишган эди. Бироқ уларнинг орасида дўстона муносабат бўлмай, Литвинекнинг тортинимасдан Коборовога келиши Никодимни ҳайратга солди.

Мехмонлар уйга киришди.

Вестибуолда Кшепицкий қора соchlарига оқ оралаган баланд бўйли бир киши билан гаплашиб турарди. Дизма тўғри уларнинг олдига бориб саломлашиди.

— Ҳўш, хуқумат кризиси нима бўляпти?— сўради гап орасида Никодим.

— Мен хузурингизга худди шу масала юзасидан келдим,— дея жавоб қилди таъзим билан доктор Литвинек.

— Шу масала юзасидан дейсизми?

Барча нафасини ичига ютиб, қулоқ сола бошлади.

Литвинек портфелидан конверт олиб, бир оз сукут қилиб турди-да, сўнг дабдабали оҳангда деди:

— Муҳтарам пан раис. Мен бу ерга Жеча Постолита президенти топшириғига биноан унинг номидан янги кабинет тузиш вазифасини ўз зиммангизга олиши илтимос қилиб келдим. Мана, президентнинг шахсий мактуби.

— Ундай дея у Никодимга қўлидаги конвертни узатди.

Дизма қип-қизарганича анграйиб қолди.

— Нима... Нима?

Гапининг қандай таъсир қилганидан мамнун бўлган Литвинек хиёл жилмайиб қўйди.

— Республика президенти, пан раис, сиз янги кабинет тузиб, унга раҳбарлик қилишини ўз зиммангизга олурсиз, деб умид қилади.

Дизма талмовсираб конвертни олди, ундан титроқ қўллари билан мактубни чиқарди-да, ўқишига киришиди, лекин кўз олди қоронфилашиб, ҳарфлар чаплашиб кетди.

Чиндан ҳам президентнинг шахсий мактубида ҳозиргина Литвинек айтган гаплар ёзилган эди. Дизма мактубни аста буқлаб, конвертга солди. Унинг ташвишига тушиб қолгани юзидан сезилиб турарди.

— Президент илтимосини рад, қилмаслигинизга ишонади, пан раис. Сиёсий кескинлик ва иқтисадий кризис натижасида мамлакат ҳалокат ёқасига бориб қолган шундай бир пайтда бу нарса жуда катта аҳамиятга эга. Бу жуда оғир масала. Бироқ шахсан давлат бошлигининг ўзи ва, умуман, бутун жамият сизга ғоят ишонар экан, фақат сизгина бу масалани муваффақиятли ҳал этишингизга президентнинг имони көмил. Сизнинг ҳалқ орасидаги обрўйингиз, билим ва тажрибангиз ишнинг қўзини биладиган ҳукумат тузишингизга, кучли одамни зориқиб кутаётган мамлакат фаровонлигини оширишингизга кафолот беради. Бу ишни сиз... Фақат сиз... бажара олишингизга ўзим ҳам умидвор эканлигимни изҳор этишига рухсат этгайсиз, пан бош министр.

Шундай дея, у чуқур таъзим қилди-да, индамай қолди.

Меҳмонларнинг бари анграйиб туришарди.

Литвинек умрида биринчи марта шундай вазифани адо этаётгани учун ҳаммани қойил қолдиришига умид қилган эди. У янгишмади.

Барчанинг юзида ҳаяжон акс этарди. Ҳазилакам ишми, уларнинг кўз ўнгига ҳокимият янги—кучли одам қўлига ўтмоқда эди-да. Ранги докадай оқариб кетган Нина кресло дастасини маҳкам ушлаб олди. Вареданинг баширасидан у ҳозир йиғлаб юборадигандай туюларди. Қшепицкий бошини баланд кўтариб, атрофдагиларга мағрур кўз югуртириб чиқди. Хайратдан кўк кўзларини катта очган Жорж Понимирский унинг елкаси оша меҳмонларга қараб турарди.

Ҳеч ким ўтиришга журъат этмасди.

Ҳаммадан олдин воевода Шеймонт эс-ҳушини йигиб олди. У Никодимнинг ёнига келиб, чуқур таъзим қилдида, унинг қўлини қисди.

— Сизга чин қалбимдан катта муваффақиятлар тилайман, пан бош министр... Лекин табрикламайман, чунки бу тарихий дақиқада сизни эмас, балки биз давлат гражданлари ва унинг хизматкорларини табрикламоқ лозим.

Бошқа меҳмонлар ҳам воеводадан ибрат олиб, Дизмани табриклай бошлади. Никодим қовоғини солганича табриклაётган одамларнинг қўлини бирма-бир қисиб чиқди.

Дизма қандай шарафга мусассар бўлаётганини жуда яхши тушунарди. У, лисковлик ноҷор бир чиновник Никодим Дизма, энди катта бир давлатнинг жиловини ўз қўлига олиши мумкин эди. У шахсий поездда юради, бутун мамлакат, ҳатто бутун дунё унинг иомини тилга олади.

Лекин... лекин, аслида... унга бунинг нима кераги бор?

Яна Варшавада таҳликага тушиб яшайди, яна бирор бўлмағур гапни валдираб қўйишдан чўчиб юради.

Аммо буюк ҳокимият, ўттиз миллиондан ортиқ қишига ҳукмронлик қилишдан воз кечиши осонми! Бундай ҳокимиятга, Министрлар Советининг раиси деган номга ҳеч бўлмаса бир қунгина эришиши учун ҳаётини ҳам аямайдиган минглаб одамлар топилади! Бош министр Дизманинг кабинети... Никодим Дизманинг ҳукумати... Армия честь беради, ҳарбий кемалар тўплардан ўқ узиб, олқишилайди... Бу ҳақда бутун дунё газеталари ёзади ахир... Ҳокимият, шон-шуҳрат...

— Жавобингизни кутаман, пан бош министр,— деди яна доктор Литвинек.

Никодим ҳушига келиб, атрофдаги одамларга кўз югуртириб чиқди. Ҳамманинг кўзи унда эди. У томоқ қириб, ўринидан турди.

— Ўйлаб кўриш учун менга ярим соат муҳлат берсангиз,— деди у бўғиқ товуш билан.— Пан Қшепицкий, торинг.

Улар Қшепицкий билан бирга Никодимнинг кабинетига киришиди-да, эшикни ичидан қулфлаб олишиди.

— Нима қилишимниям билмай қолдим...— дея гап бошлади Дизма.

— Бунинг нимасини билмас экансиз, пан раис? Ҳам-

маси равшан-ку. Шундай эътибор! Шундай ҳокимият!

— Ҳа, албатта, бироқ бу жуда масъул иш. Давлатни бошқариш банкага раҳбарлик қилиш дегани эмас.

— Ҳўш, нима қилиби?

— Уддалай олмаслигим мумкин.

— Уддалайсиз пан раис.

Никодим лабларини чўлпиллатди.

— Ҳозир турли-туман кризислар кўпайиб кетган, кундан-кун раҳбарлик қилиш оғирлашиб боряпти...

— Бирор нарса ўйлаб топасиз, пан раис, миянгизга бирор яхши фикр келиб қолади. Мен бундан ташвиш қилмайман. Чунки сиз янгилик ўйлаб топишга жуда моҳирсиз... Бир тасаввур қилинг-а, пан раис: мана сиз ҳокимиятни қўлга олдингиз, аҳоли хурсанд, жамиятнинг кайфияти кўтарилиди, сиз бир нечта самарали тадбирларни амалга оширасиз. Агар бунинг устига умумий конъюктура яхшиланса борми!..

— Яхшиланмаса-чи?.. Фақат шарманда бўлганим қолади.

— Ҳеч нима қилмайди! Унда ҳамма айбни ёмон конъюктура билан халқаро кризисга қўйиш мумкин. Озмунча кабинетлар истеъфога чиққанми?

Шу пайт эшик тақиллаб қолди. Кабинетга Нина кирди.

— Сенга халал бермайманми?— дея журъатсизлик билан сўради у оstonадан.

— Йўқ, киравер.

— Буни қаранг-а,— деди Нинага қараб умидсизлик билан Қшепицкий,— пан раис ҳамон иккиланиб турибдилар.

— Биласанми, Ниночка, бу жуда қийин иш. Қолаверса, менга шу ер — Коборово яхши.

Нинанинг чехраси ёришиб кетди.

— Азизим! Менга жуда меҳрибонсан-да! Лекин, Ник, мен Ватанимизга зиён келтириб бўлса ҳам сени Коборовда тутиб қоладиган худбинлардан эмасман! Ўзинг нимани дозим толсанг, шуни қил, менимча, сен мамлакатни кутқариб қолишга қодирсан.

— Сен шундай деб ўйлайсанми?

— Бурчинг нимани тақозо этса, шундай йўл тутавер. Худо ҳақди, мени тантик деб ўйлама, лекин мен Варшавада бош министрнинг рафиқаси бўлиб юришдан кўра, сен билан шу ерда яшашни афзал кўраман. Аммо

арқалай... Мени севишинг туфайли давлатга раҳбарлик қилишдан воз кечатганингни ўйласам ташвишга ушунпман...

— Ҳм...— дея тўнғиллади Дизма.

— Пан раис,— яна гап бошлади Қшепицкий боштингининг таклифини қабул қилишга мойил бўлиб бора-танини кўриб,— менда бир фикр туғилиб қолди: сиз докимиятни қўлга олганингиздан сўнг биз тезда Ҷон-юнга борамиз.

— Нега?— норози оҳангда сўради Дизма.

— Нега дейсизми? Қарз олиш учун. Бошқа биронта ёдамга бермасликлари мумкин, аммо сизнинг ошна-шайниларингиз кўп. Ахир Оксфорддаги курсдошларингиздан кўпчилиги ҳозир Англияда юқори лавозимларда шилаётган ёки ижтимоий ҳаётда муҳим роль ўйнаётган ўлса керак. Балки қарз олишга муваффақ бўлармиз?

Қшепицкий бу сўзлари билан ўз умидларини чиппак-са чиқазганини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Никодим қовоғини солиб, унга жим бўлинг, дегандай шора қилди.

«Ҳа,— дея ўйлади у,— мен буни мутлақо унугутибман... Мен бош министр сифатида турли элчиларни қабул қилишим керак. Ҳатто Женевага боришга ҳам тўғри келар. Тўғри, мен таржимон олишим мумкин, лекин у ҳолда менинг поляк тилидан бошқа ҳеч қандай тилни билмаслигим ошкор бўлиб қолади... Бунинг устига анон-лаънати Оксфордни айтмайсизми!.. Ниҳоят, бу машмашанинг менга нима қераги бор?..»

У ўрнидан турди, Нина билан Қшепицкий унга бевозталаниб қараб туришарди.

— Гап бундай,— деди қатъий оҳангда Дизма,— мен бош министрлик лавозимини қабул қилмайман.

— Пан раис, ахир...

— Ҳеч қандай гап-сўзга ўрин йўқ. Қабул қилмайман — васссалом!

Қшепицкий мажолисланиб стулга ўтириди, Нина турган жойида тошдай қотиб қолди.

Никодим соchlарини тўғрилади ва бошини баланд кўтариб, эшикни очди.

Вестибуль дарҳол жимиб қолди, барча ўрнидан турди.

Дизма эшикни ёпмай, тўғри директор Литвинекнинг олдига келди-да, атрофдагиларга бир кўз югуртириб чиққач, оҳиста деди:

— Пан Литвинек, марҳамат қилиб, пан президент га айтиб қўйсангиз: менга билдирган ишончи учун уйдан фоят миннатдорман, аммо бош министрлик лаво зимини қабул қилолмайман.

— Пан раис!..— деда хитоб қилди воевода Шеймон ва дархол жимиб қолди.

— Нега энди?! Нега?!— деда қичқирди асабийлаши Пшеленская.

Дизма қовоғини солди.

— Шундай дейишга асосим бор,— деди у шавқси овозда

— Қарорингиз қатъиими?— сўради доктор Литвинек.

— Менинг ҳар қандай қарорим ҳам қатъий бўлади.

— Марҳамат қилиб, давлат бошлиғига тегишли жаъовони ёзма-равишда бера олмайсизми, пан раис?

— Ёзib беришим ҳам мумкин.

Никодим бош иргаб, кабинетига қараб кетди.

Унинг ортидан эшик ёпилган заҳоти ҳамма ёқдан ҳар хил гаплар эшитила бошлади.

— Нега?! Нега энди?! Тушунолмадим!

— Ахир бу даҳшат-ку! Мамлакат жуда ночор — ҳа, ҳа, ночор аҳволда! Билмадим, ундан бўлак бу лавозимни ким эгаллай оларкин?

Вареда бош иргади.

— У хафа... Огоҳлантиришига қарамай, ғалла бандасининг бошигига сув қуийшганидан қаттиқ хафа бўлса керак.

Бир зум жимлик чўккан эди, кабинет эшиги ортидан Дизманинг зарда билан гапиргани эшитилди:

— Ёзинг, жин урсин сизни, ёзинг дедимми, ёзинг, вассалом!

Сўнгра ёзув машинкаси чиқиллай бошлади.

— Менинча, пан раиснинг бундай қарорга келишига сабаб, унинг жиянимга бўлган мұҳаббати, ҳис-тўйғуси бўлса керак,— деда гап бошлади пани Пшеленская.— Улар яқингинада никоҳдан ўтишди ахир. Бош министрлик вазифаси кишининг вақтини бутунлай олиб қўяди. Пан Дизма эса, гарчи буни ўзи яшириб юрса-да, жуда туйгун одам. Биз, аёллар бунақа нарсаларни жуда яхши тушунамиз.

— Ҳа, албатта,— деда унинг гапини тасдиқлади графиня Чарская.

Рельф елкасини қисиб қўйди.

— Менинча, хонимлар ҳам, полковник ҳам жуда янглишишяпти. Раис Дизманинг фаолиятини кузатишнинг қараганда, у ўз шахсиятини ўйлаб иш тутадиган одамга сира ўхшамайди.

— Ҳақиқий давлат арбоби!— деди воевода Шеймонт.— Агар у таклифни рад этган бўлса, бунга сиёсий характердаги бирон сабаб бўлса керак.

— Аммо Ватанимиз ҳалокат ёқасида турибди ахир!

— Бизга шундай туюляпти,— деда жилмайди воевода,— ҳа, бизга шундай туюляпти. Лекин, аслида, ишлар биз ўйлаганчалик ёмон эмас, экономикани сиз билан биздан яхшироқ тушунадиган пан раис хавф-хатар унча катта бўлмагани учун ҳам шахсан ёрдамга ошиқинга ҳали эрта деб ўйлаганига аминман.

— Лекин у бир марта мамлакатни қутқариб қолган эди! Қандай зўр иш қилган эди-я ўшандা!

— Ҳа, у ҳақиқий Цинциннат<sup>1</sup>,— деди насиҳатомуз оҳангда воевода.— У жуда катта хавф тугилгандагина омочини қўйиб, ёрдамга ошиқади.

— Ҳа, ҳа!— деди хонимлардан бири.— У ҳали албатта ҳокимиятни қўлга олиб, Ватанимизни ҳалокатдан қутқаради.

— Ажойиб одам!— деди маънодор қилиб воевода.

Кутилмаганда бурчакдан қарғанинг чўзиб қағиллашига ўхшаш бўғиқ кулги эшитилди.

Шу тобгача ҳеч ким жимиб қолган. Жорж Понимирскийга эътибор бермаган ва шунинг учун ҳам унинг энсаси қотиб ўтирганини сезмаган эди. Жорж анчагача қулоқ солиб ўтиргач, охири чидаб туролмади. У стулда чайқалганича қотиб-қотиб куларди.

— Нимадан куляпсиз<sup>2</sup>— ранжигандай бўлиб сўради воевода.

Жорж кулишдан тўхтаб сапчиб ўрнидан турди. У бир неча марта моноклини тақмоқчи бўлди-ю, бироқ қўллари қалтираб, сира тақа олмади. Унинг ғазаби гоят қайнаб кетган эди.

Нимадан, дейсизми? Нимадан эмас, кимдан, деб сўранг! Сизлардан куляпман, билдингизми, сизлардан! Жамият устидан, муҳтарам ватандошларим устидан куляпман!

<sup>1</sup> Цинциннат — Рим консули, мелоддан аввал 460 йилда вафот-этган. Ривоятларга кўра у жуда оддий ҳаёт кечириб дехқончилик билан ҳам шуғулланган экан. (Тарж.).

— Пан Понимирский!

— Жим! — дея ўшқири Понимирский. Унинг касал манд боланикига ўхшаш заъфарон юзи ғазабдан қип қизариб кетди. — Ўчириңг овозингизни! Sapristi! Сиз лардан куляпман! Сизлардан! Жамият устунлари! Ха-ха-ха... билиб қўйинг, бўлмасам: ўша давлат арбо бингиз, ўша Цинциннат, ўша буюк одамингиз, ўша Никодим Дизма — сизларни алдаб юрган ҳақиқий муттаҳам бўлади! У абллаҳ, суллоҳ, шу билан бирга гирт аҳмоқ одам! Экономика у ёқда турсин, орфографиядан ҳам балони билмайдиган эси паст у. Мутлақо тарбия кўрмаган разил бир одам. Унинг башараси, ўзини тубанларча тутишига бир қаранг: аҳмоқ, нуль! Вижданим ҳақи, у Оксфордда ўқиши у ёқда турсин, ҳатто биронта чет тилини ҳам билмайди. Кисавурга ўхшаган қўпол, шубҳали бир шахс! Наҳот шуни кўрмасангиз? Боя сизларни алдаб юрибди, деб нотўғри айтган эканман: ўйқ, сизларнинг ўзларингиз бу маҳлуқни таҳтаги чиқариб қўйгансиз! Ҳа, сизлар! Ҳаммангиз миянгизни еб қўйибсизлар! Сизлардан куляпман, аҳмоқлар! Тўнкалар!..

Ниҳоят, у моноклини тақиб олди. У нафрат билан барчага бирма-бир кўз югуртириб чиқди-да, сўнг эшикни шарақлатиб ёпиб чиққаб кетди.

Капалаги учиб кетган доктор Литвинек одамларга ҳайрон бўлиб қаради: барча хижолат чекиб, ачиғганича жилмайиб тўрарди.

— Ну ма деган гап?! — дея сўради ниҳоят доктор Литвинек. — Ну жаноб ким ўзи?

Унга Пшеленская жавоб қилди:

— Кечирасиз, пан директор, у йигит менинг жиёним — пан райснинг қайнағаси бўлади. Ўзи беозор, Одатда у жимгина юрарди... Эси сал киарали-чиқарлироқ.

— У телба, — дея тушунтириди воевода.

— Бечора бола, — деди хўрсишиб графиня Чарская.

— Ҳа-а, — дея жилмайди Литвинек, — ҳа, албатта, телбалиги шундоқ кўриниб турибди.

## СҮНГ СҮЗ

Дунё адабиёти тарихида буржуа жамиятида ёш йигитнинг мартаба йўли тўғрисида ҳикоя қилувчи асарлар анҷагина топилади. Бу мансабпрастлар галереясида жамиятда муносаб ўрин эгаллашга лойиқ бўлган кучли ироди соҳиби бўлмиш кишилар ҳам бор. Стендалининг «Қизил ва қора» романидаги Жюльен Сорель шулар жумласидандир. Аммо улар орасида Мопассаннинг «Азиз дўстим» романидаги Жорж Дюруя каби иғво йўли билан мақсадга эришувчи кишилар ҳам учрайди.

Мана энди китобхонга қисқа давр ичиди катта мартабага эришган яна бир одам ҳақидаги асар — поляк ёзувчиси Тадеуши Доленга-Мостовичнинг (1898—1939) «Муттаҳамнинг парвози» романи тақдим қилинмоқда.

Хөзирги замон китобхонига Никодим Дизманинг бундай катта мансабга эришиши ақл бовар қилмайдиган нарса бўлиб кўриниади. Ялқов, тўпори ва қашшоқ бир одам тасодиф туфайли йирик давлат арбобига айланади, уни ватан халоскори, деб кўкларга кўтариб мақташади, бош министр бўлишини илтимос қилишади. Ҳаммаси тасодиф туфайли содир бўлабтандек туюлади, бироқ Дизманинг бундай юқори мансабга эришишини ўз моҳиятига кўра тасодиф деб бўлмайди.

Доленга-Мостовичнинг қаҳрамони бундай муваффақият учун ўша давр Польша ҳукмрон доираларидан миннатдор бўлмоғи лозим. Уни юқорига қалқитиб олиб чиқсан ва «мамлакат халоскори» деб атаган кишилар ўшалар бўлади.

Польшада 20—30-йилларнинг бошида иқтисодий ва сиёсий кризис кескинлашган сари мамлакатни қутқариши мумкин бўлган «кучли одам» ҳақида кўпроқ айюҳаннос сола бошлаши. «Бизга кучли одамлар керак», Никодим Дизма Европа меҳмонхонасида Австрия канцлери шарафига берилган зиёфатга борган заҳоти ана шу гапни эшитади. Романинг охирида телба зодагон Жорж Понимирский «Жамият устунларига» қаратади: «Сизларнинг ўзларингиз бу маҳлуқ-

ни таҳтга чиқарib қўйгансиз! Ҳа, сизлар! Ҳаммангиз миянгизни қўйибсизлар!»— деба хитоб қиласди.

Дизма аввалига шон-шуҳрат ва ҳокимиятга сира ҳам интилмага эди. Унга иш бўлмаса-ю, ош бўлса — шунинг ўзи кифоя эди. Дизм мұваффақиятга интилиш у ёқда турсин, оқим ўзини қаёққа оли кетаётганини ҳам тушунинаси. «Чамаси» пешанамга мўътабар одай бўлиб ўлиш ёзилган кўринади»,— деба мулоҳаза қиласди ўзича у

Дизма қолоқ Лисковдан Варшавага келганида бу шаҳарни заб ётиш, катта мартабага эришиши хаёлига ҳам келтирмаган эди. Ўзига ресторона танҷа бошқарувчиси каби оддигина иш қидиради Бироқ уни ҳамма ердан қобилиятсизлиги ва жиззакилиги учун қувви солишади. Ўзига жуда хуш ёқадиган «Фил» қовоқхонасидаги манджиначилик ишидан маҳрум бўлгач, Дизма бошини суқарга жой та полмай қолади. Агар «Фил» қовоқхонаси ёпилиб, Никодим ишси қолмаганида ёхтимол, у бутун умрини мандолина чалиб ўтка зарди.

Дизма бирор ишга лаёқатсизгина эмас, ҳатто ҳеч нимага интилмайди ҳам! У фақат бир оз пул йиғиб, ҳеч қандай ишга қўл урмай, сұхдўлник қилиб яшашни орзу қиласди.

Никодим мартаба поғонасадан юқори кўтарилгани сари кўпроқ маънавий инқирозга учрайди. У Европа меҳмонхонасининг остонасидан ҳатлаб ўтганида ҳали жиноятын эмасди. Бироқ у аста-секиц инсонлик қиёфасини йўқота боцлади. «Бу жуядурвоқиларнинг танобини тортиб қўйиш керак!— деба қичқиради у.— Ялангоёқларнине бир қисми қирилиб кетса ҳеч нима қилмайди!».

Жамиятда катта мартабага эришгач, Дизма қотил ва ўргига айланади. Бочекнинг ўлдирилиши Дизманинг биографиясида ёлғиз қотиллик бўлиб қолмаслигини ктобхон яхши тушуниади. Романинг охирида кўз ўнгимизда ҳокимиятни қўлга олгач, анча қон тўқадиган жиноятын намоён бўлади. Дизманинг ҳокимиятни қўлга олиши эса аниқ. Ҳозирча у «қўлга тушиб қолишдан» чўчиб, бош министрлик лавозимини рад этади. Лекин бир оз вақт ўтгач, романдаги киборларнинг тили билан айтганда «у ҳали албатта ҳокимиятни қўлга олиб, ватанини ҳалокатдан қутқарди».

Доленга-Мостовиҷ ўз романнада фоят характерли воқеани тасвирлаганидан поляк танқидчилигида номуносиб, истеъдодсиз ва калтабин одамнинг давлат арбобига айланисини ифодаловчи «дизмизм» деган термин пайдо бўлди.

Дизманинг мартаба ўйли, шу қадар тубан одамнинг ҳокимият тепасига чиқишига имконият яратилишининг ўзи даҳшатdir. «Доленга-Мостовиҷнинг қаҳрамонлари бошидан кечирган саргузаштлар мудҳиш эртакни эслатади»,— деба ёзган эди 1956 йили «Жиче литерацке» газетасида Стефан Отвиновский.

Роман фоят катта мұваффақият қозонди. Деярли барча қаҳрамонлар ҳаётда ўз прототипларига эга эдилар. Уттизиңчи йилларнинг

китобхонлари роман қаҳрамонлари тимсолида ўша давр Польша давлат арбобларини осонгина таниб олгандилар. Дизманинг тарихи Доленга-Мостовичнинг замондошларига тасодифий кишиларнинг юксалиши мисолидан яхши таниш эди.

«Қасдма-қаёдликка энг аҳмоқ одамни бош министр қилиб тайинлаїман. Утакетган калтабин ҳам премьеर бўлиши мумкинлигини ўрсатиб қўяман уларга»,— деган эди бир куни Польшанинг ўша иштадаги ҳукмдори маршал Пилсудский. Бу гапини исботлаш учун бир йили археология профессори Леон Козловскийни қишлоқ ўзалиги министри қилиб тайинлаган эди.

«Муттаҳамнинг парвози»дан сўнг Доленга-Мостовиҷ яна ўн жита роман ёзди. Бу асарлар ҳам китобхонлар орасида катта мұваффақият қозонди. Бунинг сабаби авторнинг социал ва майший биғфилктларни яхши ҳис этиб, уларни маҳорат билан тасвирлайдишида, албатта.

«Муттаҳамнинг парвози» 30-йиллардаги Польша буржуа жамиятидаги зиддиятларни акс эттирувчи муҳим ҳужжатdir. 1939 йили фашист қўшинлари Польшага бостириб кирганида Доленга-Мостовиҷ капитан унвонида армияга сафарбар этилади ва кўп ўтмай ҳалок бўлади.

«Муттаҳамнинг парвози» романни ҳозирги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмай, Польшада қайта-қайта нашр қилинмоқда. 1956 йили бу роман асосида фильм яратилди.

Д. ГАЛЬПЕРИНА